

Ҳахон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 5(132)

2008 йил, май

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

Ўрхон ПАМУҚ. <i>Дераза орти манзаралари</i> . Ҳикоя.....	3
Даниэла СТИЛ. <i>Саёҳат</i> . Роман.....	25
Варлам ШАЛАМОВ. <i>Ҳикоялар</i>	131

ДРАМА

Жўра СОЙФЕР. <i>Астория</i> . Пьеса.....	89
--	----

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Тангритоғ ўланлари.....	19
Жан де ЛАФОНТЕН. <i>Масаллар</i>	127

ПУБЛИЦИСТИКА

Карло БОНИНИ. <i>Гуантанамо</i>	145
---------------------------------------	-----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Артур ШОПЕНГАУЭР. <i>Севги илоҳиёти</i>	177
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

Лола АМИНОВА. <i>Яшар Камол яратган олам</i>	197
--	-----

ТОШКЕНТ
МАЙ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

О.ШОМАТОВ, Б.ОБИДОВ. **Янги тадқиқот**.....200

АФОРИЗМЛАР

Коса тагида ним коса.....203

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Мирўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Азиз САИД
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

Жамоатчилик кенгаши:
Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдурахим МАННОНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Азимжон ПАРШИЕВ
Ғайрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир **А.САИДОВ**
Рассом **А.БОБРОВ**
Техник муҳаррир **М.НИЗОМОВА**
Мусаҳҳиҳ **Д.АЛИЕВА**
Компьютерда саҳифаловчи **З.МАННОПОВА**

Жаҳон адабиёти, 5. 2008.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 05.06.2008 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1800 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулум номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2008 й.**

Ўрхон ПАМУҚ

Дераза орти манзаралари

Ҳикоя

1

Хеч нарсани кўриб ҳам, тинглаб ҳам бўлмаса, бу ҳаёт эмас, гирт жаҳаннамнинг ўзи. Болалигимдан зерикиш билан қандай курашиб келинганининг гувоҳи бўлганман — радио тинглашган, дераза ортидан кўчани кузатишган, у ёқдан-бу ёққа ўтаётган йўловчиларни, дераза қаршисидаги уйларни томоша қилишган. 1958 йилларда ҳали Туркияда телевизор оммалашмаган эди. Бутунлай бўлмаган эди, деб бўлмайди. “Бўлмаган” сўзи кўпроқ Истанбул кинотеатрларида “ҳали прокатга олиб келинмади” деган сўзларга оҳангдош эди, холос. Аслида, ўша турли Голливуд мелодрамалари тўрт-беш йил олдин суратга олинган бўлиб чиқарди.

Дераза ортидан кузатиш шу қадар одат тусига киргандики, телевизорлар пайдо бўлганидан сўнг ҳам одамлар деразадан туриб, ташқарини кузатишни тарк этмаганлар. Отам, бувам ва бувим телевизордан кўз узмай суҳбатлашишар ва ора-сира жанжаллашиб ҳам олишарди. Бир-бирларига қарамай, гўё деразадан ташқарини кузатиб ўтиришгандай, нимани кўришаётганини бир-бирларига айтиб туришарди.

— Бу қиш қор узоқ туриб қолади, — дерди холам эрталабдан буён оҳиста ёғаётган қорни кузатиб.

— Буниси ҳолва. Сотувчи яна Нишонтоши бурчагида туриб олибди, — дердим мен бошқа деразадан трамвай йўлларини кузатарканман.

Бозор кунлари амаким, холам ва бизнинг оила бувимникида тушлик қилардик. Ҳаммамиз битта уйда, фақат биз бир неча қават пастда яшардик. Дастурхон тузатишларини кутганча дераза ортидан кўчани кузатиб турар эканман, мен ўзимни туғишганларим, қариндош-уруғларим орасида шундай бахтли сезардимки, ҳатто катта столни ғирашира ёритиб турган хира биллур қандиллар ҳам кўзимга ярқираб

*Русчадан
Назира ЖУРАЕВА,
Ойгул СУЮНДИҚОВА
таржимаси*

Турк адаби Урхон ПАМУҚ 1952 йилда Истанбулда туғилган. “Жавдатбей ва унинг ўғиллари” (1979), “Янги ҳаёт” (1994), “Истанбул китоблари” (2003; 2006 йилда рус тилига таржима қилинган) романлари муаллифи. Бундан ташқари, “Инос-транная литература” журналида унинг “Қора китоб” (1999), “Мени Қизил дейишади!” (2001), “Оққалъа” (2004) романлари чоп этилган. Ушбу ҳикояда инсон ички руҳий кечинмалари, ҳаёт тўлқинлари нозиклик ва чуқур самимият билан очиб берилади. 2006 йили унинг ижоди Нобель мукофоти билан тақдирланган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

кўринарди. Бувимнинг ошхонаси ҳамиша ним ёруғ, бошқа хоналари ҳам худди шундай, балки бундан-да қоронғироқ бўларди. Бу балким ҳеч очилмайдиган балкон эшикларига осиб ташланган оғир дарпардалардан тўкилаётган, сирғалиб тушаётган соялардандир, балки дим хоналарда ўтириб қолган ҳидлардандир. Бу хоналар садаф қадамали кўчма дарпардалар, эски сандиқлар, катта-кичик столлар, улкан думсимон роял, унинг устидаги рамкага солинган фотосувратлар ва бир уюм бошқа нарсаларга тўла. Тушликдан сўнг бувам ошхонага ёндош хоналардан бирида тамаки тутатарди.

— Менда футбол ўйинига чипта бор, лекин ўзим боролмайман, — деди у дабдурустан. — Сизларни ўйинга отангиз олиб бора қолсин.

— Дада, бизни футболга олиб боринг, — илтимос қилди акам.

— Болалар бир ҳаво олиб келишсин, — деди онам меҳмонхонадан туриб.

— Ўзинг олиб бор уларни, — деди отам онамга.

— Мен онамникига кетяпман, — эътироз билдирди онам.

— Бувимникига бормаيمان, — деди акам.

— Ана, машина, ўшанда бора қол, — деди шартта бувам.

— Ота, олиб бора қолинг, илтимос, — туриб олди акам.

Узоқ вақт орага галати жимлик чўкди. Меҳмонхонада ўтирганларнинг бари отамнинг оғзидан нима сўз чиқаркин деб, қараб туришарди. Отам эса буни сезиб:

— Машинамни бераман, деяпсизми? — деб сўради бувамдан.

Онам бизга катак-катак иссиқ пайпоқ ва свитер кийгизаётган пайтда отам узун даҳлизда сигарет чекканча у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Бувамнинг оч яшил ранг машинаси Ташвиқия масжиди ёнида турарди. Отам иккимизни машинага ўтқазгач, моторни бир ёқишдаёқ ўт олдирди.

Стадионда одам сийрак эди.

— Манови чипта икковига, — деди отам чиптачига. — Бири саккиз, иккинчиси ўн бир ёшда.

Чиптачининг ўткир нигоҳларидан қочиб, ичкарига кирдик. Кўп ўриндиқлар бўш экан, дарҳол жой топиб, ўтириб олдик.

Жамоалар нам майдонга тушиб келишди. Менга оппоқ калта иштондаги футболчиларнинг совқотмаслик учун майдонда сакрашлари ёқди, уларни мароқ билан кузатардим.

— Қара, Кючюк Меҳметни кўраяпсанми? — улардан бирини бармоғи билан кўрсатди акам. — Уни ёшлар жамоасидан олишибди.

— Ўзим ҳам биламан, — дедим.

Ўйин бошланди, нафасимизни ичимизга ютиб, ўйинни томоша қила бошладик. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, менинг кўзим ўйинда-ю, хаёлим бошқа томонларга кетиб қолди. Нега футболчиларнинг кийимлари бир хилда-ю, исмлари турлича? Назаримда, стадионда ўйинчилар эмас, уларнинг исмлари югуриб юргандек эди. Ўйинчиларнинг уст-бошлари борган сари ифлосланиб борарди. Менинг этиборимни аста-секин сузиб келаётган пароходнинг трубази тортди. Пароход Босфор қўлтиғидан сузиб ўтаркан, ўйингоҳ минбарининг очиқ жойидан яққол кўриниб турарди. Биринчи тайм яқунлангунча ҳам дарвозага тўп ура олишмади, танаффус пайтида нон билан нўхат сотиб олдик.

— Ота, мен ҳаммасини ея олмайман, — дедим.

— Қолганини кейин ерсан, — деди у.

Танаффусда биз ҳам худди бошқалардек исинишга уриндик, оёғимизни оёғимизга ура бошладик. Учаламиз ҳам қўлимизни ши-

мимизнинг чўнтагига солиб, футбол майдонига орқа ўгирганча, бошқа томошабинларни кузата бошладик. Тўсатдан оломон орасида кимдир отамни чақириб қолди. Отам эса қўлларини қулоғига тутиб, унинг гапларини эшитолмаётганига ишора қилди.

— Боролмайман, — деди у бизга ишора қилиб, — болаларим билан биргаман.

Сиёҳранг шарфдаги одам атрофдагиларни нари-бери итариб биз томонга ошиқди.

— Булар сенинг болаларингми? — деди у отам билан қучоқлашиб кўришар экан. — Ишонгим келмаяпти, катта бўлиб қолишибди-ку!

Отам мийигида кулиб турарди.

— Қачон катта қилиб улгурдинг? — тинмай жавварди отамнинг таниши бизга ҳайратланиб тикиларкан. — Мактабни битирибоқ уйланибсан-а?

— Ҳа, — деди отам танишининг юзига қарамай.

Улар гаплаша бошлашди. Сиёҳранг шарфли киши бизнинг кафти-мизга биттадан америка пистасидан тутқазди. У кетгач, отам ўриндиққа ўтириб, узоқ сукутга чўмди.

Футбол жамоалари майдонга тоза кийимда югуриб чиқиб келишга ётганда, отам:

— Уйга кета қолайлик. Совуқ тушиб қолди, — деди.

— Мен совқотмаяпман, — деди акам.

— Йўқ, совуқ-ку. Али ҳам совқотиб қолади. Қани, тура қолинглар.

Ўтирганларнинг тиззаларига урила-урила, оёқларини боса-боса ўйингоҳдан чиқиб кета бошладик. Кўчага чиқишимиз ҳамон ҳакамнинг ҳуштаги эшитилди. Иккинчи тайм бошланган эди.

— Совқотдингми? — сўради акам мендан. — Нега отамга совқотмадим, деб айтмадинг?

Акамнинг гапига жавоб қайтармадим.

— Аҳмоқ, — деди у.

— Иккинчи таймни уйда радиодан эшитасизлар, — деди отам.

— Бу ўйинни радиода беришмайди, — жавоб қайтарди акам.

— Бўлди, — деди отам. — Уйга Тақсим орқали қайтамыз.

Биз индамай йўлда давом этдик. Отам машинани Тақсим орқали ҳайдади. Тақсимдан ўтгач, от пойгасига кўзимиз тушди. Пул тиккани отам машинани бир четда тўхтатди.

— Эшикни ҳеч кимга очманглар. Мен тезда қайтаман.

У машинадан тушди. Машина эшигини калит билан қулфлагунча бўлмай, биз уни ичкаридан қулфлаб олдик. Лекин отам чиптачининг олдига эмас, бошқа тарафга қараб йўл олди. Илдам одимлаб, хиёбонни кесиб ўтди-да, аллақандай дўконга кириб кетди. Дўкон деразасидан осиб қўйилган самолётлар, кемалар, гўзал манзарали катта-катта плакатлар кўриниб турарди.

— Отам қаерга кетаяптилар?

— Уйга борганимиздан кейин “Тоқ ва жуфт” ўйинини ўйнаймиз, — деди акам саволимга жавобан.

Отам қайтиб келгач, акам тезлик билан узатиш дастасини жойига суриб қўйди.

Биз Нишонтоши майдонига етиб келдик. Отам машинани мачит ёнига қўйди ва Оловуддин дўкони ёнидан ўтиб кетаётганимизда:

— Сизларга бирон нарса олиб бермоқчиман, фақат анови “Машхур” деган сақичдан олиб беринг, деб тиқилинч қилманглар, — деди у.

— Отажон, олиб беринг, — ялиндик биз.

Отам Оловуддин дўконига кириб, биз хуш кўрадиган сақичдан ҳар биримизга ўн донадан олиб чиқди. Биз уйимиз йўлагига киргач, мен бесаранжом бўла бошладим. Лифт ичида ҳожатга чиққим келиб қолса бўладими? Уйимизнинг ичи иссиққина эди. Ойим ҳали бувим-никидан қайтиб келмаган экан. Биз отам олиб берган сақичларни шоша-пиша очиб, қоғозларини ерга ташлай бошладик. Сақичимнинг ўрамидан Февзи Чакмак Пошо сурати, бошқасидан Чарли Чаплин ва жангчи Хамит Капланнинг сурати чиқди. Ганди, Моцарт ва Шарль де Голл, иккинчисидан Отатуркнинг тасвири, яна биттасидан Грета Гарбонинг тасвири чиқди, — бундай қистирмалар акамда йўқ эди. Қўлимда роппа-роса 173 та қистирмам бор, бироқ ҳамма туркумларни тўплаш учун менга яна 27 та турли қистирмалар керак эди. Акамнинг қўлига маршал Февзи Чакмак Пошо акс эттирилган тўртта қистирма, Отатуркнинг сурати бор бешта қистирма, Эдисон суратли битта қистирма тушиб қолди. Биз оғзимизга биттадан сақич солдик-да, қистирманинг орқа томонига ёзилган сўзларни ўқий бошладик:

“Маршал Февзи Чакмак (1876-1950), Озодлик уруши бош қўмондони. “Машҳурлар” туркумидан 1000 та турли қистирмали тўпلام йиғинг ва теридан ясалган футбол тўпини Мамбо Шикер Чаклет Санайи фабрикаси томонидан туҳфа сифатида қабул қилинг”.

Акам аввалдан йиғиб келаётган қоғозли сақичдан чиққан жами 165 расмни қўлида ғижимлаб:

— “Тоқ ва жуфт” ўйинини ўйнаймизми? — сўради у.

— Йўқ, — дедим.

— Менинг ўн иккита Февзи Чакмакимга битта Грета Гарбони алмашасанми? Шунда сенда роппа-роса 184 та бўлади.

— Йўқ, алмашмайман, — жавоб қайтардим мен.

— Сенда Грета Гарбодан иккита-ку.

Мен индамай туравердим.

— Эртага эмлаётган пайтда яна юрагим торс ёрилади, деб ёнимга югуриб келмагин, хўпми?

— Келмайман ҳам.

Кечки овқатни жимгина тановул қилдик. Ҳаммамиз “Спорт дунёси” кўрсатувини кўриб, ўйин 2:2 билан якунланганини эшитдик. Онам бизни уйқуга ётқизиш учун хонамизга кириб келди. Акам папкасини саранжомлаётганди, мен меҳмонхонага югуриб чиқиб кетдим. Отам дераза ёнида кўчага қараб турарди.

— Ота, эртага мактабга боргим келмаяпти.

— Нималар деяпсан, ўғлим?

— Эртага бизни эмлашмоқчи, — дедим мен. — Хат ёзиб беринг. Иссиғим чиқиб, нафасим сиқилиб қолади. Ойим биладилар.

Отам менга индамай қараб турарди. Мен қоғоз-қалам олиб келиш учун югуриб чиқиб кетдим.

— Ойингнинг бундан хабари борми? — сўради отам ўйиб, ниҳоясига етказа олмаётган Кьеркегорнинг китоби устига мук тушиб. — Мактабингга, албатта, борасан. Мен сени эмламанглар, деб ёзиб бераман.

Отам хат ёзиб берди. Хат сиёҳини пуф-пуфлаб қуритдим-да, буклаб чўнтагимга тикдим. Сўнг хонамга кириб, хатни сумкамга солиб қўйгач, каравотда сакрай бошладим.

— Жиннилик қилма, — деди онам. — Қани, ётиб ухла.

Мактабда танаффус пайти жуфт-жуфт бўлиб сафланганча бутун синф эмланиш учун ошхонага тушдик. Биров йиғлар, кимдир қўрқув билан ўз навбатини кутарди. Йод ҳидидан юрагим ғалати бўлиб кетди. Мен сафдан чиқиб, зинапоя ёнида турган ўқитувчининг ёнига келдим.

— Нима бўлди? — сўради ўқитувчим.

Мен чўнтагимдан отам ёзиб берган хатни чиқариб, ўқитувчининг қўлига тутқаздим. У афтини бужмайтириб, хатни ўқиди.

— Сенинг отанг доктор эмас-ку, — деди у. Сўнг бирпас ўйланиб турди. — Бўпти, тепага чиқиб, 2-“а”да кутиб тур.

2-“а” синфида менга ўхшаш олти-еттита “сабабли” болалар бор эди. Улардан бирининг бутун диққат-эътибори деразада эди. Коридордан қичқириқ ва йиғи овозлари эшитилар, семиз, кўзойнак таққан навбатчи писта чаққанча Киновнинг китобини мутолаа қиларди. Эшик очилиб, директорнинг найнов ёрдамчиси Сайфибей кириб келди.

— Сизлардан бирингиз ростдан ҳам касал бўлишингиз мумкин, — дея гап бошлади у. — Агар кимнингдир ҳақиқатдан ҳам сабаби узрли бўлса, унда эмламасликка мажбурмиз. Тез орада ўсиб, улғаясиз. Она-Ватан учун хизмат қиласиз. Мустақил ҳаётга йўл оласиз. Бугун ким-да-ким эмлашдан қочса, келгусида Ватанига муносиб фарзанд бўлиб етишолмайди. Ўғил болалар учун бу — уят!

Орага узоқ жимлик чўкди. Мен Отатурк портретига тикилиб туриб, кўзимга ёш қалқди. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек синф томон қараб кета бошладик. Эмланган болалардан қай бирлари қўлларини авайлаганча, қай бирлари кўзларида ёш, афтлари оғриқдан буришиб, синфхонага кириб кела бошладилар.

— Уйи яқинларга рухсат, кетаверинглар, — деди ўқитувчимиз. — Уйидан одам келувчилар охирги кўнғироққача ўтирадилар. Бир-бирингиз билан уришманглар, қўлларингизни эҳтиёт қилинглар. Эртага мактабга келманглар. Ўқиш бўлмайди.

Ҳамма севинганидан қичқириб юборди. Эшик тагида “эмланганлар” энгларини шимариб, эшикбон Ҳилмий афандига қўлларидаги йод доғини кўрсатарди.

Мен қўлимга сумкамни олдим-да, кўчага отилдим.

Қорабата гўшт дўконининг олдида от арава йўлимни тўсиб турарди. Мен арава ёнидан сирғалиб ўтдим-да, кўча ошиб, йўлкачамга тушиб олдим. Тайёр кийимлар сотувчиси Хайрининг, гулфуруш Солиҳнинг ёнидан ўқдай учиб ўтдим. Эшикни уйимизнинг эшикбони Нозим афанди очди.

— Нега мактабдан барвақт келдинг? — деб сўради у.

— Бизни мактабда эмлашган эди, шунинг учун барвақт қўйиб юборишди, — жавоб бердим мен.

— Аканг қани? Бир ўзинг қайтиб келдингми?

— Ҳа, трамвай йўлидан ўзим ўтдим. Эртага ўқишга бормас эканмиз.

— Ойинг уйда эмас, шекилли, — деди у. — Бувингнинг ёнига чиқа қол.

— Уйимга бораман, — дедим мен. — Мазам йўқроқ. Илтимос, эшикни очиб берсангиз.

У девордан калитни олди ва биз лифтга чиқдик. Лифтнинг ичи тутунга тўлиб кетибди, кўзим ёшланди. Нозим афанди эшигимизни очиб берди.

— Эҳтиёт бўл, электр анжомларини ўйнама, тагин, — эшикни бекитди-ю, сўнг, эшикбон ташқарига чиқиб кетди.

Уйда ҳеч ким йўқлигини билиб турсам-да, бор овозим билан:

— Уйда ким бор? — деб қичқирдим.

Мен сумкамни қўйиб, акамнинг жавонини очдим-да, кино чипталари йиғиндисини томоша қила бошладим. Буларни у менга кўрсатмасди-да. Футбол ўйинлари босилган газеталардан қирқиб олиб, дафтарига ёпиштирган суратларни томоша қилишга берилиб кетганимдан эшикка калит солиб очаётганларини пайқамабман ҳам. Кўрққанимдан қотиб қолдим. Уйга кириб келаётган кимсанинг қадам товушидан онам эмас, отам эканлигини пайқадим. Мен эҳтиётлик билан чипта ва дафтарни акамнинг жавонига солиб қўйдим. Отам ётоқхонага кириб, шкаф эшигини очиб, уни кўздан кечирди.

— Шу ердамисан? — деди у.

— Йўқ, Париждаман, — дедим мен мактабда болалар берадиган жавобларга тақлид қилиб. — Бугун синфимиздагиларни эмлашди.

— Аканг кўринмайдими? — сўради у. — Яхшиси, хонангга борда, тўполон қилмай ўтир.

Мен хонамга кириб, пешонамни дераза ойнасига тираганча, ташқарини кузата бошладим. Тарақлаган овоздан отам шкафдан жомадонни олаётганини сездим. Бироз вақт ўтиб, у шкафдаги шим, свитер, ички кийимлари, кўйлак, пайпоқларини олаётганини пайқадим. Уларни жомадонга солаётган эди. Ювиниш хонасига кириб чиқди-да, сўнг жомадонни шиқирлатиб қулфлади.

— Бу ерда нима қилияпсан?

— Деразадан ташқарига қараяпман.

— Қани, ёнимга кел-чи.

Отам елкамдан қучди, шу кўйи узоқ вақт деразадан ташқарига қараб турдик. Қаршимиздаги уй ўртасида баланд бўйли сарв дарахти бўлиб, учлари шамолда оғир чайқаларди. Мен отамнинг қадрдон ва азиз ҳидини туйдим.

— Мен узоққа кетяпман, — деди у мени ўпиб қўяркан. — Онангга ҳеч нарса дема. Кейин ўзим айтаман.

— Самолётда учиб кетасизми?

— Ҳа, — деб жавоб берди у. — Парижга учаман. Ҳеч кимга ҳеч нарса дема.

Отам чўнтагидан катта танга пул олди-да, менга берди.

— Ҳеч кимга ҳеч нарса дема, — деди у яна бетимдан ўпиб қўяркан. Мени бу ерда кўрганингни ҳеч кимга айтма.

Пулни дарҳол чўнтагимга солиб қўйдим. Отам мени қучоғидан чиқариб, жомадонини кўтариб олди.

— Отажон, кетманг, — ялиндим мен. У яна мени қучиб ўпди-да, чиқиб кетди.

Мен дераза ёнига бориб, унинг ортидан қараб қолдим. Отам Оловуддин дўкони томон йўл олди, йўлда келаётган таксини тўхтатди. Таксига ўтиришдан аввал уйимиз томон ўтирилиб қаради-да, менга қўлини силкиди. Мен ҳам қўл силкитиб қўйдим. Отам машинага ўтирди-да, кетди.

Мен бўм-бўш кўчага узоқ қараб қолдим. Бу орада бир трамвай, сўнг от қўшилган сув араваси ўтди.

Нозим афандини чақирдим.

Уйга кириб келаркан:

— Сен кўнғироқ қилдингми? Кўнғироқни ўйнама дегандим-ку, — деди у.

— Манави икки лирага, — дедим унга. — Оловуддин дўконига бориб, менга “Машҳурлар” сақичидан олиб келиб беринг. Қайтимини қайтариб берарсиз.

— Пулни отанг бердими? — сўради у. — Қара, яна онанг хафа бўлиб юрмасин.

Мен унга лом-лим демадим, у кетди. Мен унинг ортидан кузатиб, Оловуддин дўконига киришини томоша қилиб турдим. Орадан бироз вақт ўтгач, у дўкондан чиқиб келди. Қаршимиздаги уйдан чиқиб келган ўша уйнинг эшикбонига дуч келиб қолди-ю, иккаласи гаплаша кетди.

Ёнимга келиб, айтган нарсам билан қайтимни қўлимга тутқазди. Мен шошилмасдан сақичнинг ўрамини оча бошладим. Яна маршал Февзи Чакмакдан учта қистирма, битта — Отатурк, Линдберг, Леонардо да Винчи, Қонун султон Сулаймон, Черчилл, генерал Франкодан биттадан — бунақаси менда йўқ эди. Акамда бўлмаган 21-рақамли — Грета Гарбо тасвири туширилган битта қистирма. Шундай қилиб, мендан 183 та қистирма бор, футбол тўпига эга бўлишим учун яна 27 та турли қистирма зарур.

Мен биринчи бўлиб, самолётда Атлантика узра учиб ўтган Линдберг тасвири туширилган қистирмани томоша қилиб ўтирганимда, калит товуши эшитилди ва эшик очилди. Онам! Мен тезда полда сочилиб ётган нарсаларимни йиғдим-да, уларни ахлат қутисига ташлаб юбордим.

— Эмлашган эди, шунинг учун уйга барвақт келдим, — дедим онамга. — Ҳар хил касалликларга чалинмаслигим учун эмлашди.

— Аканг қаерда?

— Уларнинг синфини ҳали эмлашмади, — жавоб бердим онамга.

— Бизнинг синфимиздагиларга жавоб бериб юборишди. Йўлдан ўзим ўтиб келдим.

— Ҳеч қаеринг оғримаяптими?

Индамадим. Орадан ҳаял ўтмай, акам кириб келди. Унинг қўли оғриётган эди. У каравотга ётди, ўнг қўлини авайлаб, уйқуга кетди. Акам уйғонганда атрофга қоронғулик ўз чодирини ёпган эди.

— Ойи, жудаям оғрияпти, — деди у.

— Кечга бориб, иссиғинг ҳам чиқиши мумкин, — деди онам бошқа хонада оқлиқларни дазмолларкан. — Али, сенинг ҳам қўлинг оғрияптими? Қимирламай, жим ётсаларинг оғримайди.

Биз онамнинг айтганини қилиб, жим ётдик. Акам бироз мизғиб олгач, спорт ҳақидаги газетани ўқий бошлади. Сўнг иккинчи таймда қолмай, тўртта гол урилганини кўролмай қолганимизга мен айбдор эканлигимни айтди.

— Нима, майдондан биз кетмаганимизда бу голлар дарвозага урилмаган бўлармиди? — бўш келмадим мен.

— Нима?! — ўшқирди акам.

Акам яна ухлаб қолди. Уйқудан уйғониб, олтига Февзи Чакмак суратига тўртта — Отатурк ва учта Грета Гарбо тасвирини алмаштириб беришимни сўради. Мен рози бўлмадим.

— “Тоқ ва жуфт” ўйинини ўйнаймизми? — деди акам.

— Ўйнасақ, ўйнайверамиз!

Бу ўйинда кафтларингга “Машҳурлар” туркумидаги қистирмаларни териб қўясан. Устими-ости деб сўрайсан. У ости деса, сен пастдаги қистирмани суғурасан. Унга қарайсан, рақамини кўрасан. Масалан, 178-рақамли Рита Ҳайворт. Устидаги қистирма эса — 8-рақамли Данте. Шунда пастдаги қистирмалар қўлингдан чиқиб кетади, сен ўзинг да кўп бўлган қистирмалардан бирини шерингга берасан. Кечгача Февзи Чакмак қистирмаси мен билан акам ўртасида роса югурди.

Кечки овқат пайтида онам:

— Биттангиз юқоридан хабар олинг-чи, отангиз келдими-йўқми? — деди.

Ака-ука юқорига кўтарилдик. Бувим билан бувам ҳордиқ чиқаришмоқда эди, отам кўринмасди. Биз радиодан янгиликларни эшитиб, газетада ёритилган спорт саҳифасини ўқиб чиқдик. Бувим билан бувам овқатлангани ўтиришганда, биз пастга тушдик.

— Қаёққа йўқолдиларинг? — сўради онам. — Ҳарқалай, у ерда овқатланмагандирсизлар? Ҳозир шўрва сузиб бераман. Отангиз қайтгунча бемалол овқатланиб олинглар.

— Иссиқ нон борми? — деб сўради акам.

Онам бизнинг жимгина овқат ейишимизга қараб турарди. Бошини тутиб, қулоғини динг қилиши, бизларга маънос боқишидан лифт юрмаётганмикан деган маъно сезилиб турарди. Биз овқатланиб бўлгач, онам: “Яна сузиб берайми?” — деб овқатли идиш ичига қараб қўйди.

— Овқат совумасдан ичиб олсаммикан, — деди у ўйланқираб. Ўрнидан турди-да, Нишонтоши майдонига қараётгандек деразадан ташқарига узоқ тикилди. Анча пайтгача индамай пастга қараб турди. Ортга ўгирилиб, ўзига ҳам шўрвадан сузиб ичди. Биз ака-ука кечаги футбол ўйинини муҳокама қила кетдик.

— Секин, — деди онам. — Лифтнинг овозими эшитилаётган?

Биз баҳсдан тўхтаб, диққат билан қулоқ тутдик. Бу лифтнинг овози эмас эди. Жимликни трамвайнинг шовқини бузди, стол ва унинг устидаги сув тўла графин ҳам зириллар эди. Биз пўртаҳолни еб бўлган ҳам эдикки, лифт овози эшитилди. Овоз тобора яқинлашиб келарди. Лифт бизнинг қаватда тўхтамай, бувимлар томон юқорилаб кетди.

— Юқорига чиқиб кетди, — деди онам.

Овқатдан сўнг онам:

— Ликобларингизни ошхонага олиб бориб қўйинглар. Отангизники жойида қолсин, — деди.

Биз стол устини йиғиштириб олдик. Отамиз учун қўйилган ликоб узоқ вақт стол устида қолиб кетди.

Онам полиция идораси кўриниб турадиган дераза ёнида анчагача туриб қолди. Сўнг қандайдир фикр бошига келиб урилгандек отамга қўйилган ликоб, қошиқ ва санчқиларни олиб, ошхона томон йўл олди. Идишларни ювмасдан ҳам:

— Бувимизнинг олдига чиқаман, — деди у. — Уришмай ўтиринглар.

Мен акам билан “тоқ ва жуфт” ўйинини ўйнай бошладик.

— Жуфт, — дедим мен.

Акам кафтидаги қистирмалардан бирини чиқарди-да, менга кўрсатди: — Дунёдаги энг машҳур курашчи — Улкан Юсуф. 34-рақамли пастдагисига қаради. — Отатурк, 50-рақамли. Сен ютқаздинг, — деди у. — Менга яна битта қистирма бер.

Узоқ давом этган ўйинда фақат акам ютди.

— Мен бошқа ўйнамайман, — дедим жаҳлим чиқиб. — Онаминг ёнига чиқаман.

— Онаминг жаҳли чиқади.

— Уйда бир ўзинг қолишга кўрқяпсанми, қуёнорак?

Бувимнинг уйи ҳар доимгидек очиқ экан. Улар овқатланиб бўлишган, Бакир ошпаз идиш-товоқларни ювмоқда эди. Бувим билан бувам бир-бирларига рўбарў ўтиришарди. Онам эса Нишонтоши майдони кўриниб турадиган дераза ёнида турарди.

— Бу ёққа кел, — деди онам ойнадан кўзини олмай. Мен шу ондаёқ худди мен учун тайёрлаб қўйилгандек ойна билан онам ўрта-

сидаги бўшлиққа суқилдим ва онамга орқам билан ёпишиб туриб олиб, икковлон Нишонтоши майдонига диққат билан қарай бошладик. Онам қўлини бошимга қўйиб, узоқ вақт сочларимдан силади. — Отанг чошгоҳда уйга келибди, сен уни кўрибсан, — шивирлади у.

— Ҳа, — дедим мен.

— У келиб, жомадонини олиб кетибди. Нозим афанди айтди.

— Ҳа.

— Қаерга кетаётганини сенга айтдимми?

— Йўқ, — жавоб бердим мен. — Улар менга икки ярим лира бердилар.

Тунги қоронғулик ичидан дўконлар қорайиб кўринар, у ёқдан-бу ёққа юраётган машиналарнинг чироқлари милт-милт қиларди. Чоратрофда маъюслик ҳукмрон эди: кўча ўртасидаги йўл нозирининг жойи бўм-бўш, хиёбондаги тошлар, реклама тахталаридаги ҳарфлар ёмғирдан ҳўл бўлган. Яна ёмғир ёға бошлади. Онам ҳамон сочимни силарди.

Бувим билан бувам ўртасидаги доимо шанғиллаб турадиган радио ҳозир миқ этмай турарди, мен кўрқиб кетдим.

— Қизим, у ерда турма, — деди бувим онамга. — Келинлар, бу ёққа ўтиринлар.

Шу топда акам ҳам бизнинг ёнимизга чиқиб келди.

— Ошхонага киринлар, — деди бувим бизга. — Бакир, — чақирди у ошпазни. — Уларга копток ясаб бер, даҳлизда ўйнашади.

Бакир идиш-товоқларни ювиб бўлган эди.

— Бу ёққа келинлар, — деб чақирди у бизларни ва бувимнинг ойнаванд гулхонага айланган балконида газета ўрамларини олиб келиб, бизга қоғоздан копток ясай бошлади. Копток унинг мушту-мидек бўлгач, Бакир:

— Бўлдими? — деб сўради биздан.

— Сал каттароқ қилинг, — илтимос қилди акам.

Бакир газета ўрамларидан копток ясагунига қадар қия очиқ эшик оралиғидан бувим билан бувамнинг қаршисида ўтирган онамни кузатдим. Бакир қутидан боғич олиб, газетадан ясалган коптокни чандиб, ўради. Буқланмай қолган ерларини текислаш учун копток атрофини латта билан ҳўллади-да, қўли билан яна бир эзгилаб қўйди. Акамнинг сабри чидамай, коптокка қўлини теккизиб кўрарди.

— Бунни қаранлар-а, — деди у, — тошдек бўпти-ку.

— Босиб кўр-чи, — деди Бакир.

Акам авайлабгина бармоғи билан кўрсатилган жойни босиб кўрди. Бакир чилвир билан коптокни яна бир карра чандиб, сўнг бизга берди. Биз коптокни уриб, осмонга ота бошладик.

— Даҳлизга чиқиб ўйнанлар, — деди Бакир. — Бу ерда у-бу нарсани синдириб қўясизлар.

Мен ўзимни “Фонарбоғча”даги Лефтердек тасаввур қилдим ва ўйинга берилиб кетдим. Эшикка гол ураман, деб бир неча марта акамнинг оғриб турган қўлига зарба бериб юбордим. У ҳам мени тепиб ўтди, аммо бунни мен сезмадим. Биз қора терга ботдик, тўп титкиланиб кетди. Мен 5:3 ҳисобида ютаётган эдим. Тўп билан яна акамнинг оғриётган қўлига уриб юбордим. У полга ётиб олди-да, йиғлай бошлади.

— Оғригим ўтсин, сени ўлдираман, — деди у менга пўписа қилиб.

У ютқазиб қўйганидан аламзада эди. Мен даҳлиздан меҳмонхонага ўтдим, бувим, онам ва бувам кабинетга ўтишган эди. Бувим телефон рақамларини айлантириб:

— Алло, алло, — деди у оналарга хос эркаловчи оҳангда. — Алло, бу “Ешилкой” аэропортими? Азизим, биз самолётда Европага учиб кетган бир йўловчи ҳақида сўрамоқчи эдик. — У отамнинг исми шарифини айтди. Қўли билан телефон шнурини айлантирганча бирпас кутиб турди. — Менга сигарета олиб кел, — деди у бувамга. Бувам чиқиб кетгандан сўнг гўшакни қулоғидан олди. — Қизгинам, айтчи, — дея у онамга ўтирилди. — У бошқа бир аёлга илакишиб қолмаганми? Бирон нарса биласанми?

Онам нима деб жавоб берганини илғаёлмадим. Бувим унга шундай тикилдими, гўё онам ҳеч нарса демади, бувим ҳеч нарсани эшитмади. Кейин телефонда нимадир дейишди. Бувимнинг жаҳли чиқди.

— Бундай маълумотни беришмасакан, — деди у қўлида сигарета ва қулдон билан бувимга яқинлашаётган бувамга.

Шу ерда бувам мен ҳам борлигимни кўриб қолди, онам унинг қарашини тушуниб, қўлимдан ушлаганча мени даҳлизга етаклаб чиқди. Қўлини ёқам ичига тикиб, менинг терлаб кетганимни билди, аммо аччиғи чиқмади.

— Ойи, қўлим оғрияпти, — деди акам.

— Ҳозир пастга тушамиз, сизларни ухлатаман.

Пастда, биз яшаётган қаватда учаламиз узоқ вақт сукут сақлаб ўтирдик. Ўринга ётишдан олдин мен тунги кийимда ошхонага кириб, стаканда сув олиб, меҳмонхона бўлмасига ўтдим. Онам дераза ёнида сигарета чекиб турарди.

— Ялангоёқ юрма, совқотасан, — деди онам мени кўриб. — Аканг ётдими?

— Ухлади. Ойи, менинг сизга айтадиган гапим бор.

Онам билан дераза оралиғига суқулиб олиш учун бирпас кутиб турдим. Онам озгина сурилди ва мен ўша илиқ жойни эгалладим.

— Отам Парижга кетдилар, — дедим мен. — Биласизми, улар қайси жомадонни олдилар?

Онам ҳеч нима деб жавоб бермади. Биз тунги сукунат ичида ёмғирли кўчани узоқ кузатдик.

3

Бувимнинг уйи Шишлидаги мачитнинг рўпарасида жойлашганди. Бу — трамвай депосининг олдидаги сўнгги бекат. Ҳозир бу ердаги майдонни автобус бекатлари, катта-катта реклама тахталарига тўлиб-тошган йирик дўконлар босиб кетган. Унинг атрофида баҳайбат офис бинолари қад кўтариб келмоқда, уларда жуда кўплаб одамлар ишлайди. Ҳар куни тушлик пайтида улар йўлақларга тўпланадилар-да, чумолилардай у ёқдан-бу ёққа югуришади. Бу — Истанбулнинг ғарбий қисмида жойлашган чекка жойлардан бири эди. Биз ҳар гал сарв ва тут дарахтлари остидан юриб, онамизнинг қўлидан ушлаб, уйимиздан ўн беш дақиқалик масофада жойлашган кенг, сокин, тош терилган майдон томон ўтиб борар эканмиз, ўзимизни худди шаҳар чеккасига келиб қолгандай ҳис этардик.

Бувим уйнинг тўртинчи қаватида яшарди. Уй бетон ва тошдан қурилган, у тик қилиб қўйилган гугурт қутисини эслатарди. Уйнинг бир томони ғарбий, яъни шаҳар томонга, иккинчиси — шарқий, яъни қирларга, тутзорларга қараган. Бувим эри ўлиб, қизларини турмушга бергандан сўнг бу уйнинг бир хонасидагина яшай бошлаган. Хона шкафлар, столлар, стуллар ва пианино билан тўлдириб ташланган эди. Унга овқатни катта қизи пишириб берар, ўзи олиб келар

ёки ҳайдовчидан бериб юборар эди. Бувим ўзига овқат пишириш учун уйдан икки қават пастдаги ошхонага тушиб ўтирмасди, бошқа хоналарга кирмас, улардаги ипаксимон пўпанаклару икки энлик қалинликдаги чангни тозаламасди, худди онаси сингари йиллар давомида ҳайҳотдай ёғоч уйда истиқомат қилиб келарди. Онасидан унга “ёлғизлик” деб аталувчи сирли касаллик юққан, — на хизматкор, на ходима ёллаш унинг фикри ўйига келмасди.

Биз бувимни кўргани келганимизда онам узоқ вақт кўнғироқни босар, муштлари билан уриб темир эшикни дўпиллатарди. Охири бувим Шишли мачитига қараган иккинчи қаватдаги деразанинг темир табақасини очар, баланддан пастга қараб, биздан овоз чиқариб чақиришимизни сўрарди. Кексалиқдан хиралашган кўзларига ишонмасди, шекилли-да.

— Эшик олдидан нари туринглар, бувиларинг сизларни кўрсин, — дерди ойим. Биз йўлакнинг ўртасига бориб турардик. Онам унга қўлини силкитарди ва қичқирарди:

— Ойижон, мен болаларим билан келдим, эшитяпсизми?

Шунда бувимнинг юзида табассум пайдо бўларди. У бизни кўрганини, билганини тушунардик. Бувим тезлик билан дераза ёнидан ўзини ичкарига урарди, ёстигининг тагидан катта калитни оларди, уни газетанинг бир бўлагига ўрарди-да, йўлакка ташларди. Биз акам билан ким ўзарга чошиб, калитга ташланардик.

Ҳозир акам оғриган қўли билан калитга қараб югуролмасди, мен калитни ердан олдим-да, онамга бердим. Онам калитни базўр айлантирди. Охири темир эшик ғийқиллаб очилди. Қоронғуликда димоғимизга ислар, пўпанаклар, диққинафаслик, фақирлик, кексаликнинг оғир нафаси урилди. Мен бундай ҳидни бошқа ҳеч жойда учратмаганман. Эшик ёнидаги кийимилгичда бобомнинг мўйнали пальтоси, бош кийими осилиб турар, пастда ҳамиша мени кўрқитиб турадиган этикларни кўринарди. Бувим буларнинг ҳаммасини, уйга ўғрилар кириб келса, уйда эркак киши бор, деб ўйласин учун қўйиб қўйган эди.

Биз ёғоч зинанинг тепасида турган бувимизни кўрдик. У қоронғиликда худди шарпадай қимирламай турар, қўлида ҳасса, қиров босган деразадан тушиб турган хира нур уни ғира-шира ёритиб турарди.

Зинапояларни ғичирлатиб битта-битта босганча тепага кўтариларканмиз, онам бувим билан гаплашмаётганди, одатда, онам доим у билан:

— Нечуксиз, ойижон? Сизни соғиндим. Ташқари жуда совуқ, ойижон, — деб сўрашарди.

Зинапояннинг юқорисига чиққач, онам бувимни чўпиллатиб ўпди, юзи ва қўлидаги катта-катта холларига эътибор бергани йўқ. Биз унинг битта тишли оғзига, осилган жағига ва узун тукли холига кўрқиб қарадик. Хонага кириб, онамнинг икки томонидан унга маҳкам ёпишиб ўтириб олдик. Бувим узун тунги кўйлак ва узун жун нимчада эди. У шу кийимда бутун кунни ўтказарди, чунки доим тўшакда ётар эди-да. Бувим бизга жилмайиб қаради ва кўзларида айёрона кулгу ўйнади: “Қандай мени хурсанд қилинлар-а!” — дегандай.

— Печкангиз ёмон иситаркан, — деди онам. У қўлига оташкуракни олиб, печка ичидаги ўтинларни ковлади.

Бувим бирпас кутиб турди.

— Кўй, шу печкани. Яхшиси, мен билан гаплашиб ўтир. Оламда нима гаплар?

— Ҳеч гап йўқ, — деди онам ёнимизга ўрнашиб ўтираркан.

— Ҳеч гап йўқми?

— Мутлақо, ойижон.

Қисқа сукутдан сўнг бувим сўради.

— Ҳеч кимни кўрмадингми, ҳеч ким билан гаплашмадинг ҳамми?

— Буларни биласиз, ойижон, — деди онам.

— Эй, Худойим-ей, наҳотки биронта ҳам янги гап бўлмаса?

Ўртага жимлик чўкди.

— Бувижон, бизларни эмлашди, — дедим мен.

— Шунақами?! — ҳайрат билан деди бувим мовий кўзларини катта-катта очиб. — Оғримадими?

— Менинг қўлим оғрияпти, — деди акам.

— Ўҳ-ўҳ-ўҳ, — ҳамдардлик билдирди бувим.

Яна ўртага узоқ сукунат чўмди. Биз акам билан дераза олдига келдик ва олис-олислардаги қирларга, тутларга қарадик, томорқалар ортидаги бўм-бўш эски товўқхоналарни кузатдик.

— Шундай қилиб, олам сув қуйгандай жим де, — деди бувим онамга ялингансимон оҳангда. — Қайнонангникига чиқиб турарсан. Уникига ҳам ҳеч ким келмаётган эканми?

— Кеча пешинда Дилрабо хоним келди, — деди онам. — Улар анча вақтгача қарта ўйнаб ўтиришди.

Худди кутганимиздек, бувим ҳаяжонланиб, қийқириб юборди:

— У саройда яшаган, ахир!

Албатта, бувим безаклари, ранглари ўчиб кетган, биз газета ва журналларда кўп ўқиган Боту қасрини эмас, балки Дўлмабоғча саройини назарда тутаётганди. Бувимнинг Дилрабо хонимга гаши келлаётгани йўқ эди. Бу хоним ёш пайтида сўнгги подшоҳ ҳарамиди канизак бўлган, кейинроқ бир савдогарга турмушга чиққан, гап бунда эмас. Ҳамма гап — бувим уни дўстлашишга, билишга арзимайдиган одам деб ҳисобларди, холос. Унинг гашига теккан мана шу нарса эди. Мен буни кўп йиллар ўтиб тушундим. Улар гапни бошқа томонга буришди, бу мавзуда ҳам онам бувим билан тинмай баҳслашарди: бувим ҳафтада бир марта энг қиммат ва машҳур Абдухолиқ афандининг ресторанига борар, у ерда бир ўзи овқатланар, кейин анчагача таомларнинг яхши эмаслигидан нолиб ўтирарди. Учинчи ўзгармас мавзу тўсатдан берилган саволдан очиларди:

— Болалар, бувингиз сизларга кўкат-пўкат берадими?

Биз онам ўргатгандай бир овоздан:

— Йўқ, бермайдилар, — дердик.

Одатдагидек, бир кун кимнингдир томорқасида кўм-кўк кўкатлар устига “ўтириб қўйган” мушукни кўриб қолганини ҳикоя қила бошларди. Энди бу кўкатни кимдир олади, қайсидир ресторанда таомга қўшилади, қайсидир одам уни тановул қилади-ку, деб яна эски ашуласини айтарди.

— Ойижон, — деди онам, — болалар зерикишди, улар бошқа хоналарни ҳам кўришмоқчи. Мен рўпарадаги хона эшигини очиб бераман.

Дераза оша биронта хонага кирган ўғри бошқасига киролмасин, деб бувим ҳар бир хона эшигини қулфлаб қўярди. Онам бизга катта ва совуқ хонани очиб берди. Деразаси трамвай йўлига қараган бу хонада онам ҳам бир муддат биз билан қолиб, ундаги оппоқ мато қопламали оромкурси ва диванларга, занглай бошлаган ва чанг босган чироқларга, стол ва сандиқларга, газеталар ўрамига, деворга тираб қўйилган аёллар велосипедининг эгма рулига қаради. Бироқ у ҳар доимгидай сандиқнинг олдига югуриб бормади, у ердан кийимларни олиб, чиқариб:

“Болалар, қаранглар, оингиз болаликда кийган кийимлар! Холангизнинг мактаб фартугини кўрасизми? Онангизнинг болаликдаги папкасини-чи?” — дея бизга ҳаяжонланиб кўрсатиб ўтирмади.

— Совқотсангиз, кирарсизлар, — деди онам ва ўзи чиқиб кетди.

Биз акам билан дераза ёнига югуриб бордик ва уй рўпарасидаги мачит, майдондаги трамвай бекатини кузатдик. Кейин газеталарни титкилаб, бўлиб ўтган футбол матчлари ҳақидаги хабарларни ўқидик.

— Зерикиб кетдим, — дедим мен. — “Жуфт ва тоқ” ўйнаймизми?

— Йиқилган курашга тўймас, — деди акам газетадан бош кўтармай. — Мен ҳозир бандман.

Кеча кечкурун ва тушликда ҳам ўйнаган эдик, омад фақат акамга кулиб боққан.

— Бир қўлгина ўйнайлик!

— Битта шартим бор. Ягар яна ютсам, менга иккита қистирма берасан, агар сен ютсанг, битта оласан.

— Йўқ.

— Унда ўйнамайман, кўраяпсан-ку, газета ўқияпман.

У газетани бирпас биз яқиндагина “Мелек” кинотеатрида кўрган инглиз фильмидаги изкуварга тақлид қилиб, ўқиётгандай ушлаб турди. Мен деразадан ташқарини бироз томоша қилдим-да, акамнинг шартини қабул қилдим. Чўнтагимдан бир сиқим “Машҳурлар” қистирмасини чиқардим. Уйин бошланди. Аввалига мен ютдим. Кейин бир-варакайига ўн еттита қистирмани ютқазиб қўйдим.

— Мен фақат ютқазаяпман, — дедим мен. — Агар биз эски қоидалар билан ўйнамасак, мен бошқа ўйнамайман.

— Яхши, — деди акам ҳамон ўша фильмдаги изкуварга тақлидона. — Унда мен газетамни ўқийман.

Мен деразадан ташқарини яна бироз томоша қилдим. Диққат билан қўлимда қолган қистирмаларни санадим — 121 та. Кечагина, дадам кетаётганда улар 183 та эди! Мен кайфиятимни бузгим келмади ва акамнинг шартини қабул қилдим.

Бошида мен ютдим, кейин акам юта бошлади. Акам ютиб олган қистирмаларини ўзиникига қўшиб қўйди. У менинг аччиғимни келтирмаслик учун бошқа кулмади.

— Агар истасанг, бошқача йўллар билан ҳам ўйнаб кўрамиз, — деди у. — Ким ютса, битта қистирма олади. Мен ютсам, сендаги қистирмаларни танлаб оламан. Менда баъзи қистирмалар йўқ, сен уларни менга ҳечам бермайсан.

Мен рози бўлдим. Кетма-кет уч марта ютқаздим, то ўзимга келгунимча иккита Грета Гарбо, 21-рақам ва қирол Фаррухлардан биттаси, 78-рақам акамнинг қўлига ўтди, аммо булар унда бусиз ҳам бор эди.

Мен шуларнинг барисини бир қўлдаёқ ютиб олишга қарор қилдим. Уйин қизиб борарди, натижада қўлимдан Эйнштейн, 63-рақам Мавлоно, 3-рақам Саркис Назарян, 100-рақамли “Мамбо” қандолат корхонасининг асосчиси, Клеопатра, 53 -рақамлар қўлдан кетди. Бу қистирмалардан менда бир нусхадан бор эди, акамда эса мутлақо йўқ эди.

Бўғзимга ёш тикилди. Йиғлаб юборишдан кўрқиб, дераза ёнига чопиб бордим-да, кўчани томоша қила бошладим. Беш дақиқа олдин ҳаммаси ажойиб эди: бекатга яқинлашиб келаётган трамвай, хазонрезги дарахтлар ортидан кўриниб турган уйлар, кўчанинг бир четида ётиб олиб, қашинаётган ит — завқли кўринаётган эди! Агар вақт тўхтаб, от пойгаларидаги каби биз беш квадрат ортга сурилганимиз-

да эди! Мен ўшанда ҳечам акам билан тоқ-жуфт ўйнамаган бўлар эдим!

— Яна ўйнаймизми? — сўрадим акамдан пешонамни ойнага тираганча.

— Йўқ, мен бошқа ўйнамайман, сен йиғлаб юборасан.

— Йиғламайман, Жеват, қасам ичаман, — дедим қаттиқ товушда унга яқинлашар эканман. — Фақат бошидаги қоидалар билан, ўша шартлар бўйича ўйнайман.

— Мен газета ўқимоқчиман.

— Яхши, — дедим мен. Кетаётиб, камайиб қолган қистирмаларни чийлаштириб ташладим. — Фақат менинг қоидаларим бўйича. Айтчи, тоқми-жуфт?

— Фақат, йиғлама. Яхши, жуфт.

Мен ютдим, у менга Февзи Чакмак туширилган қистирмани тутказди. Мен олмадим.

— Илтимос, менга қирол Фаррух, 78-рақамни қайтариб бер.

— Йўқ, деди у. — Биз бунга келишмаганмиз.

Биз яна икки қўл ўинадик, яна ютқаздим. Учинчи қўлни ўйнама-сам яхши бўларкан! Наполеон, 49-рақамни бериб қўйдим.

— Мен бошқа ўйнамайман, — деди акам.

Мен ўтиниб сўрадим. Яна икки қўлни ютқаздим. У мендан қистирмаларни сўраган эди, қўлимда борини бердим. Мэн Уист, 28-рақамли Жюл Верн, 82-рақамли Фотиҳ Султон Мехмет, 7-рақам қиролича Элизабетта, 70-рақамли журналистлар — Желяли Солиҳлар, 41-рақамли Вольтерлар, 42-рақам — мен буларнинг ҳаммасини икки ярим ой ичида тўплагандим. Уларнинг ҳар бири ҳақида ҳар куни ўйлардим, уларни шунақанги авайлаб-асрардимки, қўяверинг. Улар ҳозир ҳавода учиб юрар, хонада битта бўлиб сочилиб ётарди.

Бутунлай бошқа жойда, бутунлай бошқача ҳаётда яшаётган бўлганимда эди! Бувимнинг хонасига кирмай, гирчиллаган зинапоядан бир-бир пастга туша бошладим. Шу пайт негадир жонига қасд қилган суғуртачи қариндошимиз ҳаёлимга келди. Энг пастки зинага тушиб, бутунлай қоронғуликда қолдим. Орқага қайтиб, юқорига кўтарилдим ва бувимнинг эшиги ёнидаги зинага келиб ўтирдим.

— Қайнонангнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, — деди бувим. — Болаларни улғайтириб, кутасан энди.

— Яна бир марта илтимос қилиб сўрайман, ойи, мен болаларим билан шу ерга қайтмоқчиман.

— Сен бу чанг босган, арвоҳлару ўғрихонада иккита боланг билан тура олмайсан, — деди бувим.

— Ойижон, опаларим турмушга чиқиб, бу ердан кўчиб кетишгандан сўнг отамнинг охирги йиллари учаламиз қандай яхши тургандик!

— Гўзалим Мебрура, сен ўшанда кун бўйи отангнинг эски “Иллюстрасьон”ига тикилиб ўтирардинг.

— Мен пастдаги катта печкани ёқаман. Уй икки кунда исиб кетади.

— Ўшанга турмушга чиқма, дегандим-а, сенга, — деди бувим.

— Яна битта аёл бўлса, биз икки куннинг ичида ҳаммаёқни чиннидай қилиб юборардик, — деди ойим.

— Бу уйга ўғри хизматкорни киритмайман, — қайириб ташлади бувим, — сен бу уйдаги чангларни артиб, тозалайман дегунингча ярим йил ўтади. Бу вақт ичида сенинг бетайин эринг ҳам қайтиб келади.

— Шу гапингиз гапми, она? — сўради ойим.

— Мебрура, бебаҳо қизгинам, иккита боланг билан бу ерга кўчиб келсанг, нима билан тирикчилик қиламиз?

— Ойижон, Бебекдаги уйимиз, ҳовлимизни сотайлик, бўлмаса мусодарага тушиб қолади, деб неча марта айтдим сизга.

— Мен бундай қоғозларга имзо ҳам чекмайман, кадастр идорасидаги ифлос ўғрилар билан юзма-юз бўлмайман, ер ютсин ҳаммасини!

— Ойижон ундай деманг. Биз опам билан нотариусни эшигингиз олдига олиб келдик-ку, — деди ойим овозини кўтариб.

— Мен бу нотариусга ўлсам ҳам ишонмайман, — деди бувим. — Унинг юзидан фирибгарлиги шундоқ кўриниб турибди. У нотариус ҳам эмасдир ҳали. Мен билан бундай оҳангда гаплашма!

— Яхши, ойи. Бошқа бундай қилмайман, — деди ойим. Кейин бизни чақирди: — Болалар, болалар! Бўлинглар, кетамиз.

— Тўхта! Қаёққа?! — сўради бувим. — Биз яхшилаб гаплашиб ҳам олмадик.

— Сиз бизнинг келишимизни истамайсиз, ойи, — деди онам шивирлаганча.

— Буни ол. Болаларингга хўрозқанд.

— Улар тушликкача ширинлик ейишмайди, — деди онам ва акам иккаламизга очиб берган хонага кирди. — Бу қистирмаларни ким сочиб юборди? Тезда териб олинглар-чи. Сен ҳам қараб турма, — деди онам акамга.

Биз индамай қистирмаларни териб олдик. Онам эски қутиларни очди, болалар кийими, шойи парда, қоғоз қутичаларга қаради. Тикув машинасининг остидан кўтарилган чанг томоғимга тиқилди, кўзимга ёш тўлди, бурним қичишди.

— Мебрура, қизгинам, мана бу чойнакни ол, уни яхши кўрасан, ахир. У — сеники. Бобом уни онам учун Шишли губернатори бўлган пайтда Хитойдан келтирган! Олақол, илтимос.

— Мен бошқа сиздан ҳеч нарса олишни истамайман. Чойнакни эса шкафга солиб қўйинг, синдириб қўясиз, ахир. Болалар, буvingизнинг қўлидан ўпинглар.

— Мебрура, қизгинам, бечора онангдан аччиқланма, — деди бувим бизга қўлини узатаркан. — Нима бўлганда ҳам, мени ташлаб қўйма, келиб тур.

Биз зинапоядан тез тушдик, темир эшикни ёпдик, ташқарига чиқдик ва куёшининг илиқ нурларига кўмилдик, тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан симирдик.

— Эшикни яхшилаб ёпинг! — баланддан туриб қичқирди бувим. — Мебрура, келгуси ҳафтада ҳам кел, майлими?

Онам қўлимиздан ушлади ва биз йўлга тушдик. Биз йўтала-йўтала бекатда одамлар билан бирга трамвайни кутдик. Трамвай келиб тўхтаган заҳоти акам билан келишганимиздай ҳайдовчи кўриниб турадиган олдинги ўриндиққа ўтириб олдик ва “жуфт-тоқ” ўйинини бошлаб юбордик. Мен қувонганимдан кетма-кет ютдим шу ернинг ўзида яна ютқазиб қўйдим. “Усмонбей” бекатида акам таклиф қилди:

— Ўн бешта қистирмангни истагингга кўра алмаштираман.

Мен яна ўйнай бошладим. Мен ўзимда яшириб қўйган иккита қистирмадан бошқа ҳаммасини ютқаздим. Онамнинг олдига келиб ўтирдим. Йиғламадим. Онам каби деразадан липиллаб ўтаётган гаройиб, ҳеч вақоси қолмаган дўконлар, нонвойхона, гуруч унидан кисел тайёрлайдиган сотувчилар чодирлари, биз тез-тез тушиб турадиган “Тан” кинотеатри, деворга суяниб турган болалар ва арзон-гаровга сотадиган китобфурушлар, мен доим кўрқиб қарайдиган қай-

чили сартарошлар, шу сартарошлар ёнида изғиб юрувчи маҳалла девоналари (бундайлар ҳар бир маҳаллада учрайди) — ҳаммасини томоша қилиб борардим. “Ҳарбийлар” бекатида трамвайдан тушдик. Акам жуда хурсанд эди ва бу мени ақлдан оздираётганди. Чўнтагимдан Линдберг тасвири туширилган қистирмаларни чиқардим. У бундай қистирмани биринчи марта кўриб турарди.

— 91-рақамли Линдберг, — ҳайратланиб ўқиди акам. — Самолётда Атлантикадан учиб ўтган. Қаердан олдинг?

— Кеча мени эмлашмади, — дедим мен. — Мен уйга эрта қайтдим ва отам кетиши олдидан кўриб қолдим. Отам олиб бердилар менга.

— Унда ярми менга, — деди акам. — Шунга келишганмиз. Охирги ўйиндаги қистирмаларнинг ҳаммаси меники.

У қўлимдан қистирмаларни олишга уринди, аммо ололмади. Шунда у билагимдан ушлаб олди-да, маҳкам қисди, аммо мен унинг оёғига тепиб юбордим. Биз олиша бошладик.

— Бас қилинглр! — қичқирди ойим. — Бас қилинглр! Кўчанинг ўртасида-я!

Биз олишувни тўхтатдик. Ёнимиздан галстукли эркак ва қалпоқли аёл ўтиб борарди. Кўчада ёқалашаётганимиздан мен ерга киргудек бўлмоқда эдим.

Акам икки қадам юрди-да, ерга ўтириб қолди.

— Вой-вой-вой, — деди у оёғини ушлаб.

— Тур ўрнингдан, — шивирлади онам. — Тезроқ тур. Ҳамма бизга қараяпти.

Акам турди ва бутун оғирлигини битта оёғига солиб, фильм қаҳрамонларидай юра бошлади. Мен бир томондан, унинг оёғи қаттиқ оғриётганига ачинсам-да, иккинчи томондан, унинг қийналаётганини кўриб, завқланардим. Биз бир муддат индамай кетдик, сўнг акам менга деди:

— Мен сенга уйда кўрсатаман, — Кейин онамга: — Ойи, Алини эмлашмабди! — деди.

— Йўқ, мени эмлашди, ойи!

— Жим! — аста қичқириб деди онам.

Биз уйга яқинлашдик, фақат йўлни кесиб ўтиш қолди, холос. Биз Мачкадан келаётган трамвай ўтиб кетишини кутиб турдик. Унинг орқасидан юк машинаси, кейин тутун бурқситиб, Бешиктошдан келаётган автобус ўтди. Бошқа томондан эса гиацинт рангидаги “Десото” кўчани кесиб ўтди ва кўздан йўқолди. Мен шунда деразадан қараб турган бувамни кўрдим. У бизни кўрмасди, илғамасди ҳам, ўтиб кетаётган машиналари кузатарди, холос. Мен унга узоқ тикилиб қолдим.

Йўл аллақачон бўшаган эди. Мен онамга қайрилиб қарардим, нима учун бизни кўчанинг нариги томонига олиб ўтмаётганига тушунмасдим. Онам овоз чиқармай йиғларди...

*“Иностранная литература”нинг
2006 йил 12 сонидан олинди.*



Тангри тоғ ўланлари

ОМАР СУЛТОНОВ

* * *

Намчил ҳаво, осмон эса тунд эди,
Хазонрезги куз ётарди далада.
Тоғдан тушиб келарканман кўйлакчан,
Қор ва ёмғир тезлаб қолди орада.

Дайди шамол япроқларни тўзғитиб,
Қапчиғайдан сувлар оқди шарқираб.
Сўнгсиз анғиз, бошпана йўқ атрофда,
Тишим-тишга тегмас эди қалтираб.

Иложим йўқ, усти-бошим шалаббо,
Балким тангрим буйруғими ё бахтим.
Жар ёнида арча ўтин чирсиллаб,
Ёнар эди, бўз ўтовда тўқнашдим.

Яратганга минг бор шукур сабаби,
Дил тубида меҳр пайдо қилгансан.
Юрагимга олов ёқиб ўшанда,
Тафтинг билан мени шайдо қилгансан.

ЖЎЛОН МАМИТОВ

РОМАНТИКА

Тоғларнинг орасида битта гор бор,
Эртакдаги сулувлар йўқлашади.
Яйловда от чопгулик майдонлар бор,
Афсонавий баҳодирлар тўқнашади.

Бир тегирмон сув оқар тоғни кесиб,
Соҳилида алвастилар сочин тарар.
Бир довон бор, тоғларнинг ўрқачида,
От чошиб, шамолдайин девлар борар.

Ушласанг балиқлари гапиради,
— Мени қўй, — дер, — омон ўт, қалтис жардан,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

19

Тулпорингни кишнатиб йўртиб қолсанг,
Кийиклари саломлашар сен-ла ҳар дам.

Юлдуз қўнар қорларга бодроқдайин.
Юлдуз ушлаб улғаяр қувноқ ёшлар.
Юлдуз олиб келишар гўзалларга
Қўй ўтлатиб тоғни кезган бўйдоқ ёшлар.

Эмин-эркин яшайди тоғли элат,
Ёмонликни раво кўрмай бошқаларга.
Меҳмон бўлсанг, саломни қилма канда,
Сенга алиқ йўллайди осқалар¹ ҳам.

* * *

Шаҳар ичра изғийди безгак шамол,
Қуюн ўйнар ёлғиз қолган қишки боғда.
Ям-яшил яйлов ўтар кўз ўнгимдан,
Нигоҳимда далалар, оппоқ пахта.

Юрагимиз дукуллаб уриб турса,
Ҳаётнинг қадрин англаб, сезган чоғда.
Кўм-кўк яйлов кўзимда яшил сурат,
Ҳайдалган шудгор эса оппоқ пахта.

Зулматли тунни ёриб олов ёнар,
Чўғнинг тафти Сен менга ёзган хатда.
Кўзингдаги чақноғинг яшил сурат,
Кўнглимдаги хотиранг оппоқ пахта.

Юрагимиз дукуллаб уриб турса,
Ҳаётнинг қадрин англаб, сезган чоғда.
Кўм-кўк яйлов кўзимда яшил сурат,
Ҳайдалган шудгор эса оппоқ пахта.

Зулматли тунни ёриб олов ёнар,
Чўғнинг тафти Сен менга ёзган хатда.
Кўзингдаги чақноғинг яшил сурат,
Кўнглимдаги хотиранг оппоқ пахта.

ШЕЪРИЯТНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Шону шуҳрат иллатдир,
Оқинларга ёпишган.
Оғир кечар ҳаётинг,
Агарда тил топишсанг,

Суриштирмас одамлар,
Ёзганинг кўп, оз учун.

¹ О с қ а — чўққи.

Оппоқ қоғоз шай турар.
Каптардай парвоз учун.

Йиллар қолар ортингда,
Семирдингми, оздингми?
Юртинг учун шеърингни,
Қонинг билан ёздингми?!

Ҳар мисрасин севдингми
Суйган каби ёрингни.
Она Ватан керак деса,
Берасанми жонингни?!.

Ижод қилиш аслида,
Покизалик демакдир.
Юртнинг қувонч, ташвишин,
Биргаликда емакдир.

Байрамларда кеч қолсанг,
Ҳамроҳ Ватан илинжи,
Қайғу тушса, юртингга,
Қалқон бўлгин биринчи.

СОҒИН АҚМАТБЕКОВА

* * *

Қир устида ўтирибман димоғим чоғ,
Атрофим яланғоч тоғ, яланғоч тоғ.
Тоғнинг усти булутсиз кўк, булутсиз кўк,
Атрофим ялпизли чўп, ялпизли чўп.

Яланғоч тоғ сукут сақлаб ўтирар,
Булутлар йўқ, кўздан ёшим тўкилар.
Ҳасратимнинг ёшларин бўлмас тўсиб.
Чўп тугул майса ҳам кетди ўсиб.

* * *

Яшил қирнинг ортида бир қишлоқ бор,
Кечроқ борсак, қараб йўлнинг сўл-соғин.
Ёшлик — соғинч, ташна қилар одамни,
Дилгир, шўхроқ билсанг турмуш ўртоғим.

Яшил қирнинг орт ёғида бир уй бор,
Ойнагига тортилмаган пардаси.
Бизни кўққис, биров кўриб қолмасин,
Тун киргунча ўтирайлик шарпасиз.

Эски уйнинг дарвозаси олдида,
Пишқирган сув, чирик ёғоч кўприк.
Эски ишқнинг ҳасратлари ортилган,
Ўтмоқ қайда, кўникмадик ўтириб.

Уй атрофин ҳар йилгидан ўзгача
 Тўсиб олган баланд ўсган жўхори.
 Яшил дўнгнинг шамолидай ўжар, шўх,
 Менга ҳамроҳ бўлган йигит виқори

ҚУРБОНБОЙ ҚОЛДИБОЕВ

КЎПКАРИ

Улоқ авжда, ёш йигит ҳам даврада,
 Онажони томошада — йигинда.
 Тулпориға қамчи уриб, қичайди,
 Отни ортга қайтармоқлик қийин-да.

Талатўпдан кўзин узмас онаси.
 Талпинади унинг кулук, қашқаси.
 Кўкка ўрлар кўпкарининг қий-чуви,
 Кўринмайди бир ўғлидан бошқаси.

Улоқ ошмай қолди аттанг ўғлонга,
 Таомилни — шартни ҳеч ким бузолмас.
 Кампир эса олазарақ, андармон,
 Олишувдан нигоҳини узолмас.

Бир йигинда дарҳол ҳукум чиқариш,
 Тўғри бўлмас, Сизга айтсам рўйи-рост.
 Эл билмаган, тўғатмаган йигитдан,
 Эрта-индин чиқар машҳур чавандоз.

* * *

Чўнг бозорда менга лойиқ буюм йўқ,
 Бош сабаби, чўнтагимда тийин йўқ,
 Тушга қадар ўтираман шеър ёзиб,
 Тушдан кейин, мендан ўтган қийин¹ йўқ.

Ўш шаҳрида оғалар бор, иним бор,
 Улар бари менинг учун баробар.
 Мен уларга шеърлар ўқиб бераман,
 Улар тўлаб туришади гонорар.

Ён дафтарим, ёзувларим дилимда,
 Нима бўпти шеър, ўқисам элимга.
 Улар мени олиб борар етаклаб,
 Уйлаймиз деб «Вермут»² деган келинга.

Вермут ахир ўн саккизга чиқмаган,
 Ёмон сўзлаб, оёғимдан йиқмаган.
 Этак-барим бироз тегиб кетса ҳам,
 Зулфиямдай лойга мени тикмаган.

¹ Қ и й и н — доно.

² В е р м у т — шаробнинг бир тури.

* * *

Ҳаётингга асос бўлган,
 Меҳнат деган башат¹ бор.
 Ниятни холис қилиб,
 Эмин-эркин яшаб қол.

Мансаб эмас кун сайин,
 Мақсадингга етқирган,
 Қўлда бўлса, бериб тур,
 Қарз олмагин ҳеч кимдан.

Қувноқ яша ҳамиша,
 Сабаби, сен эркин қуш.
 Дилинг бўлса покиза,
 Кўрмагайсан ёмон туш.

Ҳалол меҳнат қилганлар,
 Толиқтирган иш демас.
 Демак, дўстим ҳеч кимса,
 Мушугингни «пишт» демас.

Тўқсон тўққиз қайғуга,
 Дош берасан тоғдайин,
 Ҳузурингда хотинлар,
 Эриб кетар ёғдайин...

АКБАР РИСҚУЛ

БУРГУТ ЎРГАТУВЧИ

Фарзанди қадрлаб ётса ҳам,
 Отасин шаҳарда боқса ҳам
 Овчи чол темсалар балконда,
 Қамалиб қолгандай осқада
 Эгарга бош қўйиб ётишнинг,
 Гашти бор, овулда бошқача.
 Замона торайиб турганда,
 Тонг отмай сайр қилар булварда.
 Бургути елкага қўнарди,
 Қамчига тумога² илганда.
 «Аттанг» деб тоғларга юкуниб,
 Топинар адирга, қирларга
 Соқолин силайди чайқалиб,
 Соғинчи афтидан пайқалиб.
 Овчи чол балконда андармон
 Ҳар куни соғинган пайтлари
 Кампири тирилиб тушида:
 Чақирар «Қайтайлик»! «Қайтайлик»!
 Шаҳарда бир йил ҳам яшамай,

¹ Б а ш а т – булоқ.

² Т у м о г а – чарм ниқоб.

Булварнинг даврини сурмади.
 Қаргалар қағиллаб қолишди,
 Оқсоқол ортига юрмади.
 Бургути чорлади шекилли,
 Аттанг, у шаҳарда турмади.
 Рост бўлсин илоҳим овчининг,
 Бургутин топгани-топгани.
 Ё кетган абадий сафарга,
 Кампирни ёнида ётгани...

ОВУЛДОШЛАРИМ

Шошма, қалам шошмагин,
 Мен янги шеър бошладим.
 Омонми она қишлоқ,
 Тинчми овулдошларим?!

Қанча юртни мақтадим,
 Қанча таом тотмадим,
 Рости гап қишлоғимдан
 Гўзал жойни топмадим.

Қишлоқда тонг отганин,
 Онам тўқоч ёпганин,
 Шуларни шеърга солмай,
 Бекор экан чопганим.

Яратганга арзим бор,
 Шоир деган тарзим бор.
 Ўйлаб кўрсам, азизлар,
 Қишлоқдан кўп қарзим бор.

ТАНГРИТОҒ

Қандайин соз Тангритоғда,
 Тонг оқариб отган чоғи.
 Қўланканинг чодирини,
 Кун нурлари очган чоғи.
 Қўм-кўк булоқ кўзин ишқаб,
 Жилдирашиб оққан чоғи.
 Чайир бола қир оралаб,
 Қашқа тойда чопган чоғи.
 Кийик, архар ором олиб,
 Қарчиғайда ётган чоғи.
 Тароватли сарин еллар
 Довонлардан ошган чоғи.

Тирикликнинг байроғидай,
 Бўз ўтовлар мўрисида,
 Тутун бурқсиб ётган чоғи.
 Қизғалдоқнинг дуррасидан,
 Шудринларни қоққан чоғи.
 Йилқичини эрка қизи,
 Байталини соққан чоғи.
 Ёлғиз қайин суянгани,
 Якка толни топган чоғи.
 Қандай кўркам, қандай сулув,
 Тангритоғда тонг отиши
 Жилғаларни алвон ранга,
 Чўмилтириб кун ботиши.

*Қирғиз тилидан
 Турсунбой АДАШБОВ
 таржималари*

Даниэла СТИЛ

Саёҳат

Роман

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Вақт ўтиб, сариқ матбуотнинг Мэдди ва унинг қизига нисбатан қизиқиши сўнди. Репортёрлар Мемфисдаги ресторанга бир неча марта киришга уринсалар-да, лекин хўжайини Лиззини яшириб қўйгани боис, ҳеч нарсасиз қайтиб кетишди. Кейин эса безовта қилмай қўйишди. Мэдди учун ҳаммаси мураккаброқ бўлди, у кўпроқ эл кўзида эди. Жекнинг талабига биноан, у тушунтириш беришдан бош тортди. Агар “Мен ва қирол” журналидаги сувратни ҳисобга олмаганда, газетачилар учун илинадиган ҳеч нарса йўқ эди. Лиззи ўзининг қизилигини тан олмасди ҳам, рад этмасди ҳам. Гарчи у ҳаммага қизи уни излаб топганидан нақадар бахтиёрлигини, қизи билан фахрланишини айтгиси келса-да, бироқ Жек туфайли индамасди.

Улар Лиззининг бир муддат Вашингтонда кўринмай туришини келишиб олишди. Шундай бўлса ҳам, Мэдди қизига Жоржтаундаги университетда жой қараб юрарди. Унга Билл қўлидан келганча кўмаклашарди. Лиззи хусусида катта муаммо йўқ эди. У Мемфисдаги коллежда барча фанлардан яхши ўзлаштирарди ва муаллимларидан ажойиб тавсияномалари бор эди.

Биринчи хоним кўмитанинг навбатдаги йиғилишини ўтказганида Билл ва Мэдди яна учрашдилар. У Биллга ўзини анча олдириб қўйган, чарчаган ва тушкун аҳволда кўринди. Газеталар шов-шувининг таъсири сезиларди, Жек ҳам эзишни камайтирмасди. Нафақат Лиззи туфайли, балки унинг кўрсатувлари рейтинги пасайиб кетгани сабабидан ҳам. У энди бунинг хотинининг ноқонуний қизи пайдо бўлганидан кўрарди. Билл бўлаётган барча ҳодисалардан бохабар эди — улар ҳар қуни кўнғироқлашардилар. У фақат бир нарсани — Мэдди қачон бўлмасин, золим эрини ташлаб кетишга қарор қиладими, шуни билмасди. Ўзи бу ҳақда ҳатто гапирмай ҳам қўйган, афтидан, ҳамма муаммоларида фақат ўзини айблаётган бўлса керак.

Биллни буларнинг барчаси қаттиқ ташвишлантирарди ва кўмитанинг йиғилишларидан бирида доктор Флауэрсни четга чақириб, у билан Мэдди ҳақида гаплашиб олишга аҳд қилди. У, табиийки, Биллга ҳеч қандай сирларни очиб ўтирмади, фақат унинг кўнглини кўтариб қўйди. Унинг Мэддига бўлган муносабати, унинг муаммоларидан ташвишланиши доктор Флауэрсни қизиқтириб қўйди. Унга Билл жуда хавотирланаётгандек туюлди.

— Жуда кўпчилик аёллар бундай аҳволда йиллар давомида кўникиб яшайдилар, камситишлар ва ҳатто калтакларга чидайдилар. Жек эса хотинини ниҳоятда нозик йўл билан камситади, бу зўрликнинг ҳийла-

Давоми. Боши ўтган сонларда.

кор усули. Кўриниб турибдики, у бу соҳада устаси фаранг. Бундай ҳаракатлари учун Мэддини гуноҳкор сезишга мажбурлаб, ўзини жабрдийда қилиб кўрсатади. Унутманг, Билл, Мэдди шунга йўл қўяди.

— Унга қандай ёрдам берсам бўлади?

— Ёнида бўлиб. Эшитинг. Кутинг. Нима ўйлаётганингиз, нимани кўраётганингизнинг ҳаммасини унга ростини айтинг. Лекин у Жек олдида ўзини айбдор сезиш кайфиятида бўлса, демак ўзини гуноҳкор ҳисоблайверади, бу билан ҳеч нима қилолмайсиз. Эҳтимол, ўзи бундан ҳатлаб ўтиб кета олар. Сиз ҳозирча имкон борича ҳаракат қиляпсиз.

Гарчи доктор Флауэрс Биллга ҳеч нима айтмаган бўлса-да, унинг Мэдди билан ҳар кўни кўнғироқлашиб туриши, аёл уларнинг дўстлигини нечоғли қадрлашини биларди. Бунинг ортида каттароқ нимадир борлиги ҳақида унда фикрлар пайдо бўлмаслиги мумкин эмас эди. Бироқ Мэдди улар фақат дўст экани, муносабатларида ҳеч қандай ишқий жиҳатлар йўқлигини таъкидларди. Доктор Флауэрс бунга шубҳа қиларди. Лекин Билл докторга ёқарди ва уни ҳам, Мэддини ҳам гоё хурмат қиларди.

— Кунларнинг бирида Хантернинг сабри тугайди ва ўзининг айёрона яширин усулларида очиқ маразликка боришидан хавотирланяпман. Хотинига ростмана оғриқ келтиришидан кўрқаман.

— У ҳозир ҳам хотинига азоб беряпти. Лекин унга ўхшаган эркаклар кўпинча жисмоний зўрлашдан нари юрадилар. Мен, албатта, бундай қилишгача бориб етишига қафолат беролмайман-у, назаримда, у айёрроқ ва писмиқроқ. У ўз жабрдийдасини қўлидан чиқиб кетишига йўл қўйиш хавфи ортган сари, хотинига қийинроқ бўлаверади. Уни яхшиликча тинч қўймайди.

Мэдди кетганидан кейин улар бирпас гаплашдилар. Билл уйига янада гамгинроқ бўлиб кетди. У ҳаётида фақат бир марта ўзини ҳозиргидек чорасиз сезганди. Унинг Мэддидан хавотирланиши ўз шахсий тажрибасида, хотини билан бўлган ҳодиса туфайлимасмикан, дея ўзига ўзи савол берарди. Бу вақтгача Билл шундай бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди.

Кейинги ҳафтада у Мэддига ўз китоби қўлёмасининг бир нусхасини ўқишга берди. У дам олиш кунларида китобнинг ярмини ўқиб чиқди. Жек хотини ёшли кўзлари билан мутолаа қилиб ўтирганида кириб келди. Улар Виргинияда дам олишарди. Кун бўйи ёмғир ёғди. Мэдди диванда ёнбошлаганча китоб ўқир ва йиғларди.

— Жин урсин! Нима балони ўқияпсан ўзи?

— Бу Билл Александрнинг китоби. Жуда яхши ёзилган.

— Бундай бемаза нарсани ўқиб зарил келдими сенга! Бу нусха ҳақиқий омадсиз ва йиғлоқи. Бирор бир арзигулик нарса ёзишига ҳеч қачон ишонмайман.

Жек Биллни очиқ ёқтирмасди. Агар у Мэддига ёрдамлашаётганини сезиб қолганида, уни баттарроқ ёмон кўриб қолар, ҳатто нафратланарди. Эҳтимол, эрим буни пайқаб қолгандир, дея ўйлади Мэдди.

У Александрнинг китоби ҳақида ортиқ бир сўз ҳам демади. Бироқ, кечқурун Мэдди давомини яна ўқимоқчи бўлганида, қўлёмани тополмади. Бу ҳақда Жекдан сўраган эди, у:

— Сени ортиқча кўз ёшлар тўкишдан халос этиб, уни ўз жойига — ахлатга ташлаб юбордим, — деди.

— Уни ташлаб юбордингми?!

— Усиз ҳам қиладиган ишинг кўп. Ундан кўра кўпроқ таҳлил ва текширишлар билан шуғуллан, балки рейтингларинг ҳам кўтарилиб қолар.

— Қанчалик кўп материал устида ишлаётганимни ўзинг ҳам билсан. — У ҳозир марказий разведка бошқармасида чегарадан ўтказиш

қоидалари бузилаётгани тўғрисидаги жанжал ҳақида кўрсатув тайёрлаётганди. — Ва муаммо бунда эмаслигини мендан ҳам яхшироқ биласан.

— Хўш, балки қарийётгандирсан, кичкинтой? Ўзинг биласан, томошабинлар ўттиздан ошган бошловчиларни унча ёқтирмайдилар.

У хотинини камситиш учун ҳар қандай баҳона топа оларди.

— Китобни ташлаб юборишга сира ҳаққинг йўқ эди! Ҳали ўқиб бўлмагандим. Кейин, қўлёмани қайтариб беришга ваъда берганман.

Жек унинг ранжиган овозига ҳеч қандай эътибор бермади. Бу унга хотинига яна бир бор ва шу қатори, Билл Александрга нисбатан нафратини намоийш этиш учун яна бир қулай баҳона эди. Яхши ҳамки, Билл унга аслиятни эмас, фақат қўлёмна нусхасини берган экан.

— Вақтингни бекор кеткизма, Мэд.

Шу сўзларни айтиб, у юқорига, ётоқхонасига чиқиб кетди. Хотини билан жинсий яқинлик вақтида аввалги кечалардагидан кўра қўполроқ ҳаракатлар қилди. У гўё хотинини жуда кўп хато ишлари учун жазолаётганга ўхшарди. Илгаригидек кучли жаҳолат билан эмас, албатта.

Вашингтонга қайтишганда, уларни ҳеч кутилмаган янгилик кутарди. Телестудия олдида турган энг катта муаммони Брэд ҳал қилиб, ҳаммани лол қолдирди. Жекнинг ёнига киришдан аввал у Мэдди билан гаплашиб олди. У ҳатто унингдек ишини пухта билувчи журналист билан жуфтликда теледастур бошловчиси бўлиш унчалик осон эмаслигини эндигина тушунганини айтди.

— Менга доимо тўғридан-тўғри эфирдаги кўрсатувлар яхшидек туюларди. Лекин дарахтда бир неча дақиқа телекамералар қаршисида осилганча туриш бошқа, дастурни олиб бориш — бутунлай бошқа иш экан. Менда бунақа истеъдод йўқ экан. Агар тўғриси яна айтсам, — Брэд жилмайиб қўйди, — бундан ҳеч қандай завқ олмаётганимни тан оламан.

У бошқа телестудиянинг Сингапурдаги муҳбири бўлиб ишлашга розилик берганди ва у ерга тезроқ кетишни сабрсизлик билан кутарди. Кейинги вақтларда Мэдди унга анча ўрганиб қолган бўлса-да, унинг кетишини эшитиб, енгил тин олди. Жуда қизиқ, бу хабарни Жек қандай қабул қилар экан?..

У бу ҳақда бир сўз ҳам демади. Эртасига Брэднинг ишдан бўшагани тўғрисидаги буйруқ бўлимга келиб тушди, лекин шу ҳафта охиригача ишлашга розилик билдиргани кўрсатилганди. Брэд энг бошиданоқ ярим йиллик вақтинча битим имзолаганди, чунки узоқроқ ишлашни исташини ўзи ҳам билмасди. Бу хабар Жекни унча хурсанд қилмаганини Мэдди дарҳол пайқади, лекин эри бу ҳақда ҳеч нима демади. Фақат унга янги шерик топгунларига қадар зиммасига янада каттароқ масъулият юкланишини эслатиб қўйди, холос.

— Рейтингларинг бутунлай тушиб кетмаслигини умид қиламан.

Бироқ, ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди. Брэдсиз унинг рейтинглари дарҳол мислсиз юқорига чиқиб кетди. Режиссёр Жекка ҳатто Мэддини дастурда ёлғиз қолдиришни таклиф қилди. Жек бунинг учун Мэдди у қадар кучли эмаслигини, унга шерик зарурлигини айтиб, қарши чиқди. У хотинини жойига ўтказиб қўйишни истарди. Шунга қарамай, Жек буни ҳатто тан олишни истамаса-да, рейтинглари яшин тезлигида ўсиб кетганини кўргач, Мэдди ўзини бахтиёр сезарди.

Билл билан телефонда гаплашаркан, унинг овози ғамгин эшитиларди. У ёлғиз ўзи ишлаётгани туфайли аллақачон толиққанди. Унга Грег жуда етишмасди. Яна у Лиззини соғинарди. Уни аниқ нима безовта қилаётганини ҳам ҳатто аниқдай олмасди, Биллга шунчаки “кайфияти ёмон”-лигини тан олди, холос. Лекин Биллнинг кўмаги билан Лиззи Жоржтаун дорилфунунига қабул қилингани ҳақидаги хабарни эшитиши билан унинг

кайфияти кўтарилиб кетди. Ҳеч ҳайрон қоладиган ери йўқ, деди Билл. Қизнинг қобилияти аъло даражада, аризани яхши ёзиб жўнатган. Бу дорилфунун мамлакатда катта обрўга эга бўлгани сабабли унга ўрин топиш осон бўлмади, муаммо фақат шунда эди. Билл айрим танишларини ишга солди, Лиззининг аввалги муаллимлари берган тавсияномаларини ҳисобга олиб, унга жой топилди. Мэдди осмоннинг еттинчи қавагида эди. Энди қизига Жоржтаундан уй топса бўлди, улар истаган маҳалда кўришиб тура оладилар.

— Унга буни тезроқ айтгим келяпти.

— Фақат бу ерда менинг ҳеч алоқам йўқлигини айтинг. Лиззи ростдан ҳам ўзи шунга лойиқ. Фақат бир неча киши билан гаплашдим, холос, агар у нолойиқ бўлганида, уни қабул қилишмаган бўларди.

— Билл, сиз авлиёсиз!

Мэдди дўстига Жек унинг қўлёмасини ташлаб юборганини айтишдан жуда кўрқарди. Бироқ бу хабар уни унча ҳайрон қолдирмади. У қўлёмасининг бошқа нусхасини Мэддига юборди ва у энди бўш вақтида ишхонасида ўтириб ўқирди. Улар таассуротларни бўлишдилар. Мэдди Биллнинг китоби катта муваффақият қозонишидан ҳеч шубҳа қилмасди. Бундан ташқари, шундай бамаъни, ростгўй, инсонпарвар китоб уни ўқийдиган китобхонларга таъсир кўрсатмай қолмасди.

Шу дам олиш кунларида Мэдди Лиззига Жоржтаун дорилфунунига қабул қилинганини шахсан ўзи хабар қилди. Жек оғайнилари билан Лас-Вегасга дам олгани, Мэдди эса Мемфисга учиб кетди. Улар Лиззи билан бирга овқатланишди. У қизига Рождество байрамигача, дорилфунунда ўқиш семестри бошлангунига қадар унга уй топишга ваъда қилди. Лиззи ўз бахтига ишонгиси келмасди.

— Лекин, илтимос, унча қиммат бўлмасин. Ҳар доим вақтимни ўқишга сарфлайман, фақат дам олиш кунлари ишлай оламан.

— Семинарларга қачон тайёрланасан? — сўради Мэдди худди оналарча жиддийлик билан. — Йўқ, агар яхши ўқишни истасанг, ишлай олмайсан, Лиззи. Бу ҳақда ўйлаб кўр.

Бироқ Лиззи буни ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ, деб ҳисобларди. У ҳар бир бўш дақиқасида ишлаб, коллежда бир ярим йил ўқиганди.

— Менга стипендия тўлашадими?

— Сенга мен стипендия тўлайман. Лиззи, тентак бўлма. Замонлар ўзгарди. Энди онанг бор.

Яна қандай она, телевидениеда бир дунё пул ишлаб топувчи ва томошабинлар орасида энг зўр муваффақият қозонган онаси бор. Мэдди қизининг ўқиши, уй-жойи ва барча харажатларини ўзи тўлашга қатъий қарор қилганди. Қизига ҳам шундай деди:

— Энди ўзингни ўзинг боқмайсан. Озгина дамингни ол. Бунга лойиқсан. Сен учун оғир дамлар ортда қолди.

У ўтмишни тўғрилай олмаса-да, Лиззининг келажagini таъминлаши зарур эди.

— Қачон бўлмасин, яхшилигингни қайтараман, — тантанали ваъда берди Лиззи.

— Қариганимда мени боқасан, — кулиб жавоб берди Мэдди. — Садоқатли фарзанд бажариши керак бўлганидай.

Энг ажойиби шундаки, улар ҳақиқатда бир-бирларига маҳкамроқ боғланаётганларини сезардилар. Уларнинг фикри бир жойдан чиқаётгани, бир хил буюмлар ёқиши, дидлари бир хиллиги равшан бўлиб борарди. Фақат бир жиҳати — мусиқага берилганлиги ўхшамасди: Лиззи панк-рок ва кантри мусиқани севарди, Мэдди эса уни ёқтирмасди.

— Умид қиламанки, бу ёшдан ўсиб кетасан, — калака қиларди қизини у.

Лиззи ўз дидининг ҳеч қачон ўзгармаслиги ҳақида зўр бериб онт ичарди.

— Сиз эса фақат эски ва зерикарли мусиқа тинглайсиз.

Улар дам олиш кунларини яна бир ажойиб тарзда биргаликда ўтказдилар. Узоқ пиёда юриб, гаплашдилар. Якшанба куни черков хизматидан кейин уйда осойишта дам олдилар. Кейин Мэдди уйга Жекдан илгарироқ етиб бориш учун Вашингтонга қайтиб учиб кетди. Эри ярим кечага яқин қайтиши ҳақида огоҳлантирганди. Мэдди эрига Лиззини кўришга бормоқчилигини айтмаганди ва гапирмоқчи ҳам эмасди. Бу ҳали ҳам портлаши мумкин бўлган мавзу эди.

Мэдди нарсаларини тахлаб ўтирганида телефон жиринглади. Унинг ҳайратига бу Билл экан. Шу чоққача у Жекка дуч келиб қолишидан чўчиб, ҳеч қачон уйига қўнғироқ қилмасди.

— Сизни безовта қилдимми? — дарҳол сўради у.

— Йўқ, ҳаммаси жойида. Ҳозиргина Лиззининг ёнидан келдим. У Жоржтаунда ўқиши ва яшашидан ўзида йўқ хурсанд.

— Бунни эшитишдан бахтиёрман. Бугун кун бўйи сизни ўйладим. Нимагадир жуда безовталандим. Яхшиямки, ҳамма ишларингиз жойида экан.

Мэдди унинг ҳаётига кириб келганидан бери Билл фақат у ҳақда ўйларди. Доимо ундан хавотирланарди. У шундай мураккаб вазиятдаки, ҳаётидаги барча нарсалар учун ўзини Жекдан қарздор ҳисоблаб, шу боис унинг ҳамма қийноқларига чидаб келяпти. Билл эса уни бу фикрдан сира қайтаролмаяпти. Гарчи Мэдди ўзи ҳам Жек уни хўрлаётгани, камситаётгани ва ҳақоратлаётганини сеза бошлаётган бўлса ҳам. У ҳар бир дақиқада, ҳар доим Мэддидан хавотирланарди. У ҳатто аёл ҳақида ўз фарзандларига ҳам гапириб берганди.

— Эрингиз уйдами? — эҳтиёт бўлиб сўради у.

— Йўқ, дам олишга Лас-Вегасга кетди. Улар ўша ерда овқатланиб, варьетеда охирги томошани кўришмоқчи эди, у ярим кечага яқин қайтишини айтганди, лекин уни тонги уч-тўртгача кутмайман.

— Ундай бўлса, балки бирга овқатланармиз? Ҳозир салат билан спагетти тайёрламоқчи эдим. Бундай оддий кечки таомга қандай қарайсиз? Ёки бирон жойга боришни маъқулроқ деб биласизми?

Гарчи улар жуда кўп учрашган бўлсалар ҳам, — Мэдди унинг суҳбатидан доимо маза қиларди, — у кечки таомга сира таклиф этмаганди. У Мэдди учун устоз, ишончли киши, ҳатто айтиш мумкинки, асровчи-фариштаси бўлиб қолганди. Ва, албатта, энг яқин дўсти эди.

— Сиз билан бажонидил овқатланаман.

Улар тинчгина унинг уйида учрашишга қарор қилишди. Сарик матбуотга янги гийбатларга баҳона бермай қўя қолишади.

— Бирон нима олиб борайми? Балки шароб ёки ширинликми? Салфетками?

— Ёлғиз ўзингизни. Кўп нарса кутманг. Жуда оддий таом пишираман. Ахир бу билан яқиндан бошлаб машғул бўла бошладим-да.

— Бунинг ташвишини қилманг, сизга ёрдамлашвораман.

Ярим соатдан кейин у Биллнинг уйига оқ свитер ва мовий ранг жинси шимда, қўлида қизил шароб тутганча кириб келди. Елкасига ташлаб олган сочлари уни Лиззига янада кўпроқ ўхшатарди. Билл унга бу ҳақда дарҳол айтди.

— У жуда ақлли қиз! — Мэдди бунни шундай ифтихор билан айтдики, гўё қизи билан бир умр яшагандек эди.

Билл крахмалланган кўк кўйлаги ва ҳаворанг жинсида ошхонада ошпаз сингари уринар ва шу билан Мэддида катта таассурот қолдирганди. У ажойиб салат, энг зўр итальянча спагетти тайёрлаб, атайлаб Мэдди учун сотиб олган фаранг нонини иситиб қўйганди. У келтирган қизил

шароб эса нур устига нур бўлди. Улар ойналари боққа қараган, Билл ниҳоятда ёқтирадиган мўъжазгина шинам ошхонада стол ёнида ўтириб овқатланардилар ва суҳбатлашардилар. Унинг дипломатик хизмати ва академик лавозими, китоби ҳақида, Мэддининг теледастурлари тўғрисида суҳбатлашардилар. Улар бир-бири билан ўзларини эркин тутардилар. Билл Мэдди билан ҳар қандай мавзуда, ҳатто қизининг турмушга чиқишидан хавотирланганлари ҳақида ҳам гапира олишини сезарди. Уни қизининг иши ҳаддан ортиқ кўплиги, тез-тез туғиши ва куёви унга менсимай муносабатда бўлишидан ранжиётганини айтди. Уни тингларкан, Мэдди агар Лиззи бўлмаганида ҳозир ўзини ғоят қашшоқ сезиши ҳақида ўйларди.

— Узимни бола кўриш имконидан маҳрум этгунимга қадар, улар ҳаётда нақадар муҳимлигини англамаган эканман. Жекнинг талабига кўниш мен томондан аҳмоқона иш бўлганди, лекин у менга шунчалар ўтказиб қўйди... У туфайли шундай йўл тутишга мажбурлигимни сезардим. Биласизми, бутун ҳаётим давомида бировнинг кўрсатган йўли билан яшадим. Болаларим бўлиши ёки улардан воз кечмоқ... тасаввур қилиб кўринг-а, агар Лиззи бўлмаганида охир-оқибатда ҳаётим қандай гамгин бўларди.

У Билл билан шундай нарсалар тўғрисида эркин гаплашаётганининг ўзи қизиқ. Ҳозир, Лиззи пайдо бўлганидан бери алам ва андуҳ ҳисси секин аста чекиниб борарди.

— Буни тасаввур қилолмайман. Мен учун умр мазмуни болаларда. Баъзан улар билан ўзим кўпроқ шуғулланиб, Маргаретга нисбатан улардан кўпроқ ташвишлангандек туюлади. У болаларга бепарвороқ муносабатда эди.

Энди Мэдди буни жуда яхши тушунарди. У ҳам ҳар доим Лиззи ҳақида ташвишланар, бирор қор-қол бўлмадимикан деб безовта бўлар, тақдирнинг бу қимматбаҳо совғаси тўсатдан ғойиб бўлиб қолишидан тинимсиз кўрқарди. Ич-ичидан миясида у бунга нолайиқлиги сабабли тақдир унга жазо тариқасида бу бебаҳо неъматини қайтиб олиб қўяди, деган фикр ҳеч чиқмасди.

— Эҳтимол, уни ташлаб кетганим учун айбдорлик ҳиссидан сира қутулмасам керак. Лиззининг тирик қолгани ва бус-бутун, тўрт мучаси соғ ҳамда, афтидан, мендан-да соғлом экани шунчаки мўъжиза.

Мэдди шоколадли мусдан тотиб кўрди. Ниҳоятда соз... Билл тайёрлаган ҳамма нарсалар каби.

— Тақдир сизга нисбатан унга кулиб боқибди. Ўзингизни шу даражада асрашга қандай эришдингиз? Гарчи Лиззининг ҳам чекига тушган қийинчиликлар кам эмаслигига шубҳа қилмайман. Бу етимхона ва болалар уйларининг ҳаммаси... Худога шукурки, энди бир-бирингизни топдингизлар.

Кейин қутилмаганда сўраб қолди:

— Энди қизингизни топганда ва унинг қандайлигини кўргач, яна фарзанд кўришни истармидингиз?

— Жуда хоҳлардим. Аммо бунинг иложи йўқ. Бундан бошқа туғмаганман. Янгисини ҳам туғолмайман. Ягона йўл бирон-бир болани асраб олиш. Лекин Жек бунга асло рухсат бермайди.

Яна Жек. У яна биринчи навбатда Жекни ўйлайди ҳамда афтидан, уни ташлаб кетмоқчи эмас. У ҳозирги мавжуд шароитга кўниккан бўлмаса-да, лекин уни ташлаб кетишга ҳали ҳам жасорат тополмаяпти. Унга ўз ҳаёти билан қарздорлиги ҳақидаги фикрдан ҳеч халос бўлолмаяпти.

— Агар Жек бўлмаганда-чи?

Билл бу гап ҳеч қандай маъно бермаслигини тушунса-да, шунчаки қизиқиб сўрарди. Барибир... Мэдди, афтидан, болаларни жуда яхши кўради, бу рол унга янгилик бўлса ҳам, Лиззи билан ўзини ҳақиқий онадек тутаяпти.

— Бўлиши мумкин эди... — ҳайрон бўлиб деди Мэдди. — Бу ҳақда сира ўйламагандим. Аввало, Жек билан ажрашмоқчи эмаслигим сабабидан. Ҳозир ҳам бунга жасоратим етишини билмайман.

— Сиз буни хоҳлармидингиз? Жекни ташлаб кетишни назарда тутяпман.

Бу саволга у аниқ жавоб беролмасди. Буни гоҳида истарди, гоҳида эса йўқ. Ҳаётининг бу қисми шунчалик қарама-қаршиликлари кўп, чигаллашган, энг муҳими, айбдорлик ҳиссига тўла эди.

— Жекнинг ёнида ҳар доим сезадиган қўрқув, виждон азоблари, айбдорлик ҳисларидан халос бўлишни хоҳлардим. Эҳтимол, у билан шу сезиларсиз бирга бўлишни истардим. Албатта, бундай бўлиши мумкин эмаслигини тушунаман. Уни ташлаб кетишимни ўйлаганимда, гўё хаёлимни тасаввур этган, уни қандай кўришни истаган кишимни ташлаб кетаётганимдай туюлади. У баъзида вақти-вақти билан шундай бўларди ҳам. У билан бир умр бирга яшашни тасаввур қиладиган бўлсам, унинг тез-тез намоён бўлувчи пасткашликлари кўз олдимга келаверади. Бу икки қиёфани бирлаштириш осон эмас. У аслида қандайлиги... ўзим қандайлигим... қандай инсонни ташлаб кетмоқчилигимни охиригача ҳали тушунмадим ҳам.

Мэдди фикрини аниқроқ баён этолмади. Лекин Билл учун бу унинг табиатида ва эри билан муносабатларида нималарнидир ёрқинлаштирди. Афтидан, унинг онгида Жекнинг иккита бир-бирига ўхшамас қиёфаси бир хил тош босиб тургани боис, сира бир қарорга келолмаётган эди, шекилли. Биллга эса золим ва жоҳил қиёфа тош босаётгандай туюларди. Бошқа томондан, у отаси золим бўлган оилада сира яшамаган. Мэддининг болалик чоғлариёқ Жек хоҳлаган ишини қилишга йўл қўйиш учун тайёрлаганди. У Жек билан тўққиз йил, ундан етти йиллик никоҳи мобайнида Бобби Жо билан эри орасидаги ўхшаш жиҳатлар нақадар кўплигини англаганди. Унга нисбатан Жек қўллайдиган зўрлик шунчалик бошқача тусда эди.

— Эҳтимол, ҳаммамиз у ёки бу даражада гуноҳқордирмиз, — ўйлаиб деди Билл. — Ҳозир Маргаретнинг менга ёқмайдиган жиҳатларини унутиб ҳам юборганман. Ортга қараб, бирга яшаган даврни ўйлаганимда, ҳаммаси ажойиб бўлгандек туюлади. Лекин биз гапларимиз тўғри келмай, гоҳида ҳатто жиддий уришганмиз. Кембрижни ташлаб, дипломатик хизматга биринчи бор тайинланган чоғимда, Маргарет мени ташлаб кетмоқчилигини айтиб, қўрқитмоқчи бўлганди. У ҳеч қаерга кетишни истамасди, мени ақлдан озган деб ҳисобларди. — У Мэддига ғамгин нигоҳ ташлади. — Мана, у ҳақ бўлиб чиқди. Ўшанда бу тайинлашни қабул қилмаслигим керак эди. Балки шундай қилганимда, у ҳозир тирик бўлармиди.

Мэдди стол узра чўзилиб, унинг қўлини ушлади.

— Буни ким билибди, дейсиз... Ҳаммаси тақдирнинг қўлида. У авиаҳалокат ёки автомобил авариясидами, саратон хасталигиданми ҳалок бўлиши мумкин эди. Уни кўчада ўлдириб кетишлари ҳам мумкин эди. Буни ажал деб қўйибди. Ҳеч ким олдиндан ҳеч нимани билмайди. Уша вақтда сизга тўғри йўл тутаётгандек туюлган.

— Албатта. Ҳеч қачон Колумбияни хатарли жой ҳамда бизни бирон-бир хавфга учрашимиз мумкинлиги ҳақида ўйламаганман. Агар буни аввалдан билганимда, сира бормаган бўлардим.

— Биламан. Эҳтимол, хотинингиз ҳам буни билгандир. Ахир бу самолётлар гоҳида ҳалокатга учрагани боис уларда учишдан воз кечиш билан баробар-да. Ҳар бир инсон ўз умрини яхшироқ яшаб ўтишга ҳаракат қиладди, қандайдир лаҳзаларда ҳамма бирон-бир хатар томон бораётгандек бўлади. Кўп ҳолларда у шундай қилишга арзиди. Бунинг учун ўзингизни кўп қийнаманг. Сиз яхшироқ яшашга муносибсиз.

— Худди сиз каби. Бунга ахийри ўзингиз ҳам ишонишингизни жуда хоҳлардим.

— Ҳаракат қилипман. Лекин менга жуда узоқ вақт бунинг аксини уқтиришган. Буни унутиш осон эмас.

— Ҳаммасини ўчириб ташлашни истардим. Сизга ёрдам беришни, ҳимоя қилишни жуда хоҳлардим.

— Шундай қилипсиз-ку. Ўзингиз тасаввур этаётгандан ҳам кўпроқ ёрдам беришсиз. Сизсиз нима қилардим?

Энди Биллга у ҳақда ҳаммаси аён. Унинг барча қўрқувлари, умидлари ва муаммолари. Унинг ҳаётидаги ҳеч бир майда-чуйда ҳам Биллнинг назаридан четда қолмади. Моҳиятан, у Мэддини Жекка қараганда энди яхшироқ биледи. У доимо ёнидалиги, ҳамisha ёрдамга тайёрлиги учун Мэдди ундан ниҳоятда миннатдор эди.

Билл иккаласига қаҳва қуйди. Улар боққа чиқиб, ўриндиққа ўтирдилар. Кечки салқин ҳаво баданларни яйратарди. Билл унинг елкасидан энгил кучди.

— Қачон бўлмасин, буни яна такрорлашимиз керак. Агар вақт топа олсангиз.

— Бу Жекка ёқмаса керак, деб ўйлайман.

У, албатта, эрига кечки таомни Билл Александр билан бирга еганини айтолмайди, кейинги пайтда эридан жуда кўп нарсани яширишга тўғри келаётганди...

— Агар сизга зарур бўлиб қолсам, Мэдди, кўмаклашишга ҳар доим тайёрман. Буни биласиз, деб умид қиламан.

— Биладан, Билл. Раҳмат.

Уларнинг кўзлари учрашди. У аёлни бағрига босди ҳамда улар бири-бирига яқинлигидан ором олиб, индамай ва қимирламай узоқ ўтиришди. Худди яқин дўстлар каби.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Октябр аввалги ойларга нисбатан янада қизгин ҳодисаларга бой бўлди. Киборлар мавсуми авжга чиққанди. Сиёсий ҳаёт қайнаб жўшарди, унда кескинлик одатдагидан кўра кучлироқ сезиларди. Ироқдаги келишмовчиликлар ҳали ҳам инсонлар ҳаётига раҳна соларди. У ердаги америкалик аскарлар ўлими туфайли мамлакатда норозилик кучайиб борарди. Мэдди учун муҳит янада мураккаблашди. Жек унга ахийри Элиотт Нобл исмли шерикни ишга олди. У билан ишлаш Брэд билан ишлашдан ҳам оғирроқ эди. Гарчи у кўрсатувларни Брэдан кўра тузукроқ олиб борса ҳам, лекин Мэддига нисбатан очикдан-очик рақобат ва душманлик муносабатида бўларди. У худди муз каби совуқ бўлсада, илгари телебошловчи бўлиб ишлагани боис, ўз ишини биларди. Ҳар қалай, кўрсатув рейтингларига ҳозирча шикаст етмади, ҳатто бироз кўтарилди. Бироқ, у билан ишлаш Мэддига ниҳоятда оғир кўринди. Грег билан, ҳатто у ахийри кўникишга улгурган Брэд билан сира таққослаб бўлмасди.

Элиотт ишга тушганидан кейин бир ҳафта ўтгач, Жек Мэддини Европага олиб кетаётганини маълум қилди. У Лондонга уч кунлик хизмат сафарига бориши керак эди ва хотинининг бирга боришини талаб қиларди. Мэдди янги диктор келиши билан дастурни ташлаб кетгиси келмасди. Томошабинлар буни унинг ўрнига келди, деб қабул қилиши мумкин эди. Лекин Жек хотинининг барча ўйларини чил-парчин қилди. Ҳеч ким ҳеч нарса ўйламаслигини, умуман, хотини унга Лондонда кераклигини айтди. У ахийри, ҳар доимгидек, эрига итоат этишга мажбур бўлди. Бироқ, энди учиб кетмоқчи бўлиб туришганда, Мэдди шамоллаб қолди. Жекнинг ёлғиз учиб кетишига тўғри келиб, роса алам қилди. У бундай ҳолда Англияда

бир ҳафтага қолиб, Хэмпширдаги дўстларини кўриб келишга қарор қилди. Мэдди бундан жуда суюнди. Энди у Лиззи билан кўриша олади ва балки биргаликда унга жой қидириб кўришар. Улар шундай қилишди, гарчи муносиброқ уй тополмаган бўлсалар-да, иккиси ҳам роса яйрашди. Декабр-гача ҳали вақт етарли эди, шу боис уй топиш шошилиничмас, деган қарорга келишди. Куннинг охирида Билл уларни овқатланишга таклиф қилди.

Уйга кетишаётганда Мэдди дўкон ёнида тўхтаб, у-бу нарса харид этмоқчи бўлди. Унинг диққатини сариқ матбуотнинг биринчи саҳифаларида йирик ҳарфлар билан терилган Жекнинг фамилияси жалб этди. У “Машҳур Мэдди Хантернинг эри ҳали ҳам хотинининг беникоҳ туғилган фарзанди туфайли ундан ҳафами? У ҳам ўзига бош-қа миттигинани топган кўринади. Ҳузурбахш ўч” деган сарлавҳага эътибор берди. Пастроқда эса Жекнинг жуда ҳам ёш ва гўзал сариқ сочли қиз билан кўл ушлашиб, ресторандан чиқиб келишаётган сувратига кўзи тушди. Жекнинг кўзларида кўрқув ифодаси қотганди. Балки худди айна шу лаҳзада Мэддидаги каби. У уйга бораркан, йўлда мақолани ўқиб чиқди. Газетада ёзилган гаплар ростми ёки уйдирмалигини айтолмасди. Шунга қарамай, бу хабар уни қаттиқ ранжитди. Бунга Лиззига айтди. У эса онасини тинчитмоққа уринди:

— Ўзингиз биласиз-ку, бунинг қандай рўй беришини. Эҳтимол, у дўстлари орасидадир, бу аёл бирортасининг хотини ёки суйгани бўлиши мумкин. Бундай воқеалар кўпинча ёлғон бўлиб чиқади. Уларга ҳеч ким ишонмайди ҳам.

Бўлиши мумкин, ўйларди Мэдди. Барибир, сувратга қарар экан, ўзини гўё юзига тарсаки урилгандай сездди.

Жек унга икки кундан бери кўнғироқ қилмасди. У “Клериж”даги эри ташлаб кетган рақамни териб, ўзи кўнғироқ қилмоқчи бўлди. Меҳмонхонада жаноб Хантер дам олиш кунларида дўстларининг ёнига кетганини айтишди. Мэдди у ердаги телефонни билмасди.

Мақола ҳақида бошқа ҳеч кимга гапирмади. Бироқ, дам олиш кунлари бу ҳақда ўйлашни сира бас қилмади ва душанбада кунни билан қони қайнарди. Жек уйга фақат кечкурун кириб келди ҳамда хотинининг кайфиятини дарҳол пайқади. Ўзи ниҳоятда хурсанд, кайфияти чоғ эди.

— Сенга нима бўлди, Мэд?

Мэдди бир оғиз ҳам сўз демай, аввалдан ҳозирлаб қўйган газетани эрига кўрсатди.

У фақат елкасини қисди-да, нигоҳини хотинига қаратиб, бепарво кулиб қўйди:

— Нима қилибди? Биз дўстлар билан кўпчилик йиғилгандик, кейин у билан бирга чиқдик. Ахир, англашимча, бу жиноят эмас.

У ўзини ҳеч гуноҳкор сезмас ҳамда на оқлайдиган, на кечирим сўрайдиган нияти йўққа ўхшарди. Ёки у ростдан ҳам айбсиз ёки бу ишониб бўлмас даражадаги сурбетлик эди. Мэдди эрига қараб туриб, ҳақиқат қайдалигини тушунолмади.

— У билан рақсга тушдингми? — сўради у эридан кўзини узмай.

— Албатта. Ўша кеча кўплар билан рақсга тушдим. Лекин сени агар шу нарса қизиқтираётган бўлса, у билан бирга ётмадим. — Эрининг юзида жаҳл ифодаси пайдо бўлди. Сен мени ўша билан гумонсираяпсанми, Мэд? Шундайми?

У хотинига яқинроқ келиб, унга шундай тикилдик, худди у яна айбдордек, гўё уларнинг эр-хотинлик садоқати ҳозир савол остида қолгандек эди.

— Мен хавотир олдим. У ниҳоятда жозибали экан. Газеталар эса гўё сен у билан учрашаётгандек ёзишди.

— Агар газеталар сен ҳақингда ёзилган гаплар бўйича хулоса чиқарилса, арзон нархдаги фоҳиша бўлиб кўринган эдинг. Лекин мен бунга ишонмадим-ку, тўғрими?

Бу сўзлардан хотини худди калтак зарби теккандек гужанак бўлди.

— Қандай қилиб шундай дея оласан, Жек?

— Ахир бу ҳақиқат-ку. Ҳозирча менинг ҳеч ноқонуний туғилган фарзандим маълум бўлгани йўқ. Мабодо, шундай ҳодиса юз берганида, мен билан жанжаллашишга ҳаққинг бўларди. Лекин ҳозирги аҳволингда менга ҳеч нима деёлмайсан, деб ҳисоблайман. Сен менга ёлгон гапириб, менидан қанча сирни яширгансан, худди шу тарзда сенга қайтарсам, мени ким айблай олади?

Одатдагидай, яна ўзи айбдор. Бир жиҳатдан, у ҳақ. Ахир у Лиззини Вашингтонга олиб келмоқчилигини, вақти-вақти билан Билл билан учрашиб туриши, ҳар куни телефонда гаплашишини эридан яширдик-ку. Жек яна ҳаммасини тескари томонга буриб, унинг ўзини гуноҳкор сезишига мажбур қилди. Эр-хотинлик садоқати ҳақидаги савол шундай четга сурилганча қолди.

— Кечир, шунчаки бу кўринишдан...

— Бармоғинг билан ўзгаларни кўрсатишга шошма, Мэд. Ишхонада нима гап?

Ҳар доимгидек, у барча айбловлардан қуруқ чиқди. Лекин бу воқеага сал кечроқ, ўзига қулай бўлган чоғда, хотинининг асабларини қақшатишга навбатдаги гал келганида яна қайтишларига тўғри келди. У ниҳоятда усталик билан хотинини ёш, чиройли, бўйдоқ янги шериги Элиотт билан дон олишиб юришда айблади. Жек хотинига Элиотт иккала-си ҳақида миш-мишлар тарқалиб юрганини етказа бошлади. Мэдди эрининг гапларига ишонди ва жуда хафа бўлиб қолди. У бу ҳақда Биллга гапириб берди. Билл унинг кўзларини очишга уриниб, Жек шу тарзда ўз кирди-корларидан хотинининг диққатини чалғитишга уринаётганини айтди. Лекин Мэдди сира шубҳаланмасди: Жек миш-мишларга ишонади. У ўзини гоят ёмон сезарди.

Бироқ, Жекнинг Элиотт тўғрисидаги ҳамма гаплари бир таниши Мэддини Билл билан “Бомбей клуб”да бирга овқатланишаётганини кўрганини айтганидан кейин нақадар қутуриб кетгани билан қиёслаб бўлмасди.

— Ҳа, шу сабабдан Лондондан қайтганимда бетимга сапчибсан-да! Айбингни ўзгалар елкасига ағдармоқчимидинг? Нима, менга ўша қари кўсқи чол билан хиёнат қиляяпсанми? Агар ростдан шундай бўлса, сенга ачинаман, Мэд. Бундан тузукроғини энди топиб бўпсан.

— Гапираётган гапларининг ҳаммаси бемаъни!

Мэддининг ростдан жаҳли чиқиб кетди. Билл ҳеч қари эмас. У одамшаванда, билимдон инсон, ташқи кўринишдан ҳам ниҳоятда келишган ва ахлоқий покиза одам. Таажжуб... ахир у Мэддидан йигирма олти ёш катта бўлса-да, улар ёшидаги фарқ ҳақида унинг ёнида сира ўйламасди.

Вазият янада кескинроқ тус олди. Жек студиядаги котиба орқали Билл хотинининг идорасига кўнғироқ қилишини қандайдир йўл билан билиб олибди. Кейин майда-чуйда саволлар ёрдамида айёрлик билан унинг ичидан суғуриб олгандай, уларнинг ҳар куни кўнғироқлашишларини тан олдиришга мажбурлади. Беш дақиқадан сўнг у хотинининг хонасига қутурганча отилиб кирди ва уни ҳақоратларга кўмиб ташлади.

— Сен кичкина мегажин фоҳиша! Орангизда нима содир бўляпти, гапир! Қачон бошладиларинг? Эҳтимол, ўша аёллар кўмитасидаги қалбларни ларзага келтирувчи йиғилишлардадир? Бу итдан тарқаган ўз хотинини ўлдиришгача бориб етганини унутма! Агар ундан эҳтиёт бўлмасанг, балки сени ҳам шу аҳволга туширади.

— Шундай дейишга қандай тилинг борди! — Мэддининг кўзларидан ёш оқиб кетди. Жек нақадар жоҳил! Унга Билл Александр билан ётмаганини қандай қилиб исботласин... — Биз у билан фақат дўстмиз. Сенга сира хиёнат қилмаганман, Жек.

У эрига ялинчоқлик билан қараб, гапига ишонтиргиси келарди. Эрининг ўзини тутиши хотинини қалбининг тубигача ранжитди. У ўзини тепкилаб ташлангандай сезарди. Бироқ, ғалати бўлса-да, эрига нисбатан нафрат туйғуси йўқ эди.

— Бунга бошқа бировга айт! Сени яхши биламан. Бола ҳақида ёлгон гапиргансан-ку.

— Бу бутунлай бошқа.

Ҳўнграб йиғлаганича худди қамчи билан калтакланган каби эрининг сўзларидан стол четига гужанак бўлиб ўтирди.

— Бекорларнинг бештасини айтибсан! Сенинг бошқа биронта сўзингга ҳам ишонмайман. Ёлгонларингдан кейин қандай ишонай! Ёлгончилигининг исботу далили — қизинг эканини эслатиб қўйишим мумкин.

— Биз фақат дўстмиз, Жек...

Лекин энди у эшитмасди. Ойналарни синдиргудек эшикни тарақлатиб ёпганча хонадан югуриб чиқиб кетди. Мэдди стол четига ўтирганча, йиғидан вужуди титрарди. Ярим соатдан кейин Билл қўнғироқ қилди. У содир бўлган воқеа ҳақида гапириб берди.

— Менга бошқа телефон қилмаганингиз маъқул, деб ўйлайман. Орамизда ишқий алоқа борлигига унинг ишончи комил.

Албатта, улар энди тушлик овқат маҳалида ҳам бошқа учрашолмайдилар. Мэддининг назарида, ўзига тоза ҳавони ўзи беркитаётгандай эди. Бироқ, унинг ўзга чораси йўқ эди.

— Сизга ўзим қўнғироқ қиламан. Бу осонроқ.

— Сиз билан бундай гаплашишга унинг ҳаққи йўқ эди! — Билл газабини босолмасди. Жек айтган гапларнинг ҳаммасини унга гапирмаганди ҳам. — Ғоят афсусдаман, Мэдди.

— Ҳечқиси йўқ. Ўзим айбдорман. Лондонда ким биландир учрашганида айблаб, унинг жаҳлини чиқардим.

— Жин урсин, ахир сувратларини газетада кўргандингиз-ку! Бошқа яна нима деб ўйлашингиз мумкин эди?

Жек хотинига ёлгон гапирганига Билл шубҳа қилмасди, лекин Мэддига бунга айтиб ўтирмади. Шундай бўлса-да, ўзини тийиб туролмади:

— Яна қанча чидамоқчисиз, Мэдди? Яна қачонгача кўтарасиз? Бу одам сизни лой каби оёғи билан тепяпти. Наҳотки шуни кўрмаётган бўлсангиз?

— Кўряпман... Лекин у қайсидир жиҳатдан ҳақ. Унга Лиззи тўғрисида ёлгон гапирганман. Унинг жаҳлини ўзим чиқардим. Агар у бошқа аёл билан ҳар куни телефонда гаплашганида, бу менга ҳам ёқмасди.

— Сиз телефондаги суҳбатларимизни тўхтатишни хоҳлайсизми?

Унинг овозида ҳақиқий кўрқув ҳисси сезилди. Лекин Мэдди уни дарҳол тинчлантирди:

— Йўқ, хоҳламайман. Аммо Жекнинг ҳисларини тушуна оламан.

— Унинг ҳисларини тушунишингизга шубҳам бор. Агар унда умуман ҳис дегани бор бўлса. У айёр ва жоҳил ҳамда сизни ҳар кўйга солишни яхши ўрганиб олди. Истаган лаҳзада унинг олдида айбдорлигинингизни сезишга сизни мажбур қила олади. Ҳозир у ўз кирдикорлари учун сиздан узр сўраши керак эди.

Ниҳоят, улар келишиб олдилар. Мэдди Биллга ҳар куни ўзи қўнғироқ қиладиган бўлди. Энди тушки овқатга бирга чиқиб боришолмайди, балки кейинроқ ҳар замонда боришар. Эҳтимол, одамларга кўринмаслик учун вақти-вақти билан Биллнинг уйда учрашиб туришар. Албатта, у ҳам алдагандек кўринади. Лекин Мэдди Билл билан кўришишни бутунлай тўхтатолмаслигини сезарди. Унга ҳеч бўлмаса, бир дўст керак. Лиззини ҳисобга олмаганда, Билл унинг ягона яқин кишиси эди.

Уйдаги иқлим бир неча кун давомида ғоят оғир кечди. Кейин қутилмаганда бир ҳодиса рўй берди. Жек билан хотинини бир конгрессмен зиёфатга таклиф этганди. У ерга уй эгасини коллеждан бери танийдиган Билл ҳам бориб қолди. У бу ҳақда Мэддига айтишни унутганди.

Билл меҳмонхонага кириши билан Жекнинг асаби таранглашди. У хотинининг қўлини қаттиқ сиқди, у ҳатто оқариб кетди. Ҳуштаксимон овозда шивирлади:

— У билан гаплашадиган бўлсанг, бу ердан шундай судраб олиб чиқиб кетаманки, ўзингга келишга ҳам улгурмайсан.

— Тушундим, — дея шивирлаб жавоб берди у.

Мэдди Биллнинг тушунади, дея умид қилиб, кўзларига қарамасликка тиришарди, ҳар сафар Билл унинг ёнига яқинлашмоқчи бўлганида, у Жек томонга ўтиб кетарди. Бутун кеча мобайнида ўзини ноқулай сезди ва ранги оқарган, қийналган кўринарди.

Жек ҳожатхонага чиқиб кетганида, Мэдди Биллга ялинчоқ назар билан қаради. Билл унинг ёнидан секин ўтиб кетди. Унинг чехрасида асабий зўриқишни сезди.

— Сиз билан гаплашолмайман... Унинг газаби қайнаган...

— Ўзингиз яхшимисиз?

Билл Мэддидан ташвишланарди. У нима рўй берганини тушунди ва бутун кеча давомида унга яқинлашмади. Лекин ҳозир унинг ёнидан ўтиб кетаётганида хонага Жек кириб келди. Нима бўлганини дарров фаҳмлади. Бутун хона бўйлаб шахдам одимлар билан ўтиб, хотинининг ёнига борди. Тишларини гижирлатиб гапирди:

— Биз кетяпмиз. Пальтоингни ол.

Мэдди уй эгасига ажойиб кеча учун миннатдорчилик билдирди. Улар биринчи бўлиб кетишаётганди, бироқ овқатланиб бўлишгани боис, бунга ҳеч ким ҳайрон бўлмади. Жек эртасига эрталабдан ишга доир учрашувлари борлигини айтди.

Билл Мэддининг аҳволини билиш учун ҳатто қўнғироқ қилолмаслигини билиб, уларнинг изидан бахтсиз кўринишда қараб қолди.

Уйга кетишаётганларидаёқ Жек аччиқ сўзлари билан уни савалай бошлади. Хотини бундан машинадан сакраб тушиб, боши оққан томонга қочиб кетгиси келди.

— Нима, мени жинни деб ҳисоблайсанми? Айтдим-ку, у билан гаплашма деб! Унга қандай қараганингни кўрдим. Нега кўйлагингни кўтариб, унинг қаршисида турсигингни силкитмадинг?

— Жек, илтимос... ахир сенга айтдим-ку, у билан фақат дўстмиз. Мен эрли аёлман. У ҳали ҳам хотинини ўйлаб, гамбода. Қўмитада бирга ишлаймиз... Орамизда бошқа ҳеч нима йўқ.

У эрини баттар тутақтирмаслик учун имкон қадар паст овоз билан ва осойишта гапиришга тиришарди. Бироқ унинг барча ҳаракати зое кетди. Эри қутурарди.

— Буларнинг ҳаммаси итларга аталган ёлгон! Сен эса қанжиқсан! Нима билан шуғулланишларингни жуда яхши биламан! Эҳтимол, буни энди бутун Вашингтон билар. Мен кўр эмасман, Мэдди, жин урсин! Сен туйфайли нималарга чидашим кераклигини айтиб бўлмайди!

Хотини индамасди. Уйга киргач, Жек йўлида учраган ҳар бир эшикни тарақлатиб ёпарди. Лекин хотинига қўлини ҳам теккизмасди. Мэдди эрталабгача мижджа қоқмасдан, энди нима рўй беришини даҳшат билан кутарди. Бироқ тун осойишта ўтди.

Эрталаб қаҳва ичишаётганда Жек муз каби совуқ туюларди. Фақат бир гап билан огоҳлантирди:

— Агар ўша билан яна бир марта гаплашадиган бўлсанг, Мэд, сени ўз жойингга, кўчага ҳайдаб соламан. Тушундингми? Бу ифлосликка чидаб ўтириш ниятим йўқ. Кеча мени шунча одамлар орасида шарманда қилдинг. Бутун кеча мобайнида ундан кўзингни узмадинг. Унга худди қанжиқ каби қарадинг!

Мэдди кўз ёшларини тийиб турар экан, ўзини ҳимоя қилмоқчи, унга қарши гапирмоқчи эди-ю, лекин бир оғиз сўз айтишга ҳам ботинолмади. У билан студияга индамай кетди.

У ҳозир энг яхшиси — Биллга қўнғироқ қилиб, бошқа учрашолмасликлари ва телефонда гаплашолмасликларини айтиш кераклигини тушунарди. Лекин у шунчаки бундай қилолмасди. Унинг ҳаётида Билл ягона суйанчиги, у тутиб турган ушоқ хас эди. Усиз у жарликка қулаб кетади. Улар орасида қандайдир ўзига хос алоқа мавжуд ва Жекнинг барса пўписалари-ю ҳаёти хавф остидалигига қарамасдан, у бундан воз кечолмасди. Мэдди ўзини катта хатарга қўяётганини сезарди, бироқ, ўзини энди тўхтатолмасди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Мэдди ҳали ҳам Жекнинг марҳаматидан фориг эди, шундай бўлсада, катта эҳтиёткорликлар билан Биллга ҳар қуни ўз хонасидан қўнғироқ қиларди. Мана бугун ҳам тушдан кейин унинг телефон рақамини тераётган эди, тўсатдан янгиликлар студиясидан баланд овоздаги бақариқ-чақариқни эшитиб қолди.

— Сизга кейинроқ қўнғироқ қиламан. Нимадир содир бўлди.

У гўшакни шошиб қўйди-ю, йўлакка чиқди. Ҳамма телевизор экрани қаршисига йиғилиб олганди, шу боис бошида ҳеч нарса кўролмади. Бир неча лаҳзадан кейин кимдир нари сурилди ва Мэддига ҳамма каналлардаги кўрсатувларни узиб, зудлик билан бериладиган янгиликлар хабари эшитилди. Президент Армстронг жонига суиқасд содир бўлибди. Унга ўқ узишибди. Ҳозир уни оғир аҳволда вертолёт билан ҳарбий денгиз касалхонасига етказишибди.

— Вой, Худойим...

Мэдди дарҳол Филлис Армстронг ҳақида ўйлади.

— Тез пальтони олинг! — қичқирди унга режиссёр. — Вертолёт сизни аэропортда кутяпти.

Оператор яқинлашди. Кимдир унга сумкаси ва пальтосини берди. Мэдди тўхтамасдан ва саволларга жавоб бермасдан лифтга югуриб кетди. У биринчи хоним госпиталда, эрининг ёнидалигини ўша янгиликлардан билганди. Аэропортга кетаётганда йўлда Мэдди машинадан қўл телефони орқали режиссёрга қўнғироқ қилди. Режиссёр унинг қўнғирогини кутарди.

— Бу қандай рўй берибди? — сўради у.

— Қандайдир бир йигит оломон орасидан чиқиб, ўқ ота бошлабди. Президент ва хавфсизлик хизмати ходимини яралабди. Бироқ, ҳозирча улар тирик.

— Президентнинг аҳволи қалай? — Мэдди кўзларини юмди. — У тирик қолармикин?

— Буни ҳозирча ҳеч ким билмайди. Лекин ишлар чатоққа ўхшайди. У ерда ҳамма ёқ қон. Ҳозир секинлаштирилган съёмкани кўрсатишди. Президент тинч кўринган гуруҳ ёнида туриб, кишиларга қўл беришиб турган чоғида, улардан бири чиқиб, уни отибди. Отган одамни ушлашган, лекин ҳали исмини айтишмади. Биз билан алоқада бўлиб туринг. Имкон борича, ҳаммасини билиб олишга ҳаракат қилинг. Ҳамширалар, шифокорлар, хавфсизлик хизмати ходимлари, балки агар унинг ёнига киритишса, биринчи хонимдан суриштиринг.

Студияда ҳамма унинг биринчи хоним билан дўстона алоқадалигини биларди, уларнинг ишида эса ҳеч қандай поклик бўлмасди. Ҳозир режиссёр, қанчалик ноўрин бўлмасин, барча имкониятдан фойдаланишга қатъий киришганди.

— Мабодо бирор лаҳза нафасингизни ростлаш зарур бўлиб қолса, машина олдида яна бир неча кишимиз бўлишади, лекин бу иш билан айнан ўзингиз машғул бўлишингизни истардим.

— Ҳа, тушундим.

— Телефонни ҳам банд қилманг. Сизга зудлик билан боғланишимиз керак бўлиб қолиши мумкин.

— Сиз билан алоқада бўлиб тураман.

Мэдди телефонни ўчирди. Радиони қўйди. Кейинги беш дақиқада ўша хабар берилди. Бир лаҳза иккиланиб тургач, Билнинг телефон рақамини терди.

— Узоқроқ гаплашолмайман. Телефонни банд этиш мумкин эмас. Сиз ҳам эшитдингизми?

— Ҳозиргина радиодан эшитдим. Ишонгим келмайди...

Яна ҳаммаси янгитдан бошланыпти Кеннеди билан содир бўлган ҳодисага нақадар ўхшайди. Аммо Мэдди учун тарихий эмас, чунки бу воқеа у яхши биладиган одамларга тегишли эди.

— Касалхонага кетяпман. Сизга кейинроқ қўнғироқ қиламан.

— Илтимос, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Билл Мэддига ҳеч нима хавф солмаётганини биларди. Лекин барибир ундан хавотирланаверарди.

Мэдди учун кейинги беш соат худди ёмон туш каби ўтди. Касалхонада журналистлар учун унча катта бўлмаган жойни арқон билан тўсиб, қаҳва ичиш учун бар ташкил этиб беришди. Матбуот котиби ҳар ярим соатда улар ёнига чиқарди. Ҳамма тиббий ёки хавфсизлик хизмати ходимларидан бирортасини тутишга уринарди. Ҳозирча ҳеч қандай янги хабар йўқ эди. Президент қоқ пешиндан бери операция хонасида ётарди. У кеч соат еттида ҳам ҳали у ердан чиқмаганди. Ўқ ўпкасидан тешиб ўтиб, буйрак ва талоқни жароҳатлаганди. Бахтли тасодифга кўра, ўқ юракка тегмаган бўлса-да, кучли қон кетиш хавфи бор эди.

Биринчи хонимни шу маҳалгача ҳеч ким кўрмади. У қўшни хонада операция жараёнини монитордан кузатиб, кутиб ўтирарди. Операция тугагунига қадар ҳеч ким ҳеч нарса айтолмасди. Шифокорлар буни ярим кечадан эрта рўй бермаслигини айтишарди.

Вестибюлда юздан ошиқ сувратчилар ва операторлар диван, оромкурси, ўз йўлхалталарида ҳамда оддийгина полда жойлашгандилар. Ҳамма ерда елим стаканларда қаҳва ҳамда тайёр нонушта солинган халтачалар ётарди. Бир қанча репортёрлар кўчада чекиб туришарди. Буларнинг барчаси ҳарбий ҳаракатлар майдонини эслатарди.

Мэдди ўзига ёрдамга жўнатилган оператор билан бирга бурчак томонда туриб, бошқа телестудия, журнал ва газеталардан келган таниш репортёрлар билан суҳбатлашарди.

Соат бешдаги янгиликларни у госпитал қаршисидаги кўчада тўғридан-тўғри ўтказди. Соат еттидаги янгиликлар учун эса уни вестибюлда тасвирга туширишди.

Элиотт Нобл Вашингтонда телестудияда кўрсатувни ёлғиз олиб борарди. Кеч соат ўн бирда Мэдди яна эфирга чиқди, бироқ аввалгидай дўхтирлар эҳтиёткорона умид билдираётганидан бошқа янги гап йўқ эди.

Ярим кечага яқин Жек қўнғироқ қилди.

— Мэд, нима, қизиқарилоқ бирор нарса тополмаяпсанми? Жин урсин, бир хил нарса бераверасанларми? Жонга тегди. Биринчи хоним билан кўришишга уриниб кўрдингми?

— У операция хонаси эшиги ёнида кутиб ўтирибди, Жек. Унинг ёнига тиббий ва хавфсизлик хизмати ходимларидан бўлак ҳеч кимни кириштирмайпти.

— Бўлмаса, оқ халат кийиб, ёнига киришга уриниб кўр!

Ҳар доимгидек, у хотинидан иложсиз нарсани талаб этарди.

— Ҳозир биз билганимиздан ортигини бирор кимса айтади, деб ўйламайман. Ҳозир ҳаммаси Яратганнинг қўлида.

Президент тирик қолишини ҳеч ким айтолмасди. Жим Армстронг энди ёш эмас. Бунгача унинг жонига бир марта суиқасд бўлганди, лекин унда ўқ уни сағал ялаб ўтганди.

— Сен у ерда, ҳойнаҳой, кечаси ҳам қолсанг керак.

Бу саволдан кўра буйруқдай эшитилди. Мэдди шундай ҳам қолишни ўйлаб турарди.

— Ҳа, бирор кор-қол рўй бергудай бўлса, шу ерда бўлиб турганим яхши. Операция тугаганидан кейин жарроҳлардан бири билан матбуот конференцияси ўтказилишини ваъда қилишди.

— Янгилик бўлиб қолса, менга қўнғироқ қил. Ҳозир уйга кетяпман.

Кун ниҳоятда узоқ давом этганди, тун эса янада узоқроқ ва оғирроқ бўлиши кутиларди. Агар президент ўзига келмаса, уларни олдинда балки янада ёмонроқ кунлар кутаётгандир. Ҳаммининг фақат умидворлик, ибодат қилиб, кутишдан ўзга чораси йўқ эди. Қолгани яратган Эгамнинг ва жарроҳларнинг қўлида эди.

Мэдди гўшакни қўйди. Ўзига яна қаҳва қўйди. У бугун тинимсиз қаҳва ичарди. Ҳойнаҳой, ҳаяжондан бўлса керак. Кейин у эҳтимол, ухлаётгандир, деб ўйламай ҳам Биллга қўнғироқ қилди. Гўшакни анча вақтгача кўтармадилар. Ахийри Билл жавоб берди. Мэдди унинг бардам гапираётганини пайқади.

— Сизни уйғотиб юбормадимми?

У аёлнинг овозини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди. Билл Мэддининг репортажларини кўриб, ҳозир ҳам яна чиқиб қолиши мумкинлигидан телевизорни ўчирмай ўтирарди.

— Кечирасиз, душга кириб кетгандим. Умуман, қўнғироғингизни кутиб ўтиргандим. Ишлар қалай кетяпти?

— Ҳозирча ҳеч қандай. — Чарчаганига қарамай, Мэдди ҳам у билан гаплаша олаётганидан қувонарди. — Биз шунчаки ўтириб, кутяпмиз. Яқин орада президентни операция хонасидан олиб чиқишлари керак. Доимо Филлис ҳақида ўйляяпман.

Филлис эрини ниҳоятда яхши кўришини Мэдди биларди. Буни ҳамма биларди. Биринчи хоним буни сир тутмасди. Улар деярли эллик йилдан бери никоҳда эдилар... Наҳотки бу мана шундай тугаса?

— Уни кўролдингизми?

Билл биринчи хоним ҳеч қайси телеканалда кўринмаганидан хабардор эди.

— У қайдадир юқорида. Уни жуда кўргим келяпти. Унга ҳамдард эканимизни билдириб қўймоқчи эдим.

— У буни билади, бунга ишончим комил. Шундай қўриқлаш хизмати билан, бу қандай содир бўлиши мумкин эди!.. Секинлаштирилган съёмкани кўрдим. Ўша нусха ҳеч нарса бўлмагандай, олдинга чиқиб, шартга отиб юборди. Хавфсизлик хизматидаги анави йигит-чи, унинг аҳволи қалай?

— Уни бугун куннинг иккинчи ярмида операция қилишди. Унинг аҳволи гарчи ҳали ҳам оғир бўлса-да, дурустроқ. Унинг омади бор экан.

— Жимнинг омади ўзига ёр бўлишига умид қиламиз. Ўзингиз-чи, қандайсиз? Ҳойнаҳой, роса чарчагандирсиз? Балки ейишингизга у-бу нарса олиб бориб берсаммикан?

Мэдди беихтиёр жилмайди:

— Бу ерда икки мингтадан кам бўлмаган кулчалар бор. Вашингтондан келтирилган бир талай тайёр овқатлар ҳам кўп. Барибир, сизга раҳмат.

У журналистлар ёнига яқинлашаётган бир гуруҳ дўхтирларга кўзи тушди.

— Мен боришим керак.

— Бирор нарсани билсангиз, қўнғироқ қилинг. Мени уйғотиб юборишдан қўрқманг. Агар сизга зарур бўлиб қолсам, доимо жойимдаман.

Бу унинг ишидан фақат норизо бўлаверадиган ва бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ Жекка нақадар ўхшамайди.

Дўхтирлардан бири, — жарроҳларнинг яшил кийимини кийган, бошида шапка, туфлиси устидан бахила тутган одам, — вестибюлдаги қурилган минбарга чиқди. Журналистлар атрофини зумда ўраб олишди. Камераларнинг барчаси унга қаратилди.

— Сизга сенсация бўладиган ҳеч нарса маълум қилолмаймиз, — гап бошлади жарроҳ, — лекин ҳаммаси яхши бўлади, деган умидимиз бор. Президент ҳар доим соғломлиги билан ажралиб турарди. Бизнинг нуқтаи назаримда, операция муваффақиятли ўтди. Ҳозиргача қўлимиздан келган ҳаммасини қилдик. Бутун тун давомида, агар бирон ўзгаришлар бўлса, сизни бохабар этиб турамыз. У ҳозир уйкуда, лекин аста-секин ўзига кела бошлаяпти. Миссис Армстронг ҳаммангизга миннатдорчилик билдириб, бу ерда тунашга тўғри келгани учун ўз номидан узрини айтиб юборди. Ҳозирча ҳаммаси шу.

Жарроҳ бошқа ҳеч қандай тушунтиришларсиз минбардан тушди. Уларни аввалдан ҳеч қандай савол-жавоб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантиришганди. Гарчи бунга ҳаммаси билишса ҳам, у айтиши мумкин бўлган ҳамма гапни айтди. Энди ҳаммаси Яратганнинг қўлида.

Дўхтир кетди, шу заҳоти Мэддининг телефони жиринглади. Яна Жек эди.

— Ундан интервью ол.

— Ололмайман, Жек. Бизни бу ҳақда огоҳлантиришди. Бу одам операция хонасида ўн икки соат оёқда тик туриб ишлади. Дўхтирларга маълум бўлган ҳамма гапни бизга айтишди.

— Бекор гап! Сизга шунчаки матбуот учун сақич чайнатиб қўйишган. Унинг мияси ишламаётгани ҳақидаги миш-мишлар бизга этиб келди.

— Хўш, нимани таклиф қиласан? Унинг палатасига шамоллатиш қувури орқали киришимними?

Мэддининг асаби қақшаб кетганди. Нима учун Жек уни тушунишни истамайди!

— Кемага тушганнинг жони бир. Фақат келаси маълумотларни кутишлари зарур. Жарроҳларга босим ўтказиш яхшиликка олиб келмайди.

— Узингни ақлли кўрсатаверма, — асабий равишда гапини бўлди Жек, — нима, ҳамма томошабинларимизни ухлатиб қўймоқчимисан? Ёки бошқа телекомпания учун ишляяпсанми?

— Бу ерда нималар рўй бераётганини ўзинг яхши биласан. Ҳаммамиз бир хил маълумот оляпмиз.

— Айни гап. Мен ҳам шунга айтаяпман. Қандайдир қизиқарлироқ гап топишга уриниб кўр.

У хотини билан ҳатто хайрлашмай, гўшакни қўйди. Бошқа телетармоқдан келган репортёр унга раҳми келиб, елка қисди:

— Мен ҳам бошлиғимдан гап эшитиб олдим. Агар улар шунчалик доно бўлсалар, нимага бу ерга ўзлари келиб, бирор нарсани аниқламайдилар.

Мэдди жавобан табассум билан деди:

— Бунга ёдимга солиб қўйинг, келаси сафар унга таклиф қилиб кўраман.

У оромкурсига жойлашиб ўтириб олиб, устига пальтосини ёпти, матбуот учун кейинги маълумотлар беришгунича даммини олмоқчи бўлди.

Дўхтирлар тунги соат учда тахминан ўша янгиликлар билан уларнинг ёнига чиқишди. Президент ўзига келди, лекин ҳали ҳам оғир аҳволда эди. Хотини доимо унинг ёнида.

Тун ниҳоятда узоқ туюлди. Тонгда соат бешда худди шундай ахборотнинг навбатдаги қисмини олишти. Соат еттига қадар ҳеч қандай арзи гулик маълумот бўлмади. Мэдди уйғониб, қаҳва ичиб ўтирарди. У креслода ғужанак тушиб, қайта-қайта уйғониб, бор-йўғи уч соат мизғиб олди. Унинг танаси ноқулай ётганидан зирқирарди. Бу худди бўрон тугагини кутиб, тунни аэропортда ўтказиш билан баробар эди. Ниҳоят, эрталаб еттида анча умид уйғотувчи янгилик пайдо бўлди. Дўхтирлар маълумот беришича, президент ҳали ҳам оғир аҳволда ва оғриқдан азобланыпти, лекин у рафиқасига жилмайиб қўйди ва миллатга миннатдорчилик билдирди. Жарроҳлар, ниҳоят, мамнунлик ҳис қилдилар. Ҳатто бирон-бир асоратлар бўлиши мумкинлигига қарамай, президент, ҳойнаҳой, хатардан ўтди, деб эълон қилишга қарор қилдилар.

Ярим соатдан кейин Оқ уй ўқ узган одамнинг исмини халққа маълум қилди, гарчи бутун мамлакат президентни отганини ўз кўзлари билан кўришган бўлса-да, шу пайтгача уни гумон қилинаётган деб аташарди. Марказий разведка бошқармаси унинг бирон-бир фитна иштирокчиси эмас, балки ўзича ҳаракат қилган, деб ҳисоблади. Унинг ўғлини ёзда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўлдиришгани сабабли, у бунда президентни айбдор, деб ҳисоблаганди, у илгари ҳеч жиноят қилмаган ва руҳий жиҳатдан соғлом ҳисобланарди. Шунчаки ёлғизгина ўғлини сабабини тушунмаган ва тушунишни истамайдиган урушда йўқотганди. Ўғлининг ўлимидан кейин у оғир тушқунликка учраганди. Ҳозир уни қаттиқ кўриқлашарди. Унинг бутун оиласи қарахт аҳволга тушиб қолганди. Шу пайтга қадар буни ҳисобчи жамиятнинг ҳурматга сазовор киши ва яхши ходими эди.

Қанчалик ачинарли воқеа, ўйлади Мэдди. Матбуот котибларидан бири орқали у Филлис Армстронгга хат киритди, шунчаки унинг шу ердалигини билдирди ва улар учун ибодат қилаётганини айтди. Бир неча соатдан кейин Филлис қисқа жавоб хати чиқарди: “Раҳмат, Мэдди.Худога шукр, у анча тузук. Муҳаббат ила, Филлис”.

Мэдди биринчи хоним унга бир неча сўз ёзишга фурсат топганидан қалбининг энг чуқур тубигача севиниб кетди.

Тушда у яна эфирга чиқди. Президент дам олаётганини маълум қилди. Унинг аҳволини ҳанузгача оғир дейишаётганига қарамай, дўхтирлар яқин орада хавотирга ўрин қолмаслигига умид билдиришти.

Эфир тугаши билан Жек кўнғироқ қилди.

— Агар бирон-бир қизиқарлироқ нарсани тезроқ топмайдиган бўлсанг, ўрнингга Элиоттни юбораман.

— Агар у яхшироқ эплайди, деб ҳисоблайдиган бўлсанг, юборавер.

Мэдди шунчалик толиққандики, бу сафар Жекнинг пўписалари ва айблашлари унга ҳатто таъсир ҳам қилмади.

— Сенинг дастингдан асабим тугаб боряпти, — ўпкалашда давом этарди Жек.

— Ҳеч нарсани ўйлаб тополмайман, Жек. Бу ерда ҳаммамиз бир хил аҳволдамиз.

Шунга қарамай, у ҳар соатда кўнғироқ қилиб, ўпкалаб, хотинининг гашига тегарди. Кундузи соат бирда яна навбатдаги кўнғироқ келди, Мэдди Биллнинг овозини эшитиб, ентил тин олди.

— Охирги марта қачон овқатландингиз?

— Эсимда йўқ. Шунчалик чарчаганимдан овқатлангим ҳам йўқ.

У ҳеч нима демади, кел, деб чақирмадиям. Шунчаки йигирма дақиқадан кейин катта сандвич, ҳўл мева ва яхна ичимликлар олиб, касалхонага етиб келди. Мэддини репортёрлар орасидан қийинчилик билан топиб, бурчакдаги оромкурсига ўтқазди ва овқатланиб олишга мажбур қилди. Унинг калласига худди қизил хоч ходими сингари деган фикр келди.

— Бу ростдан ҳам сизлигингизга ишнолмайман. Сиз келмагунингизча очликдан ўлаётганимни ҳам сезмаётган эканман. Раҳмат, Билл.

— Энди ўзимни фойдам тегаётгандек сезяпман.

У атрофига қаради. Қанча репортёрлар, операторлар ва овоз операторлари, режиссёрлар... Ҳаммаси у ёқ-бу ёққа юришиб, йигилишиб нималардир қилишмоқда. Кўчада студияларга тегишли автобус ва машиналар тикилиб кетган. Ҳозир бу касалхона табиий офат зонасига ўхшаб қолганди.

Билл Мэддининг сандвич ейишини хурсанд бўлиб кузатиб турарди.

— Бу ерда яна қанча вақт бўласиз?

— Президентнинг аҳволи яхшилангунига қадар. Ёки буларнинг барчаси жонга тегмагунича. Ундан олдин нима бўлишини ҳам билмайман. Жек ўрнимга Элиоттни юбораман, дея пўписа қилиб қўйди. Унга репортажларим зерикарли туюлаётганмиш. Лекин шов-шув бўладиган ҳеч нарса тополмаяпман.

Шу пайт минбарда матбуот котиби яна пайдо бўлди. Ҳамма, шу жумладан, Мэдди ҳам дик этиб туриб, ўша томонга қаради.

Бу сафар уларга тузалиш жараёни мураккаблиги ва узоқ давом этишини маълум қилишди. Журналистлардан бировлари уйларига бориб келиши, истасалар ўрниларига бошқаларни юборишлари мумкинлиги айтилди. Матбуот котиби, умуман, президент секин-аста тузалаётганини билдирди. Шифокорларда унинг аҳволи борган сари яхшиланиши учун умид қилишга барча асос борлигини айтди.

— Уни кўрса бўладими? — журналистлар тўдасидан кимдир қичкириб сўради.

— Ҳали бир неча кунгача мумкин эмас, деб кўрқаман.

— Миссис Армстронг-чи? У билан гаплашсак бўладими?

— Ҳозирча йўқ. У эрининг ёнидан бир қадам ҳам жилмаяпти. У то тузалгунича бу ерда қолмоқчи. Ҳозир улар иккиси ҳам ухлашмоқда. Менимча, сизлар ҳам бир пас ётиб, дам олганингиз маъқул.

Матбуот котиби кейинги сутка ичида биринчи бор жилмайиб қўйди. У бир неча соатдан кейин қайтишга ваъда бериб, минбардан тушди. Мэдди микрофонни ўчирди. Биллга қаради. У шунчалар толиққандики, оёғида базўр турарди.

— Ҳозир нима қилмоқчисиз? — сўради у.

— Уйга бориб душ қабул қилиш учун бор будимни берган бўлардим. Бироқ агар кетиб қолсам, Жек мени ўлдириб қўяди, деб кўрқаман.

— Наҳотки сизни алмаштириш учун ўрнингизга биронтасини юборолмаса?

— Юбора олади. Лекин бундай қилмайди, деб ўйлайман. Ҳар қалай, ҳозирча. Гарчи бошқалар айтмаган ҳеч қандай маълумотларни тополмаётган бўлсам ҳам, у шу ерда айнан менинг бўлишимни хоҳлаяпти. Ўзингиз эшитдингиз-ку, бизга зарур деб ҳисоблашган маълумотларнигина беришяпти. Агар улар ростини айтаётган бўлса, президент тузаладиганга ўхшайди.

— Сиз-чи, уларга ишонмайсизми?

Ҳайрон қолган Билл уларнинг вазифаси айтилаётган хабарларда бирон-бир қарама-қаршилиқлар ёки аниқ бўлмаган жиҳатларни сезишдан иборатлигини билмасди. Мэдди буларнинг “иси”ни ҳар доим биларди, шу боис Жек уни шу ерда қолдиргиси келарди.

— Умуман, ишонаман. Лекин ростини айтсам, у аллақачон ўлган бўлиши ҳам ҳеч гапмас. — Дарҳақиқат, қанчалик даҳшатли эшитилмасин, у шундай бўлиб чиқиши мумкинлигини ҳам биларди. — Агар давлат хавфсизлиги манфаати буни талаб этмаса, албатта, улар бунчалар ёлгон гапирдилар, деб ўйламайман. Ушбу воқеада улар ўзларини чинакам ростгўй тутишяпти, шекилли. Ҳар қалай, бунга умид қиламан.

— Мен ҳам.

Ярим соатдан кейин Билл касалхонадан кетди. Соат учда Жек қўнғироқ қилиб, ниҳоят, хотинига уйга бориб, душ қабул қилиб, кийим алмаштириб, соат бешдаги эфирга етиб келиши учун ижозат берди. У буни бажариш учун вақти базур етишини, ҳатто бироз мизғиб олишга ҳам улгуролмаслигини биларди. Жек унга кечки етти яримдаги эфирдан кейин яна касалхонага қайтишини тайинлади.

У госпиталда матбуот учун ажратилган оромкурсида қачон бироз ухлаб олишини орзулаб, тўқ ҳаво ранг костюмини кийди. Ниҳоятда чарчаганидан гавдаси чайқалиб кетарди.

Студияда уни Элиотт ҳайратланганча кутиб олди.

— Мэдди, қандай қилиб бунчалар чидамлили экансиз-а? Йигирма етти соатдан кейин касалхонадан мени замбилда олиб чиқишган бўларди. Сиз жуда катта ишни бажардингиз.

Унинг Эри эса бундай деб ҳисобламайди. Элиоттнинг мақтовлари Мэддининг қалбига таъсир қилди. У мақташга арзигулик иш қилганини биларди.

— Одатланиб қолган бўлсам керак. Ахир биринчи марта бундай ишлашим эмас-ку. Ниҳоят, улар ўзларини ҳақиқий ҳамкасабалар деб сезишарди. Ҳатто унга Элиотт кўпроқ ёқа бошлади. Ҳар ҳолда, бу сафар у Мэддини қадрига яраша баҳолади.

— Президентнинг асл аҳволи тўғрисида нима деб ўйлайсиз? — сўради у ярим овозда.

— Бизга ёлгон гапиришмаяпти, деб ўйлайман.

У Элиоттнинг ёрдамида соат бешдаги янгиликларни, кейин етти яримдаги охириги кечки эфирни ҳам бир амаллаб эплади. У соат саккиздан чоракта ўтганда, Жекнинг буйруғига биноан, яна касалхонага келди. Эри студияга иккала эфир орасида кириб ўтди. У тетик ва бардам кўринарди. Бир қанча раҳбарлик кўрсатмаларини бериб, оламжаҳон танқидий фикрлар билдириб, бироқ, хотини ўзини қандай сезаётгани, чарчамаганлигини ҳатто сўрамади ҳам. Бу шунчаки уни қизиқтирмасди. Вазият шуни тақозо этади, демак, Мэдди ўша жойда қанча керак бўлса, шунча муддат бўлиши керак. У эрига сира панд бериб қўймаган ва ҳозир ҳам панд бермайди. Эри буни тан олишни истамаса ҳам, бироқ атрофдагилар безътибор қолмасдилар. У ўтган кеча госпиталда тунаган ва бу кеча ҳам қолишган унча кўп бўлмаган фахрийлар орасида эди. Кўпчилик студиялар янги ходимларини юборишганди. Мэддининг гуруҳида кино ва овоз операторлари ўзгартирилганди. Журналист ҳамкасбларидан бири, эҳтимол тиббиёт ходимлариданми, унга раҳми келиб, матбуот котибининг журналистлар ёнига чиқишлари орасида бироз мизғиб олиши учун арава-каравот топиб келишди. Мэдди бу ҳақда Биллга айтиб берди. Билл жон куйдириб, бу имкониятдан албатта фойдаланиши кераклигини уқтирарди.

— Мабодо ухлмасангиз ҳам, бир пас ётасиз. Овқатландингизми?

— Студияда эфирлар орасида тамадди қилиб олдим.

— Ишқилиб, бирор тўйимли таом едингизми?

Мэдди кулимсиради. Билл уларнинг иши билан ҳали унчалик таниш эмас.

— Сўрайсиз-а! Пицца ва кулчалардан яхшироғи борми? Репортёрларнинг оддий емаги. Ҳақиқий таомни фақат зиёфатларда ва қабул маросимларида еб ўрганганман.

— Балки бирон нима олиб бориб берсаммикан? Умидворлик билан сўради у.

Лекин бирор ким билан учрашиш учун Мэддининг ҳоли йўқ эди.

— Йўқ, ҳозир ўз аравамга чўзиламан-у, бир пас ухлаб олишга ҳаракат қиламан. Лекин, барибир сизга раҳмат. Эрталабгача фавқулодда ҳеч нима рўй бермаса, албатта, қўнғироқ қиламан.

У касалхонада беш кун бўлишига тўғри келди. У фақат охирги куни Филлис билан бир неча дақиқа кўриша олди, лекин интервью учун эмас. Биринчи хоним уни чақиртирди ва улар президент бўлмаси орқасида, даҳлизда хавфсизлик хизмати ходимлари қуршовида бир пас гаплашишди. Президентни тинимсиз кўриқлашарди. Унга ўқ узган одам қамоққа олинган бўлса ҳам, ҳеч ким яна бир бор хатарга боришни истамасди. Хавфсизлик хизмати ходимлари суиқасднинг олдини оломаганлиқлари учун ўзларини, ҳойнаҳой, айбдор сезаётган бўлсалар керак.

— Ўзингиз қалайсиз? — ғамхўрлик билан сўради Мэдди.

Филлис унинг назарида худди йигирма йилга қариб кетгандай эди. Лекин у матонат билан жилмайганча жавоб берди:

— Ҳойнаҳой, сиздан кўра тузукроқман. Бизга жуда катта ғамхўрлик кўрсатишяпти. — Жим, албатта, ҳали яхшимас-у, лекин аввалгидан анча тузук. Бизнинг ёшимизда буни кўтариш унча осон эмас.

— Бутун ҳафта давомида сиздан хавотирландим. Эрингизга имкон қадар ҳаммасини қилишяпти, лекин сиз эса...

— Ҳа, бу карахт ҳолати эди. Бироқ, назаримда, бир амаллаб чиқиб олдик. Умид қиламанки, тез орада уйингизга қайтасиз.

— Мен бугун кечқурун қайтмоқчиман.

Матбуот котиби президент хатарли аҳволдан чиққанини маълум қилди. Йиғилганлар бу хабарни қувонишиб қабул қилишди. Бу вақтга қадар улардан кўпчилиги касалхонада бир неча кунлаб қолиб кетишганди. Айримлар эса енгил тортганларидан йиғлаб юбордилар. Фақат Мэдди бу ерда энг бошидан бери қолганди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ундан ҳайратланишарди.

У кечқурун уйга келганида Жек телевизор кўриб ўтирарди. Бошқа теле-студиялар кўрсатувларини кўриб ўтираркан, хотинига фақат кўз қирини ташлаб қўйди, кўришиш учун ҳатто ўрнидан турмади ҳам. Шу беш сутка давомида эрининг студияси учун мияси ва қалби, ўз ҳаётини бахш этгани учун хотинига ҳеч қандай миннатдорчилик билдирмади. У ҳатто бу давр ичида унинг рейтинги бошқа телестудиялар кўрсаткичларидан анча ўзиб кетгани ҳақида ҳам айтмади. Мэдди бу ҳақда режиссёрдан эшитганди. У касалхонада туриб, президент, унинг тиббий ва хавфсизлик хизмати ходимлари учун бутун бошли бир қаватни бўшатиш зарур бўлиб қолганида, ўнлаб бошқа беморларни бошқа касалхоналарга кўчиришга тўғри келгани ҳақида каттагина репортаж тайёрлай олди. Беморлар аҳволи хатарли эмасди. Улардан ҳеч бири бунга қаршилиқ қилмади. Аксинча, бу қарорни қўллаб-қувватлаб, қандайдир ёрдамлари текканидан ўзларини бахтиёр сезардилар. Уларга бошқа касалхонада даволаниш харажатларини Оқ уй тўлашини ваъда қилишганди.

— Афғ-ангорингни-чи, Мэд, тобутга чиройлироқ соладилар, — Жек унга фақат шунини айтди холос.

У ҳақиқатдан унча узоқлашмаганди. Мэддининг кўриниши ҳақиқатдан ҳам афтодаҳол эди. Юзи заҳил, толиққан, кўзлари остида кўкимтир доиралар. Лекин телекамера қаршисида чидаб бўлар даражада кўринишини қандайдир эпларди.

— Нима учун доим мендан газабланаверасан, Жек?

Бу уни ростдан ҳайрон қолдирарди. Тўғри, кейинги вақтларда тез-тез унинг жаҳлини чиқарганди: Женет Мак Катчинс тақдирида иштироки, Лиззининг пайдо бўлиши, Билл билан дўстлашуви. Лекин унинг энг асосий жинояти эрининг назорати остидан секин-аста сирғалиб чиқиб кетаётганида эди. Мана шунинг учун эри уни кўргани кўзи йўқ. Доктор Флауэрс бу ҳақда уни огоҳлантирган эди. Жек уни яхшиликча қўйиб юбормаслигини айтганди. У ҳақ бўлиб чиқди. Рўй бераётган воқеалар уни аниқ кутуртирарди. Жек уни кўргани кўзи йўқлиги ҳақидаги фикр Женет Мак Катчинс билан суҳбатини ёдига солди, у ҳам эри уни

кўргани кўзи йўқлигини таъкидлаганди. Жекнинг хотинига нисбатан нафрати тўлиб-тошиб кетганга ўхшарди.

— Бунинг сабаблари бор, — совуққина жавоб берди у. — Кейинги ойларда менга ҳар доим сотқинлик қиляпсан. Шу маҳалгача сени ишдан ҳайдаб юбормаганим — ҳозирча омадинг борлигидан далолат.

Бу “ҳозирча” сўзи уни кўрқитиш, истаган вақтда бу ишни қила олишини билдириб қўйиш учун мўлжалланган эди. У ростдан ҳам шундай қила олади. Бироқ Мэдди кўрқувни ҳис қилмади. Жекка қарши туриш қийин. Бундай қарши туриш оқибатлари оғир бўлиши мумкин. Энди барибир у бошқача яшай олмайди. У Лиззини топгани, Билл билан танишгани каби, ўзининг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Унинг ўзи ҳам ўзгарганди. У гўё қизи билан ўзини қайта кашф этганди. Бу эса Жекка ёқмаслиги аниқ эди. Бу тун у хотинига ҳеч бир оғиз сўз ҳам қотмади. Эрталаб эса ях каби совуқ эди.

У кейинги барча кунлар ўзини хотини билан одатдагидан кўполроқ тутди. Уруш ва жанжаллар совуқ муносабат билан алмашилиб турарди. Бироқ энди булар Мэддига илгариларидек оғир ботмасди. У Билл билан суҳбатлашиб юпанч топарди. Бир куни кечқурун, Жек аллақаяққа жўнаб кетганида, у Биллнинг уйида яна овқатланиб келди. Бу сафар Билл унга стейк¹ тайёрлаб берди: унинг аввалгидай кўп ишлаётганини билиб, тўйимлироқ таом билан меҳмон қилгиси келди. Биллнинг меҳрибончилиги, ундан таралаётган меҳр тафти Мэддига энг катта қувонч ҳадя этарди.

Улар президент ҳақида бироз гаплашдилар. У госпиталда икки ҳафта ётди ва дўхтирлар тез орада унга уйига кетишини ваъда қилишганди. Мэдди ва бир неча таниқли журналистларга президентдан қисқача интервью олишга рухсат беришди. Президент жуда озиб кетгандек кўринса ҳам, ўзини тетик тутарди ҳамда журналистларга садоқатлари учун миннатдорчилик билдирди. Мэдди ҳар доимгидек, меҳрибон ва қалби пок Филлисдан интервью олди.

Ҳа, бу икки ҳафта ажойиб ўтди. Жек ундан норизо бўлса ҳам, Мэдди госпиталдан олиб борган репортажларидан фахрланса арзирди. У Элиотт Ноблнинг ҳурмати қозонгани кутилмаган иш бўлди. Элиотт энди Мэддини юксак даражали репортёр деб ҳисобларди.

Билл унга меҳр ва ҳайрат тўла табассум билан қарарди.

— Хўш, бундан бу ёғига томошабинлар кўнглини қандай овламоқчисиз? Ахир президентга ҳар куни ўқ узишмайди-ку. Томошабинларга бундан кейин барчаси зерикарли кўринади.

— Бирон нима ўйлаб топарман. Бунинг учун яна бир ой вақтим бор.

— Балки сиз билан бирга излашиб кўрганим маъқулдир.

Энди, китобини тугатганидан сўнг, Билл анча бўш қолган ва яна дарс бериш билан шуғулланиш ҳақида ўйларди. У Гарвард ва Йелдан таклифлар олганди. Мэдди унинг учун қувонарди, лекин шу билан бир вақтда, мабодо Билл Вашингтондан кетиб қолса, ягона дўстидан айрилиши ҳақида олдиндан ташвишлана бошлади. Тўғриси, Билл бу келаси йилнинг сентябридан аввал рўй бермаслигини таъкидларди.

— Эҳтимол, бу йил яна бир китоб ёзишга уриниб кўрарман. Бу сафар бадий китоб ёзаман.

Мэдди Билл учун чин кўнгиладан қувонарди. Шу билан бирга, шахсий муаммоларни ҳал қилолмаётгани, ўз ҳаётини тўғрилаш учун ҳеч иш қилмаётгани унинг ақлини кун сайин кўпроқ кемирарди. У борган сари Жекнинг золимлигига амин бўлиб борарди, бироқ ҳеч қандай ҳал қилувчи қадам ташламасди. Билл уни шоширмасди. Доктор Флауэрс таъкидлаганидек, Мэдди эрига очиқ қарши туриши учун етилиши керак эди. Бунга эса йиллар талаб этилиши мумкин. Билл бунга деярли кўникиб қолди, гарчи Мэддидан тинимсиз хавотирланса ҳам. Ҳар ҳолда, президентга суи-

¹ С т е й к — америкача таомнинг бир тури.

қасд қилинганидан кейин у Жекдан нарида, касалхонада икки ҳафта бўлди. Ҳар доим банд бўлиб, эрининг телефондаги доимий мингирлашларига ҳатто жавоб ҳам бермади. Лекин унинг қалби эзиларди, Билл у билан гаплашаётганда кайфиятини сезарди. Жек ҳар доим ва ҳар ишда фақат хотинини айбларди.

— Шукроналик куни¹да нима қилмоқчисиз?

— Одатда, бу байрамни Виргинияда тинчгина ўтказардик. Жек иккаламизнинг ҳам қариндош-уруғларимиз йўқ. Гоҳида қўшнилardan хабар оламиз. Сиз-чи, ўзингиз нима қилмоқчисиз?

— Биз ҳар йили Вермонтга кетардик.

Мэдди бу йил илгариларига нисбатан Билл учун анча оғир бўлишини биларди. Бу унинг хотинисиз ўтказадиган биринчи Шукроналик куни. Уларнинг суҳбатларидан Билл бундан чўчиётгани сезиларди.

— Лиззини меҳмонга таклиф қилишни жуда истардим, лекин бундай қилолмайман. У байрамни тутинган ота-онаси билан ўтказиш ниятида. Назаримда, бу унга маъқул кўринади.

Барибир Мэдди Шукроналик кунида қизи билан бирга бўлмаслигидан афсусда эди.

— Сиз чи? Шу аҳвол ўзингизга маъқулми? Ҳаммаси кўнгилдагидай ўтади, деб ўйлайсизми?

— Ҳа, шундай деб ўйлайман.

Бироқ Мэдди ҳеч қандай ишонч руҳини сезмасди. У яқинда доктор Флауэрс билан гаплашганида, эрларидан зулм кўрган аёллар гуруҳи машғулотларида иштирок этишни маслаҳат берганди. Мэдди унга Шукроналик куни ўтиши билан у ерга боражагини билдирди.

Байрам арафасида улар Билл билан яна учрашдилар. Иккаласи ҳам ғамгин эдилар. Билл ёлғизлигидан, Мэдди эса Жек билан кетиши кераклигидан сиқиларди. Уларнинг муносабатлари асабларни ниҳоятда зирқиратарди. Эри худди лочин каби ундан кўзини узмай, тинимсиз тикилаверерди. Гарчи хотини Билл билан гаплашаётганини бирон марта тутиб олмаган бўлса ҳам, барибир унга ишонмасди. Мэдди қўл телефони орқали унга ўзи кўнгироқ қиларди. Билл дунёда ҳеч нарса учун Мэддининг ҳаётини таҳликага қўймаган бўларди.

Шукроналик куни арафасида Мэдди Биллнинг уйига яна борди. Билл чой дамлади, Мэдди пирожний келтирганди. Унинг шинам ошхонасида ўтириб, иккаласи турли мавзуларда суҳбатлашишди. Об-ҳаво айнаиб, совуқ тушганди. Билл Вермонтга қор ёққанини айтди. У ўғиллари ва неваралари билан чангида учиш орзусида эди. Мэддининг ҳеч кетгиси келмасди. Лекин барибир уйга кетиш вақти етганди.

— Илтимос қиламан, Мэдди, эҳтиёт бўлинг.

Унинг кўзларида айтилмаган ҳислар намоён эди. Иккиси ҳам улар тўғрисида индамаслик маъқуллигини англари. Улар бир-бирига ҳурмати баландлиги боис, шу пайтга қадар кейинчалик афсусланишларига сабаб бўлиши мумкин ҳеч нима қилмадилар. Фақат доктор Флауэрс билан суҳбатлашганида, Мэдди Биллга нисбатан нимани ҳис қилаётгани ҳақида ўйланиб қоларди. Уларнинг муносабатлари жуда ғалати... Улар бу муносабатларни бир хил даражада қадрлаб, ҳатто уларга боғланиб қолганлар, шекилли. Улар гўё чўкиб кетган кемадаги икки омон қолган киши тўфон турган денгизда учрашиб қолгандек эдилар. Мэдди унга суянишга талпинади, Билл эса худди суюмли отаси каби, эвазига ундан ҳеч нарса талаб этмай, кучли қўллари билан суяйди.

— Сизсиз зерикиб қоламан.

Улар шу икки кун ичида ҳатто телефонда гаплашолмасликларини билардилар.

¹ Шукроналик куни — америкаликларнинг оилавий байрами, дастурхонга курка гўштини пишириб қўйилади.

— Агар Жек от мингани ёки у ёқ-бу ёққа чиқиб кетгудек бўлса, сизга қўнғироқ қиламан. Хотинисиз байрамлар Биллга қанчалик оғирлигини билганидан, Мэдди ҳам ундан хавотирланарди. Бироқ, у Маргаретни эмас, фақат Мэдди ҳақида ўйларди.

— Ҳечқиси йўқ, болаларим билан бажонидил кўришиб оламан.

У кутилмаганда, ҳатто нима қилаётгани тўғрисида ўйламасдан, Мэддини бағрига бир лаҳза босиб, пешонасидан ўпиб қўйди.

Эй, Худойим, улар бир бирини топишгани нақадар соз, Мэдди уйга кетаркан, тақдирдан миннатдор эди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

У Жек билан Виргинияда оғир, асабларни қақшатувчи бир неча кунни ўтказди. Эри деярли ҳар доим ёмон кайфиятда эди, ўз хонасига бот-бот яшириниб, қандайдир сирли телефон қўнғироқлари олиб борарди. Мэдди суҳбатлар бу сафар президент билан эмаслигини биларди. Президентнинг яралари ҳали битмаган, мамлакатни вице-президент бошқарарди. У билан эса Жек ҳеч яқин эмасди.

Бир куни Мэдди эрининг уйда йўқ деб ўйлаб, Биллга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб, гўшакни кўтарган эди, бирдан Жек ўз хонасидан қандайдир аёл билан гаплашаётганини эшитиб қолди. У шу заҳоти гўшакни жойига қўйди. Ким бўлиши мумкин? У ўшанда сувратдаги Лондондаги “Аннабел”дан бирга чиқиб келаётган аёл ҳақидаги саволдан усталик билан ўзини тортганди. Кейинги ойларда у ўзини қандайдир якка тутиб, у билан ҳатто деярли яқинлик ҳам қилмай қўйди. Бир томондан Мэдди ўзини енгил ҳис қиларди, бошқа томондан — ҳайрон бўларди. Биргаликда кечирган бутун умри давомида у оч ва битмас-туганмас хоҳиш билан хотинига ёпишаварарди. Энди эса, унга ҳар қандай қизиқиши сўнгандек туюларди. Фақат айблайди, гина қилади ва минғирсинғир қилади.

Шукроналик кунда у Лиззига қўнғироқ қилишга фурсат топди, эртасига кечқурун эса Жек қўшнисини билан отлар ҳақида гаплашгани чиққанида, Билл билан гаплашди. У байрам шунчаки ўтгани, бироқ улар чанғида маза қилиб учишганларини маълум қилди. У болалари билан бирга курка пишириб ейишганини айтди. Мэдди Жек билан, худди ўлик чиққан уйда ўтиришгандек, жимжитликда курка едилар. Мэдди уларнинг муносабатлари чигаллашгани ҳақида гапиришга уринганида, Жек булар хотини ўйлаб топган хаёллари эканини айтиб, унинг сўзларини шунчаки рад этди. Аммо Мэдди бу шундай эмаслигини яхши биларди. У Бобби Жонинг хўрликларидан қутулиб кетган даврдан бери, шекилли, ўзини анчадан бери бунчалик бахтсиз сезмаганди. Ҳозир эса худди ўша воқеа яна такрорланяпти, фақат Жек уни бошқача усулда хўрляпти, азобланаётгани эса сира кам эмасди. Улар ниҳоят, самолётга чиқиб, Вашингтонга қайтаётганларида Мэдди енгил тин олди. Жек унга гумонсираб қаради.

— Уйга қайтаётганингдан нимага бунчалик бахтиёрсан? Қандайдир ўзига хос сабаблари борми?

— Шунчаки тезроқ ишга қайтишни хоҳлайман.

У эри билан жанжаллашишни умуман истамасди. Эри эса уруш бошлашга сабри чидамаётганга ўхшарди.

— Эҳтимол, Вашингтонда сени бирор кимса қутаётгандир, Мэд?

У хотинига хунук тиржайиб қараб турарди. Мэдди ранжиганча эрига кўзини тикди.

— Менинг ҳеч кимим йўқ, Жек, буни яхши биласан.

— Сен ҳақингда бирон нарса билишимдан гумондаман. Лекин истасам, билиб олишим мумкин.

У ҳеч нима деб жавоб бермади. Индамаслик энди унга ҳимоянинг яхши кўриниши эди, шекилли.

Эртасига у зулм кўрган аёллар гуруҳи машғулотига борди. Буни у сира истамаса-да, доктор Флауэрсга ваъда бергани туфайлигина борганди. Жекка биринчи хонимнинг ёнига кўмита йиғилишига кетаётганини айтди. Эри унга ишонганини билмасди-ю, лекин бу сафар нимагадир гапни чувалатиб ўтирмади. Кечкурунги режалари, ўзи айтиши бўйича — ишга тааллуқли учрашуви бор эди.

Мэдди ниҳоятда оғир аҳволда, янада ёмонлашаётган кайфиятда борарди. Машғулот ўтиши керак бўлган уй ҳам тўкилиб кетаётган, эски иморатга ўхшарди, ёмон жойда жойлашганди. Ҳойнаҳой, у ерга бахти қаро, калтак еган, минғир аёллар йиғилишса керак. Унга ўзи фақат шу етмай турганди. Бироқ у тез орада йиғилганларни таажжуб билан кузата бошлади — айримлари жинси шим кийган, бошқалари иш костюмида, кимдир ёш, кимдир кекса, айримлари кўзга яқин, чиройли, бошқалари хунуккина. Хуллас, ҳар хил тоифадаги аёллар эди. Аёлларнинг кўпчилиги зиёли, анча тийрак, қизиқарли кишилар эди. Гуруҳ раҳбари кириб, ўз жойига ўтирди. Мэддига ақли кўзлари билан илиқ назар ташлади.

— Бу ерда ҳаммамиз бир-биримизни исмимизни айтиб чақирамиз. Агар кимдир танисак ҳам, буни муҳокама қилмаймиз. Кўчада ногоҳ учрашиб қолсак, худди бир-биримизни танимагандек бўламиз. Бу ерда эшитган ва кўрганларимизни ҳеч кимга ва ҳеч ерда гапирмаймиз. Бу ерда гапирилган гаплар шу хона деворидан ташқарига чиқмайди. Бу ерда ўзимизни беҳатар сезамиз. Биз учун бу жуда муҳим.

Мэдди бош ирғади. Бу аёлга у дарҳол ишонди.

Ҳамма титилиб кетган эски стулларга ўтирди. Фақат исмларини айтиб, ўзларини таништиришди. Кимдир саломлашарди. Айримлар аввалги машғулотлардан бир-бирларини биладиган кўринарди. Раҳбарнинг айтишича, одатда, тахминан йигирма нафар аёл йиғилар экан. Улар ҳафтада икки марта учрашишар экан. Мэдди истаган вақтида келиши мумкин эди. Ҳеч ким бировни мажбур қилмайди.

Бурчакдаги столда қаҳвадон турарди. Аёллардан кимлардир уйдан булочка ва пишириқлар олиб келишибди.

Аёллар бирин-сирин гапира бошладилар. Улар нима билан шуғулланишлари, ҳаётда қандай воқеалар содир бўлаётгани, ўз гам-ташвишлари ва қувончлари ҳақида сўзлардилар. Ўз кўрқувлари ҳақида гапирардилар. Айримлар энг даҳшатли шароитларда яшардилар, бошқалари ёмон муносабатда бўлган эрларидан кетиб қутулгандилар. Айримларининг фарзандлари бор эди. Лекин ҳаммасини бир нарса боғлаб турарди — барчаси золим, жоҳил, зўравон эрлар билан яшашга тўғри келганди. Кимдир бундай оилада болалигидан яшаб келарди. Бошқалари ўз азобловчиларини учратганларига қадар яхши ҳаёт кечиришганди.

Уларни тинглаб ўтираркан, Мэдди ўзи кутмаган тарзда энгиллашаётганини сизди. У эшитган гаплар шунчалик таниш, худди ўзи бошидан кечиргандек эди. У гўё эгнидаги зил-замбил нарсаларини ташлаб, тоза ҳаво ютгандай бўлди. У гўё ўз уйига қайтган, бу аёллар эса унинг опа-сингилларидай эди. Улар гапираётган гаплар ўзи нафақат Бобби Жо билан, балки охириги йиллар Жек билан бошидан кечирган кўргуликларни эслатарди. Унинг назарида, ўз воқеасини сўзлаётган, ўз овозини эшитаётгандек эди. Энди у Жек биринчи кундан бошлабоқ уни хўрлагани, унга зулм ўтказганига амин бўлганди. Жек бунинг учун ҳамма нарса: ҳукмронлик ва жозибани, қўрқитиш, совғалар, ҳақоратлар, камситишлар, пойлаш ва назоратдан фойдаланганди. Улар ҳаммаси бу жараёндан ўтгандилар. Ҳозир қаршисида шундай золим ва зўравоннинг мукамал, типик портретини чизиб қўйишгандики, буни авваллари қандай қилиб сезмаганига Мэдди ҳайрон

қоларди. Ҳатто бир неча ой аввал, доктор Флауэрс ўша тасвирни биринчи хоним қўмитаси йиғилишида чизиб берганида ҳам, Мэдди буни ҳозиргидек аниқ азобли тарзда англамаганди. Тўсатдан у бошқа уялиш, саросимага тушиш, номус ҳиссини энди сезмаётганини тушунди. Фақат катта, қутилмаган енгиллик сезди. Ахир, у гуноҳқор бўлган ягона сабаб унинг барча айбларни ўзига олиб, эрининг айбловларига рози бўлганидир.

У ўз ҳаёти ҳақида уларга сўзлаб берди, эри нима қилгани, нима дегани, қандай сўзлар ва қандай оҳангда гапирганини айтди. Лиззи пайдо бўлганида ўзини қандай тутганини айтди. Ҳамма ачиниш бош ирғарди. Кейин эса у қандай йўл танлаши мумкинлигини, келгусида ҳаммаси ўзига боғлиқ бўлишини кўрсатишди.

— Мен кўрқаман... — Унинг юзларига ёш оқиб тушди. — Уни ташлаб кетсам, менинг холим не кечади... Агар усиз яшай олмасам-чи?

Ҳеч ким кулмади, ҳеч ким бу тентаклик демади. Улар ҳаммаси кўркувни ҳис этишган ва кўплари асосли эди. Бир аёлнинг эри уни ўлдирмоқчи бўлгани туфайли турмада экан. Унинг муддати тугагач, нима бўлишини олдиндан даҳшат билан кутарди. Бу тахминан бир йилдан кейин содир бўлади. Аёллардан кўпчилиги неча йиллардан бери, худди Мэдди Бобби Жо билан бўлгандек, калтакланишига чидаб келишарди. Кўплари яхши шароитли уйларини ташлаб чиқиб кетишганди, икки нафари эса ўз ҳаётини сақлашга мажбур бўлиб, ҳатто фарзандларини ҳам қолдириб кетишганди. Шунчаки боши оққан томонга қочишган. Бошқалари худди Мэдди каби, бундай қила олишларига ишонқирамай, қутулиб чиқишга уринишарди. Лекин энди у Жек билан биргаликдаги умрининг ҳар бир куни, ҳар бир соати, ҳар бир дақиқасида жони хатардалигини аниқ биларди. Тўсатдан, у доктор Флауэрс, Билл ва Грег унга уқтирмоқчи бўлганларининг ҳаммасини тушунди. Ҳозирги кунгача уларни гўё эшитмагандек туюларди. Бугун эса, ниҳоят, ҳаммасини англади.

— Энди нима қилмоқчисиз, Мэдди? — сўради аёллардан бири.

— Билмайман. Кўрқиб кетяпман. Миямдаги фикрларни сезиб қолишидан ёки ўйлаётганларимни эшитиб қолишидан кўрқаман.

— У, ҳойнаҳой, ягона нарсани, эшикни тарақлатиб ёпиб, бошингиз оққан томонга кетганингизни эшитади, унгача ҳеч нарсани эшитмайди.

Бу гапни оғзи қийшиқроқ, сочи сийрак аёл айтди. Унинг хунук ташқи қиёфасига ва кўпол оҳангда гапиришига қарамасдан, у Мэддига нимаси биландир ёқди. Энди у англаб етди: бу аёллар уни қутқарадилар. Тўғрироғи, у ўзини ўзи қутқаради, албатта, лекин улар унга ёрдам берадилар. Нима учундир, уларни Мэдди эшитганди.

У йиғилганлар билан бутунлай бошқа одамдай айрилишгандек туюлди. Шунга қарамай, уни тақдирга тан беришга жуда эҳтиёж сезавермаслиги ҳақида огоҳлантиришганди. Ҳеч нарса сеҳрли таёқчани силкитиш билан ўзгариб қолмайди. Ҳозир ўзини қандай сезишидан қатъи назар, зўрлик жабрдийдалари билан суҳбат қанчалик ёрдам бермасин, энг асосийсини ўзи қарор қилиши керак, бу осон бўлмайди. Мэдди буни ҳам тўла англади.

— Сени ҳўрлашга чидаш одатидан қутулиш — бу гиёҳванд моддадан воз кечишдек гап, — деди унга бир аёл. — сиз бунга одатланиб қолганингиз сабабли, ҳатто эътибор ҳам бермай кўясиз. Сизга фақат шундай яшаш ва севиш мумкиндек туюлади. Сиз учун буни тугатиш ниҳоятда қийин бўлади. Бу ҳаётингизга ҳаддан ортиқ сингиб кетган.

Мэдди шунга ўхшаш гапни доктор Флауэрсдан эшитганди. Лекин ҳозир ҳам худди ўшандагидек, буни эшитиш оғир эди. Барибир, бу аччиқ ҳақиқат эди, энди буни аниқ тушунарди. Нима қилиш керак...

— Аввал бошиданоқ ўзингиздан кўп нарсани кутманг, — огоҳлантирди яна бир аёл. — бироқ узоқ чўзиб ҳам ўтирманг. Бу охириги синов, яна бир

уришиб кўрай, дея ўзингизни алдашга ҳаракат қилманг. Бу уришиб ростдан ҳам сиз учун ҳаётингизда сўнггиси бўлиши мумкин. Умрида хотинига ҳатто бармоғини ҳам теккизмаган эркаклар гоҳида гўё ақлдан озгандай бўладилар. Эрингиз жуда ёмон одам, Мэдди, сиз ўйлагандан ҳам ёмонроқ. У сизни ўлдиришдан ҳам тоймайди. У, эҳтимол, сизни ўлдиришни ҳам хоҳлар, лекин ҳозирча ботинолмаётгандир. Ҳозирча. Шу боис бунга қарор қилмасидан олдин унинг уйдан чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. У сизни севмайди, сизга тупуради. Унга ҳақиқатда ёқадиган ягона нарса — сизни қийнаш. У буни давом эттиради. У сира ўзгармайди, фақат ёмонлиги орғиши мумкин. Унинг айтганини қанча кўп бажарганингиз сари, бирор ишни яхшироқ бажаролсангиз, у ўзини янада жоҳилроқ тутаверади. Сиз жиддий хавф остидасиз.

Мэдди хайрлашишдан олдин ҳаммага миннатдорчилик билдирди. Уйига кетар экан, у йўлда эшитганларини қийнаиб ўйларди. Ҳа, ҳаммаси ҳақиқат. Энди у бунга бир дақиқа ҳам шубҳа қилмасди. Лекин у бошқа нарсани ҳам англари: қандайдир тушуниб бўлмас сабабга кўра, Жек уни азоблашни бас қилиб, ростдан севишини жуда истарди. Бу ақлсизлик эканини англари, лекин ўзини ҳеч нима қилолмасди. Унга қандай севиш кераклигини кўрсатиш, балки ҳатто тушунтириш зарур бўлар, ўшанда, эҳтимол, у ҳаммасини англари ва уни қийнашни бас қилармиди. Эри уни борган сари кўпроқ ва усталик билан қийнайверади. Шу боис, унга ҳозир эрини яхши кўрадигандек туюлса ҳам, у билан ажрашиш — унинг сўнгги чораси.

Йўлда у машинадан Биллга кўнғироқ қилиб, ҳаммасини гапириб берди. У жуда энгил торгандек бўлди. Уша гуруҳ аёллари унга ҳал қилувчи қадам ташлашига куч беришларини сўраб, ибодат қилажани билдирди.

Уйда Жек хотинига гумонсираганча қараб, қаерда қолиб кетганини сўради. Мэдди бу биринчи хонимнинг қўмитаси иши билан боғлиқлигини такрорлади. Ҳатто улар текширмоқчи бўлишаётган зўрланаётган аёллар гуруҳи йиғилишида бўлганини айтишга ботинолди. Бу унга қизиқарли кўринганини айтди.

Унинг сўзлари Жекнинг фақат газабини кўзгатди.

— Қандай йиғилиш бўлганини тасаввур қилипман. Сени шундайлар билан учрашишга мажбурлашларига ишонгим келмайди.

Мэдди янги танишлари ҳимоясига эндигина бир нарса дейишга оғзини жуфтлаганди, лекин вақтида фикрини ўзгартирди. Энди бу хавфли эканини англари. Йўқ, энди жонини хатарга қўймайди.

— Нима сабабдан бунчалик мамнун кўринаяпсан? — кутилмаганда сўраб қолди эри.

Мэдди имкон борича бегуноҳдай қаради. Бугун унга сабоқ беришган илмни амалиётга қўллашни секин-аста ўрганаётган эди. Йўқ, у эрининг ҳар бир сўзи учун бошқа чўчиб-титрамайди.

— Бу ўзи анча зерикарли бўлди-ю, лекин Филлисга ваъда қилгандим.

Жек хотинига диққат билан тикилиб, бошини ирғади. Бу сафар тўғри жавоб топиб, кўнглидагидек гапиргани эрига ёқди, шекилли.

У тунда анчадан бери биринчи марта хотини билан яқинликда бўлди. Аммо жуда кўполлик билан, уйда ким хўжайинлигини сездириб қўймоқчи бўлгандай ҳаракат қилди. Одатдагидай, у эрига ҳеч нима демади. Ҳаммомхонага кириб, узоқ ювинди, лекин Жек қаршисида даҳшат туйғусини асло ювиб ташлолмади. Бу унинг терисининг ора-орасига сингиб кетгандек туюларди. Жимгина ётоқ хонасига кириб, ўрнига ётди. Эрининг хуррагини эшитиб, энгил тортди.

Эрталаб ундан эртароқ турди. Жек пастга тушганида у ошхонада эди. Ҳаммаси ҳар доимгидай туюларди, фақат фарқи шундаки, энди Мэдди ўзини қутулиш йўли қандай узоқ ва оғир бўлишига қарамасдан, тимирскилаб топишга уринаётган асирадай сезарди.

Жек дарҳол ниманидир сезди:

— Нима бўлди? Қандайдир ғалатиरोқсан.

Худойим, ишқилиб, у фикрларини уқиб олмасин-да. У бунга қодирлигига ўзини ишонтирмагани маъқул. Мэдди ўзгариб қолганини англари, бу энди унинг учун хатарли эди.

— Мазам қочяпти, шекилли. Ҳойнаҳой, тумов бўлсам керак.

— С дармондорисидан ютиб юбор. Сени алмаштирадиган одам излашга тоқатим йўқ. Фақат шу етмай турганди.

Эри у билан нақадар кўпол... ҳар доим. Худога шукур, унинг ўйлаб топган баҳонасига ишонганга ўхшайди.

— Ҳечқиси йўқ. Ишлай оламан.

Эри бош ирғади. Кўлига газета олди. Мэдди “Уолл-стрит журнал” сархифаларига тикилиб, ҳеч нимани кўрмасди. Ҳозир у Худодан фақат бир нарсани сўрарди: унинг нима ўйлаётганини Жек билиб қолмасин-да. У ўзини қутқариш режасини ўйлаб тузиб чиқиши керак эди, эри ўлдириб қўймасидан бурун қочиши керак. Энди у гумонсирамасди — эридаги нафрат у тасаввур этганидан кўра анча кучлироқ эди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Декабр, одатдагидай, адоқсиз ташвишлар, югур-югур ва шовқин-сурон билан ўтарди. Йиғилишлар, учрашувлар, қабул маросимлари, байрамга тайёргарликлар. Барча элчихоналар коктейлли қабул маросимлари, катга зиёфатлар, рақс кечалари ўтказишаётганга ўхшарди. Уларнинг ҳаммаси имкон қадар ўз миллий анъаналарини намойиш этарди. Вашингтондаги ҳаёт гўзалликларидан бири шунда эди. Мэдди бундан ҳар доим завқланарди. Жек билан бирга яшай бошлаганларида у эри билан бундай кеча ва қабул маросимларига боришни жуда ёқтирарди. Энди эса улар орасидаги муносабат шунчалар таранглашдики, эрининг ёнида бўлиш ниҳоятда оғир эди. У хотинини доимо рашк қилар, унинг кетидан пойлар, бошқа эраклар билан гаплашаётганини кузатар ва кейин албатта ундан бирор камчилик топиб, жанжал кўтарарди. Киборлар орасига эри билан чиқиш унинг учун энди бошқа ҳаммаси каби, ҳақиқий азоб бўлиб қолганди. Йўқ, бу йил у Рождество байрами ҳақида умуман орзу қилмасди.

Унинг ягона орзуси — байрамни Лиззи билан биргаликда ўтказиш эди. Лекин Жек ёнида экан, бунинг, албатта, иложи йўқ эди. Ёки у эрининг истагига қарши боришига тўғри келарди, — бу эса ҳамма оқибатлари билан эрига очиқ қарши туришни билдирарди, — ёки ҳар доимгидай барчасига кўнишга мажбур эди. Жек билан ҳеч қандай муросага келолмасди. Ҳаммаси унинг айтганидек бўлиши даркор эди. Авваллари эса у эри унинг хоҳиши ва заруриятларига қанчалик беписанд қараганини ҳатто сезмаган ҳам эди. У хотинининг устидан кулиш ёки ўзини айбдор сезишга мажбур қилиш учун улардан фойдаланган экан. Мэдди ҳам йиллар мобайнида бунга кўникиб келди... Ҳозир у эрининг беписандлиги, босим кўрсатишини тез-тез азоб билан сезаётгани ҳамда бу зулмдан халос бўлишга янада кучлироқ интилаётгани, бундай ўзгаришлар қачон ва қандай рўй берганини ҳатто пайқамай ҳам қолганди. Барибир... барибир қалбининг ич-ичидан у эрини ҳали ҳам севишини англари. Бу ўз-ўзидан уни даҳшатга соларди: бу муҳаббат уни ҳимоясиз қилаётганини англамай бўлмасди.

Муҳаббати ўтиб кетишини кутиб ўтириш ярамайди. Бу ерда муҳаббатнинг алоқаси йўқ. У эрига нисбатан нимани туюшидан қатъи назар, кетиш керак. Жек билан яшаган ҳар бир кун унга хавф соларди. У бу ҳақда ўзига тинимсиз эслатиб турарди. Шу билан бирга, буни ҳеч кимга тушунтириб беролмаслигига ақли етарди. Буни ўз бошидан ўтказмагун-

ча ҳеч ким тушунмайди. Бошқалар учун унинг ичидаги доим ўзгариб турувчи ҳиссиётлари орасидаги содир бўлаётган тинимсиз кураш ўзини айбдор деб ҳисоблаши ақлдан озиш белгилари бўлиб кўринади. Ҳатто Билл ҳам, гарчи унга нисбатан самимий илиқ муносабатларда бўлса-да, буни охиригича тушунолмасди. Кўмита йиғилишларида аёллар устидан зулм ўтказиш, шу жумладан, усталлик билан зўрлашнинг турлича усуллари тўғрисида билиб олаётгани унга анча ёрдам берарди. Ҳақиқатда, Жекнинг хотинига ўтказаётган зулмини, гарчи бу зулм ва ўта шафқатсизликнинг бир кўриниши бўлса-да, тўғри маънода жоҳиллик ёки зўравонлик деб аташ қийин. Ташқаридан қараганда, ҳаммаси аксинча кўринади: унинг иши учун эри яхши ҳақ тўлайди, уни қутқариб қолган, Вашингтонда чиройли, шинам, ҳашаматли уйи, дала ҳовлиси бор, истаган вақтда фойдаланиши мумкин бўлган самолёт, зўр пардоз-андоз буюмлари, қимматбаҳо тақинчоқлари, пўстинлар, Француз Ривьересида таътилни ўтказиш имкони. Ахир, бунинг барчасини кимдир зулм ёки зўрлик деб атай оладими?! Фақат Мэддининг ўзигина ҳамда уларнинг Жек билан ўзаро муносабатларини “заррабин орқали” кўриш имконига эга яна бирон кимса бу ерда қанчалик хатар яширинганини, ўзига алдаб жалб этувчи, уларга қарши туриш нақадар огир ва умрини тузоққа айлантирган бу зўр ҳаёт гўзалликлари тагида қандай ёмонлик борлигини тушунишга қобилиятлидир. Жекдан чиқаётган заҳар йилдан-йилга, кундан-кунга, соат сайин, дақиқа сайин унинг ҳужайраларига сингиб, энди бутун баданини эгаллаганди. Энди Мэдди доимий кўрқув ичра яшарди.

Гоҳида унда ҳатто Биллни ҳам асабийлаштираётгандек ҳис пайдо бўларди. Билл ундан нимани кутаётганини, гарчи сабабини охиригича англамаса-да, яхши биларди. Билл унинг, ниҳоят, озод бўлиб, Жекдан қутулишга нажот йўлини топишини кутарди. У Мэддининг қоқилиб ва йиқилиб, бир қадам олға ташлаб, яна орқага тисарилганини, тўсатдан аниқ фикрлаш қобилиятини йўқотиб, ўзини айбдорлик ҳисси курашаб олишига ва иродасини синдиришга йўл кўяётганини осойишта кузатиб туролмасди. Бу унинг асабларини қақшатар ва тушқун аҳволга соларди. Улар илгаридек ҳар куни телефон орқали гаплашишар, баъзан жуда эҳтиёткорлик чораларини кўриб, тушлик овқатни бирга қилишарди. Мэдди унинг уйига кираётганини бирор кимса кўриб қолиши ва ўзига нафақат нотўғри, балки унинг учун ҳалокатли хулоса чиқариши хавфи доимо бор эди. Улар ҳатто ёлғиз қолишган чоғларда ҳам, хавф ҳақида бутунлай унуттишолмасди. Билл Мэддига янги нохушликлар келтиришни умуман истамасди. Шундай ҳам унинг ташвишлари бошидан ошиб-тошиб кетганини Билл сезарди.

Президент соғайиб, ўзининг Овал иш хонасига қайтди. У ҳозирча ярим кундан ишлар ва тез чарчаб қоларди, лекин Мэдди бир куни президентни унча катта бўлмаган бир қабул маросимида кўрганида, унинг кўриниши яхшилигини пайқайди. У анча бардам эди. Филлис, аксинча, чарчаган кўринарди. Бироқ, у ҳар сафар эрига нигоҳини қаратганида, унинг чехраси табассумдан яшнаб кетарди. Мэддининг унга астойдил ҳаваси келарди. У эр-хотин бир-бирларига шунчалар меҳрли муносабатда бўлишларини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Ўзи бошқа нарсага, доимий асабийлашиш, қаттиқ кўрқиш, камситишга шунчалик одатланиб қолгандики, гўё бошқача бўлиши мумкинмасдай туюларди.

Кейинги пайтда Жек ўзини у билан ҳар қачонгидан ҳам кўполроқ тутарди. Айблов ва ҳақоратлар тинимсиз ёғиларди. У нимаики қилмасин, эрига мутлақо ёқмасди. У кечасию кундузи, ишда ҳам, уйда ҳам худди фақат унга ҳужум қилишга баҳона кутаётгандек эди. Уз ўлжасини пойлаган ваҳший ҳайвон сингари. Ўлгудай хавфли ваҳший ҳайвон. У хотинига шундай гапларни ва ўзгача оҳангда гапиришидан нафас оли-

ши қийинлашиб қоларди. Барибир... барибир гоҳида у эрининг нечоғли жозибадор, ақлли, маданиятли ва нақадар кўркам бўла олиши ҳақидаги фикр-ўйлари хаёлини банд этарди. У ҳаммадан кўпроқ эрини ёмон кўриб қолишга уриниши керак эди. Айнан ёмон кўриш, кўрқиш эмас. Энди шундай аҳволдаги аёллар билан учрашишлари туфайли, Мэдди ўзини ўзи англагандек эди ва қайсидир маънода, қандайдир кўринмас ришталар билан у эрига худди гиёҳванд моддага боғлангандек боғланиб қолганини тушунганди.

У декабрнинг ўрталарида бу ҳақда Билл билан гаплашиб қолди. Телестудияда эртаси куни байрам кечаси бўлиши кутилларди. Унинг кечага сира боргиси келмасди. Жекнинг энг сўнгги айблови хотини тўғридан-тўғри эфир пайтида Элиоттга ишва қилаётгани бўлганди. Кейин эса хотини ишхонасидаги шериги билан бирга эрига хиёнат қилаётганини айтиб, тухмат ёғдирди. Эри бунга ишонмаслигини, шунчаки хотинини азобламоқчилигига шубҳаси йўқ эди. У режиссёр билан гаплашаётганда бу ҳақда қистириб ўтди. Элиотт ҳам студияда узоқ қолмайди, шекилли, ўйлади Мэдди. Аввалига уни огоҳлантириб қўймоқчи эди, лекин бу ҳақда Грегга телефонда айтиб берганида яна янги ноҳушликларга дучор бўлмаслик учун бундай қилмасликни маслаҳат берди. Афтидан, Жек айнан шунга эришмоқчига ўхшайди.

— Унга сизни қийнаш ёқади, тўғри маънода жоҳиллик ёки зўравонлик деб аташ қийин. Мэд.

Грег Нью-Йоркда ўзини буткул бахтиёр сезиб, ҳозирги учрашиб юрган қизига уйланмоқчи эди. Мэдди бунга яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат берди. Яқиндан бери у “никоҳ” тушунчасига ҳеч қандай кўтаринкиликсиз муносабатда бўла бошлаганди.

Пайшанба куни тушдан кейин Биллнинг ошхонасида ўтирар экан, у ниҳоятда толиққани ва ҳар нарсадан кўнгли қолганини ҳис қиларди. Рождество байрамлари унга сира яхшилик ваъда қилмасди. У Жекдан яширинча қандайдир усул топишга уриниб, Лиззининг ёнига Мемфисга бормоқчи ёки қизини Вашингтонга таклиф қилмоқчи эди. У ўтган ҳафтанинг охирида қизига ниҳоят, яхшигина ва ёруққина уй топишга муваффақ бўлди. Ҳозир уни янгитдан беаётганди. Бунинг учун у банкда махсус ҳисоб очди. Энди Жек ҳеч нима билолмайди.

— Унга ёлгон гапиришга ўрганмаганман. Аммо бу менга керакли ишни бажариш учун ягона имконият. У ҳеч нарсани эшитишни ҳам истамайди, Лиззи билан кўришишимни тақиқлайди.

У хотинига таъқиқламайдиган бирон нарсанинг ўзи бормикан, ўйларди Билл. Лекин эшиттириб гапирмади. Бу сафар овқатланиш учун у балиқнинг қора ивилдириғини сотиб олганди. Улар мазали таом, тинчлик, хотиржамлик, бир-бирининг ёнидаликларидан лаззатланардилар. Билл бугун одатдагидан камгапроқ кўринарди. Ҳойнаҳой, уни нимадир безовта қилаётган бўлса керак, ўйлади Мэдди. Байрамлар унинг учун оғир вақтлигини у биларди. Бунинг устига шу ҳафтада Маргаретнинг туғилган куни эди.

Мэдди ивилдириқ суртилган нонга бир паррак лимон қўйиб, Биллга узатди.

— Йиқилиб, аҳволингиз жойидами?

— Ўзим ҳам билмайман. Одатда, йилнинг шу даврида ғалати аҳволга тушиб қоламан. Бу йил айниқса. Ортга қарамасдан, ўтмишни ўйламасдан туролмайман.

Мэдди кейинги пайтда Билл ўзини яхши сезаётганини пайқаганди. Тўғри, илгаригидек, гап орасида хотини ҳақида тез-тез эслаб туради, лекин содир бўлган ҳодисадан ич-этини еб қийналиши камайганди. Мэдди унга доимо ўзини айбдор ҳисоблаши асоссиз эканини уқтирарди. Албатта, бунга айтиш осонроқ. Ҳар ҳолда, китоб унга йўқотиш аламини озгина унутишга ёрдам берди, деган таассурот пайдо бўлганди.

— Ҳа, байрамлар оғир давр. Ҳар қалай, болаларингиз билан кўришасиз.

Биллнинг оиласи яна Вермонтга ййгилаётгани, Мэдди эса Жек билан Виржинияга кетишади ва у бундан сира яхшилик кутмасди. Билл ва унинг фарзандлари Рождество байрамини эски яхши вақтлардагидай кутишарди. Жек эса, аксинча, байрамларни ёқтирмасди.

Тўсатдан Билл Мэддини жуда ҳайрон қолдирди:

— Бу байрамни сиз билан бирга ўтказишни жуда истардим, Мэдди. — У гапгин жилмайди. — Фарзандларим байрамда сизни жуда кўргилари келяпти.

— Лиззи ҳам.

Мэдди Лиззи учун ҳам, Билл учун ҳам совғалар сотиб олганди. У Биллни хурсанд қилиши мумкин бўлган майда-чуйдалар — компакт дисклар, севимли китоблар тўплами, худди унга атайлаб махсус тўқилгандай туюлган иссиқ шарф изларди. Булар унча қиммат бўлмаган, лекин шахсий бумлар эди. Эҳтимол, Вермонтга кетиш олдидан улар яна бир бор учрашишар, ўшанда у Биллга буларни совға қилади. Ахир улар энди янги йил кириб келганидан кейин кўришадилар.

Улар овқатланиб бўлдилар. Билл у ёқтирадиган фаранг нони, пишлоқ ва бир шиша шароб ҳам олганди. Ҳаммаси унчалик шоҳона бўлмаса-да, муҳити саралаб танланганди. У яшаётган доимий асабийлик ва душманлик муҳитига таққослаганда тинчгина жой эди.

— Гоҳида шу пайтгача менга қандай чидаётганингизга ҳайрон қоламан. Ахир доимо Жекдан нолиганим-нолиган. Сиз эса, ҳойнаҳой, нега бунга чек қўймаслигини тушунолмасангиз керак. Четдан туриб шунчаки кузатиб туриш сизга нақадар оғирлигини тасаввур қила оламан. Менга қандай тоқат қиласиз?

У табассум билан нигоҳини Мэддига қаратди:

— Бу саволга жавоб бериш жуда осон. Сизни севаман.

У бу гапни ҳеч иккиланмай ва шунчалик самимий айтдики, аёлнинг нафаси ичига тушиб кетди. У нимани назарда тутганини англагунича бир неча лаҳза ўтди. У Лиззига қандай гапирса, Билл ҳам худди шундай айтганди. У Мэддини дўст каби, худди ҳимоячидай яхши кўради. У умуман, эркак киши аёлга муҳаббат изҳор қилгандай изҳор этмади. Ҳар ҳолда, Мэдди шундай хулоса чиқарганди.

— Мен ҳам сизни яхши кўраман, Билл. Сиз менинг энг яқин дўстимсиз. Сиз худди оиламсиз. Гўё акамдексиз.

Дарҳақиқат, у ҳатто ўзининг энг яқин дўсти ҳисобланган Грегга ҳам сира айтмаган гапларини Биллдан яширмасди.

Бироқ Билл кутилмаганда ўрнидан турди, Мэддига жуда яқин келди ва елкасига қўлини қўйди:

— Мен бутунлай бошқа нарсани назарда тутганим, Мэдди. Сизни эркак киши аёлни яхши кўргандек яхши кўраман. Сизни севаман, — такрорлади у.

У Биллга нима деб жавоб беришни билмай қараб турарди. Билл уни тушунарди. Ахир улар ростдан ҳам қадрдонлардай яқинлашиб кетишганди. Ярим йил давомида доимий мулоқот... У Мэддининг кундалик ҳаёти бўлагига айланганди. Ҳозир у аёлга ниҳоят, муҳаббатини изҳор эта олганидан ҳеч афсусланмасди. Бунга узоқ вақт ботинолмай юрганди. Лекин ҳозир у фақат бир нарсани — Мэдди ўзини у билан аввалгидай енгил ва эркин тутишини истарди.

— Агар истамасангиз, жавоб бермаслигингиз мумкин. Сиздан ҳеч нима талаб қилмайман. Шу олти ой давомида ҳаётингизни ўзгартириш учун нимадир қилишингизни кутганим, деб ўйлайман. Бироқ, бу сизга нақадар оғир бўлаётганини тушиниб турибман. Сиз қачон бўлмасин, бунга қарор қилишингизга ҳам ҳатто энди ишончим комил эмас. Бунга

ҳам қўнганга ўхшайман. Лекин сиздан бошқа ҳеч нарсани кутишни истамайман. Сизни севишимни билишингизни хоҳлайман. Умр нақадар қисқа. Муҳаббат эса — ўзгача тухфа.

— Сиз ўзингиз мен учун ўзгача тухфасиз!

Мэдди Биллга талпинди, унинг юзидан ўпиб қўймоқчи эди. Билл энгил ўтирилди ва... Мэдди бунинг қандай рўй берганини ўзи ҳам тушунолмади қолди, лекин кейинги лаҳзада улар ҳамма нарсани унутишганча, эҳтиросга берилиб ўпишардилар.

Ниҳоят у Биллдан ўзини узди-да, унга ҳайрат билан қаради:

— Бу қандай рўй берди?

— Ҳа, бунинг учун бизга кўп вақт керак бўлди. — У аёлни бағрига тортди. — Ҳаммаси жойидами?

Мэдди бош ирғади. Унинг кўксига бошини қўйди. Билл ундан анча баланд эди. Кутилмаганда у асл бахтиёрликни ҳис қилди. Илгари ҳеч билмаган хотиржамлик ва ҳимояланганлик ҳиссини туйди. Нимадир бутунлай нотаниш... ва шу боис чўчидиган. Биллнинг кўзларига тикиларкан, у ўз ҳиссиётларини аниқлашга уринарди. Бироқ Билл ундан яна бўса олди. Аёл қаршилиқ қилмасди. У айнан шу лаҳзада ўзига нима зарурлигини англади. Демак... демак, Жек ҳақмиди? Лекин у ахир ростдан ҳам эрига сира хиёнат қилмаган, бегона эркакка ҳатто бирон бор қарамаган ҳам эди-ку. У шунча вақт давомида Биллни севганини бирдан англади. Мэдди бу ҳақда ўзи ҳам билмасдан севган экан. Энди нима қилиш керак?

Улар ошхона столи ёнида қўл ушлашиб, бир-бирларининг кўзига тикилиб ўтиришарди. Улар қаршисида гўё янги, улар ҳали билмайдиган олам очилгандек эди. Билл худди остонасида очишга ботинолмайдиган турган эшикни ланг очиб юборгандек эди. Мэдди эса бу эшик ортида кутаётганидан ўзи ҳам беҳабардай эди.

— Бу ҳақиқий янги йил совғаси бўлди, — торгинибгина жилмайди Мэдди. У хурсанд бўлиб, бахтиёр табассум билан жавоб берди:

— Ҳа, Мэдди! Лекин буни сира режалаштирмагандим. Худди сен каби, мен ҳам кутмагандим. Негадир ўзингни айбдор ҳис этишингни истамайман.

Билл уни шундай яхши биларди. Гоҳида у ўзини нафас олаётганига ҳам айбдор сезарди. Бугун рўй берган воқеа эса эркин нафас олишдан ҳам ортиқроқ муҳимроқ эди. Бу яшаш демакдир.

— Сенингча, ўзимни қандай сезишим керак? Мен эрли аёлман, Билл. Ҳозир Жек мени айблаётган ҳамма ҳаракатларни бажарётганим рост. Илгари бу ёлғон эди. Энди эса... рост бўлиши... мумкин.

— Бу фақат бизга, ўзимизни қандай тутишимизга боғлиқ. Мен аста-секинлик билан олға силжишни таклиф қиламан.

Билл, албатта, тезроқ силжишни маъқул кўрарди. Бироқ, Мэддига ҳурмати туфайли кўникишга тайёр эди.

— Ҳаётингни барбод этишни истамайман, сени бахтиёр кўришни хоҳлайман.

Лекин ҳозирча янада кўпроқ мураккаблаштиради, ўйларди Мэдди. Бу уни Жек билан муносабатларига бошқача қарашга мажбур қилади, шу пайтгача бундан иложи борича ўзини олиб қочишга уринарди. Билл билан биринчи бўса уни гўё янги ҳаётга йўллагандай бўлди.

— Нима қилсам экан? Қандай йўл тутсам...

У хотинига жуда ёмон муносабатда бўлган кишига эрга теккан. Шундай бўлса ҳам, унинг эри олдидаги бурчи, садоқат сақлаши кераклигини англаш ҳислари ҳали ҳам қалбида яшарди. Ҳар қалай, унга шундай туюларди.

— Қайси йўлни тўғри деб ҳисобласанг, шундай қил. Мен катта одамман, ҳаммасига кўнаман. Лекин менинг учун... биз учун нимани қарор

қилишингдан қатъи назар, барибир Жек билан ниманидир ҳал қилишинг керак. Бутун умр бошингни қанотинг остига яшириб яшолмайсан, Мэдди. Аслида унинг муҳаббати ва энди буни Мэдди билиши унга қатъият бағишлайди, деб умидвор эди. Гарчи Мэдди бу ҳақда ўйлашни истамаса ҳам, у ва унинг муҳаббати гўё озодликка рухсатнома бўлишини англарди. Йўқ, у Биллдан фойдаланишни хоҳламайди. Билл Александр унинг келажаги бўлиши мумкин. У эса ўзи хоҳлаган тарзда муомала қилиш мумкин бўлган инсон эмас.

Улар яна бир пас пишлоқ еб, шароб ичиб, гаплашиб ўтиришди. Билл уни илк бор кўрганида севиб қолганини айтди.

— Ҳойнаҳой, мен ҳам, — тан олди Мэдди. — Фақат ҳақиқатга тик қарай олмасдим. Менга бу Жек туйфайли яхши эмасдек туюларди.

Унга ҳозир ҳам шундай туюларди. Лекин энди уларнинг туйғулари бошқа ҳаммасидан устун келмоқда эди, ундан-да кучли, иккаласидан ҳам кучли эди.

— Жек бунинг учун мени сира кечирмайди. Бугунги кунгача орамизда ҳеч нима бўлмаганига ҳеч ким ишонмайди. У эримни алдаб юрганимни ҳаммага айтади.

— Уни ташлаб кетсанг, ҳар қандай ҳолатда ҳам шундай дейди.

Энди Билл аввалгидан ҳам ортиқроқ Мэддининг кетиши учун куч топишини Худодан илтижо қилиб сўрарди. Унинг кўнглида худди ноёб капалак кафтига кўнганга ўхшаш туйғу пайдо бўлгандек эди. Уни чўчитиб юбормаслик учун қўл теккизишга ботинолмайсан. Ундан фақат завқланишни, шунчаки яхши кўришни истайсан, холос.

— У барибир сен тўғрингда расво миш-мишларни тарқатаверади. Аслида, Мэдди, сен унга кўпроқ кераксан, у сенга керак эмас. У сенга аввалиги яхши никоҳ ва ҳимояланганлигинг ҳақидаги орзуларинг рўёбга чиқиши учун керак эди. Сен эса унинг касал туйғуларини, агар хоҳласанг, қонга ташналигини қондириши учун кераксан. Зўрловчига жабрдийда зарур.

Мэдди узоқ жавобсиз турди. Кейин ниҳоят, жимгина бош ирғади. Улар фақат учдагина айрилишди. Хайрлашаётганда узоқ ўпишдилар. Аёлнинг сира кетгиси йўқ эди. Уларнинг муносабатлари янгича тус олганди, гўёки яширин эшик очилган ва уни энди ёпишнинг сира иложи қолмаганди. Улар буни истамасдилар ҳам.

— Эҳтиёт бўл, — шивирлади Билл. — Ўзингни асра.

— Ваъда бераман. — Аёл жилмайди. — Ҳаммаси учун раҳмат.

— Доим хизматингга тайёрман.

Кейин у аёлнинг изидан қараб, эшик ёнида узоқ туриб қолди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам кўп нарсалар тўғрисида ўйлаб олишлари даркор эди. Айниқса, Мэдди.

Студияда котиба сўнги соатда Жек икки марта кўнғироқ қилиб, уни йўқлаганини билдирди. Мэдди стол ёнига ўтириб, нафасини ростлаб олди, эрининг ички телефонини терди. Бирдан у даҳшатга тушди. Унинг Биллнинг уйдан чиқаётганини биров кўриб қолган бўлса-я?

— Нима жин урди, қаерларда изғиб юрибсан?

— Рождествога совғалар харид қилдим.

Бу ёлгон унинг оғзидан шундай осонликча чиқиб кетдики, у ҳатто кўрқиб кетди. Кейинги пайтда ёлгон гапиришга қанчалар одатланиб қолди! Бироқ ўзга чораси йўқ эди. Унга ростини айтолмайди, ахир. Студияга етиб боргунича йўлда Мэдди ўзини қийнаб, Жекнинг кўзларини очиб, у билан бахтсизлигини, ўзга инсонни севиб қолганини очиқ айтгани маъқулмасми, дея хаёл суриб келди. Лекин у Жекни жуда яхши биларди ҳамда бу фақат янги хўрланиш ва камситишларга ортиқча баҳона бўлишига амин эди. У Жек билан ажрашишга тайёр бўлгандагина ҳақиқатни айтиши мумкин бўларди. Ҳозирча эса уни ташлаб кетолмасди.

— Бугун кечқурун президент билан учрашувим борлигини айтмоқчи бўлиб қўнғироқ қилгандим.

Бу хабар хотинини анча ҳайрон қолдирди. У президентнинг ҳали анча нимжонлигини ва кечқурунлари ҳеч кимни қабул қилмаслигини биларди. Лекин, албатта, индамади. Балки унинг гумонсирашлари ўзининг хулқига асослангандир. Қандай даҳшатли фикр... барибир, Билл билан рўй берган иш, гарчи бахтсиз никоҳда яшаса ҳам, эрли аёл шаъни учун яхшимас.

— Ҳаммаси жойида, — жавоб берди у Жекка. — Уйга кетаётганимда дўконларга кириб, байрамга яна у-бу совғалар харид қилмоқчиман.

У ўзига материал тўплашга ёрдамлашувчи бир ходими ва котибаси учун совғалар ҳамда ярқироқ ўров қоғози сотиб олмоқчи эди. Эҳтимол, уларга совғалар солинган пайпоқлар ҳам тайёрлаш керакмиди. У ҳар бирига Картъе фирмасининг қўл соатидан сотиб олишга улгурганди.

— Сенга бирон нима сотиб олайми? — сўради у эридан бугунги хулқидан хижолат бўлиб, айбини ювиш учун.

— Нима учун бугун кайфиятинг чоғ кўринади?

Мэдди яқинлашиб келаётган байрамни баҳона қилди.

Жек президент билан учрашуви чўзилиб кетиши мумкинлигини айтиб, уни кутмаслигини тайинлади. Бу гап Мэддининг гумонларини янада тасдиқлади. Бироқ, у, албатта, яна ҳеч нима демади.

У ҳар иккала янгиликлар кўрсатувини гўё осмонда учиб юргандек ҳислар билан ўтказди. Биллга икки марта — эфир олдидан ва кейин қўнғироқ қилди.

— Мен бахтиёрман.

“Ва бундан жуда кўрқаман”, — деб қўшиб қўйса ҳам бўларди. Уларни нима кутаётгани ҳақида гаплашмадилар: шодликларини келажаккача асраб қўйишмоқчи эди. Мэдди ишдан қайтишда яқинроқдаги байрам бозорига кириб, у-бу нарсалар харид қилиш ниятидалигини айтди. Улар Мэдди уйига етиб олгач, қўнғироқлашишга келишиб олишди, ахир Жек бўлмади-ку. Жекнинг президент билан учрашишига Билл ҳам ишонмасди. Бор-йўғи бир неча кун аввал уларнинг қўмитаси йиғилишида Филлис президент жуда толиқиб қолаётгани ва кеч соат еттида қаттиқ ухлаётганини айтганди.

— Балки у Жек билан ухлаётгандир? — ҳазиллашди Мэдди кутилмаганда. Билл кулиб юборди.

— Бу, қандайдир, янги гап.

Мэдди ишдан студиянинг машиналаридан бирида қайтди, чунки Жек ўзининг машинасини ҳайдовчиси билан бирга олиб кетганди. У бугунги кеча ёлғиз ўзи қолишидан фақат севинди, холос. Ўйлаб кўриш учун... орзу қилиш учун...

Мэдди машинани катта байрам бозори ёнида тўхтатди, бир дўконга совғаларини чиройли қилиб ўраш учун ўровчи қоғоз, лента, ип сотиб олиш учун кирди. Ҳар томонда харидорлар — аёллар, бақирган-чақирган болалар, эркаклар пештахталар олдида туриб, нарсалардан қай бирини танлашни билмасдилар. Бугун бу ерга ҳар доимгидан ҳам кўп одам келганди. Ўйинчоқлар сотиладиган дўкон ёнида Қорбобо турарди. Одамлар уни кўриш учун навбат кутардилар. Бу турфа хил ҳаяжондаги оломонга қараб, Мэдди ҳам байрам кайфиятига келганди. У Рождество яқинлашаётганини сездди. Энди Билл туфайли, у ҳам байрамни қувончли ҳислар билан кутаётганди.

У бир нечта қоғоз ўрамлари, атирлар, ленталар, безаклар, шоколадли Санта Клауслар ва бошқа совғалар билан тўлган машинага ўтиришга шайланарди. Шу пайт қаердадир юқорида шунчалар қулоқни қоматга келтирувчи галати товуш эшитилдики, у титраб кетди. Бошқалар ҳам юқорига қараганча тўхтаб қолишди. Аввалига нимадир тарақлади, кейин худди кучли шаршара шовқини келгандек бўлди. Мусиқа овози ўчди

қаттиқ чинқириқ товушлари эшитилди. Тўсатдан бозор ичида чироқ ўчиб, ҳамма ёққа зулмат чўкди. Мэдди бирон нарсани англаб ва қўрқиб кетишига улгурмасидан олдин унинг устига юқоридан нимадир қулаб тушди. Кейин эса ҳаммаси йўқ бўлди ва у зулмат ичига йиқилди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Медди ўзига келган чоғида худди кўкрагини оғир иморат босиб қолгандай сезарди. У чанг ва қум билан тўлган кўзларини очишга уринди, лекин ҳеч нимани кўролмади. Фалати, ўзига нотаниш... чанг ва куйинди исини сездди. Бутун баданига иссиқ югургандай бўлди, кейин яна галати оғирликни туйди. У кўл ёки оёғини қимирлатиб кўрмоқчи бўлди. Аввалига у умуман ҳаракат қилолмайдигандек туюлди. Кейин фақат оёқларининг товонларини қимирлата олишини англади. Оёқлари ва бутун гавдасини худди қандайдир оғир бир нарса билан жойига михлаб қўйгандек туюлди. Секин-аста, деярли сезиларсиз ҳаракатларни қийинчилик билан бажарганча, ўзини босиб қолган ашёлардан халос бўлишга эришди. У секин қаддини тиклаб, жуда кичик бўшаган ерга ўтирди. Фақат энди гина атроф жим-жит бўлиб қолганини сездди. Бироқ, кўп ўтмай, бақир-риқ-чақир-риқ, оҳ-воҳ, назарида бола йиғиси эшитила бошлади. Одамлар бир-бирларини чақирарди. Мэдди қаердалигини ва нима содир бўлганини ҳали тушунолмади.

Бозор дўкончаларининг орқасидаги тўхташ жойида автомобиллар портлаганди. Иморатнинг олд қисми тўла қулаган эди. Атрофда ўт ўчириш машиналари турарди, ярадор одамлар қонларини оқизиб, бақирганча югурардилар. Ярадор бўлган болаларни замбилларда кўтариб, “тез ёрдам” машиналарига олиб боришарди. Бунинг ҳаммаси гўё даҳшатли филмни сувратга олинаётгандаги декорацияларни эслатарди. Буни кўрганлар лол қолганча, полициячиларга ва ўт ўчирувчиларга бозор иморатининг олд қисми бир лаҳзада қулаб тушганини гапириб берардилар. Тўртта савдо растаси тўла вайрон бўлган эди. Портлаш олдида Мэдди чиққан дўкон қаршисида турган юк машинаси ўрнида энди катта чуқур воронка ҳосил бўлганди. Портлаш шу қадар кучли бўлганидан, унинг тўлқини бешта маҳалла масофасидаги уйлар деразасини синдириб тушганди. Журналистлар ва репортёрлар келган маҳалда устига презент ёпилган Қорбобонинг мурдасини олиб ўтишди. У ўзини кўришга келиб, навбат кутаётган болаларнинг ярми билан бир лаҳзада ҳалок бўлганди. Бундай катта ва даҳшатли воқеани ҳали ҳеч ким эслолмади.

Мэдди бетон синиқлари остида эгилганча ўтираркан, вайронадан қандай чиқишни ўйларди. Қўллари билан нари сурмоқчи эди, бўлмади. Қаттиқ кўрққанидан нафас олиши оғирлашгандай бўлди. Кутилмаганда жуда яқиндан қоронғиликда аёл кишининг нозик овози эшитилди:

— Ёрдам беринглар... ким бўлса ҳам, ёрдам беринг...

Бегона овоз Мэддига тинчлантирувчи таъсир қилди. Бу ерда ёлғиз эмас экан...

— Мени бирор кимса эшитяптими? — яна эшитилди ўша овоз.

— Мен эшитяпман. Қаердасиз?

Чанг туфайли нафақат гаплашиш, ҳатто нафас олиш ҳам қийин эди.

— Билмайман, — жавоб берди аёл. — Ҳеч нимани кўрмаяпман.

— Нима содир бўлганини тушундингизми?

— Назаримда...устимизга иморат қулаб тушганга ўхшайди. Бошимга зарб билан нимадир урилди. Қон оқиб кетяпти...

Мэддига гўё бола йиғиси яна эшитилгандай бўлди. Лекин буни комил ишонч билан айтолмасди. Бундай тўс-тўполонда, бунинг устига, ҳар томондан бетон уюмлари устингдан босиб тушганида, бирор нимани тушуниш қийин эди. Устига-устак, ҳар томондан ўт ўчирувчи ва “тез

ёрдам” машиналари сиреналарининг чийиллаган товуши қулоқларни қоматга келтирарди. Ҳатто бошқа штатлардан қутқарувчилар чақиртирилган эди. Ҳали ҳеч ким айнан нима содир бўлганини айтолмасди. Фақат кучли портлаш рўй бергани ҳамда шикастланганлар кўплигини билишарди, холос.

Мэддига яна боланинг йиғлагани эшитилди.

— Бу сизнинг болангизми? — сўради у.

— Ҳа. У икки ойлик. Исми Энди.

Аёлнинг овозидан анча ёшлиги билинарди, ўзи ҳам йиғлаб юборди.

— У яраланганми?

— Билмадим. Уни кўрмаяпман.

Энди қиз хўнграб йиғларди. Мэдди кўзларини юмиб, энди нима қилишни ўйлашга тиришарди.

— Сиз қимирлай оласизми?

Бу саволлар ўзининг онгини сақлашга ёрдам берарди. У яна вайронларни бир неча жойидан кўзғатишга уриниб кўрди. Баҳайбат тошга ўхшаш нимадир бир неча дўймга сағалгина сурилгандай туюлди. Аёлнинг овози қарши томондан келарди.

— Қўлларим ва оёқларимни қандайдир оғир нарса босиб қолди. Боламга ҳеч чўзилиб етолмаяпман.

— Бизни қутқариб оладилар. Бирор кимса ёрдамга етиб келади.

Шу лаҳзада қайдадир узоқроқда тушунарсиз овозлар эшитила бошлади. Буларнинг кимлиги — қутқарувчиларми ёки ўзларига ўхшаган жабрланганларми, тушуниб бўлмасди. Мэдди бирор нимани англашга уриниб, сергакланди. Шу лаҳзада қўл телефони ҳақида эслади. У сумкасида эди... Агар уни тополса, ёрдамга чақирishi мумкин бўларди. Ҳар қандай шароитда, уни топиш осонроқ бўларди. Бундан ҳеч нима чиқмаса-да, ҳар қалай, нимадир қилишга уриниб кўриши керак. У қоронғиликда тимирскиланиб, чанг қоплаган синиқлардан бошқа ҳеч нимани тополмади, бироқ қаердаликлари ҳақида озгина тасаввур қилди. Ахийри у тошларни озгина суриш ва кўпроқ ҳаво ютишга эришди.

— Мен сиз томонга суриляпман, — қизга мурожаат қилди у кўнглини кўтариш оҳангида. — Қандайсиз? Мени эшитаяпсизми?

Узоқ сукунат қоплади.

— Кўзим илинганга ўхшайди.

— Ухлаб қолмасликка ҳаракат қилинг. Ўзингизни тутинг.

Мэдди кучининг борича фикрини жамлашга уринди, лекин қарахт ҳолатида фикрлари ҳар томонга сочилиб кетарди.

— Келинг, яхшиси, гаплашиб оламиз. Исмингиз нима?

— Энн.

— Салом, Энн. Мен эса Мэддиман. Ёшингиз нечада?

— Ўн олтида.

— Мен ўттиз тўртдаман. Телевидениеда репортёрман.

Ҳеч қандай жавоб келмади.

— Энн... уйғонинг. Энди қалай?

— Билмайман.

Бироздан кейин Мэдди яна бола йиғисини эшитди. Демак, бола тирик. Қизнинг эса овози борган сайин ҳазинлашмоқда. У қанчалик оғир шикастланганини фақат Худо билади. Уларни қачон бўлса ҳам топишармикан?..

Мэдди якка ўзи кўпорилган нарсалар билан кураша бошлади. Бу вақтда эса ташқарида ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар машиналари келишда давом этишарди. Иморатнинг тўрт қавати йиқилган, бунинг устига ёнғин чиқиб кетганди. Портлаш марказига яқинроқдаги вайронлар остидан майиб-мажруҳ таналарни, айримларни ҳатто таниб бўлмас даражадаги мурдаларни олиб чиқишарди. Ҳар қаерда одамларнинг узи-

либ тушган қўллари, оёқлари, бошлари сочилиб ётарди. “Тез ёрдам” машиналари ҳаракат қилолмаётган ҳаммани олиб кетмоқда эди. Вайроналар майдонини нафақат қутқарувчилар, балки аҳоли орасидан ўз ихтиёри билан чиққан кишилар ҳам тозалашга уринишарди. Портлаш жойига булдозерларни ҳам етказиб келишди, лекин иморатнинг ҳали қуламаган томонидан хавотирланганлари сабабли улардан фойдаланилмай туришганди. Ҳали вайроналар остида қолган кишилар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак эди, булдозерларни ишлатиш уларни ўлимга маҳкум этиш билан баробар эди.

Ҳалокат бўлган жойга мамлакатнинг турли бурчакларидан журналист ва репортёрларнинг янги командалари етиб кела бошладилар. Улар Американинг тарихидаги энг йирик миллий ҳалокати ҳақида ўз томошабинлари ва тингловчиларига маълум қилиш учун келгандилар. Бу сафар ҳалокат Вашингтонда содир бўлди. Жабрланганлар сони юздан ошиб кетганди, яна қанча бўлиши мумкинлигини ҳеч ким жавоб беролмасди. Ҳамма фоторепортёрлар бири олиб-бири қўйиб, қутқарувчилар “тез ёрдам” машинаси томон олиб кетишаётган, қўли узилиб тушган ва баланд овозда йиғлаётган қизалоқни сувратга туширишга уринишарди. Унинг исмини ҳозирча ҳеч ким билмасди. Лекин бундай бола сингарилар — яраланган, майиб бўлган, қони оқиб турганлар ҳали унча кам бўлмаслиги кутилди.

Билл ҳалокат ҳақида биринчи маълумотлар келганда ўзининг шином кабинетидан тинчгина телевизор кўриб ўтирарди. У даҳшат билан ўрнидан сапчиб туриб кетди: бирдан Мэддининг ишдан қайтишда байрам бозорига бормоқчилигини айтган сўзлари ёдига тушди. Телефонга ёпишди. Ҳеч ким жавоб бермади. Унинг қўл телефони рақамини терди. Операторнинг овози абонент етиб боролмайдиган масофада эканлигини маълум қилди. Телевизор экранига қараб тураркан, Билл ҳақиқатдан кўрқиб кетганди. У Мэддининг идорасининг телефон рақамини терди, лекин охириги дақиқада яна ботинолмади. Балки ҳозир у ҳалокат бўлаётган ердир ва репортаж олиб бораётгандир... Ундан кўра озгина кутгани маъкул. У вақт топса, ўзи қўнғироқ қилади. Агар ўша вайроналар тагида ётмаган бўлса. Унинг соғ-омон қолишини фақат Худодан илтижо қилишдан ўзга чораси йўқ.

Жек ҳам ҳалокатдан хабардор бўлганди. Унинг қўл телефони портлаш билан деярли баробар жиринглади. У бугун кечани бирга ўтказмоқчи бўлган қизига ранжибгина қаради.

— Мэддига қўнғироқ қилиб айтинг, зудлик билан у ерга етиб борсин. У, ҳойнаҳой, уйда бўлса керак.

Режиссёр портлаш жойига иккита гуруҳ юборилгани, учинчиси йўлда эканини айтди. Жек гўшакни қўйди. “Ритц-Карлтон”га таклиф қилган чиройликкина қиз нима бўлганини сўради.

— Қайсидир жин чалган тентак байрам бозорини портлатибди.

Жек телевизорни қўйиб, тишлари орасидан ҳуштак чалди:

— Жин урсин-е...

Улар ҳалокат ҳажмини то ўзлари даҳшат манзарасини кўрмагунларича тасаввур ҳам қилолмагандилар. Улар қандайдир муддат индамай экранга қараб ўтиришди. Кейин Жек яна гўшакни олди. Студияга қўнғироқ қилди.

— Мэддини топдиларингми? — бақирди у.

Ҳа, мана манзара! Баъзи саҳналарни кўрганда ҳатто унинг ҳам кўзларида ёш қалқди. Бир ҳафта илгари танишган сочлари сариқ гўзал қиз ёнида секин йиғлаб ўтирарди. Шу маҳалда экранда қутқарувчилардан бири ёш бола мурдаси билан унинг онасини олиб кетаётганди.

— Излаяпмиз, Жек, — гўшакда ҳайрон қолган режиссернинг овози келди. — У уйда йўқ, қўл телефони эса ўчирилган.

— Жин урсин-е! Ахир унга бундай қилишни ман этгандим-ку! Излашни давом эттиринг, ниҳоят топилади.

Тўсатдан унинг калласига келган фикрни у тезда ҳайдаб юборди. Ахир Мэдди байрамга нимадир харид қилмоқчи эди-ку. Совға ўрайдиган қоғозми-ей, яна нималардир... Лекин у бундай вақтинчалик бозорларни ёмон кўрарди, ҳар доим Жоржтаунда харид қиларди. Қандай қилиб у ерга борган экан?..

— Энн...Энн... Мени эшитяпсизми?

Бу сафар аввалгидан ҳам кўра кечроқ жавоб келди.

— Ҳа... эшитаяпман.

Шу лаҳзада яна кимнингдир овози эшитилди. Эркакча овоз. Жуда яқиндан.

— Ким бор? — деди баланд овозда эркак.

— Менинг исмим Мэдди. Шу ерда яқинроқда Энн исмли қиз ҳам бор. Уни эшитяпман. Менимча, у яраланган, ёнида боласи ҳам бор.

— Ўзингиз-чи? Сизда ҳаммаси жойидами?

Шу пайтда Мэдининг бошига қаттиқ оғриқ кирган бўлса ҳам, бу ҳақда айтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлади.

— Ҳа, мен яхшиман. Сиз менинг атрофимдагиларни озгина нарироқ суриб ташласангиз бўладими?

— Гапираверинг, мен эса уриниб кўраман.

У анчагина синиқларни сурганини, лекин қайси йўналишда унга томон боришни аниқ билмаётганини айтди.

— Исмингиз нима?

— Майк. Хавотирланманг. Мен оғир юк кўтаришга ўрганганман. Бу ердан сизни олиб чиқиб кетаман — ўгирилишга ҳам улгурмай-сиз.

Мэдди эркакнинг тош ва гиштларни суриб, улар томонга келаётганини эшитарди. Энн яна жим бўлиб қолди. Мэдди уни чақирди. Чақалоқ янада кучлироқ йиғлаб юборди.

— Болангиз билан гаплашинг, Энн. Балки овозингизни эшитгач, тинчланиб қолар.

— Гапиролмайман... Кучим йўқ.

Мэдди Майк билан гаплашишда давом этарди. Энди унинг овози яқинлашганди.

— Нима содир бўлганини биласизми?

— Қайдан, дейсиз! Бу лаънати том тўғри устимга қулаб тушганида соқол оладиган крем харид қилаётган эдим. Бу ерга болаларим билан келмоқчи эдим. Худога шукур, айниб қолдим. Сиз билан-чи, ҳеч ким бормиди?

— Йўқ, бир ўзим келган эдим.

Мэдди яна атрофини тозаламоқчи эди, лекин тирноғини синдириб, бармоғини шилиб юборди холос.

— Бошқа йўналишда қазилашга ҳаракат қилиб кўраман, — деди Майк.

Мэдди жуда кўрқиб кетди. Бу дўстона овоз ҳозир йўқолиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзида у ўзини ҳали ҳеч илгари ҳаётида бўлмагандай, ташлаб кетилгандай сездди. Тинчланиш керак. Кимдир албатта уларнинг ёнига етиб келади. Агар улардан биронтаси ташқарига чиқолса, ёрдам тезроқ етиб келарди.

— Яхши. Бу ердан чиқиб олганингизда омадингизни берсин. — У атайлаб “агар” сўзини ишлатмади. — Мен репортёрман. Ҳойнаҳой, телекомпаниямиздаги йигитлар шу яқин орада бўлишса керак. Уларга мен ҳақимда айтинг.

— Сизни олиб кетишга қайтаман.

У бу сўзларни жуда аниқ айтди. Кейин овоз йўқолди. Мэдди зулмат ичра Энн ва йиғлаётган гўдак билан қолди. Агар телефонини топиш имкони бўлганда эди. Аммо барибир у қаердалигини ҳеч кимга айтолмайди. У портлашгача қаердалигини биларди, лекин уни у жойдан анча узоққа иргитиб юборганга ўхшайди.

Билл янгиликларни кўришни давом эттирарди. Унинг борган сари қўқуви кучайиб борарди. Мэддига ўн марта кўнғироқ қилишга уриниб кўрди, бироқ ҳар сафар автожавоб берувчига дуч келарди. Унинг қўл телефони жавоб бермасди. Ахийри, у чидолмади-да, студияга кўнғироқ қилди.

— Ким гапиряпти? — асабийлашиб сўради режиссёр Раф Томсон.

— Унинг дўстиман. Шунчаки ўйлагандимки... У нима, ҳодиса содир бўлган жойдан репортаж қилаяптими?

Режиссёр узоқ жим қолди. Кейин тўғриси айтишга қарор қилди:

— Биз ҳам уни тополмаяпмиз. У уйида йўқ, қўл телефони жавоб бермаяпти. Балки ўша жойга ўзича кетган бўлиши мумкин, лекин бизникилардан уни ҳеч ким кўрмаган. Хавотир олманг, у топилади. Доим шундай бўлади.

— Йўғ-ей, у ҳеч қачон огоҳлантирмасдан ғойиб бўлиб қолмайди.

Қизиқ, буни у қаердан биларкан, ўйлади Раф. Бу одам Жекка нисбатан анча кўпроқ хавотирланияпти. Эри Мэддини қаердан бўлса ҳам топишни буюриб, фақат ҳаммага бақариб ётибди. Улар телефонда унга боғланишган чоғда ўзи нима иш билан шуғулланаётганини Томсон дарҳол топди. Жек гўшакни олганида ортида аёл кишининг кулгиси эшитилиб турарди.

— Сизга нима дейишни ҳам билмайман. Мэдди тезда топилади, деб умид қиламан. Эҳтимол, у кинога кетгандир.

Билл унинг ҳеч қандай кинога кетмаганини аниқ биларди. Нега у одатдагидай кўнғироқ қилиб, ҳаммаси жойидалигини айтмади экан? У ўн дақиқалар чамаси хонада телевизордан кўзини узмасдан у ёқ-бу ёққа юрди ва охири чидолмади. Пальтосини кийди-ю, машинаси калитини олиб, уйдан чиқди. Ҳодиса бўлган жойга ўта оладими, номаълум эди, лекин уриниб кўришга арзийди. У нимагалигини тушунтириб беролмас-да, шунчаки у ерда бўлиши кераклигини ҳис қиларди. Эҳтимол уни ўша жойдан топар...

Билл байрам бозори ёнига соат ўндан ошганда, тахминан портлашдан бир ярим соат кейин етиб борди. Бу портлаш деярли иккита маҳаллани вайрон қилиб, юздан ошиқ одамнинг ўлимига сабабчи бўлганди. Ҳозирча. Ҳали қанчаси майиб-мажруҳ бўлгани номаълум эди. Бу фақат бошланиши эди.

Яна йигирма дақиқа у ўт ўчирувчи ва “тез ёрдам” машиналари орасидан, вайрона ва синиқларни айланиб ўтиб борди.

У ерда ўз ихтиёри билан қутқаришга ёрдам беришга келганлар жуда кўплиги боис, ундан ҳеч ким ўтиш учун рухсатнома талаб қилмади ва лоақал шахсини аниқловчи ҳужжат ҳам сўрамади. У ўйинчоқлар дўкони ёнига яқинлашди, атрофга аланглаб қараб, Мэдди телевизиончилар орасида чиқиб қолишини Худодан сўраб, уни излади. Бир неча лаҳзадан сўнг унинг қўлига кимдир ҳимояловчи ниқоб тутиб, вайроналарни тозалаш ҳамда синган нарсаларни олиб кетишга ёрдам беришини сўради. У бошқа қутқарувчилар билан бирга, вайроналар ичкараси томон кетди. Бу даҳшатли манзарани кўришнинг ўзиёқ уни шундай даҳшатга келтирдикки, у яна Мэдди ишқилиб бу ерда бўлмаслигини Худодан илтижо қила бошлади. Зора у қўл телефонини шунчаки ўчириб қўйган бўлса.

Бу лаҳзада Мэдди ҳам вайроналар тагида бетон бўлагига гавдасини суяганча, Билл ҳақида ўйларди. О, мўъжиза, бетон девор парчаси жойи-

дан силжиди. У яна бир уриниб кўрганди, бетон яна озгина сурилди. Мэдди кучанганча, қайта-қайта суришда давом этарди, ҳар сурганида Эннинг пасайиб бораётган овози яқинроқдан келаётгандек туюлаверди.

— Назаримда, қаергадир сурилиб бораётгандекман, — маълум қилди у қизга. — Энн индамай турманг, қаердалигингизни топишим учун гапириб туринг. Ишқилиб, бетон бўлаги сизларга тегиб кетмаса бўлди. Ҳеч нимани сезаяспизми? Устингизга ҳеч нарса тушмаяптими, ахлат тўкилмаяптими?

Бехосдан бетон бўлақларини Энн ёки унинг гўдаги устига тушириб юбориш етмай турганди ўзи. Бироқ Энни гапиришга мажбур қилиш бетон бўлагини суришдан ҳам кўра қийинроқ эди.

Мэдди ўзи билан ўзи гаплашаётганини сезиб қолди. Бошида ўзининг гавдаси оғирлиги билан катта бетон бўлақларини газаб билан сураётганда буни ҳатто сезмаганди ҳам. Суриб ва тозалаб, суриб ва тозалаб бораверди. Қайсидир лаҳзада бу оғир ишга қаттиқ берилиб кетиб, қўлини майиб қилиб қўйишига оз қолди, лекин бирдан мўжиза рўй берди! Бетон девор нари сурилиб, Мэдди сигадиган даражада тешик очилди. Шу тариқа у Энни топди. Қўлини чўзиб, гўдакни ушлади... Энди... Чақалоқ онасининг ёнида ётарди. Онаси эса қоронғиликда боласига етолмасди. Ҳозир у чинқириб йиғларди. Мэдди уни кўрмасди. Тимирскиланиб, болани ўзи томон тортди. Гўдак кўрқиб кетганидан баттар чинқирарди. Балки унинг ҳам бирон ери лат егандир? У шошиб болани қўйди-да, Энн томонга эмаклади. Қиз жим эди. Мэдди унга қўлини теккизди.

— Энн... Энн...

Қиз товуш бермасди. У нафас олаётганини ҳам билмасди. Эҳтиёткорлик билан унинг юзини силаб кўрди, пастроққа туширди... ва нима гаплигини тушунди, шекилли. Энн гавдасининг юқори қисмини оғир тўсин босиб қолганди. Қиз, ҳойнаҳой, кўп қон йўқотган бўлса керак — Мэддининг қўлига суюқроқ нимадир текканди. Яна бир баҳайбат бетон тўсин Эннинг оёғига тушиб, уни ерга михлаб қўйгандек эди. Мэдди қандай ҳаракат қилмасин, зўриқиб итармасин, қизни қутқара олмади. Тўсинларни қимирлатолмади. Уларнинг устида бетон бўлақлари босиб турганини Мэдди билмасди.

— Энн... Энн...

Ниҳоят, қиз қимирлади.

— Қаердасиз?

У нима содир бўлганини ҳали билмасди.

— Мен шу ерда, ёнингиздаман. Эндининг аҳволи жойида.

Ҳар қалай онасининг аҳволига нисбатан...

— Бизни топишдими?

Энн ҳозир яна ҳушини йўқотиб қўядигандек туюлди. Мэдди унга қўл теккизишга кўрқарди. Унинг устини босиб қолган оғирликка қараганда, у жиддий майиб бўлганди.

— Ҳозирча йўқ, лекин албатта топишади. Ўзингизни тутинг.

Мэдди ердан болани кўтариб, бағрига босди. Кейин Энни томон эмаклаб сурилганча, боласининг юзини онасининг юзига қўйди. Ҳойнаҳой, туғруқхоналарда шундай қилишса керак. Эҳтимол, шу тариқа қизнинг яна бирпас чидаб туришига ёрдам бериш мумкинدير.

Энн секин йиғларди:

— Ўлайпман, шундайми?

Иккаласи ҳам бу саволга жавоб бериш мумкинмаслигини билишарди. Энн бор-йўғи ўн олти ёшда бўлса-да, ҳозир мана шу сўнгги соат ичида каттариб, юз йилга қариб кетгандек туюларди.

— Бундай деб ўйламайман, — алдади Мэдди. — Сиз ўлишингиз мумкин эмас. Сиз Эндига кераксиз.

— Унинг отаси ҳам йўқ. У туғилиши биланоқ отаси ундан воз кечди. У болани хоҳламасди.

— Менинг боламнинг ҳам отаси йўқ эди.

Худога шукур, ҳар қалай қиз гапира бошлади. Лиззининг ҳам на отаси, на онаси бор эди. Пушаймонлик, ўзини айбдор сезиш ҳисси Мэддини яна чулғаб олди. Бироқ, у бу ҳақда Эннга айтиб ўтирмади.

— Ота-онангиз билан яшайсизми?

Асосийси — унинг узоқ жим қолишига йўл қўймаслик эди. Мэдди болани бағрига маҳкамроқ босди. Тўсатдан гўдак йиғламай қўйганини сезиб қолди, кўрқиб кетганидан бармоғини унинг бурнига теккизди. Нафас олаяпти! Шунчаки ухлаб қолганди.

— Уйдан ўн тўрт ёшимда қочиб кетгандим, — жавоб берди Энн. — Ўзим асли Оклахомаданман. Энди туғилганида ота-онамга қўнғироқ қилдим. Улар на мени, на болани билишни ҳам истамасликларини айтдилар. Мендан ташқари уларнинг яна тўққиз фарзандлари бор. Онам мен туфайли фақат нохушликлар бўлишини айтди. Биз Энди билан ижтимоий ҳимоя нафақаси билан кун кўриб яшаймиз.

Ҳа... бу ҳақиқий фожиа. Лекин уларнинг ҳозирги аҳволи янада даҳшатлироқ. Улардан биронтаси тирик қоладими? Уларни топиб олишарми-кан? Балки ўлганларидан кейин топишар? Улар телевизорда гапириб, газеталарда ёзиладиган даҳшатли воқеанинг бир бўлаги бўлиб қоладилар холос. Йўқ! Бунга йўл қўйиш ярамайди! Бола тирик қолиши керак, иккинчи бола — унинг балоғатга етмаган онаси ҳам. Уларни қутқариш Мэддининг асосий вазифаси эди.

— Энди катта бўлганида бугун қандай ҳодиса содир бўлгани ҳақида унга айтиб берасиз. У сиз билан фахрланади, сиз ўзингизни кўрқмасдан ва матонатли тутганингиз билан фахрланади. Мен ҳам сиз билан фахрланаман.

Мэдди кўз ёшларини зўрға тутиб турарди. Улар Лиззи билан бир-бирларини ўн тўққиз йилдан кейингина топдилар. Энди қизи уни яна йўқотиши мумкин. Йўқ, бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам йўл қўёлмайди. Фикрнинг аниқлигини сақлаш зарур. Фикр аниқлиги... Тўсатдан Мэдди боши қаттиқ айланаётганини сизди. Қизиқ, бўғилиш қачон бошланаркин?.. Бу қандай рўй берар экан?.. Улар нафаслари етмай, ҳавони оғзилари билан ютармиканлар ёки худди ухлагандек, шунчаки хушдан кетармиканлар? Гўё икки шам қаби ўчадилар... Мэдди бурни остида ўзича қандайдир кўшиқ айтиб, Энн ва Энди билан гаплаша бошлади. Бироқ қизнинг овози яна тинди ва Мэдди ҳеч қандай уринишлар билан уни гапга сололмади. Уни секин ушлаб кўрди. Энн секин ингради. Демак, ҳозирча тирик. Лекин тез сўнаётганга ўхшайди.

Билл ўйинчоқлар дўкони олдида телестудиядан келган гуруҳни ниҳоят топди. Ўзини таништирди. У телефонда гаплашган одам шу киши экан. У ҳодиса рўй берган жойни сувратга туширарди. Репортёр ва операторларга кўрсатмалар берарди.

— Мэдди, ҳойнаҳой, вайроналар остида қолган бўлса керак, — гамгин деди Билл. — У менга байрамга ўров қоғоз ва нималардир харид қилмоқчилигини айтганди. У бозорга кириб ўтмоқчи эди.

— Ҳа, менда ҳам галати сезги пайдо бўлганди. Ҳатто ақлдан озаяпманми, деб ўйладим.

— Лекин ҳозир бу муҳим эмас. Бу ерда одамларни қутқариш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Билл Мэддини биринчи хоним қўмитаси бўйича, бирга ишлашлари туфайли танишини тушунтирди. Раф Томсонга у яхши одам бўлиб кўринди. У бир неча соатдан бери қутқарувчиларга ёрдамлашарди ва кўриниши ҳам шунга яраша эди: юзлари ифлос, пальтоси йиртилган, қўллари

қонаш даражасида шилинган. Атрофдагиларнинг ҳаммаси ниҳоятда чарчашганди, вақт ярим кечадан ўтганди. Мэдди шу пайтгача топилмади. Раф “Ритц Карлтон” меҳмонхонасидан уларга аввалгидай тинмай бақираётган Жек билан бир неча бор гаплашди. Хотинидан хавотирланаётганини сира билдирмади. Ҳойнаҳой, хотини биронтасининг қўйнида ёлган бўлса керак, агар топиб ола, уни ўлдиражагини айтди. Раф ва Билл бомба қўйган ваҳшийлар бу ишни бажариб бўлди, деб хавотирланишарди. Портлаш учун масъулиятни ҳозирча ҳеч ким бўйнига олмаганди.

Кечки эфирда Мэдди вайроналар остида қолиши мумкинлиги тўғрисида ҳали эълон қилишмаганди. Чунки буни ҳеч ким аниқ бўлмасди. Кечаси соат тўртларда вайрон бўлган жойлар анча тозаланганди. Соат бешларда бетон синиқлари орасидан Майк исмли одамни чиқариб олишди. Вайроналар остида ўтиш йўли ва туннел очиш учун тинимсиз тозалаб, ҳаракатда бўлгани боис, унинг бутун бадани қонга беланганди. У тўрт кишини қутқаришга муваффақ бўлганди. Ташқарига чиққанида, қутқарувчиларга вайроналар остида яна икки аёл борлигини маълум қилди. У аёллар овозини эшитганини, лекин у ергача етиб боролмаганини айтди. Уларнинг исми Мэдди ва Энн, бирининг ёш боласи ҳам бор. У қутқарувчиларга қайси йўналишда ҳаракат қилишларини билганича тушунтириб берди, унинг ўзини эса “тез ёрдам” машинасига ўтқазиб олиб кетишди. Раф янгиликни бир неча дақиқадан кейин эшитиб, бу ҳақда дарҳол Биллга айтди. Бу вақтда қутқарувчилар Майкнинг унча аниқ бўлмаган кўрсатмалари асосида вайроналарга қараб кетишганди.

— У ўша ерда.

— Худойим... Уни топишибдими?

Билл унинг тириклигини сўрашга ботинмасди.

— Ҳозирча йўқ. Ҳозиргина чиқариб олишган бир йигит у ерда иккита аёл борлигини айтди. Бирининг исми Мэдди экани ва у телевиденида репортёрлигини айтибди. Ҳатто телестудиянинг номини ҳам айтибди.

Уларнинг энг ёмон хавотири тасдиқланибди... Кутишдан ўзга чора қолмаганди. Яна икки соат мобайнида улар мурдаларни, майиб одамлар ва болаларнинг жонсиз таналарини қандай олиб чиқишаётганини кузатиб туришди. Эрталаб соат еттида Билл чидолмай, хўнграб йиғлаб юборди. У Мэддининг тириклигига энди ишонмасди. Портлаш юз берганидан бери ўн бир соат ўтди. У Лизига қўнғироқ қилсами экан, деб ҳам ўйларди. Лекин унга нима дея олади? Бу даҳшатли воқеа ҳақида бутун Америка билади. Бу қандайдир ақли ноқисларнинг иши эканини ҳам билишади.

Билл ва Раф овоз ёзиб олувчи ускуналар солинган қутиларда ўтиришарди. Қутқарувчиларнинг янги гуруҳи вайроналарга кириб кетганди. Кимдир Қизил Хоч жамиятидан уларга қаҳва таклиф этди. Раф миннатдорчилик билдириб, олди. Билл эса бир қултум ютишга ҳам ўзини мажбур қилолмасди.

Раф уларнинг Мэдди билан ўзаро алоқалари тўғрисида ортиқ савол бермасди. Энди унга Мэдди бу одам учун жуда қадрли экани равшан эди ва ҳозир у Биллга чин дилдан ачинарди.

— Умидингизни узманг. Уни, ниҳоят, топишади.

Фақат тиригиними ёки ўлигиними, номаълум. Бу фикр ҳар иккаласига тинчлик бермасди.

Мэдди гужанак тушиб, болани бағрига босиб ўтирарди. Энн анчадан бери индамас ва Мэдди ҳар қанча уринмасин, уни гапга сололмасди. У Энннинг ухлаётгани ёки ўлганини сира тушунолмасди. У бу ерда қанча вақт ўтиришганини билмас, вақт ўлчамини йўқотганди. Гўдак қимирлади ва яна йиғлади. Онаси буни эшитди.

— Унга айтинг, уни яхши кўраман, — Мэддининг ёнида базўр чиқаётган паст овоз эшитилди.

— Буни унга ўзингиз айтасиз. Фақат бардам бўлинг.

Мэдди бардам овозда гапирмоқчи эди, бироқ ҳеч нима чиқмади. Ҳаво етишмасди. У бир неча бор ҳушини йўқотганди.

— У ҳақда менинг ўрнимга сиз қайгуришингизни хоҳлардим. — Энн бир муддат жим қолди. — Сизни яхши кўраман, Мэдди. Бу ерда ёнимда эканлигингиз учун сизга раҳмат. Сиз бўлмаганингизда менга анча кўрқинчлироқ бўларди.

Мэддининг кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди. У Лиззи ҳақида ўйлаб, қиз томонга ўгирилди ва унинг юзидан ўпди.

— Мен ҳам сизни яхши кўраман, Энн. Жуда яхши кўраман. Бизни қутқаришади. Сизни қизим билан таништириб қўяман.

Кутилмаганда Энн худди унга ишонгандай, бош ирғади ва Мэдди қоронғида унинг жилмайганини сизди.

— Онам мени яхши кўрган чоғида Энни деб чақирарди.

— У сизни ҳозир ҳам яхши кўришига аминман. У Эндини кўрганида уни ҳам яхши кўриб қолади.

— Эндининг онамникида яшашини истамайман. Боламни сиз ўзингизга олишингизни хоҳлайман. Уни яхши кўришга ваъда беринг.

Мэдди хўнграб йиғлаб юборишдан ўзини базўр тийди. У ҳозир йиғлай олмасди. Шундай ҳам ҳаво етишмаётганди. У қизга қандайдир тетиқлаштирувчи сўз айтиб жавоб бермоқчи эди, бирдан гала-говур овозлар эшитилди. Улар кучли, баланд, эркакларнинг овозига ўхшарди. Улар унинг исмини айтиб чақирардилар.

— Мэдди! Мэдди Хантер! Мэдди... Бизни эшитяпсизми? Энн... Бизни эшитяпсизми?

Ҳаяжондан Мэддининг нафаси бўғзига тикилаёзди. Кучи борича бақирди:

— Эшитяпмиз! Биз эшитяпмиз! Биз бу ердამиз!!!

Овозлар яқинлашарди. Мэдди Эннга мурожаат қилганча тез гапирарди:

— Бизни олиб кетгани келишди, Энн! Ҳозир бизни бу ердан чиқариб олишади. Ўзингизни тутинг!

Бироқ Энн яна ҳушини йўқотганди. Гўдак очликдан, толиққанидан ва кўркувдан қаттиқроқ йиғлаб юборди. Мэддининг ўзи ҳам очлик ва толиқишни ҳис қиларди.

Овозлар яқинлашиб келарди. Мана, жуда яқиндан, ён томонидан эшитила бошлади. Мэдди яна ўзининг исмини айтиб, улар жойлашган ерни таърифларди, Энн қандай аҳволдалигини маълум қиларди. Ўзининг тузуклигини, қўлида гўдакни тутиб турганини айтди.

— Бола унча шикастланмадими?

Афтидан, ташқарида қандай мутахассис қутқарувчилар керак бўлишини муҳокама қилишарди.

— Анигини айтолмайман. Шикастланмаган, шекилли.

Барча тушунтиришларга қарамай, қутқарувчилар уларнинг ёнига етиб боришлари учун яна бир ярим соат зарур бўлди. Одамлар жонларини хатарга қўйишдан чўчиб, вайроналарни тозалаб, ниҳоятда секин ва эҳтиёткорлик билан олға силжирдилар. Улар мабодо эҳтиёт бўлмасалар, бетон қурилмалар бўлаги қулаб тушиши эҳтимоли бор эди.

Мэддининг кўзига фонар ёруғи тушган чоғида, — қутқарувчилар бетон деворлар орасида қатталиги ликобча ҳажмида туйнук очгандилар, — у бақириб хўнграб юборди. Энни чақирди, уларни қутқараётганларини айтди. Бироқ, у жавоб бермасди.

Қутқарувчилар туйнукни кенгайтиришди. Мэдди уларга Эндини уза-толди. Фонар ёруғида у гўдакнинг нақадар кир бўлиб кетганини кўрди.

Юзининг тимдаланган ерида қон қотиб қолганди. Лекин бошқа жойи бус-бутун, шикастланмаган, шекилли. Ўзининг қатта очилган кўзлари билан бирам яхшики... У болани ташқарига узатишдан олдин бир ўпиб қўйди. Эркак кишининг кучли қўллари болани олиши билан ғойиб бўлди. Тўрт киши қолганди. Улар ярим соат уриниб, Мэддининг эмаклаб чиқа олишига яраша жой очдилар. У Эннга қаради, унинг қўлини ушлади. Қиз қимирламасдан ётарди. У ухлаётганга ўхшарди, худога шукур. Қутқарувчилар уни чиқаришга анча қийналадилар. Мэдди тешиклан сирғалиб ўтди. Икки нафар қутқарувчи Энни олиб чиқишга кириб кетишди. Учтинчиси Мэддини ташқарига олиб чиқиб кетди. Улар эмаклаб силжишарди. Чиқадиган жойда уни кучли қўллар кўтариб олишди ва вайроналар устидан ҳамда ахлат уюмлари узра олиб ўтдилар. Унинг кўзларига ёрқин кундузги ёруғлик урилди.

Мэддини вайроналардан эрталаб соат ўнда, портлаш содир бўлгангандан ўн тўрт соат ўтгач озод этишди. У бирон кимсадан боланинг аҳволини сўрамоқчи эди, бироқ атрофда ҳали ҳам ит эгасини танимасди. Одамларни вайроналардан олиб чиқиш давом этарди. Гир атроф мурдаларга тўлган, болалар йиғиси, ўз яқинлари ҳақида янги хабар эшитиш умидидаги одамлар... уни ҳеч ким эшитмасди. Қутқарувчилар бир-бирига бақаришиб ниманидир гапиришарди. Шу пайт Мэдди Биллни кўриб қолди. У кутиб турарди. У Мэддининг ўзидай кир-чир, туни билан қутқарувчиларга кўмаклашгани боис аҳволига қараб бўлмасди.

Билл Мэддини кўриб, жон ҳолатда унга интилди, бағрига босганча томоғига бир нима тикилди. У шу аҳволда қимирламай турар, аёлни бағрига босганча хўнграшдан ўзини тиёлмасди. Бу тунда у қандай даҳшатли азобларга дучор бўлганини ҳеч қандай сўз билан ифодалаб беролмасди. Уларнинг ҳар иккиси учун бу ёддан чиқмас лаҳза бўлди.

— Худога шукур, — пичирларди у бағрига маҳкам босганча, тиббий ходимлар қўлига топширмасидан аввал.

Қандайдир мўъжиза туфайли Мэдди деярли шикастланмаган эди. У бир лаҳзага Биллни унутиб, бироқ қўлини қўйиб юбормай, қутқарувчилардан бирига ўгирилди:

— Энн қалай?

— Уни шифокорлар кўришяпти.

Бу қутқарувчи ўтган кечадан бери бошқалар каби, жуда кўпни кўрганди. Бироқ, вайроналар остидан чиқариб олинган ҳар бир инсонни улар галабадай қабул қилишарди ва ҳаммалари яратгандан илтижо қилиб сўраган тақдир совғасидай билишарди.

Уни яхши кўришимни унга айтиб қўйинг...

Мэдди Билл томон ўгирилди. Бир лаҳзада буларнинг барчаси унга бўлган муҳаббати учун жазомасмикан, деган фикр хаёлидан ялт этиб ўтди. Бироқ у бу фикрни худди уни эзиб ташлаши мумкин бўлган оғир тош каби ўзидан қатъий нари итарди. Энди у Биллга тегишли. У бунга ҳақли. У шу туфайли омон қолди. Билл ва Лиззи туфайли.

Шу тобда уни “тез ёрдам” машинасига ўтказишди. Билл сира иккиланмасдан унинг ёнига чиқиб ўтирди. У ойнадан қараб, Раф Томсонни кўрди. У уларга қараб, иккаласи учун қувониб йиғларди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Мэддини касалхонага келтиришиб, портлаш натижасида шикастланган бошқа кишилар ётган синган-чиққанларни даволаш бўлимига жойлаштиришди. У дарҳол гўдак Эндининг аҳволини сўради. Унга ҳаммаси жойидалигини, бола тузалаётганини айтишди. Дўхтирлар таажжуб билан Мэддининг ҳеч қандай суяклари шикастланмагани, ички аъзолари ҳам яхшилигини, агар озгина мияси чайқалгани ва бир қанча кўқарган ва

шилинган жойларини ҳисобга олинмаса, ҳеч қандай жиддий жароҳатлар йўқлигини аниқладилар. Билл унинг ва ўзининг омадига ишонгиси келмасди. У касалхона каравотида Мэддининг ёнида ўтирар ва унга билганларини гапириб берарди. Ҳозирча фақат шу маълум эдики, қандайдир жангари тажовузкорлар бомба портлашибди. Шу воқеадан бир соат аввал улар президентга хат йўллаб, бу — ҳукуматга огоҳлантиришлигини билдирибдилар. Ариза ақли ноқис жиннилар мактубини эслатар экан. Шу ақли ноқис жиннилар уч юз одамнинг, — улардан ярми — болалар эди, — умрига завол бўлишганди. Биллнинг ҳикоясини тинглар экан, Мэдди даҳшатдан қалтираб кетди.

Ўз навбатида, у бошига том қандай қулагани, вайроналар остида Энн ва гўдак билан қандай қамалиб қолгани, нималарни ҳис қилганини сўзлаб берди. Ҳозир у она боланинг омон қолишига умид қиларди. У Энн учун қаттиқ қайғурарди, бироқ буни Билл шу кеча нималарни бошидан ўтказгани билан тенглаштириб бўлмасди. Унинг учун бу худди ўша Маргаретни ўғирлаб кетишгани каби ниҳоятда даҳшатли бўлганди. Мэдди унга мулойимлик билан инсон умрида икки бор бир хил ҳолатга тушмаслигини айтди.

Тез орада уни олиб кетгани келишди. Дўхтирлар унинг аҳволи жойидалигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун бир қанча текширувлар ўтказишмоқчи эди. Улар Биллнинг кетгани маъқул, деб келишишди. Агар тўсатдан Жек келиб қолгудай бўлса, Мэдди нохушликлардан қутулолмайди, улар эса шундоғам бошидан ошиб ётибди.

— Бир неча соатдан кейин қайтаман. — У энгашиб, аёлни ўпиб қўйди. — Дамингни ол, ҳеч нимадан хавотирланма.

— Сен ҳам. Бироз ухлаб ол.

У Биллни яна бир марта ўпиб қўйди ва унинг қўлини зўрға қўйиб юборди. Билл кетганидан кейин дўхтирлар уни яна бир бор текшириб, қон олишди.

Мэдди палатага қайтганида, Раф Томсон ҳамда янгиликлар бўлимидаги ҳамкасблари келишганини кўрди. Уларни Жек юборган эмиш.

Рафнинг назарида, Жек ўзини энг пасткаш мараздек тутаётгани: ҳатто хотинини кўриш учун келишга ҳам арзимаганини Мэддига айтиб ўтирмади. Билл ҳақида ҳам сўрамади — ҳаммаси шундай ҳам аён. Нима бўлишидан қатъи назар, бу иккиси бир-бирини севишига сира шубҳа йўқ эди.

Мэдди телекамералар қаршисида билганларининг ҳаммасини айтди, айниқса, Энн ҳақида, қиз ўзини нақадар матонат билан тутганини гапирди.

— У бор-йўғи ўн олти ёшда!

Шу лаҳзада у Рафнинг кўзларида қандайдир галати ифодани пайқади.

— Сиз у ҳақда бирон гап эшитдингизми, Раф? — сўради у камералар ўчирилгач. — Энн билан ҳаммаси жойидами?

Раф бир неча сония нима дейишни билмай жим турди. Аввалига ёлғон айтмоқчи бўлди, лекин ботинолмади. Бу Мэддига нисбатан адолатсизлик бўларди. Кейин... ахир барибир ростини билиб оладию.

— Гўдакнинг аҳволи жойида, Мэд. Онасини эса қутқариб қолишолмади.

— Нима демоқчисиз? Қандай қилиб қутқариб қолишолмас экан?!

У ўзи ҳам сезмаган ҳолда деярли қичқирарди. У Энни роппа-роса ўн тўрт соат ўзини тутиб туришга мажбур қилганди, энди Рафнинг “қутқариб қолишолмади” дегани нимаси! Йўқ, бунга ишониб бўлмайди!

— Сизни у ердан олиб чиқиб кетишганида, Мэд, у ҳушсиз ётарди. Бир муддат жон сақлаб турди, лекин тахминан ярим соатдан сўнг у узилди. Унинг ўпкалари эзилган ва ички қон кетиш рўй берган экан. жонлантирувчи шифокорлар уни барибир қутқариб қолишолмасликларини билдиришди.

Мэдди йиртқич ҳайвон ўкиригига ўхшаш овоз чиқарди. У Энни худди ўз қизидай сезарди. Қизнинг нобуд бўлгани ҳақидаги фикр чидаб бўлмас гамдек туюларди. Энди бола нима бўлади?.. Раф бола ҳақида ҳеч нима билмаслигини айтди.

Тез орада телевизион гуруҳ аъзолари кетишди. Хайрлашар чоғида Раф йиғидан ўзини базўр тутиб, Мэддининг омон қолганидан бахтиёрлигини айтди.

Лиззи ҳам ёшларини тўкиб, худди шундай деди. У қизига Мемфисга қўнғироқ қилиб, ўзининг тузуклигини маълум этганди.

Ётган тунда Лиззи телевизордан нари кетмаганди. Онасини янгиликлар дастурида кўрмай, уйига қўнғироқ қила бошлаганди, лекин ҳеч ким гўшакни кўтармади. Ушанда Лиззи Мэддининг вайроналар остидалигини англаганди.

Кейин Филлис Армстронг қўнғироқ қилди. У президент иккиси Мэдди учун хурсандлигини билдирди. Қўрқинчли даҳшат тўғрисида гапирди. Айниқса, болалар нобуд бўлгани чатоқлигини айтди. Улар ўзларини йиғидан туюлмадилар. Мэдди гўшакни кўйгач, ҳамширадан Энди ҳақида сўради. У гўдак касалхонанинг болалар бўлимидалигини, бир неча кун ўша ерда бўлишини айтди. Уни яхши парвариш қилишаётгани, кейин эса етимлар уйига топширишларини билдирди.

Ҳамшира бўлмадан чиқиб кетди, Мэдди эса секингина туриб, гўдакни қўриб келиш учун болалар бўлимига кетди.

У жуда озиб кетганидан, янги туғилган чақалоққа ўхшарди. Уни чўмилтириб, ювиб-тараб, ҳаво ранг тагликка ўраб қўйишибди. Мэдди уни бирпас қўлига олишга ижозат сўради. Унинг сочлари сариқ ва кўзлари мовий рангда эди. Қандай чиройли болача, ўйлади у. Ҳойна-ҳой, Энн чиройликкина бўлган бўлса керак. Энн... қиз Мэддидан гўдаги ҳақида гамхўрлик қилишни сўраганди. Акс ҳолда уни етимлар уйига топшириб юборишади. Уни ҳам худди ўзининг қизини кутган тақдир кутарди. Бир етимхонадан бошқасига, бир асраб олган оиладан яна бошқасиникига сарсон бўлади, дунёда ҳеч ким уни ўзининг онасидай яхши кўрмайди. Мэддининг юраги пора-пора бўлаётганди... Тўсатдан у гўдакнинг ўзига тикилиб турган нигоҳига гўзи тушди. Эҳтимол, унинг овозини танигандир? Ахир у вайроналар остида бола билан қанча тиллашган эди. Бироқ, тез орада гўдакнинг унга нисбатан қизиқиши сўнди ва ухлаб қолди. Мэдди Энн ҳақида ўйлаб, ҳиқиллаб йиғларди. Уларни бетон синиқлари уюмлари остида бирга қолдирган тақдирнинг қандай галати бурилиши...

У болани авайлаб жойига ётқизиб, ўз бўлмасига қайтди. Бутун вужуди симиллаб оғрир ва қийналиб юрарди. Барибир, унга омад кулиб боққанди! Мэдди деразадан қараганча, айримларни кечириб, баъзиларни жазолайдиган ҳеч сабаби кўринмас тақдир ўйинларини ўйлаб ўтирарди. Нима сабабдан у бахтиёрлар сафидалигида Энн эса омадсиз бўлди! Ахир унинг олдида деярли бутун бошли умр турарди-ку, Мэддидек эмасди... Инсон мавжудоти жумбоқлари ҳақида хаёл суриб ўтирган чоғида, бўлмага Жек кириб келди. Унинг юзида қандайдир тантанали ифода қотганди.

— Хўш, бу сафар тунни қаерда ўтказганингни энди мен сўрашим керак, шекилли. Қалайсан, Мэдди?

”Бу сафар”... Унинг учун қанчалик хос бу сўз! Лекин Жек қандайдир тортиниб тургандек эди.

Жек Мэддининг вайроналар остидалигига аввал-бошиданоқ сира ишонгиси келмаганди. Унинг учун бу ҳақдаги гаплар тоза жазавага тушишдек эшитиларди. Ростдан ҳам шундай эканлигини билгач, у аввало жуда қаттиқ ҳайратга тушди. Кейин эса унинг тириклигини билгач, ўзини енгилроқ сездди.

Ҳозир у энгашиб, хотинини ўпиб қўйди. Шу дамда энага президентнинг оиласи номидан катта саватда гулдаста олиб кирди.

— Афтидан унча маза қилмаган кўринасан.

— Ҳа, қўрқинчлироқ бўлганди....

Эри унинг қилаётган ишларини йўққа чиқариш ва хавотирларини камайтиришга қанчалик усталик билан уринмасин, бу кеча Мэдди билан содир бўлган ҳодисани инкор этолмасди. Портлаган бино вайроналари остида ўн тўрт соатни ўтказиш... Қандай айлантирмасин, бу жиддий зарба эди. У Жекка Энн ва унинг боласи, вайроналар остида қандай азобланганлари ҳақида гапириб бермоқчи эди, лекин вақтида ўзини тўхтатиб қолди. Эри барибир тушунмасди.

— Ҳамма сендан хавотирланди. Мен эса бирон жойга кетган бўлсанг керак, деб ўйлагандим. Ҳеч тасаввур қилмагандим, сени... У ерга қандай бориб қолдинг ўзи?

— Ўров қоғоз сотиб олишга боргандим.

У эрини диққат билан кузатарди. У бўлманинг нариги чеккасига бориб, худди ораларида қандайдир масофа сақлашни истагандай турарди. Мэдди ҳам ўз хавфсизлиги учун шунга интиларди.

— Сен ур-йиқитни, бозорларни, олди-сотдиларни сира ёқтирмасдинг-ку.

— Энди бунинг сабабини тушунгандекман. Улар ниҳоятда хатарли экан.

Иккалови ҳам кулиб юборишди. Бироқ асабий кескинлик ўтиб кетмаётганди. Кечаги оғир тундан кейин Мэдди ўз фикрларини тартибга келтириб улгурмаганди. Ўша вайроналар орасида, Энн ҳамда унинг йиғлаб ётган гўдаги ёнида унинг миясига бир фикр келганди, мабодо сабри чидаб, омон қоладиган бўлса, демак, у ҳаётидаги энг катта даҳшат ва хатарни енгиб ўтган бўлади ва бошқа сира қўрқув нималигини билмайди. Бу тунда у илк бор ўлимга тик қаради. Бундан-да қўрқинчли ҳеч нарса бўлиши мумкинмас. Келгусида у ҳеч қачон ўзини эзиб, қийнаб юрмайди. У ортиқ бундай қилмаслигига ўзига ўзи онг ичди. Ҳозир бўлманинг нариги чеккасида ноқулай вазиятда ўтирган Жекка қараб туриб, у эрида ҳеч қандай муҳаббат йўқлигини — у ҳатто яқинлашмагани, бағрига босмагани, яхши кўришини билдирмагани ҳақида ўйларди. Эҳтимол, у хотинини ўзича, ўз билганича севар, бироқ бу унга керакли муҳаббат эмас.

Гўё Мэддининг фикрларини уққандай, у ўрнидан турди, каравотга яқин келди ва духоба қутича узатди. Мэдди индамасдан олиб, уни очди. Ичкарида нозик ишланган бриллиантлар билан безалган билакузук бор эди. Мэдди бугун эрта билан Жек “Ритц Карлтон” меҳмонхонасидан чиқиб кетаётиб, иккита бир хил билакузук сотиб олганини — бири унга, бошқаси тунни бирга ўтказган сочи сариқ қизга эканини билмасди. Бироқ, ҳатто бу ҳақда гумонсирамасдан ҳам, у билакузукни қайтариб берди.

— Кечир, Жек, совғангни қабул қилолмайман.

Унинг кўзлари худди ўлжаси қўлдан чиқаётган ёввойи ҳайвон каби кичрайиб кетди. Мэддига бир сония худди у уриб юборадигандек туюлди. Бироқ, у ўзини тутиб қолди.

— Қабул қилолмайсан? Бу яна нима учун?

— Сендан кетяпман.

У кутилмаганда айтган сўзидан ўзи ҳам ҳайрон қолди. Бироқ Жекчалик эмас.

— Нима жин урди! Бу нима деганинг?

— Ортиқ бундай яшолмайман.

— Нима деяпсан? Тушунтир.

У бўлмани кутурган йўлбарсдай у ёғидан-бу ёғига йирик қадамлар ташлаб ўлчай бошлади. Лекин шу дақиқада Мэдди Жекдан ортиқ қўрқмас-

лигини ҳис қилди. Деярли кўрқмасди. Бу ерда у бехатар. Эшик ортида одамлар бор.

— Нима гап бўлганини тушунтир?! Бадавлат ҳаётда яшолмайсанми, йилда икки марта Европага саёҳат, шахсий самолётда учиш, ҳар сафар эс-хушимни йўқотиб, сен учун қимматбаҳо совғалар сотиб олганимда уларни қабул қилишни истамайсанми? Вой, Ноксвилдан келган бир манжалақи учун нақадар чидаб бўлмас ҳаёт!

У яна ўзининг билганидан қолмасди...

— Ҳамма гап шунда, Жек. Мен ҳеч қандай Ноксвиллик манжалақи эмасман ва ҳеч қачон бўлмаганман ҳам. Ҳатто узоқ узоқ йиллар илгари жуда қашшоқ яшаганимда ҳам.

— Йўғ-э?! Сен қачонлардир жамиятнинг бошқа қатламларига мансуб бўлганлигини ёки жилла курса, бунинг нималигини тушунганини сира эслолмаяпман. Сен болалигингданоқ фоҳиша бўлгансан. Ўзингнинг Лиззи қизингни эсла!

— Худди шундай. Лиззи мен туфайли яшаган оғир ҳаётига қарамай, жуда ажойиб қиз. Мен ундан қарздорман. Ўзимдан ҳам қарздорман.

— Сен фақат мендан қарздорсан! Мен туфайли ҳаммасига эришдинг! Мени ташлаб кетсанг, ишдан ҳам ажралишингни тушунасан, деб умид қиламан. — Унинг кўзлари совуқ йилтиради.

— Кўрамиз. Бу иш билан адвокатларим шуғулланишади. Сенинг компаниянг билан битим имзолаганман. Сен аввалдан огоҳлантирмай ва товон пули тўламасдан мени бўшатолмайсан.

Вайроналарда яшаш учун кураш уни анчагина ботир қилиб қўйганга ўхшайди. Ва у наҳотки ростдан ҳам хотинини кўрқитиб ушлаб қолиш мумкин, деб ўйлаётган бўлса! Бироқ қачонлардир айнан шундай усуллар хотинига таъсир қиларди ҳамда бу қанчалик ачинарли бўлса-да, уни кўндирарди.

— Сен эса менга пўписа қилма! Мендан бир чақа ҳам олмайсан! Уйимдан шир яланғоч кетишингни унутма. У ерда сенинг ҳеч нарсанг йўқ. Ҳатто сенинг жин ургур пайпоқларинг ҳам менга тегишли буюмлар. Қани, мени ташлаб кетиб кўр-чи, Мэд, битта касалхона либосида қоласан!

— Мендан нимани истайсан, ўзи? Нега мени ушлаб қолишга уриняпсан? Ахир мендан нафратланасан-ку.

— Сен нафратдан бошқа ҳеч нарсага лойиқ эмассан. Доимо бурнимдан ип ўтказиб, ёлгон гапириб келгансан. Сенинг ўйнашинг бор, у ҳар куни кўнгироқ қилади! Буни биламан. Нима, мени аҳмоқ деб ҳисоблайсанми?

“Аҳмоқ эмас... зolim пасткаш деб ҳисоблайман”. Буни у ичида ўйлаб, ташқарига чиқармади. У анча ботирроқ бўлиб қолган эса-да, ҳали у даражада эмас эди.

— У ҳеч қандай ўйнаш эмас! Биз у билан дўстмиз. Ҳозирча. Ҳеч қачон бурнингдан ип ўтказиб юрмаганман. Фақат Лиззи хусусида ёлгон айтганман.

— “Фақат” эмиш-а! Бироқ, сени кечиришга тайёрман. Бу вазиятда мен алданганман, мен жабрланувчиман, сен эмас. Шундай бўлса-да, сен билан яшашга розиман. Қанчалик омадинг келганини ўзинг ҳам билмайсан. Қараб тургин, ўзингнинг фоҳиша қизинг билан Мемфисми ёки қандайдир Ноксвилдами, аллақайси тешикда очликдан ўлаётганингни кўрарман. Ҳали яна қайтиб келишингни мендан ялиниб сўрайсан!

У секин гапираркан, хотинининг қаравотига яқинлашарди. Унинг кўзларида Мэдди аввал кўрмаган ифода пайдо бўлганди. Мэдди улар гуруҳидаги аёллар нималар ҳақда гапиришганини эслади. Шафқатсиз қийновчи зolim жабрланувчининг сирғалиб қўлидан чиқиб кетаётганини сезган чоғида, уни тутиб қолиш учун ҳар нарсагача боради. Ҳар нарсага.

У хотинининг каравоти ёнида тўхтади.

— Мени ташлаб ҳеч қарга кетолмайсан, Мэд! Бунга ботинолмайсан. Бунинг устига, шунчалик шоҳона ҳаёт ва лавозимдан кечиб, барчасини итнинг думи остига ташлайдиган шунчалик аҳмоқ эмассан. Тўғрими? — Унинг нигоҳида яширинмаган таҳдид сезиларди. — Сен бошингдан қаттиқ зарб олган кўринасан, Мэд. Балки бу жинниликдан тозалаш учун миянгни қоқиб ташлаш керакдир? Бунга қандай қарайсан, Мэд?

Бу сўзларни эшитиб, унинг вужудида ҳамма нарса бош кўтарганини ҳис қилди. Шу дақиқада мабодо эри унга қўлини теккизса, уни ўлдиришига қатъий ишонарди. У ўзини яна қайтиб ўша ҳаётга судрашига ва яна азоблашига, камситиш ва таққирлашига энди йўл кўймайди.

— Қани, менга бармогингни теккизиб кўр-чи, сени ўлдираман. Онт ичаман. Бўлди, Жек, ортиқ сендан ҳеч нимага сабр-тоқат қилмайман. Шу пайтгача мени ерга уриб, таққирлаганинг етарли, энди бу тугади. Ёнингга сира қайтмайман. Қийнаш ва камситиш учун ўзингга бошқасини топиб ола қол.

— Қаранг-а, буни фақат эшитиб кўринг! Шундай катта қиз отасига таҳдид соляптими! Бечорагинам. Нима, мендан кўрқяпсанми, Мэдди?

У хотинининг башарасига хоҳолаб кулди. Мэдди ўрнидан дик этиб туриб, унинг юзига қарши юзланиб турарди. Тамом, ўйинлар тугади.

— Йўқ, сендан ортиқ кўрқмайман, итдан тарқаган! Сендан кўнглим айнайди! Бўлмадан туёгингни шиқиллат, Жек, акс ҳолда кўриқчиларни чақираман ва улар сени бу ердан итқитиб ташлайдилар!

У хотинига тикилганча узоқ турди, кейин ниҳоятда яқин келди, шундай яқин эдики, у эрининг қошидаги тукларни санаши мумкин эди.

— Ифлос, қанжиқ! Тез орада жаҳаннамга равона бўласан, деб умид қиламан. Сен шунга муносибсан!

У пошнасида кескин бурилдию чиқиб кетди. Бу очиқ таҳдидмиди, Мэдди билмасди. У жуда қаттиқ кўрқди, лекин ўз қарорини ўзгартирмади. Бироқ, Жекнинг изидан қараб қолар экан, қисқа лаҳзага бирдан уни тўхтатиш ва кечириси учун ўзида жинниларга хос ақлсизларча ялиниб-ёлбориш истагини сизди. У доимо нима учун айбдорлигини ўзи ҳам билмаса-да, айбдор ҳис этадиган, орқага қайтишини истайдиган, эрининг муҳаббатини ҳар қандай йўл билан қозонишга умидвор ўзининг бошқа мавжуд умидвор бўлаги гапираётганини биларди. У бўлаги энди аёл устидан ҳукмронлик қилолмасди.

Жек кетганидан кейин Мэдди каравотга ётиб, тинимсиз йиғлади. Уни чидаб бўлмас айбдорлик ва йўқотиш ҳисси чулғаб олганди. Жек унинг юрагида саратон хасталиги беши каби эди. У эрини қачон бўлса ҳам унута олармикан? Эри уни қачон бўлса ҳам кечира олармикан?

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Эртасига Мэдди яна болалар бўлимига Эндини кўргани борди. У ерда унга бугун эрталаб етим болаларга ғамхўрлик қилиш хизматининг ходимлари келиб кетишганини айтишди. Эртага уни олиб кетиб, то асраб олишга тўғри келадиган ота-оналар топилгунига қадар, етимхонага топширишар экан.

Мэдди бўлмасига юрагида оғир алам билан қайтди. У Эндини бошқа кўрмайди, қачонлардир Лиззи билан айрилгандек, уни ҳам бутунлай йўқотади. Бироқ Лиззига Худо яна бир имкон берди. Эҳтимол Энди ҳам онаси билан унинг ҳаётида бежиз пайдо бўлмагандир...

Мэдди кун бўйи кечгача фақат шу ҳақда ўйлади. Билл кўргани келганида унга Энди ҳақида гапириб берди. У кеча Жекнинг келганини билар ва бир вақтнинг ўзида ҳам қувонч, ҳам хавотирланиш ҳиссини сезарди. Ишқилиб, бу мараз унга бирор ёмонлик қилмасин-да. Энди Мэд-

ди уни ташлаб кетишини эшитганидан кейин ундан ҳар бало кутиш мумкин эди. Билл Мэддига жуда эҳтиёт бўлишини тайинларди. У уйга бориб, нарсаларини олмоқчи эди. Билл унинг ёлғиз бормаслигини, ёнида бирор киши билан боришга кўндирди. У яна телестудиядан ўзига қўриқчи ёлламоқчи эди. Билл унга касалхонадан чиқишига ҳамма зарур кийимларни сотиб олиб беришга ваъда қилганди.

Бироқ, галати кўринса ҳам, Мэдди сира кўрқувни сезмасди. У ўзини эркин сезарди. Ниҳоятда ажойиб ҳиссиёт! Жек билан сўнгги мулоқот унинг учун ғоят азобли бўлган эса-да, ҳозир у ўзини ҳеч айбдор ҳисобламас, бундан ўзи ҳам ҳайрон эди. Қачон бўлса-да, таниш бўлган гуноҳкорлик ҳисси, ҳойнаҳой, унга қайтиб келса керак. Уни бу ҳақда огоҳлантиришганди. Лекин у ҳозир тўғри иш тутганига шубҳа қилмасди. Жек — бу саратон хасталиги эди, уни эртами-кечми, албатта, ҳалокатга етакларди.

Ҳозир уни бошқа нарса қийнарди. Бутун кун давомида унинг фикри-хаёлини Энн эгаллаганди.

— Биламан, бу ақлсизлик, — тан олди у ниҳоят Биллга, — лекин мен унга боласига гамхўрлик қилишни ваъда қилганман. Балки ижтимоий ҳимоя органларидан ҳеч бўлмаса, унинг қаерда яшашини сўраш керакдир.

Билл бу гапга қўшилмаса бўлмасди. Улар бирпас ўтган кеча даҳшатлари ҳақида гаплашишди. Жиноятчилардан бирини ушлаб олишган, шекилли. У йигирма ёшли руҳий хаста, ўтмишда жиноятчи бўлган йигит экан. У иккита ҳали кўлга тушмаган шериклари билан ҳаракат қилган, деб тахмин қилинмоқда эди. Шаҳарда ҳамма ёқда жаноза маросимлари ўтказиларди. Байрам яқинлашган сари одамларнинг қайғуси янада ортарди. Билл Мэддига Вермонтга бормаи, Вашингтонда, унинг ёнида қолишга қарор қилганини айтганди.

— Мен билан ҳаммаси жойида бўлади. Бу ҳақда хавотирланишнинг ҳожати йўқ.

Дарҳақиқат, агар баданидаги ҳар замондаги пайдо бўладиган оғриқларни ҳисобга олмаганда, Мэдди ўзини ҳайрон қоларли тарзда яхши сезарди. У биринчи вақтга Лиззи учун ижарага олган уйда қизи билан бирга яшаб туришга аҳд қилди. Қизи бир ҳафтадан кейин етиб келиши керак эди. Байрамни улар бирга кутиб оладилар. Мэдди бир қанча муддат қизи билан бирга яшаб туришга қаршилиги йўқ эди.

— Агар истасанг, меникида яшашинг мумкин, — овозида умидворлик билан деди Билл.

Мэдди жилмайиб, уни ўпиб қўйди.

— Чин дилдан таклиф этганинг учун раҳмат, лекин менимча, сен ҳали уйингга одам қўйиш учун тайёр эмассан.

— Мен бунга назарда тутмагандим, — деди Билл ва уятдан қизариб кетди. Мэддига унинг доимо кўрсатадиган маданиятлилиги ва меҳрибонлиги жуда ёқарди. Ҳа, улар келажакдан кутадиган, орзулайдиган нарсалари бор. Лекин ҳодисаларни шошириш ярамайди. Мэдди Жекнинг тўққиз йиллик зулмидан кейин ўзига келиб олиши, Билл эса хотинининг ҳалокатидан кейин ўз яраларини тузатиб олиши керак эди. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳаёти бир-бирини сиз энди ўтмасди. Мэдди ҳал қилолмаётган ягона нарса — ҳаётида Энди учун қандай ўрин ажратиши кераклиги эди. Бундай жой борлигидан у шубҳа қилмасди. Бу унинг онасига берган ваъдаси хотираси ҳақи Эндини етимхонада ҳеч бўлмаса, доимий кўриб туриш имкони бўлақолсин.

Бу ҳақда ўша кунидеҳ Лиззи билан телефонда гаплашди. Портлашдан кўрқиб кетган қизи унга ҳар кун бир неча бор кўнғироқ қиларди.

— Нима учун уни асраб олмайсиз? — деди Лиззи ўн тўққиз ёшли қизга хос енгиллик билан.

Мэдди унга бу кулгили эканини тушунтира бошлади. У эрсиз, балки, ҳаттоки ишсиз, шахсий уй-жойсиз қолган бўлса. Лекин Лиззи берган фикр унинг миясида ўрнашиб қолиб, ўшандан бери унга тинчлик бермасди. Тунги соат учда у ҳали мишжа қоқмай, у яна болалар бўлимига бориб, тебранма оромкурсига ўтириб, қўлига ухлаётган Эндени олди ва унга узоқ тикилиб ўтирди. Энага кириб, унинг ухлашга бориши кераклигини айтди. Бироқ унинг ўзидан-да кучлироқ қандайдир куч боладан узилиб кетишга йўл қўймасди, бола томонга уни тортарди. Мэдди бу кучга қарши туrolмаслигини сезарди.

Эрталаб васийлик органидан келадиган аёлни кутиб, жуда асабийлашарди. У билан гаплашиб олмоқчилигини айтди. Қандай қийинчиликларни бошидан ўтказганларини сўзлаб берди. Аёл ҳатто бироз чўчиди ҳам.

— Сиз ниҳоятда даҳшатли тунни ўтказганингизни тушунаман, миссис Хантер. Сиз ҳалок бўлиш хавфини бошингиздан кечирдингиз. Ҳеч ким бундай вазиятда берган ваъдангизни жиддий қабул қилишингизни кутишга ҳаққи йўқ. Ахир бу жуда муҳим қарор.

— Ҳа, биламан. Бу ерда гап нафақат ваъдада... Сизга қандай тушунтирсам экан... Эндени яхши кўриб қолганга ўхшайман.

— Ҳозир эрсиз қолганингиз болани асраб олишингизга тўсиқ бўлмайди. Гарчи сиз учун бола жиддий юк бўлиши мумкин бўлса-да.

Мэдди ишсиз қолиши мумкинлигини тушунтириб ўтирмади. Айтгандай, унинг банкдаги ҳисобида анча муддатга етадиган пули бор. Бу йиллар давомида у тежаб-тергаб ишлатиб, оддий ҳаёт кечиргани боис, энди Лиззи ва болага ҳам етарли жамғармаси бор эди.

— Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, болани фарзандликка олмоқчимисиз?

— Ҳа.

Мэдди ўз қалбини болага нисбатан иссиқ меҳр туйғуси чулғганини сезди. Тўсатдан бу қадамнинг тўғрилиги ҳақидаги ҳамма иккиланишлари ўз-ўзидан йўқолгандай бўлди. Бунга Билл қандай муносабатда бўлиши ҳақида тасавури ҳам йўқ эди. Лекин энди у ҳатто унинг учун ҳам ўзининг шахсий ҳаётидан, ўз орзусидан воз кечмайди. Бундан буён у ўзи қандай зарур деб ҳисобласа, шундай йўл тутади. Агар бу Биллга тўғри келса, Худога шукур. Бу ҳамма учун, нафақат унга, балки болага ҳам бахтиёрлик бўлади. Бироқ бу ҳақда ундан сўраб кўриши, албатта, керак.

— Охирги қарорга келишим учун менга қанча муддат берасиз?

— Биз болани вақтинча бир оилага жойлаштирамиз, улар авваллари ҳам бизга шундай вазиятларда ёрдам беришарди, лекин улар асраб олиш ниятида эмаслар. Улар бунини шунчаки меҳрибонликлари туфайли ва диний эътиқодларига кўра бажарадилар. Бироқ сизни огоҳлантириб қўйишим керак, бу болага талаб анча катта бўлса керак. Соғломгина, оппоққина, икки ойлик... кўплар айнан шундай гўдакни асраб олишни истайдилар. Бундай болакайлар ҳозир унча кўп эмас.

— Озгина ўйлаб кўришимга ижозат беринг. Мен бошқаларга нисбатан, ҳойнаҳой, ҳақлироқ бўлсам керак?

— Агар ўз ҳуқуқи ҳақида қаттиқ туриб оладиган оила чиқиб қолмаса. Биз ҳозир ҳаммасини ўрганамиз. У тезгина сизники бўлиши ҳам мумкин, миссис Хантер.

Аёл унга ўз ташриф қоғозини қолдирди-да, кетди. Бироздан кейин у яна болалар бўлмасига борди. Эртага бу ерда Эндени кўрмаслиги ҳақидаги фикрнинг ўзидан юраги сиқиларди. Билл келганида, у ҳали ҳам кичкинтой билан бирга эди. У Мэддига кулранг шим, ҳаворанг свитер, кроссовка, нимча, ички кийим, тунги кўйлак ва яна бир қанча майда-чуйдалар, ҳатто пардоз-андоз буюмлари ҳам сотиб олганди. Ҳаммаси унга аъло даражада тўғри келди.

Мэдди касалхонадан эртасига чиқиб кетмоқчи эди. Лиззининг хонадонини ҳали жиҳозлагунча Биллнинг уйида яшаб туришга кўнганди. Бунга у бир ҳафтача вақт кетса керак, деб ўйлаганди. Яна Жекнинг уйига кириб, буюмларидан баъзиларини олиб кетиши керак. Ишга ҳам тушиш вақти етди. Унинг ишлари бирам йиғилиб қолгандики. Буларнинг ҳаммасини у Билл билан муҳокама қилди. Ниҳоят, бола ҳақида гапиришга қарор қилди. У Эндини асраб олмоқчилигини айтганида, Билл унга кўрқиб кўзларини тикди:

— Сен бунга хоҳлаётганингга ишончинг комилми?

— Унчамас. Шунинг учун ҳам сенга бу ҳақда айтаяпман. Эҳтимол, бу бемаъни фикрдир, балки умримда энг яхши бажарадиган ишим бўлар... Балки бу тақдиримда битилгандир? Ҳеч нимани билмайман.

— Энг яхшиси — сенинг Жек Хантерни ташлаб кетганингдир, — қатъий гапирди Билл. — Эндини фарзанд қилиб олишинг эса ҳаётингда Лиззини топганингдан кейин энг яхши ҳодиса бўлади. Айтишим керакки, мени қармоққа илинтирдигинг, азизам. — У кулиб юборди.

Мэддининг истаги Биллга унинг қанчалик катталигини ёдига туширди. У ўзининг болаларини улар кичкиналигида яхши кўрарди, ҳозир у набираларини суйди, лекин унинг ёшида кичкина гўдакни асраб олиш... Йўқ, бунга етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Ҳолбуки Мэддининг қизини у бутун қалби билан ёқтириб қолганди.

— Нима дейишни ҳам билмайман, — ростини айтиб тан олди Билл.

— Мен ҳам. Нима учун бунга гапираётганимни ҳам билмайман — сенадан маслаҳат сўраш учунми, шунчаки билдириб қўйиш учунми ёки... Умуман, билмайман. Гарчи бир-биримизни севсак ҳам... Ким билди, орамиздаги муносабат қандай тус олишини.

Билл унинг ҳалоллиги ва тўғри сўзлигидан ҳайратланарди. Дарҳақиқат, ҳаммаси шундай эди. У Мэддини севади, лекин ҳозирча улар бу ҳислар мустақам муносабатларга айланишини билмасдилар. Ахир уларда ҳаммаси эндигина бошланаётганди. Улар ҳали бирор марта яқин бўлмаганлар... Гарчи бу келгусида ўзига жалб этса-да. Бола эса — жуда катта масъулият. Бунга иккиси ҳам яхши тушунардилар.

Мэдди Биллга баъзи нарсаларни тушунтиришга уриниб кўрди:

— Бутун умрим давомида менга бошқалар нима қилишим, қандай йўл тутишим зарурлигини ўргатиб келдилар. Ота-онам Лиззини туғруқхонада қолдиришимга мажбур қилишди. Бобби Жо бола олдиришимга зўрларди. Жек бола кўришимга рухсат бермай, бепушт бўлишимга мажбур этди. Кейин Лиззи билан кўришишни ман этди. Энди бу сафар ўзим керакли йўлни танлашни, ўзим учун тўғри ҳисоблаган нарсани бажаришни истайман. Агар сен туфайли Эндидан воз кечсам, эҳтимол, бутун умр бундан афсусланиб ўтарман. Бошқа томондан, бола туфайли сени йўқотишни ҳам хоҳламайман... Ҳатто ўзимнинг шахсий болам бўлмаса ҳам. — У уялиб Биллга қаради. — Нима демоқчилигимни тушунаёпсанми?

Билл жилмайди. Унинг ёнига каравотга ўтирди, елкасидан кучди, ўзига қаратди:

— Тушунаёпман, гарчи анча чалкаш гапираётган бўлсанг ҳам. Лекин сенга керак туюлган фарзанддан сени айириш ниятим йўқ. Бунинг учун кейинчалик мени ёмон кўриб қолишинг мумкин. Ёки ўзингни камситилган, алданган ҳис қилишинг мумкин. Сени қачонлардир фарзанд кўриш имконидан маҳрум этишган, Лиззи иккингиздан ўн тўққиз йил умрингизни олиб қўйишган. Менинг фарзандларим бор ва сени фарзандларингдан маҳрум қилишга ҳаққим йўқ.

Ахир айнан шу гапни Жек етти йил илгари, улар турмуш қуришларидан олдин айтиши керак эди. Лекин оғиз очмади. Тўғриси, Жек билан энг бошиданоқ ҳаммаси бошқача бўлганди. Айтиш мумкинки, улар

иккаласи ҳам бир-бирларига нисбатан муносабатларида ҳалоллик бўлмаганди. Билл билан эса бутунлай бошқача. Биринчидан, у Жек Хантерга умуман ўхшамайди. У, Мэдди ҳам ҳозир етти йил илгари Жек Хантерга турмушга чиққан аёл эмас. Бутун олам унинг билан бирга ўзгаргандек туюларди.

— Бошқа томондан, — давом этарди Билл, келгусида бу масалада ораларида тушунмовчилик бўлмаслиги учун Мэдди билан ниҳоятда ҳалол гаплашмоқ ниятида, — мен вақтни орқага айлантиришни хоҳлашимга ишончим комил эмас. Ҳақиқатга тик қарашга тўғри келади: ахир сендан ёшим анча катта, Мэдди. Сенинг ёшингда бола туғиш, менинг ёшимда эса набиралар боқиш табиий ҳол. Биз иккаламиз ҳам бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўришимиз даркор. Мен ҳатто билмайман, кичкина гўдакка менинг ёшимда ота бўлиш адолатданмикан...

— Бунинг ҳеч ёмон ёки ғайриодатий томони йўқ. Сен ота ролини жуда яхши удалайсан. Бошқа ҳар қандай рол билан ҳам.

Унинг калласига қандай аҳмоқона гап келди. Улар ахир никоҳ ҳақида бир оғиз ҳам сўз очмагандилар-ку.

— Биз аравани отнинг олд томонига қўяямиз, шекилли. Сен бундай деб ўйламаяпсанми?

Шундай бўлса-да, у болани нима қилиш кераклигини ҳал этиши зарур эди. Бошқа биров уни асраб олмасидан олдин тезроқ ҳал қилиш керак. Унда бутунлай ҳеч нима ҳақда гапиришнинг ҳожати қолмайди. Мэдди бола асраб олиши учун атайлаб гўдак изламаслигини, албатта, биларди. Бироқ Энди унинг учун тақдир тухфаси эди.

— Ўзинг нимани истайсан? Агар мен умуман бу дунёда бўлмаганимда, нима қилардинг?

Ўз саволи билан Билл унинг масаласини имкон қадар соддалаштириб берди.

— Болани ўғил қилиб олардим, — ўйламай жавоб берди Мэдди.

— Шундай қилавер. Сен бутун умр бошқаларга ёқиш учун яшашиг шарт эмас. Илгари шундай яшагансан. Балки мен эртага ёки бир ҳафтадан кейин ўлиб қоларман. Ёки биз жуда ажойиб инсонмиз, лекин дўст бўлиб қолганимиз яхшироқ, деган қарорга келармиз. Гарчи бунинг содир бўлмаслигига ниҳоятда умидвор бўлсам-да. Хуллас, қалбинга қулоқ сол, Мэдди. Агар сен билан орамизда нимадир бўлиб, биз бирга бўладиган бўлсак, бу ишни эплаймиз. У ёгини яна кўрамиз, ким билади, балки бейсбол учун кичик ёшли шерик менга айни муддао бўлар. Эҳтимол, менинг ёшимга энг тўғри келадигани шу бўлар.

Биллни тингларкан, Мэдди уни ҳар дақиқа сайин кўпроқ яхши кўраётганини англади. Унинг гапига қўшилмай бўлмасди. У ҳозир тақдир инъомидан воз кеча олмайди. Эҳтимол, Парвардигор унга нафақат Биллни, Лиззини ҳам, энди эса Эндини ҳам юборганида балки қандайдир чуқур сабаби бордир.

— Агар мен барибир Эндини асраб олишга қарор қилсам, сенга бутунлай ақдан озгандай кўринмайманми? Мен ишсиз қолишим ҳам мумкин. Жек мени ҳайдаб юборишга таҳдид қилди.

— Бу ҳақда сира ўйламасанг ҳам бўлади. Мабодо у сени ишдан бўшатса ҳам, сен бир кун ҳам ишсиз қолмайсан. Наҳотки бунга тушунмасанг? Ҳозир муаммо бошқа нарсада. Бировнинг боласига ғамхўрлик қилишни зимманга олишга тайёرمىсан? Ахир бу бутун умр масъулият ҳиссини сезиш демакдир. Мана шу ҳақда жиддий ўйлаб олишинг керак.

— Мен бу ҳақда ўйлаяпман.

Билл уни анча етарлича билиб олганди ва ҳойнаҳой, бундай қарорга келиш осонмаслигини тушунарди.

— Сенинг саволингга келсақ... Йўқ, сен ақлдан озгандай кўринмайсан. Сен мард аёлсан, дейман. Ёш ва чаққонсан. Ҳурматга лойиқ, ҳалол, бутун қалбинг билан сева оладиган, ўз тафтингни бошқаларга кўпроқ беришга интилувчан аёлсан. Бунинг устига жуда ақллисан.

Ортиқ сўрайдиган ҳеч нима қолмади, тушунди Мэдди. Энди у охириги қарорни қабул қилиши керак.

Туни билан у ухламай тонг оттирди, эрталаб эса ижтимоий васийлик бўлимига кўнғироқ қилиб, Эндини ўғил қилиб олмоқчилигини айтди. У билан гаплашган аёл уни табриклади ва ҳужжатларни расмийлаштиришни бошлашни маълум қилди. Бу лаҳза Мэддига унинг ҳаётида энг ҳаяжонли бўлиб кўринди. У шодликдан ҳатто йиғлаб ҳам олди. Кейин Билл ва Лиззига кўнғироқ қилди. Улар иккиси ҳам Мэдди учун хурсанд бўлдилар. Албатта, Билл хавотирланишига асос бор, Мэдди уни тушунишга тайёр эди. Лекин ҳатто Билл туфайли ҳам у ўз орзусидан воз кечолмасди. У бунга йўл қўймасди ҳам. Шунчаки у ҳозирча етмишга чиққанида кичкинтойларнинг бейсбол командасига машқ ўтказишни хоҳлайдими, шуни билмасди. Мэдди эса унинг қарори уларнинг барчасига, биринчи навбатда, албатта кичкинтой Эндига бахт келтиришидан умидвор эди.

Шу куни у касалхонадан чиқди. Билл сотиб олиб берган кийимларини кийиб, тўғри унинг уйига келди. У ҳали ҳам ўзини беҳол сезарди. Афтидан, унинг вужудининг умумий ҳолати кечирган қийинчиликлари туфайли унча яхши эмасди. Бироқ, чарчаганлигига қарамай, у студияга кўнғироқ қилиб, душанба куни ишга тушишини ваъда қилди. Бир неча марта Элиотт кўнғироқ қилиб, содир бўлган ҳодисадан даҳшатдалигини, шу билан бирга, Мэдди омон қолганидан жуда бахтиёрлигини билдирди. Унинг ҳамма таниш-билишлари касалхонага гул юбориб, ўз ҳурматларини билдиришганди.

У Биллнинг сокин шинам уйи остонасини енгиллик билан ҳатлаб ўтди. Эрталаб у ўзининг собиқ уйига бориб, буюмларини олиб келишни ўйлади, Жекнинг бу уйда унинг ҳеч нарсаси йўқлигини айтган сўзларига қарамасдан. Ҳар эҳтимолга қарши, у ўзи билан бирга бориши учун телестудиядан кўриқчи ёллади. Қизиқ, ўша лаҳзадан бошлаб, у эрига ундан кетаётганини билдирганидан сўнг Мэдди Жек ҳақда ҳеч нима эшитмаганди.

Кечкурун улар Билл билан камин қаршисида ўтириб, мусиқа эшитишди, гаплашишди. Билл ўзи таом ҳозирлаб, шам ёруғида овқатланишди. Мэдди Билл уни қанчалик эркалатаётгани ҳақида ўйларди, бироқ унга бу ёқарди. Иккаласи ҳам ўзларининг бахтига ҳали охиригача ишонмасдилар. У Биллнинг уйида! У Жекдан озод бўлди! Ҳаммаси шундай кутилмаган ҳолда содир бўлди... Олдинда эса уларни янги ҳаёт кутмоқда. Қандай галати, ўйларди Мэдди. Гўё Жек ҳеч қачон бўлмагандай, уларнинг барча бирга яшаган ҳаёти ортга чекингандай эди.

У Биллга нигоҳ ташлади. Унинг чеҳраси табассум билан яшнади.

— Ўйлайманки, бунда ҳал қилувчи ролни гуруҳдаги аёллар ўйнадилар. Бўлди, энди улгайдим!

Лекин ўтмиш гоҳида унга қайтарди. Баъзида у Жекдан хавотирланар, унинг кетгани эрини ҳаддан ортиқ ранжитмадимикан деб ўйлар, ўзини айбдор ва яхшилиқни билмайдиган деб сезарди. Бу дам олиш кунига Жек Лас-Вегасда танишиб, у билан майшат қилган йигирма икки ёшли қиз билан ўтказганини Мэдди билмасди. У Жек ҳақида кўп нарсани билмасди.

— Сени ўзингга келтириш учун бор-йўғи байрам бозорини портлатиш керак бўлди, — уни калака қилди Билл, бу нима билан тугаши мумкинлиги ҳақидаги ўз фикрни яшириш учун. — Айтгандай, Эндени қачон олиб кетмоқчисан?

— Ҳозирча аниқ билмайман. Менга кўнғироқ қилишади. — У Эндени ўғил қилиб олишга қарор қилган дақиқадан бери тилида айланаётган саволни беришдан олдин бирпас тин олиб турди. — Сен унинг чўқинтирган отаси бўла оласанми... Агар бошқа биров бўлолмасанг?

— Ўзимни бахтиёр деб биламан. — У Мэддини ўпиб қўйди. — Айтгандай, ҳали унинг учун бошқа биров бўлолмайман, демадим-ку. Буни ҳали иккимиз ҳал қилишимиз керак. Лекин гап бундай, Мэдди: бола ўзидан ўзи осмондан тушмайди, бунинг учун қандайдир чора кўриш керак.

Мэдди хандон ташлаб кулиб юборди. У Билл нимани назарда тутганини дарҳол тушунганди.

Улар ликопчаларини идиш ювадиган машинага солдилар, чироқни ўчирдилар ва аста-секин юқорига чиқдилар. Билл унинг белидан қучиб олганди. Мэдди унинг ётоғига ботинмайгина кирди. Ўз буюмларини Биллнинг худди боғлангандай сезмаслиги учун, ҳар эҳтимолга қарши меҳмонлар хонасига қўйганди. Унинг гап-сўзларидан шундай хулоса чиқардики, Маргаретнинг ўлимидан кейин у ҳеч бир аёл билан бирга бўлмаганди. Унинг вафотига бир йилдан ошди. Хотинининг ўлимига бир йил тўлганида у жуда оғир изтироб чекди, лекин ундан кейин қалби гўё енгиллашгандек бўлганини Мэдди пайқаганди.

У каравотга ўтирди. Улар яна бирпас гаплашиб ўтирдилар — портлаш ҳақида, унинг фарзандлари ҳақида, Жек тўғрисида, Мэдди қанча азоблангани тўғрисида. Уларнинг бир-биридан яширадиган сирлари йўқ экан.

Мэддига меҳр билан қараркан, Билл уни секингина бағрига тортди.

— Сен билан ўзимни яна ёш йигитчалардай сезяпман, — шивирлади унинг қулоғига Билл.

Қўрқаяпти... Худди ўзи каби. Гарчи унинг ёнида қўрқишнинг ҳам ҳожати бўлмаса-да.

Улар бўсага берилиб, гўё дунёни унутишди. Ўтмиш ўзининг барча қувонч ва ташвишлари билан аллақачонга ғойиб бўлгандек туюларди. Фақат ҳозирги замон қолганди. Мэдди худди янги ҳаётга аввал узоқ йиллар дўсти бўлган, усиз ҳаётини тасаввур ҳам қилолмайдиган одам билан кираётгандек эди. Тақдир унга инъом этган инсон билан...

— Севаман... — шивирларди улар ва бир-бирини бағрига босганча ухлаб қолишди. Улар худди ўзларида Парвардигор дуосини сезаётгандек туюларди. Уларнинг бир-бирига томон саёҳати жуда узун ва оғир бўлди, бироқ, узоқ йўл, иккаласи учун ҳам кечиришга тўғри келган қайгулар ва йўқотишлар бежиз кетмаганди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Эртасига Мэдди ўзи ёллаган қўриқчисини учратиб, бор-йўғи илгари яшаган уйига бориб, кийимларини олиб кетиши зарурлигини тушунтирди. Уйда бўш жомадонлар кўплиги боис, у буюмларини Лиззи билан яшаётган уйига олиб кетиш учун фақат машина ёллади. Бошқа ҳамма нарсалар — мебель, картиналар, санъат намуналарини у Жекка қолдиради. Унга фақат ўзининг кийимлари ва шахсий буюмлари керак. Бу жуда оддий. Тўғриси, улар Жекнинг уйига етиб боргунларига қадар ҳаммаси жуда оддий туюларди.

Қўриқчи машина рулида ўтирарди. Билл ҳам бирга бормоқчи эди, лекин Мэдди уни айнитди. Бу унга нимагадир ноқулай кўринди. У Биллга ҳеч нарсадан хавотирланмасликни тайинларди. Улар, ҳойнаҳой, Жек ишдалигида боришади ва бу кўп вақтни олмайди.

Бироқ, уйга кириладиган эшик ёнига бориб, калитни қулфга солганида нимадир ўзгарганди. Эшик очилмасди. Калит тўппа тўғри тушарди-ю буралмасди. Балки қулф бузилгандир?.. Мэдди яна ва яна уриниб кўрди. Қўриқчи унга ёрдамлашишга уриниб, эшик қулфи алмаштирилганини маълум қилди. Унинг калити тўғри келмасди.

Ўзининг собиқ уйи эшиги ёнида турганича, у қўл телефони орқали Жекнинг идорасига кўнғироқ қилди. Котиба уни раҳбарига дарҳол улаб берди. Биринчи сонияда Жек у билан гаплашиб ўтирмаслигидан кўрққанди.

— Мен буюмларимни олиб кетгани келгандим. Лекин калит тушмаяпти. Эҳтимол қулфни алмаштиргандирсан? Идорангга бориб, калитни олсам бўладими? Уни даров қайтариб бераман.

Унинг илтимосининг сира кўрқинчли жойи йўқ эди. Гарчи қўллари титраётган бўлса-да, унинг овози мулоғим ва бир текисда эди.

— Нималар деяпсан, менинг уйимда сенинг ҳеч нарсанг йўқ.

— Мен фақат ўз кийимларимни олмоқчиман, Жек. Бошқа ҳаммасини ўзингга қолдиришнг мумкин. Ҳа, яна тақинчоқларимни ҳам оламан. Бошқа ҳеч нарса.

— Сенинг на кийимларинг, на тақинчоқларинг менинг уйимда бор, — деди Жек муздек оҳангда. — Буларнинг ҳаммаси менга тегишли. Ҳозир эгнингдаги либосларинг сеники, холос, Мэд. Ўзингники деб ҳисоблаётган барча буюмларга мен пул тўлаганман, ҳаммаси меники.

Ҳаммаси яна аввалгидай, хотини ўзига тегишли эканини такрорлашни яхши кўрган чоғларидагидек... Бироқ, етти йиллик умри давомида йиққан усти бошлари ва қимматбаҳо тақинчоқлари... Шунчалик ҳам қасоскор бўлиш мумкинми!

— Уларни нима қилмоқчисан? — сўради у осойишта гапиришга уринаркан.

— Икки кун олдин тақинчоқларингни “Сотбис” аукционига юбордим, қолган буюмларингни мени ташлаб кетган куннинг ўзидаёқ йўқ қилишни буюрдим.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Мутлақо. Ахир кийимларингни бошқа бировлар кийиб юргани сенга ёқмасди-ю, тўғрими, Мэд? Шу сабабли, менинг уйимда сенга тегишли ҳеч нарса йўқ.

Ҳатто тақинчоқлари ҳам унинг учун жуда қадрли эмасди. У хотинига ҳақиқий қимматбаҳо буюм совға қилмасди, шунчаки унга ёқадиган чиройли нарсалар эди.

— Қандай қилиб бунга журъат қилдинг?

— Сени огоҳлантиргандим-ку, Мэдди. Кетмоқчи бўлдингми — ҳаққини тўла.

Мараз!

— Сен билан шунча яшаб, ҳаққини тўлагандим, Жек.

У гарчи бутун вужудини титроқ босган бўлса-да, буни хотиржам оҳангда айтди. Ҳозир шу дақиқада ўзини гўё тунаб кетилгандай сезарди.

— Сен ҳали кўпини билмайсан, — деди у шундай ёмон жаҳолатли товушда, Мэддининг эти увишиб кетди.

— Жуда соз!

Мэдди гўшакни кўйди. Биллнинг уйига қайтганида, у Мэддига кўрқув билан қаради.

— Нима бўлди? Нимага бунчалар тез? Нима, у буюмларингни ўзи тайёрлаб қўйибдими?

— Қанийди шундай бўлса. У ҳаммасини йўқ қилган эмиш, ҳар қалай,

ўзи шундай деди. Уйга киролмадим, у қулфни алмаштирибди. Қўнғироқ қилгандим, у тақинчоқларим “Сотбис” аукциониди сотилишини, ҳамма кийимларимни ёқиб юборганини маълум қилди.

Мэдди ўзини худди ёнғиндан кейин қолгандек ҳис қиларди... Энди ҳеч нарсаи йўқ. Бу нақадар золимлик ва пасткашлик...

— Мараз! Уни ўзингдан нари четлат, бош кўзингдан садақа, Мэдди. Ўзингга бошқа янги буюмлар сотиб оласан.

— Ҳа... албатта.

Шунга қарамай, унда яна бир бор зўрлангандай туйғу пайдо бўлганди. Бундан ташқари, янги уст-бош харид қилиш арзонга тушмайди, ахир.

Барча нохушликларга қарамасдан, улар Билл билан дам олиш кунларини яхши ўтказдилар. Гарчи Мэдди ич-ичидан душанба куни Жек билан учрашишга тайёрланса ҳам, энди у билан ишлаш нечоғли оғир бўлишини биларди. Лекин у ўз ишини яхши кўрарди ва ундан воз кечиш нияти йўқ эди.

Билл аксинча ўйларди:

— Сенга энг ақлли йўл — кетиш ҳақида ариза бериш, деб ҳисоблайман. Бошқа бир қанча телекомпаниялар кўп, улар сенга ёпишиб оладилар.

— Биласанми, ҳозирча ўз ўрнимни сақлаб туришни истайман.

Билл у билан баҳслашиб ўтирмади. У шу ҳафта ичида шундай ҳам кўп азобланди, портлашдан бошлаб, эри тунаганига қадар. Худога шукур, яқинда уни собиқ эри деб аташ мумкин бўлади.

Бироқ, душанба куни эрталаб рўй берган ҳодисага Мэдди сира тайёр эмаслиги маълум бўлди. Билл ўз ноширининг ёнига кетаётганида йўлда Мэддини студияга олиб бориб қўйди. У юзида ботирларча табассум билан вестибюлга кирди. Металл детекторга яқинлашди. Кўз қири билан хавфсизлик хизмати бошлиғини кўрди. У, афтидан, Мэддини кутиб турарди. Уни секин четга тортиб, студияга унинг кириши ман этилганини билдирди.

— Нима учун?

— Мистер Хантернинг буйруғи. Кечирасиз, мэм. Мумкин эмас.

Шундай қилиб, уни шунчаки ишдан бўшатишмаган. У, нон-грата¹ деб аталмиш шахс эди. Ишончини йўқотган шахс. Агар қоровул уни тутволиб урганида, ҳойнаҳой, Мэддига шунчалик кучли таъсир қилмаган бўларди. Унинг олдида эшикни ёпиб олдилар! У ишсиз, мол-мулксиз, кийимсиз қолганди. Қандайдир лаҳзага уни даҳшатли кўркув эгаллаганди, ҳойнаҳой, Жек шуни ҳисобга олган кўринади. Ҳозир унга фақат Ноксвиллгача борадиган автобусга арзонлаштирилган чипта етишмасди.

У чуқур нафас олди-да, чиқди. Жек нимаики қилмасин, уни йўқ қилолмайди. Уни ташлаб кетгани учун шунчаки хотинини жазолашга уринаяпти. Лекин у ҳеч қандай жиноят содир этмади. Эрининг кўрсатган ҳамма ҳунарларидан кейин у эркинликка чиқишга ҳақли. Агар у бошқа иш тополмаса-чи? Унда нима бўлади? Ёки Билл унга нисбатан совиб кетса-чи? Жек ҳақ бўлиб чиқса-чи ва у ростдан ҳам ҳеч нимага ярамаса-чи?

У нима қилаётганини ўйламасдан, илгари юриб борарди. Билнинг уйигача пиёда етиб борди. Бир соат юргани боис, бутунлай чарчади.

Билл қайтиб келганди. Унинг мурдадек оқарган юзини кўриб, нима бўлганини сўради. Мэдди гапириб бера бошлади ва хўнграб йиглаб юборди.

— Тинчлан, — буюрди у. — Тинчлан, Мэдди. Ҳаммаси яхши бўлади. Жек сенга сира ёмонлик қилолмайди.

— Шундай ёмонлик қиладики! Ҳаммаси унинг айтганидек бўлади. Мен ўзимни оқава сувнинг энг тубида кўраман. Ноксвиллга кетишимга тўғри келади.

Кейинги вақтда Мэддининг бошига шунчалар кўп савдолар ёғилди-

¹ Н о н - г р а т а — ишончини йўқотган.

ки, ҳозир уни англаб бўлмас қўрқув эгаллаганди. У Жекдан яшириб иқтисод қилган банкдаги пуллари, ёнида Билл борлигини унутганди. Ҳозир у ўзини ҳамма ташлаб кетган етимчадек ҳис қиларди. Жек айнан шунини ҳисобга олганди. У даҳшатли қўрқувни ҳис этишини эри яхши биларди. Жек хотинига очиқ уруш эълон қилганди.

— Ҳеч қандай Ноксвиллга бормайсан. Умуман, жойингдан қўзғалмайсан. Юрист билан маслаҳатлашиш зарур, лекин Жек пул тўлайдигани билан эмас.

Мэдди анча тинчланганидан сўнг, Билл таниш адвокатга қўнғироқ қилди. Улар куннинг иккинчи ярмида адвокат ёнига кетишди.

Адвокат Мэддини тинглаб бўлгач, афсусланиб, ҳамма нарсага қодир эмаслигини айтди. Масалан, йўқ қилинган уст-бошларини қайтиб олиб беролмаслигини билдирди. Бироқ, у Жекни битимга риоя этишга мажбур қила олишини айтди. Эри ҳамма йўқ қилинган буюмларининг пулини тўлаши, ишдан бўшаши учун ёрдам нафақаси ва уни студияга киритмагани учун маънавий зарар товони сифатида каттагина миқдорда маблағ тўлаши зарур бўлади. У битимни бузгани учун ҳатто бир неча миллион доллар миқдорида жарима тўғрисида ҳам гапирди. Мэдди оғзини очганча ҳайрон бўлиб эшитарди. У ҳеч қандай кўмаксиз жабрдийда эмас экан! Унга келтирган зарари учун Жек анчагина пул тўлашига тўғри келади, жанжални эълон қилиш эса унинг фойдасига бўлмайди.

— Мана шундай, миссис Хантер. Эрингиз энди бундан ортиқ ёмонликни ўйлаб тополмайди. Асабингизга тегиши мумкин, яна бирон бир нохушликлар келтириши мумкин, лекин барибир, у жазоланмай қолмайди. У, ишнинг моҳиятига қараганда, ҳаракатланаётган нишоннинг ўзи. Бунинг устига, ахир у таниқли жамоат арбоби. У сизга етказган зарарни ёки ўз ихтиёри билан, ё суд қарори билан каттагина миқдорда товон пули тўлайди. Мэдди худди Рождество байрамига ўз истагидаги қўғирчоқни олган боладай адвокатга нурли табассум ҳаля этди. Унинг идорасидан чиқаётганида шундай табассум билан Биллга қаради. У билан ўзини аввалгидан ҳам бутунлай бежавотир сезди.

— Эрталаб жаҳл устида гапириб юборганларим учун кечир. Қоровул студияга киритмаганидан жуда қўрқиб кетгандим. Бу ниҳоятда даҳшатли эди.

— Албатта. Ҳаммасини тушунаман. Бу Жекнинг энг ёмон найранги. Ўзингни алдама, Мэдди, сен ундан ҳали қутулганингча йўқ. Уни суд тўхтатмагунига қадар, ҳар қандай пасткашликларни кутиш мумкин. Эҳтимол, суддан кейин ҳамдир. Сен ёмонликларга тайёр туришинг керак, Мэдди. Айтиш осон... Бу фикрдан у ўзгача шодлик ҳиссини туймади.

Эртасига уруш давом этди. Улар Билл билан эрталаб осуда нонушта қилиб, газеталарни кўриб ўтиришарди. Тўсатдан Мэддининг нафаси тикилиб қолди. Билл хавотирланиб қолди:

— Нима бўлди?

У газетани узатди. Кўзлари ёшга тўлганди. Ўн иккинчи саҳифадаги кичикроқ мақолада Мэдди Хантер портлашдан кейин вайроналар остида ўн тўрт соатлик қамал оқибатида асаби бузилгани туфайли янгиликларнинг кечки дастурида телебошловчилик ишини ташлашига тўғри келди, деб ёзилганди.

— Худойим! Энди мени ҳеч ким ишга олишни истамайди. Ҳамма мени ақлдан озган, деб ҳисоблайди.

— Ит эмган!

Билл мақолани диққат билан ўқиб чиқди ва адвокатга қўнғироқ қилди. У жойида йўқ экан, лекин туш вақтида ўзи уларга қўнғироқ қилиб, Жекни тўхтат учун жавобгарликка тортишларини айтди. Бироқ, энди ҳамма гумонлар йўқ бўлди: Хантер ҳаёт учун эмас, ўлим учун ягона

мақсад билан — ўч олиш ниятида қурашга бел боғлаганди.

У Мэддини барбод этмоқчи, эзгилаб ташламоқчи эди.

Кейинги ҳафтада Мэдди аёллар гуруҳи йиғилишига борди. Ўзи билан рўй берган барча воқеаларни айтиб берди. Ҳеч ким ҳайрон бўлмади. Уни бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришди, жисмоний зўрликдан эҳтиёт бўлишни маслаҳат бердилар. Гуруҳ раҳбари зўравоннинг типик хулқини тасвирлаб берди. Жекнинг барча қилиқлари бунга аниқ тўғри келарди. Ахлоқсиз, тутуриқсиз, виждонсиз, беномус инсон... Агар зарур бўлиб қолса, ҳаммасини бошидан оёғи томон тескарисига ўгириб, ўзини жабрдийда қилиб кўрсата олади.

У кечқурун бу ҳақда Биллга сўзлаб берди, у бунга тўла қўшилди.

— Фақат илтимос, мен йўғимда жуда эҳтиёт бўл, Мэдди. Сендан ниҳоятда хавотирланаман. Ундан кўра мен билан кетганинг яхшироқ эди.

У Биллни ўзи режалаштиргандай, Вермонтга Рождество байрамини кутиш учун боришга ахийри кўндирганди. У бир неча кундан кейин жўнаб кетиши керак эди. Мэддининг ўзи эса шаҳарда қолиб, тез орада етиб келмоқчи бўлган Лиззи билан бирга янги уйни саранжомлаш ниятида эди. Гарчи Биллнинг уйида унга яхши бўлса ҳам, унга эркин ҳаракатланишига имкон бериб, Лиззининг уйига кўчиб бормоқчи бўлган биринчи ниятини ўзгартирмасликка аҳд қилганди. Бундан ташқари, у Энди ҳақида хабар кутарди ва Биллнинг тинч, осуда ҳаёт тарзини бузишни истамасди. Уларнинг муносабатлари секин-аста силлиқланиб боргани маъқул.

— Мен билан ҳаммаси жойида бўлади.

Энди Мэдди Жекнинг жисмоний зўрлик ишлатишга уринишдан хавотирланмасди: у ўзига кўпроқ зарар келтириши мумкин бўлган ишлар билан ҳаддан ортиқ банд эди.

Мэддининг адвокати газетада аввалроқ босилган унинг асабий зўриқиши ҳақидаги мақолага раддия беришга эришди. Мэдди Хантернинг собиқ эри газаб устида уни ишдан ҳайдаб юборгани ҳақидаги хабар шаҳарга яшин тезлигида тарқалди. Унга телестудиялардан кўнғироқ қилиб, ишга таклиф қилишарди. У учта етакчи телестудиядан ўзига жалб этувчи таклифлар олишга улгурганди, бироқ жавоб беришдан олдин бироз кутиш ва ўйлаб кўришга қарор қилди. Бу сафар у хато қилмаслиги керак, шу боис шошилмагани маъқул. Энди, ҳар қалай, Мэдди ишсиз қолмаслигига амин бўлганди. Жекнинг келажакда Эндининг но-чор аҳволи тўғрисида ҳамма башорати — қуруқ сўзлар, навбатдаги пўписа қилишга уриниши эди.

Билл жўнаб кетди. Ўша куниеъ Мэдди Лиззига ижарага олган уйга бориб, қизининг келишига тайёрлана бошлади. Кечқурунгача ҳамма ёқни ярақлатиб қўйди, хоналар шинам ҳамда байрамона кўринарди. Бу байрам кунларини Лиззи билан ўтказиши ҳақидаги фикр Мэддида шодлик ҳиссини уйғотарди. Жекнинг барча қилиқлари жуда ёмон эди. Бироқ, унинг барча кирдикорлари ичида энг жинояткоронаси — у қизининг борлигини Мэдди ҳали билиб улгурмасидан аввал Лиззидан қутулишга урингани эди. Эрининг барча чидаб бўлмас пасткаш қилиқлари ҳозир аниқ ёдга тушарди. Мэдди бир нарсани тушунолмасди: нима учун у шунчалик узок вақт ўзини таҳқирлашга йўл қўйди ҳамда жуда кўп вақт унинг камситишларига сабр қилди экан? Афтидан, у қалбининг туб-тубида ҳар доим шундай муносабатга ўзини муносиб деб ҳисоблаган, Жек эса буни яхши ҳис этган. У хотинини азоблаши учун барча зарур бўлганларни унинг қўлига ўзи тутқазганди.

Улар Лиззи билан бу ҳақда бир неча соат тинимсиз гаплашдилар. Билл етиб борган заҳоти унга Вермонтдан кўнғироқ қилди. Уни соғинаётганини айтди.

— Байрамга бизнинг ёнимизга келсанг бўлмайдимиз?

У буни жиддий айтаётганга ўхшарди.

— Болаларинг учун ортиқча ташвиш бўлишни хоҳламайман.

— Улар сени кўришдан хурсанд бўлишади, Мэдди.

— Бўлмаса, балки биз Рождествонинг иккинчи куни боришимиз мумкинми? Бу донишмандона мураса бўлади, шекилли. Лиззи ҳам чангида учишни ўрганиш иштиёқида.

Биллга бу гоё ёқди. У ўша куни кечкурун Мэддига яна бир бор қўнғироқ қилди. Уни қанчалик яхши кўришини айтиш учун телефон қилди.

— Менимча, қаерда яшашинг масаласини яна бир бор муҳокама қилишимиз керак. Лиззи билан бирга яшашингнинг ҳожати йўқ. Сени соғиниб қоламан.

Аслида, Мэдди ўзига бўлак уйни ижарага олиш тўғрисида ўйлаб юрган эди. У Биллга ўзини ортиқча юк деб билишини истамасди. У ўзини боғланган деб ҳисоблашдан чўчирди. Бироқ, у Лиззиникига кўчиб борганидан хабар топгач, Билл аниқ ранжиди.

— Нима қилибди, ҳозир буюмларим қанчалигини ҳособга оладиган бўлсак, қароримизни беш дақиқа ичида ўзгартириш ҳеч гапмас, — дея осойишталик билан жавоб берди Мэдди.

— Жуда соз. Мен етиб боришимга, уйимга кўчиб ўтишингни истайман. Билсанми, Мэдди, биз сен билан ёлғизлик гамини етарлича татиб кўрдик. Кел, биргаликда янги ҳаёт бошлашга уриниб кўрамиз.

Эртага — Рождество арафаси. Гарчи у ҳозирча ишламаётган бўлсада, ҳали кўп ишларга улгуриши зарур. Мэдди бу байрамни тўлалигича қизига бағишламоқчи эди.

Эртасига улар арча сотиб олишди ва уни биргаликда безатишди. Бу Виргиниядаги зерикарли байрамларга нақадар ўхшамайди, дея ўйларди Мэдди. Жек ҳеч қандай байрам йўқ, деб биларди ва хотинини ҳам ўзини шундай тутишини истарди. Баъзида ўтмиш ҳақида, Жек ҳақида, ҳаммаси у кутгандай бўлиб чиқмагани ҳақида ачинарли фикрлар пайдо бўлишига қарамасдан, бу Рождество унинг ҳаётида энг бахтиёр байрам бўлади. Вақти-вақти билан у ўзига Жексиз аҳволи анча яхши эканини эслатиб туришига тўғри келарди. Жек билан яхши кунлари ёдига тушиб, улар уни ғам-алам ва афсусланиш тўлқинига чўктиришга таҳдид солган чоғда, у хўрланишлар, зўрлик ва зулм кўпроқ бўлганини эслар ва улар алангасини ўчирарди. Энг асосийси — энди унинг ёнида Билл ва Лиззининг борлиги эди. Унга шунчаки омад кулиб боқди.

Рождество арафаси куни кундузи соат иккида ниҳоят, узоқ қутилган телефон қўнғироғи жиринглади. Унга бола асраб олиш учун бир неча ҳафта ва ойлар зарур бўлиши мумкинлигини огоҳлантириб айтишганди. Шу боис, у буни вақтинча миясидан чиқариб ташлаб, бутун диққат эътиборини Лиззига қаратганди.

Телефон гўшагидан таниш аёл овози келди:

— Ҳаммаси тайёр. Кичкинтой уйга онажониси ёнига бориб, у билан бирга байрамни нишонламоқчи.

Бу, ўша ижтимоий васийлик бўлимидаги Эндини ўғил қилиб олишига ёрдам бераётган аёл эди!

— Ростданми? Уни олиб кета оламанми?

Мэдди саросимага тушганича, Лиззига ўгирилиб қаради, лекин у гап нимадалигини билмай, фақат кулиб қўйди.

— У сизники. Бугун эрталаб судья барча ҳужжатларни имзолади. У Рождествога қадар бу ишнинг ҳал бўлгани сизга маъқул келар, деб ўйлади. Ўғилчангиз билан бирга байрамни ўтказишдан аъло иш борми!

— У қаерда?

— Менинг идорамда. Уни ҳозиргина олиб келишди. Болани кун давомида истаган чоғда олиб кетишингиз мумкин, лекин мен ҳам уйимга, фарзандларим ёнига эртaroқ етиб боришни истардим.

— Йигирма дақиқада ёнингизга етиб бораман.

Мэдди гўшакни кўйди. У Лиззига ўтирилиб қараб, гап нимадалигини тезгина тушунтирди.

— Мен билан бирга борасанми?

У бутунлай саросимага тушганди. Ахир у гўдак парвариши билан сира шуғулланмаган ва бунинг нималигини тасаввур ҳам қилолмасди. У бошига қўнган бахт қушини билмасдан хуркитиб юбормаслик учун ҳали Эндига атаб ҳеч нарса сотиб олмаганди ҳам. Бундан ташқари, у тайёргарликка ҳали вақти кўпроқ бўлади, деб ҳисобларди.

— Уни олиб кетганимиздан кейин ҳамма зарур нарсаларни сотиб оламиз, — дея онасини тинчлантирди Лиззи.

Етимхона ва болалар уйларида сарсон-саргардонликда бўлиб, кичкинтойлар ёнида уларга қараб юрган Лиззи онасига нисбатан буни кўпроқ биларди.

— Ҳатто нималар сотиб олиш кераклигини ҳам билмайман... памперслар, болалар овқати... яна нима... балки сўргич, ўйинчоқлар... ва шунга ўхшаш буюмлар. Тўғрими?

Мэдди ўзини ўн тўрт ёшли қизчадай сезарди. Қаттиқ ҳаяжонланганидан бир жойда туролмасди. У асабий қалтирарди. Шошиб-пишиб юзини ювди, сочларини таради, эгнига пальто кийди, сумкасини олиб, зинадан пастга тушиб кетди. Лиззи унинг изидан чиқди.

Улар таксида идорага етиб боришди. Энди оқ свитер, ҳаворанг иштонча ва оқ шапкача кийдирилган ҳолда тинчгина ухларди. Вақтинчалик тутинган ота-онаси унга байрамга айиқча совға қилишибди. Мэдди кўзларида ёш билан Лиззига ўтирилди. У қизининг олдида қанчалик айбдор эди... Нима учун ўшанда уни туғруқхонадан олиб кетмади!

Лиззи, ҳойнаҳой, онаси нимани ҳис этаётганини англаганди. У яқинроқ келиб, онасининг елкасидан қучди.

— Ойижон, ҳаммаси жойида... Сизни яхши кўраман.

— Мен ҳам сени яхши кўраман, қувончим.

Мэдди қизини ўпиб кўйди. Шу лаҳзада Энди уйғониб кетиб, йиғлаб юборди. Мэдди уни қўлига олиб, елкасига босди. У худди таниш чехрани излаётгандай атрофга аланглаб, кейин яна қаттиқроқ йиғлади.

— Менимча, унинг қорни оч бўлса керак, — деди Лиззи ишонч билан, Мэдди эса буни сезмасди.

Хизматчи Мэддига Эндининг буюмлари ва болалар овқати солинган сумкани берди, кўрсатмалар ёзилган қоғозни тутди ва ўғил қилиб олинганлигига доир ҳужжатлар солинган қалин хатжилдни топширди. Мэдди яна бир марта судга келиши, лекин бу фақат расмиятчилик учун керак бўлишини айтди. Энди гўдак унинг ўғли ҳисобланарди. Мэдди унинг исмини сақлаб, аввалги фамилиясини ўзгартиришга қарор қилганди. Ўзининг ҳам қизлик фамилияси — Бомон. У энди Жек Хантер билан ҳеч қандай умумийлиги бўлишини хоҳламасди. Қачон бўлмасин, ўзининг келгусидаги телекўрсатувида у Мэдден Бомон сифатида чиқади. Унинг ўғли эса Эндрю Уильям Бомон деб ном олади. Иккинчи исми у чўқинтирган отаси, Билл шарафига беришга қарор қилганди.

У қимматбаҳо топилдигини бағрига босганча, чехраси ҳайрат ва меҳрли ифода билан Лиззи кузатувида идорадан чиқди. Улар болаларга аталган дўконга ва дорихонага кириб ўтишди. Лиззи ва сотувчилар маслаҳат берган ҳаммасини харид этишди. Машинанинг ичи тўлиб кетди. Қолган жойга улар иккиси зўрға сиғишарди.

Болалар буюмлари тўла халталарни кўтарганча, бахтиёр табассум билан юзлари яшнаб, уйга келдилар. Шу пайт телефон жиринглади.

— Беринг, ойи, ушлаб тураман.

Лиззи қўлларини чўзди. Мэдди кичкинтойни бергиси келмай, узатди. У гўдақдан бир дақиқага ҳам айрилгиси келмасди. Агар шу давргача у тўғри иш қилаётганидан шубҳалари йилтираб турган бўлса ҳам, энди улар тарқаб кетганди. Ҳаммаси тўғри, унга айнан шу керак, у буни бутун қалби билан истади.

— Қаерда эдинг? — сўради гўшакда таниш овоз.

Билл экан. У яқинда невараси билан чанғи сайридан келиб, бу ҳақда Мэддига гапириб беришга сабри чидамасди.

Унинг лаблари ўз ўзидан табассумга очилди.

— Сенинг чўқинтирувчингни олиб келгани кетгандим.

Лиззи арчадаги чироқларни ёқиб юборди. Хона ичига илиқ шином нур таралди. Билл уларнинг ёнида эмаслиги нақадар ачинарли эди. Айниқса, ҳозир бу ерда Энди борлигида.

Билл аввалига унинг нима ҳақда гапираётганини англамади. Ке-йин овозидан унинг нақадар бахтиёрлигини сизди.

— Мана буни байрам совғаси деса бўлади! У қандай ўзи?

— У шундай ажойибки, Билл. — Мэдди қўлида укасини ушлаб турган қизига қараб жилмайди. — ўзинг кўрасан.

— Уни Вермонтга ўзинг билан бирга олиб келасанми?

Қандай аҳмоқона савол, ўйлади Билл. Унда яна қандай бошқа йўл бор? Бола ҳам янги туғилган чақалоқ эмас. У икки ярим ойлик соғломгина болакай.

— Ҳа, агар сен қарши бўлмасанг.

— Олиб келавер. Менинг набираларим хурсанд бўлишади. Унинг чўқинтирган отаси бўлиш ниятида эканман, у билан танишиб ҳам олишимиз керак.

У бошқа ҳеч нима демади. Лекин кечкурун анча кеч бўлганида ва эрталаб яна кўнғироқ қилди. Мэдди Лиззи билан кичкинтой Эндини ҳам олиб, черковга ибодатга боришди. Диний маросим ўтгунича, гўдак тинч ухлади. Мэдди уни кўтариб олиб юрадиган жуда чиройли ҳаворанг саватчага солганди ва у кичкина шаҳзода қаби, янги ҳаворанг свитер ва шапкача кийиб, шу рангдаги иссиқ адёлга ўралган ҳолда, ёнида айиқчаси билан ётарди.

Улар эрталаб Лиззи билан бир-бирларига аталган совғаларни очиб кўришди. Сумкалар, қўлқоплар, китоблар, атир... Лекин улар учун энг яхши совға, албатта, ўзининг ҳаво ранг саватчасида кўзларини каттакатта очиб қараб ётган Энди эди. Мэдди уни ўпди ва у бунга жавобан яйраб кулиб қўйди. У бу лаҳзани ҳеч қачон унутмаслигини биларди. Бу бебаҳо совғаси учун тақдирдан доимо миннатдор бўлишдан тўхтамайди. У болани қўлларига олди ва ўз гўдагини унга васият қилган раҳматли онасининг руҳига бағишлаб, ичида дуо ўқиди.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Рождествонинг иккинчи куни Мэдди билан Лиззи ижарага олишган машинада Вермонтга йўл олишди. У ҳозир ичида болалар буюмлари кўплигидан худди лўлилар аравасига ўхшарди. Бола деярли йўл бўйи ухлаб кетди. Мэдди қизи билан суҳбатлашиб, ўзлари ҳам нима сабаблигидан беҳабар ҳолда, кўп кулишарди. Йўлда тўхтаб, тамадди қилиб олишди. Энди ҳам ўзининг сүтини ичиб олди. Мэдди бутун умри давомида ўзини сира бунчалик бахтиёр сезмаганди. Ва ҳеч қачон қандай зарур бўлса, шундай йўл тутаётганига ишончи комил бўлмаганди. Уни бефарзанд ўтишга ҳукм қилган Жек нимадан маҳрум этганини у фақат эндигина охиригача англади. Аслида эри Мэддини ўзига нисбатан ишончдан, ўзини ҳурмат қилишдан, ўз қадр-қимматини

англаш ҳиссидан, ўз ҳаётига тааллуқли қарорларни қабул қилиш имкониятидан маҳрум этганди. У хотинига берган яхши иш ва моддий неъматлар учун баҳоси ҳаддан ортиқ даражада қиммат эди. Ниҳоятда тенгсиз айирбошлик.

— Ишга чақирилган таклифларни нима қилмоқчисиз? — дея сўради Лиззи.

Мэдди чуқур хўрсинди:

— Ҳозирча ҳали билмайман. Албатта, ишга тушишни ҳам истайман, лекин бироз муддат сен ва Энди билан мириқиб яйрамоқчиман. Бу умримда биринчи ва охири бор фақатгина она, ҳақиқий она бўлиш имкониятидир. Ишга тушишим биланоқ бунга вақтим қолмайди. Шошиб нимаям қилдик.

У ҳали судга берган аризасига боғлиқ айрим масалаларни ҳам ҳал этиши зарур эди. Мэддининг адвокати Жек ва унинг телекомпаниясига қарши катта суд жараёни бошламоқчи эди, уни Мэддига маънавий зарар етказгани, хотинини ишдан ҳайдагани, тухмат қилгани, унга нисбатан жиноий ҳаракатлари ва бошқа бир қанча майда-чуйда қилгуликлари учун жавобгарликка тортмоқчи эди. Улар буларнинг барчасини жиддий муҳокама қилиб олишлари зарур эди. Лекин у уйда Энди ва Лиззи билан шунчаки бирга бўлишни ҳаммасидан кўпроқ истарди. Икки ҳафтадан кейин қизи университетда ўқишини бошлайди. Бу кунни кутиб, унинг ўзи ҳам севинчи ичига сиғмасди.

Улар кеч соат олтиларда Биллнинг уйига етиб боришди. Унинг ҳамма болалари ва неваралари билан танишиб олиш ҳамда кечки овқатга улгуриш учун вақтида етиб келишганди. Гўдакни кўриб, болалар ниҳоятда суюниб кетишди. У уларга қараб жилмаяр ва ҳатто қиқирлаб куларди. Икки ярим ёшли энг кенжа невараси Энди билан ўйнай бошлади. Овқатланиб бўлишгач, Лиззи гўдакни онасидан олиб, ўзи ухлатишини айтди. Мэдди ошхонада аёлларга ёрдамлашиб юборди. Кейин улар Билл билан камин ёнида ўтириб, суҳбатлашишди. Ҳамма ўз хонасига кириб кетганидан кейин, Билл бироз сайр қилиб келишни таклиф қилди. Ҳаво совуқроқ эди. Осмонда юлдузлар чарақларди. Қор ялтирар ва оёқ остида фирчилларди. Улар Биллнинг ўғли тозаллаган йўлка бўйлаб юриб кетишди.

Мэдди Биллнинг бутун оиласи бу катта, шинам эски уйни ёқтиришларини дарҳол англади. Унинг оиласи қандай яхши экан... Улар ўз вақтларини катта хурсандчилик билан биргаликда ўтказишлари кўриниб турарди. Улардан ҳеч бири Билл билан Мэддининг муносабатларига ёқтирмай қарамади, шекилли. Ҳамма уни ҳам, Лиззини ҳам, ҳатто кичкинтой Эндини ҳам қалблари тўлқинланиб, кутиб олишди.

Улар йўлқадан қўл ушлашиб борардилар. Девор ёнида бир неча жуфт чанғилар терилиб турарди. Мэдди эртага Билл билан чанғида учишга қандай боришини ўйлаб, олдиндан ҳаяжонланарди. Агар, албатта, кичкинтой билан бировни қолдириш имкони топилса. Ҳа, бу унинг ҳаётида қандайдир янгилик эди. Бунга ҳам одатланиши керак эди. Барибир, бу нақадар соз.

— Оиланг ажойиб экан.

— Раҳмат. — У жилмайиб жавоб берди. Уни елкасидан кучди. — Кичкинтой ростдан ҳам асал экан.

Ҳозир у болани Мэдди чиндан ҳам яхши кўришини кўриб турарди. Агар у бу ҳисни ҳеч қачон сезмай ўтганида, адолатдан бўлмасди. У кичкинтой учун ҳам ҳатто ўз туққан онаси билан ҳам сира кўролмаслиги мумкин бўлган ҳаётни бера олади. Афтидан Парвардигор ўша куни улар учови вайроналар тагида қолишган тунда нима қилаётганини билган, шекилли. Биллнинг ўзи ким бўлибдики, ундан буни тортиб олишга қарор қилса...

Улар уй томонга қайрилдилар.

— Биласанми, мен кўп ўйладим...

Тўсатдан Мэдди унга даҳшат акс этган нигоҳини қаратди. Унга давоми нима бўлишини англагандай туюлди. Кўзларида қалққан ёшни Билл кўрмаслиги учун юзини кескин ўгириб олди.

— Буни эшитишни хоҳлашимга аминмасман.

— Нимага энди? — Билл Мэддини авайлаб ўзига қаратди. — Мен баъзи нарсаларни ўйлаб олдим. Балки сенга эшитиш қизиқарли бўлар?

— Сен назарда тутаётганинг... биз тўғримиздами? — сўради у бўғиқ овозда.

Наҳотки ҳаммаси ҳали бошланмасидан туриб, тугаса... Бу қанчалик адолатсизлик! Унинг ҳаётида ўзи нимани адолатли деб аташ мумкин эди? Фақат унинг ёнида ҳозир Билл, Лиззи, Эндиларнинг борлиги, холос. Жек билан кечган бутун умри унга энди ёмон тушдай туюларди.

Билл унинг қалтираётганини сизди.

— Қўрқишнинг кераги йўқ, Мэдди.

— Қўрқаман. Сени йўқотишдан қўрқаман.

— Ахир бу ерда ҳеч қандай кафолат бўлиши мумкин эмас. Менга нисбатан сенинг олдинда анча узоқроқ йўл бор. Лекин гап йўлнинг бошида турганинг ёки ниҳоясига етиб бориш учун илдам кетаётганингда эмас, деб ўйлайман. Гап шу саёҳатнинг ўзида. Агар бу йўлдан биргаликда борсак, буни уйдalasак, ўйлайманки, бошқа ҳеч нимани истамаслик ҳам мумкин. Ахир биронтамиз анави бурчак орқасида, кейинги қайрилишда нима рўй беришини билмаймиз. — Ҳа, у бу ҳақиқатни худди Мэдди каби ўзининг аччиқ тажрибаси орқали ўрганиб олганди. — Агар биз йўлни биргаликда давом эттирмоқчи бўлсак, саёҳатимиз ўзаро ишонч руҳида ўтади.

Мэдди ҳали ҳам у айнан нимани назарда тутаётганини тушунолмасди. Билл эса ҳаммадан ҳам уни тинчлантириш, унга эртанги кунга ишонч руҳини сингдиришни истарди.

— Сени ташлаб кетиш ниятим йўқ, Мэдди. Ҳеч қаерга кетмоқчимасман. Ва сенга билиб туриб ҳеч қачон азоб бермайман.

Бироқ, уларнинг иккиси ҳам вақти-вақти билан бусиз иложи йўқлигини билишарди. Мабодо, шундай бўлиб қолган тақдирда ҳам, бу атайлабдан рўй бермайди.

— Мен ҳам сенга азоб беришни истамайман.

Мэдди Биллнинг пинжига чуқурроқ кирди, худди гапираётган гапларига тасдиқ излаётгандай. Ҳа... У билан хавотирланмаса ҳам бўлади. Бутунлай бошқача янги ҳаёт бошланарди... Янги кун, янги орзулар. Улар буни ўз қалбларида эҳтиётлаб кутишарди.

Билл унинг кўзларига қараб туриб, жилмайди:

— Нима демоқчилигимни уқдингми? Афтидан, агар етмиш ёшимда бейсбол ўйнаш учун шерик топиладиган бўлса, менга фойдали бўлади, шекилли. Мабодо шунгача бориб етса, Энди ногиронлар аравачасидаги менга копток ирғита олади.

Мэдди бахтиёр кулиб юборди.

— У вақтга келиб, сенга ногиронларнинг аравачаси зарур бўлади деб ўйламайман.

— Ким билади? Эҳтимол, унгача бутунлай тинка-мадоримни қуриб қўйсан? Худо шоҳид, ахир, шундай қилишга уриндинг. Портлаш, қайданлиги номаълум бола, жиннисифат эр... сен билан одам зерикмайди. Хуллас, қарорим шу: унга нафақат чўқинтирган ота бўлишни хоҳлайман. У кўпроғига муносиб. Худди биз каби.

— Демак, бейсбол бўйича кичкинтойлар командасининг устози бўлмоқчи экансан-да? — уни калака қилди Мэдди.

Худойим... у гўё қадрдон бандаргоҳига қайтиб келган-у, уфқда узоқ вақт кутган кема кўрингандек ҳис пайдо бўлди. Бутун умр кутган. Ниҳоят, у яхши қўлларда... бехатарликда.

— Сенинг эринг бўлмоқчиман, Мэдди. Боядан бери сенга шуни айтмоқчи эдим. Бунга қандай қарайсан?

— Фарзандларинг-чи, улар нима дейди?

— Ҳойнаҳой, мени ақлдан озган деб айтишади ва ҳақ бўлишади. Лекин бу иккаламиз учун ҳам... Ҳаммамиз учун ҳам тўғри бўлади, деб ўйлайман... Буни аллақачон англагандекман. Шунчаки режаларингни ва уларни амалга ошириш учун сенга қанча муддат керак бўлишини билмасдим.

— Мен ҳаддан ортиқ кўп вақт йўқотдим.

Лекин барибир бундан тезроқ ҳеч нарса чиқмасди.

— Ахир айтдим-ку, йўлда қандай тезликда ҳаракат қилаётганинг муҳим эмас. Хўш, менга нима деб жавоб берасан?

— Ниҳоятда омадим келди, деб, — шивирлади у.

— Менинг ҳам.

У Мэддининг елкасидан маҳкам қучди ва улар уй томон юриб кетишди. Лиззи кўлида кичкинтой билан юқори қават деразасидан уларга қараб турарди. Мэдди худди унинг ўзига қаратилган нигоҳини сезгандай эди. Бошини кўтариб, қизига жилмайди ва кўлини силкитди.

Уйга киргач, Билл тўхтади ва Мэддини ўпди. Ҳа, улар учун бу йўлнинг боши ҳам, охири ҳам эмасди. Бу бундан буён иккаласи кечирадиган ҳаёт эди, бу уларнинг саёҳати узоқ, жуда узоқ давом этишини англаш шодлиги эди.

*Русчадан
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН
таржимаси*



Жўра СОЙФЕР

Астория

Пьеса

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Хупка
Пистолетти } дайдилар
Жандарм
Графиня Гвендолин Букельбург – Мараскино
Граф Луитпольд Букельбург – Мараскино
Жеймс – хизматкор
П.хоним
Буюк княгиня Анастасия М.
Лорд Р.
Шоу
Электр компанияси агенти
Пауль, дайди
Гортензия, ёши ўтган фоҳиша
Якоб, Гортензиянинг қаллиғи
Мижоз №23687
Журналист
Котиба
Садақалар учун ликопчали киши
Зобит
Чол
Овоз кучайтиргич
Овозлар
Визалар бўлимидаги кишилар

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Хунка ва Пистолетти йўлда қўшиқ айтиб кетмоқда

Битди иссиқ ёз куни,
Кузак ҳам бўлди тамом.
Қиш ҳам келди, о, унинг
Изғирини кўп ёмон.

*Русчадан
Динора
АЗИМОВА
таржимаси*

Жўра СОЙФЕР (1912 – 1939) — австриялик драматург, шоир ва публицист. У Харьков (Украина) шаҳрида йирик савдо уйи эгаси Владимир (Вольф Соломонович) Сойфер оиласида туғилган. Инқилоб улар оиласини ўзлари ўрганган жойдан аввал Ростовга, кейин Тифлис, Истанбул, у ердан, ниҳоят, Венага кетишга мажбур қилди.

Оилада рус, фаранг, яҳудий тилларида сўзлашишар, Жўра эса немис тилининг ўзига хос жарангдор вена лаҳжасини ўрганиб олганди. У мактабни тугатгач, Австрияда 20-йиллар охири, 30-йиллар бошларида аланга олган сиёсий курашнинг қоқ марказига тушиб қолади. Вена иқтисодий танглик ҳамда оммавий ишсизлик оқибатида юзага келган миллий-социалистлар митинглари ва ишчилар намойишлари билан қайнайди. 17 яшар Жўра кутилмаганда ижтимоий-демократик партиянинг етакчи ёзувчиларидан бирига айланиб, бу курашга боши билан шўнғиб кетади.

Энди тонглар отмас шан,
Кўчада аёз кезар.
Сен нимани излайсан,
Эй беватан биродар?

Борлиқда қор сурони,
Ичкари — меҳмон ўнг-сўл:
Янги йил дастурхони
Тўкин ҳамда майлар мўл.

Уларга сен ҳеч қачон
Бўлолмайсан баробар.
Саломин йўллар бу он
Зоғлар сенга, биродар.

Зарурат бўлса такроп
Мулкни тақсим айларга,
Тиллодандир — неки бор
Насиб этгай бойларга.

Дарбадарда пул-чақа
Нима қилсин — йўқ тақир.
Дунё ўзи шунақа
Бўлса нетгунг сен, ахир?¹

Йўлқўрсатгич: Санкт-Ульрих об-дер-Тристинг 25,6 км, Мария Вердерн 5 км. Хупка ва Пистолетти ёнидан автомобиллар учиб ўтмоқда. Дайдилар қўл кўтариб машина тўхтатишмоқчи. Бирорта ҳам автомобиль тўхтамайди.

Х у п к а. Ҳа, бирор жойдан бошпана топиш керак. Мана энди қишки хонадон ҳақидаги масала кўндаланг бўлади. Шу ҳам ҳаво бўлдимиз? Жин урсин.

¹ Шеърларни М.Мирзо таржима қилган.

1929 йилда Венада ўткир ижтимоий мавзуларда сахна ва спектакллар ўйналадиган биринчи сиёсий кабаре пайдо бўлади. Жўра ёзган бир талай сахналар, сатирик лапар ва кўшиқлар эртасигаёқ бутун ишчилар Венасига тарқалади. Шу даврда унинг матбуотда ҳам илк бор ижоди намуналари кўрина бошлайди. 32-йилдан бошлаб деярли ҳар ҳафтада социал-демократик партиясининг марказий органи «Арбайтен-Цайтунг»да унинг памфлетлари ва сатирик шеърлари пайдо бўлади. Уларнинг номлариданоқ асар мазмунини англаб олиш мумкин: «Гитлер ёмон туш кўрди», «Жигарранг Вена», «Ирқчиларнинг ишқий балладаси», «Учинчи рейхнинг куйловчи соатлари».

1938 йилда Австрия коммунистик партиясига етакчисига «адаштириб», уни Венанинг кичикроқ кўчасида ҳибсга олишади. Бундай хатолари камдан-кам учрайдиган полициячилар шу тарзда уни тинтиб кўриш имконига эга бўлишганди. «Хато» тинтув жандармерия учун анча зарурий натижа берди: Жўранинг ёнида тақиқланган сиёсий адабиётлар топишади.

Шу билан унинг ҳаётининг биринчи қисми — озодликдаги, бадавлат тадбиркорлар оиласидаги, уни яхши кўрадиган одамлар қуршовидаги ҳаёти тугайди ва иккинчи қисми: концлагерлар, ишчилар баракларида ўтадиган ҳаёти бошланади. Бу ўлим чегарасидаги ҳаёт эди. У ғоят қисқа — бир йилдан хиёл ортиқ кечди. Бироқ ҳаётнинг бу қисми биринчисидан кам бўлмаган даражада сермазмун бўлиб чиқди: айнан ўша чоғда у кейинчалик мадҳияга айланган машҳур Дахау кўшиғини ёзди. Дахаудан уни Бухенвальдга кўчиришади. У ерда Жўра Сойфер зиммасига даҳшатли иш юкланади: у безгак касаллигидан ўлган маҳбусларни кўмадиган санитар гуруҳга кириб қолади. Жўранинг оиласи эса яна йўлга отланади, — бу сафар улар АҚШга кўчиб кетадилар. Отаси ўзининг барча ошна-оғайни, алоқаларининг таъсир кучи, пулини ишга солиб, ўлим лагеридан ёлғизгина ўғлини чиқариб олишга ҳаракат қилади. Қарангки, — во ажабо! — бунинг уддасидан чиқади.

Пистолетти. Балки, бирга касалхонага борармиз. У ерда Мария Вердерн деган аёл бор. Маслаҳат беришганди... совуқдан ўлмаймиз.

Хупка. Менга бу тўғри келмайди. Мен касал одамман. Яхшиси мен қамоқхонада қишни ўтказаман. Nonni soit qui mal y pense.¹

Пистолетти. Бунга неча ой беришаркин-а?

Хупка. Ҳеч қанча. Бу жиноят эмас, бу французча усул.

Пистолетти. Кейин сен бир-иккита ойнани синдирасан ёки...

Хупка. Азизим Пистолетти, бу менга тўғри келмайди, менинг хужжатларим йўқ ахир, бунинг устига, қандайдир қочқин ўғрига қуйиб қўйгандек ўхшайман. Мен у эмаслигимни исботлашгунча, баҳор келади.

Пистолетти. Йўқ бўлса йўқ-да, нима ҳам дердим. Бу – дунёқараш масаласи. Менга айтишларича, ўша касалхонада қандайдир Торопижингер исмли доктор бор экан, агар ўзингни растакам пиёнисталикка солсанг, ўшанинг қўлига тушасан. Доктор эса ҳар куни ичкиликбозликдан даволанувчи мижозларининг олдига келади-да, улар билан мусобақа ўйнайди. Агар беморнинг кўзига докторга қараганда кўпроқ оқ сичқонлар кўринса, мукофотни қўлга киритади – ўшанча томчи сливовица. Доктор зиёли бўлса ҳам, доим тўлайди. Томи кетганга ўхшайди. Менга бу ҳақида гапириб берган йигитнинг омади келмади: докторга қараганда 12 миллионта сичқонни кўп кўрганига доктор ишонмапти. Албатта, уни ўша заҳотиёқ ҳайдаб юборишди. Биз эса бунақа майнавозчиликни кўрсатмасак ҳам бўлаверади.

Хупка. Ҳамма нарсада меъёр бўлиши керак.

Пистолетти. Мен ҳам шуни айтаман-да.

Хупка. Эътиборинг учун, Санкт-Ульрихдаги қамоқхона – бу тоифадаги барча бошпаналарга нисбатан энг зўри. Бристоль меҳмонхонасининг ўзи. Ҳаттоки ҳожатхоналари ҳам бор. Sapienti sat.²

Пистолетти. Мен нима деяпман? Лекин танлашимиз керак: турмами ёки касалхонами. Иккаласи кўплик қилади.

Хупка. Адолатли фикр. Бугун фақат Диоген бўлиб яшаб қолиш мумкин. Ҳа майли, дўстим, ҳов анави йўлкўрсатгичда учрашамиз.

¹ Бу ҳақида ким ёмон хаёлга борса, уялсин (франц.).

² Ақлли одамга ортиқча гапнинг кераги йўқ (лотинча).

Бухенвальд концлагери маҳбусини озод этиш тўғрисидаги буйруқдек камёб хужжат келган чоғда, безгак ёш йигит вужудини кемириб бораётганди. Австриялик тадқиқотчи Юлиус Фройнд бу ҳақда шундай деганди: «Ҳеч ким, агар буни ўзи бошидан ўтказмаган бўлса, ниҳоят, озодлик эшиклари очилгани ва улардан ўтиш учун энди қуввати қолмаган ёш йигитнинг чорасиз аҳволини тасаввур этолмайди».

У 27 ёшида мангуликка рихлат қилди.

Ўзининг «Астория» пьесасида у бош қаҳрамон номидан кутилмаганда шундай гап айтади: «Келажак тили ўзбек тили бўлади!» У буни меҳрли табассум, ҳеч бир қочиримсиз айтган, билъакс даҳолар башорати шундай нарсаки, баҳслашиш ортиқчадир.

Ватанимизнинг ҳатто сарҳадларига ҳам умрида ҳеч қачон қадам босмаган Жўра Сойфер буюк Алишер Навоий шухратини кўтарган ўзбек тилининг турк тиллари оиласидаги муносиб ўрнини ва унинг юксалиб боришини мазкур асаридаги лутфида ёрқин ифода эта олган.

Яна шуни ҳам таъкидламоқчимизки, истеъдодли адибга айниқса ўз исмининг ўзбекча жаранглаши ёқарди. Зеро Жўра бу – энг яқин дўст, руҳан ва қалбам чамбарчас боғланган инсон демакдир.

Адиб исми замиридаги ушбу теран маънони англаб етган бўлса, не ажаб!

Бухенвальд концлагерида ҳалок бўлган Жўра номи унутилиш комидан чиқиб, бот-бот турли тилларда жарангламоқда. Унинг пьесалари дунёнинг кўпгина саҳналарида ўйналмоқда. Яратилганидан етмиш йил ўтгач, мазкур асар билан ўзбек ўқувчиси ҳам танишаётганидан ниҳоятда мамнунмиз.

ТАРЖИМОН

П и с т о л е т т и. Қачон?

Х у п к а. Жонимиз омон бўлса, кўрамиз. Нима бўлгандаям, баҳорда икковимизнинг қўлимиз бир вақтда қичиб қолади.

П и с т о л е т т и. Дил яқин-да. Омон бўл, Хупка.

Х у п к а. Хайр, Писто (*Пистолетти кетади.*)

Автомобиллар йўлда қўл кўтариб турган Хупканинг олдидан учиб ўтмоқдалар.

Х у п к а. Fi donc.¹ Мени ҳибсга оладиган энг яқин жандармгача ҳали камида тўрт соат юриш керак. Доим шундай: керак бўлганда, ҳеч қаердан тополмайсан.

Ж а н д а р м (*тўсатдан пайдо бўлади*). Ассалому алайкум...

Х у п к а (*ажабланади*). Вожаб. Ҳақиқий lupus ex machine.² Сизнинг қўлингизга тушганимдан бағоят хурсандман.

Ж а н д а р м. Илтимос, ҳужжатларингизни кўрсатсангиз.

Х у п к а. Намунча одобли бўлмаса, эгим жимирлаб кетяпти.

Ж а н д а р м. Балки, ҳужжатларингиз ёнингизда йўқдир?

Х у п к а. Топдингиз, Шерлок! Кетдик Скотланд Ярдга!

Ж а н д а р м. Бечора. Ҳужжатларингизни йўқотиб қўйган бўлсангиз керак-а:

Х у п к а (*ўзини йўқотиб қўяди*). Нима? Нимани?

Ж а н д а р м. Бунинг ажабланоли жойи йўқ деяпман.

Х у п к а. Аммо... Ҳа, албатта... ахир, ҳужжатларсиз дунёга келмагандурман... демак, мен уларни йўлда йўқотдим, лекин сиз... сиз...

Ж а н д а р м. Сизга, табиийки, янги ҳужжат беришим керак. Бўлмасам, ҳокимиятнинг нима кераги бор? Биз сиз ҳақингизда сўровнома юборамиз.

Х у п к а. Айтинг-чи, сиз гўдак Исо эмасмисиз?

Ж а н д а р м (*кулади*). Унчалик эмас. Мен — оддий қишлоқ жандармиман. Гап шундаки, кеча тунда, роппа-роса соат 10 дан 25 дақиқа ўтганда, менинг суюкли рафиқам менга учта соппа-соғ эгизакларни совға қилди.

Х у п к а. Вақтида берилган совға — мустаҳкам дўстлик омили. Ҳа майли, менга қаранг, мени ҳеч кимга ўхшатмаяпсизми? Айтмоқчиманки, қидирув ҳақида эълонни эслайсизми? Мен бирорта киссовур-ўғрига ўхшамайманми?

Ж а н д а р м. Нималар деяпсиз. Кўзларингиз сизнинг ҳалол одамлингизни айтиб турибди.

Х у п к а. Бўлмасам, қулоқ солинг: ташқи қиёфа кўпинча алдамчи бўлади. Гапимга ишонаверинг. Сиз қочқин жиноятчини қўлга туширдигиз. Мени ҳибсга олинг!

Ж а н д а р м. Ҳеч қачон!

Кўзларингга боқиб турган дам,
Ҳужжат сўрамам сендан!

Х у п к а. Жин урсин! Сиз мени ҳибсга олишингиз керак! Солиқларни нимага тўлашяпти? Бунинг устига, мен учун 10 000 франк мукофот белгиланган.

Ж а н д а р м. Эй бадкирдор бойлик, эй манфур танга,
Нафратим сенгадир, нафратим сенга!

¹ Ақл бовар қилмайди (*франц.*).

² Машинадан тушган бўри (*лотинча*).

Х у п к а. Менинг жиғимга тегманг! Ўзингиздан кўринг: сизни хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳақорат қилишдан бошқа иложим қолмади.

Ж а н д а р м. Э, ўртоқ, бироз кўпроқ ичганга ўхшайсиз. Ўзингизни тутолмаяпсиз. Йўқчилик сизни қийнаб қўйибди-да. Лекин менинг даъвоим йўқ. Спиртли ичимликлардан ва сууқоёқ аёллардан нари юрсангиз бўлгани. Сиз, сиз... (*Кетади.*)

Х у п к а. Сиз, Сиз? Шунақа ҳам бўлар экан! Мен дайди билан «сиз»лаб гаплашадиган дунёдаги ягона жандарм билан танишдим. Ҳарҳолда, бу ҳам ёмон эмас. Лекин нимаси яхши? Масала мана қаерда. Дунёнинг бирорта бурчагида қандайдир махсус чегара – воқелик салтанати ва эртақ салтанати ўртасида чегара бормикан? Агар мен ҳеч нарсадан шубҳаланмай мана шу чегара бўйлаб юрган бўлсам-чи? (*Йўлдаги чанг устидан чизиқ тортади.*) Айтайлик, бу чегара мана шу ердан ўтса-чи, агар мен бу чегарадан, Пистолетти сингари, чап томон кетсам-чи... унда мен буткул шамоллаган, ҳужжатлари йўқ оддий дайдилигимча қоламан. Агар ўнгга, Санкт-Ульрих томон кетсам, йигирма қадам юрмасимдан орқамда кетворган “пиккард” машинаси тўхтади (*автомобиль тормози товуши эшитилади*) ва ундан кўзойнак таққан, қўлида тўппонча ушлаган миллионер аёл чиқади (*Гвендолин пайдо бўлади, қўлида тўппонча*) ва тоза Голливуд тилида менга мурожаат қилади...

Г в е н д о л и н. Хэлло, Лондонгача олиб кетайми?

Х у п к а. Мен эса зиғирча ҳам ҳайрон бўлмасдан, кетворган эркак каби, унга ҳазил аралаш жавоб бераман: хэлло, хоним, қуролингизни йўқотинг! Бу жажжигина буюмча бундай ҳавода шамоллаб қолиши мумкин.

Г в е н д о л и н. Бунинг иложи йўқ. Қулоғингиз шакли сизнинг камбағал ва гуноҳга ботиб кетганингиздан далолат бериб турибди. Сиз менга ташланасиз. Лекин буни кечирса бўлади. Биз ҳаммамиз гуноҳкор бандамиз. Ким биринчи тош отади?

Х у п к а. Марҳаматингиз учун Thank you¹ - Соф американча жавоб бераман. Аммо сиз бироз адашдингиз. Мен гангстер эмасман. Мен йўловчиман. Менинг исмим Килиан Хупка.

Г в е н д о л и н. Мен эса Графиня Гвендолин Букельбург-Мараскино, биринчи турмушимда – Кэш бўлганман. Нимага сиз доим менга орқа ўгириб турибсиз?

Х у п к а. Нима? (*Унинг томониغا қайрилади.*) Кўзларимга ишонмайман! Бу қандай уйғунлик? How do you do²?

Г в е н д о л и н. Мен shopping га боргандим.

Х у п к а. Немисча: мен бирор нарса сотиб олиш учун боргандим, дегани.

Г в е н д о л и н. Унчалик эмас. Мен фақат сотиб олмоқчи эдим.

Х у п к а. Тузукроқ нарса тополмадингизми? Албатта. Реклама кўнглингиз нимани истаса, ҳаммасини ҳозир нозир қилади, матоҳни бориб кўраман десанг, ҳаммаси бир пулга қиммат.

Г в е н д о л и н. Мутлақо тўғри...

Х у п к а. ...мулозамат билан жавоб беради. Мен эса худди шундай қилиб: хоним, сиз нима сотиб олмоқчи эдингиз дейман?

Г в е н д о л и н. Бирорта расмийроқ буюм.

Х у п к а. Нима? Ҳа, тантанали қабул учун либос.

¹ Ташаккур (*инглизча*).

² Яхшимисиз?

Г в е н д о л и н. Йўқ. Мен давлатни қидираётган эдим. Масалан, монархия ёки қандайдир республиками? Мен бу ерда бир неча шарқий Европа мамлакатларини чамалаб кўрдим.

Х у п к а. Мен димоғдорлик билан: хўш, нархи тўғри келмадими? — дейман. У бундан ҳам катта димоғ билан жавоб беради.

Г в е н д о л и н. Улар замонавий эмас экан. Эскирган маркалар.

Х у п к а. Буни қаранг-а. Умуман олганда, давлатни сизга нима кераги бор?

Г в е н д о л и н. Эримга керак. Граф Букельбург-Мараскинодан мен дворянлик номини олганман, бу ном император Андреас Кал даврига бориб тақалади. Никоҳ шартномасида айтилишича, мен унинг ўрнига 88-туғилган кунига унга давлат совға қилишим керак. Қирқ йил олдин у қандайдир Европа мамлакатининг давлат котиби бўлган. Бу лавозимда бир ҳафта давомида кетма-кет бир неча дипломатик ютуқларни қўлга киритган. Уни ҳайдаб юборишмагунича. Ўшандан бери ўзини қўярга жой тополмайди.

Х у п к а. Тушунарли. Энг зўр ташқи ишлар вазири ҳам давлатсиз бир пулга қиммат.

Г в е н д о л и н. Графнинг режалари жуда ката. Лекин бироз сабр қилиш керак. Бугуноқ бирорта муносиб давлат топишим керак.

Х у п к а. Менда зўр фикр бор. Шошилмаслик керак. Қидирув ишларингизни тўхтатиб тулинг. Мени эрингиз олдида сотиб олаётган давлатингизнинг 1-сон фуқароси ва савдо намунаси сифатида олиб борасиз. Ҳозирча шунинг ўзи кифоя.

Г в е н д о л и н. Яхши. Сизган бўлсангиз, ўзим ҳам шундай қилмоқчи эдим. (*Тўппончага ишора қилади.*) Ватанингизга муҳаббатингиз қандай?

Х у п к а. Қадрли дўстим. Мен ватанга муҳаббат билан туғилганман. Ўзимникигами, бировникигами, фарқи йўқ. Мени қандай фуқаро бўлишимни кўриб, ўзингиз ҳам ҳайратга тушасиз. Мен ҳалол, тежамкор инсонман. Ҳукуматга қарши чиқишга ўрганмаганман, сира ҳам.

Г в е н д о л и н. Жуда яхши.

Х у п к а. Жуда яхши! Жуда яхши. (*Маънос такрорлайди.*) Кейин у мени ўзининг “паккарди”га бир итаради-да, биз Лондон томон йўл оламиз. Худди Америка киносидагидек. Эҳ, Худойим, бундай бўлиши мумкин эмас...

Г в е н д о л и н. Хўш, борасизми мен билан, йўқми?

Х у п к а. Ҳалиям шу ердасизми?

Г в е н д о л и н. Албатта. Сизни кутиб турибман!

Х у п к а. “Албатта” деганингиз нимаси? Менга тушунтириброқ айта оласизми? Сиз ҳақиқатан ҳам бормисиз? Эй, муқаддас Непомук! Мени чимчилаб олинг! Яхшилаб чимчиланг. Вой. Лекин бу ҳеч нарсани ҳали исботламайди. Менга бир доллар беринг-чи... Келишдикми?

Гвендолин унга доллар узатади.

Х у п к а (*тангани тишлаб кўради*). Ростаккам доллар! Тушга ўхшамайди! Жуда зўр-ку! Бу туш эмас.

Г в е н д о л и н. Хўш? Мотор совиб қоляпти, ахир!

Х у п к а (*парда ортидан бақиради*). Писто! Писто! Мен ҳақимда ёмон фикрга бора кўрма. Мен фуқаро бўлиб ёлландим.

Чироқ ўчади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Жеймс, хизматкор. Графнинг овози.

Г р а ф. Жеймс?

Ж е й м с. Эшитаман, олий ҳазратлари!

Парда кўтарилди. Саҳнада – графнинг уйи.

Г р а ф. Табрик хатларини менга ўқиб беринг!

Ж е й м с. Жоним билан, олий ҳазратлари! (*Ўқийди*.) Ботир юнкерга 90- йилда Оденвальддаги унутилмас тўнғиз овидан эсдалик сифатида! Вильгельм.

Г р а ф. Қаранг-а, бу чол ҳали мени унутмабди-да! Ахир, у яна мансаб курсисига ўтирди!

Ж е й м с. Олий ҳазрат бироз чалкашдилар. Мансаб курсисига ўтирган бошқа одам.

Г р а ф. Бўлиши мумкин. Давом этаверинг.

Ж е й м с. Бу дунё биз, ёшларга тегишли. 120 гача. Ллойд Жорж. Рокфеллер.

Г р а ф. Нақадар ажойиб! Худди шу тарзда давом этинг.

Ж е й м с. Узр, жаноб, қандайдир одам қабул қилишингизни сўраяпти.

Г р а ф. Ким экан у?

Ж е й м с. Ижозат берсангиз, шубҳали кимса, олий ҳазрат, агар у жонингизга қасд қилмоқчи бўлган анархист бўлиб чиқса, мен ҳечам ҳайрон бўлмайман.

Г р а ф. Жудаям соз. Кирсин.

Хупка пайдо бўлади.

Ж е й м с (*баланд овозда*). Хупка (*Сездирмасдан Хупкага мушт кўрсатади-да, чиқиб кетади*.)

Х у п к а. Менинг исмим Хупка, Килиан Хупка.

Г р а ф. Ажойиб. Хўп, кейин-чи?

Х у п к а. Мен бироз қийин аҳволга тушиб қолдим, жаноб. Мен бўйнимга ҳаворанг тасмача осиб, ўзимни 88 та шағам билан безаб олишим керак эди.

Г р а ф. Ажойиб.

Х у п к а. Менинг исмим Хупка. Лекин ҳозир мен байрам торти ролини ўйнаяпман.

Г р а ф. Ажойиб. Аммо мен ақлдан озганга ўхшайман. Газеталарнинг ёзишича, мен 88 ёшимни буткул жисмоний ва ақлдан тетик ҳолда қаршиляяпман. Лекин ҳозир газеталар қип-қизил ёлғон ёзадиган бўлган...

Х у п к а. Хафа бўлманг, жаноб! Сиз ҳозир ҳаммасини тушуниб оласиз. Мени сизга биринчи фуқаро сифатида тортиқ қилишди.

Г р а ф. Ажойиб, ажо... Эй, худо! Наҳотки мени ташқи ишлар вазири этиб тайинлашган бўлса? Ниҳоят, халқ менинг қобилиятларимдан баҳраманд бўлармикин?

Х у п к а. *Contraire*¹, олий ҳазрат! Сиз совғага халқни оласиз. Лекин халқни сизга сал кейинроқ беришади. Мен фақат газакман. *L'etat c'est moi*²!

Г р а ф. Халқ! Давлат!

Х у п к а. Хукмдор! Агар сизга шу керак бўлса, биз сизни мўйсафид шоҳ сифатида тахтга ўтқазамиз.

Г р а ф (*тантанавор ҳолатда*). Мен даъватга бўйсунаман!

Х у п к а. Шарафлар бўлсин!

Г р а ф (*қотиб қолган нигоҳ билан*). Бисмаркни ким заҳарлаганини биласизми?

Х у п к а. Ҳа. Ҳеч ким.

Г р а ф. Ёлгон. Вегетарианчилардан бири заҳарлаган. Сабабини биласизми?

Х у п к а. Чунки бу ҳақиқат.

Г р а ф. Чунки Бисмарк протестант бўлган! Мен ҳужжатлар билан шуни исботладимки, Тильзит келишуви давридан бери вегетарианчилар ва протестантлар дунёга ҳокимлик қилиш учун урушиб келмоқда. Марказий Европа давлатлари урушда мағлуб бўлганига ким айбдор?

Х у п к а (*чўчиб*). Мен. Ўшанда мен ясси товонликдан азият чекиб юргандим.

Г р а ф. Ёлгон. Фагот ўйини ишқибозлари айбдор. Ллойд Жорж фаготда ўйнашни яхши кўрарди. Полковник Редль фагот ўйнади, Германия штаби фаготчиларга тўлиб-тошиб ётганди. Нима учун президент Вильсон ҳаётида бирор марта ҳам фаготга яқинлашмаганини биласизми?

Х у п к а. Йўқ.

Г р а ф. Ўзини фош этмаслик учун.

Х у п к а. Маккорликни қаранг-а. Аммо қарзни узиш вақти келди.

Г р а ф. Чамамда, сиз ақлда ҳам, мантиқда ҳам, сезгирликда ҳам қолишмайдиганга ўхшайсиз. Қулоқ солинг! Менинг бутун дунёни тўғри қайта қуриш режам қуйидагича: авваламбор, мен Миллатлар Лигасидан чиқаман. Бу билан воқеликни мулоҳаза қилиш сиёсати учун йўл очилади. Кейин энг муҳим масала — Данциг масаласини ҳал қиламиз. Кўряпсизми, ҳеч қийинчилиги йўқ. Польша Шарқий Европадаги йўлак орқали Ўрта ер денгизига йўл очади.

Х у п к а. Халқлар бунга нима дейди?

Г р а ф. Газеталар нимани ёзса, шуни дейди. Албатта, Италия ҳукуматига бу ёқмайди. Мен буни ҳам ҳисобга олганман. Товон сифатида унга Родос ва Мальта ороларини берамиз.

Х у п к а. Нақадар ақлли фикр! Нис Rhodos, hic Malta. Оролдагилар бунга нима дейди?

Г р а ф. Нима дейишга руҳсат берилган бўлса, ўшани дейди. Бунга қарши Англия ҳукумати шов-шув кўтаради. Бундай ишларда ниҳоятда нозик сезгирлик керак. Британия империяси унинг ўрнига кемаларнинг Суэц канали орқали сузиб ўтиш ҳуқуқини олади.

Х у п к а. Тушундим. Мисрликлар Маньчжурияни, французлар — Голландия Ҳиндистонини оладилар. Голландияликлар эса Шлезвиг-Гольштейнни, данияликлар Куба оролини, америкаликлар Люксембургдаги озод портни, люксембургликлар — Постдам майдонидаги аэродромни, руслар эса бошларига мушт оладилар.

¹ Аксинча (*франц.*).

² Д а в л а т — бу мен (*франц.*).

Г р а ф. Ҳа, бутун цивилизация дунёсидан.

Х у п к а. Сиз халқаро аҳволни жуда яхши таҳлил қилдингиз. Колумб айтганидек, Эврика!

Г р а ф. Мен бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишнинг ягона йўлини топдим.

Х у п к а. Лекин шубҳам борки, халқлар...

Г р а ф. Намунча халқлар деяверасиз! Халқлар ички ишлар вазирлигига тегишли. Ташқи сиёсат учун халқнинг нима алоқаси бор?

Г в е н д о л и н (*тушкун ҳолатда киради*). Луитпольд! Ҳаммаси тамом!

Г р а ф (*қўлидан ўнади*). Гвендолин, раҳмат сенга. Ўн йилдан бери менинг соям Европа сиёсати пардаси ортида қолиб кетаётганди. Бугундан бошлаб эса...

Г в е н д о л и н. Ҳаммаси тугади, Sweetheart! Ҳаммаси барбод бўлди!

Г р а ф. ...ўзимнинг дипломатик ақл-фаросатимни...

Г в е н д о л и н. Мен дунёдаги энг бебахт аёлман. Бошқа чидолмайман! (*Йиғлайди*.)

Г р а ф...ишга солиш имкониятига эга бўляпман. Сенга бирор гап бўлдими, бошқачасан? Ёки менинг сезгирлигим панд бeryаптими?

Г в е н д о л и н....Телеграмма! (*Кўз ёшини артиб телеграммани узатади*.)

Х у п к а. Мутлақо бегона шахс сифатида менга ижозат бергайсиз... (*Телеграммани олиб, ўқийди*.) “Қора жума. Акцияларингиз кеча 22, бугун 26 ноль бутун ноль. Гвендолин-билдингдаги акциядорлик жамияти ёнғин қарида. Рузвельтга нисбатан эътироз билдирилмоқда. Умид йўқ. Нима қиламиз?”

Г в е н д о л и н (*йиғлайди*). У бир неча кундан бери столимда ётган экан. Луитпольд, нимага уни очмадинг?

Г р а ф. Атайин очмадим, азизам. Ҳар қандай қоғоз камида икки ҳафта ётиши керак, етилиши учун.

Х у п к а. Ишонтириб айтаманки, бу гал у етилди.

Г в е н д о л и н. Мен хонавайрон бўлдим, Луитпольд. Ҳисобимда 10000 доллардан кўп пул қолмади. Мен қашшоқман энди.

Г р а ф. Ҳеч нарсани тушунмаяпман.

Г в е н д о л и н. Сен ташқи ишлар вазирлигидан воз кечишинг керак.

Г р а ф. Мен бу ишларда умуман ҳеч нарсани тушунмайман.

Х у п к а. Бу ҳам фагот чалган бўлса керак.

Г р а ф (*ўтиради*). Тушундим. Европа барбод бўлди.

Г в е н д о л и н. Мен эса сенга давлат совға қилмоқчи эдим. Бечорагинам Луитпольд!

Г р а ф (*жиддий*). Учта илғаб бўлмас ҳуфиёна кучлар менинг юрагимга найза санчяпти. Мен – жаҳон сиёсатининг буюк шажарасиман, улар эса менинг илдизимни кесишга уриняпти.

Х у п к а. Шошманг, ҳазрати олийлари! Бутунлай ақлдан озишга шошилманг.

Г в е н д о л и н. Хупка, маошингизни олинг-да, кетаверинг. Мен сизни фуқароликдан озод этаман.

Х у п к а. Тўхтанг! Тўхтанг! Ҳазрати олийлари, ахир ўзингиз ташқи сиёсат учун халқнинг кераги йўқ демаганмидингиз? Халқ керак бўлмаса, худуднинг ҳам ҳожати йўқ. Демак, худудсиз давлатни хаёл қилса бўлаверади, тўғрими?

Г в е н д о л и н. Умуман ҳеч нарсани тушунмаяпман.

Г р а ф. Албатта, албатта!

Х у п к а (*ҳаяжонланиб*). Ҳечқиси йўқ. Давлат учун муносиб ном топсак бўлгани. Ўзини ҳурмат қилувчи ҳар қандай давлат қандайдир рестораннинг номини олган. Келинг, ном излаб кўрамиз! *Saif de France*: Франция бор. *Saif de L'Europe*: Европа ҳам бор. Энг зўр номларни эгаллаб бўлишибди. Херренхоф Республикаси? Унчалик халқчил эмас. Гаделе князлиги? Ҳаддан зиёд антиқа. Эркин федератив штатлар. Бўладими? Жиддий давлатни бундай деб номлаб бўлмайди... Астория... Топдим! Астория Қироллиги!

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Астория элчихонаси салони. Буюк княгиня Анастасия М., П.хоним, лорд Р., Ж.Б.Шоу, Гвендолин, Жеймс.

Г в е н д о л и н.

Зиёфат тугади — бирам гаройиб!
Мени ҳаяжонлар чулғайди яна, —
Кўнглимга нур тарар дўстлар ажойиб
Рухим юксалтирар дуркун тантана.
Мискин юрагимда жўш уриб ҳислар,
Масрур даврангизда бўлдим бахтга ёр!

М е ҳ м о н л а р.

Кўйинг, қўйсангиз-чи, юракдан бизлар
Ташаккур айтаминг, ташаккур минг бор!

Ж е й м с. Ишонтириб айтаманки, бизнинг зиёфат Лондондаги бу мавсумнинг энг дабдабали воқеаларидан бирига айланади.

Г в е н д о л и н.

Теграмга боқаман — кўзларим тинар,
Бошим айланади боққаним сари,
Рухимга ҳар кимдан бир шуъла инар —
Бизнесмену ноёб сиймодир бари.
Энди сизлар билан юрагим изми,
Сизга чин ихлосим қиламан изҳор!

М е ҳ м о н л а р.

Кўйинг, қўйсангиз-чи! Аксинча, бизнинг
Ҳурматимиз сизга юксалди минг бор!

Ж е й м с. Ташриф буюрганлар ичида мамлакатимиздаги энг қадимий нишон эгасининг гўзал рафиқаси П.хонимни кўряпмиз.

П. х о н и м. Мен ўз либосларимни фақат Паулетти Грюнцвейгдан оламан.

Х и з м а т к о р. Буюк княгиня Анастасия М. айна пайтда — қувғинда. Айтишларича, у ўзининг тенги йўқ гўзаллигини буюк давлатларнинг қашшоқ идораларида намойиш қилмоқда.

А н а с т а с и я (*мағнисиз хохолой бошлайди*). Ха-ха-ха-ха-ха! (*Жиддий тус олиб*.) Эътибор қилинг: Буюк княгиня Анастасия. Топиш қийин эмас: Нельсон кўчаси, 7а уй.

Х и з м а т к о р. Лорд Р., газета концерни бошлиғи. Сўнгги уруш якунларини кўриб чиқиш бўйича гоёларни қўллаб-қувватлаш борасидаги буюк саъй-ҳаракатлари билан танилган.

Л о р д Р. Диққат, давлатнинг енгилган умматлари! Тушкунликка тушманг! Лорд Р.га ишонинг! Ғалабага шубҳа йўқ! Мижозлардан кўплаб ёзма ташаккурномалар бор!

Ж е й м с. Ж.Б.Шоу, бизнинг машҳур сурбетларимиздан бири.

Ш о у. Европанинг йигирма тўрт соатлик умри қолди. Бизнинг меросхўрларимиз готтентотлар бўлади. Ким эрта турса, худо ўшанга барака беради.

М е ҳ м о н л а р.

О, қандай ўткир, аниқ,
Аччиқ ҳамда ёқимли!

Г в е н д о л и н.

Сўзингиз мисли шамшир,
Юракларга солар из,
Ахлоқ учун даъватдир!
Таъзим-ла бош эгамиз!

Шоу.

Кўйсангиз-чи! Кўйсангиз-чи!
Биз бошимиз эгамиз!

Ҳ а м м а б и р г а. Эгамиз! Эгамиз! Эгади! Ҳамма эгади!

Х у п к а (*киради. Энида башанг фрак, кўкрагига орденлар тақиб олган*). Ladies and gentlemen, gerls and boys¹. Сизларни кўмирчининг ғарибона кулбасида кўриб турганимиздан бениҳоя хурсандмиз.

Ҳ а м м а (*Гвендолиндан ташқари*). Эҳ, жаноб маслаҳатчи! (*Атрофини ўраб оладилар.*)

П. х о н и м. Ҳазрати олийлари граф ҳали Форин Офисдан қайтмадиларми? Нимага бунчалик кечикяптилар?

Х у п к а. Биласизми, мен расмиятчиликка риоя қилишим керак. Аммо сиз менга ёқиб қолдингиз, шунинг учун ишончли манбалардан баъзи бир далилларни сизга айтишим мумкин. Умуман олганда, гап Давра суҳбати борасида кетяпти.

Л о р д Р (*Шоуга мурожат қилади*). Қуп-қуруқ сафсата, кўриниб турибдики, бу Хупка – уччига чиққан дипломат.

Х у п к а. Тарихда биринчи дипломат Одамота бўлган.

П. х о н и м. Нақадар фалсафий сўзлар!

А н а с т а с и я. Ха-ха-ха-ха! Момоҳаво ҳақида нима дея оласиз?

Ш о у (*топқирлик билан*). Момоҳаво унинг хотини бўлган!

А н а с т а с и я. Тан оламан – енгилдим.

Л о р д Р. Барибир сиз – Европадаги энг ақли аёлсиз. (*Гвендолинга*). Дарвоқе, графиня, сизнинг ажойиб ватанингиз қайси юртларда жойлашган?

Г в е н д о л и н. Нима дедингиз? Кечирасиз, нима ҳақида гапиряпсиз?

П. х о н и м. Милорд, шуни ҳам билмайсизми? Астория Тиролда жойлашган. Пойтахти Рейнгард деб аталади.

Л о р д Р. Миледи Австрияни назарда тутяпти. Унинг пойтахти...

Ш о у. Лорд Р. – географияни биладиган ягона инглиз фуқароси. География унинг мафқурасидир. Мен географияни бекор қилишни таклиф қиламан. Бу урушларнинг олдини олишнинг энг ягона воситаси бўларди.

Г в е н д о л и н. Намунча гапларингиз тагдор бўлмаса! Хонимлар ва жаноблар! Малайя салониға марҳамат қилинг. Астория жаз-дастаси Вена наволарини ижро этади.

¹ Хонимлар ва жаноблар, қизлар ва йигитлар (*ингл.*).

П. х о н и м. О, lovely¹!

Анастасиядан бошқа ҳамма салонни тарк этади.

А н а с т а с и я (тўрли рўмолчасини ғижимлайди, пешонасини тириштиради, чап парда томон кетаётгандек бўлади-да, яна саҳна ўртасига қайтади, кўзларини қисади, сирли шивирлайди). Яхши. (Улуғвор тарзда ўнг парда томон юради. Шу пайт салонга қайтаётган Хупка билан тўқнашади.)

Х у п к а. Кечирасиз.

А н а с т а с и я (фитна уюштираётгандек). Ҳечқиси йўқ! (Унга ёввойи нигоҳ ташлайди.) Сизга Чайковский ёқадими?

Х у п к а. Озгина ром билан кичик бўлак лимон қўшса, ундан мазали нарса йўқ (Бар олдига бориб ўтиради.)

А н а с т а с и я . Ха-ха-ха-ха-ха! (Кетади.)

Х у п к а. Бу ҳам ғаламислик қилипти. Осон бўлмайди, шекилли. (Ичади.)

Г в е н д о л и н (киради, асабийлашиб, Хупкага мурोजаат қилади). Кўп ичманг. Ҳар қандай эҳтиётсиз сўз давлатимизга хавф солиши мумкин.

Х у п к а. Кошкийди, ҳаммаси шунчалик осон бўлса. Бу жиҳатдан Астория бошқа замонавий давлатлардан қолишмайди. Менимча, турфа бахтсизликка етаклайдиган яна минглаб сабаблар бор. Бизнинг ватанда энг шубҳалиси – хорижий сайёҳларни киритмаётганимиз.

Г в е н д о л и н. Сиз қандай йўл билан бўлса ҳам Асторияга кирмоқчи бўлган анави жирканч сайёҳни айтяпсизми?

Х у п к а (қовоғини уйиб). Фотоаппарати бор унинг.

Г в е н д о л и н. Уни жавобини бериб бўлдим. Унга: – Астория, бу тоғли ўлка, унда йўл йўқ, ҳаттоки энг бақувват сайёҳлар ҳам у ерда қоқилиб, белини синдирадилар, – деб тушунтирдим.

Х у п к а. Сиз нишонга тўғри урибсиз. Мен ҳам унга Астория – бу балчиқ жой, у ерда юкумли касаллик тарқатадиган пашшалар ғужғон ўйнапти деб неча бор айтдим. Шуниси ачинарлики, унга қанчалик заҳарли илонлар ва цеце пашшаси ҳақида кўп гапирсам, унинг кўзлари борган сари чақнаб кетяпти. Охир-оқибат шу маълум бўлдики, хотини унга бефаволик қилган экан, мана энди у ўлиб кетадиган жой қидириб юрибди.

Г в е н д о л и н. Хупка. Қитъани танлаб бўлдингизми?

Х у п к а. Йўқ ҳали. Лекин бунга тезроқ ҳал қилиш керак.

Г в е н д о л и н. Келажак мен учун зулматдек қоронғу.

Х у п к а. Шундайми? Сиз қоронғулик ҳақида ҳам биласизми?

Г в е н д о л и н. Қандай қоронғулик ҳақида гапиряпсиз?

Х у п к а. Ўн беш дақиқадан сўнг бутун элчихона биносида чироқни ўчириб қўйишади, чунки сиз электр ҳақини тўламагансиз.

Г в е н д о л и н. Қандай кўргулик!

Х у п к а. Бу сизнинг айбингиз! Охирги 10 000 долларни ақл билан сарфлашингиз керак эди. Лекин бу Британия империяси билан жанжаллашиб қолганимиз олдида ҳеч гап эмас.

Г в е н д о л и н. Қандай қилиб?

Х у п к а. Мен нима ҳам қила олардим? Лорд Игрек менга Англия қироли пойтахтимизга ташриф буюрмоқчи экани ҳақида расмий хабар берди.

Г в е н д о л и н. Сиз нима дедингиз?

Х у п к а. Ташаккур дедим. Афсуски, бунинг иложи йўқ, дедим яна.

¹ Ажойиб!

Г в е н д о л и н. Нима учун?

Х у п к а (*елка қисиб*). Чунки бизда ҳаммаси навбат билан бўлиши керак.

Г в е н д о л и н. Сиз империяни ҳақорат қилдингиз.

Г р а ф (*киради, тантанали тарзда*). Жаноб маслаҳатчи, ташаккуримни қабул қилинг!

Х у п к а. Арзимаиди.

Г в е н д о л и н. Луитпольд, сени ҳибсга олишмадими?

Г р а ф. Аккредитациялашди, азизим. Бизнинг чаққон Хупка Форин Офис машинасини ҳаракатга келтирди.

Х у п к а. Шошма, шошма! Чаққон Хупканинг нима алоқаси бор?

Г р а ф. У империяни ҳақорат қилди. Бунга биринчилардан бўлиб Франция жавоб қайтарди ва бизнинг давлатимизни тан олишдан бош тортди. Ундан кейин Германия сўз олиб, муносиб равишда бизни тан олиши ҳақида баёнот берди, бунинг натижасида Кичик Антанта мамлакатлари бизни эътироф этмаган бўлсалар, Италия ўша заҳоти тан олди, Австрия ва Венгрия ҳам унга қўшилди, айни пайтда Америка рад этган бўлса, унга норозилик тариқасида Япония бизни қўллади, шундан сўнг Англия ҳаммасини тарозига солиб, бизни тан олди.

Х у п к а. Энди биз бу ғалвадан чиқиб кетгунимизча ўн йил ўтади.

Г р а ф (*ғурур билан*). Камида ўн йил! Мана буни мен дипломатия деб атайман. Асториянинг Фарб ва Шарқ ўртасидаги бастион сифатидаги ўрни менинг зиммамга умумевропа даражасидаги юксак вазифа юклайди. Энди мен орденлар топширишим керак (*Тантанавор чиқиб кетади.*)

Х у п к а. Астория Шарқ ва Фарб ўртасидалигини бу содда чол қаердан била қолди?

Г в е н д о л и н. Бу ҳақда у менга бугун эрталаб нонушта пайтида айтиб берди. Фақат декадент мамлакатларгина Шарқ ва Фарб ўртасида жойлашмаган.

Олдинги меҳмонлар хушчақчақ кайфиятда қайтадилар. Уларнинг қўлида глобус бор.

Г в е н д о л и н. Қойил! Нақадар ажойиб глобус! Юмалоққина...

П. х о н и м. Биласизми, графиня, ҳозиргина биз учун мухтарам бўлган Жи-Би-Эс нима деганини айтайми?

Ш о у. Мен Астория йўқ деб айтдим.

Сукунат.

Г в е н д о л и н. Қойил!

Х у п к а. Муқаддас Непомук, бутун умидимиз сендан!

Ш о у. Шу билан бирга, мен Англия ва Америка ҳам йўқ, дедим.

П. х о н и м. Ҳа, тасаввур қиялпсизми? Бу у айтган энг ажойиб сафсата бўлса керак.

Л о р д Р. Биз глобусни олиб, унинг ёрдамида устозга Англия ва Америка борлигини исботлаб бердик.

Ш о у. География сиёсий далил бўлиши мумкин, лекин у исбот ўрнига ўта олмайди.

П. х о н и м. Жуда қизиқ!

Л о р д Р. Бироқ Астория қироллигини топа олмадик. Ҳаттоки кулгингиз келади.

Х у п к а. Ха-ха-ха-ха! (*Ҳамма унга ва Гвендолинга тикилиб қолади.*)

Хупка ароқнинг таъсиридан гандираклар туради.) Бунинг қийин жойи йўқ. Тинч океани бўйлаб тўғри борасиз-да, учта республикадан ўннга буриласиз. Тўртинчи нефть конининг орқасига ўтасиз, Рио-Супероксиднинг чап қўлтиғи бўйича кесиб ўтасиз...

Л о р д Р. Булар қаерда жойлашган?

Х у п к а. Агар сиз уларнинг қаердалигини билмасангиз, қолганини мен қандай тушунтира олайин?

П. х о н и м. Глобусдан кўрсатинг.

Х у п к а. Яхшиси, мен қайтадан тушунтираман. *Astoria divisa est in tres partes. Quarum unam appellant cis secundam trans terriam etcetera cum granziaad infinitum. Corriere dellasera. Caveant consules. Astoria i psalucus a non lucendo. Arpes nous cum grano salis. Jedze Polska ne sginila. Astoria quasi una fantasia quo usque tandem ceterum cenceo Carthaginem esse delendam. Vive Empereur!*

П. х о н и м. У асторияча тилда гапиряпти.

Ш о у. Астория ва ўзбек тиллари — келажак тилларидир.

Х у п к а (*глобусдан чалғитишга ҳаракат қилиб*). Астория тунлари! Уларда балалайка торлари акулаларнинг наъраси билан алмашинади; тоғлик баҳодирлар асфальт ойнасида акс этадилар, ҳадиксираган гну-антлопалар эса тўйиб сув ичгани шошадилар; шудгорланган далалардан буг кўтарилади, Тинч океани тўлқинлари эса Колумб ва викингларни хумор қилади! О, girls and boys! Яхшиси, викинглар ҳақида гаплашайлик. Викинглар...

П. х о н и м. Сизнинг илоҳий мамлакатингиз бизни гоят завқлантирмоқда. Хўш, қаерда экан у?

Х у п к а (*глобусни айлантириб*). Ер шунчалик тез айланиб турганда мен уни қандай кўрсатаман?

Ш о у. Ер айланмайди. Бу Галилейнинг хурофоти!

Ҳ а м м а. Мутлақо тўғри!

Г р а ф киради, кўлида орденлар.

Х у п к а (*тушкун*). Ҳазрати олийлари! (*Ҳиқичоқ тутади*.)

Г в е н д о л и н (*жаҳл билан*). Ўзингизни қўлга олинг!

Х у п к а. Ҳазрати олийлари! (*Ҳиқичоқ тутади*.)

П. х о н и м (*секин*). Этишяпсизми? Бу асторияча саломлашиш... (*Ҳамма бу хабарни бир-бирига узатади*.)

Ҳ а м м а. Ҳазрати олийлари. (*Ҳиқичоқ тутиб*.)

Граф таажжубда, жавобан ҳиқичоқ тутади.

Л о р д Р. Бу ерда нимадир бор. Астория қаерда жойлашганлигини айтасизми-йўқми?

Г р а ф (*унга яқинлашиб*). Лорд Р., сиз доим Астория чегараларини қайта кўриб чиқиш тарафдори бўлгансиз. Бу буюк вазифани давом эттиришингизни сўраб, сизни Астория Рунаси орденининг Буюк Вазири этиб тайинлайман.

Л о р д Р. Асторияга сўнги ташрифим мени зудлик билан унинг чегараларининг яхлитлигини тиклаш заруратини кўрсатди.

Ш о у. Шунга қарамай, мен Европа руҳининг эркин танқиди номидан айтаманки... Қани Аст....

Г р а ф. Сизга, азиз устозим, асторияча фикрлаш ва яшаш тарзини бутун дунёга оммалаштирганингиз учун III даражали Астория Бобри Орденини топшираман ва ҳар қандай бож тўловларидан озод этаман!

Ш о у. Асторияга сўнги ташрифимда унинг дунёдаги энг илгор мамлакат эканига ишонч ҳосил қилдим.

П. х о н и м. Айтинг-чи, азизим, ҳарҳолда...

Г р а ф. Сизга, П.хоним, II даражали Хоч билан бирга асториялик фахрийларимиз ва етимларимиз ҳақида қайғуриш вазифасини топшираман. Сиз доим етимчаларнинг меҳрибон онаси бўлгансиз.

П. х о н и м. Сизнинг ажойиб мамлакатингизда ижтимоий масалаларга жуда катта эътибор берилади.

А н а с т а с и я . Қойил, лекин қани...

Г р а ф. Буюк княгиня! Большевизмнинг олий даражали қурбони сифатида сизга Асториянинг фахрий фуқаролигини ва 30 000 фунт миқдорида йиллик нафақа белгилайман.

А н а с т а с и я . Мен сизнинг оддийгина, илоҳий мамлакатингизни биламан ва яхши кўраман! Ох, мен сабр-бардошли асториялик деҳқонни нақадар яхши кўраман! Яшасин она-Астория!

Х у п к а (*орденлар тарқатиб бўлингандан кейин Астория шаънига санолар айтади ва қадаҳ кўтаради. У бутунлай маст ҳолда глобусни айлантиради*). girls and boys! Лаънати Асторияни ҳеч тополмаяпман-да.

Ҳ а м м а. Қанақасиз тополмайсиз?! (*Хонанинг бошқа бурчагида турган Хупканинг қўлидаги глобусга ишора қилишади.*) Мана турибди-ку!!!

Х у п к а. Ҳа-я...

Электр компанияси агенти пайдо бўлади. Гвендолин у билан эшик олдида тўқнашади.

А г е н т. Агар хоним электр ҳақини ҳозироқ тўламасалар, мен чироқни узиб қўяман.

Г в е н д о л и н. Қулоқ солинг менга. Биз Япония билан махфий иттифоқ туздик.

А г е н т. Бўлмаса Япония сизнинг қарзингизни тўласин.

Г в е н д о л и н (*Хупкани кўкрагини безаб турган орденни юлиб олади*). Мен сизга тантанали тарзда I даражали Боғич орденни топшираман.

А г е н т. Омон бўлинг! Энди мен электрни узаман.

Х у п к а (*агентнинг ёнига югуриб келади*). Бироз сабр қилинг! (*Лорд Р.га яқинлашади.*) Узр, милорд, мамлакатимизнинг дўсти сифатида менга озгина қарз беролмайсизми?

Л о р д Р. Сизга қанча керак, жаноб маслаҳатчи?

Х у п к а (*қоғозга қарайди*). Роппа-роса 35.

Л о р д Р. Билсам бўладими, қандай харажатлар учун?

Х у п к а. Электр жиҳозлари учун.

Л о р д Р. Шундайми? Ҳарбий мудофаа учун денг? Нима учун ёрдам сўраб Д.га мурожаат этмаганингиздан таажжубдаман.

Х у п к а. Д.тасодифан ўзи билан пул олмаган экан. Биласиз-ку. Ойликдан олдин ҳамманинг чўнтаги қуриydi.

Л о р д Р (*ўйланиб қолади*). Чакки эмас. Мен бу ишга ўз сармойамни тикаман — ҳеч бўлмаганда Рокфеллернинг асабига тегиш учун...

Х у п к а (*таслим бўлмасдан*). Яшанг! Бир унинг асабига тегайлик!

Л о р д Р (*Хупка билан қўл ташлашади*). Келишдик!

Х у п к а (*бошқа қўлини чўзади*). Раҳмат.

Л о р д Р. Арзимаydi.

Х у п к а. Эй, Ҳазрати олийлари...

Л о р д Р. Арзимаydi, дедим-ку.

Х у п к а. Пул-чи?

Л о р д Р (*кулади*). Жаноб маслаҳатчи. Сиз жудаям зўр ҳазилкаш

экансиз. Ха-ха-ха-ха — ўттиз беш миллион доллар — мен бунча пулни ёнимда олиб юрмайман.

Х у п к а (*базўр кулишга ҳаракат қилади, кулгиси йўталга айланади*). Ха-ха-ха-ха.

Л о р д Р. Ёки сиз Астория валютасида олмоқчимисиз?

Х у п к а. Ҳа... кус-кусларда.

Л о р д Р. Кус-кусингизнинг курси қандай?

Х у п к а (*ўзини зўрға тутиб*). Қиммати ошган кус-кус 15 кусга тенг, ёки 75 ус, ёки 30 кукуруз... (*Агентга ташиланади*.) Мен сизга кус-кусда тўлайман.

А г е н т. Мен эса электрни узаман.

Х у п к а. Нима ҳам қилардик. Ўчираверинг.

Г в е н д о л и н. Хупка, нималар деяпсиз?

Х у п к а. Менга қаранг, бизда энди давлат қурилиши шакли, давлат ордени ва махфий ҳарбий иттифоқлар бор, миллий табрик ва инфляция бор. Албатта, ҳали кўп нарсалар етишмайди. Лекин ишлар жойидан жилди-ку, секин-аста яхшиланиб бораверади.

А г е н т. Еруғликсиз.

Г в е н д о л и н (*Хупкага*). Тушуниб турибман. Энди биз ҳеч нарсдан кўрқмасак ҳам бўлаверади. (*Агентга*.) Чироқни ўчираверинг. Қисқа туташув юз берди деб қўя қоламиз. Тўхтанг! Яна нимадир етишмаяпти! Миллий гимн керак! Анъаналаримизнинг муқаддас навоси! Хупка. Қоронғу тушмасдан тез миллий гимн ёзинг.

Хупка баланд овозда увиллаб юборади. Бошқалар унга жўр бўладилар. Бир зумда чироқ ўчади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Астория элчихонаси дарвозаси олдида Пауль ва Пистолетти ухлаб ётишибди. Пауль совуқдан уйғонади.

П а у л ь. Совуқ.

П и с т о л е т т и (*уйғонади*). Сенга ҳеч нарса ёқмайди. Ё шамоллайсан, ёки қуёшда қуясан. Ҳаммаси бир одамга кўплик қилади.

П а у л ь. Бизни бу ердан ҳайдаб чиқаришмаганида эди...

П и с т о л е т т и. Нима, барча Лондон қаҳвахоналарининг хўжайинлари бизга ўхшаган дайдиларни кучоқ очиб кутиб олади, деб ўйлаганмидинг?

П а у л ь. Ҳа, шундай деб ўйлагандим.

П и с т о л е т т и. Хўш, бундай фикр сенга қаёқдан келганди?

П а у л ь. Мен Британия миллатининг гурури ҳақида эшитгандим.

П и с т о л е т т и. Демак, сен шунга лойиқсан (*Яна ухлашга тараддудланади*.)

П а у л ь (*паузадан сўнг*). Совуқ.

П и с т о л е т т и. Мана энди кайфинг ҳам учиб кетди. Маст одамнинг молдан фарқи йўқ. Инсоний қадр-қимматингдан хурсанд бўлиб юравер.

П а у л ь (*совуқдан титраб*). Мен шундоғам хурсандман. Фақат одамга ўхшаб тузукроқ жойда, у-бу нарсани еб-ичиб ўтирсам эди...

П и с т о л е т т и (*ўтиради, мулойим овозда*). Ҳозирги ёшларда мантиқ деган нарса йўқ. Бундай шароитда сен яна ичволиб, молга айланиб қолардинг ва демак, яна инсоний қадр-қимматингни йўқотардинг.

П а у л ь. Қадр-қимматимни йўқотсам-да, барибир бахтли ҳис этардим.

П и с т о л е т т и. Мен ҳам шуни айтаман-да. Ё бахтни ҳис этиш, ё одам – ҳаммаси бирга берилмайди.

П а у л ь. Мен бунга ишонмайман.

П и с т о л е т т и. Тўхтаб тур, ишонмай қаерга борардинг. Аввал атрофинга яхшилаб қара.

П а у л ь. Мен ҳам худди шундай қилмоқчиман. Қаердадир ер юзида...

П и с т о л е т т и. “Қаердадир ер юзида...” Мен ҳам биринчи марта дайдиликка юзланганимда, шу ашулани хиргойи қилардим. Эҳ, қани энди ёшлик билса, қарилик эса уддалай олса. Одамга ҳаммаси бирга...

П а у л ь. Сен яна “ёки-ёки” демоқчимисан? Мен эса “Қаердадир, ер юзида!..” дейман.

П и с т о л е т т и. Хўш, йигитча қаерда?

П а у л ь (*хўрсиниб*). Қаерда? (*Ой шуълси Астория элчихонаси эшиги олдидаги тахтачага тушади.*) Асторияда, масалан.

П и с т о л е т т и (*қизиқсиниб*). Асторияда? Бу яна нима дегани?

П а у л ь. Қандайдир давлат. Қаердадир жойлашган давлат.

П и с т о л е т т и. Бунақасини энди эшитишим.

П а у л ь. Мен ҳам. Шунинг учун ҳам айтяпман-да.

П и с т о л е т т и. Шунақа дегин. Аҳмоқ қиляпсанми? Ё ақлдан озгансан, ёки ҳеч қандай умид йўқ – бир одамга ҳаммаси кўплик қилади.

П а у л ь. (*секин*). Овозингни ўчир, Пистолетти. Асторияда қишда бошпанасизлар совқотмаслиги учун йўлакларни иситишади. Боғлардаги дарахтларда Ҳиндистоннинг ўзидан келтирилган бананлар осилиб турибди. Асторияда одамлар гамдан эмас, балки бахтдан сархуш бўладилар. Ахир Асторияда ҳамма нарса бепул. Ҳаттоки пул ҳам. Қизлар эса ёзги кўйлақда юришади...

Элчихона номи ёзилган пештахта яна зулматда йўқолади.

Ўйлашимча, бу сени умуман қизиқтирмаяпти. Ухлаб қолдингми?

П и с т о л е т т и (*санчиб туради*). Ким ухляпти, мишиқи? Бунақа сафсатани эшитиб ухлаб бўларканми? Ҳақиқатан ҳам шунақа бўлиши мумкинлигига мени ишонтирмоқчимисан? Бир парча ерда бахт шунча бисёр бўладими?

П а у л ь (*қатъий*). Бўлиши керак. Бошқа жойларда бахт ва қашшоқлик қанча кўп бўлса, Асторияда шунчалик роҳат-фароғат кўп. Ўз-ўзидан равшан бу. Ахир дунёда ҳамма нарса мувозанатда бўлиши керак-ку.

П и с т о л е т т и (*секин*). Нимагаям сен аҳмоқни ўзим билан олдим? (*Кескин.*) Дунёда мувозанат деган нарса пуч нарса.

П а у л ь. Бор гап. Йўқса яшашдан не ҳожат?

П и с т о л е т т и. Не ҳожат? Қулоқ сол. Мен ҳозир ўрнимдан туриб, муюлишнинг орқасидаги бозорга бораман, маҳсулотни ташиш-тушириш бўйича бизларга иш борми, деб сўрайман. Имкониятимиз: 1:100 000. Агар биз ўлиб кетсак, имкониятимиз нолга тенг бўлади. Энди тириклар ва ўликлар ўртасидаги фарқни илғадингми?

П а у л ь. Менимча, бу фарқ жудаям кам. (*Яна бинонинг соясида ётади.*)

Пистолетти кетади. – Пауза. – Гортензия ва Роза пайдо бўлади.

Г о р т е н з и я. Менга қара, Роза, яна олдингдан мижоз ўтиб кетди, сен эса уни тўхтатишга уринмадинг ҳам.

Р о з а. Фрау Гортензия, шуям мижозми, бу оддий эркак-ку.

Г о р т е н з и я. Майдани тежамасанг, бир гулден ҳам ишлаб тополмайсан. Қанчалик гердайсанг, йиқилиш шунчалик аламли бўлади.

Р о з а. Биласизми, фрау Гортензия, менга иш ўргатиб, ўз худудингизда ишлашга рухсат берганингиздан жудаям миннатдорман. Фақат, менда бирор-бир лаёқат йўққа ўхшайди.

Г о р т е н з и я. Лаёқатинг борку-я, лекин сенда қатъият етишмайди.

Р о з а. Балки шундайдир. Пулни ҳам узоқ ушлаб туролмайман.

Г о р т е н з и я. Ҳамма ёшларнинг бошида қуруқ шамолдан бошқа нарса йўқ.

Р о з а. Ҳамма гап шунда-да, суюқоёқлик қилиш мен учун ярашмаяпти. Мен шунчалик одоблиманки, баъзан ўйлаган ўйларимдан ижирганиб кетаман. Шунинг учун бошқа нарсаларни ўйлайман-да, ёмон ўйларни ўйламасликка ҳаракат қиламан.

Г о р т е н з и я (*ғамхўр онага ўхшаб*). Хўш, қизалоқ, нима ҳақида ўйлаябсан?

Ой шуъласи яна элчихона лавҳасига тушади.

Р о з а. Ўша мамлакат ҳақида. Астория тўғрисида.

Г о р т е н з и я. Бу бизнинг юмуш билан боғлиқ эмасми?

Р о з а. Асторияда ҳеч ким бундай ишлар билан шуғулланмайди. Шуғулланишса ҳам, севги-муҳаббат раъйига кўра шуғулланишади. Ёки умуман бу иш содир бўлмайди. У ерда ҳаттоки бадавлат хонимлар ҳам севги билан турмушга чиқадилар. Асторияда аёллар ғам-аламдан эмас, балки бахтиёрлигидан фарзанд кўрадилар. Кейин, уларнинг ҳаммаси қишлоқда, кичкина уйчаларда яшашади. Ҳар бир уй олдида — боғча, унда — шиша шарли дарахтлар, ўтлар орасида — жажжи одамчалар шаклчалари ва каптарлар бор, гулзорда гуллар очилиб ётади. У ерда яна кийик, буғу бемалол сайр қилиб юришади. Яна, аргимчоқлар бор. Бундан ташқари, у ердаги тартиб-қоидага кўра, эркак киши ўз севгилиси учун ҳали ҳеч ким айтмаган ширин сўз ўйлаб топсагина, унга уйлана олади.

Г о р т е н з и я (*ҳаяжонланиб*). Бунақа тартиблар бўлмаган гап. Ҳеч қаерда йўқ!

Р о з а. Қаердир шундай бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси нимага менинг хаёлимга келиб қолди? Агар биз ниманидир ўйлаётган бўлсак, булар калламизга қаердан келиши керак-ку. Биз, балки, Астория ҳақида қачонлардир эшитиб, кейин яна унутган бўлсак керак. Қачондир биз буларнинг ҳаммасини эслашимиз керак. Ҳаётимиз ҳам азбаройи шу орзу туфайли давом этган. Сизнингча, биз яна нима учун яшаяпмиз?

Шуъла яна йўқолади.

П а у л ь (*бино соясида*). Фарқни сезиш учун.

Г о р т е н з и я. Мана кўрдингми, мижоз ҳам пайдо бўлди. Ўзингни яхши тут, тил топиш, насяга ишлама. Қуруқ расмиятчиликка вақт кетказма. Вақт — пул дегани, қизалоғим (*Кетади*).

Р о з а. Яхши, фрау Гортензия (*Ийманиб Паулга яқинлашади*). Мен билан борасанми?

П а у л ь (*кулиб*). Даб-дурустданми? Салом қани?

Р о з а (*тортиниб*). Ассалому алайкум.

П а у л ь. Салом! (*Кулади.*) Мана шундан бошлаш керак. Тажрибанг ҳали йўққа ўхшайди.

Р о з а. Фрау Гортензия, доим, мен ҳаётни биламан, деб айтадилар. Лекин мен бунақа ҳаётда яшашни хоҳламасдим.

П а у л ь. Истамасанг, яшама. Совқотяпсанми? Ухлагим келяпти. Ўтир олдимга.

Р о з а (*итоаткорона ўтиради*). Мен билан борасанми?

П а у л ь. Балки борарман. Узоқ жойга бир ўзинг қандай борасан?

Р о з а. Узоққа?

Ой шуъласи пештахтани ёритади.

П а у л ь. Бу мамлакат ўзига зидлар рўпарасида жойлашган. Бундан у янада гўзал. Тасаввур қилгин: биз океандан сузиб ўтаётганда кучли бўрон бошланди...

Р о з а. Биз океандан сузганда бўрон...

П а у л ь. Мана ниҳоят, биз янги ватанамиз қирғоқларидамиз.

Саҳна ўзгаради, антиқа тропик манзараси, пальмалар ва фабрика қувурлари.

Ёруғ кун. Пауль ва Роза пальма соясида ўтиришибди.

Р о з а. Бу ерда қуёш жудаям улканлигини кўряпсанми? Тегирмон филдирагига ўхшайди.

П а у л ь. Бу муҳитда шунақа. Эҳтиёт бўл, қуёшда куйиб қолмагин (*Тепадан банан тушади.*) Банан ейсанми? Бананлар етилиб, ўзи узилиб тушади.

Р о з а. Ростдан-а? Қара, дўстинг келяпти.

П и с т о л е т т и пайдо бўлади. Бошида катта сомон шляпа, қўлида турфа мевалар солинган сават.

П а у л ь. Салом, Писто.

П и с т о л е т т и. Жин урсин, иссиқни қара. Бозорда қўлимга нималарнидир тиқиштиришди (*Саватни ерга қўяди.*) Салқин тушиши билан ишга борамиз.

Р о з а. Нима дедингиз? Сизга иш беришдимми?

П а у л ь. Шундай дейлик. Бозорда ишлаймиз.

П и с т о л е т т и (*кулади*). Ха-ха-ха-ха! Бозорда? Ха-ха-ха-ха! Бутунлай ақлдан озибсан, йигитча, агар сени бозор чорлаётган бўлса. Сенчилангар эмасминг?

П а у л ь (*кулади*). Шундай ҳам дейлик. Писто, мен бироз ўйнамоқчийдим, мазах қилмоқчийдим. Мен металл заводида ишлайман. “Пистолетти-строй” фирмасида.

П и с т о л е т т и (*камтарона*). Майли, майли! Индамай қўя қол.

Кўнғироқ овози эшитилади.

Р о з а. Эшитяпсизми, кимнингдир тўйи бўляпти.

Гортензия ва Якоб никоҳ либосларида пайдо бўлади.

Р о з а. Ё, парвардигор, фрау Гортензия қаллиғи Якоб билан.

Я к о б. Эҳ, Розахон. Мен олдин жазман эдим.

Г о р т е н з и я. Нақ ўттиз уч йил давомида. Энди у қимор ўйнашни

йиғиштирди, чекмайди, ичмайди, жанжаллашишни ҳам ташлади, бошқа қайлиғини ҳам унутди, учинчисини ҳам. Жамғарма банкларигадаги сейфларни ҳам ўз ҳолига қўйди. Ахир булар унинг энг асосий кўнгилочар эрмаги эди.

Я к о б. Нима ҳам қилардик. Вазият ўзгарди. Роза, сиз ҳам ўзингизга бирор эркакни топишингиз керак.

Р о з а. Жазман демоқчимисиз?

Я к о б. Йўқ, қизалоқ, эр демоқчиман.

Гортензия ва Якоб, виқор билан саҳнани айланиб, чиқиб кетадилар.

П и с т о л е т т и. Нишонга аниқ урди. Фақат ишга кеч қолманг, ҳурматли уста! (*Саватни олиб кетади*).

П а у л ь. Мени уста этиб тайинлашди. Энди биз ўз ҳаётимизни йўлга қўйишимиз мумкин.

Р о з а. Осмоннинг мовийлигини қара. Ҳақиқий мовий ранг шу бўлса керак.

П а у л ь. Ҳамма ер энди бизники. Далалар, пальмалар, уйлар, фабрикалар.

Р о з а. Куёш ҳам. Тегирмон тошидек катта куёш! Бу ҳақиқий... ҳақиқий ҳузур-ҳаловат. (*Паулни ўнади*.) Азизим, менга дўстингнинг саватидан бирорта грейпфрут олиб бер.

Пауль бошини кўтаради, куёш йўқолиб, саҳна яна эски ҳолатига қайтганини кўради. Розанинг кўзлари юмилган, шунинг учун у ҳали буни кўрмади.

Р о з а (*уйқусираб*). Берақолсанг-чи, илтимос. Нима бўлди?

П а у л ь. Ҳеч нарса. Яна бироз сабр қил. Яна озгина ухла. Тушинг бироз чўзилсин.

Осмон кул рангга бўялади.

Р о з а. Осмон яна кул ранг тус олишидан кўрқиб турибман.

П а у л ь. Ҳечам бундай тусга кирмайди.

Роза бошини унинг елкасига қўйиб ухлаб ётибди. Пауль “Осмон кулранг бўлганда” кўшиғини айтади:

Юлдузлар сўнди изсиз,
Куёш ҳали боқмади.
Осмон юзини шу кез.
Тунд булутлар қоплади.
Уйғотар эл бу маҳал
Фурбатга чулғаниб чўнг —
Ибодат қилиб аввал,
Бир-бирин қирарлар сўнг.
Эй, сен-чи, ялангоёқ
Аҳволингга бир қара.
Қиш забтида ҳамма ёқ,
Ҳасратингга йўқ чора,
Ёришгайдир кун, бироқ
Тарқагайми дилдан мунг, —
Очликдан танда титроқ,
Ўз тўдангга қўшилгунг.

Ҳар тонг ўқиб, варақлаб
 Туш китобин пайдар-пай —
 Ўз оламин яратар
 Бамисоли даҳодай.
 Вужудинг қийнаб, очлик
 Қила бошлар тантана.
 Етар. Қўй орзуга чек,
 Жандарм кутар, ана!

П и с т о л е т т и (*саҳна ортидан*). Пауль! Пауль!

Пауль ва Роза сапчиб турадилар. Саҳнага газета ушлаб Пистолетти югуриб киради.

П и с т о л е т т и. Мана, ўқи!

П а у л ь (*тутилиб, ўқийди*). Лондондаги Халқаро иқтисодий анжуманда ҳамманинг эътиборини тортган воқеа содир бўлди. Ишсизлик муаммоси бўйича баҳс-мунозара бошланганда...

П и с т о л е т т и (*қўлидан газетани юлиб олади*). ... минбарга Астория элчихонаси маслаҳатчиси Хупка кўтарилиб, тантанавор тарзда эълон қилди... (*Уқишни тўхтатади.*) Хупка? Хупка? Мен уни танийман, ахир.

П а у л ь. Давом эт.

П и с т о л е т т и. ... тантанавор эълон қилди: “Астория фуқаролари ичида шу пайтга қадар бирорта ҳам ишсиз йўқ”. (*Катта пауза. Ҳаммаси элчихона дарвозасига тикилиб қолади. Кейин Пистолетти ўзини қўлга олиб, ўқишда давом этади.*) “Асторияда бирорта ҳам бемор, бирорта ҳам оч одам йўқ. Болалар ўлими ноль бутун нолни ташкил этади”.

Пистолетти газета ўқиётган пайтда саҳнага Я к о б н и судраб Г о р т е н з и я кириб келади. Ҳамма диққат билан қулоқ солиб турибди. Узоқ сукут. Ҳамманинг кўзи дарвозада. Кейин, бўйруқ бўйича, ҳаммаси дарвоза томон югуради.

Ҳ а м м а. Очинг! Очинг! Очинг!

Дарвоза олдидаги эшик очилади. Жуда башанг кийинган Хупка пайдо бўлади. У бир дақиқага ҳайратланиб тикилиб қолади, кейин орқасига тисарилиб, одамлар орасидан ўтиб кетмоқчи бўлади. Пистолетти уни таниб қолади.

П и с т о л е т т и. Хупка. Дўстим!

Х у п к а (*ижирғаниб*). Мен сизни танимайман.

П и с т о л е т т и. Ҳа, жаноб Хупка бўлиб қолибсан-ку? Жаноб Хупка?

Х у п к а (*саросимага тушиб*). Сизга нима керак?

Ҳ а м м а (*Хупка томон интилиб*). Асторияга кириш визаси!

Хупка чўчиб парда орқасига беркинади. Пистолетти “Номус тўғрисида қўшиқ”ни куйлайди:

Емоқни истасанг, бас,
 Нонингга сариёғ суркаб,
 Ҳаёт ҳақида эмас,
 Табиатдан очгин гап.
 Доим роҳатинг кўзла
 Аросатда қолмасдан,
 Кўнглинг майлини ўйла,
 Сен — одамсан, молмассан.

Ярашмас сенга гамлар,
 Мунглантирма юракни,
 Ҳамма оқил одамлар
 Орзуларлар юксакни.
 Бойликка йўқ чек ҳеч бир,
 Ул чегара қайда бор?
 Фақат номус муҳимдир,
 Фақат муҳим виждон-ор.

Софлигинг қилар сармаст,
 Ёруғлашар сенда нур.
 Дўкондан кийинибмас,
 Чиқасан адил, мағрур.
 Агар сенинг устингга
 Ағдарсалар мағзава,
 Либосинг доғ бўлса-да,
 Номусинг қолар тоза.

Ўйинчилар ўртаниб,
 Енгмоққа шошар доим.
 Ўйнар улар қартани,
 Виждонда туриб қоим.
 Яшасанг, о, сабр-ла,
 Яшасанг сурур билан!
 Шунда ётгунг қабрда
 Покиза гурур билан!

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Туширилган парда ортидан бир неча марта: “Навбатдаги кирсин” деган сўзлар эшитилиб турибди. Парда кўтарилганда саҳнада визалар бериш бўлимнинг қабулхонаси кўринади. Хизмат хонаси ташрифчилар хонасидан баланд девор билан ажратилган. Унда учта ойнача бор. Лекин фақат биттаси — 1- ойна очик, унинг ортида Хупка қабул қиляпти. Деворда плакатлар: “Астория нефть заёмларига ёзилинг!”, “Асторияликлар, фақат Астория солиқларини тўланг!”, “Гўзал Асторияга борманг!”
 Хупка ҳолдан тойган.

Х у п к а. Фаҳрий фуқаро 23687-рақамни таклиф қиламан.
 Тиқилманг.

Ойначада ташрифчи кўринади. Кўкрагида 23687- рақам.

23687-м и ж о з. Жаноб маслаҳатчи, сиздан бениҳоя миннатдорман. Кечаги кунгача менинг фуқаролигим йўқ эди. Сизга ҳужжатларимдан маълумки, ватаним мени фуқароликдан маҳрум қилди, ваҳоланки олим сифатда, мен бор кучим ва қувватим билан унга хизмат қилгандим. Янги ватанимда Астория фани учун хизмат қиламан... Нега куласиз?

Х у п к а. Нега куляпман? Бунинг 23687 та сабаби бор, профессор. Биринчидан, бутунлай гангиб қолганимдан.

М и з о ж (*базўр илжасяди*). Шундай денг! Чарчадингизми? Бўлмаса, қуруқ расмиятчиликни тезроқ бажарамиз... (*Унга паспортини чўзади.*)

Х у п к а. Албатта, профессор, тезроқ бажарамиз. Арзимас нарса етишмаяпти, 1934 йилда қаерда яшаганингиз ҳақида маълумотнома йўқ.

М и з о ж (*кулади*). Лекин, жаноб маслаҳатчи, мен 1934 йилда қаерда яшаганимни бутун дунё билади. Бу ҳақда ҳамма газеталар ёзган.

Х у п к а. Амалдорлар газета ўқимайди. Улар фақат маълумотномаларни ўқийдилар. Кейинги фахрий фуқаро кирсин!

М и з о ж. Аммо, жаноб маслаҳатчи, мен...

Г о р т е н з и я (*олдинга интилади, 23687-га қараб*). Айтилди-ку, кейингиси деб. Ҳали бу ерда кўп турасизми? Мен соат бешдан бери навбат кутаман...

Қаршилик кўрсатаётган 23687-ни ойнача ёнидан судраб олиб кетишади.

Х у п к а. Бунақалар билан иш осонроқ кечади.

Г о р т е н з и я. Жаноб маслаҳатчи, бу гал ҳаммасини олиб келдим. Ҳаммасини. Мана, харид қиладиган дўконнинг эгаси олган эмдорилар ҳақида маълумотнома. Мана бу менинг энг катта жиянимнинг никоҳ гувоҳларининг никоҳ гувоҳномалари. Мана бу эса менинг барча 592 та қаллиғимнинг яхши хулқ-атвори тўғрисидаги 592 та ёзма шаҳодатномалар.

Х у п к а. Сизнинг уйингизда уч йил давомида сақич эритувчи яшаб, полицияда бу ҳақда рўйхатдан ўтмаган.

Г о р т е н з и я. Бундай бўлиши мумкин эмас! Мана, полициянинг рўйхати ҳақида маълумотнома, мана бу эса, сақич эритувчининг ўлими ҳақида гувоҳнома.

Х у п к а. Етарли. Солиқлардан бўнак ҳисобига 1 фунт ва нефть заёми учун 1 фунт тўлайсиз.

Г о р т е н з и я. Нима дедингиз? Заём ихтиёрий деб айтмаганмидингиз?

Х у п к а. Хато ўтибди. Мажбурийлигини кейин билиб қолдик.

О в о з л а р. Ўтинг, ўтинг тезроқ. Ким навбатни тўхтаиб турибди?

Г о р т е н з и я (*ойначага ёпишиб олади*). Илтимос, жаноб маслаҳатчи! Мана менинг сўнгги жамғармаларим, жаноб маслаҳатчи!

Х у п к а. Яхши. Асторияча гаплаша оласизми?

Г о р т е н з и я (*довдираб қолади*). Билмасам...

Х у п к а. Кейинги фахрий фуқаро кирсин.

Қаршилик кўрсатаётган Гортензияни ойнача ёнидан итариб чиқаришади.

Х у п к а. Албатта! (*Ўзига*.) Асторияча. Ажойиб фикр.

Р о з а. Илтимос, жаноб маслаҳатчи, мен уч ҳафтадан бери ҳар куни шу ерга келаман, жаноб маслаҳатчи, менга виза керак.

Х у п к а. Ҳечқиси йўқ, қизалоқ. Сиз асторияча тилини биласизми?

Р о з а (*қувониб*). Ҳа. Биламан.

Х у п к а. Нима-а-а?

Р о з а. Яхшигина гапирман. Studio applikado pane consulario. Tres semenas studio lungus satorica! Tante voluntes imigratione en Astoria. Soy pur piccolo girl. Sed enough pinke-pinke foer piccolo Toussaint Langenscheidt. Бошловчилар учун астория тили. (*Китоб кўрсатади*.)

Х у п к а. Қойил! Ҳа. Қизалоқ, менинг биттагина жуда мураккаб оҳангжамам қолди, бу ердан ҳеч ким ўтиб кетмаслиги учун.

Р о з а. Тушунмаяпман, жаноб маслаҳатчи!

Х у п к а. Ҳозир тушунасан. (*Расмий оҳангда*.) Виза учун 250 фунт тўлашингиз керак.

Р о з а. Икки юз эллик... фунт?

О в о з л а р. Ўтинг, ўтинг! Энди менинг навбатим!

Р о з а. Қаердан оламан... (*Йиғлайди.*)

Х у п к а. Йиғламанг! (*Бақиради.*) Йиғламанг!!! (*Ойначани тарақлатиб ёпади, беҳол стулга ўтиради, қулоқларини беркитади.*)

О в о з л а р (*ҳаммаси баравар, секин, лекин жуда талабчан оҳангда.*)
Жаноб маслаҳатчи! Жаноб маслаҳатчи!

Б о ш қ а о в о з. Менинг ишим нима бўлади?

Б о ш қ а о в о з. Мен 23690 фахрий фуқароман.

Б о ш қ а о в о з. Мен 23692-чи.

Б о ш қ а о в о з. Мен 23700-чи.

Б о ш қ а о в о з. Биз ҳаммасини олиб келдик, жаноб маслаҳатчи!

Б о ш қ а о в о з. (*талабчан оҳангда.*) Қонун қонундай бўлиши керак, жаноб маслаҳатчи.

Х у п к а (*туради.*) Ҳаммаси тўғри. Қонун қонундай ўрнида бўлиши керак. Мен сизлардан қутулишим керак, ҳурматли дўстлар! Аммо тартиб-қоида асосида. (*Тахтачани олади.*) “Ҳамма маълумотлар 2-ойначада”. (*Уни 1- ойна тепасига осиб қўяди.*) Мана. Энди сиз 2- ойнага мурожаат қилсангиз (*Тахтачани олади.*) “Барча маълумотлар 3-ойнада”. Учинчи ойнада эса (*Яна тахтачани олади.*) “Барча маълумотлар 1-ойнада” (*Уччала тахтачаларни тегишли ойначаларнинг тепасига осади.*) Мана шунақа, азизларим. Сиз чунонам бир-бирингизни тепалаб олдинга интиляпсизларки, шунга қарамасдан 1-ойнага етиб келгунингизча қўп кунлар ўтиб кетади. Унгача 1-ойнага нимага мурожаат қилганингизни унутиб юборасиз ва аввал 2-, кейин 3- ойнага мурожаат қилаверасиз. Бу усул менинг янги буюк ихтироим бўлади. Фақат бундай ноёб кашфиётимни қандай аташни билмай турибман.

Шу пайт кимдир 1-ойначадаги тахтачани юлиб олади. Пауль пайдо бўлади.

П а у л ь. Қандай разиллик!

Х у п к а. Нима дедингиз, яхши йигит?

П а у л ь. Пасткашлик.

Х у п к а. Миннатдорман, сиз жуда тўғри ном топдингиз.

П а у л ь. Сиз – разил, бир пулга қиммат одам экансиз, ҳаммамизни лақиллатиб юрибсиз.

Х у п к а. Яна бир бор ташаккур. Менга бу ҳақда очигини айтадиган вақт келганди ўзи.

П а у л ь. Биз кир-чир, оч-яланғочларни, ҳаёт муттасил бир ердан бошқа ерга ҳайдайди.

Х у п к а. Сиз менда энг қимматли хотираларимни уйғотдингиз – сизга ёрдамим керакмасми, мабода?

П а у л ь. Асло. Мен ўзимга тегишли бўлган нарсани талаб қиламан: мен Асторияга боришим керак.

Х у п к а. Агар мен сизга шу ерда, элчихонада хизматкор лавозимини таклиф қилсам, бунга қандай қарайсиз? Дугонангизни эса, агар у сизда бўлса, оқсоч қилиб оламиз.

П а у л ь (*завқланиб*). Жанобларнинг хизматкори, шундайми?

Х у п к а. Ялтироқ кийим-бош бераман... яна бир гап. Сиз доимий иш ўрнига ўтгизта ёш, бақувват ва истараси иссиқ одамларни қидириб топасиз. Ойига 15 фунтдан тўлайман. Бепул кийим-бошни кўшган ҳолда.

П а у л ь. Шунча хизматкорни нима қиласиз, жаноб?

Х у п к а. Сиз бу ерда солиқларни сидқидилдан тўлаб, нефть заёмларини сотиб олганингиздан бери, жаноблар нефть билан шуғулланиб, хўжаликни кенгайтиришди. Яна илтимослар борми?

П а у л ь. Ҳа, кимга мурожаат қилишим керак?

Х у п к а. Хизматкорлар учун йўлакдаги катта хизматкор Жеймсга. Яна гапингиз борми?

П а у л ь. Ҳа... хизматкорлар кийими зар билан тикилганми?

Х у п к а. Фақат зар билан. Яна нима дейсиз?

П а у л ь. Ҳеч нарса. Катта раҳмат, жаноб маслаҳатчи!

Х у п к а. Бошқа ҳеч қандай илтимослар бўлмайдими? Яхшилаб ўйлаб кўринг.

П а у л ь (*ўйланиб қолади, кутилмаганда, кайфияти кўтарилиб, қаддини ростлайди*). Сизни ҳайит билан табриклашга ижозат бергайсиз! (*Кетади*).

Х у п к а. Раҳмат. Бошқа ҳеч қандай истакларингиз йўқлигидан бахтиёрман. Асторияга буюк саёҳат нима бўлади? Одамларнинг сотқинлигидан ҳеч қачон шубҳа қилмаганман. Аммо уларни шунчалик осон сотиб олиш мумкинлигини билмаган эканман.

«Одамларнинг сотқинлиги» тўғрисида кўшиқ куйлайди:

Мансабдорлар бунча ҳаддан ошмаса!
Осмон қадар ўсиб кетди нарх-наво.
Бозорлар кўпириб қайнайди роса,
Биржалар — бамисли баҳорий ҳаво.
Фақат битта молнинг нархи ўзгармас,
Барчасидан кўра доим турар паст.
У-ла савдо қилган форс ҳамда юнон
Ҳа, топдингиз уни: у — инсон.

Нархи ўн фунт стерлинг ҳар донасига,
Бироқ бунда ҳисоб фақат бош билан.
Шуниси тайинки, эгаси сизга
Уринтирмай уни етказар илдам.
Аммо бўлинг фақат шубҳадан холи,
Ёғилиб кетгайдир қўлингизга пул.
Чириб кетмайди у мева мисоли,
Тангрининг беназир неъматидир ул.

Бундаин зот билан бозор лиқ тўла,
Демак у жуда ҳам қимматмас, арзон.
Жисми аъло эмас, руҳи ҳам пўла,
Улгуржига олса бўлар ҳар қачон.

К е л у в ч и л а р:

Алдадинг бизни осон,
Умидимиз бўлди ер.
Ваъда қилдинг бизга нон,
Қани у нон, жавоб бер!
Бу корингдан энди кеч:
Инсон сотилмагай ҳеч!

Кўшиқнинг сўнги байти янграётганда саҳна ортида гала-говур ҳаракат юзага келади. Қабулхонадагиларнинг шовқини кучаяди, одамлар тарақ-туруқ қилиб тўсиқларни ура бошлайди. Айримлари йиқилиб кетай дейди. Хизматкор Жеймс пайдо бўлади.

Ж е й м с (*худди ўзига ўхшаб махсус кийимбош кийган бир нечта хизматкорга бошчилик қилади. Улар орасида — Пауль ва Пистолетти*).

Воқеалар шиддат билан давом этади). Қўрқманг, жаноб маслаҳатчи! (Хуштак чалади. Хизматкорлар гуруҳини уларнинг бошчиси ҳарбийча қадам билан бошлаб кетади.)

П а у л ь. Яна кимнинг илтимоси бор? *(Кетади.)*

Саҳна ортида тўхтовсиз хуштаклар эшитилади, ташрифчиларнинг кўшиғи тинади.

Х у п к а. Тўхтанг! Мен бунақа бўлишини истамагандим, эшитяпсизми? Орқага. Менинг айбим йўқ! Орқага! *(Беҳол стулга ўтиради.)* Қандай тартибсизлик!

Бир неча сониягина давом этган шовқин дарров тинади. Яна Жеймс пайдо бўлади.

Ж е й м с. Тартибсизлик? Ижозат берсангиз айтаманки, умуман бунинг акси.

Х у п к а. Акси?

Ж е й м с. Тинчлик ва осойишталик. Ушбу тарихий вақтда бирмунча ғайриоддий тарзда пайдо бўлган Астория нимага даъво қилган бўлса, ўшанга айланди.

Х у п к а. Хўш, нимага айланди?

Ж е й м с. Давлатга айланди, жаноб маслаҳатчи.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ.

Саҳнада тўкин дастурхоннинг бир қисми кўриниб турибди, давоми парда ортида.

А н а с т а с и я *(унинг машҳур кулгиси парда кўтарилмасидан янграйди)*. Ха-ха-ха-ха! Маслаҳатчи дадамиз бугун аломат кўринадилар!

Х у п к а *(базўр илжайиб, баланд овозда)*. Ҳаммангизни жин урсин. Ҳа, мен бугун жуда қувноқман! Эй, менга қаранг, мен кумушранг ниначиман, шампан ва аёлларни олиб келинг!

Г в е н д о л и н *(ўнг томонида ўтирган, парда ортидан кўринмаётган ҳамроҳига)*. Ҳа, милорд, у оддий деҳқон бўлиб, Асторияда маккажўхори етиштирарди, шунинг учун у шунақа қувноқ. Ким ҳам унга таъна қилиши мумкин? Бугун байрам, бизнинг нефть қазиб чиқарувчи акциядорлик жамиятимиз биринчи марта кўчмас мулк тақсимляпти...

Умумий шивир-шивир.

Г р а ф *(туради)*. Хонимлар ва жаноблар! Осмондан ёғилмоқда... ёки шоирона айтганда, байрам қадаҳлари. *(Қарсақлар.)* Худди шундай. Асториянинг тўкин-сочинлик байрами қадаҳлари, бу — гўшт емайдиганларнинг шукуҳидан баландроқ янграйди. Нефть — иқтисодийтимизнинг таянчи. Мен синчиклаб экспертларимизнинг ёзма хулосасини текширдим. Ажойиб, ҳа, ҳаммаси зўр! Бизнинг нефть умуман ҳидсиз. Бундан ташқари, бизнинг нефть дунё бўйича энг арзони. *(Қарсақлар.)*

А н а с т а с и я *(Хупкага)*. Шу ростми?

Х у п к а. Ҳа-да, йўқ нарсанинг ҳиди ҳам бўлмайди ва уни ташиш ҳам беҳатар. Харидорларга ҳам, экспертларнинг хулосаси каби, арзонга тушади.

Г в е н д о л и н *(асабийлашиб)*. Хупка!

А н а с т а с и я. Жин урсин. Бу ярамас доим тагдор қилиб гапиради!

Дафтарчасини беркитади.

Г р а ф. Олий ҳазрат Седлачек VIII ҳукумати, мен уни сизга таништираман, ўзининг нефть сиёсати билан жаҳонда тилга тушди. Агар шу пайтгача гербимиз уч оёқли арслон бўлган бўлиб, унинг оёқлари шамоллар атиргулининг учта томонини билдирган бўлса, бугунги кундан бошлаб гербга тўкин-сочинлик байрами қадаҳини қўшамиз, ундан бензин дарёдек оқиб турибди. Бундан ташқари...

Г в е н д о л и н. Бўлди, азизим.

Г р а ф (*қадаҳни кўтаради*). Gentlemen – The King!¹

Ҳ а м м а. Виват.

Г в е н д о л и н. Жаноблар! Сизга таништириш бахтига муяссар бўлиб турган Олий ҳазратлари ҳукуматининг пухта ўйланган қонунчилиги туфайли, Астория халқи, заёмга имзо чекиш пайтида мурувват кўрсатиб, Акциядорлик жамиятимизга муайян таъсир кўрсатиш имконини берадиган маблағларни давлатга топширди. Хориждаги 80 000 та асторияликларнинг ҳар бири ўз ҳиссасини қўшди. Албатта, Астория қироллигининг кенг ҳудудларида яшовчи барча аҳоли ўз бурчини сўзсиз бажарди.

А н а с т а с и я (*Хупкага*). Сўзсиз?

Х у п к а. Фақат қар ва соқовлар кўмилган қабристондагидек сўзсиз.

Г в е н д о л и н (*Хупкага ғазабнок назар ташлайди*). Ҳукуватимиз ўз халқидан миннатдор бўлишни билади. Ҳаммангизга маълум, нефть қудуқларини қазиб билан шугулланаётган бечора ишчиларнинг меҳнати қанчалик машаққатли, ҳаммангиз биласиз, бунда кийим-бошни қанчалик кир қилиш мумкинлигини. Бизда эса ундай эмас. Бизнинг нефть энг тоза усулда олинади. (*Қарсақлар*).

А н а с т а с и я (*Хупкага*). Бу шунд-а-а-й-й-й-м-м-и?

Х у п к а. Менга қаранг, биржа муғамбирликларидан ҳам тоза нарса бўлиши мумкинми?

Г в е н д о л и н. Яшасин нефть қазиб чиқарувчи Астория-акциядорлик жамияти қироллиги!

Ҳ а м м а. Виват!

А н а с т а с и я (*Хупкага маъноли назар ташлаб*). Бу айёр-муғамбир жумбоқли гаплари билан бошимни айлантириб ташлади. Уни гапга солиш керак. (*Хупкага мурожаат қилади*). Бугун ажойиб ҳаво, шундайми?

Шу пайт Пистолетти пайдо бўлади ва Жеймс билан бирга дастурхон атрофидаги меҳмонларга хизмат қилади. Хупка Пистолеттига тикилиб қолади. У Анастасиянинг саволини жавобсиз қолдиради. Унинг ўрнига суҳбатга Гвендолин қўшилади.

Г в е н д о л и н. Гапингизга бутунлай қўшиламан, ёмғир челақлаб қуйяпти.

Г р а ф. Қойил! Оппоқ қор кўчаларни тўшакдек қопламоқда!

Х у п к а (*ўзига келиб*). Йўқол, йўқол, арвоҳ!

П и с т о л е т т и чиқиб кетади.

А н а с т а с и я. Нима бўлди, асториялик қушчам менинг?

Х у п к а. Умиди? Ё умасмиди? Ақлдан озяпман. У бўлиши мумкин эмас.

Г в е н д о л и н. Ким у?

¹ Ж а н о б л а р – қирол (*ингл.*).

Х у п к а. Ким? Менинг одам қиёфасидаги нопок виждоним. Буларнинг ҳаммаси сафсата. Менинг нопок виждоним ҳозир Муқаддас Ульрих касалхонасида бир бўлак сариёғ учун оқ сичқонлар билан мусобақалашиб ётибди.

Г в е н д о л и н (*ўнгдаги ҳамроҳига*). У бугун бироз кўпроқ ичган, милорд.

А н а с т а с и я. Тўнғизга ўхшаб ичиб олган! Оғажон, менинг қалбим керакми сенга? Ёки иссиқ баданимми?

П и с т о л е т т и пайдо бўлади ва индамасдан меҳмонларга хизмат кўрсатади.

Х у п к а (*титраб кетади, кўзини юмиб олади*). Униси ҳам, буниси ҳам. Фақат мана бу нусхани бошқа кўрмасам!

А н а с т а с и я. Мен сенга отамни ҳам икки ярим тийинга сотиб юбораман.

Х у п к а. Жин урсин отангни!

Бир неча сониядан кейин П и с т о л е т т и кетади.

Х у п к а (*секин кўзини очади*). Анали хизматкорнинг арвоҳи йўқолдими?

Г в е н д о л и н. Хупқа! Ўзингизни қўлга оласизми-йўқми? Сиз ишратхонада эмассиз. (*Ўнг томондаги ҳамроҳига.*) Бироқ об-ҳаво, милорд, кеча яхши эди...

Г р а ф. Ажойиб қуёш тутилиши бўлди...

Х у п к а. Биламан, у қайтади. Ахир бу пасткашликларда менинг айбим йўқ-ку! Бу майнавозчиликда, ёлғонда менинг айбим нима? Мен бунчалик бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим (*Графнинг энгидан ушлаб олади.*) Мен буни истамагандим.

Г р а ф (*қотиб қолган нигоҳда*). Қандайдир нодон менга яна қилтаноғи кўп балиқ берди. Лекин мен – тинчликсеварман.

Х у п к а. Сизга яхши. Чунки ақлдан озгансиз.

Г в е н д о л и н. Хупка. Ҳозироқ тилингизни тийинг ва қадаҳ сўзини айтинг.

Г р а ф (*Гвендолинга суяниб, қадаҳни чертади*). Сўз лорд Кравонийга.

Х у п к а. Қадаҳ сўзи...

П и с т о л е т т и киради.

Х у п к а (*тушкун ҳолатда кўзларини юмиб олади ва бор кучи билан бақиради*). Girls and boys! Хушхабарга диққат қилинг. Кеча қиролимиз Олий хазратлари Седлачек VIII Асторийский Ольяпотриданнинг меросхўр шаҳзодаси Ионас Амандус билан тантанали никоҳдан ўтди. Бу никоҳ шу кунга қадар ўн иккита бақувват болақайни дунёга келтирдик, улар араб сонлари билан рақамландилар. Шу билан бир вақтда ортимда битлиқи воқелиқдан бу ерга қандайдир тарзда келиб қолган менинг нопок виждоним турибди. Бу виждон бошимга тартар соусли таом билан туширмоқчи. Аммо бу адолатсизликнинг ўзгинаси. Менинг айбим йўқ. Мен фақат сеҳрли сўзни айтдим, холос. Girls and boys! Бу сўз - давлатдир. Ҳаммаси мана шундан кейин бошланди. Мен ҳеч қачон ўзим чақирган арвоҳлардан қутулолмайман энди! Бу ўзимга ҳам керак эмас. Куф-суф мендан! Қоч! Йўқолларинг ҳамманг!

Хупканинг сўзларидан атрофлагилар таажжубланиб шивир-шивирга тушдилар.

Хупка ваъзхонлиги охирида курсиларнинг шовқин билан тарақлаши ва “Shocking!”¹ деган бақриқлар эшитилади.

Г в е н д о л и н (*ўнг томондаги ҳамроҳига*). Аммо, милорд! Жаноблар! У умуман бошқа нарсани айтяпти. Кетманг, милорд!

Томошабин нигоҳидан четда қолган милорднинг ортидан кетади.
П и с т о л е т т и ҳам кетади.

Г р а ф. Меҳмонлар кетишяптими ёки менинг кўзларим алдаяптими? (*Кетади.*)

Х у п к а (*кўзини очади*). Манави қўрқоқ итлар мени ёлғиз қолдиришти.

А н а с т а с и я сирли кўринишда парда ортидан пайдо бўлади.
Кутилмаган ҳаракатдан Хупка сесканиб кетади.

А н а с т а с и я. Бу бор-йўғи менман. Мен сен биланман, Хупка амакигинам!

Х у п к а. Худога шукур, ҳеч бўлмаса битта одам қолганига.

А н а с т а с и я. Мен сендан сирларингни юрагингдан суғуриб олишимни истамасанг, мендан қурол сотиб оларсан-а, балки? Ажойиб замбараклар, зўр тўппончалар. Миллатлар Лигаси бу борада ҳеч нарса сезмайди.

Х у п к а. Йўқ, йўқ. Замбараклар ҳақида гапирмайлик.

А н а с т а с и я. Бўлмасам, муҳаббат ҳақида гапирамиз. Асторияликлар шевасида. (*Ҳиқичоқ тутади.*) Хупка! Oh nos femina amadeus mannlicher triumfadores. Nostros sweetheart quasi Albatros non stopflug en amore.

Х у п к а. Илтмос, бас қилинг. Бўлмаса мен бутунлай ақлдан озаман.

А н а с т а с и я (*соатга қарайди. Тўсатдан умуман бошқача овозда*). Манави тўполон-жанжалдан ақлдан озмай бўладими, ахир?!

Х у п к а. Анастасия, одамга ўхшаб гапирсангиз-чи!

А н а с т а с и я. Шу дақиқадан бошлаб ўн икки яримгача мен, худога шукур, яна Аннерлман. Ҳозир тунги танафусдаман. Сизнингча, мен айғоқчи бўлсам, ортиқча вақт учун текинга ишлашим керакми? Албатта, менинг бошлиғимга бу жудаям ёқиб тушади. (*Урчуқларни олиб тўқишга тушади.*) Мен эса унга жавобан “Бекорларни айтибсан!” дейман.

Х у п к а. Бекорларни айтибсан! Этим жимирлашиб кетяпти, анчадан бери бунақа бўлмаганди. Фройляйн Аннерль, сиз бир неча ҳафтадан бери мен билан одамга ўхшаб гаплашаётган биринчи инсонсиз. Яратганга шукур!

Анастасия туради.

Х у п к а (*чўчиб*). Қарга?

А н а с т а с и я. Қаҳвахонага, учрашувим бор, йигитим мени сельтер билан меҳмон қилмоқчи. Кечирасиз-ку, лекин мен бир кунда саккиз соат дипломатлар билан ишлаганимдан кейин, тушлик танафусда дурустроқ одамлар билан ўтиришга ҳаққим бордир? Майда хизматчи бўлсам ҳам.

Кетади. Хупка бир ўзи қолади. Эшик олдида П и с т о л е т т и пайдо бўлади.

¹ Қандай уят! (*ингл.*)

Х у п к а. Сичқонни ини минг танга. *(Кетмоқчи бўлади.)*

П и с т о л е т т и. Милорд бирор нарсани истайдиларми?

Х у п к а. Мен... мен сизни танайман.

П и с т о л е т т и. Хотирангиз учун манавилар жудаям оғирлик қияпти *(Хупканинг кўкрагидан орденларни ечади.)* Жаноб маслаҳатчи эътироз билдирмайдиларми?

Х у п к а. Биласизми, сиз ўзингиз нима хоҳлаётганингизни англамаяпсиз. Бизнинг давлатимизда ҳаммаси зўр... Графнинг ҳам гамини ейишган, менинг ҳам гамимни ейишган, нефтнинг ҳам...

П и с т о л е т т и. Қимматли хотирангизни ҳалиям нимадир эзиб турибдими. *(Хупканинг галстугини ечади.)* Жаноб Хупка эътироз билдирмайдиларми?

Х у п к а. Эпчил хизматкорларнинг ҳам гамини ейишган!

П и с т о л е т т и. Элчихона бошлигининг қимматли боши ҳалиям бўшамадими? *(Цилиндрни ечади.)*

Х у п к а. Қолганларга келсак...

П и с т о л е т т и. Ҳа, қолганларга келсак. Ниҳоят эсладик.

Х у п к а. Менга қара, Писто!

П и с т о л е т т и. Буни қара-я! Мени танияпсизми? Яхши, яхши.

Х у п к а. Писто! Нимага сизлаяпсан мени? Касалхонадан қандай чиқдинг? Бу кийим-бошни қаердан олдинг?

П и с т о л е т т и. Мана шуларни киймасдан, азизим, сенинг олдинга яқинлашиб бўлмасди. Касалхонадан эса чиқиб кетганимнинг сабаби – қимор, бечора дайдининг қимордан тийилиши жудаям кийин.

Х у п к а. Тушунмаяпман.

П и с т о л е т т и. Шунинг учун ҳам “сиз”лаб гаплашяпмиз.

Х у п к а. Писто, наҳотки мен учун бирорта таскин сўз тополмасанг?

П и с т о л е т т и. Топилади! Жуда ҳам сўз топилади. Нимага сен ва сенинг шерикларинг бизни Асторияга қўймайпсанлар?

Х у п к а. Нимага дейсанми? *(Уйланиб қолади. Кутилмаганда ажойиб фикр келади.)* Ҳа-я, нимага?

Сездирмасдан Гвендолин пайдо бўлади. Уни фақат Пистолетти кўради.

Х у п к а *(завқ-шавқланиб)*. Мана энди нефть туфайли пулимиз ошиб-тошиб кетгандан кейин бирорта мамлакатни – бир парча ерни ва ўрмонларни сотиб олиб, ҳаммангизни ўша ерга жойлаштириб, сизлар учун фабрикалар қуришимиз, сизларга омочлар ва ер совға қилишимиз мумкин... Ҳа-ҳа, ер! *(Пистолеттини қучоқламоқчи бўлади. Аммо Пистолетти уни итариб ташлайди. Хупка Гвендолинни кўради, ҳиссиётлар таъсирида қўлидан ўпмоқчи бўлади.)* Графиня, мен нимани назарда тутаётганимни тушуняпсизми?

Г в е н д о л и н *(уни итаради)*. Ҳа, жудаям яхши тушуняпман. Сиз оммавий жанжал уюштиришнинг устаси экансиз! Бўйинбоғсиз хизматкорлар ва қўзғолончилар билан махфий музокаралар олиб боряпсиз! Сизнинг ўрнингиз бу ерда эмас, балки ялангоёқлар орасида!

П и с т о л е т т и. Ялангоёқлар номидан мен қатъий эътироз билдираман!

Х у п к а. Мен нима деганимни наҳотки тушунмадингиз? Шу пайтгача Асторияда ҳеч қандай ерлар йўқ эди!

П и с т о л е т т и. Ерлар йўқ... Ажойиб ва гаройиб!

Г в е н д о л и н. Сиз учун ер сотиб олишимни истаяпсиз, шундайми? Кейин қандайдир муҳандис Асторияда нефть йўқлигини исбот қилсинми?

П и с т о л е т т и. Нефть йўқ... Бориб турган хаёлпарастлик!

Х у п к а. Биласизми, графиня, ҳозир... Ахир ўзингиз ўшанда йўлда мамлакат сотиб олмоқчи эканингизни айтгандингиз... энди сиз биржа соҳиби бўлиб олдингиз. Бизнинг ҳам аҳволимизга тушунишга ҳаракат қилинг! *(Гвендолин кулади.)*

П и с т о л е т т и. Биржа эгаси бизнинг аҳволимизни тушунармиш? Мана буниси учига чиққан хаёлпарастлик! *(Гвендолин кулади.)*

Х у п к а *(беҳол нигоҳини Пистолеттидан Гвендолинга кўчиради.)*. Мен... ҳеч нарсани тушунолмай қоляпман... Писто, нимага мен ҳеч нарсани тушунмаяпман?

П и с т о л е т т и. Сизга манави тик турган ёқа халал беряпти. Ижозат берсангиз... *(Ёқасини тортиб олади.)*

Г в е н д о л и н *(кулади)*. Йўқ, азизим Хупка...

Х у п к а. Йўқ? Бўлмасам, Асториянгизга тупурдим. Шуни билиб қўйингки, бугун мен ҳаммасини фош қиламан.

П и с т о л е т т и. Хупка! Дўстим!

Х у п к а. Писто, оғайни!

Хизматкор Жеймс пайдо бўлади.

Г в е н д о л и н. Жеймс. Манавиларни ҳибсга олинг!

Х у п к а *(Пистолетти билан бирга деразадан сакраб тушади)*. Астория йўқ. Бу ҳақида энди ҳамма билиб олади!

Г в е н д о л и н. Жеймс...Жеймс. Сиз доим менинг энг яхши хизматкорим бўлгансиз... Сиз менга ёрдам беришингиз керак!

Ж е й м с. Хизматингизга тайёрман, графиня хоним... аммо...

Г в е н д о л и н. Нима аммо...?

Ж е й м с. Хизматингизни бажонудил бажараман, лекин сиз менга бутун ҳокимиятга беришингизни талаб қиламан!

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Қаҳвахонада Журналист ва котиба.

Ж у р н а л и с т. Ёзинг, хоним, махсус мухбиримиз Асториядан хабар беради!

К о т и б а. Нимани хабар беради? Ҳеч бўлмаса бир неча кунга Асторияга бориб келсак бўлармиди.

Ж у р н а л и с т. Ақлдан оздингизми? Сизнингча, Тинч океани сувларидан олтинчи қитъа сузиб чиқиши керакми? Умуман олганда, бу шинам қаҳвахонадан мени ҳеч ким судраб чиқара олмайди!

К о т и б а. Бўлмаса, нимани ёзаман?

Ж у р н а л и с т. Бирор нарсани ўйлаб топамиз-да. Ёзинг: узун пичоқ ва болта ёрдамида Асториянинг ўтиб бўлмас чангалзорларидан ўзимизга йўл очмоқдамиз..

К о т и б а. Бирам бу ернинг ҳавоси ёмон экан...

Ж у р н а л и с т. Ахборот учун ташаккур. Ёзинг: бу минтақанинг нам ҳавоси ўпкаларимизни тешиб юборяпти.

К о т и б а. Официант, озгина қаҳва келтиринг, илтимос!

Ж у р н а л и с т. Раҳмат. Қаршимизда қора танли одамхўр пайдо бўлди...

К о т и б а. Кўпиксиз бўлсин!

Ж у р н а л и с т. Қандай шафқатсизлик! Душманлар уни ваҳшийларча қийнайдилар. Унинг лабларидан кўпик чиқа бошлади.

К о т и б а. Сув келтиринг, илтимос!

Ж у р н а л и с т. Ҳамроҳларим ва мен ташналикдан азоб чекапмиз. Азобларимизни енгиллатиш учун бир қултум ҳам сувимиз йўқ. Айтинг-чи, хоним, нима сабабдан доктор Герстингер бирдан гердайиб кетди?

К о т и б а. Хабарингиз йўқми? Ахир уни Асториянинг мухбирлик бўлимининг расмий раҳбари ва Астория миллий газетаси Европа нашрининг бош муҳаррири этиб тайинлашди-ку!

Ж у р н а л и с т. Нима? Буларнинг ҳаммаси бор гапми?

К о т и б а. Кечадан бери.

Ж у р н а л и с т. Қойил, қойил! Агар расмий мухбирлар бор бўлса, демак, ҳеч нарса ёзишнинг ҳам кераги йўқ. Сиз бўшсиз.

Хупка пайдо бўлади.

Х у п к а. Жаноб муҳаррир...

Ж у р н а л и с т. Бу нусха ким бўлди? Қачондан бери бу қаҳвахонага бегоналар кирадиган бўлиб қолишган?

К о т и б а. Элчихона маслаҳатчиси Хупка. Кечаги кундан бери истеъфода. (*Кетади.*)

Х у п к а. Жаноб муҳаррир, битта ўта муҳим хабарни эълон қилишингизни сўрайман.

Ж у р н а л и с т. Ўта муҳим дейсизми? Бу хавфли бўлса керак. Лекин, мен тайёрман, душанба кунги сонда сиз бутун бир саҳифани пуллик хабарлар билан эгаллашингиз мумкин...

Х у п к а. Кечирасиз, гап эълонлар ҳақида эмас, Асториянинг йўқлиги ҳақида!

Ж у р н а л и с т. Бундай очиқ ёлғон учун учта эълон билан ҳисоб-китоб қилишингизга тўғри келади.

Х у п к а. Лекин бу чин ҳақиқат.

Ж у р н а л и с т. Ҳақиқат? Бу эса янада қимматроқ туради. Сизнинг кармонингиз, ҳурматли жаноб, буни кўтаролмайди. Уртача ҳажмдаги ёлғонга келиша қолайлик. Бу сизга ҳар бири учтадан устунни эгаллайдиган иккита эълонга тушади, холос.

Х у п к а. Аммо ҳозир ҳеч қанақа эълон ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас!

Ж у р н а л и с т. Ҳозир деганингиз нимаси? Эълонлар ҳақида доим сўз бораверади. (*Кетади.*)

Х у п к а. Жаноб муҳаррир, ахир Астория йўқ деяпман!

О в о з к у ч а й т и р г и ч. Асториянинг қудрати ва Астория руҳи бугун бутун дунёни забт этмоқда. Бу йилги умумжаҳон кўргазмасида Асториянинг нефть қазиб олиш бўйича акциядорлик жамияти павильони ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. (*Хупка бу сўзларни эшитиб, нафрати тобора ошиб боради.*) Астория нефтидан олинган чиқиндилардан сунъий озиқ-овқат ишлаб чиқарилмоқдаки, улар паст нархларда бўлгани сабаб яқин орада хорижда яшаётган асторияликлар учун озиқ-овқат муаммосини ечишга ёрдам беради.

Х у п к а. Ахир, Астория мавжуд бўлмаган-ку!

П и ё д а (*қўлида хайрия учун локонча ушлаган одам*). Хориждаги асторияликлар сони икки миллиондан ошиб кетди. Ёрдам Беринг! Севимли ватанимиз соҳилларига қадам босгунамизча, ҳозирги қийин пайтда бизни қўллаб туринг.

Х у п к а. Оғайни, бу мамлакатнинг қаердалигини биласанми ўзинг?
 П и ё д а. Йўқ!
 Х у п к а. Сени у ерга олиб боришадими?
 П и ё д а (*дағдаға оҳангида*). Йўқ!
 Х у п к а. Нимага ҳалигача Асторияга ишониб юрибсан?
 П и ё д а. Чунки шундан бошқа менинг ҳеч нарсам йўқ.
 Х у п к а. Сиз у ерга ҳеч қачон боролмайсиз! Ҳеч қачон!
 П и ё д а. Ҳе, саними, тўнғиз! (*Хупкага мушт туширади. Кетади.*)
 О в о з к у ч а й т и р г и ч. Сахий хайриялар эвазига Астория қироллиги шундай қуролланишга эришдики,...
 Х у п к а. Наҳотки бирор-бир давлат бунга чек қўёлмаса?

З о б и т киради.

З о б и т. Чек қўяди! Бизнинг буюк давлатимиз чек қўяди!
 Х у п к а. Давлатингиз Асторияга энг асосий душман сифатида қарайдими?
 З о б и т. Бир неча асрлардан бери...
 Х у п к а.... Сиз мавжуд бўлмаган мамлакатга қарши қуролланыпсиз. Астория йўқ, унинг ҳеч қандай ҳудуди ҳам йўқ!
 З о б и т (*афсусланиб*). Бўлмасам, бомбаларимизни қаерга ташлаймиз? Лаънати. Биз ютқазар эканмиз-да. Афсуски, бизнинг ҳудудимиз бор. Мен ҳозироқ вазирлар маҳкамасига таклиф киритаман: зарба учун энг очиқ нишонларни: соборлар ва музейларни ер юзидан йўқ қилиш ҳақида...

З о б и т кетади. Ч о л пайдо бўлади.

Х у п к а. Кимсиз?
 Ч о л. Мен – Древлангман, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашаман.
 Х у п к а. Астория халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан борми?
 Ч о л. Нега бўлмас экан? Тушунарли қилиб айтадиган бўлсам, давлат армиядан, полициядан, амалдорлардан ва ҳоказолардан тuzилган. Асторияда буларнинг ҳаммаси бор.
 Х у п к а. Аммо, кечирасиз... мен доим давлат – бу далалар, боғу-чаманлар, фабрикалар, уйлар, музейлар деб ўйлагандим...
 Ч о л. Соддалар шундай деб ўйлайди. Сиз айтганларнинг ҳаммаси ватан тушунчасига тегишли. Бу эса тамоман бошқа нарса.
 Х у п к а. Демак, сизнингча, давлат билан ватан умуман бошқа-бошқа нарсалар эканда?
 Ч о л. Кўриб турганингиздек, дўстим. (*Кетади*).
 О в о з к у ч а й т и р г и ч. Бугунги кундан бошлаб радиостанциямиз тингловчиларнинг кўплаб истакларини ҳисобга олиб, “Астория тили. Таълимни давом эттираётганлар учун курс” деб номланган эшиттиришни бошлайди. Курсни асториялик деҳқонлар ҳаёти тўғрисидаги “Астория руҳига қарши гуноҳ” деб номланган романи учун давлат адабиёт мукофоти совриндори устоз Плюарио олиб боради. Маълумки, устоз ўз юртининг адабий ҳаёти вакили сифатида яқинда...
 Х у п к а. (*сухандон сўзлари таралиб турган овоз кучайтиргичга қараб*). Аммо... Сизда ватан нима қилсин. Сиз ватан нималигини билмайсиз-ку! Сиз сифинаётган нарса... бу... (*Алам билан.*) Улар мени эшитишмаяпти. Ҳаммаси бефойда.

Овоз кучайтиргич жим бўлади. А н а с т а с и я пайдо бўлади.

А н а с т а с и я. Шунақа, шекилли. Шунча саъй-ҳаракат бефойда кетса-я. Менга ўхшаб, узлатга кетинг.

Х у п к а. Фройляйн Анна! Бу ерда нимани изляяпсиз?

А н а с т а с и я. Ҳали унчалик қаримаган, фикр юритиши кенг, ўзига ўхшаш ёлғиз, ҳеч вақоси йўқ аёл билан руҳий бирликни ҳис қилишни истайдиган нафақадаги мусиқачини қидиряпман. Кичкинагина “Осойишта бурчакдаги бахт” парранда фермасини очиш учун.

Х у п к а. Астория-чи?

А н а с т а с и я. Астория шундайлигича қолаверсин! Ишонаверинг, жаноб Хупка, бу ёлғон фош бўлса, унинг кетидан ундан ҳам катта ёлғон пайдо бўлади. Қишлоқдаги уйча... мевали боғ... қушлар сайроғи... мана сизга ягона ва ҳақиқий Астория! Ҳовлидаги оппоқ товуқлар. Сизга ёқадими?

Х у п к а. Ёққанда ҳам қандоқ, фройляйн Анна.

А н а с т а с и я. Мен-чи? Мен сизга умуман ёқмайманми?

Х у п к а. Жуда ҳам ёқасиз, фройляйн Анна.

А н а с т а с и я. Лақиллаб юришни йиғиштирсангиз бўларди энди!

Х у п к а. Шунинг учун бир парча ерни, ватанни қидиряпман. Хоҳлайман. Шунинг учун бир парча ерни, ватанни қидиряпман.

А н а с т а с и я. Ҳўш, нима учун “Осойишта бурчакдаги бахт” фермасида паррандачилик билан шуғулланишни истамаяпсиз бўлмаса?

Х у п к а. Эҳ, фройляйн Анна, гап паррандаларда эмас-да.

А н а с т а с и я. О! Сизга ўхшаган одамлар менга ёқади.

Х у п к а. Мен айтмоқчиманки...

А н а с т а с и я. Ақлингизни йиғиштириб олинг, Килиан.

Х у п к а. Килиан? Сен Килиан дедингми? (*Қизариб.*) О, менинг оқ қушчам...

П а у л ь киради.

Х у п к а. (*Паулни кўриб, қутилмаганда*). Йўқ! Истамайман!

А н а с т а с и я. Нимани истамайсан?

Х у п к а. Ақлимни йиғиб олишни. Манави йигитчага бир қаранг. У ақлли иш қилмоқчи бўлди, лекин унинг интилишлари...

П а у л ь. Ҳайвонлик бўлиб чиқди.

Х у п к а. Сиз иккинчи марта менинг фикрларимни ўқияпсиз, йигитча.

А н а с т а с и я. Кимсиз?

П а у л ь (*тўлқинланиб*). Мен — оддий хизматкорман, марҳамати ўзига ўтқир пичоқдек санчиладиган, чўнтагидаги ўттизта танга қўлини оловдек қиздирадиган сотқин одам. Мен...

А н а с т а с и я... тентак малай. Кетдик, Килиан.

П а у л ь. Қулоқ солинг, Хупка! Ярим соатдан кейин Астория элчихонаси боғида Астория давлатига ажойиб ёдгорликнинг очилиши маросими бўлади. Тантанали нутқ жаҳоннинг барча радиостанциялари орқали берилади. Эшитяпсизми?

А н а с т а с и я. Юрсангиз-чи мен билан!

П а у л ь. Йўқ. Қулоқ солинг! Мен сизга ичкарига киришга ёрдам берман. Саҳнага чиқиб оласиз-да, Жеймсони итариб ташлайсиз ва... ва...

Х у п к а (*ёришиб*). ...Ва мен уларни фош қилиб ташлайман. Дўстим, кел, қучай сени! Озодлик ишига хизмат қилиб, барча гуноҳларингни ювасан.

А н а с т а с и я. Аммо, жаноблар, ақлингизни йиғиб олинг, фурсат бой берилган, ахир.

Пистолетти киради.

П и с т о л е т т и. Аксинча, оғайни. Ҳали жуда эрта!

Х у п к а (*заҳархандалик билан*). Жуда кеч... жуда эрта..., ҳм, агар кўрқаётган бўлсанг, фройляйн Аннерль билан парранда боққани кетавер.

П а у л ь. Мутлақо тўғри. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

П и с т о л е т т и. Сен Асторияни бош кўтарган хизматкор ёрдамида йўқ қилмоқчимисан? Бошингни ишлатиб кўрсанг-чи, оғайни!

Х у п к а. Биз жуда кўпдан бери оғайни эдик.

П а у л ь. Ҳой, товуқбоқар!

Х у п к а. Биз бир-бирингизга жуда мос экансиз. (*Анастасияга қараб.*) Унинг исми Ипполит, маълумотингиз учун.

А н а с т а с и я. Менга бу ном ёқмаяпти.

П а у л ь. Сиз тез орада унга ўрганиб қоласизлар. “Жуда кеч” хоним ва жаноб “Жуда эрта”.

П и с т о л е т т и. Ақлдан озибсан, Хупка. Бутунлай ақлдан озибсан. Яхшилаб бу ҳақда ўйлаб кўр!

Х у п к а. Сен билан гап сотиб ўтиргандан нима фойда? Кетдик, дўстим!

П а у л ь. Битта нина билан пуфак пақ этиб ёрилади.

Х у п к а. Сен билан елкама-елка туриб асримизни тартибга қақираман! (*Иккови кетади.*)

П и с т о л е т т и. Бу тартиб бошингга бало бўлади!

А н а с т а с и я. Афсус. У товуқ боқишни зўр эплаган бўларди.

П и с т о л е т т и. Фройляйн Аннерль, гап товуқларда эмас. Гап, ўз дўстларини — бечора дайдиларни қийин вақтда ташлаб кетиш мумкин эмаслигига тушуниб етгунча тақдирдан жуда кўп марта дакки еган одам ҳақида.

А н а с т а с и я. Дакки? Шундай кўркам йигит-а.

П и с т о л е т т и. Нима ҳам қила олардик? Ё силлиқ башара, ё бой тажриба — ҳаммасига бирданига эришиб бўлмайди. (*Саҳна ортидан шовқин эшитилади.*) Эшитяпсизми шовқинни?

А н а с т а с и я. Ҳа. Ёдгорликнинг очилиш тантанаси бошланяпти.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Ёдгорликнинг очилиши. Мато билан ўралган ёдгорлик. Фахрий ўринда: Гвендолин, граф, Жеймс.

Г р а ф. Халқим менинг! Айнан мана шу тарихий вақтда ўз нутқимни бошлашдан олдин мен уни қуйидаги сўзлар билан якунлайман: шухрат — бу содиқликнинг тўкин дастурхони! (*Қарсақлар. Граф минбардан тушади.*)

Г в е н д о л и н. Азиз дўстлар! Бу дунё жаҳаннамида азоб чекаётган, гуноҳга ботган оға-инилар! Ҳаммангизга маълумки, мен сиёсат билан шуғулланмайман. Мен оддий тадбиркорман, мени фақат рақамлар қизиқтиради. Мен фақат сизнинг моддий фаровонлигингиз учун қайғураман. Бугунги шонли кунда сизларга маъруза ўқишга арзимайман. Бундай шарафли вазифа бизнинг буюк Жеймсга насиб қилган. Сўз халқдан чиққан камтарин Жеймсга. (*Ҳиқичоқ тутлади.*) Жеймс!

Ж е й м с. Асториялик жаноблар ва хонимлар! Бу...бу....бу....бу....

О м м а. Бу...бу...бу...

Ж е й м с (*ишора билан омmani тўхтатади*). Буюк кун келди. Ва ме...ме...ме...ме...

О м м а (*мадҳия куйи остида*). Ме...ме...ме...ме...

Ж е й м с (*қўли билан ишора қилади*). Мен нима учунлигини тушунтириш вазифасини ўз зиммамга оламан. Шундай қилиб, бугун хизматкорлар ва хизматкорликка номзодларнинг ихтиёрий уюшмасига кирмаган охириги асториялик вафот этди. Унга бе...бе...бе...бе...

О м м а. Бе...бе...бе...бе...бе...

Ж е й м с. ... беҳосдан бошига гишт тушиб кетди. Худо раҳмат қилсин. Шу вақтдан бошлаб Астория хорижининг аҳли бутунлай ихтиёрий хизматкорлар ва хизматкорликка номзодлардан иборат. Мен ра...ра...ра...ра...

О м м а. Ура-ра-ра.

Ж е й м с. Мен раҳмат деб шуни айтмоқчиманки, сиз билан, уюшмамиз аъзолари билан бирга мана шу юрагимга яқин самимий талбирда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Асторияликлар! Бир неча ойлар давомида жаҳон фитнесининг ёвуз кучлари: фаготистлар, вандаллар ва вегетарианлар Асториянинг ўз ҳудуди йўқ, деган сафсатани тарқатишаётган эди. Бу қуп-қуруқ ёл...ёл...ёл...ёлгон...

О м м а. Қандай юзсизлик!

Ж е й м с. ...ҳақиқатга мос келади. (*Давомли қарсақлар*.) Асториянинг ҳудуди йўқ. Асториянинг нимаси бор? Унда дунёдаги энг зўр амалдорлар, энг кучли армия бор. Асторияга яна нима керак? Яна ҳам зўр амалдорлар идораси ва янада яхши армия керак. Кейин-чи? Балки, бугдой далалари керакдир? Кулгили эмасми? Ҳар бир замонавий киши шуни биладики, бугдойдан кўра самолётлар зарурроқ. Турар жойлар-чи? Эркақларимизнинг кўпчилиги дўстона мамлакатлар казармаларида, аёлларимизнинг кўпчилиги эса ишчилар ошхоналарида яшайди. Умумий ҳисобда бу аҳолининг 30 фоизини ташкил қилади. Яна ўттиз фоиз аҳоли бизга марҳамат билан эшикларини очган қамоқхоналарда кунини ўтказмоқда. (*Қарсақлар*.) Қолган 40 фоиз дунё бўйлаб тарқалган ва бегона юртларда кун кечирмоқда. Бизга шон-шарафлар бўлсин! Бундай ажойиб яшаш шароитлари бизни асримизнинг энг катта ёзувлигидан, ҳаётдан қониқиш ҳиссидан холос этади! Биз бошимизни мағрур тутиб, келажак сари интиламиз, унинг қандайлиги эса бизга барибир... У ёрқин ёки...

О м м а. Ура-ра-ра!

Ж е й м с. Қоронғу бўлиши мумкин. Астория йўқ деб ким айта олади? Давлат деб биз нимани айтишимиз керак: улкан ҳудудни эгаллаган, лекин ижро ҳокимиятининг бирорта вакилига эга бўлмаган қора танлиларнинг Либерия республикасиними ёки ҳудуди бўлмасида, энг замонавий бошқарув идорасига эга Асториянимми? Астория давлатнинг энг замонавий тури бўлиб, давлат фикрининг энг изчил, тўлиқ ва мурасасиз ифодаси сифатида юзага келди: бу тушунчани ифлословчи асоратлардан холи давлат; давлат аппарати ўлчамларигача қисқартирилган давлат! Асторияликлар! Бу аср миқёсидаги кашфиёт олдингизда турган ёдгорликнинг тантанавор очилишида яққол намоён бўлади. Қаранг. Мато олиняпти! Асторияликлар, мен... мен. (*Гулдуросли қарсақлар*.)

Х у п к а пайдо бўлади. У минбарга чиқади.

Х у п к а. Одамлар! Дўстлар!

Жеймс уни тутишга ҳаракат қилади.

ЖАҲОН АДАБИЯТИ

124

Г в е н д о л и н (*кулади*). Тегманг унга, Жеймс! Овора бўлманг!
 Х у п к а. Менга ишонинг! Астория мавжуд эмас! (*Атрофдагилар жим. Хупка довдираб қолади*). Сиз мени тушунмаяпсиз, чоғи. Бу, ахир, жуда оддий... барча сизнинг истакларингиз, орзуларингиз — бўм-бўш ошқозондан чиқаётган товушлар... бу бизнинг ватанимиз. Тушуняпсизми? Биз яхши кўришни, ҳимоя қилишни истайдиган ватанимиз, тушуняпсизми? Бир нима десангиз-чи! Нимага манави узурпатор, упарзутор... узарпетер..., қандай қилиб аниқроқ айтсам экан... гапирганда ҳаммангиз чапак чалдингиз...

Шу пайт минбардаги меҳмонлар кула бошлайдилар, уларнинг кулгиси оломонда акс этади ва шовқинли тўлқин каби ёйилади. Жеймс кулгидан бўғилиб, Хупканинг ёқасидан ушлаб, орқасига тепади ва ҳайдаб чиқаради.

Г р а ф (*кулади*). Жеймс, манави майнавозчи фаготист ким бўлди?
 Ж е й м с. Оддий бир дайди-да.
 Г в е н д о л и н. Уни танийсизми?
 Ж е й м с. Бу қандайдир Хупка.
 Г в е н д о л и н. Хупка? Бунақасини танимамайман. (*Жиддий оҳангда.*)
 Ҳаммамиз ҳам гуноҳкор бандамиз. Ким биринчи бўлиб тош ташлайди?

Бир неча дақиқа жим-житлик ҳукм суради, кейин яна кулгу кўтарилади, шонли ва тантанавор мусиқа янграйди. Чироқ ўчади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи кўринишдаги йўл манзараси. Хупка, Пистолетти, Пауль кетишяпти.

У ч а л а с и (*куйлайди*).

Кўк тоқига чиқарга,
 Айтинг, нарвон қайда бор?
 Дунё ўзи шунақа,
 Эй, беватан биродар!

Х у п к а. Асторияча саргузаштларимиз тугаганга ўхшайди. Илоҳий комедия тугади. Вазиятнинг ҳажвий томони нимадан иборат? Бошпанасиз икки киши бор эди, энди улар учта бўлди.

П а у л ь. Бунинг яхши томони ҳам бор. Қанчалик катта бўлса, шунча кўп.

Х у п к а. Жудаям тўғри. Ўз ҳолига қўйилган одам ёки элчихона маслаҳатчиси даражасига кўтарилади, ёки васвасага тушади.

П и с т о л е т т и. Худди шундай! Ниҳоят, ақлингиз етибди-да. Қараб туринг, мен ҳозир қиссадан ҳисса чиқараман. Фақат ўтиришга жой топайлик.

Жандарм пайдо бўлади.

П а у л ь. Ҳа, мана энди ўтирамиз.

Х у п к а. Э, оғайни. Салом!

Ж а н д а р м. Хужжатларингиз.

Х у п к а. Эсласангиз, жаноб жандарм, бир йил аввал сиз фаришта кўринишида намоён бўлгандингиз, ўшанда суюкли рафиқангиз сизга учта эгизак совға қилганди. Кечирасиз, нега бугун кайфиятингиз йўқ?

Ж а н д а р м. Агар, жин урсин, сизни бу қизиқтирса, айта қолай:

чунки у яна менга учта эгизак совга қилди!

Х у п к а. Ҳа, меъёр учун меъёр бўлиши керак. Айтадилар-ку, санъат санъат учун деб.

Ж а н д а р м. Паспортларингиз сохта. Ортимдан юринг!

Х у п к а. Кечирасиз, au contraire! Булар ҳақиқий Астория паспортлари, ахир.

Ж а н д а р м (*заҳархандалик билан*). Бўлса бордир. Ўзингиз ясаб, ўзингизнинг гўёки расмий муҳрингиз ва имзоларингиз билан безаб, энди ҳукумат вакилини калака қилипсизларми?

Х у п к а. Кимнидир калака қилиш хаёлимизга ҳам келмаган. Мен ҳақиқатан ҳам элчихона маслаҳатчиси бўлганман.

Ж а н д а р м. Бўлса бордир. Нималар ҳам бўлмайди, дейсиз бу дунёда. Жаноб элчихона маслаҳатчиси, ҳаммага маълумки, олдин киссовур-ўғри бўлган, уни тутиб берган одамга эса мукофот тайинланган. Қисқаси, ортимдан юринг!

П и с т о л е т т и. Мана кўрдингми, ҳамма нарсанинг жавоби бўлади.

Ж а н д а р м. Жим! Гаплашилмасин!

Х у п к а. Гаплашиш мумкин бўлмаса, кўшиқ айтишга рухсат беринг.

Ж а н д а р м. Майли, айтаверинг, зерикмаслик учун.

Х у п к а. Айтамизми?

П и с т о л е т т и ва П а у л ь. Биз тайёр!

У ч ч а л а с и (*куйлайди*).

Отландинг қайга такрор,
Кетмоқдасан қай ёққа?
Ер юзида йўл бисёр
Доим ялангоёққа.
Ким сени кутиб олар,
Қаршилайди сени ким?
Эшитгин — сенга еллар
Кўшиғини куйлар жим:

Сен кезасан доимо
Бир эзгу юртни излаб.
Унга дуч келмай асло,
Саргардон кезгунг, ажаб.
Бошмоғинг тошдек ботар,
Гарчи оғрир товонинг,
Чида, дайди биродар,
Сабилдир сенинг жонинг.

Тиланасан ҳар нафас,
Янги эмас сўзларинг.
Лек ватан — садақамас,
Қалпоғимас ўзганинг.
Ким ейди сенинг гаминг,
Юмуш топ, кўзингни оч.
Сеники бўлар замин,
Гар тортсанг унда омоч.

Ёнинга шерик чақир,
Танинг чарчоқ билмагай.
Ҳаяллама, ағдар ер,
Замин сени сийлагай!
Дилингдан ғуссани от,
Қолмасин қалбда қадар.
Ғамни енгар иш, меҳнат,
Эй дарбадар биродар!



ЖАН де ЛАФОНТЕН

Масаллар

ЭРКАК, АЁЛ ВА ЎҒРИ

Качонлардир бир эр бор эди,
Ёрин севиб бахтиёр эди.
Фақат гоҳо эзарди хаёл —
Чунки уни севмасди аёл.
Бўлмаса-да, эгрими-ёвуз,
Бу аёлнинг бағри эди муз.
Бир тош эди умрида худди,
Ўтдек ёнмас эди вужуди
Гоҳ-гоҳида ўкинарди эр —
Хотини ҳам севса нетарди?
Уй бир бўлгач, ёстиқ бўлгач бир,
Наҳот, бўлак уларнинг дарди?

Шу тахлитда улар ҳаёти
Ўзгармасдан, кўп кунлар ўтди.
Бир кун эрни қаттиқ эзди ғам,
Юрак-бағри куйиб ниҳоят —
Севмайсан, деб ёрига шу дам
Дил-дилидан қилди шикоят.
Кутмаган ҳол...
Айни шу замон,
Очилганча эшик ногаҳон —
Ўғри уйга кирди бостириб.
Хотин кўрқиб, йўқотиб ўзин,
Титраб эри пинжига кириб
Шивирлади: “Жоним, азизим!”

*Русчадан
Омон МУХТОР
таржималари*

Жан де ЛАФОНТЕН (1621–1695) – француз классик шеъриятининг йирик вакили, масалчи. «Минг бир кеча» эртаклари ҳамда Апулейнинг «Метамарфозалар»и асосида «Психея ва Купидоннинг муҳаббати» (1669) номли машҳур қиссасини ёзган. Лафонтеннинг масал жанридаги асарлари кўпроқ шуҳрат қозонган. «Шеърий эرتак ва ҳикоялар», «Масаллар» тўпламларида йирик мутафаккир, ўткир ҳажвчи, адабиётда уйғониш даври аъналарининг давомчиси сифатида майдонга чиқди. Унинг антик давр, Европа ҳамда Шарқ адабиёти шунингдек, халқ донишмандлигидан руҳланиб яратган асарлари замонавийлиги, ўткир ҳажви ва мазмундорлиги билан жаҳон сатирик адабиёти хазинасини бойитди. Кўп халқлар масалчилиги ривожига ҳам Лафонтен ижодининг муҳим ўрни бор.

Буни кўриб, эрга кирди жон,
 У ўғрига деди: “Ошнажон,
 Яхши одам экансан! Ахир,
 Менга сен бахт келтирдинг бу кун.
 Олгинг келса уйдан нимадир,
 Олавергин! Ана, пул, тугун.
 Истаганинг олгин бемалол!”
 Ўғри уйни шипирди ҳалол...

Бу қиссадан нима ҳисса бор?
 Демоқчиман, кўрқишлик ёмон.
 Муҳаббатга ва лекин зинҳор —
 У яратиб бермайди имкон.
 Муҳаббатдир ўзгача. Иймон.
 У бўлолмас бошга тушган қор!

Эшитганман, қай бир девона —
 Кучсин, дея ўзини ёри
 Ўт қўйибди. Ва ўтдан хона,
 Хонадаги жамики бори
 Куйиб битган бекордан-бекор.
 Уни зарра севгани йўқ ёр.
 Бундай ҳоллар доим муваққат,
 Бошқа нарса, дўстлар, муҳаббат!

МАЙМУН

Яшар эди Парижда маймун,
 Уйлантириб қўйишди бир кун.
 У кўрганди... Эгаси, бир эр —
 Хотинини қилиб қора ер,
 Урар эди эрта-кеч. Шундан,
 Тўғри қилиб балки, деб, Одам —
 Ўз қавмига бизнинг маймун ҳам
 Қўл кўтарди уйланган кундан.

Дўппосларди қаттиқ, ваҳшийвор.
 Хотини-чи? Қулаб бемадор
 Ўлиб қолди калтакдан бир кун...
 Иккинчи бор уйланди маймун.
 Яна ўша, кибрли турар —
 Хотинми, бас, қутуриб урар...
 Бу кун бизнинг, тақлид “дарди”дан
 Қутулмаган ёзувчилар кам!
 Бироқ мундоқ, дейиш шартмикан? —
 Қаршингдаги буюк бўлса ҳам...

ДЎКОНДОР ВА ЭТИҚДЎЗ

Бир дўкондор бўлар эди. Қасри-саройда
 Яшар эди. Ичгани бол, пичоғи мойда.
 Базми жамшид қурарди у кўрсанг эрта-кеч,
 Унинг йиққан мулки эса тугамасди ҳеч.
 Даргоҳида тўкин эди емак ҳам, май ҳам,

Бу даргоҳни ноз-неъматда жаннат деса кам.
 Дўкондорни қийнар эди на дард, на оғриқ,
 Унга худо берган эди метиндек соғлиқ.
 Уни фақат...
 қийнар эди биргина қайғу —
 Тунлар аксар кўзларидан қочарди уйқу.
 Хўш? Тинчини йўқотди у нима балодан?
 Кўрқадиган жойи борми сувдан, оловдан?
 Биров билмас...
 негадир у топмасди ором,
 Унинг руҳи аллақандай безовта мудом.
 Гоҳ тун бўйи мижжа қоқмас. Ниҳоят, сахар
 Кўзи кетар ва албатта, янги дардисар —
 Ухлашига халал берар... Боисин айтсак,
 Ён қўшниси ашулага ишқибоз андак —
 Ётоқхона ойнасига рўпара ойна
 Орқасида ўтиради этикдўз, ана.
 У камбағал. Уй-маскани хароба, бироқ
 Ҳеч гами йўқ. Илк сахардан ўчгунча чироқ —
 Ашулани авж пардадан туширмайди у,
 Дўкондорга кундузи ҳам бермайди уйқу.
 Дўкондор кўп ўйлаб юрди: не қилса агар,
 Бетартиб бу “вадаванг”дан қолмайди асар?
 Жанжаллашса, обрў кетар, бундан қилар ор,
 Илтимос-чи? Илтимос ҳам ўтмайди. Бекор!
 Боши қотди...
 излаб-топиб ақалли бир сўз,
 чақиртирди у қўшнини.
 Келди этикдўз.
 — Ишлар қалай? Саломатлик? Жон биродарим!
 — Раҳмат, хўжам, ёмон эмас менинг ишларим!
 — Турмушинг-чи, биродарим, азиз дўстгинам?
 (Бундай пайтда биров бўлмас марҳамати кам!)
 —Турмушим ҳам ёмон эмас, Худога шукур!
 —Мен кузатдим, сен яшайсан худди таранг тор,
 —Кайфиятинг доим аъло, машқинг жарангдор...
 —Буниси рост. Ҳаётимда ҳаловат-хузур!
 Куним ўтар менинг меҳнат билан. Билмайман тиним.
 Бундан бўлак, ёш ва дилкаш менинг хотиним.
 Сизга айтсам, кимнинг бўлса хотини дилкаш,
 Тунми, кунми бўлмас унинг юрагида ғаш.
 —Топган пулинг етарлими яшамоқ учун?
 —Ўйлашимча, ўз ҳадини агар билса ким,
 Бу дунёда бўлмас унда ортиқча чиқим.
 —Демак, дўстим, бой бўлишга майлинг йўқ бу кун!
 —Менинг учун неки бордир қўлимда, басдир,
 Лекин, хўжам, одам зоти бемайл эмасдир.
 Бу дунёда тартиб шудир, одатда инсон
 Яшолмайди қимирламай, беғам-беармон.
 Сен бадавлат бир кишисан. Аммо сенга ҳам
 Биламанки, бор давлатинг кўринади кам.
 Мен ҳам бир оз бойроқ бўлсам, қилмасди зиён.
 —Баракалла. Гапни дангал айтдинг, биродар,

Ҳаёт экан! Биров бой-у, қашшоқ бировлар.
Гарчи дерлар, камбағаллик айб эмас, бироқ
Одам учун бой-бадавлат бўлган яхшироқ!
Сен бор гапни гапирганинг хуш ёқди менга,
Мана, сенга бир халтача олтин. Мукофот.
Худо қўллаб, орадан кўп ўтмасдан, сенга —
Ишонаман, насиб этар тўкин-тинч ҳаёт!
Мана, сен ҳам бойсан энди. Қўлингда олтин,
Аммо уни асраш керак ҳаммадан олдин.
Совурмагин. Қара, бир кун бу беш юз танга
Эҳтимолки, керак пайтда ярайди сенга...
Шундан кейин, дўкондорга айтмай ҳеч бир сўз,
Олтин билан ўз уйига кетди этикдўз.
Халтачани этагига эҳтиёт ўраб,
Ўз-ўзидан қўрққанича ўнг-сўлга қараб —
Уйга келди.
Ерга кўмди олтинни шу дам,
Ерга кўмди олтин билан...
ўз тинчини ҳам!
Куйламасдан кўйди энди. На завқ, на уйқу —
Безовталиқ балосига дучор бўлди у.
Типирчилаб, кундан-кунга қуриди шўри:
Уйдан-уйга мушук ўтса агар бемаҳал
Ёки тунда эшик-ойна гижирласа сал —
Ўйлардики, келаяпти ёвуз бир ўғри.
Қулоғи динг. Боши гаранг. Хаёл паришон,
Ҳар томонга югуради, ҳалқумида жон.
Хуллас, турмуш чиқди издан ваҳима босиб...

Кунлар ўтиб, ҳушин йиғди ниҳоят, косиб.
У олтинни ердан олиб, ўраб этакка,
Кириб борди, қўшнисини яна кўрмакка.
Дўкондорга қайтиб берди мулкни этикдўз,
Мийиғида қулганича сўнгра қотди сўз:
— Раҳмат, хўжам, олтин менга бўлди дардисар,
Мен олдинлар фароғатда эдим нақадар,
Камбағалга асло тўғри келмаскан олтин —
Мени тинч қўй, ўзинг уни яхшиси олгин.
Менга билган ашула-ю
уйқуга эваз —
Бошқа нарса бу дунёда керак ҳам эмас!



Варлам ШАЛАМОВ

Ҳикоялар

ЁМҒИР

Биз янги полигонда учинчи кун қазиш ишлари билан машғул эдик. Ҳар кимнинг ўз қудуғи бўлиб, уч кун ичида нари борса ярим метр чуқур кириб борардик. Ҳали музликкача ҳеч ким етиб бормаганди. Фақат бизнинг бригада ишларди. Ҳамма гап ёмғирда эди. Ёмғир бўлса, уч кундирки, эзиб ёғяпти. Ёмғир бир соатдан бери ёғяптими, бир ойдан берими, тошли тупроқда билиб бўлмасди. Бизга қўшни бригаданинг ишини аллақачон тугатиб уйга олиб кетишган, чунки у ўғрибошилар бригадаси эди-да. Ҳатто ҳасад қилишга ҳам ҳолимиз қолмаганди. Чўққисимон, бесўнақай ўнбоши йигит намиқиб кетган катта брезент ёмғирпўшида кам кўринарди. Орқамиздан қамчидай савалаб турган сув қамчиси — ёмғирга бошлиқлар катта умид боғлашганди. Биз аллақачон шалаббо бўлиб кетгандик. Ички кийимимизгача дея олмайман, негаки бизда ички кийимнинг ўзи йўқ эди. Ёмғир ва совуқ бизни ишлашга мажбур этарди — бошлиқларнинг яширин, жўн мўлжали шундай эди. Лекин ишга нафратимиз ундан-да кучли эди ва ҳар кеч ўнбоши сўкиниб, лаънат ўқиб, белги қўйилган ёғоч ўлчагичини қудуққа тиқарди. Лагердаги таниқли маълум бино — “қўзиқорин” тагига паналаган соқчининг икки қўзи бизда бўларди.

Бизнинг қудуқдан чиқишимиз мумкин эмасди — шартта отиб ташлашарди. Қудуқлар орасида фақат бригадиримиз юриши мумкин эди. Бир-биримизга баланд овозда гапиришимиз ҳам мумкин эмасди — бунга ҳам чора битта: отиб ташлаш. Қуриб қолган дарё қирғоғи ёқалаб чўзилиб кетган қатор қудуқларда ярим белгача тошлоқ чуқурларда тишни тишга қўйиб жимгина туришга мажбур эдик.

Тун бўйи бушлатларимизни қуритишга улгурмадик, гимнастерка ва шимларимизни эса кечаси танамизда иситдик ва деярли қуритишга улгурдик. Мени — оч, қаҳрли одамни дунёда ҳеч нарса ўзини

Варлам ШАЛАМОВ (1907–1982) мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган рус ёзувчиларидан бири. У ёшлигидан адабиётга меҳр қўяди, ҳам шеър, ҳам насрда қобилятини синаб кўра бошлайди. Москва Давлат университети талабалиги чоғида Лениннинг сиёсий васияти — партиянинг ХII съездида ёзган хатини тарқатишда айбланиб, уч йил лагерда ўтиради. 1937 йили яна қамалади ва Колимага жўнатилади. КПСС XX съезидан кейин тўла оқланади.

Колима ҳикояларини эллагинчи йиллар бошларида, сургундалигида ёза бошлаган. Ҳикоялари, ватанида эълон қилиш имкони бўлмагани боис, хорижда босилган. Шеърлари эса совет журналларида чиқиб турган, бешта тўплами чоп этилган. Шеърларини Борис Постернак юқори баҳолаган, сургунга хатлар йўллаб, далда бериб турган, кейин улар учрашиб, дўстлашиб кетишган.

ўлдиришга мажбур этолмаслигини билардим. Худди шу онларда ҳаётнинг буюк ҳис-туйғуси моҳиятини — инсонга олий даражада берилган хусусият-сифатни тушуна бошлаган эдим. Мен отларимизнинг ҳолдан тойгани ва ўлганини кўрдим — буни бошқача ифодалай, бошқа феъллардан фойдалана олмайман. Отларнинг одамлардан ҳеч фарқи йўқ эди. Улар Шимолдан, бениҳоя оғир ишдан, ёмон озиқдан, калтаклардан — гарчи калтакни одамларга қараганда минг бор кам еса ҳам, ўлиб кетарди. Охири мен энг муҳим нарсани тушуниб етдим: инсон яратганнинг бандаси бўлгани, қўлларида моҳир бармоқлари борлиги учун, инсонга айланмаган. У барча ҳайвонлардан кўра жисмонан кучли, чидамли бўлгани боис кейинчалик ўзининг маънавий қудратини жисмоний қувватига хизмат қилдиришга мажбур эта олган.

Қудуқда туриб шулар ҳақида юз мартача ўйлагандирман. Ўзимни ўлдирмаслигимни билардим, негаки жонга қасд қилиш нималигини бошдан ўтказгандим. Яқинда мана шундай, фақат бундан чуқурроқ қудуқда баҳайбат тошни йўнгандим. Бу ваҳимали зил-замбил нарсани бир неча кун авайлаб тарашладим — шоирлар айтмоқчи, нафис бир ҳолатга келтирмоқчи бўлгандим. Чиндан-да, бу ажойиб ният эди, эстетика қоидаларига ҳам мос келадиган ҳодиса бўларди. Тош ағдарилиб тушиши ва оёғимни мажақлаши керак эди. Бир умр ногиронлик нашьасини сурардим-да! Бу эзгу орзу тагида ўзига яраша ҳисоб-китоб ётарди: чўкични секин қайиришим билан тош босиб, оёғимни янчиб кетадиган жойни ҳозирлаб қўйган эдим. Белгиланган кун, соат ва дақиқа ҳам етиб келди. Ўнг оёғимни осилиб турган тош тагига қўйдим, босиқлигим учун ўзимни ичимда мақтаб, қўлимни кўтардим ва тош ортидаги чўкични пишангдек қайирдим. Тош девор бўйлаб мен олдиндан чамалаб қўйган жойга ваҳимали сирғалиб туша бошлади. Шунда оёғимни қандай тортиб олганимни ўзим ҳам билмайман. Минг қилса ҳам қудуқ тор эди, бир оёғим эзилди. Икки жойи кўкарди, уч жойи шилинди — обдон тайёргарлик кўрган ишимнинг натижаси шу бўлди.

На аъзои баданимга шикаст етказишга, на ўзимни ўлдиришга яроқсизлигимни тушуниб етдим. Катта омадсизликдан кейин кичик омад келишини, катта омадсизлик палласи тугагини кутишдан ўзга чора қолмади. Яқин омад иш кунининг охирида, уч қошиқ иссиқ шўрвада эди, шўрва совуқ бўлса ҳам уни темир печкада иситиб олса бўлади, қозончам, бир литрлик консерва банка бор. Папиросни, тўғрироғи, қолдиқни навбатчимиз Степандан сўрарман. Аъзои баданим

Варлам Шаламов ҳикоялари кишини ларзага солади. Йигирма йил умрини турма, лагер, сургуларда ўтказган ёзувчи бу жойлардаги чидаб бўлмас даражадаги оғир шароит, тинкани қуритувчи меҳнат, очлик, ташналик, хўрланиш, таҳқирланиш, зулм, адоват, сотқинлик, ўғрилиқ, уруш-жанжаллар, қотиллик ва бошқа турфа азоб-уқубатларни шафқатсиз ҳақиқат билан тасвирлайди. Иродаси мустаҳкам Верлам Шаламовга ҳам оқланиш, ҳам қайтиб келиш насиб этди. Лекин йиллар давомида тотилган азоб-уқубатлар беиз кетмайди, адиб умрининг сўнгги йилларида қар ва кўр бўлиб қолади, қариялар уйида яшаб, ёлғизликда, хор-зорликда ўлиб кетади.

1964 йилда А.И.Солженицин В.Т.Шаламовга йўллаган мактубида унинг “Қолима дафтари”, “Қолима ҳикоялари” босилишига ишонишини ёзган эди. “Қолима ҳикоялари” нашр этилади, лекин муаллифга уларни кўриш насиб этмади.

Шаламов ўз асарларида СССР деб аталмиш, жаҳонда энг адолатли тузум дея бетиним мақталган, сирти ялтироқ империянинг ниқобини сидириб, авра-астарини очиб ташлайди. Ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган ҳикоялар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

ивиб, шалаббо бўлсам ҳам, миямда икир-чикирлардан иборат катта масалалар айланар, ўзим ниманидир кутар эдим, лекин вазмин, хотиржам эдим. Бу мулоҳазаларим шунчаки миямнинг машқимида? Йўқ, ҳеч ҳам-да, бунинг бари табиий эди, ҳаёт тарзи эди. Танам, демакки, мия ҳужайралари керакли озиқ ололмаётгани, мия анчадан буён оч-наҳор ва ақлдан озиш, эртага склероз ва яна алланималарга дучор бўлишини тушунардим. Узоқ яшамаслигимни, склерозгача бориб етмаслигимни ўйлаш кўнгилли эди. Ёмғир ҳамон қуярди. Кеча бизнинг ёнимиздан, соқчининг бақиршига эътибор бермай ўтган аёлни эсладим. Биз қўл силкиб, аёлга салом бердик. Уч йил ичида хотин зотидан биринчи кўриб турганимиз бу аёл кўзимизга чўғдай бўлиб кўринди. У ҳам бизга қўл силкитди, осмонни, унинг қайсидир бурчагини кўрсатиб, “Яқин қолди, йигитлар, яқин қолди!” дея қичқирди. Шод-хуррам жавоб қайтардик. Мен уни бошқа ҳеч қачон қайтиб кўролмаган бўлсам-да, бизни тушунгани ва далда бергани учун яхши эслаб қолганман. Осмонни кўрсатар экан, у дунёни назарда тутгани йўқ эди. Йўқ, у фақат кўзга кўринмас қуёшнинг уфқ ортига ботаётганини, иш куни тугашига яқин қолганини айтмоқчи эди, холос. У Гётенинг тоғ чўққилари ҳақидаги сўзларини ўзича такрорлаётган эди. Бу оддий аёлнинг – қандайдир собиқ ва ё шу кунлардаги фоҳишанинг – бу пайтларда бу ҳудудларда фоҳишалардан бошқаси бўлмайти – донолиги, унинг катта қалби ҳақида ўй сурардим ва ўйларим ёмғир шитириштирига жуда ҳамоҳанг эди. Кулранг тош қиргоқ, кулранг тоғлар, кулранг ёмғир, кулранг осмон, кулранг йиртиқ кийимдаги одамлар – буларнинг бари майин, бир-бирига мос, муносиб эди. Буларнинг бари қандайдир якраг уйғунлик – ёвуз, иблисона уйғунлик эди. Худди шу пайт қўшни қудуқдан кучсиз қичқариқ эшитилди. Бу қўшним Розовский деган ёши катта агроном эди, унинг ихтисослигига оид бой билимлари врачлар, инженерлар, иқтисодчиларнинг билимлари сингари кераксиз эди. У мени отимни айтиб чақирди, мен олисда, “қўзиқорин” остида турган соқчининг таҳдидли ишорасига эътибор бермай, жавоб қайтардим.

– Қулоқ солинглар! – қичқирарди Розовский. – Қулоқ солинглар! Мен узоқ ўйладим! Охири тушуниб етганим шу бўлдики, ҳаётнинг маъноси йўқ экан... Йўқ экан...

Мен қудуғимдан отилиб чиқдим-да, Розовский соқчиларга ташланишга улгурмасдан ёнига етиб бордим. Иккала соқчи ҳам яқин келиб қолганди.

– У касал бўлибди, – дедим мен.

Шу пайт узоқдан ёмғирдан бузилган гудокнинг босиқ овози эшитилди-ю, биз сафга тизила бошладик.

Биз Розовский билан яна бир мунча муддат, у тепадан келаётган юкли вагонеткага ўзини ташлагунча, бирга ишладик. У гилдирак тагига оёғини қўйганди, лекин вагонетка оёғи устидан сакраб ўтиб кетди, ҳатто шиш ҳам қолдирмади. Шундай бўлса-да, ўз жонига қасд қилганликда айблови билан жиноий иш очишди. Розовский судланди ва биз ажралишиб кетдик, нимага деганда суд бўлиб, ҳукм қилинган одам илгари ишлаган жойига ҳеч қачон қайтиб бормаслиги ҳақида қонун бор. Терговчию, гувоҳлардан қасд олишидан чўчишади. Бу бир ҳисобдан тўғри қонун. Лекин Розовскийга нисбатан бу қонун қўлламас ва ҳам бўларди.

ЖЎНАТМА

Жўнатмани вақтида беришарди. Бригадирлар олувчининг шахсини аниқлашарди. Фанерлар ўзига хос фанерчасига гичирлайди, синади. Бу ернинг дарахтлари бошқача синади, ўзгача овоз чиқаради. Тўсиқ орқасидаги скамейкаларда жуда шинам, пўрим кийинган ҳарбий одамлар тоза қўллари билан қутиларни очишади, текширишади, қоқишади-силкитишади, узатишади. Кўп ойлик сафар давомида бўларича бўлган жўнатма қутилари кўзга қарамай отиб юборилгач, ерга тушиб, ёрилади, синади. Қанд бўлаклари, қуруқ мевалар, чириган пиёз, эзилган тамаки қадоччалари ҳар тарафга тўкилиб, сочилиб кетади. Ҳеч ким териб олмайди. Жўнатма олишнинг ўзи мўъжазаларнинг мўъжизаси бўлгани боис, эгалари эътироз билдиrolмайди.

Вахта ёнида милтиқ тутган соқчилар туришарди – оқиш аёзли туманда қандайдир нотаниш шарпалар гимирлайди.

Мен девор ёнида туриб навбатимни кутаяпман. Мана бу ҳаворанг бўлақлар – муз парчалари эмас! Булар – қанд! Қанд! Бир соатдан кейин бу чақмоқларни қўлимда ушлаган бўламан ва улар эримайди. Эриса, фақат оғзимда эрийди. Бундай катта чақмоқ менга икки ёки уч марта мазза қилишга етади. Тамакини айтсангиз-чи! Ўз тамаким! Қитгадан келган, Ярославл “Белка” си ёки “Кременчуг-2”. Чекаман, чектираман, ҳаммани, ҳаммани, ҳаммани, энг аввал йил давомида менга чектирганларни. Қитъа тамакиси! Ахир бизга армия омборларидан муддати ўтиб кетган тамакини беришарди-да, умуман қанақа маҳсулот муддати ўтиб, яроқсиз ҳолга келса, лагерга жўнатилган – бундан ёмон, расво иш бўлмас. Лекин мен ҳозир ҳақиқий тамакини чекаман. Мабодо, хотиним ўтқир тамаки кераклигини билмаса, айтишади.

– Исми шарифинг?

Жўнатма шиқирлади, қутидан қора олхўри қоқи тўкилди. Қанд қани? Олхўри қоқи ҳам икки-уч ҳовучгина...

– Сенга чакмон! Учувчилар чакмони! Ҳа-ҳа-ҳа! Астари чармдан, каучукли. Ҳа- ҳа-ҳа! Кон бошлигиникидақа! Ушла, ол!

Ҳафсалам пир бўлганча тек қотдим. Менга чакмоннинг нима кераги бор? Бундай чакмонда фақат байрам кунлари юриш мумкин – байрамнинг ўзи йўқ-ку! Буғу пиймаси, торбос ёхуд оддий пийма бўлсаям гўргайди. Чакмон – бу энди ортиқча даҳмаза, олифтагарчилик... Бизга тўғри келмайди. Бунинг устига...

– Менга қара, – кимнингдир қўли елкамдан тутди.

Мен шундай бурилдимки, ҳам чакмон, ҳам тагида озгина олхўри қоқи қолган қути, ҳам елкамдан тутган одамнинг юзи кўринди. У кон назоратчимиз Андрей Бойко эди. Бойко шоша-пиша шивирлади: – Бу чакмонни менга сот. Сенга пул бераман. Юз сўм. Чакмонни бараккача етказолмайсан – ановилар олиб қўйишади, қирқишади. Сўнг Бойко бармоғини бигиз қилиб туманли осмонни кўрсатди. – Баракда ҳам ўғирлашади. Биринчи кечадаёқ. “Сенинг ўзинг юборасан,” – дарҳол хаёлимдан ўтди.

– Майли, пулини бер.

– Кўрдингми, қандайман мен! – Бойко пулларни санашга тушди. – Сени алдамайман, бошқаларга ўхшаб. Юз сўм дедимми – мана, юз сўм. – Бойко ортиқча бериб юбормадимми деб хавотирланди.

Қир қоғоз пулларни тўрт, саккиз буклаб шимимнинг чўнтагига яширдим. Олхўри қоқини қутидан олиб, бушлатга солдим – унинг чўнтаклари аллақачон тамаки халта учун юлиб олинганди. Ёғ оламан! Бир кило! Нон, ёвфон, бўтқа билан ейман. Қанд ҳам оламан!

Биронтасидан сумка – чилвирли тўрва оламан. Олифтанамо маҳбуснинг матоҳи-да. Ўғрибошилар тўрва осиб юришмайди.

Баракка қайтдим. Ҳамма нараларда ётар, фақт Ефремов қўлларини совуган печкага қўйиб, юзини сўниб бораётган иссиққа тутиб ўтирарди:

– Нега ўт ёқмаяпсан?

Казарма навбатчисининг ёнига келди.

– Ефремовнинг навбатчилиги! Бригадир айтди: ернинг тагидан бўлса ҳам топсин, лекин ўтин бўлсин. Барибир сени ухлагани қўймайман. Бор, ҳали кеч бўлмасдан.

Ефремов секин барак эшигига чиқди:

– Жўнатманг қани ?

– Адашишибди...

Мен дўконга югурдим. Дўкон мудури Шапаренко ҳали савдо қилаётган экан. Дўконда ҳеч ким йўқ эди.

– Шапаренко, менга нон ва ёғ бер.

– Мени хароб қиласан-да.

– Ма, қанча керак бўлса, ол.

– Менда қанча пул борлигини кўрдингми?– деди Шапаренко.

– Сендай қуруқвой қанчаям бероларди. Нон ва ёғ олгин-да, тез туёгингни шиққиллатаб қол.

Қанд сўраш эсимдан чиқибди. Бир кило ёғ, бир кило нон. Семён Шейниннинг олдига бораман. Шейнин Кировнинг ҳали отилмаган пайтидаги собиқ референти бўлган, бир бригадада ишлаган эдик. Лекин тақдир ажратиб юборди. Шейнин баракда экан.

– Қани ейлик. Мана, ёғ, нон.

Шейниннинг оч кўзлари ёниб кетди.

– Ҳозир қайноқ сув олиб келаман...

– Керак эмас қайноқ сув!

– Йўқ, мен ҳозир,– деб кўздан ғойиб бўлди.

Шу пайт кимдир бошимга оғир бир нарса билан туширди. Ўзимга келиб турганимда сумка йўқ эди. Ҳамма ўз жойида қимир этмай турар, даргазаб кўзлар менга истехзо билан тикиларди. Зап томоша бўлди-да, ўзиям. Бундай ҳолларда икки нарсага хурсанд бўлишади: биринчидан, кимгадир ёмон, иккинчидан, менга бунинг дахли йўқ. Бу ҳасад эмас, йўқ.

Мен йиғламадим. Зўрға тирик қолдим. Мана, ўттиз йил ўтди. Ним қоронғи баракни, ўртоқларимнинг газабнок юзларини, полдаги нам тарашани, Шейниннинг оқиш қовоқларини ҳамон аниқ эслайман.

Яна дўконга бордим. Бошқа ёғ сўрамадим, қанд ҳам сўрамадим. Нон олиб баракка қайтдим. Қор эритиб, олхўри қайнатишга киришдим.

Барак уйқуда эди: ким инграган, ким хуррак отган, ким йўталган. Биз уч киши ҳар биримиз печкада керакли нарсамизни қайнатардик: Синцов тушлик пайти тежаб қолган нон ушоғини қайнатиб, кейин иссиқ ёпишқоқ ҳолга келтириб қайноқ қор суви билан ичиш, ёмғир ва нон таъмини туйиш учун, Губарев бўлса кателлока музлаган карам баргларини солиб пиширади. Ўзи ҳам айёрда – карам украин боршининг ҳидини берарди. Учовимиз ҳам бегона идишга кўз қирини ташлашдан ўзимизни тия олмадик. Кимдир барак эшигини тепиб очди. Совуқ буғ, кетидан икки ҳарбий кирди. Бири, ёшроғи, лагер бошлиғи Коваленко, каттароғи кон бошлиғи Рябов эди. Рябов авиациячилар чакмонида – мениннг чакмонимда эди. Чакмон Рябовники эканини зўрға фаҳмладим.

Коваленко ўзи олиб келган чўкични ўйнатиб печкага ташланди. — Яна қозончами! Мен ҳозир сизга қозончани кўрсатиб қўяман! Ифлос ёвғон қайнатишни кўрсатаман! Нон, ушоқ ва карам баргли ёвғон солинган қозончаларни ағдариб ташлади ва чўкич билан ҳар бирининг тагини тешиб чиқди.

Рябов печка қувурида қўлини иситарди: — Қозонча бор — демак, куйди-пишди нарсаси бор — чуқур маъноли фикр билдирган бўлди кон бошлиғи — бу, биласизми, тўқлик, фаровонлик белгиси.

— Нималар пишираётганини билсанг эди,— деди Коваленко қозончаларни тепа туриб.

Бошлиқлар чиқиб кетишгач, биз мажақ бўлган қозончаларни ажратиб, ҳар биримиз ўзимизга тегишли озиқни: мен — мевани, Синцов — ивиб, бўккан нонни, Губарев бўлса карам барглари увоқларини теришга тушдик. Барини бирдан еб қўя қолдик. Айтишадик, ютганинг ўзингники, оғзингдаги гумон деб.

Мен бир неча мева ютибману ухлабман. Оёқларим исишидан олдин ухлашни алақачон ўрганиб олгандим, бир пайтлар шундай қилолмасдим, лекин тажриба, тажрибада гап кўп... Бир чимдим уйқу ҳамма нарсани унуттиради.

Ҳаёт тушдай қайтди — тагин эшиклар очилди: ерга, баракнинг охирига қадар етиб борган оқ буғлар, янгилигидан, кийилмаганидан ачиб кетган калта пўстинлар, ерга ағанаб тушган, лекин жонли, қимирлаётган, хуриллаётган нимадир. Навбатчи ҳеч нарсга тушунмай ўнбошиларнинг пўстинларига эгилганича қотган.

— Сизнинг одамингизми? — Назоратчи ерда ифлос латтага ўралган нарсани кўрсатди.

— Бу Ефремов, — деди навбатчи.

— Бировнинг ўтинини қандай ўғирлашни билиб қўйсин.

Ефремов анча вақт, олиб кетишгунча ёнимдаги нарада ётди ва ногиронлар шаҳарчасида ўлди. Унинг ичак-чавоғини олишди — конда бу ишнинг ҳадисини олганлар кўп эди. У шикоят қилмасди, тинчгина инграб ётарди.

ШОИРНИНГ ЎЛИМИ

Шоир ўлим ёқасида эди. Очликдан шишиб кетган, катта, қонсиз оқиш бармоқлари, ўсиб кетган кир тирноқлари совуқдан тош қотган ҳолда кўкраги устида ётарди. Авваллари у қўлларини орқасига, яланғоч танасига тикарди, лекин ҳозир у ерда ҳам иссиқнинг таъсири йўқ эди. Қўлқопларини аллақачон ўмариб кетишган, бунинг учун суллоҳлик бўлса кифоя эди. Куппа-кундуз ўғирлаб кетаверишарди. Пашша ўтириб ифлос қилган, айлана панжара билан ўралган хира электр чироғи баландга, шифт остига маҳкамланган эди. Ёруғ шоирнинг оёғи тагига тушиб турарди — икки қаватли сидирға наранинг қоронғу қуйи қисмида қутида ётгандай ётарди. Аҳён-аҳёнда панжалари қимирлаб қўяр, қайроқдай шиқирлар, бушлатидаги тугмалари, илмоқ, тешикларини пайпаслагандай, қандайдир хас-чўпни қоқмоқчидай бўлар, ва яна қимирламай қоларди. Шоир ҳаёт билан шунча узоқ хайр-хўшлашардики, ўлаётганини ҳам англолмай қоларди. Баъзан миясига қандайдир оддий ва кучли фикр урилиб, оғриқли из қолдириб ўтиб кетарди — бошининг остидаги нонини ўғирлаб кетишганди. Ва бу юракни шундай сирқиратувчи, зирқиратувчи даҳшат эдики, у баҳслашишга, сўкинишга, ёқавайрон уришишга, қидиришга, исботлашга тайёр эди. Лекин булар учун

куч-қуввати қолмаган, нон ҳақидаги фикри хаёли кучсизланиб, ўзидан узоқлашиб борарди... Ва шу оннинг ўзида бошқа нарса ҳақида ўйлаб кетарди — ҳаммани денгизнинг нариги ёғига олиб кетишлари лозим, нимагадир пароход кечикиб қоляпти, яхшиямки ўзи шу ерда. Ва барак навбатчиси башарасидаги катта холини ғира-шира эслаб кетарди. Куннинг кўп қисмида хаёлини бу ерда кечган ҳаёти, бўлиб ўтган воқеалар банд этарди. Кўз ўнгидан ўтган воқеа-ҳодисалар, болалиги, ўсмирлиги, ютуқлари акси эмасди. Умр бўйи у қаёққадир шошиб яшади. Ва у шошилмасдан ўлим олди ҳаракатларининг бир хиллиги ҳақида, санъаткорлар ва шоирлардан олдин шифокорлар тушунган ва қайд этган нарсалар ҳақида ўйлай бошлади. Гиппократ қиёфаси — одамнинг ўлим олди ниқоби — тиббиёт куллиётининг ҳар бир талабасига маълум. Одамнинг ўлим олдидаги бундай сирли ҳаракатлари Фрейдга энг кучли фаразлар қилишга имкон берди. Бир хиллик, қайтариқ — илм-фан асоси, замини. Ўлимдаги бетакрор нарсани шифокорлар эмас, шоирлар излашган, топишган. Ҳали ўйлашга мадори етишини сезиши ёқимли эди. Очлик, бемажоллик аллақачон одатий ҳолга айланганди. Гиппократ ҳам, туғма холли навбатчи ҳам, кир тирноқлари ҳам энди унга барибир эди. Қоқ суяк танага ҳаёт гоҳ яқинлашар, гоҳ узоқлашар, хуллас, у сўниб бормоқда эди. Ҳаёт асари пайдо бўлганда, кўзлари очилар, фикри жонлана бошлар эди. Фақат хоҳиш пайдо бўлмас эди. У анчадан бери ҳаёт, кўпинча сунъий нафас, глюкоза, камфара, кофеин ёрдамида қайтариладиган дунёда яшар, ўлик яна тирикка айланарди. Нега айланмасин? У боқийликка, инсоннинг чинакам боқийлигига ишонарди. Кўпинча инсоннинг абадий яшашига монелик қиладиган ҳеч қандай биологик сабаблар йўқ деб ўйларди. Қариллик — бу тузатса бўладиган касаллик, холос. Ва бу ҳозирги дақиқаларга қадар сабаби аниқланмаган англашилмовчилик бўлмаганида, инсон абадий яшаши мумкин эди. Ёки чарчаганча, жонига тегмаганча яшаши мумкин эди. У эса яшашдан чарчагани йўқ. Ҳатто ҳозир шу ерликлар... ҳазиллашиб, эркалатган бўлиб “транзитка” деб аталадиган кўчиш олди барагида ҳам. Транзитка даҳшатнинг бўсағаси эди, лекин ўзи эмасди. Аксинча, бу ерда хурлик, озодлик руҳи ҳукм сураар ва уни ҳамма ҳис этарди. Олдинда — лагер, орқада — турма. Бу “йўлдаги дунё” эди ва шоир буни тушунарди. Боқийликнинг яна бир йўли Тютчев айтган:

Хушбахтдир, ушбу оламга
Келгучилар машъум онларда

эди. Модомики унга қандайдир инсон сиймосида, қандайдир жисмоний бирлик сиймосида ўлмаслик насиб этмас экан, ижодий боқийликка эришди. Уни йигирманчи асрнинг биринчи рус шоири деб аташарди ва у кўпинча ҳақиқатан шундай деб ўйларди. У шеърятининг боқийлигига ишонарди. Унинг шогирдлари йўқ эди, ахир шоирлар уларга тоқат қилишармиди? У проза, ёмон проза ҳам ёзарди, мақолалар ҳам ёзарди. Фақат шеърларда, поэзия учун янги, муҳим нарсалар топди ва бу доимий, азалий туюлди. Ўтган бутун ҳаёти адабиёт, китоблар, эртақлар, тушлардан иборат эди ва фақат ҳозирги куни ҳақиқий ҳаёт эди.

Бу ўйлари ўзи билан баҳсда эмас, яширинча, ичининг тубида кечди. Ўй-мулоҳазаларига завқ-шавқ етишмади. Лоқайдлик уни чулғаб олди. Ҳаётнинг тош-қўрғошин қаттиқлиги олдида буларнинг бари ҳеч, арзимаган нарса, “сичқон-каламуш пойгаси” эди. Ўзига ҳайрон

қоларди: ҳаммаси ҳал қилинган пайтда шеърлари ҳақида қандай қилиб шундай ўйларга бориши мумкин. Буни ўзи жуда яхши, ҳар қачонгидан ҳам яхши биларди. Бу ерда у кимга ҳам керак эди, кимга ҳам тенг келарди. Буларнинг барини тушуниш керак эди, у бу дамларни кутди... ва тушунди.

Танасига ва ним очиқ хира кўзларига ҳаёт асари қайтган, кўра бошлаган, қовоқлари титрай, бармоқлари қимирлай бошлаган дақиқаларда фикр ҳам қайтди, уларнинг сўнгги фикрлар эканини ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Ҳаёт ҳукмфармо хўжайиндай кириб келарди: уни чақирмаса ҳам жисмига, миясига шеър каби, илҳом каби қуюлиб кириб келарди. Ва бу сўзнинг салмоқли аҳамияти биринчи марта бутун борлиги билан инкишоф этилди. Шеърлари жозибадор куч эдики, бу куч билан яшади, нафас олди. Худди шундай. У шеърлари учун яшамасди, шеърлари билан яшади.

Илҳомнинг ўзи ҳам ҳаёт экани ҳозир аниқ равшан кўриниб, сезилиб турарди; ҳаёт ўзи илҳом, айна илҳом бўлганини ўлими олдидан билиш муяссар этди.

Ва ушбу сўнгги ҳақиқатни билишга муяссар бўлганига суюнди.

Ҳамма нарса, бутун дунё шеърларига қиёс қилинди: иш, отлар дупури, уй, қуш, қоя, муҳаббат – бутун ҳаёт шеърларига осон кирди ва бемалол жойлашди. Ва бу шундай бўлиши керак эди, негаки шеърлар сўз эди, калом эди.

Сатрлар ҳозир ҳам жойидан осон туриб, бир-бирининг кетига тизилишди. Гарчанд у анчадан буён ўз шеърларини ёзмаётган ва ёзолмаётган бўлса ҳам, сўзлар қандайдир белгиланган ва ўзига хос оҳангда саф тортди. Қофия сўз ва тушунчаларни оҳанрабо янглиғ изловчи, топувчи асбоб эди. Ҳар бир сўз оламнинг бир қисми бўлиб оҳанги акс-садо бериб, қандайдир электрон машина тезлигида оламро тараларди. Бариси: мени ол, йўқ, мени, деб қичқирарди. Ҳеч нарсани қидиришга тўғри келмасди. Фақат воз кечишга тўғри келарди. Бу ерда бамисоли икки киши бири – чархини айлантириб юбориб, иккинчиси – вақти-вақти билан ишга туширилган машинани тўхтатиб турувчи. Ўзи, икки киши тимсоли эканлигини кўриб, сезиб, шоир ҳозир ҳақиқий шеър битаётганини англади. Улар ёзиб олинмаётган бўлса нима қипти? Ёзиб олиш, чоп эттириш – турган-битгани галва, машмаша. Фараз-ла юзага келган нарса – энг яхши нарса эмас. Энг яхшиси, яратилгани, ёзиб олинмай ғойиб бўлгани, исзиз йўқолгани, фақат ҳис этилган, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ижодий завқ, роҳат шеър яратилганини, гўзал қилиб яратилганини исботлаб туради. У адашмаяптимики? Ижодий завқ-шавқи, бахтиёрлиги беҳатомикин? У Блокнинг сўнгги шеърлари бўш, ғариблиги ва Блокнинг ўзи, афтидан, буни тушунмаганлигини эслади...

Шоир ўзини тизгинлашга мажбур этди. Бу ерда буни удалаш қаердандир, Ленинградда, Москвада удалашдан кўра осон эди.

Шу топда у анчадан бери ҳеч нарса ҳақида ўйламай қолганини сезиб қолди. Ҳаёт уни яна эзмокда эди. У узоқ муддат қимир этмай ётди ва бирдан ўзидан нарида ўқ отиладиган мўлжалми, геологик харитами шунга ўхшаш нарсани кўрди. Харита ёзувсиз эди ва у ундаги чизгиларни тушунишга беҳуда уринарди. Яна анча вақт ўтгач, бу ўзининг бармоқлари эканлигини англаб этди. Бармоқ учларида чекилган, сўрилган махорками папироснинг кулранг излари ҳали ўчмаган эди – ёстиқчаларда дактилостопик расмлар, тоғ бўртма нақшлари сингари ажралиб турарди. Ун бармогининг биридаги расмлар, кесилган дарахтдагига ўхшаш айлана чизиқлардек бир хил эди.

Болалигида бир куни бульварда, ўзи яшаб катта бўлган уй ертўласидаги кирхонада ишлайдиган хитой тўхтатганини эслади. Хитой аввал унинг ўнг қўлини, кейин иккинчисини ушлади, қафтларини айлангириб юқорига кўтарди ва ўз тилида ҳаяжонланиб асабий қичқирди. Маълум бўлишича, болада аниқ-тиниқ белги кўриб, уни бахтли-саодатли деб эълон қилган экан. Бу бахт белгисини шоир кўп бор эслади, айниқса, илк китобчаси босмадан чиқаётган кезларда қайта-қайта эслади. Хозир у хитойликни гина-кудуратсиз ва истехзосиз эслади — энди унга барибир эди.

Энг муҳими, у ҳали жон таслим қилгани йўқ. Айтганча, шоир бўлиб ўлди дегани нимадир? Бу ўлимда қандайдир болаларча соддалик бўлиши керак. Ёхуд Есенин, Маяковский ўлимлари сингари, кўриб қўйинглар деганидек, театр томошасидагидек нарса.

Актёр сифатида — буни тушунса бўлади. Шоир сифатида ўлишини-чи?

Ҳа, у олдинда кутилаётган нарсалардан баъзиларини фаҳмлаб етгандек бўлди. Бошқа жойларга ўтқазилганда кўп нарсаларни англаб етишга ва олдиндан кўришга улгурди. Ўзининг ожизлигига жимгина суюнди ва ўлишига умид боғлади. Турмада узоқдан давом этиб келаётган баҳсни — лагерь даҳшатлими ё турмами — деган баҳсни эслади. Ҳеч ким аниқ-тиниқ бир гап айтмасди, асослар синовдан ўтмаган, мавҳум лагердан ўша турмага келтирилган бир одам қаҳрли табассум қилганди. У ўша одамнинг сирли табассумини қаттиқ эслаб қолди, шундай бўлдики, эслашга чўчирди — ўйланг, у ҳозир ўлса уларни, ўзини бу ёқларга олиб келганларни қандай усталик билан алдаган, нақд ўн йилга алдаган бўларди. У бир неча йил сургунда бўлди ва алоҳида рўйхатга тоабад киритилганини биларди.

Тоабад!

Миқёслар алмашинди, сўзлар маъносини ўзгартди. У денгиз қирғоғига тўлқин урилгани каби ожиз танасида яна куч пайдо бўлаётганини сизди. Бир неча соат келиб урилади. Денгиздагидек. Кейин қайтиб кетади. Лекин бизни тоабад тарк этмайди. У ҳали соғаяди. Тўсатдан унинг егиси келди, лекин қимирлашга мадори етмасди. Бугунги шўрвасини қўшнисига берганини секин ва қийналиб эслади, бир кружка қайнаган сув кейинги кунга ягона озиғи эди. Нондан бошқа, албатта. Лекин нонни зўрға беришарди. Анчадан бери шундай. Кечагисини эса ўғирлашди. Ўғирлашга кучи етадиганлар ҳам бор экан. Тонг отгунга қадар у енгил ва ўйсиз ётди. Электр ёруғи сал сарғайгандек бўлди ва катта фанер тахтада, ҳар кунгидек нон олиб келишди.

Қаттиқ чети гарбушкаси тегмай қолган пайтдагидек йиғламас, ортиқчасини титроқ панжалари билан оғзига тикмас, ортиқчаси оғзида эриб кетмас, бурун катаклари кенгаймас ва у бутун вужуди билан қора ноннинг таъми ва ҳидини сезарди. Ҳали ютишга, жағини қимирлатишга улгурмай, бўлакчаси оғзида йўқ бўларди. Нон бўлаги эриди, ғойиб бўлди ва ўшбу мўъжиза — бу ердаги кўпдан-кўп мўъжизалардан бири эди. Йўқ, у ҳозир ҳаяжонланмаётган эди. Лекин, қўлига бир кунлик нон улушини беришганда, қонсиз бармоқлари билан нонни тутиб, нонни оғзига олиб борди. Нонни зангила тишлари билан тишлади. Милклари қонади, тишлари қимирлади, лекин у оғриқни сезмади. Бор кучи билан нонни бағрига босиб, оғзига тикди, майдалади, сўрди, ғажида ...

Уни қўшилари тўхтатишди:

— Барини еб қўйма, кейинроқ ерсан, кейинроқ ...

Шоир тушунди. Кўкиш кир қўлларида қонли нонни қўйиб юбормай кўзларини катта очди.

– Кейин қачон? – аниқ, равшан деди у.

Ва кўзини юмди.

Кечга бориб ўлди.

Икки кун кечикиб рўйхатдан ўчиришди – тадбиркор, топқир қўшнилари нон тақсимлашда икки кун ўликнинг нонини олишга муваффақ бўлишди; ўлик кўғирчоқ сингари “қўлини кўтариб турди”. Демак, у ўз ажалидан икки кун олдин ўлди – унинг келгуси библиографлари учун муҳим детал.

ПАСТЕРНАКДАН ХАТ

Сархуш радист эшигимни очди.

– Сенга бошқармадан хат бор, менинг олдимга кир. Шундай деди-ю, қоронғида қор қўйнида ғойиб бўлди. Сафардан олиб келган қуён тўшларини печкадан четга суриб қўйдим. Ўшанда қуён мўл йил бўлганди. Қопқон қўйиб улгурсанг бас эди, илинаверарди. Ярим музлаган қуён тўшлари барак томининг ярмигача ёйиб қўйилганди. Тўшни ишчиларга сотай десанг қарга ҳам борардинг, энг яхши совга, ўнта қуён гўшти унчалик қиммат эмас, хизматга қараб хизмат учун. Лекин олдин қуёнларни эритиш керак эди. Энди қуённи уйлайдиган вақт эмасди.

Бошқармадан номимга ксива-телеграмма, радиограмма, телефонограмма – ўн беш йилда биринчи келиши эди. Ваҳимали, хавотирли. Худди қишлоқдагидай – ҳар қандай телеграмма фожеий, ўлим билан боғлиқ бўларди. Бўшатишга чақириш десам – бунга шошилаётгани йўқ, озод бўлганман-ку.

Радистнинг уйига йўл олдим. Уй эмас қўрғон, баланд деворли, шинакли. Уч қатор тўсиқ, учта қулф-калитли эшикдан кириб борилади. Эшикларни радистнинг хотини очди, улардан зўрга ўтиб, соҳибнинг масканига яқинлашдим. Сўнгги эшикдан ўтиб, қанотли паррандаларнинг қақақлашию бадбўй ҳидларини босиб, сўнг қанот қоқаётган товуклару басма-бас қичқираётган хўрозлар орасидан эгилиб, суқилиб яна бир бўсағага қадам қўйдим. Лекин у ерда ҳам радист йўқ эди. У ерда фақат ювиб таралган, тўйдирилган чўчқаларга дуч келдим, ургочиси каттароқ ёнида учта боласи. Бу сўнгги тўсиқ экан.

Радист бодринг кўчатлари ва кўк пиёз солинган яшиклар орасида ўтирарди. Радист ростдан миллионер бўлишга бел боғлаган кўринади. Қолимада шу йўл билан ҳам бойиса бўлади. Пулнинг каттаси – катта маош, кутб паёғи, процент қўшилиши – бу бир; махорка ва чой билан савдо – иккинчи йўл; товукчилик, чўчқачилик – учинчи йўл. Фауна ва флоралари қисувидан стол четига чиқиб қолган Радист бир тўп бир хил қоғозлар узатди, телеграммаларни қараб чиқдим, лекин ҳеч нарса тушунмадим, ўзимга тегишлисини тополмадим, Радист илтифот қилиб панжаралари учи билан менинг телеграммамни олиб узатди.

“Хатга келинг”, яъни “сизга хат бор, келиб олинг” почта алоқаси сўзни тежаб ишлатарди, лекин адресат гап нимадалигини тушунарди, албатта.

Район бошлиғи олдига бориб телеграммани кўрсатдим:

– Неча километр?

– Беш юз.

– Нимаям дердик. Беш суткада бориб келарман.

– Яхши. Шошилма. Машина кутиш керакмас: эртага ёқутлар ит қўшилган чаналарда Барагонгача элтиб қўйишади. У ерда буғи қўшилган чаналарда почтачилар олиб кетишлари мумкин, пулига қийналмасанг албатта. Энг муҳими – катта йўлга етиб олиш.

Бошлиқнинг олдидан чиқиб, бу лаънати йўлга тугул Барагонга ҳам етолмаслигимни тушундим, сабаби менда почапўстин йўқ эди. Почапўстинсиз колималикман-да. Ўзим айбдорман. Бир йил бурун лагердан бўшаганимда, омборчи Сергей Иванович Коробков менга деярли янги оқ почапўстин совға қилганди. Касалхоналардан тезроқ чиқиш учун почпа пўстинни ҳам, ёстиқни ҳам сотгандим – қитъага кетишда ортиқча матоҳ бўлмасин дедим-да, тагин уларни ўғирлаб кетишлари ёки тортиб олишлари ҳам ҳеч гапмасди. Ўшанда шундай қилгандим. Кетиш насиб этмаганди – кадрлар бўлими Магадан ИИБ билан биргаликда чиқиш қоғози бермаганди ва пулим тугагач, яна Дальстройга хизматга киришга мажбур бўлгандим. Яна радист ва қақағлаган товуқларга қўшни бўлиб ишга тушдим. Колимада беш кунга пўстинингни бериб тур деган одамни мазах қилишади. Қасабада бошқа почапўстин олишдан ўзга чора қолмади.

Почапўстин ҳам, сотувчи ҳам топила қолди. Фақат почапўстин қора рангли, ёқаси қўй терисидан бежирим ишланган бўлиб, кўпроқ пахталикка ўшарди – чўнтаклари йўқ эди, этаги ҳам йўқ эди. Фақат ёқаси, кенг енглари бор эди.

– Нима бало, этагини кесганмисан? – сўрадим лагер назоратчиси Ивановдан. Иванов бўйдоқ ва тунд йигит эди. Этакни Крага учун кесиб олган экан. Крага деб аталувчи енглари мода эди-да, почапўстиндан бешта шундай крага чиқаркан, иккитасининг нархига почапўстин олса бўларкан. Қолган қутганини почапўстин деб аташ маҳол эди, албатта.

– Сенга барибир эмасми. Мен почапўстин сотаяпман. Беш юз сўмга. Сен уни олаяпсан. Саволинг эса ортиқча, этакларини кесдимми, йўқми.

Чиндан ҳам, савол ортиқча эди, шоша-пиша пулини тўладим-да, уйга келиб кийиб кўрдим ва йўл қарай бошладим.

Ит қўшилган чана, қора кўз ёқутнинг тик нигоҳи. Қотиб қолган панжаларим билан чанага ёпишдим, учгандай кетдим, бир жойда бурилиб қандайдир дарёчадан ўтдик, музлик, бутазор, юзни чимчиловчи шамоллар. Лекин менинг ҳаммаёғим ўралган, бекик. Ўн минутларда почтага етиб келдик.

– Марья Антоновна, мени олиб кетишармикан?

– Олиб кетишади.

Бу ерда, ўтган йил ёзида беш ёшли ёқут бола йўқолиб қолганда мен ва Марья Антоновна уни қидириш ҳаракатига тушгандик. Ойиси ижозат бермади. Аёл тамаки чекди, узоқ тортди, кейин қора кўзларини Марья Антоновна ва менга қадади:

– Қидириш керакмас. Ўзи келади. Адашиб кетмайди. Бу – унинг ери.

Мана, қўнғироғини жиринглатганча буғилар ҳам келиб қолди, чаналар, ҳайдовчи – каюр қўлида таёқ.

Фақат бу таёқ хорей деб аталади, итларни урадигани – остол дейилади.

Марья Антоновнага ҳар бир ўткинчини узоқ-узоқларга – тайга қаърига узатишдан ўта зерикарли иш йўқ.

– Хайр, Марья Антоновна.

Кечга бориб катта трасса чироқлари, қоронғиликни ёриб чопаётган машиналар шовқинига дуч келдик.

Ёкутлар билан ҳисоб-китоб қилиб, вокзал иссиқхонасига югурдим. Ўтин йўқлиги боис печкаси ёқилмаган экан, барибир деворли, томли хона-ку. Машинада Марказга – Магаданга борадиганлар навбати бор экан. Навбат катта эмас – бор йўғи бир киши. Машина гуриллайди, кутаётган одам қоронғулик сари чопади. Машина гуриллайди – одам кетади. Энди совуққа чошиб чиқиш навбати менга.

Беш тонналик машина мени кўриб тарақлаб тўхтади. Кабинада бўш жой бор экан. Бундай аёзда тепада кетиб бўлмайди.

– Қаёққа?

– Сўл қирғоққа.

– Ололмайман. Магаданга кўмир элтаман, Сўл қирғоққача боришнинг ҳожати йўқ.

– Магадангача тўлайман.

– Бу бошқа гап. Ўтир. Таксасини биларсан?

– Ҳа. Километри бир сўм.

– Олдиндан чўзиб қўй.

Пулимни олиб тўладим.

Машина оқиш қоронғилик қаърига сингиб, тезлигини камайтирди.

Олдинга юриб бўлмайди – туман.

– Ухлаймиз-а ? Еврашкада.

Еврашка, биласизми, нима? Бу – юмронқозиқ. Юмронқозиқ бекати дейилади. Мотор ишлаб турган кабинада тонг отгунча мизгидик. Тонгда қишнинг оқиш зулмати кечқурунгидай даҳшатли туюлмади.

– Энди чифир қайнатамиз-у, жўнаймиз.

Ҳайдовчи консерва кружкасига бир пачка чой солиб қайнатди, қорда совутиб ичди. Яна қайнатиб ичди-да, кружкасини яширди.

– Кетдик! Сен қаерликсан?

Мен айтдим.

– Сизларда бўлганман. Ҳатто районингизда шофёр бўлиб ишлаганман. Лагерингизда Иванов деган назоратчи бор, – аблаҳ одам. Менинг пўстинимни еб кетди. Етиб олганча бериб тур деди, ўтган йил қаттиқ совуқ бўлганди-да, шу-шу думини тугиб кетди. Изини тополмайман. Бермади, хуллас. Одамлар орқали айттирдим. Олган эмасман, вассалом, дермиш занғар. Бориб тортиб олиш ниятидаман. Қора, бой одам. Унга пўстин нимага керак? Балки кесиб крага тиктириб сотар. У ҳозир мода. Ўзим ҳам крага тикишим мумкин эди, энди на крага бор, на пўстин, на Иванов.

Почапўстиним ёқасини кўтариб, қарадим.

– Мана шу сеникидай қора эди. Аблаҳ, қанжиқ.

Хўш, ухлаб бўлдик, энди газни босайлик. Машина учиб кетди, қайрилишларда гуриллар, ҳайқирарди, чифир ичгач, ҳайдовчи тетиклашган эди.

Километрлар, кўприклар, конлар орқада қолди. Тонг ёришиб қолганди. Машиналар бир-бирини қувиб, келаётганига йўл бериб, еларди. Бирдан нимадир қаттиқ тарақлаб, даранглаб кетди, машина ўйноқлаб, йўл четига бориб қолди.

– Жин урсин, – шофёр аламдан додлаворди. – Кўмир расво бўлди. Бари расво бўлди. Беш тонна кўмир – алвидо.

Ўзига эса жин ҳам урмади, бир жойи ҳам тирналмади, нима бўлганини дафъатан тушунолмапман.

Машинамизни олдинда келаётган чехославак “Татра”си уриб кетган экан. Унинг темир бортига ҳеч нарса бўлмапти. Ҳайдовчилар тормоз бериб, кабиналаридан ташқарига чиқишди.

– Тез ҳисобини қил, – қичқирди “татра” ҳайдовчиси. – зарар қанча бўлади, кўмир, борт қанчага тушади. Биз тўлаймиз. Фақат актсиз, тушундингми?

– Яхши, – деди шофёрим, – бу... шунча бўлади.

– Маъқул.

– Мен нима қиламан?

– Сени бирор йўл-йўлакай машинага ўтқазиб юбораман. Бу ердан қирқ километр, элтиб қўйишади.

Аҳволимни тушун, бир соатлик йўл. Мен рози бўлдим, қандайдир машинага ўтирдим-да, назоратчи Ивановнинг оғайнисига қўл силкиб хайрлашдим.

Совуққотиб улгурганимча бўлмай, машина тормоз берди. Кўприкка – сўл қирғоққа етибмиз. Тушдим.

Бир пайтлар ўзим ишлаган касалхонага кирдим. Лагер касалхонасида бегоналар исиниши тақиқлаган, бир минутга туриш учун ҳам кирдим. Эркинликда юрган таниш фелдшерлардан тунашга ижозат сўрадим.

Эртаси куни керакли хонадон эшигини тақиллатиб, кирдим. Қўлимга менга яхши таниш бўлган, аниқ, тушунарли ёзилган тезкор, учқур хатни тутқазишди. Бу – Пастернакнинг хати эди.

*Русчадан
Сайди УМИРОВ
таржималари*

ЖУРНАЛИСТНИНГ ДЎСТИ, АДАБИЁТНИНГ МУХЛИСИ

Журналистика, адабиётшунослик соҳаларида Сайди Умировни эшитмаган зиёлини мамлакатимизда топиш қийин. Ҳақиқатан, у миллий матбуотимиз равнақига, журналистика тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлардан бири. Ҳамкасблари, илмий-адабий жамоатчилик бу мураббийни ҳурмат билан тан олади. Чунки у ўз соҳасининг билимдонни, воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран англайдиган, ўткир, ҳозиржавоб журналист.

Сайди Умировнинг “Деталь ва тафсилот”, “Ижодкорнинг сеҳрли калити”, “Ўтмишнинг аччиқ ҳақиқати” номли илк мақолалари ўша даврдаёқ китобхон эътиборини ўзига тортди. Бу мақолалар янги замонавий қарашлар маҳсули сифатида қабул қилинди, чунки уларда бадиий таҳлил, умумлашма, теран хулосалар мавжуд эди. Бу мақолалар атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ижодидаги таъсирчанлик сирларини, бадиий маҳоратни ўрганиш-

га бағишланган. Орадан кўп ўтмай у “А. Қаҳҳор прозасида характер ва шароит тасвирида бадиий деталнинг роли” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Муаллиф бу илмий ишда Абдулла Қаҳҳор ижодида кичик деталнинг катта бадиий вазифаси ҳақида фикр юритади, Ана шу бадиий воситалар, ижодкор кейинчалик яратган йирик, салмоқли асарларига асос ва замин бўлганлигига урғу беради.

Тадқиқотчи Чингиз Айтматов, Ғайбулла Саломов, Озод Шарафиддинов, Асқад Мухтор, Саъди Сирождидинов ҳақидаги мақолаларида ҳам доим аниқ ва равшан меъёрлар асосида фикр юритиб, юқоридаги адиб ва олимларнинг ҳаёти, ижодини кенг ва батафсил ёритади.

Олимнинг мақолалари, китобларини таҳлил қилар эканмиз, истеъдоди асардан асарга юксалиб борганлигини кузатамиз. С.Умиров журналист кадрлар тайёрлашга ҳам муносиб ҳисса

қўшиди. У салмоқли илмий, публицистик асарлар яратди, телевиденида ҳаётнинг долзарб муаммолари, танқидчилик ва адабиётшуносликка оид қизиқарли илмий чиқишлар қилди. Жумладан, олимнинг “Беором умр дафтари” (Бегали Қосимов хотирасига бағишланган), “Сардафтардаги сарҳисоб” (Озод Шарафиддинов ҳақида), “Сўз мулкига саёҳат” (Пиримқул Қодировнинг “Тил ва эл” китоби ҳақида), “Самарқандлик маърифатпарвар” (Саидризо Ализоданинг 120 йиллигига), “Писатель планетарного мышления” (Чингиз Айтматов ҳақида), “Забардаст олим эдилар” (М.Кўшжонов хотирасига), “Солланиб оқаятган дарё” (Ғ.Саломов ҳақида), “Сермаҳсул, теран публицист” (А.Мухтор ҳақида) сингари мақола, очерк ва эсселарида замон билан ҳамнафасликни ҳамда бақувват таҳлил, теран умумлашма, ноёб далилларни кўрамиз.

Мисол тарзида С.Умировнинг Саидризо Ализода ҳақидаги мақоласини эслайлик. Сайди ака С.Ализоданинг ижодий қиёфасини ёритиш учун тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиш орқали қахрамон яшаётган ижтимоий муҳитни тўғри гавдалантиради. Натижада ўқувчи учун жуда кўп керакли ва қизиқарли маълумотларни топади. Домла қатагон йилларининг қурбони бўлган ноёб истеъдод соҳиби, ўз ватанининг яшнаши, миллатининг маърифатли, маданиятли бўлишига интиланган, тақдир тақозоси билан Самарқандга келиб қолган, озарбайжон фарзанди Ализоданинг мураккаб ижодий йўлини ёрита олган.

Сайди Умиров 30 йилга яқин ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ), мана, 10 йилки Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетида “Аудиовизуал журналистика” кафедраси муdiri сифатида фаолият олиб бормоқда. С.Умировнинг педагогик маҳорати, талабаларнинг қалбига йўл топа билиши уни ўз шогирдларининг меҳрибон устозига, самимий маслаҳатгўйига

айлантирди. Республикамизнинг деярли ҳамма гўшаларида ишлаётган журналистлар домланинг номини алоҳида меҳр билан тилга оладилар. Унинг тўғри маслаҳатлари туфайли собиқ талабалар ҳаётда ўз ўринларини топдилар.

Сайди Умиров ижоди хусусида фикр юритганда таржимачилик борасидаги ишларини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Масалан, у таниқли рус ёзувчиси К.Симоновнинг “Ун саккиз ёшда”, машҳур рус олими А.Сахаровнинг “Инсоният тақдири” асарларини, қатагон йиллар қурбони бўлган Варлам Шаламов ҳикояларини маҳорат билан таржима қилган. Бу таржималар Сайди Умиров учун фақат ҳавас эмас, машҳур адибларга юксак эътиқод, катта ҳурмат белгисидир.

Шу ўринда таржимон-олим Варлам Шаламов асарларини таржима қилишга катта масъулият билан ёндошганини ҳам айтиб ўтиш керак. Қатагон йилларида ҳибса олиниб, умрининг йигирма йилини турма ва қамоқ лагерларида ўтказган бу адиб «Қолима ҳикоялари» номли машҳур туркумида бегуноҳ одамлар бошдан кечирган аччиқ азоблар, изтиробларни шафқатсиз ҳаққоният билан тасвирлаб бериб, шухрат қозонган эди. С.Умиров бу ҳикоялар таржимасини қиёмига етказиш учун кўп йиллар заҳмат чекди, эринмай изланди, ҳужжатлар, илмий ва бадиий асарларни синчиклаб ўрганди. Натижада эътиборингизга ҳавола қилинаётган ҳикоялар ўзбек тилида ҳам асл нусхадаги жозиба ва равшонликка кўтарила олди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, журналист, филология фанлари номзоди, Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси бўлган Сайди Умиров эндигона “улуғ ёшнинг” биринчи пиллапоясига қадам қўйди. Домлага узоқ умр тилаб, ижодларини яна ҳам юксалишини, адабий-танқидий, публицистик мақолалари, таржималари янада кўпайишини истаб қоламиз.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди, доцент*

Карло БОНИНИ

Гуантанамо

Китобдан боблар

МАҲКУМЛАР КЎРФАЗИ

«**А**на у. Етиб келдик...» Сержант иллюминатор дарчасига ишора қилади. Биздан икки юз метр пастда, чироқнинг акс этган нурлари туташган жойда куёш куйдирган ернинг жигарранг тасмаси пайдо бўлади. Кумушранг баҳри муҳитга кўмилган орол. Куба. «Иўқ. Гуантанамо», — ишшайди сержант. Столчани йиғиштириб, у хавфсизлик камарини тақади ва дейди: «Қизиқ-а, шундай эмасми?» Нимаси қизиқ? «Дўзахнинг ҳам шунақа гўзал бўлиши-да».

Боинг бир неча доира ясайди. Ниҳоят, унинг сояси оролнинг энг жанубий чеккаси бўлмиш Ливерднинг энсиз асфальт йўлкасида чўзилади. Чанг устунлари кўтарилди. Динамиклардан енгил қарсиллаган овоз таралади-да, ҳаво кемаси дарғасининг бошқа ҳар қандай шаҳарнинг бошқа ҳар қандай тайёрагоҳида бўлганидек, ўз анъанавий мурожаати янграйди: «АҚШнинг ҳарбий денгиз базаси Гуантанамога, Куба оролига хуш келибсиз. Ҳозир маҳаллий вақт билан соат ўн бир. Саёҳатингиз ёқимли ўтишини истаб қоламиз ва сизни яна компаниямиз лайнерида кўришимизга умид билдирамиз...»

Ҳар чоршанбада барча энг керакли нарсаларни кўрфазга олиб келадиган нақлиётчи тайёра олдида майда хизматчилар саф тортади. Тайёра озиқ-овқат, сув, моллар ва хат-хабарларни олиб келади. Ҳафтасига бир марта фақат тропик довул таъсир қилиши мумкин бўлган аниқ жадвал бўйича тайёра қуйидаги йўллардан парвоз қилади: Жексонвил — Пуэрто-Рико, Пуэрто-Рико — Гуантанамо, Гунтанамо — Пуэрто-Рико, Пуэрто-Рико — Жексонвил. Сумкаларимизни кўниш йўлкаси четдаги юмшоқ тартанга туширишади. Жазирама офтобда қовургалари бўртиб чиққан немис исковучи сумкалар ичидаги нарсаларни искайди. Трусиклар, фототасма, тиш пастаси, футболка, саргайиб кетган рўзнома ва жариди қирқимлари. Тердан жиққа ҳўл денгиз пиёда аскарари йўриқномани кескин қичқириб таъкидлайди: «Аввал юкларни, сўнгра йўловчиларни...» Сигара чекса бўладими? «Бу ерда эмас. Ҳозир эмас».

2002 йил 11 январдан эркин одамлар Гуантанамога кун ёруғида — эрталаблари учиб келадилар. Занжирбанд маҳбусларни эса — тун қоронғусида. Бу ерда бир неча ой қамоқда ётиб чиққан Муҳаммад Наим Фаруқ уни бу ерга қайси куни олиб келишганини бугун эслай олмаяпти, балки ҳеч қачон билмагандир ҳам. «Мени Афғонистонда қўлга олишди, кейин бизга, сизларни бошқа жойга кўчирмоқчи бўлаяпмиз, деб айтишди, бироқ қаёққа эканлигини биз билмаслигимиз керак экан. Назаримда, бу 2002 йилнинг ўрталарида бўлган гап эди. Бизларни тайёрага ўтқазилди. Менинг бошимга капюшон ташлаб қўйилди ва қўлларимни орқага боғлашди. Кишанлар шу қадар қаттиқ тортилган эдики, бир неча соатдан кейин панжаларим бўғими қонай бошлади. Парвоз вақтида ўртоқларимдан кўпларининг худди телбалардай йиғлаганлари ва қичқирганлари эсимда»¹.

¹ Маълумот 2003 йил 5 августда Зурмат шаҳрида “Халқаро афв умумий” томонидан олинган ва 2003 йил 19 августдаги 51/114/2003 ҳисоботида илова қилинган. (Бу ерда, бундан кейин айрим истиснолардан ташқари, изоҳлар муаллифники).

Алиф Хонга ўхшаган айримларнинг енгларини шимарганлар: «Улар менга қанақадир доридан укол қилишди. Тамирларимда нимадир оқаятгандек ҳис этдим ўзимни, қолган йўлни ҳушсиз ҳолатда босиб ўтдим»¹.

Олиб келинган ва озод қилинган маҳбуслар ҳақидаги ҳисоботларнинг тўричилигига ишониб бўлмайди. Америка қўмондонлиги вақти-вақти билан уларни янгилаб, эълон қилиб туради. 2003 йил кузида Гуантанамода ўн тўққиз тилда гапирувчи маҳбус бор эди. Маҳбуслар миқдори ва шунга қараб «Дельта» лагеридаги қафаслар миқдори чекига ортиб бориш ёзилган эди. Булар одамларни шундай олиб келишарди. Маъмуриятда барча маълумотлар муфассал ёритиб қўйиларди: рейс рақами, келган кун, тайёрадаги маҳбуслар миқдори.

Тайёрагоҳ бекатида ҳозиргина бўёқдан чиққан оппоқ автомобиль турарди. Бу эндиликда мавжуд бўлмаган Американинг вакили — думалоқ шаклдаги эски мактаб автобуси эди. Қайсидир чекка музофот маъмурияти терроризм билан урушга садақа қилган ёки, эҳтимол, ҳарбийларнинг ўзлари уни ўз эҳтиёжлари учун ўзлаштириб олган бўлса керак. Автобус танасини қоплаб олган бўртиқ пуфаклар кўрфазни изтиробга солувчи гармсел билан бесамар курашдан гувохдир. Ҳар доим. Йил ўн икки ой. Ҳатто бир этган шабада ҳам бу ерда дўзахи алимга ўхшайди. Ёпишқоқ ҳаво шиллиқликни қуритади, муаттар ҳидни ўлдиради ва гулларнинг рангини ўчириб, песади қилиб қўяди.

Автобусдан қирқ ёшлардаги барваста зобит тушади. Ранглар қизғиш юзини чўтир қоплаган. Унинг на юриши, на қўл ҳаракатлари ҳарбийга ўхшарди. Шимининг сонлари чоғроқ. Ундан куёшқайтарғич мойининг ҳиди гупириб туради. Сочи «ноль» урфида олинган, бироқ соч тагининг рангига қараб, унинг ҳақиқий савзи тусида эканлигини аниқлаш мумкин эди. «Майкл Мосс, саккизинчи пиёда дивизия, жуда соз. Америка Қўшма Штатларининг коммунистлар ҳудудидаги сўнгги аванпостига ва бизнинг уйимиз — УТФ 160 га ҳуш келибсиз. Сиз бу қисқартма сўзларни тез-тез эшитиб турасиз. Joint Task Force — Бирлашган тезкор гуруҳ Гуантанамо 160 рақам. Сизнинг бу ерга келишингизга сабабчи бўлган террорчилар билан, мана, биз шуғулланамиз. Энди эса, илтимос, ортимдан автобусга юринг. Бу ерда туришимиз тўғри бўлмайди». Афтидан, эшик ёпғичлар соз ишлар эди. Балки, у шамолпарракни ишлатиб юборган бўлиши ҳам мумкин.

«Макдональдс ва кондиционерлар» — Америкадан биз ўзимиз билан олиб келган озгина қақир-қукурлар шулар, холос», — ҳазиллашади Мосс. Ҳаттоки «Дельта» лагерида-я? «Нега дарров гапни саволдан бошлаб қолдингиз? Ҳовлиқманг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Агар мумкин бўлса, мен сизга бир қанча маслаҳатлар бераман. Мутгасил ичиб туринг. Яхшиси сув ичинг, агар шундай имконият бўлса. Ҳатто кўнглингиз айниганида ҳам. Куёшқайтарғич мой суртинг, бошингизга нарса ташлаб олинг ва қора кўзойнакни сира кўзингиздан олманг. Айниқса, «Дельта» лагерида. У бошдан-оёқ пўлатдан ишланган — у ерда ёруелик қаттиқ акс қайтаради. Ва сўнгги маслаҳатим. Биз икковимиз ҳамма вақт бирга бўлишимиз керак. Энди эса — кетдик». Қаёққа? «Кўрфазнинг нариги томонига. Уиндуордга. Қарга келиб қолганингизни кўрасиз. Шарқда — Кастро коммунистлари, Фарбда «Ал-Қоида»нинг бир неча юз террорчилари. Ўртада эса — бизлар...»

Биз кесиб ўтаётган кўрфаздаги сол бортида хомуш экипажи бўлган ҳарбий броненосец эди. Штурвал олдида куёшда куйган филиппинлик. Панжара билан тўсилган бўлимда қопга ўхшаган кийимда, афтидан осиеликлар бўлса керак, чурқ этмай ўтиришарди. Бу одамлар — аскарлар ҳам эмас, аскарларнинг дўстлари ёки қариндош-уруғлари ҳам эмас. Улар армияга ишлашади. «Дельта» лагерини қуриш пудратини олган америка компанияси ёллаган гишт терувчилар, бўёқчилар, қора ишчилар эдилар. Улар оролда бир неча ой ишлашади, кейин уйларига қайтишади. Офтобда жазғанаги чиққан ерни кавлашади, ҳудудни тиканли сим билан ўрашади, канализация, электр, телефон ўтказишади. Уларнинг ва бўлажак маҳбусларнинг баданлари ранги бир хил — улар битта яримшарда туғилишган. Бироқ ишчилар учун Уруш юз долларлик қоғоз пулга ўхшаб, яшил рангга бўялган. Бу одамлар туғилиб ўсган ўша жойлар учун бутун бир бойлик.

¹ Маълумот 2003 йил июлида Кобулда «Халқаро афв умумий» томонидан олинган.

Солни боғлаб кўйиш учун қирғоққа тортишар, дизел моторлар эса сўнги бор «кекириб» олгандан кейин овози ўчар экан, энди кўрфаздаги сув яна шишадай тиниқлашади ва ундан майда, турли шаклдаги бенуқсон тошлар тўшалган сув туби йилтираб кўзга ташланади. Қирғоқда икки метрлик игуана — эчкиэмар юкларнинг туширилишини ҳаракатсиз кузатарди. Ўз навбатида фальшборддан лейтенант Мосс жондорни кузатарди. «Бу лоқайдлик ростанам қизиқ нарсага ўхшайди». Кимнинг лоқайдлиги? «Табиатнинг. Сув, игуана, бизни қуршаб олган минглаб кактуслар — улар гўё атрофда нелар бўлаётганини сезмаётгандек кўринадилар. Улар ҳар доим шундай бўлишган ва ҳар доим шундай бўлиб қолишади. Мана бу уруш тугайди ва улар яна жон сақлаб қолишади». Сиз ҳамма вақт ҳарбий бўлганмисиз? «Мен захирадаман. 11 сентябрғача Виржиниядаги бошланғич мактабда ишлар эдим. Хизмат муддатим тугагач, бир неча ойдан кейин қайтиб кетаман. Уйга. Мен болалар билан ишлашни ўлгудай яхши кўраман. Дарс бериш менга ёқади. Дарвоқе, модомики итальян экансиз, қирғоқдаги ҳов анови дарахт олдига бориб, унга сифинишингизга ижозат бераман. Аслида бу жойни америкаликлар очишмаган...»

Тош ёдгорлик — аксар ҳолларда Тарихнинг жой тақдирини белгилаб беришидан бир нишона. Ҳов анови дарахт олдида 1494 йил 30 апрелда бу сарзаминга Атлантика орқали ўзининг иккинчи сафари вақтида Христофор Колумб оёқ кўйган. Кўнгли бир ёмон нарсани олдиндан сезгандек, Колумб Гуантанамодан жуфтагини ростлаб қолган, шекилли. Бу ердан ҳеч нарса топиб бўлмаслигига тўла амин бўлган ҳолда унинг кемалари эртасигаёқ лангарларини кўтаргадилар. На олтин, на озуқа, на сув бор эди бу ерда. У бу ерни Puerto Girande деб атаганди — бу ном кўплаб қароқчилик жанглари, шунингдек, 1848 йилдаги испан-америка урушидан кейин вақт қаърида маҳв бўлиб кетди.

Пирсни ортда қолдириб, мактаб автобуси Киттери-роудга чиқди — бу беш милга чўзилган асфальт йўл бўлиб, «Дельта» лагерининг олдинги чизигини ҳарбий-денгиз базасидан ажратганча бўйиннинг жанубий қисмини қоқ иккига бўлиб туради. Ортимиздан баҳри муҳит ингичка мовий тасмага ўхшаб кўринар эди. Хир-хир қилган ва йўталган кўйи гилдиракли ноёб топилдигимиз тиканли кактуслар қоплаган тепаликлар томон кетиб борарди. Ҳар гал энг тепага кўтарилганимизда уфқдан шу манзара яққол кўзга ташланарди.

Лейтенант Мосс ана шу тиконли деворни имлаб кўрсатади — гўё унинг ортида ҳар доим ҳужумга шай душман яшириниб ётгандай: «Кастро... унинг совғаси». Бу ўлкаларда, айтишларича, (буни бир худо билади, ростми- ёлгонми, балки бу «солдат радиоси» ўйлаб топган навбатдаги афсонадир, холос), қирқ беш квадрат мил америка ерини қоплаб олган бу тиканли гилам Кастро қўли билан «тўқилганмиш». Оролнинг бу қисмини босиб олишга кучи етмагандан кейин у унга кактуслар экиб ташлаганмиш. Афтидан, Моссга бу фикр жуда ёқиб тушди: «Шимоли-шарқдаги анови тизмани кўраянспизми? Куба чегараси миноралари қўққайиб турган холи ерининг нариги тарафига бир қаранг-а²». Кастро у ерга минг туп кактус экдирган, шамол уни чанглангириб, тепаликнинг бу томонига учуриб ўтган. Натижасини кўриб турибсиз. Албатта, бу ер қанча туришини ҳисобга олмаганда...»

Йилига тўрт минг саксон беш доллар. Манхеттендаги уч хонали хонадоннинг ижара ҳақидан ўн беш марта кам. Ўзининг тўрт юз минглик ҳарбий денгиз флотини Флорида штати соҳилларида бевосита аввало Испания ҳудудлари, қолаверса, коммунистлар ҳудудлари яқинида ушлаб тургани учун 1903 йил сентябридан бери Кўшма Штатлар ҳукумати Гаванага шу пулларни тўлаб келади. Бу шартномани (sine die²) ҳатто Куба инқилоби ҳам буза олмади (дарвоқе, у

¹ Гуантанамо билан Куба ўртасидаги чегара чизиги кўрфаздан шарқ томонга 17,4 мил чўзилган. Чегарани ҳарбийлар ҳар икки томондан кўриқлаб туришади, Куба томонида эса “холи ер” миналаштириб ҳам қўйилган.

² Куба ва АҚШ урушидаги сиёсий муносабатлар 1961 йилда узилган эди. 1962 йил октябрида Кариб можароси вақтида Америка президенти Жон Кеннеди базадан барча фуқароларни олиб чиқиб кетишни буюрганди. 1964 йил 4 февралда Кастро орол ичкарасидан ичимлик сув олиб келишни тўхтатиб қўйганди. Шундан буён Америка томони 14 млн. литр сувни ўзи олиб келади, чучитали ва улашади ва кунига 800 вт электр қуввати сарф қилади. 1991 йили Гуантанамога АҚШга ўтиб олишни мақсад қилган қочоқлар Гаити ва Кубадан яшириниб келади, 1994 йил сентябрида бу рақам 45000 га етди. Кейинги икки йил ичида қочоқлар сони мутассил ўсиб борди, уларнинг энг сўнгиси бу ерни 1996 йил 31 январда тарк этди.

ижара ҳақини олишдан бош тортади). Шартнома 1962 йилдаги Кариб можаросини, 1964 йилдаги Сув урушини, 1991 йили Кубани Гаитидан қочоқлар оқиб келиши воқеасини бошидан кечирди.

Айнан шу ерда иккита девор қад кўтариб турибди. Бири — тиконли симли ва пиёда аскарларга қарши эски миноралари бўлган совуқ уруш ва Куба коммунизми даври. Иккинчиси — терроризм билан урушнинг лагер пўлат қафасларини яшириб турувчи девори. 1903 йилги битимни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш учун ҳар иккала томон, Вашингтон ва Гавана ўзаро мажбуриятларини «ихтиёрий равишда» рад этиши керак. Бу энди ҳеч қачон бажариб бўлмайдиган нарсадир.

Киттери-роуд бир томонга қараб бурилади ва кутилмаганда сўнгги довонда кактуслар сафи иккига бўлинади. Ўтиш қисмининг ўнг томонидан деңгиз тузи қоплаган «Caribbean circle»¹ темир кўрсаткичи кўққайиб турибди. Ўн беш-ийигирматача занг босган яшил қурилиш вагончалари. Эҳтимол, кимдир вагончалар атрофидаги гольфбоп майдонни тозалашга ҳаракат қилган бўлса керак, бироқ қуруқ шох-шаббалар ва кактуслар кўринишидаги тўсиқлар ва тупроқдаги ўйдим-чуқурлардан коптокнинг думалаб ўтишига кишининг кўзи етмайди. Бу ушалмас орзунинг рўёбга чиқишига ўхшарди. Уиндворд базасини «Дельта» лагеридан ажратиб турувчи беш квадрат миллик саҳро ўртасидаги ягона сунъий кўнгилочар ороли. «У ёқдан чиққандан кейин ўз бошингни тартибга келтириб олиш учун аъло жой...» — изоҳ беради Мосс.

Деңгиз кўздан йўқолган. Оптимиздаги мовий тасма энди кўринмасди, икки мил юрар-юрмас биз унинг яқинлигини ҳис этмай кўйгандик. Олдимизда ўлик ер ўз жисмини кўрсатади, кўз ўнгимизда жазирама қуёш остида одамлар ва нарсалар сузади. Мактаб автобуси йўл ўртасида чарақлаб турган блок пост олдида тўхтади. Занг босган қоровулхонадан курулланган уч нафар ҳарбий мўралади ва автобусни текширишга рухсат беришимизни сўради.

Бу озод одамлар ерини «Дельта» лагеридан ажратиб турувчи сўнгги чегара. Киттери-роуд — шарққа, Freedom Heights, Озодлик тепаликларига олиб борадиган ягона йўл. Бу тўсиқ Гуантанамо 2002 йилининг дастлабки тўрт ойда «Дельта» лагери фақат қоғоздагина бор бўлган ва «X-ray» — «X-нурлари» лагери билан қаноатланишга тўғри келган вақтда қандай бўлгани борасидаги хотирани сақлаб қолган. Ҳарбийча лаҳжадан юзага келган яна бир лисоний мавҳумлик. Бу ердаги ҳамма нарса қаби. Ч — Чарли сифатида, Д — Дельта сифатида, З — Зулус сифатида², X-X нурлари, шарм паймонаси сифатида. Америка биринчи марта бутун дунёга қасоснинг чеҳраси қанақа бўлиши мумкинлигини кўрсатиб қўйганди. Ушанда 2002 йил январда объектив нигоҳи қизғин жомакордаги пўлат қафасларга қамаб қўйилган афт-башаралари буришиқли тутқунларнинг қиёфаларини тасмага абалдул-абад муҳрлаб қўйганди³.

Бугунги кунда мазкур ҳудуд ҳарбий либосни киймайдиганлар нигоҳидан яшириб қўйилган. Бамисоли кириш йўлининг беркитиб қўйилиши хотирадан ўчириб ташлашни англатадигандек. Энди бу яна чанг-тўзонли текисликка айланган, тиконли симлар ва занглаган қурилиш чиқиндиларига тўлиб-тошган. Лейтенант Мосс мароқ билан сўзлашдан ўзини тиёлмайди, балки у ўтмишни кавлаштириш шартмикан деб ичидан иккиланаётгандир ҳам: «Ушанда сизнинг бу ерда бўлганингизни мен қайдлар дафтаридан кўргандим. Лагер энди-энди қурила бошлаганди. Тажриба қизиқарли бўлгандир, балки?» Лагердаги маҳбусларни сақлаш шароити халқаро меъёрларга мос келишини бутун дунёга намойиш қилар экан, Америка ҳукумати вақти-вақти билан халқаро матбуот учун уюшгирган сафарларидан бирида 2002 йил мартада менга ўхшаб иштирок этган барча кишиларга бу лагер қизиқ туюлганди.

¹ Кариб ҳалқаси (инг.).

² Инглизча фонетик алифбо назарда тутилмоқда: Alpha, Brave, Charlie, Delta, Eiho, Foxtrat, Golf, Hotel, Indigo, Juliet, Kilo, Mike, November, Oscar, Quebec, Romeo, Sierra, Tongo, Uniform, Victor, Papa, Whiskey, Xray, Yankee, Zulu. (Муаллиф изоҳи.)

³ Кубалик қочоқларга вақтинчалик қўналгаси учун 90-йиллар бошида қурилган «X-ray» лагери террорчилар қамалган дастлабки жой бўлган ва 2002 йилнинг 6 январидан 29 апрелигача фойдаланилган. Ушанда сўнгги тутқин «Дельта» лагерига олиб ўтилганди. Бу вақт ичида лагерда 40 маҳбус бўлиб, фақат биттаси озод этилганди.

Айнан шундоқ сафари.

Бизни ойнаси қорайтирилган «форд-транзит»га ўтқозишди. Бундай ойнадан фақат бир томондан туриб кўриш мумкин — ичкаридан туриб. «Форд» одам қадами тезлиги билан тошлоқ лагерни энлаб ва бўйлаб нақ уч марта айланиб чиқди — осмонда вертолётлар айланиб кузатиб юрибди. Сафарини Windschild tour — Шамол ойна халқасини тамбалаб туради. Мен тиконли сим тортилган ва кузатув миноралари бўлган мўъжазгина қафасчаларни кўрдим, уларда жазирама қуёш ва прожекторлар нури остида одамзот етти букилиб ўтирарди. Сувсиз ва канализациясиз қафаслар ёғоч ва темирдан ясалган бўлиб, бир томонидан нова бурмали темир тунукалар билан ёпиб қўйилган. Кўзим қафасларнинг бир бурчагидаги тунги тувакка тушди (уч юз дона — ҳар бир маҳбусга биттадан) туваклар ҳожат вақтида барча маҳбусларга яққол кўриниб турадиган қилиб қўйилган. «Форд» яқинлашиб келиши ҳамон шу пайтгача ҳолсиз кўкракка туширилган бошлар бирдан кўтарилди. Одатда ҳайвонларга овоз ана шундай таъсир қилади. Тўсатдан маҳбуслардан бири ўзини қафасга ура бошлади ва мен ундан кўзимни узолмай қолдим. У бир қўлини оғзига тикди, иккинчи қўлининг кафти билан «йўқ»ни ифода этишга ҳаракат қилиб, у ёқдан-бу ёққа силкита бошлади. Сўнгра тўхтовсиз ҳаракатлар билан, буни олдиндан ва муфассал ўйлаб олгани яққол кўриниб турарди, у қўлларини елкаси баробар кўтарди. Ёзилган бармоқлари сонни билдирарди. Ун тўрт, ўн тўрт. Ун тўртта маҳбус очлик эълон қилган. Бироқ бунақаси бошқа такрорланмайди. «Дельта» лагерига нега бундай бўлишини англаб етдим.

Авгобусни текшириш ниҳоясига етди, шлагбаум кўтарилади. Мосс кафтининг орқаси билан пешонасидаги терни сидиради. У менинг нима ҳақдадир қаттиқ ўйга толганимни кўради. «Хўш, сиз тайёрмисиз?» Бизни лагерда қутишяпти...»

ИЧКАРИДА

«Салли» ёки «Салли-8» — пўлат дўзахга олиб борадиган эшик шундай аталарди. Ичкарига кириб, биз қаршимизда шундай эшикли яна бир деворни кўрамыз. Олдинги эшик шарақлаб ёпилмагунча кейинги эшик очилмайди. Шу тариқа тахминан ўн метрлар давомида худди қирчумоли уясидек, кириш бору чиқиш йўқ. Кираверишдаги деворга миҳланган лавҳачага: «Дельта» лагери — озодликнинг ҳимоя қилиш шарафи деб ёзиб қўйилибди, у «Салли-8» кулфи шарақ этганда голиблар каби мағлубларнинг ҳам кўз ўнгидеги манзарага очиқ-ойдин зид келиб турарди. Бу калимани ҳар бир бурчада гурур билан замзама қилишади, бу билан бундай жазонинг «зарурийлигини», демакки, «тўғрилигини» эътироф этишга ундовчи сабабларни оқлашга ҳаракат қиладилар. Маҳбусларни сақлаш шарт-шароитлари Учинчи Женева конвенцисига тасдиқлагандан узок, чунки лагерга тушган одамлар ҳарбий асирлар эмас. Балки enemy combatant — жанг қилувчи муҳолифлардир. Уларда айблов ҳукмисиз қамашнинг янги амалиётини алқаб туриш мумкин. Ягона мақсад — бошқа ҳамма учун англаб бўлмас ҳисобланувчи қамоқ назоратчиларининг иродасини мустаҳкамлаш.

«Салли» олдида, яъни лаҳад олдида (унинг чинакам ўлчамлари ва яссисимон ён кўриниши ҳозир кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда эди) қаддини фоз тутиб, лейтенант Мосс, борди-ю, биз эҳромга кириб қолгудек бўлсак, қандай бўлишини насиҳатомуз шарҳлаб беради: «Биз уни the wire — сим деб атаймиз. Бунинг нима учун бундай дейилишини тушуниш қийин эмас. Тахминан ўн метр баландликдаги деворга маҳкамланган бир неча километрлик тиконли сим лаҳад айланаси бўйлаб чўзилганча бутун атрофни қуёшда чарақлаган сўнгсиз бурамалари билан қуршаб ётарди. Сим кузатув минораларига разм солишга талақит берарди ва лагер худудида бемалол юргани қўймасди. Миноранинг тага қуриб қолган говак ўсимлик таналарига ўхшаб кўринарди, тиконли темир ўрам, the wire, улар устида бамисоли кўк қонтомирдек бўртиб турарди. Ҳамма жойга фотоэлементлар суқиб ташланган. Миноралар узра юлдузли йўл-йўл байроқлар ҳилпирайди, миноралардаги қўриқчилар арвоҳдан сира фарқ қилмасди, уларнинг башараларини кўриш амри маҳол, тиккайиб кўриниб турган винтовка уларнинг борлигидан дарак бериб турарди. Сайқалланган м-ль билан хиёл чайқаганча қўриқчилар винтовкаларини гоҳ лагернинг ички ҳовлисига, гоҳ

чегара олди ҳудудларга тўғрилар эдилар. Мўлжални бир маромда алмаштириб туриш қанчалик гайририхтиёрий бўлса, шунчалик сийқаси чиққан, зерикарли ҳам эди.

«Салли»нинг рўпарасида шийпон скамейкага ўхшайди. Атрофи девор билан ўралган лаҳад томонга қараган буни саҳронинг қоқ ўртасига келтириб қўйиш фикри қайси каллаварамдан чиқди экан? Бу бежиз эмас экан, ҳар қалай «Дельта» лагерини фақат шу скамейкадан турибгина фотога олиш мумкин экан. Бу «чекловлар»ни бир амаллаб тушунтириб беришни Мосс ўзи учун жоиз деб билади: «Сиз, албатта, сизга муҳим бўлиб кўринган ҳамма нарсани пайқашда эркинсиз. Бироқ буни фақат кўзингиз билан кўрганингиз бошқа-ю, фотоаппаратда сувратга олганингиз бошқа. Скамейка нега бу ерда турганини биласизми? Махфийлик юзасидан».

Лагерни ташқаридан кузатган одамга кўриш масофаси чекланган, бироқ айна вақтда у кўп нарсани кўра олмайди. Тўрдан қилинган ўн метрлик девор яна зич яшил парда билан тўсилган, ундан кузатув миноралари ва тиконли симлар бўлмаган нариги ёқдан ҳеч нарсани кўриб билишнинг сира имкони йўқ. Ташқарида бўлган одамдан парда ҳамма нарсани тўсиб туради. Ичкари бўлмалардан ҳам.

«Салли» олдида таржимаи ҳоллари турлича ва баданининг ранглари хилма-хил бўлган икки ҳарбий турибди — улар лагернинг тартиби ва хавфсизлиги учун жавоб беришади. Полковник Адольф Маккуин — қора танли, майор Жон ван Натта — оқ танли. Биринчиси кўринишидан қирққа борган: қомаги таранг, мўйлови ингичка. Иккинчиси — элликларда: кўзлари чақноқ, гавдаси тўла, ҳаракатлари вазмин. «Натта», деб ўзини таништиради у ва ҳаёлимиздан бу одам асли италян бўлса керак деган фикр лип этиб ўтади, бироқ саволингизга инкор жавобни оласиз: «Йўт-е, нималар деяпсиз. Шунчаки «ван» қўшимчаси мени бу ерга кўчирганларида исми шарифимдан тушиб қолган. Уни ҳеч ким тилга олмайди, бинобарин мен ўзимнинг билишимча, қайсидир голланд бобокалонимиздан мерос бўлиб қолган исми шарифимнинг бир бўлагига эга бўлиб турибман».

«Унинг гапига қулоқ солманг, — кулади Маккуин, — бу ерда майорнинг исми шарифини ҳеч ким билмайди, ҳамма уни Доктор деб қақиради, вассалом. Бу изоҳ менда қизичиш уйғотди. Доктор деб қақиради? Нима учун? «Майор Ван Натта қамоқхона назарияси бўйича диссертация қилган. У ўз ҳаётини тиконли симнинг нариги томонида ўтказган. Полковник Маккуиннинг таъкидида, эҳтимол, ҳазил аломатлари ҳам йўқ эмасди, аммо жуда ҳам енгил ҳазил. Нима бўлганда ҳам ван Натта — диссертация ҳимоя қилган. Уни, захирадаги зобитни, бу ерга, кўрфазга юборишларидан олдин тиконли симнинг нариги томонида — ҳам у фуқаролик хизматида бўлган эди. У Miami Contry Correctional Facility — Индианаполнинг шимолидаги ўта махфий ахлоқ тузатиш колониясида бошлиқ бўлган эди.

Қулф шиқирлайди ва шу заҳоти «Салли» очилади, пошналар тақ-туқ қилади — қоровуллар честь беришади ва икки зобит ҳамда меҳмонга салом беришади. Ван Натта биринчи бўлиб ўтади ва эҳтиёт бўлинг дегандек тиконли симга ишора қилади. Токи борми? «Йўқ, энг оддий сим. Бироқ барибир хавфли. Ҳолбуки шахсан мен, тўғриси айтсам, Америкадаги уйимда уларни тоққа улаб кўярдим». Биз кўзни қамаштиргувдек оппоқ, ғоятда майда ва чангли, офтобда обдон қизиган шағал тўшалган катта майдондан чиқамиз. Ван Наттадан шов-шов тер оқади ва нимагадир ўзи ҳақида гапиришда давом этади. Лагердаги хизмати ҳақида, у тўғрисида кўп нарсаларни айтиб берувчи ўз хоббиси ҳақида сўзлайди: «Мен нодир паррандаларга қизиқаман. Иккита катта-катта қафасда эллик жуфтча қушим бор. Ишламаган вақтимда уларни кузатиб, ўзимга дам бераман... Сиз-чи, қушларни севадизми?»

Биз «Салли»дан эллик қадамча узоқлашамиз. Ундан кўп эмас. Бироқ шундай туюлдики, гўё биз вақт оқими тўхтаб қолган қандайдир номаълум сарзамин ичига бир неча километр кириб кетгандаймиз. Лагердан ташқарида ястаниб ётган ҳудудлар ортимизда қолган (бу ҳудудлар аслида қўл узатса етулик жойда), бироқ нейлондан қилинган залворли яшил парда у ёқдан келаётган товушлар ва ҳидларни ўтказмайди. Парда уларнинг борлигини асло билдирмайди. Пардадан ҳеч нарса, ҳатто шамол ҳам ёриб ўтолмайди, у туфайли бизнинг шундоқ қаршимизда турган денгиз ҳам мутлақо мавҳум нарсага айланган.

Полковник Маккуин тўсатдан тўхтайди. У ўзидан чап томондаги уйларни қўлини чўзиб кўрсатади, сўнгра ўнг томондагиларни кўрсатади. Худди биргина

қўл ҳаракати билан биз кўриб турган ҳамма нарсани кучоқлаб олмоқчи бўлгандай. Ун саккизта пўлат қафас кўриш учун тўртгала томони очик, тош ўрнида қалин темир бетон. Ҳар бир блокда йўлакнинг ҳар икки томонидан қирқ саккизта қафас жойлаштирилган. Ҳар бир қафасда биттадан маҳбус. Олтита блок қанот ҳосил қилган. Биринчи, Иккинчи, Учинчи — рақамлар қанотларга айтарли ҳеч бир мулоҳазасиз берилган — уларни тиклаш вақтига қараб қўйилган: 2002 йил 28 апрелда (Биринчи), 2002 йил 28 майда (Иккинчи), 2002 йил 22 октябрда (Учинчи). Қанотлар бир-биридан бутунлай ажратиб қўйилган: битта қанотдан бошқасида нималар бўлаётганини кўришнинг ҳам, эшитишнинг ҳам иложи йўқ. Қоидаларга кўра, ажратиб қўйиш «максимал» даражада бўлиши керак. Биз чапга биринчи қанотга қараб борамиз — у ерда бир қанча бўш қафаслар бор, полковник Маккуиннинг навбатдаги гапининг ҳақиқатлигига қўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилишимиз учун ван Натта бизни ўша ёққа олиб ўтади: «маҳбусларни сақлаш шарт-шароитлари инсонларга муносабатда бўлиш андозаларига тўла мос келади».

Пўлат блоklar оралигида йўлакка ўхшаб ётқизилган шағал йўлдан яна бирмунча муддат юриб борамиз. Темирбетондан қилинган ойнасиз тўрт уй ортда қолади. Уларнинг ҳар бири ичига фақатгина кўндаланг йўлак харилар билан маҳкамланган ягона энсиз темир эшикдан кирилади. Омборларми? Ҳарбийлар менинг саволимни соддалик намунаси сифатида (ва мутлақо тўғри) қабул қиладилар. Ҳолбуки, айни ҳолда у қандайдир кутқули эшитилиши ҳам мумкин-да. «Сизнингча, улар омборларга ўхшайдими? Булар сўроқ қилинадиган хоналар. Чироқсиз ва дим ҳолатда-я? «Томга синчиклаб қаранг: хоналар кондиционер билан жиҳозланган. Чироқ ҳам бор, фақат электр чироғи. Кечаю кундуз ёниб туради». Бундай шароитларда маҳбус кундузни тундан ажратолмайди ва сўровда бир соатми, икки соатми, уч соатми ёки гоҳо бўлиб тургандек, тўққиз соатми ўтирганини англолмайди. Ичкарида гаплару қичқириқлардан, сўроқ хонасидан камерани ажратиб турувчи бўшлиқда ҳатто заиф акс садо ҳам қулоққа чалинмайди. Бу ерга ким киради-ю, ким чиқади, буни ҳеч ким кўрмаслиги ва эшитмаслиги учун уларни атайлаб сал нарироққа жойлаштиришган. Қачон кириб-чиқишади, қандай ҳолатда кириб-чиқишади ва неча марта кириб-чиқишади — ҳеч балони билиб бўлмайди.

Бу деворлар ортида содир бўладиган нарсалар — сара одамларнинг иши. Улар «Йўлбарслар» жамоаси деб аталади: булар МРБ ва махфий полиция бошқармаси, ФБР ва Адлия вазирлиги, давлат департаментию Фуқаролик ва муҳожирлик ишлари бўйича идора ходимлари. Худонинг берган куни эрталаб бу одамларнинг ойнаси қорайтирилган автобусдан қўллариди ишга шошаётган бошқа барча йўловчилар фойдаланадиган йўл чипталари билан тушиб келаётганларини кўришингиз мумкин. Уларнинг «Норасмий сўроқлар»ини ҳафтасига уч юз марта — худди улар сўроқ вақтида фойдаланадиган услублар сингари сир пардаси чулғаб олади. Сўроқлар ҳақидаги ғарибона маълумотларни бизга сўроққа тортилганларнинг ўзлари етказдилар. Муҳаммад Наим Фаруқ ҳикоя қилади: «Мени Гуантанамога олиб келишган куни сўроқ қилишди. Сўнг уч ой давомида — жимлик. Сўнг тўсатдан тўртинчи ойда, улар яна гапларимни эшитгилари келиб қолди. Улар мени сўроқ қилиш хоналарига тахминан ойда бир марта олиб кела бошлашди. Ўз-ўзидан маълумки, бизда тақвим йўқ эди. Сўроқлар соатлаб чўзиларди. Нечталигини аниқ билмайман. Менга ҳар доим бир хил саволлар беришарди. Менинг жавобларим ҳам бир хил бўлар эди. Ҳар бир сўроқ охирида менга бундан кейин бўлмайди, деб ваъда беришарди, мени ўзига келиб олсин дейишарди-да. Бу ҳол неча ойлаб давом этарди. Камерага қайтиб келгач, ойлаб мен уларни берган сўзлари устида турмасликларини англардим... Улар асабимга тегиш учун жўртгага шундай қилишади...»

Афғон Муҳаммад Тоҳир ҳам Фаруқ сингари эслайди: «Мени сурункасига саккиз, балки ўн ой сўроқ қилишди. Бироқ уйга қайтганимдан буён у ёқда ўтган кунларим ҳақида ҳеч нарсани эслолмайман...»

Биринчи қанотгача бир неча одим қолади, майор Ван Наттанинг биргина — у таъкидлаб гапиради — талаби бор. Энг осони яккаю ягона ва шарт бўлган бир қоидани эсда тутмоқ керак. Шунга риоя қилмасак, мени ўша заҳоти лагердан чиқариб юборишади ва барча аудио, видео ва фотосъёмкаларимни мусодара этишади.

«Сиз ҳеч қандай йўл орқали маҳбуслар билан мулоқотда бўлмайсиз. Ҳар қанча эътиборингизни жалб қилишга ҳаракат қилишмасин, мумкин эмас. Борди-ю, улар эътиборингизни тортмоқчи бўлишса, тескари ўгирилиб олинг. Биласизми, улар жуда айёр. Вақти-вақти билан журналистлар келиб туришини билиб қолишган ва уларга гап тайинлашга интиладилар. Сиз балки гапимга ишонмасиз, аммо уларнинг кўпчилиги инглиз тилида жуда яхши гаплашишади. Энди эса, марҳамат. Хуш келибсиз...»

Биринчи қанотда тириклайин кўмиланлар майорнинг сўзларини эшитган бўлишлари керак. Ёки жуда бўлмаганда қўриқчининг бир маромдаги одимларига ўхшамаган товушни илғаб, унинг келганини англаган бўлишлари керак. Қафасда шакл-шамойили элас-элас кўзга ташланиб тургани шўрликлардан бири бир вақтнинг ўзида ҳазил ва илтижо қоришиб кетган оҳангда оҳ-воҳ қилади: «Eeeenglish Eeeenglish..... Eeeenglish.....» Бир оҳангдаги хиргойига бошқа овозлар қўшилади, қисқа-қисқа тўхтаб, «Eeeenglish..... Eeeenglish..... Eeeenglish.....» сўзлари қулоққа чалинади. Қизғиш расмий либосли икки давангидай одам камераларнинг улар мудраб ўтирган бурчакларидан кўтаришади. Уларнинг чеҳралари қорачадан келган ва юзлари кичик-кичик. Хира табассумлари орасидан оппоқ тишлари тиржайиб кўринади. Улар юзларини пўлат тўрга тирайдилар ва пешоналарида тўр излари қолади. Улар жажжи бармоқларини ари уясидек келадиган тор тўр тешигига суқадилар ва кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқларини болалар «ку-ку» ўйинидагига ўхшатиб қимирлата бошлайдилар, бу саломлашув ёки оддий ҳаёт ҳаракати бўлса, эҳтимол. Майор, ван Натта қадамларини жадаллатади ва қўли билан имлаб томоша кўрсатишларини тўхташига ишора қилади. «Қани, илтимос олдинга ўтинглар. Худо хайрингизни берсин, маҳбуслар билан мулоқотга киришманглар...»

Ҳавода дезинфекция дорилари ва уларнинг кўнгилни беҳузур қилувчи бадбўйи димоқни тешгудай бўлади. Лагер шамоллатиш тизими бадбўй ҳаво оқимини тепага ҳайдайди, у ерда улкан паррақларнинг катта-катта лаппақлари уни даҳма тошидаги кўплаб тешиқлар орқали кўчага қувиб чиқаради. Ван Натта мана шу тешиқлар шарофати билан қафасларга салқин ва топ-тоза ажойиб денгиз ҳавоси келиб туришини мақтаниб гапирди. Агар майор лаппақлардан бири остида тик турганида юзидан тер шовиллаб либосига оқиб тушишига амин бўлар эдим. «Дельга» лагерининг қанотлари кўрфаздаги кондиционерлар билан жиҳозланган ягона хоналар эканлигини билмаганимда ҳам бошқа гап эди.

Кулфнинг яна оғир шарақлаган овози эшитилади. Қизиган ҳавонинг яна бир тўлқини келиб урилади. Мени биринчи қанотнинг бўш қафасига киришга таклиф этишади: цемент пол, икки қадам у ёққа, уч қадам бу ёққа. Бир метр саксон сантиметрга икки ярим метр, бир сантиметр ортиқ ё кам билан. Қафасда битта ҳам яхлит девор йўқ — маҳбуснинг мақсад ё ниятини билдирувчи ҳар бир ҳаракати, ҳар бир ишораси қоровулга кўриниб туриши керак. Қафас блокни ажратиб турувчи йўлакка очилади. Худди шундайлардан ўн иккитаси сирасида у биринчиси. Деворга пайвандланган каравот (матрасли темир тўр) баландлиги билан хонанинг чап деворини қоқ иккига бўлиб туради. Каравотнинг узунлиги тўр узунлигига тенг, эни эса етмиш сантиметрни ташкил этади, демак бўш жой шу қадар оз қоладики, камера бўйлаб ҳаракат қилишнинг деярли имкони бўлмайди. Маҳбус барча вақтини ўтириб ёки чалқанча тушиб, ё ёнбошлаб ётган кўйи ўтказишга мажбур. Кечаси ҳам, кундузи ҳам. Шифтга тикилганча каравотнинг бош тарафидаги эллик сантиметрлик бўшлиқдан баҳраманд бўлади, холос. Каравотдан ташқари камерада ҳожатхона ҳам бор — бу полдаги пўлат тирқиш — яна таҳорат учун пўлат чиганоқ мавжуд, жўмракдан тинимсиз шўр сув ингичка бўлиб жилдираб туради. Қоида ҳар қанақанги паналикни ман этади. Ҳатто ҳожатхона қаршисидаги латта-пугталарни тўрга боғлаб қўйиш ҳам мумкин эмас. Қизғиш либосдаги маҳбуслар ҳамманинг кўз ўнгига чўнкайиб ўтирганча ҳожат чиқаришга мажбур. Борди-ю, улар ўзларини танҳо ҳис этмоқчи бўлишса, ҳар доим бошларини тиззалари орасига суқиб, кўзларини юмиб олишлари керак бўларди. Сизга ҳеч ким қарамаётганини тасаввур қилишнинг биргина усули бор эди — ўзингизга қарамаслик, вассалом.

Темир тўрга Қуръон боғлаб қўйилган. Ерда жойнамоз ёзиғлиқ: қора бўёқ билан чизилган ўқ шакли бу ердан 12793 километр масофадаги Маккани кўрсатиб

¹ English — “инглиз” дегани.

турибди. Ҳар куни беш маҳал маҳбуслар лагер муаззинининг овоз кучайтиргичдан таралувчи азониға мувофиқ юзларини ўша томонға қаратган ҳолда тиз чўкиб ибодат қиладилар.

Қафаснинг бўш бурчагида наридан-бери қуйидаги нарсалар битиб қўйилган: бир жуфт резина бошмоқ, иккита сочиқ, иккита адёл, ёстиқ, бир жуфт сарғиш шорт, иккита оқ футболка, бош кийим, намозда суртиладиган мой, совун, жуда қаттиқ маъдандан думалоқ сопли калта тиш чўткаси (биронта маҳбуста ундан курул ясаш хоҳиши тугилиб қолмасин учун махсус шундай қилинган). Яна ўйинлар ҳам бор. Ҳа, икки шерик учун ўйинлар. Шашкалар ва шахматлар. Қартада фол очишдан бошқа киши ёлғиз ўзи ўйнайдиган бошқа қандай ўйинлар бор? Бу савол бир лаҳза майорнинг менга бўлган хайрихоҳлиғига шубҳа уйғотди. «Ҳа, айтгандай... Шахматни бир киши ўйнаса ҳам бўлади. Кейин эса, қафасларда уларнинг қўшнилари ҳам бор». Дейлик, тўрнинг майда кўзи орасидан шахмат тахтасини кўриш мумкин. Аммо бутун қўлни қўяверинг-у, қафтни ўтқозишнинг асло имкони йўқ. Энди биргина эрмак қолади — мутолаа. Маҳбусларнинг китоб ўқиши ман этилмаган. Икки резина гилдиракли аравача блок йўлақларидан ўтиб бораётганида, маҳбуслар тўкиб қўйилган бир уюм китоблардан биттасини кўрсатиб, мутолаага ўзи учун танлаб олади. «Биз олтмиш беш минг янги китобларга буюртма бердик, — дейди ван Натта. — Гарчи араб тилидаги шунча китобни топиш бизга осон бўлмаса-да, китобга талаб ҳаддан ташқари катта». Нима бўлганида ҳам ҳарбий цензура маъқуллаган китоблар. Эртақлар, мўъжизавий муҳаббат ҳақидаги афсоналар, қахрамонлик дostonлари.

Бундоқ олиб қараганда қафас денгизга қараган. Каравотдан тўрт юз метрлар нарида тўлқинларнинг «Радио Ренж» соҳилидаги оппоқ қумларга келиб урилайётгани кўриниб туриши керак эди. Керак эди. Чунки денгизнинг борлиғи бу ерда сира сезилмасди. Яшил нейлон парда ҳаммасини тўсиб қолади. Денгизни ҳам, соҳилни ҳам, осмонни ҳам. Бу иккиёқлама жазо бошқа жойнинг бор бўлиши мумкинлиғи ҳақидаги орзуни ҳам йўққа чиқаради. Ван Натта гўё чет эллик журналист билан суҳбат уюштириш учун бирданига шахсан катта аҳамият касб этиб қолгандек кутилмаганда дангал-дангал изоҳ бера бошлайди: «Бу аслида жазо ҳам эмас. Гапимга ишонаверинг. Бу бор-йўғи маҳбусларни тўсиб қўйишнинг бир усули, холос». Нимадан? «Қизиқувчан кўзлардан. Чунки денгиздан кўрфаз сувларида туриш ҳуқуқига эга бўлмаган кемалар сузиб келиб қолиши мумкин. Кимдир телеобъектив ёрдамида маҳбусларни сувратга олишга ҳаракат қилади. Ўзингиз яхши биласиз-ку, ҳарбий асирларни одамлар кўрадиган жойга қўйиб қўйишмайди».

Маҳбуслар қафасдан ҳафтасига тўқсон дақиқагина чиқадилар. Кунора ўттиз дақиқадан уч марта. Бу энг кичик жисмоний машқлар бўлиб, бусиз маҳбусларда қўл ва оёқларда анилоз ва мушакларда атрофия бошланади. Қизғиш либосдаги маҳбуслар бу дақиқаларни, ҳар ҳолда, бошқа барча вақтлари каби ёлғизликда ўтказадилар. Бироқ сайрга чиқишдан олдин улар «уч нарса»ни кийишлари керак — бу ўзига хос нўхта бўлиб, бироқ одам учун қилинган нўхтадир. Чарм камардаги бақувват ҳалқаларга илмоқлар билан панжаларни тўпиқлар билан туташтириб турувчи икки метрли занжир маҳкамланади. Бу усул чопишга халақит берибгина қолмай, балки тез юргани ҳам, шунингдек, ҳар қанақанги кескин ҳаракат қилгани ва гавдани бургани ҳам қўймайди. «Уч нарса»ни рағбат олганларга кийдирилади — «ҳавода» ўттиз дақиқа бўлади ёки лазаретга ётқизилади. Шунингдек, сўроққа олиб борилганларга ёки қоилабузарлик қилгани учун кичикроқ қафасга кўчирилганларга кийдирилади.

«Ҳаво» — бу оёқлар учун мукофот, бош учун эмас. чунки маҳбусни бир қафасдан бошқасига — худди шунақаю фақат бундан олти марта каттасига олиб ўтадилар. Цемент ер, тўрттала томони пўлат тўр. Дам урилган футбол коптогини ҳисобга олмаганда, қафас ичи бўм-бўш: уни ҳар қанча тепиб думалатса бўлади, бироқ у бамисоли кўргошиндан қилингандай ердан кўтаришнинг асло иложи йўқ (улар футболни аъло даражада ўйнашади — изоҳ беради ван Натта). Демак, бу ерда фақат юришга ёки югуришгагина изн беришар экан. Бошқа ҳамма вақтда бўлганидек, қафас ичида ва танҳоликда. Ягона қувонч: бу ердан осмон кўриниб туради ва «ҳаво»дан кейин «сув» бўлади.

Айнан шундай: ўттиз дақиқалик «ҳаво» ўн дақиқалик «сув»ни ҳам англади. Душ суви. Бу ерда ҳар йигирма тўрт қафасга иккитадан душ тўғри келади. Улар

қанотнинг охирида, сайр қафасларига кираверишда жойлашган. Душлар ҳам ҳар томондан кўришиб турадиган қилиб қурилган. Уларнинг ёнида деворга иккита умивальник қоқилган, уларнинг устида ўз башарасини таний олиши учун ҳафтасига уч марта қарашни истовчиларга деб махсус кафтдеккина ойна ўрнатилган. Ёки айлана шакли ва усталик билан ясалган тигли пластик устарада соқолини қиртишлаб олишга жазм қилганлар (ундайлар яккам-дуккам учрайди) фойдаланадилар. Тигни устарадан чиқариб олишнинг иложи йўқ.

Ҳаво ва сув — тирикликнинг негизи. «Дельга» лагериди бу яхши хулқ-атвор учун мукофот. Атрофида мукофот ёки жазо тизими айланиб турадиган ўқ — маҳбусларни сақлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар самараси. Ёки яна ҳам жўнроқ қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг автосуғурта тизимимиз соҳасида ҳукмронлик қилувчи «bonus malus»¹ нинг бир тури. «Тизим» ҳақида ван Натта фахр билан ҳикоя қилади ва унинг амал қилиш дастурини шундай оҳангда тушунтирадики, гўё биз қизғиш либосда янги келган арвоҳлармиз. «Қамоқнинг тўрт даражаси мавжуд. Биринчиси — қулайликларнинг энг кўп миқдорда бўладигани: ҳафтасига ўттиз дақиқадан уч марта сайр, душ ва соқол олиш учун — қирқ дақиқадан. Иккинчиси — сайр ўн дақиқагача қисқартирилади. Учинчисида — беш дақиқагача. Тўртинчи даражада маҳбус уч сайрдан биттасини йўқотади, демакки душ муддатидан ҳам. Қолган шундай иккитасининг муддати худди учинчи даражадагидек».

Яхши, ҳаммаси тушунарли. Аммо мана бу «bonus malus»: «барча янги келган маҳбуслар учинчи даражага тушадилар. Борди-ю, дастлабки ўттиз кунда улар қоидани бузмасалар, унда навбатдаги — иккинчи даражага кўтариладилар. Яхши хулқ-атвор билан яна бир ойдан сўнг биринчига кўтариладилар. Бироқ борди-ю, маҳбус иккинчи даражада бир ой ичида лоақал биргина қоидани бузса ҳам тўғри тўртинчига тушиб кетади. Аммо тўртинчи даража «Ҳиндистон блоки»даги қоидабузарлар учун якка камерага ўтказишни аниқламайди. «Ҳиндистон блоки»да ҳам ҳамма жойдагига ўхшаш қафаслар бор, фақат уларнинг деворлари тўрдан эмас, балки кундузги ёруғни ҳам, тунги қоронғуликни ҳам ўтказмайдиган яхлит пўлат тунокалардан ясалган. Фикрлаш фаолиятига бўлган қобилиятини сўндириш ва қолган-қутган қаршиликни синдириш учун улар махсус шундай ясалган. Ўликхона сингари силлиқ ва муздек қути сурункасига йигирма тўрт соат ёниб турадиган электр чироқ билан жиҳозланган. «Қамоққа тушганнинг биринчи даражасидаги барча қулайликлардан баҳраманд бўлиш ва изоляторга тушмаслик учун қоидаларга риоя қилинса бўлгани. Қоидалар уларга риоя қилувчилар учун жуда осон. Овқат ейишдан бош тортмаслик лозим. Қичқирмаслик керак. Қоровулни ҳақорат қилмаслик керак. Назоратчиларга ҳамла қилишга уринмаслик ва шундай қилиш хоҳиши борлигини намойиш этмаслиги керак. Сув ва бадан чиқиндилари: нажас ва пешобни уларга қараб сепмаслик керак. Тупурмаслик керак».

Агар қафасдаги арвоҳлар ва либосдаги қоровулларнинг исмлари бўлганида, эҳтимол, қоидаларга риоя қилиш осонроқ бўлармиди. Улар ўзаро муомалада бўлишарди. Эрталаблари саломлашишарди, қамоқдаги дилхушликни бирмунча енгиллаштиришарди. Аммо бу ерда бунинг иложи йўқ. Чунки сиз, яъни инсон табиатнинг табиий ифодаси бўлиб, пул майдалаш деган нарса эмас, балки сал бўлмаса қайнаб турган булоқ, назоратчилар фақат буйруқ бериш учунгина унга мурожаат қилишга, маҳбуслар эса бўйсунмишларини намойиш этиш ҳуқуқига эга.

Маҳбусларнинг исмлари йўқ. Фақат қафас рақамига тўғри келадиган рақамлари бор, холос. Назоратчиларнинг ҳам исмлари йўқ. Лагерда амал қиладиган хавфсизлик қоидалари исмлар ёзилган тасмачаларини скотч билан кителга ё беретга ёпиштириб қўйиш талаб этилади. Жаҳоннинг бошқа армияларида айнан мана шу тасмачалар либосдаги шахсиз бандга ном беради. Лагернинг қаноти бу Бобил минораси бўлиб, у ерда қирқ икки тил ва ўн етти лаҳжада узуқ-юлуқ ва қўпол нутқлар жаранглаб туради, нотаниш

¹ Суғуртада қўлланиладиган асосли тариф ставкасига чегирма қўйиш тизими. (Муаллиф изоҳи).

маҳбуслар ана шундай бир-икки оғиз сўз билан ўзаро мулоқотда бўладилар, уларнинг қисматига танишиш битилмаган ва улар вақт ва қўрқувни ана шундай баҳам кўришга мажбурдирлар. «Тўртинчи! Нима қилиясан?», «Ун еттинчи! Нега қичқирасан?», «Ўттиз биринчи! Наҳотки нима берса, шунга ейтиш кераклигини билмасанг?»

Кўрфаздан узоқда пайдо бўлиб қолгач, туғилган мамлакатларда ёки бирмунча вақт муқаддас туп қўйиб, палак ёзган жойларда маҳбуслар яна исмларга эга бўлишади. Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари уларнинг қўлга олинганликлари ҳақида хабар топишади. Италиядан саккиз маҳбус...

«Дельта» лагерида ҳеч қачон қоронги тушмайди. Кун ботиш чоғида қуёш нури электр нури билан алмашади. Қафасларда маҳбуслар ҳеч қачон ўз сояларидан маҳрум бўлмайдилар: соялари оловли шар оралигидаги йўлакларнинг шагалларини чўғдай қиздирганча даҳма томи узра ловулаганда калта ва чаплашган; қоровуллар зангори, асаббузар нур билан камералар ва уларга қамалган маҳбусларни ёритганда эса узун ва қора тусга кирган бўлади. «Дельта» лагерида бир йил ўтириб чиққан Саид Абассим ҳикоя қилади: «Гуантанамода кўзим хиралашиб қолди. Кундузи қуёшнинг ва тунда электр чироқларнинг кўзни оловчи ёруғи туфайли. Ухлаш учун бошимизни буркаб олгани назоратчилар зинҳор рухсат бермасди. Мен ҳамма нарса таққиланган ҳайвонот боғида яшардим. Биз ҳатто ўз қафасимизда бадантарбия билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмасдик. Бир куни мен шундай қилишга уринган эдим, мени беш кун тешик-туйнуксиз изоляторга ўтказиб қўйишди...»

Майор ва Натта Учинчи Женева Конвенцияси қанақаю унинг қоидалари қанақалигини жуда яхши биларди. Зеро, қоидани бузиш учун уни яхши билиш керак-да. Агар ҳарбий асирнинг соғлиғи ва хавфсизлигини кўриқлаш учун зарур бўлиб қолгандагина уни изоляция (яккалаб қўйиш) қилишга рухсат бериларди; маҳбусга ўз шахсий буюмларини сақлаш, чекиш ва, агар имкони бўлса, овқатини ўзи пиширишига рухсат берилиши лозим бўлади; унинг спорт ва билим олиш билан шуғулланишига бўлган хоҳиши, шунингдек, муносабат ўрнатишга интилиши жиддий рағбатлантирилиши даркор, зинҳор-базинҳор буларга барҳам бериш мумкин эмас. «Ҳа, мен Учинчи Женева Конвенцияси билан танишман, — тушунтиради ван Натта, — аммо бу менинг ишим эмас. Мен сиёсат билан шуғулланмайман, менинг вазифам шундан иборатки, бу муассаса қандай ўйланган бўлса, шундай ишласин. Борди-ю, буйруқ ўзгартирилса, қоидалар ўзгаради. Ҳар қандай ҳолда ҳам ўзингиз кўриб турибсиз: биз халқаро ҳуқуқ андозаларига риоя қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиляпмиз. Мен бизда муаммолар йўқ эмаслигини эътироф этишдан кўрқмайман. Бизнинг муаммомиз — маҳбуслар ўз тақдирларидан беҳабар бўлишлари шартлиги. Улар бу ердан қачон чиқишади ёки умуман чиқадиларми — буни билмасликларни керак».

Муаммо чакки эмас. Эҳтимол, ҳаттоки гоят жиддий ҳамдир. Тед Коновер Нью-Йоркнинг «Синг-Синг» қамоқхонасида бир йил ишлаган. 2003 йил июнида «Нью Йорк таймс» уни «Дельта» лагерига юборган. Сабаби, америкаликларни сақлаш шароитлари билан таниш бўлган америкалик қасос олиш хоҳиши қонли сешанба воқеаларидан даҳшатга тушган мамлакатни нечоғли боши берк кўчага олиб кириб қўйганини ҳикоя қилиб бера олсин. У бундай деб ёзганди: «Синг-Синг қамоқхонасида ишлар эканман, маҳбуслар кўп вақтларини қанча муддат ўтирганларию шартли озодликкача қанча қолганини ҳисоблаш билан ўтказадилар, шунингдек, муддатни қисқартириш учун нима қилиш керагу нима қилмаслик керак — шунга оид қоидаларни қайта-қайта мутолаа қилардилар. Ҳар бир кун — бугуннинг энг майда, аммо қимматли қисми, мақсад сари қўйилган бир қадам. Агар тутқунликнинг узунлигини билсанг, қоронғуликка, масофага ва бадбўйликка бир амаллаб чидайсан. Гуантанамога бунинг дахли йўқ. Маҳбуслар уларни қачон озод қиладилар ва умуман озод қиладиларми ё йўқми — билмайдилар, улар ҳеч нарсага умид боғламайдилар — у ерда терговлар ва суд жараёнлари олиб боришмайди. Расман улар сўроқлар учун «Дельта» лагерида туришади, бироқ уларнинг сақланиш шароитларига қараб фикр юритадиган бўлсак, улар жазони шу ернинг ўзида ўтаётган бўлишади».

ИСТЕЪМОЛГА ТАЙЁР

Қафасларда маҳбусларнинг вазни ортади. Бу далилнинг исботи тариқасида лагер китобларида муттасил янгиланиб турадиган статистик маълумотлар бор. Ўртача маҳбус ўн уч фунтга ёки тахминан олти ярим килограммга тўлишадилар. Халқаро Қизил Хоч вакиллари олдида мана шу билан наҳ уриб мақтанишади: маҳбуслар касаллик келтириб чиқарувчи озгинликдан халос топадиларки, бу «соғлиқ симптоми» ҳисобланади. Гуантанамода қаравотда михланиб, ҳаракатсиз ётишга маҳкум этилган маҳбуслар мажбурий равишда бир кунда уч маҳал паққос туширадиган овқат асабий ҳолатга ва инсон вужудида бузилишлар содир бўлишига олиб келиши мумкинлигини кескин рад этадилар.

Боз устига, бу маҳбуслар нариги яримшардаги одамлар учун одатдаги ҳисобланган бунақанги юқори калорияли ва анвою ақсом таомларга ўрганмаган бўлишса.

Овқат мувозанати учун жавоб берувчи зобит — захирадаги капитан Жип Клак. Элликни уриб қўйган гайратчан одам, юзи дум-думалоқ, тепакал. «Кау Ван» фирмасининг «Авиатор» кўзойнаги кўзлари остидаги халтачаларини яшириб туради. Гуантанамодаги хизматига қадар у бошқа косаларни тўлдирарди. Мичиган университетидаги бир минг уч юз талаба косачалари. Йигитлар гўшт қовурдоғини, кетчуп мўл қилиб сурилган хот-доғларни ва икки қатламли чизбургерларни жонларидан яхши кўрар эдилар.

Клак ҳайҳотдай ошхонада ошпазлар қалпоғи, балиқчилар жомакори ва этиги кийган статистлар қуршовида ўн икки печка орасида меҳнат қиларди: булар филлипинликлар, кубаликлар, ямайкаликлар эдилар. Лагерга кираверишда қурилиш ашёларини ташувчи ишчилардаги ўша-ўша афт-ангорлар. Иш ҳақи ҳам ўша-ўша, фақат иш берувчи бошқа «Pentad Corp» терроризм билан уруш шарофати ила шартномалар олишга мушарраф бўлган яна бир мижоз. Ошхонага «Салли»дан шарқ тарафига кираверишда жой ажратилган бўлиб, бу камералардан унча олис ҳам, унча яқин ҳам эмас, иссиққа чидамли кулранг ашёдан ясалган бостирма тагида жойлашган. Теварак-атрофи қандайдир цирк майдонини эса соларди. Доимий бадбўй ва ифлосликдан сақланиш учун ерга қалин қилиб қипиқ тўшалган. Бу ердаги бак ва кастрюлларнинг жангир-жунгиридан қулоқ битади, хонанинг қоқ ўртасига сиртини дағал мой қоплаган идишларда овқат кўйиб кўйилган. Уларнинг атрофида музлатилган озиқ-овқатлар ва яримтайёр маҳсулотлар солинган пластик қутичалар гарами, ёрлиқларида истеъмолга яроқлилик муддатлари кўрсатилган — икки ҳафта, шунингдек, ишлаб чиқарувчининг номи ва унинг манзили ёзилган. «Жексонвил, Флорида, Sysci Food Service» — Америка Қўшма Штатлари ҳарбий-денгиз кучларининг тўрт йил ичида ўн бир миллион етти юз минг доллар сўлаган пудратчиси. Меваларни эса бу ерга янги ҳолатида келтиришади. Ҳар сешанбада. Норфолкдан. «Бу ерда биз фақат нон пишираемиз, — мамнун жилмаяди Клак, — бу ҳам осонга тушмайди биз учун». Оқ нон, француз багети ва шохсимон булочкалар.

Бугун тушликка (11.30да) маҳбусларга жез косачаларда лўвия ва гуручли, соус солинган тухум карриси тортилади. Қоидага кўра, улар бор улушларини спок — пластикдан қилинган, қошиқ ва санчкининг дурагайи бўлган ғалати буюм ёрдамида йигирма беш дақиқа ичида еб бўлишлари керак. Маҳбус ва атрофдагилар учун спок — камерадан фойдаланиш мумкин бўлган ягона безарар ошхона асбоби. Кечлик (20.00 да) тушликдан фарқ қилади, худди эртанги тушлик бериш кундаги кечликдан фарқ қилгани каби. Фақат нонуштага (06.30да) ҳар доим бир хил овқат берилади. Лагер таомномасида кўнгил тусаш деган гапни-ку қўяверинг, ҳатто хаёлга келган таомни айтишга ҳам йўл қўйилмайди. Ошхона бурчагидаги тоқчада яғири чиққан китоб турибди, унга маҳбусларни нима билан ва қанча боқиш кераклиги аниқ ёзиб қўйилади. Идишларнинг бир мартадаги алмашинуви бошқа имкониятлар йўқлигида вақтни ҳисоблашга ёрдам беради. Оғзида товук гўшти таъмини қайта сезгунча роса бир ҳафта ўтади. «Китобни варақлаб кўринг, ўтинаман сиздан. Маҳбусларнинг таом хиллари ранг-баранглигига амин бўласиз...» Балиқ филеси, балиқ димламаси, балиқ шўрва, қўй гўшти, тухум, гуруч, картошка, лўвия, дуккакдилар, нўхат, мол гўшти. Айнан шунақа мол гўшти. «Қизил гўштми? Бу ҳақда ўйлаб кўргандик.

Ўйлаганда қандоқ, Жексонфилдан бизга мусулмон анъаналари бўйича сўйилган жониворлар гўшти келтиришади. Тагин суякисиз».

Ҳаётнинг бир маромда кечишини акс эттирувчи идиш-товоқларнинг бир хилдаги алмашинуви тамойили — жаҳоннинг ҳар қандай ошхонасига оид зарарли фалсафаси самараси бўлибгина қолмаган, у хоҳ фабриканики бўлсин, хоҳ университетники, хоҳ қамоқхонаники. Бунда бошқача маъно ҳам бор. Белгиланган тартибдан қочиш орзуга, эзгу истакка айланиши мумкин. Қафасда олти, саккиз ёки ўн икки ой давомида лаззатини тотганинг таом таъмини ҳис қилиш имконияти — бу яхши мукофот. Ҳар қандай мукофотга эса хизмат қилиш керак. Клакнинг фикрича, бу лагер бошлиғи қўлидаги анча таъсирли психологик қурол. У сўроқ олиб бориладиган бегона иншоотга ишора қилиб, мийиғида қулади: «У ёқдан назоратчилар юриб чиққанларини ва маҳбус олдида Ливердаги «Макдональдс»нинг Нарру meal пакети билан қайтиб келганларини бир неча марта кўрганман мен. Сиз уни кўрдингизми? Тўсиққа яқин жойда. Коммунистик ҳудудда ягона «Макдональдс». Қўшалоқ чизбургерлар, картошка, сут коктейли — ҳаммаси рисоладагидай... Қўплар курсогини қандайдир гайриоддий нарса билан тўлдириш мазаси олдида ўзларини тутиб тура олмайдилар ва шунда улар таваккал қиладилар. Бошқалар уларни кўраётганликларини билган ҳолда атайлаб шундай қилишади». Клак ҳаммасини билади, чунки гоҳо «мукофот зиёфат»ларини унинг ўзи тайёрлашига тўғри келарди. Масалан, асал, долчин ва бодомдан юмшоқ ва нам ширинлик — ҳолвани. Клак ҳаммасини билади, чунки «Тўрт» лагерга қанақа озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинганларини кўриб туради. «Тўрт» сусайтирилган махфийлик блоки бўлиб, у ерда оқ либосли ёки «тилга кирган» маҳбуслар сақланарди. Уларнинг имтиёзлари бошқаларга ман этилган таъсирга эга. Уларга сариқ пишлоқнинг каллаларини келтирадилар — агар ҳақиқийси бўлмаса ҳам, лоақал қоришмаси шунга ўхшаб кетадиганидан. Шунингдек, хурмолар, анжир, мева пишириқлари, асал — чойни ширин қиладиган қўшимча ёки юмшоқ қаймоқли пишлоққа қўшимча, бутерброд учун ерёнгоқ мойи, кўкатлар.

Ошпаз Клакнинг анво ва ақсом таомларида биз мукофот зиёфатларининг чегараолди ҳудудлари билан ва қизғиш коржомдаги одатдаги маҳбусларнинг овқатланиш тартиби билан танишдик, бироқ ошхона таомлар рўйхатини тўла ўрганиш учун яна битта соҳани тадқиқ этиш зарур. Уни хайрлашишдан олдин бизга кўрсатишга унинг ўзи жазм этади. Бунинг учун занжирлар билан маҳкамланган темир омборга тушиш керак. Чунки сир шу ерда, қоронғуликда яшириб қўйилганди. «Бу фавқуллодда ҳолатлар ва Рамазон учун бизнинг — Эм Ар И (MRE)миз. Ҳатто маҳбуслар овқат ейишдан бўйин товлашларига ҳақли эмаслар... Биз ҳеч нарса пиширмаймиз ва улар мана шунга тановул қилишади: MRE». Эм-Ар-И...MRE... бу қанақа даҳмазагарчилик? Ҳарбийлар маҳбусларни ардоқлаб қолишибди ва бу қуйидагидек шарҳланади: M-meal, R-rendy, E-to eat¹. Ана Эм-Ар-И нима дегани. Қуритилган таом. Ёпиқ идишда суви қочирилган овқат, истеъмол қилишга тайёр. Ошпаз Клак томонидан қутилардан ичига галати калорияли аралашма тўлдирилган жигаранг пластик пакетчаларни олиш билан андармон бўлади. Эм-Ар-Ининг фақат уч хили бўлади, таомномада худди шунча модда бор: «Буррито», «Пишлоқли тортеллини», «Алфредо соусли паста». Ҳар бир пакетда олти унция, ёки 227 грамм овқат мавжуд. Қандайдир галатилик ёки Италия таомларига муҳаббат ишлаб чиқарувчиларни бу галати маҳсулотга ном қўйишга мажбур этади, ҳозир Клак уни қараб чиқишга ва керак бўлса татиб кўришга обдон даъват этарди. «Сиз, италиялик, албатта, «Алфредо соусли паста» ни биласиз...»

Италияликларнинг кўпчилиги қандайдир (ошпазми, ресторан хўжайиними?) Альфредо деганлари ўз соуси билан Италия таомларида нишона қолдиргани тўғрисида тушунчага эга эмас. Бироқ гоҳо Римдаги аллақайси пучмоқда ҳақиқатан ҳам америка интернет сайтлари Альфредо соусли фетуччини бериладиган траторияга дуч келасан, киши. У ўзи ким бўлди? Анъанадан ўғирланган, Эм-Ар-И пакетига парчинланган ном. Бу пакетларнинг ичида нима бор? Масаллиқлар рўйхатини тузувчилар ўрамнинг орқа томонига батафсил

¹ Истеъмол қилишга яримтайёр овқат (*Муаллиф.*)

ёзиб қўйишдан огринмаганлар: «Сув, бойитилган макарон, яримтайёр маҳсулот, манний ёрмаси, оқсил, темир сульфати, сабзи, нўхот, маккажўхори, қаймоқ, сояли протеинлар, суюқ маргарин, уруларнинг суюлтирилган мойи, соя мойи, соя лецитини, натрий, кальций, сунъий хушбўйлатгичлар, бета-каротин, ёғи олинган сут, ферментлар, натрий фосфати, натрий цитрати, акация, хушбўйлатгичлар — хантал, зираворлар...» Цинциннати, Огайонинг «Wornick Company» компанияси ишлаб чиқарган бу пакетдаги қуруқ аралашманинг яроқчилиги муддати олти ёки ўн йилдан кейин тугайди. Уттиз олти ойдан сўнг омбордаги иссиқлик бу овқатнинг яроқчилигига таъсир қилган-қилмаганлигини текшириб кўриш зарур. Калорияси-чи? «Нақ уч минг ка-ло-ри-я, — Клакнинг гапларини шу пайтгача жимгина кузатиб турган сержант бизга яқинлашаркан, чертиб-чертиб гапиради. Маълумоти бўйича доришунос бу нью-йорклик қора танли кунларни тун чўккунча, бинобарин, кўрфаз билан ҳамишаликка хайрлашадиган паллагача ҳисоблаб чиқади. У солдатларни тағин шу Эм-Ар-И билан боқадиган Боснияда хизмат қилган: «У пайтдаги хотираларим ушбу аралашмаларнинг бадбўй ҳиди билан қаттиқ боғланган. Биз уни пачкалаб ер эдик. Уйга қайтгач, тортеллини эсладим дегунча кўнглим айнир эди. Ҳалигача бурритога буюртма беришдан ўзимни олиб қочаман. Худди резинага ўхшаб, MRE дан оғизда кучли кекирик қолади ва қоринни дамлатади».

Эҳтимол, «Алфредо соусли паста» Гуантанамода ўз умрини тугатар ва яна ўн йилдан кейин яна қандайдир урушнинг олдинги чизиги томонга йўл олар. Ушанда агар сержант тўғри гапираётган бўлса, албатта, ва бу овқатнинг таъми оғизда узоқ вақтгача сақланиб қолса, солдатлар бинойи умр бир саволни беришлари тайин: бу Альфредо дегани ким ўзи? Клак жилмаяди ва кўз қисиб қўяди: «Уйга қайтгач, улардан биронтаси менинг ҳолвамни ҳам эслаб қолса, ажаб эмас. Яъни *harpy meal* имни...».

«АМЕРИКА»

Ушбу лойиҳа яратувчилари эътиборидан нимадир четда қолганди. Ёки тўғри баҳо беришолмаганди. Маҳбуслар ва қоровуллар оралиғидаги чегара ҳар доим ноаниқ ва беқарор. Бироқ у баҳри муҳитдаги ҳеч ким ўзини уйдагидек ҳис этмайдиган оролда кўзга кўринмай кетганида айниқса беқарор бўлиб қолади. Улар ҳам ва булар ҳам бу ерда сургунда: ҳам эркин, ҳам тутқиндилар. Афғонистонлик Хост каби миннесоталик Фаргонинг тақдири ҳам «Радио ренж» соҳилида худди шундай. «Америка» лагери — назоратчилар қамоқхонаси яшовчиларининг юзларига разм солар ва сўзларини тинглар экансан, буни тушуниб олаверасан, киши. У билан қафаслар оралиғидаги масофа эллик қадам. Бу ерда «Америка душманлари»ни провинциядан келган йигит ва қизлар кўриқлаётганини англайсан. Бир тусдаги фотосувратлари олтмишинчи йиллар откриткаларини безаб турган шаҳарчалардан келишган. Улар сенга унниқиб кетган полороид сувратларини жон-жон деб кўрсатишади, уларни катмонларида ва либосларининг чўнтаклариде сақлайдилар. Бутун оила аъзолари ов милтигининг энг кўринадиган жойига осиб қўйилган юзада бир қатор бўлиб мағрур ва тантанавор саф тортганлар: уларнинг биринчи ўғлонлари 11 сентябр воқеаларидан кейин ўз фуқаролик бурчларини бажара туриб кўнгилилар сафига қўшилган. Бундай сувратларда ҳар доим объективга кулиб қараб турган болакай бўлади, у бир варақ қоғозга рангли қаламда «*Hu Dad*» — «Салом, дада» деб наридан-бери ёзиб қўйишга журъат қилган.

«Америка» лагерида хафақонлик ва фахр ҳукм суради. Шунингдек, чуқур изтироб ҳам — одатда ҳеч нарсани тушунмаган ёки ҳаддан ташқари кўп нарсани тушунган одамда шунақа бўлади. Минглаб солдатлар ўзларининг бўш вақтларини кондиционерлари кечаю кундуз ишлаб турадиган, ёғоч ва маъдандан ишланган саксон уч катта йиғма қурилмаларда ўтказадилар. Темир оёқларда қад кўтариб турган иншоотлар ҳашаротлар ёки ҳаддан ташқари қизиқувчан игуанлар — эчкиэмарлар ичкарига ўрмалаб кириб қолмасликлари учун ердан хиёл баланд қилиб тикланган. Бу иншоотлар *sea huts* — денгиз бараклари деб аталади. Улар тўрт узун-узун перпендикулярни ташкил этади ва ҳудудни кўздан ва «дельта»

лагери шовқинидан анча наридаги база қисмида ҳандасавий тўғри шаклларга бўлиб туради. Бу базадаги тинч ҳаёт кечадиган ягона жой. Интернет-қаҳвахона, телевизорли дам олиш хонаси, «Sea side Galley» — «денгиз эшакли кемаси» деган мағрур жарангловчи ном билан аталган ошхона. Баҳри муҳитнинг шундоқ соҳилида жойлашган тўрт иллюминаторли бостирма.

Лагер нимаси биландир ҳалоқатга учраган кема парчалари чиқариб ташланган соҳилни эслатарди. Эҳтимол, ўзининг секин ҳаракат қилувчи мавжудотлар ҳаётий маромлари ёки бу ерда ҳукм сурган жимжитлик биландир. Ёдгорликлар қўққайиб турган харсангзор — бу кўрфазни тарк этаётганлар ёки соҳилга энди қадам қўяётганлар учун шонли жой. Шакли қандайдир ҳарбий анжом: ўқ, штик, М-льни эслатувчи пастак-пастак тош пирамидалар сочилган, ишлов берилган майдон. Колорадо штати Форт Каркон ҳарбий полициясининг 984-бўлими йигитлари тошлардан ўзларининг тимсолларини — чехраси тунд солдатни ясаганлар. У кўриқчи кўпакнинг газаб билан ириллаб турган ҳолатини эслатади: ўнг қўлида отряд байроғини тутган, чап қўли билан эса: «Hold the Gate — Tenez la port» — «Эшикни ушланг» сўзларини кўрсатиб турибди. Лагерь бошлиғи майор Стив Шот ўз шогирдларининг жўшқин ҳаёлотидан жилмайиб қўяди. «Бу ҳайкаллар, — изоҳлайди у, — фақат дахлдорлик гурури ва туйғуси ифодасигина эмас, балки олти ойлик хизмат мобайнида сиз интилиб келган ва ҳар бир отряд кўрфаздан кетиш олдидан адо этиши керак бўлган нарсадир. Акс ҳолда олти ой ўн иккитага айланиши мумкин. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу бежиз эмас. Мутлақо бежиз эмас... Ҳеч кимга, айниқса, қизларга».

Қизлар лагернинг ўнг қисмида яшашади. Улар баракларининг ташқи қопламаси дурдай оппоқ рангга бўялган, уйлар оралиғидаги шағал йўлкалар унча тўғри бўлмаса-да, кескин акс этади. А — 001 барагидан қаттиқ қичқириб эшитилади. Эшик очилади ва меҳмон марваридгул ҳиди анқиб турган хонага киради. Барак — алюмин қути. Тор йўлакнинг ҳар икки томонидаги деворлар ёқалаб икки қаватли каравотлар саф тортган. Каравотлар оралиғига болалари, ака-укалари, эрларининг фотосувратлари ва болалар чизган расмлар ёпиштириб ташланган кийим жавончалари суқиб қўйилган. Ҳар бир жавончада ҳарбий ўлжа каби дасмол, фен ва пардоз буюмлари сақланади. Тўшаклардан бири устида оқшом эртаклари — «Каникум» фирмасининг столда ўтириб ўйналадиган «The game for your whole brain» — «Бутун миянгизни чиниқтирадиган ўйин» ётибди. Ўйиннинг мақсади — рангли тахта ўртасига чизилган мия — услублаштирилган сиёҳрангни тасвирни қўлга киритиш. Тўрт даста қарта, тўрт ўйинчи учун тўртта соққа. Ўзини тута оладиган, бир қарорга келадиган, мантиқли фикрлайдиган ва артистлик қобилиятига эга одамгина ютади. Саккиз соатлик навбатчиликдан кейин таҳқирланишнинг сўнгсиз манзаралари бутун борлиқини заҳарлаганда миясини эговлашдан халос қилиб ололган одамгина ютади. Чунки аёлларга жуда қийин бўлади. Кўплаб маҳбуслар уларнинг пайдо бўлишига бардош беролмайдилар. Бу икки ёқлама: ҳам диний, ҳам маданий таҳқирланишнинг сийқаси чиққан шакли. Сонларида калтак осилиб турган мовийкўз, малласоч қизлар кишанга солган эркаклик гуруридан асар ҳам қолмайди. Бошқалар учун, аксинча, ҳарбий либосдаги қизлар — бу ҳаёт манбаи. Инсонийликдан бутунлай маҳрум оламда гавҳари шамчироқ. Улар ўз ожизликларини ва худди ана шу аёлларга ўхшаб олисларда қолиб кетган оилаларини соғинганларини намоён қилишдан уялмай ёлборадилар. «Қайси бири ёмонлигини ҳам билмайман, — дейди сержант Жанел Маршалл, — ҳақоратдан фарёд солишми ёки шафқат тилаб аянчли товушда ёлборишларми».

Жанел ўттиз бешга кирган жувон, кўзлари ям-яшил, тишлари садафдай оппоқ, бўғот-бўғот қилиб олинган кулранг сочларида кимёвий гажак аломатлари сақланиб қолган. Иллинойс текисликларидаги уйда уни оиласи ва «Illinois State dental Society»да котибачилик ўрни кутмоқда. Унинг иши — «Дельта» лагери бўйлаб Клакнинг қуйдириб-пиширган овқатлари ортлган зил-замбил аравачаларни судраш. Бундан баттар ҳам бўлиши мумкин эди. «Мен математика фалсафаси — логистика бўлимида хизмат қиламан, бизни Ироққа жўнатишлари керак эди. Ойлаб бундан кейинги тақдиримни кўз олдимга келтириб юрдим. Кейин эса қутилмаганда ўзимни Гуантанамога учадиган самолётда кўрдим. Мана, шу ерданман. Ўшандай сахро. Аммо олдинги чизиқда эмас». Ҳаммасини тўғри

қилганига Жанелнинг ишончи комил. Ўзи учун, ўз оиласи ва «Америка» учун. «Бўлмасам-чи, — давом этади у, — гоҳо миямга ҳар хил фикрлар келади ва бу шунақаманмикан деб ўзимга-ўзим савол бераман...» Шунақамикан — нима у?... Бўпти, кераги йўқ, бу ёғи жуда мураккаб. Кейин, бизнинг юракдаги гапларимизни айтадиган одамимиз бор». Рухий ва ҳиссий ёрдам бўлинмаси — «Stress Unit».

«Америка» лагерида бундай бўлинма борлиги ҳақида ҳамма билади. Дам олиш хонасида, Интернет-қаҳвахона столларида, ошхонада касаллик аломатлари рўйхати ёритилган лавҳачалар осиб қўйилган. Бундай аломатлар пайдо бўлганида қоровулхона ёнгинасида барак эшигини тақиллатиш тавсия этилади.

«Stress Unit» кечаю кундуз ишлайди. Ҳар бир солдат кун ва туннинг ҳар қандай вақтида мутахассис ҳузурига бориши ва тинмай уйку босиши, тунлари алаҳсираб чиқиши, ўзини ёмон сезиши, иштаҳаси йўқлиги ёки, аксинча, ўзини тинмай оч сезиши ва тўсатдан газабга миниши ҳақида сўзлаши мумкин. Бу салбий ҳолат аломатлари. Бу ерда уни Гитмо аломатлари, ёки Гунтанамо синдроми деб аташади. Ким ўзини эплолмаса, уйга қайтади. «Бундайлар камдан-кам, — дейди майор Шот. — Кейин, йигитлар тишини тишига қўйиб юрадилар. Бориға барака, шундай жойда омон қолганимизга шукр деб, тақдирга тан берадилар».

Эҳтимол, улар Интернет-қаҳвахонада худога шукр қилсалар керак: бу ерда олтига компьютер бир-бирига орқама-орқа қилиб қўйилган. Бу ерда ўтириб хат ёзиш ёки дидига ёққан мусиқага сакраб, оёқнинг чигилини ёзиш мумкин — барақлар доим одамлар билан тўла.

Йигитлар кутубхонага киришга ҳам муваффақ бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Уйдаги бор-йўқ жиҳоз икки жуфт ўриндик, бир жуфт алмисоқдан қолган кўҳна диван ва токчалари намликдан шишиб кетган битта ёғоч шкафдан иборат: бир озгина китобу бир нечта кулгили расми альбом. Кимдир, эҳтимол, «Тирик қолганлар клуби»да бир қадаҳ отиб олар, аммо бар ҳар кун ишламайди (лавҳада жадвал кўрсатилган).

Телевизор дам олиш хонасида турибди — худди ошхонага ўхшаб, лагер худудига уни кўрсатиб турувчи белгилар ҳар қадамда учрайди. Экран жудаям маҳобатли кўринади ва томоша танобийсининг шалоғи чиққан ёғоч курсилари ва ўтиргичлари билан бутунлай тескари кўринишга эга. Рухшунос хонаси сингари дам олиш хонаси ҳам кечаю кундуз очиқ. Фақат бу ерда ҳеч кимга ҳеч нарса ҳикоя қилиш мумкин эмас. Баскетбол ёки футбол ўйинларини томоша қилаётиб бу ерда ҳамма нарсани унутиш мумкин. Омад келиб қолса, жилла қурмаганда, мана шунақа хонаки овозлар остида мудраб олиш мумкин. Рожернинг («фақат Виржиниядан келган Рожернинг, илтимос») кўзлари уйқусиз тунлардан шишган ва «ёзилиш учун» телевизор экрани олдида соатлаб ўтирганидан қизариб кетган. У Миллий Гвардияда хизмат қилади ва 2001 йил 11 сентябридан ҳарбий либосда юради. Унинг туғилган кунигача қирқ саккиз соат қолган кундан буён дунё ўзгариб кетди. Базадаги унинг ҳаёти уч қисмга бўлинади: лагер худудини кўриқлаш, овқатни еб олиш ва дам олиш хонасида ҳордиқ чиқариш. «Гапни чўзиб ўтирмайман, ортиқча савол бермайман ва фикр-мушоҳада қилмасдан менга нимани айтишса, шуни қиламан, холос. Жомадонингни йиғиштир дейишса, нарсаларимни апил-тапил тахлайман, жуфтакни ростлайман. Бу иш бошқаларидан ёмон эмас. Заводда ўлиб-кутулиб ишлаган билан баравар. Қафасга кирганда нимани ўйлайманми? Уйни. Яна қанча хизмат муддатим қолганини. Биласанми, шлем ва бронжилет кийиш галим келганида мен бамисоли сув остида сузиш костюмига чирмалиб олаётгандай ҳис қиламан ўзимни. Мен ўзимнинг оламимга тушиб келаман. Аммо чурқ этмайман. Дарвоқе, яна, бу ерда хизмат қилиб, бундан кейин нима иш қилишимни хал этиб қўйдим: яна тубсиз денгиз қаърини ўргана бошлайман...»

«Денгиз эшакли кемаси» денгизга қараган ошхона — бу суйри шаклидаги иншоот, бир жуфт сутдек оппоқ зўлдор ва таажжубки, шаклан у араб меъморчилигини эслатади. У ерда қовурилган гўшт, бозиллаган печкалар, чўчка гўшти ва mashed potatoes¹ ҳидлари анқийди. Dinner² ҳиди келади, демак — бу

¹ Картошка пюре (ингл.).

² Тушлик (ингл.).

уй ҳиди. Бу ерда ҳам Клак хўжайинчилик қилади. Food alley¹га кираверишда баркашлар ғарами турибди. «Бу чинакамига кўнгил тусаган нарсани танлайдиган ягона жой», — ҳазиллашади солдат. Дастёр ямайкаликлар ликобчаларга овқат сузиб чиқишади ва жилмайиб сўрашади: «How are you today?» — «Бугун ишларингиз қалай?» Столлардаги лавҳачалар эса ҳар кунни, ҳеч бўлмаганда шу ерда курашиш зарур бўладиган асосий ганим — холестерин ҳақида эслатиб туради. Яна low fat² — пишлоғини, low fat қовурилган картошкани, low fat чизкейини реклама қиладилар.

Жанубий Каролинанинг Колумбия шаҳридан келган 24 яшар Дэвид Ромлески бошини чайқайди. «Фойдаси йўқ. Мен кун бўйи навбатчиликда тик оёқда туриб семириб кетяпман». Дэвид — миллий дивизиянинг ҳарбий полициячиси. Уйда хотини ва икки фарзанди унинг йўлига кўз тикиб ўтиришибди. Болалари икки ва тўрт яшар. Одатдаги ҳаётда у электр қисмлари ишлаб чиқарадиган заводда ишлайди. Уни блок бошлиғи қилиб тайинлашган.

Ийгирма тўрт қафасли йўлакнинг бошида саккиз соат тик оёқда туради. «Эрталаб бир марталик қўлқопни кияман, либосимга скотч билан исми-шарифимни ёпиштираман, уларни сайрга олиб чиқиш вақти келганда эса, уларга уч нарсани кийдираман...» Уларга? «Ҳа, уларга. Мен уларнинг исми ва таржимаи ҳолларини билмайман. Агар керак бўлса, мен уларни қафасларининг рақами билан чақираман, улар эса менга: «Қоровул» — деб қичқиришади. Улар низомни билишади. Нимани сўраш мумкин-у, нимани мумкин эмаслигини улар жуда яхши билишади. Фавқулудда ҳолларда озгина гапириш мумкинлигини ҳам билишади. Чунки бизларнинг ўртамизда инсоний муносабат юзага келмаслиги керак...

Мичиганлик оддий солдат Лонни Морен суҳбатимизнинг бир четини эшитиб қолди-ю, бир оғизгина гап қотиш учун бетоқат бўла бошлади. Булар ҳаммаси унга жуда бошқача бўлиб кўринса керак-да. Бўлса бордир, чунки ийгирма бир ёшида сурбетлик ҳали унинг қалбини бутунлай банд этиб қўйганича йўқ эди. Ёки бошқа сабабдан, яъни одатдаги ҳаётда у ишлаб турган боғ мебелига ихтисослаштирилган устахонадан «Ал-Қоида» таҳдидчилари ва террорчи-жабрдийдалар бўлакча бўлиб кўринса, эҳтимол. «Маҳбуслар бизга кўп нарсаларни сўзлаб берар эдилар. Мени бу ёққа юборишаётганидан дарак топгач: «Зўр! Мен Америка душманларини кўраман», — деб ўйладим. Уларни тажовузкор, ҳар доим ҳужумга шайланиб туришади, деб ўйлардим, бироқ маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги саводхон одамлар экан. Биласизми, улар инглиз тилида гаплашишади ва биз ҳақимизда ҳамма нарсани билишади. Масалан, бизнинг мусиқамизни. Бир кунни маҳбус мендан Элвис Преслини қўйиб беришимизни илтимос қилди».

Энди майор Шот билан биргаликда лагер ҳудудини тескари йўналишда кесиб ўтамиз. Гўё биз унинг «Америка»сида ҳамма нарсани кўриб бўлдикми ёки йўқми, у менга бирорта одамни кўрсатишни эсидан чиқармадим, шуни эсламоқчи бўлгандек, зобит сукут сақлайди. «Табииyki, машҳур бир одам билан танишмасдан кетмайсиз. Бу бизнинг капитан Йи бўлади. Жеймс Ж.Йи — олти юз эллик маҳбуснинг мураббийи... У сизга мунтазир. Мана кўрасиз, унинг сизга айтадиган гаплари бор».

Йи — қад-қомати келишган, самимий жилмайиб турадиган, дунёвий расмиятчиликдан холи бир зобит. У ўзининг катталиги бошқа бараклардан қолишмайдиган, эшигига қора ярим ой тасвири туширилган хонасида оёқларини чалиштириб ўтирарди. У ўттиз беш ёшда, армиядаги хизматидан ва ўз мансабидан фахрланиши шундоққина кўриниб турибди. Ҳамма учун у Юсуф. «Ҳа, жўнгина Юсуф», — хотини меҳрибонлик билан шундай атайди ва маҳбуслар учун ҳам шуниси қулай. «Арабчада Жеймсга қараганда Юсуф деб аташ осонроқ». У маҳбуслар ўз фикрларини очиқ-ойдин айтадиган лагердаги ягона солдат. Айнан унинг азони билан кунда беш марта улар итоаткорлик билан тиз чўкадилар. Нозик қиррада мувозанатни сақлаш кераклигини Юсуф билади. У — қўмондоннинг кўзи ва қулоғи, маҳбусларнинг оғзи. Маҳбусларнинг

¹ Овқат хиёбони (ингл.).

² Ёғсиз (ингл.).

қоровул билан, насронийни мусулмон билан боғлаб турувчи мўрт занжирнинг бир ҳалқаси. Аммо Юсуф ҳаддан ташқари безовта бўлмайди. Ҳатто аксинча, таъйиқ ва жавобгарлик уни кўпроқ руҳлантирадигандек кўринади.

«Мен ислом ва Шарқни англаб бўлмайдиган бир нарсага айлангириб қўйган қолиплар билан курашаман. Бунақа жойда ҳар қанча қийин бўлмасин, мулоқот учун, сулҳ учун замин тайёрлашга тиришаман... Ўз оға-иниларимга беғуноҳ одамларни ўлдириш ҳар қандай дин учун жиноят эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Қуръон — бу нафрат китоби эмаслигини англашаман». Капитан бошқалар тўғрисида гапирди. Ўзининг диндор тўдаси, кечирган азоб-уқубатлари тўғрисида. Уни ҳарбий либос кийишга ва лагерга келишга мажбур этган сабаблар тўғрисида сўзлайди. Аммо унинг сўзлари замирида кўп миллатли Америкадаги ҳаётга хайрихоҳ бўлишга лойиқ ўз таржимаи ҳоли борасида мушоҳадалар яшириниб ётарди. Келиб чиқиши хитойлик бўлган нью-жерсилик болакай тақдирга хайрихоҳлик. У протестантлик маълумоти олган, сўнг хизмат қилгани Уэст-Пойнт¹ га кетган, ҳарбий ҳаётга бардош қилолмаслигини шу ерда англаб етган. «Академияда мен Куръон билан танишдим ва ҳарбий либосни ечиб ташлашга қадар қолдим. Мен Сурияга, Дамашққа кетдим, фақат у ерда мадрасада диннинг ҳақиқий маъноси ва аҳамиятини тушуна олишимга ишонч ҳосил қилдим. Сўнг Америкага қайтдим ва Куролли кучлар яна мени ўз сафига олди. Мен АҚШ армиясида ўн еттинчи уй руҳонийси бўлдим».

Агар Юсуфдан қизғин қоржом тагида қанақа изтироблар, хоҳишлар ва нафрат яшириниб ётганини сўрсангиз, у жилмаяди ва инкор маъносига бошини чайқайди. «Бу ҳақда сўзлаш — демакки, оға-иниларим ишончини сотиш бўлади, шунингдек ҳамма: ўлдирганлар ҳам, ўзининг беғуноҳлигига иймони комил бўлганлар ҳам баравар ҳақи бўлган хайрихоҳлик ва афвни сотиш бўлади. Улар қафас ичида менга айтиб солган ҳамма нарсани мен ўзим билан тўғрима олиб кетаман. Бу менинг ва бизнинг умумий сиримиз. Энди эса мени маъзур тутгайсиз, боришим керак — намоз вақти яқинлашиб қолди».

Юсуф ўзининг каттакон доирали ва ола-була цифербатли «Swotch» соатига қараб қўяди — шу соат уни ҳарбийларга ҳечам ўхшатмасди, шунингдек шимидаги ҳарбий кўйлагининг чиқиб тургани ҳам. У яна жилмаяди. Кейин ўзи ҳам шубҳа қилмаган ҳолда пайгамбарона лутф қилади: «Ўйлайманки, биз яна, албатта, суҳбатлашамиз. Истасангиз, менинг ҳаётим ҳақида ҳам. Менинг даъватим хусусида ҳам. Мен доим хизматингизга тайёрман. Мени қаердан топишни биласиз...» Ҳа, капитан Юсуфни топиш қийин эмас. Бу вақт муаммоси. Тезкорлик муаммоси.

Оёғи осмондан бўлган ҳаётлар ва дардли қарама-қаршилиқлар муаммоси. Биз капитанни яна тез орада кўрамиз.

ЖИННИЛАР

Қафасларда баъзилар ҳаётлари билан хайр-маъзур қилиб қўя қоладилар. Ҳамишаликка. Ягона эҳтимол тутилган усул — ўзини осий. Тўғрироғи, ўзини осийга уриниш. Йигирма етти маҳбус ўттиз беш марта ўзини осийга уринган.² Бир хиллар бир неча бор уриниб кўрган. Натижа бўлмаган. Бу маълумотлар тугал эмас, вақт ўтиши ва тушкунлик ортиши билан улар ўзгарадилар. Аммо ўзини осий йўли ҳар доим бир хил бўлиб қолаверган.

Маҳбус латгани қафас деворларидан биттасидаги тирқишга тортади, бу ерда тўр шифтнинг хилват цементига ўтган бўлади. Сўнг сиртмоқни боғлайди-да, унга бошини суқади. Гавда ва думба вазни уни пастга тортади. Бироқ гавда тик ҳолича қолаверади: тўғри бурчак остида, тиззалари кўтарилган ҳолда, буни «даҳшатли талвасага тушиб қолиш» ҳам дейдилар. Бунақа шифти паст, тор қафасда дурустроқ осилишнинг иложи йўқ. Одам бирданига ўлолмайди, унинг қўл ва оёқлари туғма рефлекслар таъсирида тартибсиз силкина бошлайди. Жонига суикасд қилганнинг танаси ва юрагида ўчмас излар қолади.

Мен ўзини ўлдиришга ҳаракат қилганлардан бирининг ҳужжатларини ўрганаман, у «Detential Hospital» лазарети лагерининг шарқий томонидаги энг

¹ Уэст-Пойнтда жойлашган Қуруқликдаги қўшинлар ҳарбий академиясининг оғзаки номи.

² 2003 йил кузигача бўлган маълумот.

чекка биносиди парда ортидаги каравотда ётибди. Кондиционерлари бўлган ва лизоформ ҳиди анқиб турган барак поли ялтираб артилган линолеум билан қопланган, деворлар эса туссиз оч яшил ранга бўялган. Хона ҳар бири йигирма койкали қаторларга бўлинган, тўқсон уч тиббиётчи тиш даволайди, қўл-оёқларни кесади, суякларни тўғрилайди ва аксарият эски (ўз вақтида даволанмай, ўтказиб юборганлар) касалликларни, масалан, силни даволайди¹. Менгача лазаретни бориб кўрганлар бир одам ҳақида гапириб беришганди, ўша одамнинг ҳаётини реанимацияда фақат ҳаёт билан таъминловчи усқуналар билан сақлаб турганлар. У жарроҳлик йўли билан ошқозонига уланган найчалар орқали овқатланган. Бу одам чуқур кома ҳолатида бўлган. Унинг ҳушига келишига ҳеч қандай умид йўқдай туюлган. «Ҳозир у яхши. Биз бундан гоят мамнунмиз», — таъкидлайди капитан Келлехер. «У гапира бошлади ва оз-оз қимирляпти. Ҳа, ҳозирча пиёла ушлаб туролмаслиги ўз-ўзидан аён...»

Қафасда бўлгани каби лазаретда ҳам шифокор беморларга исми билан мурожаат қилмайдилар — фақат рақами билан. У ўзини осиб қўйган қафас рақами билан. Тунда уни танаси (бошқа ҳар қандай бемор каби) каравотга занжир билан чандиб қўйилади. Ҳар бир тўшакнинг ўз занжири бор. Ҳар бир занжирнинг ўз қоровули бор, у сўзларни ва унга тақлид қилиш ҳеч кимнинг миясига келмаслик учун жисмоний оғриққа таъсирни эслатовчи қўл ҳаракатларига кўз узмай қараб туради. Тунда ҳам, кундузи ҳам. Ҳеч бир қаторда бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳатто ва айниқса, мияси ҳамшиликка зарарланганларга. Булар: «Ўткирлар» (тўққиз койка), «барқарорлар» (йигирма койка), «тузала бошлаганлар» (тўрт койка), «ажратиб қўйилганлар» (иккита койка), «тузалиб бўлаётганлар» (иккита койка).

Исми билан мурожаат қилиш имкони бўлмаган киши жисмини даволаш шифокор ёки тиббий оғага жуда-жуда қийин бўлса керак. Занжирбанд беморни даволаш. Бемор ҳатто жисмоний оғриқдан азоб чекиб ётганида тасалли ўрнига ўз қафаси рақамини эшитса. «Сиз бунга тўғри деб биласизми? — сўради Келлехер. Менга эса бундай туюлмайди.

Менинг одамларим, эҳтимол, бунақа касалхона юзини кўрмаган кимсаларнинг дардини енгиллаштириш учун ишлайдилар. Атиги шунинг учунки, улар сиёсий тартиб ва қашшоқлик тиббий хизматга умид боғлашга имкон бермайдиган мамлакатларда вояга етганлар, у ерда одамлар бекорга ўлиб кетадилар. Бизнинг исми билан айтмай чақиримиз эса... Биласизларми... Мен, тўғриси, улар учун бу муаммо эканига ишонгим келмайди... Инсоф билан айтганда, ўзим бу тўғрида ҳеч қачон ўйлаб кўрган эмасман, бироқ кейин эсимга тушиб қолади ва улар бу ерга нега келиб қолишди, деб ўйлайман». Ҳатто баданни эмас, бошни даволаш керак бўлган ҳолларда ҳам.

Асабий зўриқиш — бу фақат ўлиш хоҳиши эмас. Шунингдек, маҳбуслар танасини билдирмасдан еб ташлаётган саратон шиши ҳам эмас. Асабий зўриқиш яшаш қобилиятини сусайтиради. Ўз дардига қулоқ солган ҳолда ўз ҳолатига тўғри баҳо беришга йўл қўймайди. Бир неча ой ичида лагер руҳий касаллик врачлари иш ўрни учдан ўттизга кўпайди. Кузатув остида бўлиши лозим бўлган маҳбуслар миқдори эса тўқсонга етган. Уларнинг ҳолатидаги даволаш сир сақланади. «Транквилизаторлар. Энг оддий транквилизаторлар — мужмал қилиб жавоб беришди лазаретдагилар. Бироқ айнан қанақаси ва қандай дозаларда — номаълум. Касаллик тарихи тўғрисида бизда ҳеч қандай маълумот йўқ; маълум тил қийинчиликларидаги врач ва бемор ўртасидаги муносабатда маҳбус билан назоратчи ўртасида бўлгани каби ноаниқ тўсиқ ўрнатилган. Психиатрия бўлими бошлиғи Браин Грэйт дейди: ёмон ҳаётини шароитлар аломатлари — «булар барини мерос каби маҳбусларнинг ўзлари олиб келадилар»; дабдаласи чиққан шахслар миқдори Гуантанамода тобора ортиб бормоқда. «Беморларимиздаги руҳий касалланиш сабабларини лагер ҳаёти тартибидан қидириш керак деб айтишга журъат этмайман. Улар тақдирининг бундан кейинги ноаниқлиги сабаб. Дейлик: мазкур ҳолат албатта, охири ўлим билан туговчи касалликка чалинтиради деб ўйлайман».

Йигирма яшарлик покстонлик Шоҳ Муҳаммад «Дельта» лагерида бир йилдан ортиқроқ бўлди ва тўрт марта жонига суиқасд қилди. «Лагерда ўтказган ҳаётимни

¹ Биринчи ҳол 2002 8-февралда учраган.

эсласам, нафратим қўзиб кетади. Биламан, ўз жонига қасд қилиш Куръон ҳукмларига зид, аммо мен бундай шароитда яшашга асло чидай олмайман. Ўзларининг гуноҳсизлигига иймони комил бўлган кўплаб шерикларим ҳам шундай». Муҳаммадни араблар бўлган блокка ўтказилган. «Мен улар билан бир оғиз ҳам гаплашолмасдим. Қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Биз бир-биримизни тушунмасдик, вассалом. Мен уларнинг тилида гапиролмасдим, улар эса менинг тилимда. Шунда адоий тамом бўла бошладим». Телбалик чоҳига йиқилиш. Йиқилиш ўн бир ой давом этди. Уч юз ўттиз кун икки ёнлама яккаланишда. «То бир куни адёл олиб, уни қафасга боғлаб қўймагунича давом этди бу нарса. Кейин нима бўлганини эслолмайман. Кўзимни очсам, лазаретдаман, укол қилишаётган экан. Бу қанақа дори эканини ҳам билмадим. Охири кўп ҳафталардан кейин зўрга ҳаракатга келдим, гапиролмас ва ўзим овқатлана олмас эди». Муҳаммад соғайганидан кейин уни покистонликлар бўлган блокка кўчиришларини ёлбориб сўраганига қарамай, яна уни араблар бўлган қафасга тиқиб қўйишган. Бу ерда у уч марта жонига қасд қилган. Уч марта уни кутқариб қолишган ва лазаретга олиб келишган. «У ерда улар то озод этилгунимча зўрлаб ҳапдори ичириб туришди».

Бирон-бир одамнинг яшашга ишонч ҳосил қилиши инсон ақл-заковатини руҳий таназулдан сақлаб қолишга қодир, аммо «Дельта» лагерида бундай ишончга эга бўлиш душвор — махфийлик тартиби туфайлидан. Оила билан алоқа қилиш (ҳатто хат орқали) сонсиз расмиятчилик амаллари билан мушкуллаштириб ташланган. Инглиз тилида гапирмайдиганлар ёки уйда ҳеч ким бу тилни тушунмаслигини билганлар юз фоиз ишонаверсинлар: Қизил Хоч муҳри босилган уларнинг очиқ хатлари (откриткалари)ни юборилган жойга жўнатишдан олдин цензура узоқ вақт кунт билан ҳижжалаб ўқийди. Цензура таржимонлари ўқишади. Халқаро афв умумий таърифидан фойдаланган ҳолда «қўшимча зарар» шундан иборатки, тирик одамлар мурдага айланадилар. Чунки оила ҳақидаги хотира фақат қафасда эмас, балки маҳбусдан икки энлик хатни кутишаётган ва кутишга ортиқ тоқатлари қолмаган уйда ўлади, у вақти келиб мурдага айланади.

ЯХШИ ХУЛҚ

Пуштиранг ва оқ. Ёмон ва яхши. Жомакорининг ранги қамоқ қатъийлиги даражасини акс эттиради. Чунки рангига қараб behavior — хулқ тўғрисида ҳукм чиқариш мумкин. Пуштиранг либосни алоқага киришмайдиганлар кийишади. Ёки кийишадилар-у, бироқ у қадар ёқтирмасдан кийишадилар. Оппоқ либосни эса ўз ўтмишидаги доғларни ювишга ва гапиришга жазм этганлар кийишади. Расман ҳисобланишича, оқлар юз йигирмата¹, улар пуштиранглардан икки юз метр нарида яшашади ва уларнинг қафасларидан туриб қичқаришларини эшитишади (қачонлардир бу қафасларда уларнинг ўзлари ётишган). Улар пуштирангларни кўришмайди, аммо «Дельта» лагери ва «тўрт» лагерини ажратиб турган тиконли сим ва нейлон парданинг нариги томонида уларнинг борлигини сезишади. Дўзахга икки қадам, аммо улар ундан қутулиб чиқишга улгуришган... Ёки қарийб улгуришган. Улар у ерга қайтишадими ёки йўқми, бу фақат уларнинг ўзларига боғлиқ. Чунки либос ранги, у билан боғлиқ имтиёз сингари, беқарор нарсалардир.

Майор ван Натта худди саройга таклиф қилгандек, Рағбатлар салтанатига таклиф этади. Лагер меъморчилиги анча юмшоқ, бу ерда тиконли сим ва қафаслар йўқ. Пўлат блоклар ўрнида баланд тўсиқлар билан ажратилган дортуар ларнинг чарм шаклида қўйиб чиқилган узун сафи. Тартибни кузатиш учун лагер ҳудудининг қоқ марказида яккаю ягона кузатув минораси қад кўтарган. Унинг назорати остида, худди сеҳр қилингандек, «пуштиранглар» даҳшатли исканжага олиб турувчи барча қаттиқ чекловлар ғойиб бўлади.

«Тўрт» лагерида яккалаб қўйиш бекор қилинган, маҳбуслар ҳудуд бўйлаб бемалол жойдан-жойга бориб-келиб юраверадилар. Борди-ю, «Дельта»

¹ 2003 йил октябригача бўлган маълумот.

² Умумий ётоқхона.

лагерида эркинларнинг «носоғлом қизиқувчанлиги» ҳукм сургудек бўлса, бу «пуштиранглр»ни денгизни кўришдан маҳрум этиш учун баҳона, холос. Бу ерда эса мана шу қизиқувчанлик яхшигина рағбатлантирилди. «Ҳамма нарсани шошмасдан кўриб чиқишингиз мумкин», — таклиф қилади ван Натта. Бўйсундирилган ва қўлга ўргатилган ҳайвонлари бўлган ҳайвонот боғидаги каби «оқилона қамоққа олиш» ва positive behaviour — яхши хулқ фазилатларини яхшилаб кўриб олиш учун. Бир маҳбус китоб мутолаасига мук тушган, иккинчи маҳбус кўшдан тутувчи бостирма тағидаги ёғоч ўриндиқ узра энгашганча уйига хат ёзаяпти. Бир гуруҳ одам лагер марказидаги тўрттала томондан билан ўралган майдончада бемалол жисмоний машқлар бажармоқда. Қум билан қопланган бир парча ҳақиқий ер — волейбол ўйини майдончаси. Бир нечта маҳбус сояда оёқларини чалиштириб ўтирганча тушлик қилипти. Овқатдан баҳра олиш — яна бир «имтиёз» (эсингиздадир?), бу ерга овқатни ранг-баранг ликопларда олиб келишади.

Ҳар бир маҳбус — оқилоналик намунаси. Ҳар бир маҳбус — Пентагон мутахассислари томонидан муҳрланган ва Мудофаа вазирлиги сайтига жойлаштирилган фотосувратли далил¹. 14-рақамли суврат: «уч нарса»сиз маҳбусни кўриқчилар кўриқлаб боришяпти. 15-рақамли суврат: «оқ» маҳбус жомадонга («оқ»ларга жомадон берилади) маҳбусга рухсат этилган ашёларни жойламоқда: иккита китоб, янги ич кийим, мутлақо яроқли несесер — игна-ипдан тортиб тиш тозалагичгача. 10-рақамли суврат: оқ жомакордаги маҳбуслар лагер девори тўри орасидан кун ботишини томоша қилмоқда. 12-рақамли суврат: «Тўрт» лагерининг дортуари. Ўнта бир кишилик каравот ҳар бири бештадан сафга терилган, қаторлар оралиғи — энг муҳими, эшик билан туталланадиган йўлак. Айнан шу эшикни майор ван Натта ҳозир мени ҳайратга солганидан наша қилганича ланг очиб юборди.

Каравот, ўз вазифасига кўра, бу ерда дам олиш жойи ҳисобланади, девор ўртасига маҳкамланган пўлат токча эмас. Дортуарлардаги деворлар ҳақиқий. Том — қиялама: қуюқ соя жазирамадан ҳимоя қилиб, бинони тўсиб туради.

Тун яна тунлигини қилади, шахсий гигиена ва зарурат учун бориш — ҳар бир одамнинг ўз иши, уни унитаз ва чиганоқни хонанинг қолган қисмидан ажратиб турувчи хира парда билан атрофдагиларнинг кўзидан пана қилиб туради. Кўриқчининг зийрак кўзи қуббадан кузатув усқунаси билан алмаштирилган.

Бу лагерда жон ачиши яхшилаб жазоланади. «Тўрт» лагери қамоққа тушиш ва озод этилиш ўртасида қўналга, рафа бўлиб ҳисобланган («Тўрт» лагерига ўтказиш — бу озодлик сари қўйилган қадамлигини ҳамма билади). Бу «рағбатлантириш» сиёсатининг натижасигина бўлиб қолмай, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Европа жамоатчилиги фикри ва халқаро ташкилотлар таъйиқига мажбуран ён бериш ҳамдир. Бу ягона ён бериш эмаслигини бундан кейин ҳам кўрамыз.

2003 йил апрелида мактаб автобуси «Дельта» лагери даҳмасидан пуштиранг жомакордаги тўртта арвоҳни олиб келди. Ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган тўрт нафар ўсмир. Энди покистонликлар ва саудияликлар блокларидан, тер ва пешоблар бадбўйдан, телбаларнинг қичқириқларидан уларни Киттери-клифенинг бир ярим километрлик оппоқ қоядор соҳили ажратиб турарди. Уларнинг янги уйини «Игуана» лагери деб номлашган. Иккита бир хилдаги бетон уй жарликдан унча узоқ бўлмаган текисланган тошлоқ майдонда қад кўтариб турибди. Пастда қояларга урилган тўлқинларнинг шовқини лагергача етиб келади, тошга урилганда тўлқинлар кўпикланади, мовий, яшил ва кумушранг тусларда товланади. Бу ерда ўсмирлар денгиз «имтиёз»ларидан тўла лаззат олишлари мумкин. Лагер атрофидаги деворга тортилган нейлон парда, худди жалюзига ўхшаб, бир томонидан кўтариб қўйилган. Очiq «ойна»дан жарликнинг чети, шунингдек, шимолда Қариб денгизи, шарқда эса Freedom Heights — Озодлик тепаликлари кўзга ташланади. Уй олдида майсаси қиртишланган унча катта бўлмаган ўтлоқзор ястанган, унда футбол тўпи, бир жуфт кроссовка ва баскетбол қўлқоплари ётарди. Қарийб ҳар бир Америка шаҳарчасидаги ҳар қандай америка хонадонининг backyard — ҳовли орқаси каби.

¹ www.Defenslink.mil.

Ўтлоқзорда игуанлар пайдо бўлади. Улар бу ернинг тез-тез келиб турадиган меҳмонлари, улар овқат қидириб, шундоқ қўшни майдонда жойлашган қўриқхонадан ташриф буюришади, емаклари: масалан, йигитлар ҳар куни тушликка музқаймоқ билан ейдиган бисквит увоқлари. Ўтлоқзорга кириб, ушбу маҳбус йигитчаларнинг ҳарбий тарбиячиси лейтенант Дэйв Водушек жиммаяди. У йигитчаларни уйлардан бирига қамаб қўйган, чунки вояга етмаганлар қамалган жойларга қилинган «ташриф» маҳбуслар мавжудлигида амалга оширилмаслиги керак. Улардан ҳеч ким гаплаша олмаслиги ёки бошидан ўтганларни қичқариб айтиб юбормаслиги учун. Ҳозир менга, ўзгалар ҳаётининг камгап ўгрисига, шу уйлардан бирини кўрсатишади. Бақувват кондиционерлар билан жиҳозланган тахминан йигирма квадрат метрли икки хонали хонадон. Биринчи хона — пастак мебелли меҳмонхона, тўртта оромкурси ва стол. Столда кулгили сувратли журналнинг бир неча сони, нархи тўққиз доллар олтмиш беш цент турадиган «беш ва ундан катта ёшдаги» болалар учун столда ўйналадиган ўйин, дисней видеотасмалари, шахмат, англиз тили ва математика дарсликлари ётарди. Катта музлатгич ёнидаги бурчакда ошхона. Деворлари яланг ётоқ хонасида учта каравот бор, эшик йўқ. Ҳожатхона — мўъжазгина хонада, душ ҳам ўша ерда, парда билан тўсиб қўйилган. Полдаги линеолум қандайдир галати кўринади. Мана шу уйда ҳар бир хонанинг бутун узунаси бўйлаб сариқ скотч билан, гарчи оралиқда деворлар бўлмаса-да, хоналарни бир-бирдан ажратиб турувчи чегарада белгилаб қўйилган.

Бамисоли кўринмас деворлардек, полдаги чизиклар меҳмонхона ва ошхонани ажратиб турарди. Меҳмонхона ва ётоқхона. Ётоқхона ва ваннани. Нима учун? «Қоидага риоя қилиш учун», — изоҳ беради Водушек. Машғулотлар чоғида ошхонага кириш мумкин эмас. Дам олиш вақтида — телевизор кўриш ёки овқат ейиш. Кимдир ҳожатхонага бормоқчи бўлса, бошқалар меҳмонхонада кутиб туради. «Игуана» лагери — ҳаддан ташқари кичкина ва маҳбуслар қоидаларни унутмасликлари учун худди ўйинга ўргатилган кучукча ва мушукчаларга ўхшаб, ажратувчи чизиклар ўйлаб чиқарилган.

Водушеكنинг айтишича, йигитчалар қоидаларни тез эсда сақлаб қолишган. Улар уй остонасида ҳарбий одам пайдо бўлганда сапчиб ўринларидан турадилар ва сафга тизилиб, ғоз турадилар. Яна унинг айтишича, лазаретдаги психиатр гуруҳли муолажа ўтказиш учун бу ерга келганда, болалар «жуда қувнаб» кетишади. Бу узоқ муолажа якунлари маҳбусларнинг шахсий ишларида қайд этилади. Мазкур қоидалар нега кераклигини тушуниш қийин: қўлларида қурол ва юракларида нафрат билан ўсган митти маҳбусларнинг болалар жароҳатини аниқлаш ва даволаш учунми ёки бошқа йўллар билан, масалан, сўроқ учун болаларни ҳам олиб киришадиган камераларда олиш қийин бўлган маълумот ва хотираларни улардан билиб олиш учун.

Ёш маҳбуслар ҳақида «ғамхўрлик»да, уларни ўқиш ва спортга жалб қилишда нокерак шафқатсизлик сезилади» — уларнинг бу ерда ноқонуний сақлаб турилганини эсдан чиқариш керак эмас. Бола ҳуқуқи тўғрисидаги тўқсон икки мамлакатда ратификация қилинган, аммо Қўшма Штатларда фақат ратификацияга тавсия этилган халқаро конвенция қамоққа олишга фавқулодда чора белгилайди ва уни «ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдам олишга зудлик билан эга бўлиш ҳуқуқи билан, шунингдек, суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида озодликдан маҳрум бўлишнинг қонунийлиги борасида баҳслашиш ҳуқуқи билан имкони борича қисқа вақт» сифатида чеклайди. Игуанлар ўтлаб юрган ўтлоқзорда ёш лейтенант Водушек билан бундай масалаларни муҳокама қилиш мутлақо фойдасиз. «Мен бундай нарсалар ҳақида мушоҳада юритиш ваколатига эга эмасман», — кескин оҳангда қайтариб ташлайди у. Қайсидир маънода у ҳақ ҳам: унинг учун буни бошқалар қилиб бўлишган. Пентагон амалдорлари «Игуан» лагерининг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида ошқора гапирдилар. Ҳарбий қароргоҳ бошлиги генерал Ричард Маера 2003 йил 25 апрелда спортга ўхшатишдан фойдаланган ҳолда ўта самимият билан бу масала бўйича давлат ҳукумати фикрини эълон қилди. «Ёш бўлишларига қарамай бу одамлар ҳаддан ташқари хавфлидир. Улар ҳали ўсмирлар, бироқ мактаб клубида ўйнамайдилар... Балки биринчи лиганинг ҳақиқий устамонлари орасида, террорчилар жамоасида ўйнайдилар».

Умар Хадр бундай жамоада ҳақиқатан ҳам ўйнаган. Ҳозир у ўз ўртоқлари билан қўшни хонада ўтирибди. Уни менинг ташрифим вақтига лейтенант Водушек шу ерга қамаб қўйган. У ҳақдаги менинг саволим унинг қулоғига чалинган бўлса, ажаб эмас. Лейтенант лўнда қилиб жавоб беради: «Биз алоҳида маҳбуслар ҳақида маълумот ёзиш ҳуқуқига эга эмасмиз». Умар ўн олти ёшда. Маҳбус болалар ичида исми, шахси ва келиб чиқишидан маҳрум этилмаган у яғонаси. Унинг учун туғилишига кўра фуқароси ҳисобланган Канада жонини жабборга бериб курашмоқда. Умар учун қилинган фуқаролик ҳаракати Канада ва Қўшма Штатлар ўртасида сиёсий ихтилофлар боиси бўлиб қолган.

Барча бошқалар каби Умар узоқ вақтгача пуштиранг арвоҳ бўлиб қолди. Қўшма Штатлар ҳукумати Канада ҳукуматининг оддийгина сўровини эътиборсиз қолдирди: боланинг шахсини тасдиқлаш. Уни энди яширишнинг ҳеч қандай иложи қолмагунча ва унинг тарихи юзага қалқиб чиқмагунча. Ҳаммаси 2002 йил ёзида, Афғонистондаги Хост шаҳри яқинида бўлган қонли жанг вақтидан бошланди. Ўшанда Умар энди ўн бешга қадам қўйганди. Унинг отаси муҳандис Саид (Мисрда туғилган, олтмишинчи йилларда эса Канадада муҳожир бўлган) болаларини, Умар ва акиси (21 ёш) Абдурахмонни Афғонистонга олиб келди. Бу ерда ота ва болалар толиблар жиҳоди сафига қўшилдилар. Улар қўнган маҳаллага америка қўшинлари ердан ва ҳаводан ҳужумлар қила бошлади. Умар вайрон бўлган бинога яширинишга уринди, бироқ уни патруллар гуруҳи топиб олди ва шунда ҳимояланган ҳолда у америка солдатларига ўзида қолган сўнги қурол — қўл гранатасини иргитди. Граната парчалари 28 яшар биринчи тоифа сержанти Жеймс Стага тегди ва у тил тортмай ўлди. Умарни портлаш тўлқини учириб юборди, у сонидан яраланди. Уни тутиб олишди ва Баграмдаги ҳарбий базага олиб боришди, у ерда бир неча ой бўлди. Сўроқларда Умардан отаси Саид ҳақида маълумотлар олишга уриниб кўришди. Базадагиларнинг тахмин қилишларича, 1996 йилда Миср элчихонасига террорчилик ҳужуми уюштиришга дахлдорликда айблови билан Покистон полицияси томонидан ҳибсга олинган ва ўшандаёқ озодликка чиқариб юборилган Саид Афғонистондаги «Ал-Қоида» армиясининг қолдиқларини ортидан эргаштиришга қодир олам эди.

Отаси ҳақида Умар ҳеч нарса билмайди. У уни Хостдаги жанг вақтида кўздан йўқотган эди. Аммо бу жавоб ҳеч кимни қониқтирмасди ва Умар Гуантанамо базасига бир ёқлама чипта олди, бу ерга 2002 йилнинг охирида етиб келди. Уни акиси Абдул билан битта блокка қўйишди, акиси ҳам Хостда қўлга олинган эди. Бироқ бу ҳақда Умарга ҳеч нарса маълум эмасди. Бироқ Абдул аввалига укасининг қаерда тургани ҳақида маълумот олишга, кейин эса бу ҳақда Канадада қолган бувисига хатда хабар қилишга муваффақ бўлади. У хатда Умарнинг аҳволи ёмонлигини, қафасда яраларидан қон сизиб, ириётганини ёзади. Ўзи ҳам тушкунликдан ақлдан озай дерди: укаси қўл узатса етгулик жойда, атиги бир неча одим нарида бўлса-ю, уни бағрига босиб, таскин-тасалли беролмаса. У ўзини касалга солиб, лазарет йўлида укасининг дийдорини бирров кўришга ҳаракат қилишга ваъда беради. Улар қачон бўлса ҳам яна бир-бирларини бағирларига боса олишадими, йўқми, ҳеч ким билмасди. Табиийки, Абдул яна қариндош-уруғларига ўн олтинчи ёшини қафасда кутиб олган укаси Умарни бирров кўролмаслигини ва онилоз туфайли елкасини қимирлата олмаслигини ҳам хабар қилганди.

2003 йил ёзида Умар балоғат ёшига етади, лагер қоидаларига кўра, бу ўн саккиз эмас, балки ўн етти ёшда содир бўлади. Эҳтимол, гарчи бизда бунга ҳеч қандай исбот бўлмаса-да, маҳбусларнинг ёши лабларидаги муртига қараб эмас, балки рад этиб бўлмайдиган анкета маълумотларига қараб белгиланади. Борди-ю, Канада ҳукумати уни озод эта олмаса, келаси йил Умар даҳмага, «пуштиранг»лар ҳузурига қайтади, ҳолбуки уни ҳимоячилари катта қийинчилик билан у ердан чиқариб олишганди. Ёки, агар гапиришни хоҳлаб қолса, аърофдаги «оқ»лар ҳузурига йўл олади. Нима бўлганда ҳам у энди болага айланмайди. Балки яна enemy batant — ашаддий душманга айланади.

АШАДДИЙ ДУШМАНЛАР

2002 йил декабрида ҳарбий манбалар ва асир-арвоҳларнинг кўрсатмаларига таяниб, «Вашингтон пост» ёзган эдики, Баграм базасида МРБ сўроқ олиб боришнинг ғайриодатий усулларида фойдаланилмоқда. Жисмоний ва руҳий қийноқлар қуроллари хилма-хил: маҳбусларни бир неча соатлаб тиз чўкиб туришга мажбур қилишади, бошларига қора буюк суртилган пайвандчи қалпоғини кийдириб қўядилар, уларни электр чироғи билан қийнаб, асаб тизимларини ишдан чиқаришга ҳаракат қиладилар. Пентагон ва Оқ уй рўзноманинг барча айбловларини қатъиян рад этади, аммо айнан 2002 йил декабрида Баграмда номаълум ҳолатларда икки нафар маҳбус ўлади. Афғонлар Диловар (22 ёш) ва Мулло Ҳабибулло (30 ёш)нинг баданларида зўравонлик натижасида олинган оғир жароҳат излари кўриниб турган. Экспертизанинг ҳарбийлар томонидан 2003 йил мартида тақдим этилган ашёларида ёзиб қўйилган: улар зўравонлик туфайлидан ўлганлар: бу Вермонт штабидан сенатор — демократ Патрик Ж.Лихини ҳарбийлардан маҳбусларнинг ўлими ҳолатлари ҳақида ҳисобот талаб қилишга мажбур этди. Ўша вақтнинг ўзиде «Нью-Йорк таймс» шу терговга бағишланган мақоласида таъкидлайдики, Баграмда маҳбусларни куч ишлатиб таҳқирлаш оддий ҳолга айланиб қолган. Рўзнома ёзадикки, маҳбусларни музли хоналарга қип-яланғоч қилиб қамаб қўядилар, занжир билан қўлларидан шифтга осадилар ва бўйинларига пўлат ҳалқалар кийдирадилар. 2003 йил 25 июнда Мудофаа вазири оқловчиси генерал Уильям Ж.Хайнс бундай дейди: «Тергов ҳали тўхтагани йўқ».

Генерал Миллернинг¹ қадди таранг тортади: «Баграмда содир бўлаётган ишларга менинг алоқам йўқ. Бироқ мен қатъий қилиб айтаманки, маҳбуслардан кўрсатмалар ундириш учун Гуантанамода куч ишлатилмайди. У ерда нима бўлишидан қатъи назар, ҳар доим нимагадир бегуноҳларни озодликка чиқариб юбораётганимизни унутишади». Бундайи ҳақиқатан ҳам бўлган эди: 2002 йилнинг 5 апрели ва 27 октябрида, 2003 йилнинг 21 март ва 14 майи ва ноябрида 88 маҳбус қўйиб юборилган.² Бошқаларни ҳам озод қилишади. Кам деганда яна 140 маҳбус — 2004 йил январигача, башартики Пентагон 2003 йил декабрида зиммасига олган мажбуриятни бажарса. Аммо қандай асосда озодликка чиқариб юборишади?

Агарки қўлга олинганнинг «ахборот жиҳатидан фойдасизлиги» аниқланган бўлса. Ёки борди-ю, Вашингтонга шундайи манфаатли бўлса: анча узоқ муддатли қамоқ бошқа давлатларга, керак бўлса иттифоқдошларга ҳам нисбатан кескинликка айланиб кетиши мумкин — гоҳо шундай бўладики, маҳбусларнинг чўнтагида айнан уларнинг паспортлари ётган бўлади. Агар далилларга синчковлик билан назар солинса ёки генерал Миллернинг сўзларига қулоқ тутилса, булар ҳаммаси кундай равшан бўлади: «Менинг тафсилотларга берилиб кетишга ҳақим йўқ, аммо айта оламанки, озод бўлиш учун учта шартни бажариш зарур. Маҳбус шаҳс сифатида энди бошқа таҳдид қилмаслиги керак. У террорчилик ташкилотлари билан барча алоқа ва муносабатларни узиш мажбуриятини олади. У бизнинг ахборот манбаимиз бўлиб қолади». Мана, ниҳоят, асосий сўз — манба. Ҳибсдан сўнг кўп ойлар ёки йиллар сўнгида ахборот манбаи бўлиб қолиш мумкинлигини тасаввур этиш қийин кишига. Ер юзининг нариги чеккасида қафасда ҳаёт кечирувчи одам қандай маълумотларга эга бўлиши мумкин? Кўпинча вақт ўтганини сезмаган бўлса. Агар у ортда қолдирган ҳамма нарса бор ёки йўқлигини билмаса, уларнинг келажакдаги режалари ҳақида ҳикоя қилишга, улар яширинган жойни кўрсатишга, террорчилар раҳбарларининг исмларини айтиб беришга киши наҳотки қодир бўлса? Маълумотлар, барчага маълумки, тез эскирадиган нарса. Улар долзарблигини тез йўқотади, чунки янгиларнинг умри қисқа бўлади. Генерал Миллер кўпда ўзи бунга иқдор. Бу банд шубҳали эканини у тушунади ва шу боис дангал жавоб беришдан бўйин товлайди: «Саволингиз бежиз эмаслигига иқдорман. Бироқ маълумотларнинг хиллари кўп: тактик маълумотлар, тезкор маълумотлар

¹ Генерал Жеффри Миллер — Гуантанамода Тезкор гуруҳнинг бош кўмондони.

² 2003 йил кузигача бўлган маълумот.

ва стратегик маълумотлар. Тактик маълумотлар бир лаҳзадаёқ эскиради, қолганлари ўз ахборотлик қийматини тўла сақлаб қолади. Шу боис «Дельта» маҳбуслари энг муҳим манба бўлиб қолаверади». Генерал ҳам, Пентагон ҳам тескари нарсани исботлаш анча мураккаблигини жуда яхши тушунишади. Сўроқлар вақтида маҳбуслардан олинган маълумотлар суд ажримлари мавзуси ҳисобланмайди. Бунда эртами, кечми уларни *discover*¹, демакки, текшириш ҳам кутади. Улар каблограммалар² шарҳлаб берилган қоғоз varaқларидан иборатдир. Манба ҳар доим махфий ҳолда қолдирилгани боис кўрсатмалар тагида имзолар йўқ. Каблограммалар бир ахборот агентлигидан бошқасига кўчиб юради, унинг фойдасиз парчаларини эса альянс мамлакатлари ўзаро баҳам кўрадилар. Мазкур маълумотларнинг аҳамиятини баҳолаш учун бу ҳаддан ташқари камлик қилади. Уларнинг фойдалилигини текширишнинг эса ҳечам имкони йўқ.

Генерал Миллер менга ажратган вақти тугайди. Меҳмонни эшиккача кузатиб қўйиш учун у столдан туради. Йўл-йўлакай охириги икки саволга шоша-пиша жавоб қилади: «Маҳбусларни Гуантанамода суд қилишадими?» — «Атрофдагилардан сўраб кўрайлик-чи... Менда расмий ахборот йўқ».

Унда нима учун айнан шу ерда, оролда, ўлимга маҳкумлар камераси қуришга киришилаётгани ҳақида миш-мишлар кенг тарқалмоқда? Кимни сиртмоққа тортиш лозимлигини ҳал этишга ваколатли суд бўлмаса, дор нимага керак? «Ўлим жазоси учун хона тайёрлаш ҳақида буйруқ олганим йўқ мен. Борди-ю, шундай буйруқ келса, биз тайёр тураимиз. Нима бўлганда ҳам, сиздан илтимос қиламан, суд ҳақида менга саволлар беришни бас қилсангиз. Мен судья ҳам эмасман, оқловчи ҳам эмас. Мен бор-йўғи солдатман».

ШУБҲАЛАР

Кеч соат еттида «Жерк-хаус» скамейкаларида бир қадар жонланиш сезиларди. Бу кўрфаз соҳилидаги Винвард томонга кетаверишдаги ямайка фаст-фуди. Унинг сояси ва акс-садоси мижозларни босиб кетмаслиги учун пўлат даҳмадан анча узоқда жойлашган. Солдатлар ва зобитлар оломони бу ерда бошпана қидириб топишлари учун анча яқин. Очиқ ҳавода учта катта-катта оқ пластикдан қилинган думалоқ стол турибди, унинг устида пиво банкалари, очофатлик билан гажиб-мужиб ташланган маккажўхори сўталарининг ифлос қолдиқлари, *take-away*³нинг боғламлари ётарди: товук гўштли гуруч, чўчқа гўштли гуруч, сабзавотли гуруч. Айтишларича, булар жуда ҳам мазали эмиш. Фақат бир навини бошқасидан ажратиш қийинга ўхшайди. Қалампир ва зирavorлар мўл қилиб солинган емак оғизни куйдирармиш. Шунда ичиш осонроқ бўлармиш.

Полковник Жонсон Барри кўпчиган ошхона дарчасидан бутун кечга оз-оздан «комбо» бўлишини айтиб қичқиради. «Чакки эмас, бу матоҳ билан мен яна бирон нарсани тортарман. Яна бир неча ойдан кейин янгилар билан алмашаман, шунда Нью-Йоркка ўқишга кетаман...» — «Бу матоҳ «комбо»ми ёки Гуантанамоми?» Жонсон жилмаяди, унинг кўзлари қаттиқ қисилади. Саводли зобит, яхши тарбия кўрган ва шамаларни тушунишда, ноқулай саволларни осон бартараф этишда ёки уларга керакли тарзда жавоб қайтаришда устаси фаранг. Полковник Жонсон — маҳаллий кўмондоннинг жарчиси. Армия ёлғиз пиёда аскарлар билан урушда ютиб бўлмаслигини, уруш ҳақида ҳикоя қилишни удалайдиган ва қотириб ҳикоя қиладиган одам кераклигини англаганда, у окопни тарк этган. Жонсон Болқонда бўлган, Италияни яхши билади, мутолаани севади. Кўп мутолаа қилади ҳам. Мана, неча ойдирки, унинг тонги Интернетдаги матбуотни кўриб чиқишдан бошланади. «Маълумки, у ерда қаттиқ ва мураккаб амалий ўйин ўйнамоқдалар. Кўрамиз, булар бари нима билан тугаркин. Айни вақтда, илгари «X-ray»да бўлганидек чет эллик журналистлар олдида «Дельта» лагери эшикларини ланг очиб қўйиб, тўғри қилдик, деб ҳисоблайман. Бекинмачоқ ўйнаш хосиятли бўлмайди. Сиз бемалоғ ҳамма нарсани кузатишингиз мумкин. Мақолаларингизни ёзаверинг ва муҳомамага кўяверинг. Бу демократия йўқ дейдиганларга бопта жавоб бўлишига аминман...»

¹ Бу ерда: ошкор этилган (*ингл.*).

² Сувошти кемасидан берилган маълумот.

³ Олиб кетиладиган эмиш (*ингл.*).

Тўғри, матбуот эркинлиги бу ерда чикора. Буни Жонсон ҳам билади. Равшанки, айнан шунинг учун у совиб қолган совоси билан кўпда иш тутмаётир. «Мана бу Учинчи Женева конвенцияси ҳангомасини олайлик... Маҳбусларимиз қандайдир миллатни ҳимоя қилишяптими? Улар ҳарбий либос кийишяптими? Уларнинг душманлари ким? Фақат америка кўшинлари ёки барча-барча америкаликларми, бизнинг оилаларимиз ва болаларимизми? Йўқ, бу одатдаги уруш эмас. Бу бошқа уруш. Душманларимиз ҳам одатдаги душманлар эмас. Биз бу ерда уларга ёмон муомалада бўлаяпмизми? Улар-чи, қўлларига тушган америкаликларга қанақа муомала қилишади? Сиз ҳеч уларга шундай саволлар бериб кўрганмисиз? Асир тушган ватандошларимизга овқат беришадими, йўқми, ибодат учун Библия беришадими, йўқми, руҳонийнинг уларни руҳан қўллаб-қувватлашларини сўраганмисиз? Қаёқда! Улар бизни ёмон кўрадилар».

Лейтенант Мосс столнинг нариги чеккасида ўтирар ва нафасини ичига ютиб тинглар эди. Ҳар гал гап қайтармоқчи бўлиб чоғланганида гуруч тўла қошиқни оғзига олиб борар эди. Охири у сўз қотади: «Тўппа-тўғри, нацизмни эсланг! Нацистлар ҳам концентрацион лагерда сақлар эдилар, улар устидан суд жараёнлари олиб бордилар, хўш, борди-ю, Гуантанамо — бу замонавий Нюрнберг бўлса-чи? Ҳеч ким Нюрнберг судига қаршилик қилмаганди. У бўлиб ўтганди ҳам. Биз Ёвуликдан халос бўлгандик. Бу бизнинг ҳаммамизга сабоқ бўлган эди, шундай эмасми?» Жонсон энди бутунлай совиб қолган совосига тикилганча Мосснинг гапларига кулоқ солиб ўтирарди ва овқатни ёқтирмагандай тамшаниб кўярди. У овқатни нари сурди. «Мен ҳуқуқшунос эмас, балки солдатман. Сиёсат ва ҳуқуқ билан менинг ишим йўқ. Аммо ишончим комилки, озодлик ва озодликни ҳимоя қилиш ўртасида мувозанат шу жойда қарор топган». Буни тўғри деб фараз қилайлик, аммо бундай мувозанат қанча вақтгача барқарор бўлади? «Мутлақ мувозанат» яна қанча вақт замонамиз аломати бўлиб қолади? Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан Мосс жавоб беради: «Токи бу уруш давом этгунча. Ҳар доим деган сўз нимани англатиши мумкин?..»

Нацизм. Ёвулик. Уруш. Нафрат. Террор. Булар барчаси — бош уни англашга қодир бўлгунга қадар инсон қурсоғида юзага келадиган қўрқув иллатларидир. Бугун кечкурун «Жерк-хаус»даги дастурхон устида мен суҳбатдошларимда шубҳа сояларини илғашга ҳам муваффақ бўлдим. Эҳтимол, бу шубҳанинг йўқлиги сабабидандир. Ёки уни ифода этишнинг иложи йўқлиги сабабидандир. Жуда бўлмаганда шу ерда ва ҳозир «Дельта» лагеридан унча узоқ бўлмаган жойда.

Барибир шубҳа мавжуд ва у қўрқув қобиғи остида ўзига йўл солмоқда. Ва кутилмаганда сиёсий мубоҳасалардан олис, аммо либос кийганлар онги қисман шаклланаётган жойда ўзининг мавжудлигини билдириб кўяпти. Масалан, Виржиния штатидаги Шарлотсвил шаҳарчасида АҚШ ҳарбий адвокатурасининг одатда ҳарбий судларда кимлар, қандай оқловчилару судьялар мажлис қураётганларини жуда яхши билишадиган кабинетларда билдириб кўяпти. Шарлотсвил АҚШ ҳарбий адвокатураси бундай ишни адо этаётганлари учун ойлик «The Army Lawyer» журналинини чиқаради. Мақолалар дадил памфлет усулида ёзилган, фикрлар яхши асосланган, бироқ ҳатто ҳеч қачон жавобгарликка тортилмаган ва суд биносига қадам изи қилмаган фуқароларнинг ҳам миясига етиб бориши учун хийла содда баён этилган. Мақолаларнинг муаллифлари Оқ уй ва Мудофаа вазирлиги айнан Гуантанамода ишга тушириб юборган машинадан жуда ташвишдалар. Соҳил муҳофазасининг истеъфодаги зобити капитан Кевин Ж.Барри (у ҳарбий судларда узоқ йиллар ишлаган) терроризм билан Уруш шароитларида америка ҳарбий судининг янги жорий этилган амалиётидан салобат ниқобини сидириб ташлаб, муаммо илдизини топди: «Ҳозирги вақтда ҳарбий судларда устуворлик қилаётган тамойил ва қоидаларни қойилмақом тарзда акс эттириб турган жиддий ўзгаришлардан ташқари бу суд ишлари америка суд тизимини намоён этиб турувчи адолатли иш кўриш андозасига мос келмайди. Тез орада Кўшма Штатлар жиноий судда енгилмас адолатнинг кафолатлари сифатида жаҳон миқёсида узоқ вақт давомида эгалик қилиб келган ахлоқий устунликни бой беражак».

Капитан Баррининг мулоҳазаларида одоб меъёрлари ва касб масалалари сиртмоққа солиб қўйилган, бу эса янги қоидаларни ўйлаб топган ва қарор

топдирганларнинг заиф баҳоналарини бир пулга чиқарган. Ҳарбий ҳайъатлар, дейди у, ҳарбий суд маданиятида эллик йил орқага қўйилган қадам, улар исботларни олиш ва баҳолашни бошқариб турувчи ҳуқуқий меъёрларни беҳаёларча ўзларига мослайдилар, ҳуқуқий давлатнинг одоб тамойилларидан четланадилар, ҳимояни бош айбловчиларга тобе ва қулай, охир-оқибатда эса уларни, айбловчиларни тайинлаган ва ҳузурда ҳисобот беришга мажбур бўладиган ижрочи ҳокимият ролига келтириб қўяди.

Гап биргина нутқ ҳақида эмас, балки қайсидир маънода кенг тарқалган урф ҳақида кетаётир ва Баррининг полковник Борчдан олган жавоби бунга яққол далилдир. Ўз муҳолифига ўхшаб, полковник Борч унинг оммавий чиқишларига дахлдор ҳамма нарсани жуда нозиктаъблик билан ҳис этади ва ҳар бир сўзига ўттиз икки нарх қўйиб гапиришга ўрганган. Журнал саволларига жавоб қайтарар экан, Гуантанамо маҳбуслари ишлари бўйича бош давлат айбловчиси, полковник ўзининг ўша журнал саҳифаларида ҳам жавоб қайтариш ҳуқуқидан ўта расмийларча фойдаланиш ҳуқуқини бой бермади, унинг бевосита иштирокида ва ўзи уни ҳимоя қилиши керак бўлган суд ишларининг фалсафаси ва асосий тамойилларини баён қилиб берди. «Гуантанамодаги суд ишлари full and fair¹ ҳисобланади, — деб ёзади Борч, — ҳимояга қўйилган чекловлар адолатли суднинг самарали ижро этилишини қийинлаштиради, жиддий асослар билан мустақамланмаган. Аксинча, бу чекловлар қанчалик оқилона бўлса, шунчалик зарурий ҳамдир (ҳайъатлар иши уруш вақтида ўтаётганини ҳисобга олганда) ва ҳеч қанақасига синчковлик билан суд ишларини олиб боришга халақит бера олмайди. Бундан ташқари, капитан Барри суд иштирокчиларининг ахлоқий сифатларини ҳисобга олмайди. Улар кимлар, нима билан шугулланадилар, улар зиммасига юклатилган мажбуриятни нечоғли масъулият билан адо этадилар. На америка, на хорижий, на ҳарбий, на фуқаро — ҳеч бир суд бу суд жараёнларига жалб этилган одамларга эътибор қилмаслиги мумкин эмас. Ҳарбий ҳайъатларда зобитлар, тажрибали судьялар ва адвокатлар мажлис қиладилар, ўзларининг иштирокчлари билан суд ишларининг full and fairгини кафолатлайдилар. Бошқасида эса кўпроқ fair бўлар эди, башартики ҳайъатларнинг танқидчилари — капитан Барри ва маслақдошлари — суд жараёнлари натижаларидан ўз норозиликларини ифода этишда таҳаммул қилсалар.

Ишончим комилки, бу жараёнлар full and fair бўлади ва улар билан америкаликлар фахрлана оладилар».

Агар капитан Барри ва унинг нуқтаи назарига ҳамдардлик билдирувчи армиянинг бир қисми сўнгги сўзни айтиш уларнинг зиммасида қолиши кераклигини бир ёқлик қилмаса, ҳамма нарса мана шу жойда ниҳоясига етиши мумкин эди. Яна журнал саҳифаларида айтилади: «Муаммо суд жараёнига таъбир билан зобитларнинг суд ишларини full and fair қилишга бўлган қаҳрамонона интилишларидан иборат эмас. Муаммо, астойдил айтган, амалларнинг ўзида, полковник Борчнинг бу амалларни ҳимоя этиши тасодифий эмас, у асосли фикрлар сифатида бу амалларни қўллаб-қувватлаш учун Маъмурият тарқатган баёнотлардангина фойдаланади. Энди ўз гўдагини ҳимоя қилиш учун Маъмурият хийла кўпроқ нарсалар қилиши керак бўлади. У жиддий ўзгаришлар киритиши керак. Борди-ю, бундай бўлмаса, унда иштирокчиларнинг саъй-ҳаракатларию яхши ниятларига қарамай, ҳайъатлар на бизда ва на хорижда fair сифатида эътироф этилмайди. Биз — ҳуқуқий давлатгиз ва Терроризм билан уруш мақсадларидан бири — нафақат иттифоқдошларнинг, балки ганимларнинг ҳам қалби ва онгини забт этишдир. Агар ҳеч нарса ўзгармаса, биз ҳатто дўстларни йўқотамиз... Бундан ташқари эса — қўшимча қилиб айтиш жоиз — ўзларига чурқ этмайдиган статистлар вазифаси ажратилган томошада иштирок этишда бош тортишга қарор қилган ҳарбий оқловчиларнинг бир қисмини ҳам йўқотамиз».

¹ Тўлақонли ва ҳаққоний (*ингл.*)

² 2003 йил баҳорида аввалига ҳарбий ҳайъатнинг юз-кўзича Гуантанамо маҳбуслари ҳимоясида иштирок этиш учун ходимлар танлаш ҳақидаги қўмондон даъватига лаббай деб жавоб берган баъзи ҳарбий оқловчилар улар мақоми ва мажбуриятларини белгиладиган ҳуқуқий меъёрлар борасида шубҳалар билдириб, тайинланишдан воз кечадилар. The Guardian, 3.12.2003.

ИНТИҚОМ

Ҳаммаси жуда тез рўй беради, 2003 йил 10 сентябрь, чоршанба. Гуантанамодан келаётган амалиёт тайёраси Флорида штатидаги Жексонфил тайёрагоҳининг қўниш майдонига эниб тушади. Тайёра ичида таътил олган эркаклар ва аёллар бор. Филдиракли зинапоядан учувчи бўлмасига ҳарбий полиция ва разведка зобитлари тез кўтарилишади. «Дельта» лагери мусулмон мулласи, йўловчи Йи, капитан Жеймс Ж.Йини тайёранинг бурун қисмига қақришади. Бу расмиятчилик эмас. АҚШ армияси учун бу ҳибс. У ўз ватанини сотган ва қасамини бузган. Капитан Йи — жосус. «Ал-Қоида»нинг пўлат даҳмадаги кўзи ва қулоғи.

Капитаннинг қўлга олиниши ва қаердалиги ўн кун сир сақланади. 20 ва 21 сентябрда «Вашингтон таймс» иккита мақола билан сир пардасини қўтармагунча. Пентагонга яқин ва консерватив руҳдаги бу рўзномада муаллиф Йига ҳарбий разведка бутунлай фош этишга ваъда берган фитнанинг марказий ролини ажратган муфассал мақола пайдо бўлади. «Таймс»нинг сўзларига қараганда, капитан Жанубий Каролина штати, Чарлстондаги ҳарбий-денгиз базасида қўриқланмоқда. Унинг айблови тўғрисида «муайян» далиллар гувоҳлик беради. Масалан, мана бундай: ҳибсга олиш вақтидаги тинтув чоғида Йида «турли-туман» ҳужжатлар топилган.

Шарикли ручка билан чизилган «Дельта» лагери чизмаларига ўхшаш сувратлар бор, уларда блоклар ва омборхоналар жойлашган жойлар қайд этилган. «Ўхшаш». Яна, деб хабар беради манба, афтидан капитан айрим маҳбуслар билан жоиз бўлмаган муносабатлар ўрнатган. Бу ерда шубҳанинг тергов олиб боришда Терроризм билан уруш шароитларида амал қилинган ва аллақачон маҳбусларда синаб кўрилган, энди эса қамоқхона назоратчиларига нисбатан қўлланилаётган нозик услуби билан йўғрилган мантиғи ишламоқда эди. Бу айбсизлик тахминидан бевосита келиб чиқувчи хулосалар услубидир.

Биринчи хулоса. Йи — унинг қафасдаги биродарлари каби мусулмон кишиси. Бинобарин, у эришган ва улар туфайли шогирдлари уни шунчаки Юсуф деб атаган маҳбусларнинг ўта ишончилиги ва жойлашуви тасодифий эмас.

Иккинчи хулоса. Уэст-Пойнтдаги ўқишдан кейин капитан қолдирган армия сафларига қайтишдан аввал Йи диний таълим олган Сурияда яшаган. Йи Гуантанамодан «яширилган ҳужжатларни» олиб чиққан. Бинобарин, Йини Сурия жосуси деб тахмин қилиш «оқилона»дир.

Учинчи хулоса. АҚШ армиясида мусулмон сотқинлар олдин ҳам бўлган. Сержант Асан Акбар Ироқ билан уруш арафасида Кувайт худудига келтирилган ҳаво-десант бригадасининг қароргоҳ чодирларига қўл гранатасини иргитган, ўн беш нафар хизматдошини яралаган ва икки нафарини ўлдирган. Бир неча йил илгари, 1998 йилда сержант Али А.Муҳаммад Африкадаги АҚШ элчихонасига жойлаштирилган террорчилик ҳужумларида иштирок этган. Бинобарин, капитан Йи ҳам сотқин бўлиб қолганига асло таажжубланмаслик керак, боз устига Форт-Льюисдаги ҳарбий база рўзномаси учун ёзилган унинг мақоласи — зийрак терговчилар иш орасида таъкидлаганларидек — «айнан 2001 йилда» одамларни ислом билан кўрқитишни тўхтатишга қақирган.

Бундоқ олиб қараганда, ҳаммаси жўндай. Капитан Йи — душманлар орасида намунали дўст ва дўстлар орасида, душман. Жосусликда айблаш учун аъло номзод.

Наҳотки мен ростаданам жосус билан танишиб қолган бўлсам? Терроризм билан урушнинг биринчи жосуси билан-а? Куръон ва америка конституцияси нинг уйғун ҳолда яшаш гоёсига соддадиллик билан ишона қолдимми? Мусулмонлар дўзах азоби тортиб турганида Пайғамбарга иймон келтириш ва ҳарбий либосни кийиш билан чиқиша олади деб наҳотки мен бир қарорга келган бўлсам?

2003 йил сентябри охирида оғир кунлар бошланди. Яна шунинг учунки, Йи иши теварагида кўтарилган шовқин тобора даҳшатли тус олмақда эди. 2003 йил сентябрида капитан Юсуф ҳибсга олингандан кейин камида йигирма тўрт соат ўтгач, Пентагон столга янги қартани ташлайди. Ҳарбий либосдаги яна бир одам. Гуантанамо лагерида хизмат қилган яна бир мусулмон. Унинг исми —

Аҳмад И. Ал-Ҳалабий. АҚШ ҲХК оддий солдати тўққиз ой мобайнида қамалганлар кўрфазида таржимонлик вазифасини бажарди. Жексонвил тайёрагоҳидаги тайёра ичида Йини ҳибсга олганларидек, уни 23 июлда ҳибсга олишди. Уни ҳам Калифорния штатидаги махфий Вайнберг авиабазасига қамаб қўйишди.

Етти ҳафта Пентагон сукут сақлади. Кейин эса, биз барчамиз гувоҳ бўлганимиздек, 23 сентябр discovery куни бўлишига қарор қилади. Шу куннинг танланиши тасодифий эмас, у услубни билади. Ал-Қоидага кўрсатилган айблов мулла Йи қиёфасини яқинда чулғаб ташлаган гумонлар учун мустаҳкам таянч. Ўттиз айбловдан тўрттаси - жосуслик, учтаси - душман билан ҳамфикр бўлиш, ўн биттаси - қўмондонлик буйруғига бўйсунмаслик, тўққизтаси - ёлгон гувоҳлик бериш. ҲХКдаги расмий манбалар тафсилотларга берилишдан кучларини аямайдилар. Ал- Ҳалабий «Дельта» лагерини сувратга олади, бу эса низомда тақиқланган. У махфий ҳужжатларни давлат компютеридан ўзининг шахсий компютерига ўтказиб олган. У маҳбусларга ҳолвани «ноқонуний» ва «зимдан» улашган. Ҳа, айнан ҳолвани - эсингиздадир? - ошпаз Клакнинг мукофот ширинлиги, қафасдаги маҳбуслар тилини сайратиш учун фойдаланиладиган ноанъанавий курул. Боз устига, ал-Ҳалабий электрон почтадан Сурия разведкасига махфий бўлган маълумотни узатишга ҳаракат қилган: шахсан маҳбуслар қўли билан ёзилган шахсий тусдаги иккита ёзув ва электрон файлларда уларнинг ўзлари терган бир юз эллик дона ўшандай ёзувлар; база ичкарасидаги ҳаракатлар тўғрисида янгиликлар, маҳбусларни элтиш шароитлари ва усуллари.

Бу ахборот Дамашққа етиб борганмикан — давлат айбловчиси буни аниқлашни маъқул кўрмайди. Ал- Ҳалабийнинг оқловчиси майор Ким И Лондон таъкидлайдики, айблов ҳужжатларининг бандларида «айблаш учун зарур далиллар» мавжуд эмас, бироқ ўша заҳоти кескин зарбага учрайди: «Ал-Ҳалабий муайян ахборотни олиш ҳуқуқига эга бўлмаган одам билан муносабатда бўлган. Ўша одам, Ал-Ҳалабий буни биларди, душмандир». Эҳтимол, суриялик билан муносабатда бўлгандир. Ёки сурияликларга ишлайдиган бошқа биттаси билан.

Қолганлари Пентагон учун — ҳеч нарсага арзимайдиган майда-чуйдалар. Бир нарса муҳим - 2003 йил сентябри охирида мантқиқий ришта Дамашқда ўқиган мулла Йини Дамашқда электрон хатларни юборган ёки юборишга ҳаракат қилган оддий солдат ал-Ҳалабий билан боғлайди. Буларни иккала дўст билишадими, йўқми, кейин маълум бўлади.

Аммо бу ҳали охири эмас.

29 сентябр душанбада бу томошанинг сўнгги кўриниши бошланади. Жуда бўлмаганда томош кўрсатилган эди. Бостоннинг Лолан тайёрагоҳида бунгача икки йил ичида қора сешанба камикадзелари ўтган ўша йўлақларда давлат хавфсизлиги департаменти ходимлари қамалганлар кўрфазида пишиб етилган фитнанинг учинчи иштирокчисига кишан кийдирадидилар. У оддий фуқаро вакили, унинг исми Аҳмад Фати Меҳалба. У ўттиз бир ёшда, у Мисрда туғилган, бироқ АҚШ фуқароси ҳисобланади. У Қоҳирадан қайтаётган бўлади ва уни «оралатиб кўриқдан ўтказиш» учун тўхтатадилар. У Гуантанамо ҳарбий базасига Калифорния компаниясига қарашли Сан-Диегонинг «Калифорния Титан» муҳри бўлган рухсатномани кўрсатади — бу аутсорсингдаги яна бир ўйинчи, «Титан миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича ёппасига хизмат»ни тақдим этади. Гуантанамода улар ўз таржимонларини ишга жойлаштирадидилар. Меҳалба шулардан биттаси эди.

Беғам таржимондан жомадонини очишни илтимос қиладилар, унда бир юз ўттиз иккита компакт-диск топадилар. «Муסיқа ва фильмлар...» — дейди у. «Гуантанамо маҳбусларига алоқадор бўлган махфий ҳужжатлар ёзилган 368 файл, — аниқлик киритади давлат хавфсизлиги департаменти, — оддий қистирмалар билан нўноқларча ниқоблантирилган ҳужжатлар қўтига жойлаштирилган». Масалан, «Back up 3 for M.O's profile»¹ номи остидаги диск. Меҳалбага пуштиранг либос ва «уч нарса»ни кийдирадидилар. Ҳибсга олиш рухсат берилган судья Чарльз Свартвудга у ўзига оқловчи ёллашни лозим топмаслигини тушунтирди.

Меҳалбанинг ҳаёти осон кечмаган. Ҳар доим қийин бўлиб келган. 2000 йилда у армияга кўнгилли бўлиб ёзилди ва Аризон штатидаги Форт Хуачук

базасида аксилжосуслик маркази қошида сўроқ қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш ўқишига тайинлаб қўйилганди. Бироқ имтиҳонларда йиқилганди. Ҳаддан ташқари тўла баҳонаси билан уни ҳарбий хизматдан озод қилдилар. У аксилжосуслик марказининг талаба қизи Дебора Жефарт билан дон олишиб қолади. Қизни ҳам ҳайдадилар, аммо ҳаддан ташқари тўлалиги важдан эмас, балки махфий ахборотлари бўлган машина ва ноутбукни ўғирлагани учун.

Аммо Меҳалба тегирмондан бутун чиқадиган одам, у «Титан»да ишга жойлашишга ва охир-оқибатда Терроризм билан урушнинг америка разведкаси ҳаммадан яхши қўриқланадиган чегарасида пайдо бўлишига эришади. Армиядан бўшатиб юборилган бақалоқ шундай қилди. Қўлга тушириш иш баёнида Меҳалбани Федерал Қидирув Бюроси агенти Жон Ф. ван Клиф «сохта» мисрлик деб атади: Меҳалба кимдир унга айтмасдан унинг компьютеридан эллик олти саҳифалик махфий ҳужжатни сўриб олганини исботлашга тайёр. Лагер разведкасига ишлайдиган қандайдир одам унга амаки бўлишини кескин рад этади. Эҳтимол, агент ван Клиф ҳақдир. Балки Меҳалба бор-йўғи баёв мазахўрак эмас, сўтак, «томи кетган»дир. Унинг содда-баёвлиги шунчаликки, ёпиқ ахборотни хусусий шахсга сотишдан олдин уни ўз ноутбукдан ўчириб ташлашни унутганини ФҚБ (ФБР) га аввал хабар бериб, кейин исботлашга ҳаракат қилади. Натижада Гуантанамо маҳбусларига даҳлдор ашёлари бўлган компьютер учинчи қўлга бориб тушади. «Бу ерда ҳеч қанақанги шубҳа бўлиши мумкин эмас», – дейди ушбу ноутбукни топган федерал қидирув агентлари. Компьютернинг қаттиқ дискида махфий маълумотлар бўлган беш файл ва Меҳалбанинг резюмеси бор.

Уч мусулмон одами – бундан чиқди, фитна экан-да? Капитан Йи, оддий солдат ал-Ҳалабий ва таржимон Меҳалба бир-бирларини танийдиларми ўзи? Ҳақиқатан ҳам улар Террорчилар билан урушнинг энг ҳимояланган ва энг узокдаги фронтга ёриб киришга муваффақ бўлган қалтис «душман разведкаси» агентлари ҳисобланишадими? Ёки бу тафсилот маъноси бутунлай бошқачами? Гуантанамода гумон қўриқчиларнинг ўзларини йўқ қила бошлаганидами ё? Қамалганлар кўрфазида вазият издан чиқа бошлаётганидами?..

Ўзимнинг кўплаб саволларимга лоақал бир оғизгина жавоб топишга ҳаракат қилиб, Вашингтондаги Эл-стрит кўчаси 2001 рақамли ойнаванд ва пўлатдан қурилган осмонўпар бинога яқинлашаман ва «Фельдсман, Такер, Лейфер ва Фиделл» ҳуқуқшунослик идораси офисига кўтариламан. Мен шериклардан бири – Южин Р.Фиделл билан гаплашишим керак. Южин Фиделл суд ишлари соҳасида мўътабар инсон сифатида обрў қозонган одам, Ҳарбий-адлия миллий институти президенти. Унинг диди нозиклигига гап йўқ ва ўз ишининг устаси сифатида у гоё ва фикрларини аниқ андозага солишни қотиради. Гуантанамо ҳарбий судлари ва ҳарбий ҳаётларига тааллуқли масалаларда кўпроқ айнан унинг фикрларига қулоқ соладилар.

Фиделл капитан Йини ҳимоя қилувчи оқловчилар гуруҳига бошчилик қилади. У оғир йўлни ихтиёр этган. «Мен сизни жуда яхши тушуниб турибман. Бу ишни менга таклиф қилишганда, мен дарров рози бўла қолганим йўқ, – дейди у. – Бу ишни қўлга олишга арзийдими, йўқми, шунинг устида ўйлаб-ўйлаб, мен масалага чуқур назар солиб қарадим. Аслида рўзномалар ахборотнинг махфийлаштирилган манбаларга таянган ҳолда Жеймс Йи жосусми, умуман, бу йигит ўзи ким экани ҳақида жар солганлари ҳақиқатми?» Фиделл ўзининг иккинчи ҳимоячиси билан октябрда мулла бу вақтгача якка камерада бир ой ўтириб улгурган Чарлстон ҳарбий-денгиз базасида учрашди. «Бу ўрта асрлар услубидаги манзара эди. Мен сўроқ қилинадиган хонада кутиб ўтирардим ва маҳбус келаётганидан дарак берувчи занжир шарақлашига қараб унинг яқинлашаётганини фаҳмладим. Капитан ўзининг «уч нарса»сида шунақанги виқор билан юриб келардики, буни ҳеч қачон хотирамдан ўчирилмасам керак. У қўғирчоқдек силтаниб-силтаниб ҳаракат қиларди, қўллари, бўйинлари ва белидан занжирбанд қилиб ташланганди.... Мен қаердалигимни тушунолмасдим: буюк демократик мамлакатнинг ҳарбий базасидами ёки Гуантанамодами. Бироқ, сирасини айтганда, айбловчилар учун униси билан бунисининг ўртасида катта фарқ йўқ».

¹ М.О. Досьеси. Захира нусха 3 (инг.).

Йи кунларини ўтказаетган Чарлстоннинг бетон қутисида унинг учун ҳар қанақанги ақлий ҳордиқ ман этилган. У фақат Куръонни ўқиши мумкин эди. Ҳатто кўрфаздаги маҳбусларга мумкин бўлган озгина нарса ҳам бунга мумкин эмасди. Хат ёзиш ва рўза тутиш ҳам. Капитаннинг айбисизлигига ишонмаган унинг собиқ бошлигига қўлга олинган билан кўришишга рухсат беришмади. Хотини ва унинг ўзига ўхшаб, ҳарбий хизматчи бўлган икки акасига ҳам кўришув ва хат ёзишув рад этилди.

Давлат айблови шу нарсага аминки, эртами, кечми мулланинг мудофааси емирилиши керак. У жосусликда айбланиши аоссизлигини ошкор этиши мумкин бўлган қарталарни очишдан эҳтиёт бўлади. Аслида айбловчилар тайм-аут олишганди. Пентагон командадан чертиб-чертиб танланган уч нафар қораловчини қўйди (одатда уларга мураккаб, сиёсий жиҳатдан нозик ишларни ишониб топширилади). Барча учалови - Майкл Маллиган, Тимоти Макдоннелл ва Пол Ле Блан Йини силсиланинг ўртасига қўйиши ва шу тариқа ал-Ҳалабий ва Меҳалба билан боғлаши мумкин бўлган кемтикни қидирганча тергов ҳужжатлари солинган жилдни кавлашда давом этмоқда. Аммо бу қоғозлар гарамиди ҳеч вақо йўқ. Ёки бундай дейиш дурустроқдир: уларда барибир нимадир бор. Бообрў гувоҳ — Гуантанамо Бирлашган тезкор гуруҳ бош кўмондони, генерал Жеффри Д.Миллернинг кўрсатмалари муҳим. Техаслик генералга ўзини ўзи Юсуф деб атаган бу мусулмон капитан Жеймс Йига ҳеч қачон ёқмаган. Унинг сурбетларча жилмайиши ва қафасларда қутилмаганда пайдо бўлиб қолиши ёқмаган. Маҳбусларнинг руҳоний юқини энгиллатишда жонини жабборга бериб интилишда генерал ҳар доим ҳамдардликни эмас, балки шубҳали ҳамкорликни кўзда тутарди. Йининг туйқусли ташаббусида — жонли овоз билан оҳанрабо ёзувларини алмаштиришни, маҳбусларни кунда беш маҳал намозга чорлашини теҳаслик шунчаки мурувватдан кўра қандайдир каттароқ нарса деб қарарди. Мулланинг Куръонни сақловчи жарроҳлик ниқобини ҳар бир қафаснинг шифтига осийиши астойдил илтимос қилишини у сурбетларча дўқ деб биларди. Куръонни чанг босмаслиги ва пешоб тегиб, ифлосланмаслиги керак.

Фиделл жиддий масалаларни кўндаланг кўярди: «Қандай асосда уни жосусликда айблашаяпти? Нима учун уни бу қадар қаттиқ ҳўрлашяпти? Олиб чиқишга рухсат олинмаган, ўз қўли билан ёзилган ва ўзи билан олиб келган тўртта мақола учунми? Капитан руҳий устози бўлган маҳбуслар билан суҳбатларни ёзиб олгани учунми? Ёки яна бошқа нималардир учунми? Балки унинг ҳарбий таржимон бўлгани учундир?»

Чарлстондаги сўроқ қилинадиган хонада Йи Фиделлга бошидан ўтганларни ҳикоя қилади. Бир неча ой муқаддам, 2003 йил июлида уни менга эшигида қора яримой нишонин бўлган баракда учрашувимиз вақтида сўзлаб берганди. Жўшиб ҳикоя қилади. Аммо бу гал кишанбанд этилган одамни ҳимоя қилиши керак бўлган армия ва мамлакатга қонуний ва мағрурлик туйғусидан холи тарзда ҳикоя қиларди. Капитаннинг сўзларига кўра, Гуантанамо асоратлари уни ҳақиқатан ҳам жон талвасасига тушгандек азоб берар эди. Булар учун ўзини жавобгар деб ҳис этарди. Шу боис Муҳаммад Жубан билан суҳбатларда руҳини тетиклаштириб олишга ҳаракат қиларди. Сурияга жосус билан эмас, балки Сиэтл атрофидаги олимпиялик имом билан. Мулла билан бу учрашувларни Муҳаммад унутмаган. «Йи, — деб ҳикоя қилади Жубан «Нью -Йорк таймс» мухбирига, — Гуантанамодаги ярим йиллик хизматидан кейин 2003 йил мартада уйига қайтди. У ёққа яна бир муддатга қайтиши кераклигини биларди. Қайтиб боргач, у муаззин бўлмоқчи ва биродарларини намозга чақирмоқчи... Шубҳалар унинг ич-этини ерди, аммо у кўрфазда маҳбусларни сақлаш шароитлари ҳақида эслашдан ўзини қаттиқ олиб қочар эди. Аксинча, капитан, унинг ягона ташвиши — ўз шогирдларининг маънавий эҳтиёжини қондириш эканини такрорларди. Унинг ватанга хизмати ана шундан иборат эди. У мендан тасалли ва маслаҳат умидвор эди...»

Бир вақтлар уни Саудия саҳросида қидиришганди. 1991 йилнинг августи эди. Йи АҚШнинг Хобардаги ҳарбий базасида яшарди. Уни у ерга кўрфазда биринчи уруш тўхтаганидан кейин кўмондон юборган эди. «Патриот» батареясининг зобити бўш вақтини исломнинг муқаддас матнларини инглиз тилига таржима қилишга бағишларди. Ҳали 1993 йилда Саудия Арабистонининг

ҳарбий ҳаво кучлари ва қуролли кучлари оиласи Маккага қилган биринчи зиёрат сафари харжларини тўламаган бўлса-да, Ўи 1995 йилда иккинчи марта қайтиб келади. Шундан кейин ҳарбий либосини ечади-да, Дамашққа, олий муфти Аҳмад Куфтаро мактабига кўчиб ўтади, у ерда тўрт йил ўқийди ва ўзининг бўлажак хотини, гўзал Уода исмли суриялик қиз билан танишиб қолади. 1999 йилда Жеймс Ўи АҚШга қайтади ва яна ҳарбий либос кияди. Бу гал у мусулмон муллеси бўлади. 11 сентябр воқеаларидан кейин у хусусий ёзишмаларида ҳам, Форт-Льюис ҳарбий базаси рўзномасида ҳам ва кураш бўйича ўзининг собиқ тренери электрон хатларида ҳам, интерактив муносабат форумида ҳам: «Содир бўлган воқеалар важдан мусулмонларни айблаганлар», - деб ёзишга ўзида журъат топади.

Капитан Жеймс Ўи жосус эмас, 2003 йил 26 ноябрида қамалганлар кўрфазидан тўртинчи ҳарбий хизматчи «лавозим вазифасини бажариш чоғида, хусусан ёпиқ ҳужжатларни кўриқлаш чоғида ёлгон гувоҳлик берганликда ва совуққонлик қилганликда айбланганда АҚШ армияси капитан Ўидан жосусликдаги барча айбловларни олиб ташлади, айнан шунинг учун у ҳибс этилган ва якка камерада бир неча ой ўтириб чиққан эди. Уни Жоржия штатидаги Форт-Беннинг шаҳрида капеллан (муллалик) лавозимига тикладилар, бироқ айни вақтда унинг обрўи тушгандан-тушиб кетди. Унга майда айбловлар қўйишда давом этдилар: «ёпиқ ахборотлар билан эҳтиётларча муомалада бўлиш» (у бундай ҳужжатларни элтиш учун осма қулфли темир қутидан фойдаланиш кераклиги унутганди). Ундан ватанга хоинлик қилганликдаги айблов олиб ташланади, аммо хотинига хиёнат қилишдаги айблов қолаверди: «Ҳа, Ўи ҳали бунга ҳам жавоб бериши керак. Адюльтерлик учун. Бундан ташқари «Америка» лагерида Интернет-кафенинг ифлос сайтларининг бирида шахвоний сувратларни қидиргани учун.

Дастлабки тергов яқунлари бўйича Жеймс Ўи ҳарбий суд олдида қачон жавоб беради ва жавоб берадими, йўқми, ҳарбий суд ҳал қилиши керак. Айни вақтда ҳарбий суд ва Массачусетс округ суди оддий солдат ал-Ҳалабий ва фуқаро Меҳалбани жосусликда айблашлар бўйича ишни кўриб чиқадилар. Тергов ишларини бир умумий тугунга боғлашга уринишига қарамай, ишни кўриб чиқишлар алоҳида олиб борилади.

Южин Фиделл хайрлашади: «Капитан Ўи бошидан кечирганлар ва Гуантанамода бўлаётган ишлар телбаликдан бошқа нарса эмас. Улар ўз хатоларидан сабоқ чиқаришни билмадилар, ўзи сабоқ чиқаришни исташмайди. Аксинча, уларни қайта ва қайта зўр бериб такрорлайверадилар. Хатолар тузатиб бўлмас даражага етади. Эртами, кечми бу ниҳоясига ҳам етиб қолар. Бугун эмас. эҳтимолки, эртага ҳаммас. Ҳозирча бизлар нимага гувоҳ бўлганимизни ҳикоя қилиш ва эслашгагина яраймиз, холос». Балки, у ҳақдир.

*“Иностранная
литература”
журналининг 2006 йил
12-сонидан олинди.*

*Русчадан
Ғолиб ФАЙЗУЛЛА
таржимаси*

Артур ШОПЕНГАУЭР

Севги илоҳиёти

Эй, сиз донишмандлар, юксак ва чуқур илмлар билимдонлари, ҳамма нарсаларнинг етакчилари ва моҳиятига етувчилари, айтинг-чи, қандай, қачон ва қаерда жонзодларнинг барчаси жуфтлашувга интиладилар ва нима сабабли ҳамма жойда севги ва бўсалар азиздир? Юксак донишмандлар, шуни менга айтинглар! Ўйланглар, ўйланглар, менга нима бўлди, қандай, қаерда мен бунга дучор бўлдим?

БЮРГЕР

...**Ш**оирлар аксарият эротик севгини тасвирлаш билан шуғулланишларига биз кўникиб қолганмиз. Одатда ҳар қандай драматик асарларнинг: хоҳ трагик (фожеавий), хоҳ комик (кулгили), хоҳ романтик, хоҳ классик асар бўлсин, қаҳрамонлари ҳиндистонликми, оврўполикми, бундан қатъи назар, асосий мазмуни — қаҳрамоннинг севгилисига интилишидир. Лирик шеърийатнинг ярмидан кўпининг сюжети шундан иборат ва яна — юз йиллар давомида Оврўпонинг маданийлашган мамлакатларида доимий равишда нашр этилаётган, худди дала экинларидек, мунтазам равишда униб турган эпик асарларни, хусусан йирик романларни ҳам, шу қаторга кўшиш мумкин. Бу барча асарлар бир мавзуда ё кўпқиррали бўладими, барчасида севги эҳтирослари тасвирланади. Тасвирларнинг энг муваффақиятли чиққанлари, масалан, “Ромео ва Жульетта”, “Янги Элоиза”, “Вертер” абадий шухрат қозонди. Агар Ларошфуко эҳтиросли севгини ҳамма гапирадиган, лекин ҳеч ким кўрмаган шарпага ўхшатса, Лихтенберг ўзининг “Севги қудрати ҳақида” бадиасида унинг борлиги ва табиий ҳиссиёт эканлигини инкор этса — бу уларнинг катта янглишувларидир. Чунки инсон табиатига ёт бўлган, ҳаводан тўқилган, кўринмас, қандайдир хаёлий шарпа доимий равишда, тинимсиз поэтик даҳони илҳомлантириб туриши мумкин эмас, акс ҳолда инсоният унга ҳамдард ва ҳамнафас бўлмаган бўлур эди: ҳақиқатсиз бадиий гўзалликни яратиб бўлмайди: “Ҳақиқатдан ўзга гўзаллик йўқ; фақат ҳақиқатгина ёқимлидир” (Бейль).

Артур ШОПЕНГАУЭР (1788–1860) олмон файласуфи, Гегелнинг замондоши Данцигда, ўзига тўқ савдогар оиласида туғилган. Ёшлигидан ота касби тижорат билан, яна тиббиёт, фалсафа билан шуғулланди. Берлин университетида маърузалар ўқиди. Онаси Йоҳанна Шопенгауэр истезодли ёзувчи, унинг роман ва қиссалари 21 жилдни ташкил қилади. Онаси хонадонида Гёте, Ф.Шлегел каби шоирлар, адиблар қизгин суҳбат қуришарди. Артур 1809–11 йилларда Гетинген университетида аввал тиббиёт, сўнг фалсафа факультетида ўқиди. 1812–1814 йилларда Наполеон урушлари вақтида Англия, Франция, Дания ва бошқа мамлакатларда яшаб, ижод қилди. Сўнг ватанига қайтиб, Веймар, Дрезден, Штутгарт шаҳарларида асосий асарларини ёзди. У 1848 йилги халқ қўзғалонларига салбий баҳо берди. Инқилобларни инсон шахсига, эркинлиги ва мол-мулкига раҳна солиш деб ҳисоблади.

Артур Шопенгауэр инсон кўнглидаги маънавий бойликларни ақл-идрок билан уйғунлаштириш тарафдори эди: “Туйғулар ва ақл-идрок тугаса, оламда ҳаёт тугайди”. Шунинг учунми, унинг асарлари фақат ақлни бойитиб қолмайди, бадиий гўзаллиги, ширали тили билан кўнглини ҳам бойитади. Уни донишманд ва санъаткор дейиш мумкин. Юнон ва латин тилларини, Афлотун ва Арасту фалсафасини, физика, кимё,

Шубҳасиз, тажриба ҳам ҳар куни бўлмаса-да, бунга гувоҳлик беради. Одатда ҳаракатчан, лекин ҳали бошқарувга бўйсунадиган майл маълум шароитда шундай бир даражадаги эҳтирос бўлиб юксалиши мумкинки, у ўзининг қудрати билан бошқа ҳиссиётларни босиб кетади, унинг исканжасига тушган одам ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни четга улоқтириб, мислсиз куч ва матонат билан ҳар қандай тўсиқлардан ўтади ва ўз истагини қондириш учун ўйлаб-нетиб ўтирмасдан ҳаётини хавф остига қўяди, бу истакни қондиришнинг бошқа иложи бўлмаган тақдирда, онгли равишда, ҳатто ҳаётини ҳам қурбон қилади.

Вертер ва Жакопо Ортизилар фақат романлардагина мавжуд эмас; ҳар йили Европада кўплаб ошиқларни санаш мумкин: улар номаълум ҳолатда йўқолиб, ўлиб кетдилар; уларнинг чеккан изтиробларини қаламга олувчилар ўрнини баённома тузаётган амалдорлару газета мухбирлари эгаллайди. Инглиз ва француз газеталаридаги суд-полиция ахборотномаларининг ўқувчилари менинг бу фикрларим адолатли эканлигига гувоҳлик беришлари мумкин. Бу эҳтирослар туфайли жиннихоналарга тушганларнинг сони эса бундан-да кўп. Қолаверса, ҳар йили турли ҳолатда севишганлар биргаликда жонига суиқасд қилганлари ҳам бўладики, булар ташқи таъсир кучи туфайли бир-биридан мажбуран ажратилган жуфтликлардир. Лекин менга шу нарса тушунарсизки, нима сабабдан севишганлар бир-бирларининг севгиларига ишона туриб, севги ва висол лаззатидан баҳра олиб, ҳар қандай турмуш қийинчиликлари ва ноқулайликларини енгиб ўтиб яшаш ўрнига, ўлимни афзал кўрганлар, ахир севгилиси билан бир замонда яшашдан ўзга бахт йўқ-ку! Ургача даражадаги севги ва одатдаги интилиш эса ҳар ким ҳар куни кўз олдига келтирадиган ҳолатдир ва агар биз руҳан қаримган бўлсак, кўпинча у қалбимизда (хотира бўлиб) қолади.

Шундай қилиб, биз буларнинг барчасини эсга олиб, севгининг аҳамиятига ва унинг реал воқелик эканлигига шубҳа қилмаймиз. Барча шоирлар учун доимий мавзу бўлган, инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган севги масаласини нима сабабдан файласуф ўрганишга қарор қилганлигига ҳайрон бўлиш керак эмас, чунки шу пайтгача севги файласуфлар томонидан муҳокама қилинмаган, ўрганиш, ривожлантириш учун манба бўлиб келмаган.

Бу масала билан ҳаммадан ҳам кўп Афлотун шугулланган, айниқса, “Базм” ва “Федра”да, лекин унинг бу борадаги гаплари мифлар, афсоналар, ҳазиллардан ташқарига чиқмайди, ҳамда, асосан баччабозликка тааллуқлидир.

Руссонинг “Тенгсизлик ҳақида мулоҳаза”сида севги ҳақида айтилган фикрлари нотўғри ва қониқарсиздир. Кантнинг “Гўзаллик ва юксак ҳиссиётлар ҳақида” китобининг учинчи бўлимида бу ҳақдаги муҳокама фактларга нисбатан жуда юзаки ва бўш, шу сабабли қисман нотўғри. Платнернинг “Антропология”сида бу сюжетнинг талқини жуда юзаки ва майда эканлигини ҳар ким айтиши мумкин. Б.Спинозанинг “Севги — ташқи гоя иштирокида қитиқлаш” деган иборасини ўта соддалиги ва кулгили бўлганлиги учун келтириш мумкин. Шундай қилиб, менинг ўтмишдошларим ичида эътироф қиладиган ёки уни инкор қиладиган бирортаси йўқ; севги масаласи табиий ва зарурий тарзда олдимда кўндаланг турди ва ўз-ўзича менинг дунёқарашим тизимига кириб келди

тиббий фанларини, қадимги ҳинд фалсафасини чуқур ўрганди. А. Шопенгауэр асарларида (“Ирода ва тасаввур олами”, “Инсон иродаси эркинлиги”, “Ахлоқ асослари”) Шарқ ва Ғарб фалсафий қарашлари маълум даражада умумлаштирилган.

Шопенгауэр фалсафасида ҳаётнинг деярли барча соҳалари қамраб олинган. У Оврўпода изчил ва кенг қўламли фалсафа (онтология, гносеология, аксиология, мантик, эстетика, мусиқа назарияси) масалаларини теран ишлаб чиққан мутафаккирлардан бирidir.

Шопенгауэрнинг ахлоқ фалсафасида жуда кўп қадриятлар чуқур таҳлил қилинган. У “Ирода ва тасаввур олами” асарида “Биз воқелик деб атайдиган — табиат, жамият, маданият, тарих, ҳатто ўз ҳаётимиз ҳам объектив эмас, балки бизнинг иродаимизга боғлиқ ҳолда (ўзгарувчи), тасаввуримиздаги воқелиқдир. Асл воқелик яшириндир, одамларнинг ички дунёси, иродаси, Кант айтган “нарса — ўзида”дир”. (Бу фикрни аввалроқ, 13-асрда Жалолиддин Румий айтган — “Фихи мо фихи” — “Ичиндаги ичиндадир”). А.Шопенгауэр ўз фалсафий асарларида онгли ёки беихтиёр равишда шарқона тасаввуф фалсафасига, Аҳмад Яссавий, Атор, Навоий ва бошқалар талқин этган фақр ва фано фалсафасига яқинлашади.

Айтгандай, бу борада, севги эҳтироси ва ортиқча ҳиссиётларига берилиб, уни юксак ва ҳаёлий образлар орқали ифодаламоқчи бўлганлар менинг фикрларимни маъқуллашига умид қилмайман, бундай одамларга менинг назариям жудаям жўн, моддий кўриниши мумкин, аслида эса бу назариям метафизик, ҳатто, самовийдир. Майли, улар дастлаб ўйлаб кўрсинлар, бутунги кунда қуй ва шеър ёзишга илҳомлантираётган нарсага улар ўн саккиз йил олдин тугилганларида қиё боқармидилар ёки йўқми? Ҳар бир ошиқлик, унга қандай ҳаёлий тус берилмасин, илдизи жинсий инстинктга бориб тақалади: моҳиятан у аниқ белгиланган, махсус, қатъий маънода индивидуал ҳар кимнинг ўзига хос жинсий инстинктдир. Агар мана шуни қатъий ёдда тутган ҳолда жисмоний яқинлик муҳим роль ўйнашини ўйласак, уни турли даражадаги, турли ранглардаги кўринишлари нафақат пьесалар ва романларда, балки воқеликда ҳаётга бўлган севгидан сўнг энг қудратли ва борлиқдаги ҳаракатлантирувчи кучлар ичида энг таъсирлиси ҳамдир. У ёш авлоднинг куч-қуввати ва фикри-зикрининг ярмисини (балки кўпрогини) узлуксиз оҳанрабодай тортиб туради.

Севгида жисмоний яқинлик ошиқ ва маъшуқа интилишларининг сўнгги мақсадини ташкил қилади. Севги энг муҳим ишлар ва ҳодисаларга салбий таъсир қилади, ҳар соатда энг жиддий машғулотлардан узиб қўяди, айрим пайтларда қисқа муддатга бўлса-да, буюк ақл соҳибларини ноқулай аҳволга солади, ҳар қандай уят-андишани бир четга суриб, чақирилмаган меҳмондек, ўзининг бўлмағур даъволари билан давлат арбобларининг мажлисларига, олимларнинг тадқиқотларига аралашади, чаққонлик билан ўзининг эслатма хатлари-ю, гажаклари билан вазирларнинг портфелига, файласуфларнинг қўлёзмаларига кириб олади, энг қалтис, хатарли, ёмон иш бошлаганларни ҳар куни тақдирлайди, энг қимматли ва яқин муносабатларни бузиб юборади, энг мустаҳкам боғланган ришталарни узиб ташлайди, гоҳ ҳаёт ва соғлиқни, гоҳ бойликни, жамиятдаги мавқеини, бахтни ўзига қурбон этишларини талаб қилади, софдилликдан виждонни тортиб олади, содиқликни сотқинликка айлантиради, хуллас, ёвуз иблис каби, ҳамма нарсани остин-устин қилади, чалкаштиради, қулатади. Агар биз шу ҳақда ўйласак, беихтиёр қичқириб, хитоб қилгимиз келади: Нимага бунча шовқин? Нимага керак бунчалик безовталиқ ва ҳаяжон, қўрқув ва дард? Балки бу, бор-йўғи, ҳар бир Иван ўз Марьясини топишга қилинаётган ҳаракатдир? Нима сабабдан шундай арзимас бир нарса инсон ҳаётига жиддий таъсир қилиб, унинг сокин ҳаёт оқимини издан чиқариб, булғатиб, беҳаловат қилади?

Жиддий тадқиқотлар бу муаммонинг ҳақиқий руҳини — моҳиятини аста-секинлик билан очиб берди: бу масала, биз айтгандек, унчалик арзимас эмас экан, аксинча, у шунчалик муҳим эканки, у ўзига нисбатан жиддий эътиборга ва қалб эҳтиросига лойиқ экан. Комедия саҳнасидами, ёлғондакам фожиалардами, севги можаросининг охириги мақсади инсон ҳаётидаги бошқа мақсадларидан муҳимроқдир, шу сабабли у жиддийроқ муносабатга муносибдир ва ҳар ким ҳам севгига етишувга интилади. Айнан, севги муносабатлари олиб борувчи йўл — кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас — кейинги авлод яратилишига етаклайди.

Ҳа, биз саҳнадан тушгач, ўрнимизни эгаллайдиган қатнашувчиларнинг ҳаёти, хулқ-атворини белгилайдиган нарса худди мана шу “енгилтаклик” билан ўтадиган севгидир. Келгуси авлодларнинг мавжудлиги бизнинг жинсий истагимиз билан бутунлай боғлиқ бўлиши муқаррар бўлганидек, уларнинг моҳиятлари ҳам бизнинг шу истагимизни қондириш учун индивидуал тарзда танлайдиган нарсага, яъни жинсий севгига боғлиқ ва эркак-аёл муносабатларида асосий мақсадни белгилайди. Муаммони ҳал қилиш калити мана шунда. Яхшиси у билан биз кейинроқ, яъни кўриб чиқаётган ишимиз давомида танишамиз: севгининг барча босқичларини: ўткинчи (майл, истак) интилишдан тортиб, то энг кучли эҳтиросгача кузатамиз, шунда биз унинг турли босқичлари, ранг-баранглиги, севгининг хусусийлиги, ўзига хослиги билан боғлиқ эканлигини кўраемиз.

Ҳар бир мавжуд авлоднинг севги тарихи бутунлигича олинса, у жиддий тарзда “барча инсониятнинг келажак авлод яратиш ҳақидаги ўй-фикрларидан

иборат эканлигини, янги авлод эса ўз навбатида беҳисоб тарздаги янги авлодлар учун насл асосчилари бўлишини билдиради. Бу эса инсон ҳаётий эҳтиёжининг энг муҳим аҳамиятлиси бўлиб, бошқа манфаатларига нисбатан унинг шахсий фаровонлиги ва алоҳида шахсларнинг бахтсизлигига тааллуқли бўлиб қолмай, балки келажак асрлардаги барча инсониятнинг ҳаёти ва феъл-атворига тааллуқлидир. Шу сабабли шахс иродаси юксак даражада насл иродаси сифатида ҳаракат қилади ва шу муҳим нарса юксак сеvgи муносабатларининг қайноқ эҳтиросини ташкил қилади, мана шу ҳолат минг йиллар давомида шоирлар тинмасдан куйлаб келётган сеvgининг ҳайрату қувончини, изтиробларини акс эттирган трансцендентал (самовий) лаҳзадир. Бошқа бирор манфаат бу интилиш билан тенглаша олмайди. Наслнинг роҳат-фароғати ва гам-ташвишлари, худди геометрик жисмнинг бир томони текисликка тегиб тургандек, алоҳида шахсга ҳам тааллуқли жойи бор, мана шу сабабли ҳар қандай пьесада сеvgи можаро (муаммо)лари бўлмаса, унинг қизиғи ҳам йўқ, мана шу сабабли ҳам бу мавзунинг чеки-чегараси йўқ ва ҳар куни тилга олинса-да, кўнгилга тегмайди.

Шахснинг онгида акс этган жинсий истақ, агар у бошқа жинсдаги маълум шахсга қаратилмай, умуман аёлларга қаратилган бўлса, ўз ҳолича у шунчаки ҳаётни севиш истаги, холос. Агар бу истақ қандайдир маълум бир шахсга қаратилган бўлса, у ҳолда бу ирода ўз ҳолича, қатъий танланган алоҳида шахсга муҳаббат сифатида яшашга бўлган интилишдир. Бу ҳолатда жинсий истақ ўз ҳолича субъектив заруриятдан бошқа нарса бўлмаса, у чаққонлик билан гўзалликдан ҳайратланиш ниқобини кийиб олади ва онгимизни алдайди: табиат ўз мақсадига етишиш учун шундай қабул қилишга муҳтождир. Бу ҳайрат қанчалик ҳолислик ва юксаклик ниқобини кийиб кўрсатмасин, ҳар бир сеvgувчи ўзига хос белгилари бўлган алоҳида маълум бир индивид туғилишини мақсад қилиб кўяди: бу шу билан тасдиқланадики, сеvgидаги муҳим томон ўзаро муҳаббат ифодалари эмас, балки уни (сеvgилисини) эгаллашда, яъни жинсий лаззатда кўринади. (Оддий сеvgида) инсон сеvgиси жавобсиз қолмаслигига бўлган ишонч, сеvgилисига эгалик қилиш ҳолати бўлмаса, ошиқни қониқтирмайди: (Ҳақиқий сеvgи учун эса, рад этилиш ҳам қайғу келтирмайди). Худбин сеvgида ўз жонига суиқасд қилганлар оз эмас. Бошқа томондан, кучли сеvgувчилар, агар сеvgиси жавобсиз қолса, эгалик қилиш, яъни жисмоний лаззат билан кифояланадилар. Барча ихтиёрсиз никоҳлар буни тасдиқлайди, шунингдек, кўп ҳолларда қимматбаҳо совғалар ва бошқа турдаги нарсаларни ҳадя этиб, аёлнинг хоҳишига қарши, уни ўзига оддириб олиш ҳоллари, қолаверса, зўрлаш ҳам буни тасдиқлайди. Ҳақиқат шундаки, ҳар қандай романтик сеvgи қатнашчиларининг нияти, хоҳ у онгсизликда содир бўлсин, фарзанднинг дунёга келиши бўлиб, уни амалга ошириш эса иккинчи даражалидир.

Қатъий реализмдан иборат бўлган менинг назариямни қанчалик бақир-чақир билан қабул қилишмасин, юксакликда ва ҳиссиётлар гирдобиди юрган севишган қалблар, ҳар ҳолда хато қиладилар. Ҳақиқатан ҳам, келажак авлоднинг индивидуал, аниқ белгилари — уларнинг чексиз ҳиссиётларию, совун кўпигидек ортиқча ҳис-туйғулари олдида юксакроқ ва муносиброқ эмасми? Ҳаётдаги мақсадлар ичида бундан-да муҳимроқ ва буюкроқ мақсад борми? Ана шунинг ўзигина биз ҳис қилган чуқур ва эҳтиросли сеvgини, ўзи пайдо бўлишида атрофидаги майда-чуйдаларга ҳам муҳимлик касб этадиган, жиддий тус берадиган сеvgини оқлайди.

Агар сеvgининг ҳақиқий мақсади шу бўлсагина, сеvgилисига интилиш билан боғлиқ бўлган, сеvgи атрофидаги барча чексиз алам-изтироблар инсонга раводир. Зеро, шу интилишлар орасидан чиқиб келётган нарса — бу индивидуал белгилари бўлган келажак авлоддир. Бу авлоднинг титроғи сеvgи деб аталмиш жинсий майлни қондириш учун эҳтиёткорона инжиқлик билан алоҳида танлов бўлаётганда сезилади. Икки севишган орасида тобора кучайиб бораётган майл-истақ улар дунёга келтириши мумкин бўлган ва исташаётган ўша янги индивидуумнинг ҳаётга бўлган иродасидир, уларнинг эҳтирос тўла нигоҳлари учрашганда чақнаган учкун — бу янги ҳаётнинг учкун бўлиб, келажакда мутаносиб, қадди-қомати келишган фарзанднинг ўзи ҳақидаги хабаридир. Бўлажак фарзандда ўз ҳаётларини давом эттириш учун улар ҳақиқий қўшилишни, бир жонзод сифатида бирлашишни соғинадилар ва бу интилишни

болалари учун амалга оширадилар, ҳамда уларнинг насл (зот) белгилари, ягона бўлган шу фарзандда намоён бўлади, у эса ўз ота-онаси ҳаётининг давомчисига айланади.

Аксинча, агар эркак ва аёлда бир-бирига нисбатан қатъий ва енгиб бўлмас даражада нафрат ҳисси бўлса, улардан дунёга келиши мумкин бўлган бола ёмон хислатли, руҳий олами номуаносиб ва бахтсиз бўлишидан дарак беради. Ўз эрининг қотили бўлган даҳшатли Семирамидани самовий қиз, деб атаган бўлса-да, айна пайтда уни зўрликнинг вориси, деб таърифлаган Кальдероннинг бу сўзларида чуқур маъно ётади. Турли икки жинсдаги индивидуумнинг фақат бир-бирлари билангина қўшилишга бўлган кучли интилиши, наслнинг ҳаётга бўлган иродаси сифатида уларга аввалги ва охириги асос бўлиб хизмат қилади. Ана шу икки севишган индивидуум дунёга келтириши мумкин бўлган янги индивидуум ўзининг табиий ҳаётда барқарор бўлиши учун шу ирода орқали мақсадга етишни тезлаштиради. Янги индивидуум отадан ирода ёки характери, онадан интеллектни, жисмоний шаклни эса ҳар иккаласидан мерос қилиб олади.

Ҳайвонларни чаптиштирилганда аниқланган қонуният бўйича, яъни ҳомиланинг катталиги бачадон катталигига мос тушиши нуқтаи назаридан, жисмоний шакл кўпроқ отадан, чиройи эса онадан ўтади. Ҳар бир инсоннинг фақат ўзигагина хос бўлган алоҳида индивидуумликни тушунтириб бўлмаганидек, икки севишганнинг эҳтироси ҳам ўзига хос, худди шунга ўхшаш тушунарсиз, қолаверса, ҳар икки ҳолат туб моҳиятига кўра айнан бир нарсанинг ўзи: биринчисининг ташқи кўринишида бўлган нарса, иккинчисининг ичида мавжуд.

Ҳақиқатан, янги индивидуумни дунёга келишининг энг биринчи лаҳзасини, унинг ҳақиқий ҳаёт нуқтасини, ота-онаси бир-бирини севиб қолган лаҳзадан кўриш керак, инглизлар иборасича “бир-бири билан қизиқиб” қолган лаҳзадан. Мен айтиб ўтгандек, уларнинг эҳтирос тўла нигоҳлари тўқнаш келганда (нигоҳ алмашишганда) дастлабки мавжудотнинг куртаги пайдо бўла бошлайди ва гоҳида барча куртакларга ўхшаш, кўп ҳолларда, топталади. Бу янги индивидуум маълум даражагача Афлотун айтган янги гоё ва ҳар қандай гоё каби, юксак кучланиш билан шакл кўринишини олишга интилади, материя эса сабабият қонунига кўра эркак-аёл, ота-она ўртасида тақсимланади, худди шунга ўхшаш инсон индивидуумининг алоҳида гоёси ўзини воқеликда амалга ошириши (борлиққа чиқиши) учун юксак даражадаги эҳтирос ва кучланиш талаб этилади.

Бу эҳтирос ва интилиш (завқ) бўлажак ота-оналарнинг бир-бирига бўлган эҳтиросидир. Севги оламининг босқичлари беҳисоб даражада кўпдир, лекин унинг чекка нуқталарини ишқ ва ҳайрат сифатида белгилаш мумкин. Унинг даражаларига келсак, у қанчалик даражада индивидуаллашган бўлса, шунчалик даражада кучли (қудратли)дир, яъни, маъшуқанинг кўриниши ва хусусиятлари қанчалик ёқимли бўлса, ошиқ истак-хоҳишларини қондиришга қанчалик даражада фавқулодда қобилиятли бўлса, шунчалик даражада эҳтиросли бўлади. Бу ерда гап нимада эканлигини, бу белгилар ва талаблар қандай эканлигини қуйида баён қилинганларда кўрамыз.

Севгига мойилликнинг ибтидоси ва энг муҳими соғлиқ, куч-қувват ва гўзалликка — демакки, ёшликка қаратилгандир, чунки истак-ирода дастлаб, ҳар қандай шахсиятнинг асоси сифатида, инсон зоти (насли)нинг характерини — табиатини аниқлашга интилади, кундалик ташвиш, истаklar эса бундан нарига унчалик ўтмайди.

Агар эркак ва аёл ўз олдидарида қониқиш имконияти борлигини кўрса, бунга кейинчалик махсус талаблар ҳам қўшиладики, натижада эҳтирос кучаяди. Бу талабларни қуйироқда алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз. Эҳтироснинг энг юқори даражаси ҳар икки шахсиятнинг бир-бирига мослашувидан келиб чиқади: шунга кўра истак-ирода, яъни отанинг характери онанинг интеллекти билан уйғунлашиб, бутун бир зотнинг ҳаётга бўлган иродаси мужассамлашган янги бир вужудни яратиш соғинчини пайдо қилади. Бу соғинч ўз зоти (насли)нинг иродаси, юксаклигига мос бўлиб, ўз ўлчови билан оддий (ўткинчи) истақдан юқорироқ туради ва шу сабабли шахснинг онгидан ташқаридадир. Бинобарин, буюк эҳтироснинг руҳи мана шундадир.

Эркак ва аёлнинг турли муносабатлардаги мослиги ва уйғунлиги қанчалик баркамол бўлса, уларнинг бир-бирига бўлган эҳтироси ҳам шунчалик кучлидир. Қуйида шуларнинг турларини кўриб чиқамиз. Дунёда бир-бирига мутлақ ўхшаш икки индивидуум йўқ, маълум эркакка маълум бир аёл бошқаларга нисбатан муносиброқ бўлиши керак ва бунга баҳо бериш ўлчови ҳар доим улар дунёга келтириши зарур бўлган фарзанддир. Икки шахснинг худди шунга ўхшаш мосликдаги учрашуви камдан-кам бўладиган ҳодиса, шунингдек, ҳақиқий эҳтиросли севги ҳам, шундай севгига етишиш имконияти ҳар биримиз учун очиқ йўл бўлгани сабабли поэтик асарларда тасвирланган ҳолатлар ҳаммамизга тушунарлидир.

Севги эҳтироси бўлажак фарзанд ва унинг хусусиятлари атрофида жамлангани ва шу нарса унинг қуртагини ташкил қилганлиги сабабли, турли жинсдаги икки ёш ва соғлом одамларнинг муносабатларидаги қарашлари, табиати, ақлий савиялари мос келиши, жинсий севгисиз дўстлик сифатида ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳам етмагандек, эр-хотин муносабатларида, ҳаттоки, кўнгилсизлик (антипатия) ҳам бўлиши мумкин. Бу эса улардан туғилиши мумкин бўлган боланинг хусусиятларида жисмоний ва руҳий номутаносиблик бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Севгида зиддият, қарама-қарши ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин: фикрлаш тарзи, характери ва ақлий савияси мутлақо турлича бўлган ва шундан келиб чиққан ҳолда, бир-бирига ёқимсиз бўлган, ҳатто, душман бўлишига қарамасдан, икки турли жинс индивидуумида жинсий севги туғилиши ва мустаҳкамланиши мумкин ва бундай кўр-кўрона севги никоҳга олиб борадиган бўлса, бу никоҳ энг бахтсиз никоҳдир.

Энди бу мавзуимизни кенгроқ таҳлил қилишга ўтамиз. Муқаррар тарзда, ҳар қандай индивидуал шахс хусусиятларининг чуқур илдизида эгоизм — (ўзини севиш) ётади ва қайси бир шахсда ўз фаолиятини ҳаракатга келтириш зарурияти пайдо бўлганда, бунинг учун ягона ишончли манфаат — эгоистик мақсадлардир. Наслни давом эттириш мақсади шахснинг севгисига нисбатан бирламчи ва муҳимроқ бўлса-да, лекин шахс кўпроқ ўз роҳат-фароғатини ўйлайди ва ҳатто, бунинг учун баъзи бошқа манфаатларидан воз кечади, шахснинг ўз мақсадларига мўлжалланган интеллекти (ақли) насли давом эттиришнинг муҳимлигини тушуна олмайди ва у билан келиша олмайди. Шу сабабли бундай ҳолларда табиат ўз мақсадини амалга ошириш учун индивидуумга маълум иллюзияни ишонч сифатида қабул қилдиради ва шунга кўра севги индивидуумга шахсий роҳат-фароғатдек туюлади, амалда эса бу наслининг роҳат-фароғати, холос ва шу тарзда шахс ўзига-ўзи хизмат қилгандек таассуротда бўлади: жисмоний севги истаги инсон ҳиссиётларини маълум ҳаракатга йўналтиради, истақ қолади-ю, мақсад гойиб бўлади: Ошиқ реал ҳаётни севги олами фантазиясига алмаштиради. Бу иллюзия севиш истаги. Аксарият ҳолатларда бу истақни насл истаги деб кўриш ҳам мумкин, насл ғояси истақ учун нима фойдали эканлигини кўрсатади. Лекин бу ерда насл туйғуси индивидуаллашиб, севги эҳтиёжига айланади. Ошиқ насл қолдиришга доир умумий истақ-интилишни фақат ўз шахсига алоқадор севги истаги деб ўйлайди. Гўёки индивидуал мақсадлар томон бораётгандек туюлади, аслида эса у фақат зот (насл) мақсадларига интилади (бу сўзни асл маъносида оламан).

Истақнинг ташқи кўринишини биз ҳайвонларда яққолроқ кўрамиз, бу ерда хоҳиш муҳимроқ. Лекин инсонда севгининг ички, руҳий жараёнларини биз фақат ўзимиздагина ўрганишимиз мумкин. Тўғри, айримлар инсонда деярли ҳеч қандай хоҳиш йўқ, нари борса, биттагина, яъни янги туғилган чақалоқ она кўкрагини қидириши ва ушлаб олиши, деб ўйлашади. Лекин, ҳақиқатда эса, бизда битта маълум, аниқ ва мураккаб майл бор, у ҳам бўлса жуда нафис тарзда, ўзбошимчалик ва куч-ғайрат билан ўз жинсий заруриятимизни қондириш учун бошқа бир индивидуум танлаш истаги мавжуд.

Бу қониқиш ўз-ўзича ҳиссий лаззатга ва индивидуумнинг қудратли эҳтиёжига асосланган бўлса-да, танлагани гўзалми ёки хунукми, бунинг аҳамияти йўқ. Агар биз, ҳарҳолда, бу ишнинг эстетик томонига жиддий эътибор берадиган бўлсак ва шунга кўра диққат-эътибор билан қарайдиган бўлсак, бу танлаётган шахснинг манфаати йўлида эмас, балки севгининг ҳақиқий мақсади-манфаати

йўлида, яъни бўлажак фарзандлар ва уларнинг насл типини тўғри ва соф сақлаш учундир.

Содир бўлаётган минглаб тасодифий ва табиий ҳодисалар, ахлоқ-одоб учун ташвиш келтиради, инсон қиёфаси одобларидан четга чиқиш ҳоллари келиб чиқади. Лекин шунга қарамасдан севгининг ҳақиқий типлари тўхтовсиз янгилиниб боради ва бунинг учун биз гўзалликни англаш ҳиссиётидан миннатдор бўлишимиз зарур, чунки у жинсий майлни келтириб чиқаради, бусиз эса, жинсий хоҳиш нафратли эҳтиёж даражасига тушиб қолади. Мана шунинг учун ҳар қандай шахс аввало, қатъий тарзда, эҳтирос билан энг чиройлиларга иштиёқманд бўлади ва уларни хуш кўради, чунки уларда насл характерининг софлиги ўз аксини топган. Шунингдек, ошиқ бошқа шахсдан ўзида йўқ бўлган, етишмаётган мукамалликларни қидиради, ҳаттоки ўзида бўлмаган номукамалликларни ҳам гўзал деб топади, шунинг учун паст бўйли эркеклар дароз аёлларга, сариқ сочли аёллар қорасоч эркекларга мойилроқ бўлади ва ҳоказо.

Ўзига ёқадиган даражада чиройли бўлган аёлларни кўрган эркекни маст қилувчи завқ қамраб олади ва эркек ўша аёл билан қўшилишни энг олий даражадаги бахт деб билади. Бу эса наслнинг руҳи бўлиб, ўша аёл вужудида ўз зотининг яққол изларини топади ва ўз ҳаётини фақат шу аёл билангина давом эттиришни хоҳлайди. Гўзалликка бўлган қудратли завқда зот типини сақлаш гоёси ётади, шу сабабли бу завқ шунчалик буюқдир. Қуйида биз ўша завқнинг барча жиҳатларини кўриб чиқамиз, яъни у нималар ёқтиришига қизиқамиз. Шундай қилиб, инсонни бошқараётган нарса аслида зот фаровонлигига қаратилган майл бўлиб, инсон эса бундан ўзи юқори даражада шахсий лаззат топаман, деб тасаввур қилади.

Аслида, бу ишда бизнинг олдимизда, ҳар қандай майлнинг ички моҳиятини очишга ўрناк бўларли даражада ишора бор, чунки севги истаги ҳар доим, худди ҳашаротларда бўлгани каби, ҳар бир инсонни зот (насл) манфаати йўлида ҳаракат қилишга ундайди. Ҳашарот ўз тухумини маълум бир гўлга, мевага, гўнг ёки гўштга, ёки бўлмаса, ихневмонларга ўхшаб, бегона ҳашарот личинкасига, айнан ўшанга, қўйиш ва ўз мақсадига етишиш учун барча қийинчиликлар, хавф-хатарларга қарамасдан ҳаракат қилиши, эркекнинг ўз жинсий эҳтиёжини, кўнгил истагини қондириш учун, унга қараб завқ билан интиладики, кўпинча бу мақсадни амалга ошириш учун ҳар қандай ақл-идроққа зид равишда ўз ҳаётида эришган бошқа яхшиликларни қурбон қилади: маъносиз турмуш қуради ёки шундай бир ишқий муносабатлар ўрнатадики, бу нарса унинг бутун бойлиги, ор-номуси, ҳаётини барбод қилади ёки жиноят қилишга боради, масалан, зино ишларга ё зўрлик ишлатишга, — бу барчаси фақат табиат иродаси ҳукмронлигига бўйсуниб, наслнинг мақсадига бегона индивидуум ҳисобига бўлса-да, хизмат қилишдир. Гўё мақсадни бошқараётган хоҳиш деярли барча фаолиятда майдонга чиқади, ҳақиқатан эса у фаолиятга бегона. Табиат уни шундай жойлаштирадики, индивидуум ўз фаолияти мақсадларини билишга қодир эмас ёки унга қараб интилишга қўнмаслиги мумкин, шу сабабли инстинкт фақат ҳайвонга хос, шунда ҳам қуйи поғонада турувчи, яъни ақл ато этилмаган жонзотларга хосдир. Кўриб чиқилган ҳолатларнинг деярли барчасига хос майл инсонда ҳам бор, акс ҳолда жинсий муносабат мақсадларини тушунмаса ҳам, унга етишиш учун етарли даражада қатъият билан интилмаган бўларди, яъни ўзининг шахсий фаровонлигидан кечиб бўлсада, эришмаган бўларди. Шундай қилиб, бу ерда ҳам, ҳар қандай инстинктдаги каби, **ҳақиқат** иродага таъсир қилиш учун **иллюзия** шаклига киради. Шаҳватпарастлик иллюзияси эркекка, ҳар қандай аёлни эмас, фақат ўша, ўз гўзаллиги билан уни мафтун этган аёлдангина кўпроқ лаззат топсан, деган тушунча билан таъсир ўтказади, худди ўша иллюзия ўша **ягона** аёлгагина диққат-эътиборини жамлайди, ўша аёлга етишсангина беқийёс даражада бахтга эришсан, деган тушунчага сўзсиз ишонтиради. Шахснинг барча ҳаракатлари, қурбонлари ўзининг шахсий лаззати учун сарфланаётгандек туюлади, аслида эса наслнинг нормал типини сақлашга ёки шу ота-онадан маълум бир индивидуалликни олишга қаратилган бўлади. Мақсад гоёси билан бошқарилаётган, амалда эса унга ёт бўлган истак характери қанчалик тўла

сақланаётганлигини шундан ҳам билса бўлади-ки, кўпинча ошиқ фарзанд кўришга қаратилган мақсад ғоясини ҳам менсимайди, унга халақит беради: никоҳсиз севгининг деярли барча ҳолатларида шундай бўлади. Мен кўрсатган ишқий муносабатларнинг қатнашчиларига яна шу нарсалар хоски, ҳар қандай ошиқ иштиёқманд бўлган роҳатиға эришгач, ажиб бир тарзда кўнгли қолганлигини сезади, ўзи орзуманд бўлган эҳтирос кутганидек катта қувонч бермаганлигидан, жинсий майлини қондиришнинг ҳар қандай бошқа йўллари билан фарқи йўқлигига ҳайрон бўлади. Бундан унинг кўнгли таскин топмайди. Унинг қондирилган эҳтиросли иштиёқи бошқа истакларига ҳам шундай муносабатда бўларди, худди наслнинг индивидуумга бўлган муносабатидек, яъни чексиз нарсанинг чекланган нарсага бўлган муносабатидек. Қониқшнинг ўзи эса насл фаровонлигига қаратилган бўлиб, шу сабабли индивидуумнинг онгига кириб бормайди, бу ерда насл иродаси индивидни руҳлантиришга қаратилган, у эса ўз шахсига тегишли бўлмаса-да, наслнинг мақсади учун фидойиларча хизмат қилган. Шу сабабли ҳар бир ошиқ ўзининг буюк мақсадини бажариб бўлгач, ўзини алдангандек ҳис қилади, иллюзия йўқолади ва у туфайли хизмат қилган индивидуум наслнинг қурбони сифатида алданган бўлиб кўринади. “Шаҳватпарастликдан кўра алдамчироқ нарса йўқ”, — деб Афлотун жуда яхши фикр айтган.

Буларнинг ҳаммаси ҳайвонлар инстинктини ва уларнинг бу йўлдаги топқирлик иштиёқини ёритиб беради. Ҳайвонлар ҳам, сўзсиз, қандайдир маънода иллюзия таъсири остида алданиб, яъни шахсий лаззат олмоқчи бўлиб, ўз насли манфаати йўлида юракдан ва фидойилик билан хизмат қилади: масалан, қуш ўзича ин қуради, ҳашарот тухум қўйиш учун ўзига маъқул жой танлайди, ҳатто ўз гўмбақларига келгусида озиқ бўлиши учун зарур нарсалар қидиради; асалари, ари, чумоли ажойиб тарзда ин қуришади, ўзларининг мураккаб хўжаликларини юритишади. Сўзсиз, улар қандайдир иллюзияга бўйсуниб, ўз эгоистик мақсадларини шу иллюзия орқали насл манфаатига хизмат қилдиради.

Инстинктни амалга ошириш асосида ётган субъектив ёки ички жараёни аниқроқ тушунишда иллюзиянинг тасавури, балки ягона воситадир. Ташқи ёки объектив нуқтаи назардан қараганда, бу шундай кўринишга эга: инстинктга кучли даражада бўйсунувчи ҳайвонот, хусусан, ҳашаротларда ганглиоз, яъни субъектив нерв системаси, мия-умуртқа тизими объектив нерв системасига қараганда ривожланганроқ, шунга кўра бу жонзотлар ўз ҳаракатларида нарсаларни тўғри қабул қилишдан кўра кўпроқ субъектив равишдаги тасавури, яъни улар иштиёқ қўзғатувчи ганглиоз нерв системасининг таъсири остида бўладилар. Бинобарин, бу жонзотларни маълум иллюзия бошқаради ва ҳар қандай инстинктнинг физиологик томони шундай. Бунини тушуниш учун яна бошқа бир нарсани эслатмоқчиман: гарчи гап таъсири кучсизроқ бўлган инсон инстинкти ҳақида бўлса-да, бу ҳомиладорларда кузатиладиган иштаҳанинг инжиқлиги ҳақида, балки бу эмбрионга зарур бўлган алоҳида ва махсус озуқанинг қонга ўтадиган ва модификациялашган кўринишида пайдо бўлар, бу эса ўша заҳотиёқ ҳомиладор аёлнинг эҳтиросли иштиёқига айланар, демак, бу ерда ҳам аллақандай иллюзия келиб чиқади. Шундай қилиб, аёлларда эркакларга қараганда битта инстинкт кўпроқдир ва шу билан боғлиқ ҳолда уларнинг ганглиоз системаси эркакларга нисбатан кўпроқ ривожлангандир. Инсон бош миясининг ҳайвонотга қараганда каттароқлиги, инсонда инстинкт камроқ бўлишига хизмат қилади ва шу камроқ бўлган инстинкт ҳам осонгина бузуқликка берилиши мумкин. Масалан, жинсий қониқш объектини танлашда, инстинкт равишда инсонни бошқараётган гўзаллик ҳиссиёти хиралашиб, баччабозлик майлига айланиши мумкин: гўшт пашшаси инстинктига кўра ўз тухумини сасиётган гўштга қўйиш ўрнига “арум дракункулюс” гулига қўяди, чунки бу гулнинг ҳиди сасиган гўшт ҳидига ўхшайди.

Ҳар қандай жинсий севги асосида истак ётади, бу эса келажакда дунёга келадиган болага қаратилган бўлиб, биз бу инстинктни мукамалроқ таҳлил қилганимизда, бунга шубҳа қолмайди ва биз бунини сўзсиз кўриб чиқишимиз керак.

Даставвал шуни айтиш зарурки, эркак кишида, ўз табиатига кўра, севгида қўнимсизликка мойиллик бор, аёлда эса доимийлик мавжуд. Эркак киши ишқ

лаззатини тотигач, шу пайтдан бошлаб севгиси сусая бошлайди, деярли ҳар қандай бошқа аёл, у эгаллаган аёлга нисбатан, жозибалироқ кўринади ва у ўзгаришни кўмсайди: аёл севгиси аксинча, шу пайтдан бошлаб кучая боради. Бу эса табиат ўз олдига қўйган мақсад натижасидир: аёл севгисини сақлаб қолишдан манфаатдор, шу сабабли ўз наслини кўпайтириш имкониятига эга. Ҳақиқатан ҳам: эркак киши бир йил давомида юздан ортиқ болани дунёга келтириши мумкин, (агар унинг хизматида шунча аёл бўлса), аксинча, аёл қанча кўп эркакни билмасин, ҳарҳолда, бир йилда фақат биргина болани (эгизаклар ҳисобда эмас) дунёга келтириши мумкин. Мана шу сабабли эркаклар бошқа аёлларга кўз ташлаб юрадилар, аёл эса бир эркакка кучли боғланиб қолади, чунки табиат инстинктив равишда, ҳеч қандай рефлекссиз, келажак авлоди ҳимоячиси ва боқувчиси сифатида эрига парвона бўлади. Ва шунинг учун вафодорлик эркакда камроқ, аёлда эса — табиий, ва шундай қилиб, аёлнинг зино ишлари ўз оқибатларига кўра, объектив тарзда ҳам, гайритабиий субъектив тарзда ҳам, эркакнинг зино ишларига нисбатан анча кечирилмасдир.

Айтганларимиз қуруқ гап бўлиб қолмаслиги ва ишончли бўлиши учун бундай далилни келтириш мумкин: ўзга жинс бизга бераётган завқ, у қанчалик холис туюлмасин, аслида ниқобланган инстинкт холос, яъни ўз типини сақлашга интилаётган наслининг руҳи, бунинг учун завқ объектини танлашда бизни бошқараётган мотивлар-сабабларни аниқлашимиз, айрим алоҳида тафсилотларигача кириб боришимиз лозим, гарчи бу майда-чуйда деталлар фалсафий асарда ифодаланган бўлса-да ва галатироқ кўринса-да. Бу мотивлар қўлидаги категорияларга бўлинади: улардан бири зотий, яъни наслга тааллуқли (яъни гўзалликка), бошқалари психик хусусиятларга тааллуқли, учинчилари эса соф нисбий характерга эга ва уларнинг келиб чиқиши севишганларнинг бир-бирларини тўлдириш, бир ёқлама камчиликларни ва аномалия — келишмовчиликларни нейтраллаштиришга боғлиқ. Бу турларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Жуфт танловини белгиловчи шартлардан бири — ёш масаласи. Бу борада ҳайз кўриш даври (балоғат ёши)дан то унинг ўтиб кетишигача (климакс даври) бўлган давр, албатта бизни қониқтиради, лекин бизга жудаям маъқул бўладиган давр — ўн саккиз ёшдан то йигирма саккиз ёшгача бўлган давр. Шу чегарадан ташқарида бўлган бирорта аёл бизга жозибали кўринмайди: қари аёл, яъни ҳайз кўрмайдиган хотин бизни жиркантиради. Чиройсиз ёшлик ҳам жозибали, лекин ёшликсиз чирой — ҳеч қачон. Онгсиз равишда бизни бошқараётган мулоҳаза — албатта, бу бола кўриш имкониятидир, ундан узоқлашаётган ва маҳрум бўлаётган индивид бошқа жинс учун ўз жозибадорлигини йўқотади. Иккинчи шарт — бу соғломлик: кўз ўнгимизда кечаётган ўткир касаллик, сурункали касаллик, озгинлик бизни мутлақо жалб қилмайди, чунки у болага ўтади. Учунчи шарт — қомат, чунки насл (зот) типи шунга асосланади. Қарилик ва касалликдан сўнг қийшиқ қоматдан бошқа бирор камчилик бизни шунчалик даражада жиркантирмайди, ҳатто гўзал чеҳра ҳам унинг ўрнини боса олмайди, аксинча, хунук чеҳра хушбичим қомат билан қўшилгани маъқулроқ.

Қоматдаги ҳар қандай номуаносиблик бошқа камчиликлардан кўра бизга кучлироқ ва кўпроқ таъсир этади: масалан, маймоқлик, мункиллаш, акашаклик, калта оёқли гавдалар ва ҳоказо. Ҳатто, оқсоқланиш ҳам, агар у тасодифий ҳодиса оқибатида бўлмаса. Аксинча, ажойиб хушқомат бошқа ҳар қандай камчиликларнинг ўрнини қоплайди, чунки у бизни мафтун этади. Бежирим оёқларни барча одамлар ёқтиради — бу насл (зот)нинг муҳим белгиси: инсон икки оёқли тик юривчи ягона жонзот бўлгани учун ва бошқа жонзотларда бундай мутаносиблик бўлмагани сабабли, уларни таққослаб бўлмайди. Шунинг учун Исо “хушқомат аёлнинг чиройли оёқлари қумуш таянчга ўрнатилган олтин устунларга ўхшайди”, деган. Биз учун яна аҳамиятлиси тишлар бўлиб, улар овқатланишда муҳим рол ўйнайди ва айниқса, ирсият орқали авлодларга ўтади. Тўртинчи шарт — бу маълум даражадаги дурқунлик, яъни ўсиш функцияси, чаққон ҳаракат билан боғлиқ, у ҳомиланинг тўлақонли озикланишига таъсир қилади, шу сабабли ўта озгинлик доимо бизни ўзидан четлантиради. (Турли миллат вакиллари бу масалада фарқланади). Эркак учун аёлнинг бўлиқ кўкраклари ажойиб тарзда жозибадор кўринади, чунки аёлнинг

бола кўриш функцияси билан бевосита боғланган ва туғилган болани мўл-кўл овқат билан таъминлайди. Бошқа томондан, ўта семиз аёллар бизни жиркантиради: гап шундаки, бу хусусият бачадон атрофиясининг белгиси, яъни бепуштлиқ бўлишига ишора: буни бизнинг ақлимиз эмас, ҳиссимиз сезади. Чехра гўзаллиги бизнинг танловимизда энг охириги ролни ўйнайди. Мулоҳазакорлик даставвал юзнинг суяк қисмига бўлган эътибордан бошланади; мана шунинг учун бежирим бурунли бош диққат марказимизда бўлади; қисқа, танқайган бурун чиройни бузиб кўрсатади. Кўп қизларнинг ҳаётидаги бахтини бурнининг бироз тепага ёки пастга эгилганлиги ҳал қилган; бу адолатдан бўлиб, гап насл (зотнинг) типлари ҳақидадир. Кичик оғиз жағнинг кичиклигига асосланган, у муҳим аҳамиятга эга, чунки у инсон юзининг ўзига хос белгиларидан бўлиб, ҳайвонлар тумшугининг аксидир. Худди кесиб қўйилгандек орқага сурилган ияк жудаям ёқимсиздир, чунки олдинга бироз туртиб чиққан ияк фақат бизнинг, яъни инсон турига хос бўлган характерли белгилардан ҳисобланади. Ва, ниҳоят, чиройли кўзлар ва пешона бизнинг диққатимизни, албатта тортади, бу психик хусусиятлар, айниқса, интеллектуал белгилар билан боғлиқ, бу эса она томондан мерос.

Аёл киши онгсиз равишда эркакни танлаганда нималарни асос қилиб олиши, табиийки, бизга аниқ маълум эмас. Умуман олганда, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Аёллар 30–35 ёшлардаги эркакларни маъқулроқ кўришади, ҳатто ёш йигитларга нисбатан ҳам. Ҳолбуки, бу давр инсон гўзаллиги юксак камолга етган палла ҳисобланади. Бу ерда аёлларнинг диди эмас, балки инстинкти бошқаради, мардонавор ёш фарзанд кўриш имкониятнинг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Умуман оладиган бўлсак, аёллар чиройга камроқ аҳамият беришади, хусусан, чехра гўзаллигига, бу нарсани бўлажак фарзандига ўзлари беришга тайёр. Энг муҳими — эркак кишининг куч-қуввати ва шу билан боғлиқ жасорати, мардлиги, чунки булар ҳаммаси бўлажак фарзандларнинг соғломлиги, айни пайтда уларнинг мард ҳимоячиси бўлишини таъминлашга бўлган умид. Эркак кишининг ҳар бир жисмоний камчилиги, соғломликдан четлашуви туғилажак болада юзага чиқмаслиги мумкин (агар аёлнинг айнан шундай камчиликлари бўлмаса). Бундан фақат эркакларгагина хос бўлган, уларнинг жинсига мансуб бўлган ва она томонидан бўлажак боласига ўтказиб бўлмайдиган хусусиятларнигина чиқариб ташлаш мумкин: бунга эркакнинг скелет тузилиши, кенг елкалари, бақувват ва тўғри сонлари, мушаклари, жасорати, мардлиги, соқоллари киради. Мана шу сабабли аксарият аёллар хунук эркакларни севиб қолади, аммо ҳеч қачон жасоратсиз, номард эркакларни эмас, чунки аёл бу камчиликларни бартараф эта олмайди.

Жинсий сеvgи асосларида ётган иккинчи даражали сабаблар — булар психик хусусиятларга тааллуқли нарсалардир. Бу борада биз аёлларнинг қалбини ром этадиган эркакларнинг қалби, руҳий қадриятлари ёки характеридаги оталик меросини ташкил қилувчи белгиларини кўрсатишимиз мумкин. Айниқса, эркакларнинг ирода кучи, қатъияти, мардлиги ҳамда олижаноблиги, эзулик ишлари аёлларни мафтун этади. Эркакнинг интеллектуал бойлиги аёл учун, аксинча, инстинктив ва бевосита таъсирга эга эмас, чунки бу хислатлар отадан мерос бўлиб ўтмайди. Эркакдаги интеллектуал чекланганлик аёл фарзанди мавқесига унчалик таъсир қилмайди, аксинча, эркакдаги ақлий кучлар, ҳаттоки, даҳолик, нормал ҳодиса бўлмаганлиги туфайли, халақит ҳам беради. Мана шулар сабабли хунук, тентак ва кўпол эркаклар аёл нигоҳида маълумотли, қобилиятли, муносиб эркаклардан кўра лойиқроқ туюлади. Айрим ҳолларда сеvgига асосланган никоҳлар, руҳий, маънавий муносабатлар турлича бўлган инсонлар ўртасида тузилади, масалан, эркак кўпол, бақувват ва тўпори, аёл эса нозик-ниҳол, ҳиссиётли, нафосатли, гўзалликни нозик ҳис этувчи ва ҳоказо бўлиши ёки у — даҳо, олим, аёл эса тентакроқ бўлиши мумкин:

Ёқтиради Венера ёвуз эрмаги учун
Турли шахслар-у, турли жонларга
Темир кишанлар-ла боғлаб қўйишни.

Бу ерда бошқарувчи кучлар интеллектуалликда эмас, айнан инстинктдадир.

Никоҳ ақлли суҳбатлар қуриш учун эмас, фарзанд кўриш учун қурилади. Бу — икки дилнинг иттифоқидир, икки ақлнинг эмас. Агар аёл эркакни ақли учун севиб қолдим, деса бу ўйлаб топилган сохта ва кулгили фикр ёки тугаб бораётган шахснинг фавқуллодда ҳолатидир. Эркакларга келсак, уларнинг аёлга бўлган инстинктив севгисид аёлнинг характер хусусиятлари аҳамиятсиз: шу сабабли Сукротларнинг ўз Ксантипбалари бор: масалан, Шекспир, Альбрехт Дюрер, Байрон (ақлсиз аёлларни севган эдилар). Интеллектуал хусусиятлар, сўзсиз, бу ерда аёл учун муҳимки, улар она томонидан мерос бўлиб ўтади. Лекин, барибир, эркакларга аёлларнинг ақли эмас, жисмоний гўзаллиги зиёदारоқ ва бевосита таъсир ўтказади. Эркак нигоҳида қиз боланинг ақли ҳам муҳим эканлигини ҳис қилган ва тажрибада билган оналар эркакларга жозибали кўринишлари учун қизларини нафис санъатларга, чет тилларга ўргатишга ҳаракат қиладилар; сунъий воситалар орқали уларнинг ақлли бўлишларига ёрдамлашадилар, худди керак пайтларда шундай воситалар орқали жисмоний гўзалликларини бўрттириброқ кўрсатганларидек. Ҳақиқий севгини келтириб чиқарадиган бевосита инстинктив иштиёқ ҳақида доимо гапирётганларимни ёдда тутиш лозим.

Ақлли ва маълумотли қиз эркак кишидаги ақл ва қобилиятни қадрлагани, мулоҳазали эркак ва қаллигининг характерини диққат билан синовдан ўтказиши эса мен тушунтирмоқчи бўлан бу мавзуга ҳеч қандай алоқаси йўқ — булар ҳаммаси инсон ҳар томонлама ўйлаб бирга оила қуриши учун танлаш усули бўлиб, биз фикр юритаётган мавзуга, яъни эҳтиросли севгига бунинг алоқаси йўқ.

Шу пайтгача мен ҳар бир инсонга алоқадор бўлган фақат абсолют, асосий сабабларни кўриб чиқдим. Энди эса нисбий сабаб, яъни индивидуал сабабларга ўтамиз. Уларда насл (зот) турининг камчиликлари ва уларни тузатиш танлаётган шахс томонидан ҳисобга олинган бўлиб, турли соф ҳолга қайтариш мақсадида ҳаракат қилинади. Бу ерда ҳар ким ўзида етишмаётган нарсага меҳр кўяди. Шунга, яъни нисбий сабабларга асосланган танлов индивидуал хусусиятлардан келиб чиқади ва асосий сабаблардан келиб чиққан танловга нисбатан тайинлироқ, қатъийроқ ва фавқуллодда маъмунога эга бўлади. Шу сабабли соф маънодаги эҳтиросли севги кўпинча шу нисбий сабаблардан бошланади, оддий ва юзакироқ севги эса асосий сабаблардан келиб чиқади. Шунга боғлиқ ҳолда, одатда, эркаклардаги буюк эҳтиросларни бекаму-кўст, идеал даражадаги соҳибжамоллар кўзгатмайди. Бундай даражадаги эҳтиросли иштиёқни таъбир жоиз бўлса, қандайдир кимёвий метафора келтириб чиқаради: ҳар икки севишганлар бир-бирини нейтраллашлари зарур, худди кислота билан ишқор қўшилувидан ўртача туз ҳосил бўлганидек. Бунга зарур бўлган шарт-шароит аслида қуйидагича. Биринчидан, ҳар қандай жинсийлик — бир томонлама ривожланган. Масалан, аёл латофати бир шахсда бошқасига нисбатан кучлироқ кўринишда ва юқори даражада; эркаклик ҳам шундай, турли даражада. Шу сабабли ҳар бир аёл шахсидаги аёлликни эркак шахсидаги эркаклик хусусиятлари билан нейтраллаштириш зарур, чунки индивидуум ўзидаги бир ёқламаликни қарама-қарши бўлган бошқа бир томоннинг хусусиятлари билан тўлдиришга муҳтож. Чунки инсоният турлари бўлғуси туғилажак индивидуумга таъсир қиладиган хусусиятлар билан тўлдирилган ҳолда давом этади ва барча юқоридагилар шунга қаратилгандир.

Физиологларга маълумки, жинсий белгилар беҳисоб равишда турли даражада бўлиши мумкин: эркак киши энг жирканч қиёфадаги аёллик даражасига тушиши, аёл киши эса эркакшоода ё эркак даражасига бориши, ҳар икки томон эса хунасаликка бориб тақалиши мумкин: шу даражадаги индивидуумлар ҳар икки жинснинг ўртасини ташкил қилиб, уларни унисига ҳам, бунисига ҳам киритиб бўлмайди, бинобарин, бола туғдиришга қодир эмаслар. Биз айтиб ўтгандек, икки индивидуумни ўзаро нейтраллаштириш шунинг учун зарурки, эркакнинг маълум даражадаги эрлик хислатлари (мардонаворлик ва ҳоказо) аёлнинг хислатларига (латофати ва ҳоказо) мос тушмоғи керак, шунда ҳар икки томоннинг бир ёқламалиги ўзаро текисланади. Шу сабабли энг мардонавор эркак энг латофатли аёлни қидиради ва аксинча, худди шунга ўхшаш ҳар бир индивидуум ўз шахсига мос индивидуумга интилади.

Шу маънода икки шахс ўртасидаги зарурий мосликни улар инстинктив равишда ҳис қиладилар ва у бошқа нисбий сабаблар қатори энг юқори даражадаги севги асосини ташкил қилади. Шу сабабли севишганлар руҳан бир-бирларига мос тушганликларини айтсалар-да, кўп ҳолатларда, бу нарса уларнинг бўлажак фарзанди ва унинг мукамаллигига бўлган муносабатдаги мосликлари бўлиб, бунинг аҳамияти уларнинг руҳий мослашувларидан кўра муҳимроқ, тўйдан кейин эса, аксарият ҳолларда, чидаб бўлмас даражада номувофиқликка айлангани аён бўлади. Кейинчалик яна бунга бошқа нисбий сабаблар қўшилади.

Булар ҳаммаси ҳар бир индивидуумнинг ўзида бўлган заиф томонлари, камчиликлари ва нормал инсон туридан четга чиқишларни, бошқа шахс билан қўшилганда улар бўлгуси фарзандда қайталанмаслиги ёки бундан-да хунуклашиб кетмаслигига асосланган. Эркак мушаклари (мускуллари) қанчалик заиф бўлса, у шунчалик иштиёқ билан кучли аёлларни қидиради, аёллар ҳам худди шу йўлни тутати. Табиатан аёллар бу жиҳатдан заифроқ бўлганлари учун, улар одатда кучлироқ эркакларга мойилроқ бўладилар.

Шунингдек, жинсий севгида бўй ҳам аҳамиятга эга. Паст бўйли эркаклар қатъиян баланд бўйли аёлларга мойилроқ ва аксинча. Шу маънода кичик эркакларнинг гавдали аёлларга эҳтироси жуда кучли бўлади: агар эркак новча отадан туғилган бўлса ва она туфайли паст бўлиб қолган бўлса, унга отадан ўтган қон томирлари тизими ва қуввати бундай танани таъминлашга қодир. Агар унинг отаси ва бобоси паст бўйли бўлган бўлса, у ҳолда бу мойиллик унчалик кўзга ташланмайди. Агар баланд бўйли аёллар йирик эркакларни ёқтирармаса, буни шундай тушунтириш мумкин: бу ҳолатда иккита йирик одам бирлашса табиат жуда кучли авлод вужудга келишга ҳам йўл қўймайди ва бундай ҳолларда аёлнинг қуввати авлод қувватидан кучлироқ чиқиб, авлоди узоқ муддат чидамли бўла олмайди. Агар шундай аёл, жамиятда савлатлироқ кўриниш учун, барибир ўзига баланд бўйли эркакни танлаган бўлса, бу тентаклиги учун авлодлари азобини тортади.

Соч ранги ҳам муҳимдир. Оқ-сарик эркакларни, албатта, қора сочиллар ёки малла сочи аёллар ўзига тортади, аксинчаси камдан-кам бўлади. Бу шунинг учунки, оқ-сарик сочи, кўк кўзликлар бу табиат ҳазили (ўйини)га ўхшаб кетади, худди оқ сичқон ёки, нари борса, оқ от каби, яъни нормадан четлашиш (аномалия) ҳисобланади. Бундайлар Европадан ташқари дунёнинг бошқа бирор жойида, ҳатто кутблар яқинида ҳам учрамайди, уларнинг келиб чиқиши Скандинавиядан бўлгани аниқ. Бу ерда ўз фикримни айтай: тананинг оқ рангда бўлиши инсонлар учун табиий эмас, балки кўнғир ёки қора, худди бизнинг қадим наслимиз ҳиндилардек; дастлаб табиат бағридан бирорта ҳам оқ танли одам чиқмаган, бинобарин, оқ танлилар ирқи умуман бўлмаган, шунга қарамаздан бу ҳақда кўп гапирилади; ҳар бир оқ танли одам — бу пўст ташлаган одам. Унга ёт бўлган шимолга сурилавериб, худди иссиқхонага муҳтож бўлган экзотик ўсимликдек ҳис қилади ўзини, улар минглаб йиллар давомида оқ танлига айланган. Лўлилар — ҳиндилар уруғидан, улар тўрт юз йиллар олдин биз томонга (Германияга, Оврупага) кўчиб келишган, тана ранги ҳиндиларга хос бўлиб, аста-секин бизнинг рангимизга ўтаётганлиги уларнинг ҳозирги кўринишидир. Мана шу сабабли жинсий севгида табиат яна асл ҳолига — қора сочларга, қора кўзларга, яъни ўзининг прототипи — манбаига интилади. Оқ танга келсак, у бизни иккинчи табиатимизга айланган, лекин кўнғир танли ҳиндилардан жирканиш даражасида эмас.

Ва ниҳоят, ҳар ким ўз танасидаги алоҳида аъзоларида бўлган камчиликлар ва нормадан четга чиқиш (аномалия) ҳолларида уни тўғрилашга йўл қидиради, аъзо қанчалик муҳим бўлса, шунчалик уни яхшилашга интиладилар. Шу сабабли пучуқ бурунли одамлар қирғий бурун, юз тузилиши тўтиқушларникига ўхшашларни жуда ёқтиришади. Бошқа аъзоларга нисбатан ҳам худди шуни қузатса бўлади. Ута хушбичим, новча одамлар паст бўйли, ҳатто, букчайиброқ қолган одамларни ҳам ёқтириб қолишлари мумкин.

Темперамент — мижознинг хусусиятлари ҳам худди шунга ўхшаш тарзда таъсир қилади; ҳар бир одам ўзининг қарама-қаршиси бўлган темпераментни маъқул кўради, фақат бир-бирида бўлган хусусиятлар меъёри даражасида. Кимнингдир, қайси бир хусусияти мукамал даражада бўлса, бошқа шахсдаги ўша хусусиятнинг номукамаллиги унчалик оғир ботмайди, ҳар ҳолда бу уни

ташвишга солмайди, чунки у бўлажак фарзандини бу борада ўзи таъминлайди. Масалан, кимнингдир танаси жуда оқ бўлса, уни бугдойранг бошқа шахс жиркантирмайди, кимдир агар ўзи бугдойранг бўлса, оппоқ танлида қандайдир илоҳий гўзаллик бордек кўради.

Жуда кам ҳолларда эркак таъвия аёлни севиб қолиши мумкин, фақат жинсий майли юқори нуқтада бўлган, ушбу аёлдаги барча четга чиқишлар айнан ўзининг қарама-қаршисини акс этгирса, яъни уларга нисбатан корректив (тўғриловчи) бўлса, севиб қолади.

Аёл аъзоларини биз қанчалик чуқур ва синовчанлик билан жиддий кузатсак, аёллар ҳам ўз навбатида бизни шундай кузатадилар: бизга ёқа бошлаган аёлни кузатаётганимиздаги танқидий назар ташлашимиз; куёв келинни диққат билан разм солиб ўрганиши, алданиб қолмасмиканман, деган фикрда ҳадиксираб, унинг барча аъзоларини кузатиши, энг муҳим аъзоларининг ҳар бирига ўзича чамалаб баҳо бериши, уларнинг муносабатлари, мақсадлари жиддий бўлгани сабабли, шуни тақозо этади. Чунки она аъзоларидаги камчилик бўлажак фарзандининг ҳаёти давомида уни қийнаб келади: масалан, аёл умуртқаси бир мунча қийшиқ бўлса, бу нарса фарзандида осонгина букриликка айланиши мумкин, худди шундай таъсир бошқа аъзоларга нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Албатта, аёлни бундай қийинчилик билан танлашимиз онгсиз равишда содир бўлади, лекин аксинча, ҳар ким гўё ўзининг шахсий лаззатини кўзлаб қиляпман, деб хаёл қилади (моҳиятан эса бу ҳеч қандай рол ўйнамайди). Лекин шу онгсизликка қарамасдан, ҳар ким ўзининг шахсий тузилишига кўра, насл манфаатига мос равишда танлайди: шу ҳолат наслнинг турини имкон қадар соф сақлайди — мана шу нарса сирли топишмоқдир. Бу ерда индивидуум ўз-ўзига нисбатан онгсиз равишда ҳаракат қилади — наслнинг олий аввалияти топшириғи билан ҳаракат қилади. Гарчи ўзи индивидуум сифатида уларга бефарқ муносабатда бўлиши керак бўлса-да, ҳар бир нарсага муҳим аҳамият бериши шундандир.

Турли жинсдаги икки ёш инсонлар биринчи учрашувидаёқ бир-бирининг тузилиши ва аъзоларини бунчалик даражада синовчанлик ва диққат билан чуқур ўрганишида алоҳида, ўзига хос ҳосият бор. Бу ўрганиш ва синов, шу икки инсондан келажакда туғилиши мумкин бўлган шахс ва унинг турли хусусиятларининг комбинациялари ҳақида насл даҳосининг фикрлашидир. Икки ёшнинг қай даражада бир-бирини ёқтириб қолиши, бир-бирига бўлган ўзаро иштиёқининг кучи қандай даражада бўлиши мана шу фикрлаш натижасига боғлиқ. Маълум даражага кўтарилган иштиёқ, агар олдин билмай, кўрмай қолган нарсалар маълум бўлиб қолган тақдирда, пасайиб қолиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, насл даҳоси зурриёт кўришга қобилятли бўлган барча одамлар орқали келажак авлод ҳақида фикр юритади. Севги илоҳи Эрот, (Купидон) ўзининг барча ишларини, орзу ва фикрларини тинмасдан мана шу буюк ишга — келажак авлод яратишга бағишлайди. Насл ва ундан яратилаётган барча авлодлар манфаатининг буюклиги, муҳимлиги олдида алоҳида шахсларнинг барча манфаатларини жамлаб таққослаганда ҳам, улар олдида бу жуда арзимасдир, шунинг учун севги илоҳи ўйлаб ўтирмасдан уларни қурбон қилишга доимо тайёр. Зеро, боқий илоҳнинг ўткинчи инсонга бўлган муносабати ва манфаати, абадиятнинг лаҳзага бўлган муносабати кабидир. Бу севги манфаатига ҳам тааллуқлидир. Демак, севги илоҳи ўзининг қилаётган ишлари шахснинг шахсий фаровонлиги ва дардидан кўра олийроқ бўлгани сабабли ўзининг юксак салобати билан хоҳлаган пайтида, хоҳлаган жойида: уруш шовқин-суронларида, кундалик турмуш ташвишлари давомида, ўлат авж олиб турганда, ҳатто, монастирларнинг ёлғиз хужраларида ҳам инсон қалби ва онгидан жой олади.

Юқорида биз севги эҳтироси индивидуаллашган сари ортиб боришини кўрдик: биз ҳар иккала индивидуумнинг жисмоний хусусиятлари, насл типларини яхшироқ тиклаш имкониятини мукамалроқ бажариш, бир-бирларининг камчиликларини иккинчиси тўлдириши, шу асосда фақат бир-бирларигагина интиқ бўлишларини кўрсатдик. Бу ҳолатда жиддий эҳтирос пайдо бўлади, чунки у фақат ягона мақсадга, фақат ўшанга қаратилган бўлиб, гўё наслдан махсус топшириқ олгандек ва ундан бевосита юксак ва олижаноб туйғу олгандек ҳаракат қилади.

Оддий жинсий майл, истак эса индивидуаллашмагани (бир шахсга қаратилмагани) сабабли, барчага қаратилган бўлади ва фақат насли сон жиҳатидан кўпайтиришга асосланиб, сифат жиҳатига эса эътиборсиз бўлади.

Севги индивидуаллаша борган сари ва шу билан бирга чуқурлашган сари, у шу даражадаги юксакликка эришадики, агар у қониқтирилмаса, дунёнинг барча фаровонлиги, ҳатто, ҳаёт ҳам ўз қимматини йўқотади. У ҳолда бу иштиёқ шу даражада кескинлик чўққисига кўтариладики, у туфайли биз ҳар қандай қурбон беришга тайёرمىз ва буни амалга ошириш узил-кесил рад қилинган бўлса, биз шунчалик даражада телбаликка ёки ўз жонимизга қасд қилишга мойил бўламиз. Бу ўта юксак даражадаги эҳтирос асосида, балки, бизга унчалик аниқ бўлмаган, англаш доирасидан ташқари, аллақандай бошқа сабаблар ётар. Шу боис биз нафақат жисмоний боғловчи сабаблар борлигини, балки, эркакнинг хоҳиш-иродаси билан аёлнинг интеллекти ўртасида ўзаро, алоҳида муносиблик мавжудлигини тан олишимиз лозимки, оқибатда айни шу жуфтликдан насл даҳоси танлаган, аммо бизга номаълум бўлган, лекин ҳар бир нарсанинг ички моҳиятини ташкил қилган асосларни назарда тутган ҳолда, белгиланган шахс дунёга келиши мумкин. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, ҳаёт хоҳиш-иродаси маълум бир индивидуумда объективлашиб, фақат ўша ота ва ўша онадан дунёга келиш истагидир. Бу эса хоҳиш-ироданинг метафизик интилиши бўлиб, тирик мавжудотдан фақат бўлажак ота-она қалбинигина макон қилади, шу сабабли улар гўё ўзларининг ишқий талпинишлари, ўзлари истаги билан бўлаётгандек ҳис қиладилар, аслида эса бу хаёлий мақсаддир, яъни воқеликдан ташқаридадир.

Шундай қилиб, барча мавжудотнинг бошланғич негизидан чиқиб келаётган бўлажак индивидуумнинг талпиниши, яъни унинг борлиқ оламига кириб келишга интилиши — бу бўлажак ота-онанинг, бошқа нарсаларни назарга олмасдан, фақат бир-бирига бўлган эҳтиросинигина тан олиши — бу беқиёс даражадаги иллюзиядир ва бу йўлда ошиқ фақат шу аёл билангина қўшилиш учун дунёнинг барча фароғатини беришга тайёр, аслида эса у аёл ўша эркакка ҳар қандай бошқа бир аёлдан кўра кўпроқ нарса бера олмайди. Бор гап шу қўшилишда эканлигини шундан ҳам билса бўладики, ўша юксак эҳтирос, бошқа эҳтирослар каби, лаззат огушида сўниб қолади.

Аёлнинг бепушт бўлиши эҳтимоли ҳам бу эҳтиросни сўндиради ва жинсий қовушишнинг ҳақиқий метафизик — самовий мақсадини бузиб ташлайди. Ҳар кун миллионлаб ҳомиланинг топталиши ҳам бу йўлдаги йўқотишдир: ҳаётга бўлган чексиз ва чегарасиз хоҳиш-иродадан бўлақ, демакки, борлиққа қайтишнинг интиҳосиз имкониятидан бошқа, таскин берадиган нарса йўқ.

Гарчи Теофраст Парацельс бу мавзуну муҳокама қилмаган ва менинг бу қарашларимдан анча узоқ бўлса-да, баъзи фикрларига қараганда у ҳам севгига дуч келган. Бу ҳақда у тартибсиз, тарқоқ баъзи фикрларни билдирган. “...Ҳазрати Довуд гарчи Вирсавияга эҳтиросида зинога йўл қўйган бўлса-да, у Тангри иродаси туфайли бу соҳибжамолга қўшилди, чунки Сулаймон фақат улардангина туғилиши мумкин эди, бошқа бировлардан эмас”. Барча замонларнинг шоирлари тинмасдан, турли оҳангларда чексиз куйлаб келишаётган ва ҳали-вери тугамайдиган, инсон англашга ожиз бўлган севги соғинчи — бу маълум бир аёлни тасаруф этиш билан ўтказиладиган чексиз лаззат тасаввури, унга етишга олмаслик қайғуси билан уйғунлашиб, севгининг еңгиб бўлмас соғинчи ҳамда қайғусига айланади ва у бир индивидуумнинг зарурияти доирасига сиғмай қолади — бу эса насл даҳосининг оҳ-зори бошқа ҳеч нарса ўрнини босолмайдиган ўз мақсадига етиша олмасликни кўриб туриб, чеккан нолаасидир.

Фақат наслининг ҳаётигина чексиздир, шу сабабли фақат ундагина чексиз истак, чексиз қониқиш ва чексиз қайғу бўлиши мумкин. Самовий ва чексиз қудратли севги ўткинчи бир жонзотнинг тор кўкрагига жо бўлиб, баъзан у бу чексизликларни кўтара олмай, этиёжига етишиш учун йўл топа олмай, ичига сигдира олмай, портлаб кетса, не ажаб?

Ҳар қандай эротик поэзиянинг юксак намуналарига мазмун касб этган худди мана шу ҳолат бўлиб, трансцендентал (самовий) метафораларда акс этади ва фоний дунё узра боқий куй бўлиб янграйди. Петрарка мана шу ҳақда куйлаган, шундай самовий севги Сен Пре, Вертер ва Жакопо Ортизиларга мавзу бўлган, акс ҳолда уларни тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмасди. Зеро,

севимли аёлдаги руҳий, реал ва зотан муқаррар бўлган устунлик, маҳбубамизни чексиз даражада кўкларга кўтариб, юксак баҳо беришимизни кўтара олмайди ва яна шунинг учунки, аксарият ошиқ, ўз маҳбубасини етарли даражада билмайди ҳам. Худди Петрарка билан шундай бўлган. Фақат насл руҳигина, аёл кишини бир кўришда ўз мақсади учун қанчалик мос эканлигига баҳо бера олади. Буюк эҳтирослар, одатда, биринчи кўришдаёқ пайдо бўлади:

“Биринчи кўришдаёқ севиб қолмаган одам, умуман севганмикан?” (Шекспир. “Бу сизга ёқадими?”). Шу маънода Маттер Алеманнинг икки юз эллик йилдан бери китобхонларга машҳур бўлган “Гузман де Альфараш” романида бу ҳақда яхши айтилган: “Севиб қолиш учун кўп вақт керак эмас, фикр юритиб, танлаб ўтириш ҳам керак эмас, фақат биринчи кўришдаёқ нигоҳида ўзаро муносиблик, ҳамдардлик пайдо бўлиши зарур. Кундалик ҳаётда буни қон тортиши дейилади ва бунинг учун юлдузлар туркуми алоҳида жойлашуви керак”. Мана шу сабабли, севгилисидан жудо бўлиш, севгилисининг рақиби томонидан ўғирланиши, ўлим туфайли уни йўқотиш, эҳтиросли ошиқ учун бундан-да қайгули бўлган бирор ҳодиса йўқ. Бу қайгу самовийдир, чунки у инсонни оддий бир шахс сифатида эмас, балки унинг насл ҳаётидаги азалий ва абадий моҳиятини яксон қилади, насл хоҳиш-иродасини ва алоҳида топширигини ўз севгиси орқали бажарётган ошиқни қайгуга ботиради. Севикли аёлдан воз кечмоқ – мисли кўрилмаган даражада қурбон бермоқдир – шу сабабли рашк олови шу даражада қийноққа солади ва газаб қўзғатади. Ошиқ ҳар қандай оҳ-воҳдан уялса-да, севги масаласига келганда, уят-андиша ва шарм-ҳаёни йиғиштириб қўяди, чунки унинг бу нолаю фиғони – насл руҳининг нолаю фиғонидир. Кальдероннинг “Буюк Зиновий”сида Деций айтади:

Сен мени севасанми? Оҳ, фалак,
Бунинг учун мен минглаб галабадан кечаман,
Ҳатто жанг майдонини ҳам ташлаб кетаман.

Шундай қилиб, ҳар қандай манфаатдан устун турган ор-номус, севги кириб келиши билан, жанг майдонини дарҳол тунга бўшатиб беради, зеро севги – насл манфаатидир, чунки у битмас-туганмас қудратга эга, шахсга тааллуқли ҳар қандай манфаатдан устун туради. Инсонни ҳар қандай васвасадан ҳимоя қилиб турган номус ҳам, мажбурият ҳам, вафо ҳам, ҳатто ўлим хавфи ҳам, насл манфаати олдида чекинади.

Инсон шахсий ҳаётига назар солсак, кўпинча севги масаласида виждонсизликка йўл қўйилади, эҳтиросли севги исканжасига тушган ҳақгўй ва ор-номусли одамлар ҳам, насл манфаати йўлида, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан виждонидан воз кечади, оиласига хиёнат қилади, Улар бу ҳолатдан қутулиш ва ҳаракатларини оқлаш учун ўзларича буюк сабабларни ўйлаб топадилар ва рўкач қиладилар, чунки бу ерда алоҳида шахс манфаатлари эмас, балки насл манфаатларига хизмат қиладилар. Бу борада Шамфорнинг ажойиб фикри бор: “Агар эркак билан аёл ўзаро кучли эҳтирос сезса, менимча, уларни жудо қилувчи ҳар қандай тўсиқлар (эри, қариндошлари ва ҳ.к.) бўлишидан қатъи назар, севишганлар табиат томонидан бир-бирларига аталган ва жамиятдаги қонун-қоида, турмуш шарт-шароитларига қарамасдан, ўзларини висолга муносиб, ҳақли деб ўйлайдилар. Ким бунга норозилик билдирса, “Инжил”даги Халоскор (Исо Масих) гуноҳкор аёлга кўрсатган ажойиб мурувватни эсласин”. У, йиғилганларнинг ҳар бирида шундай айб борлиги эҳтимolini назарда тутган. Шу маънода “Декамерон”нинг аксарият қисми насл даҳосининг шахс ҳуқуқлари ва манфаатлари устидан заҳархандалик билан кулиши ва оёқ учидан кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Насл даҳоси севишганлар ўртасида гов бўладиган ижтимоий тенгсизлик ва бошқа фарқларни осонликча баргараф қилади: сон-саноқсиз келаётган бўлажак авлодлар яратиш йўлидаги мақсадини амалга оширишда одамлар ўйлаб топган турли қоидалар ва шарт-шароитларни, худди хасдек, пуфлаб ташлайди. Кўрсатилган туб асосларга кўра, эҳтиросли ошиқлар интилишларида, гап мақсад ҳақида кетганда, одам ҳар қандай хавф-хатарга қарши бора олади, ҳатто, бўш, уятчан, қўрқоқ одам ҳам мардга айланади. Худди шунга ўхшаш, санъат ва

романларда (бадий асарлар)да, ёш қаҳрамонлар ўз севгилари, тўғрироғи, насл манфаати учун курашиб, фақат шахс фаровонлигини ўйловчи қариялар устидан галаба қозонганларини қизиқиш ва қувонч билан кузатамиз, зеро, шахсга нисбатан насл қанчалик муҳим бўлса, ошиқларнинг интилишлари, унга қарши бораётган интилишлардан кўра муҳимроқ, юксакроқ ва адолатлироқдир. Шу сабабли насл даҳосининг ўз мақсад ва манфаатлари билан бирга пайдо бўлиши, ҳар қандай трагедия ва комедиянинг асосини ташкил қилади. Комедияда севги тасвирланган шахсларнинг манфаатларига зид бўлиб, улар бахтини бузишга таҳдид қилади. Одатда, насл даҳоси ўз мақсадларига эришади ва бу бадий ҳақиқатга мос тушади, томошабинни қониқтиради, чунки у насл мақсадлари шахс манфаатларидан юқорироқ эканлигини ҳис қилади. Ошиқларнинг галабасидан қаноат ҳосил қилган томошабин охири пардадан сўнг театр тинчгина тарқ этади, чунки у, қаҳрамонлар ўз бахтининг асосини қурганлиги қувончини баҳам кўради. Аслида эса улар, кексалар қўллаган чораларга қарамасдан, насл фаровонлиги учун бахтини қурбон қилган бўладилар.

Айрим сохта комедияларда шахс бахтини соддалаштириб, насл мақсадига хилоф равишда тасвирлаш, яъни барча ишларни тескарисига айлантириб кўрсатиш ҳоллари учрайди, у ҳолда шахс эришган кадр-қимматсиз бахт насл даҳосини қайғуга ботирганлигини томошабин ҳис қилади. Бу турдаги асарларга мисол қилиб анча машҳур бўлган иккита кичик пьесани келтириш мумкин: “16 ёшли қиролича” ва “Ҳисоб-китобли никоҳ”ни. Севги можаролари акс эттирилган кўпчилик трагедияларда насл мақсадларини амалга оширишда қурол бўлиб хизмат қилган ошиқлар ўз ниятларига эриша олмайдилар ва ҳалок бўладилар: масалан, “Ромео ва Жульетта”, “Танкред”, “Дон Карлос”, “Валленштейн” “Мессиналик келин” асарларида шундай.

Севиб қолган эркак, кўпинча, кулгили вазиятларга дуч келади. Айрим пайтларда, фожиавий ҳолларга ҳам тушади: унисининг ҳам, бунисининг ҳам сабаби шуки, ошиқ насл руҳи таъсирида васвос бўлиб, тўлалигича унинг ихтиёрига банди бўлади, ўз-ўзини бошқара олмай, қилмишлари ақлий ҳаёт моҳиятига тўғри келмай қолади. Агар, севги юқори босқичларга кўтарилганда, унинг фикри юксак ва поэтик рангларга бурканган бўлса, агар у трансцендентал – самовийлик ва гайритабиийликка қараб йўналса ва шунга кўра у мутлақо ўзининг табиий мақсадини кўздан қочирса, энди бу ҳолатни насл даҳоси томонидан илҳомлантирилган, деб тушуниш мумкин, бу эса индивидуумга тааллуқли бўлган барча масалалардан чексиз даражада муҳимроқ. Бундай севги инсонни ноаниқ ва узоқ муддатлар давомида кетма-кет келувчи бўлажак зуррётларнинг ҳаёти асосини барпо қилиш учун илҳомлантиради. Индивидуал тарзда қатъий белгиланган хусусиятлари ва бошқалардан шу билан фарқланувчи алоҳида, ўзига хос маълумотга эга бўлган белгиларини ота сифатида фақат ошиқдан, она сифатида фақат унинг маъшуқасидангина, (бошқадан эмас), оладиган зурриётлар дунёга келадилар акс ҳолда улар вужудга келмаган бўлардилар, қолаверса, ўртада ироданинг ҳаётда ўзини кўрсатиши ҳам қатъиян шунга талаб қилади.

Севишганлар шу воқеаларда энг муҳим ва самовий ҳодиса юз бераётганлигини элас-элас англаши, уларни турмуш ишларидан, ҳатто ўзлigidан ҳам, шу даражада юксакликка кўтарадик, уларнинг табиий истаклари гайритабиийлик либосига ўралади, энг тўпори одам ҳам ўзини шоирона кайфиятда кўради (бу аҳвол кўпинча кулгили ҳолатларга олиб келади). Мана шу ҳолат борлиққа келаётган насл истак-иродасининг топшириғи бўлиб, гўё ошиқ онгида бўлажак лаззатни гавдалантириб, фақат маҳбубаси билан қўшилгандагина чексиз кайф-сафо олиши мумкинлигини тасаввур қилдиради. Севгининг олий босқичларида бу орзу шу даражада порлоқ кўринадики, агар у амалга ошмаса, ҳаёти ўз жозибасини йўқотади, бўм-бўш, ёқимсиз, жирканч нарсага айланадики, бу ўлим хавфидан ҳам ошиб тушади ва шу ҳолатда у, кўпинча ихтиёрий равишда ўз ҳаётига чек қўяди. Бундай одамнинг истак-иродаси насл иродасининг пўртанасига тушиб қолади, бошқача айтганда, насл истак-иродаси шахс истак-иродаси орқали ўз мақсадини амалга ошира олмаса (ниятига ета олмаса), ундан жирканиб, юз ўгиради. Маълум бир севиқлига қаратилган насл иродасининг чексиз соғинчини шахс ўзига сиғдира олмай қолади, бунга ожизлик қилади. Мана шунинг учун бундай ҳолларда ошиқ

ўзини ҳалок қилади, айрим ҳолларда, ошиқ-маъшуклар биргаликда ҳалок бўладилар: бунга фақат табиатгина тўсқинлик қилиши мумкин, бу ҳам бўлса, телбалик уларни ўлимдан сақлаб қолади, яъни умидсизликка тушган инсон онгини сеvgи ўз занжири билан боғлаб қўяди. Айтганларим ҳақиқини ҳаётда бўлиб турган воқеалар тасдиқлайди.

Нафақат қонмаган сеvgи, балки қонган сеvgи ҳам айрим пайтларда, фожиаларга сабаб бўлиши мумкин, қонган сеvgи, етишув, кўпинча бахтдан кўра бахтсизликка олиб боради. Зеро, ишқ савдоси ошиқнинг шахсий фаровонлиги билан тўқнаш келиб, уни бузиб ташлайди, чунки фаровонлик асосига қурилган шахсий ҳаёт режаларининг бу ишқ савдоси билан боғланган жойи йўқ. Севги нафақат ташқи ҳолатлар билан зиддиятларга боради, ҳатто инсоннинг ўзлиги билан ҳам тўқнаш келади, чунки эҳтирос жинсий муносабатлардан ташқари, унинг моҳиятларига ҳам қаратилган бўлади, яъни ошиқда айниш, нафратланиш, ҳатто, тўғридан-тўғри жирканиш ҳисларини ҳам кўзгатади. Лекин насл истак-иродаси индивидуал хоҳиш-истаклардан шунчалик даражада қудратлики, ошиқ ўзига ёмон кўринган хусусиятлардан кўз юмади, уларни кўрмайди, англамайди ва эҳтирос манбаи билан умрбод қўшилади: бу иллюзия ошиқ кўзини кўр қилиб, насл истак-иродасини қониқтирган заҳоти, йўқолади ва ўрнига нафратли умр йўлдошини қолдиради. Жуда ақлли ва буюк эркаклар, акарият, аёл тимсолига айланган иблисона, қабих махлуқлар билан қўшилишини шу билан изоҳлаш мумкин ва шунда биз, қандай қилиб улар шунга ўхшашларни танлаганликларига ҳайрон бўлаемиз. Шу сабабли қадимгилар Амурнинг кўзини ожиз қилиб тасвирлар эдилар. Ошиқ ўз қаллигининг мизожи ва хулқ-атворидаги чидаб бўлмайдиган нуқсонларни аниқ кўриб-билиб, келажакда ҳаёти бахтсиз бўлишини сезиб турса-да, бундан кўрқиб ўтирмайди:

Қайғурмайман нуқсонинг кўриб,
Айбинг не деб сўрамайман ҳам.
Шу борлигинг мен учун азиз,
Сени севганимни биламан.

Зеро, аслида ошиқ ўз манфаатига эмас, ҳали дунёга келмаган қандайдир учинчи бир шахс манфаатига хизмат қилади, гарчи у ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгандек кўринса-да, у ҳали иллюзия, орзу-хаёл таъсирида бўлади.

Шахсий манфаатни кўзламаган мана шу интилиш эҳтиросли сеvgидаги барча буюк хислатлар мазмунини белгилайди, уни юксакларга кўтаради ва муносиб тарзда поэтик ижоднинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ниҳоят, жинсий сеvgи ўз манбаига бўлган кучли нафрати билан ҳам чиқишиб кетаверади: мана шунинг учун Афлотун жинсий сеvgини бўрилар билан қўйлар ўртасидаги сеvgига ўхшатган эди. Эҳтиросли ошиқ, барча уринишлари ва ялинишларига қарамасдан, сеvgилисини ўзига оғдира олмаса, нафрат тугилади: “Уни севаман ва ундан нафратланаман” (Шекспир).

Севган аёлга бўлган нафрат, айрим ҳолларда, шу даражага етиши мумкинки, ошиқ ўз маъшукасини, кейин эса ўзини ўлдириши мумкин. Ҳар йили шунга ўхшаш ҳодисалар бир неча марта бўлиб туришини газеталардан ўқинг. Гётенинг қуйидаги шеърий сатрлари мутлақо тўғри:

Рад этилган сеvgим ва яна —
Дўзах қаъри билан онт ичаманки,
Лаънатлайин десам уни яна кучлироқ,
Севгилимни қоралашга ожиз эрурман...

Хушторининг изтиробларини гурур билан роҳатланиб кузатиб турган аёлни ёвузларча совуққон (ёвуз қор маликаси), деб айтилган таъна унчалик муболаға эмас. Зеро, ошиқ шундай кучлар таъсирига тушиб қолганки, ўз мақсадига етишиш йўлида бошқа бирор нарсани назар-писанд қилмайди, соғлом ақлга тўғри келмайдиган даражада қайсарлик ва хиралик билан, огишмай шу йўлдан бораверади: бошқача йўл тута олмайди. Дунёда Петрарка яккаю ёлғиз эмасди:

Петраркалар жуда кўп, улар қонмаган севги соғинчини оғир кишанлардек умрбод кўтариб юрганлар ва ёлғизликда оҳ-нолаларини тўкиб солганлар. Аини пайтда Петраркани поэтик даҳо тарк этмаган, Гётенинг ажойиб шеърий сатрлари унга тааллуқлидир.

Бу азоблар соқов қилиб қўяр инсонни,
Лек дардларим айтиш учун Тангрим истеъдод берди.

Амалда насл даҳоси шахсларнинг соғлигини асровчи даҳолар билан доимий равишда кураш олиб боради, насл даҳоси уларнинг душмани ва таъқибчисидир; у шахсий бахтини аёвсиз равишда яксон қилишга доимо тайёр: ўз мақсадини амалга ошириш йўлида, ҳатто, бутун бошли халқлар ҳам унинг инжиқликлари қурбони бўлган: бунга мисол Шекспирнинг “Генрих VI” асари. Буларнинг барчаси зурриётимизнинг асл жавҳари бўлган насл руҳи айрим шахсга қараганда бизга яқинроқ ва бизда ҳаққи борлигида: мана шунинг учун ҳаётимизда насл манфаати юксақроқ. Буни қадимгилар ҳис этганлар ва насл даҳосини Купидон (Эрот) тимсолида акс эттирганлар: у кўринишидан болага ўхшаса-да, аслида у билан чиқиша олмайдиган, шафқатсиз, шу сабабли ҳаёсиз, инжиқ, иблисмонанд, аини пайтда илоҳлар ва инсонлар ҳукмдори бўлган маъбуд сифатида тасвирланган: “Сен, Амур, илоҳлар ва инсонлар зўравони”.

Жон олгувчи камон, басирлик, қанот – унинг аломатлари. Охиргиси қўнимсизликка ишора: қониқиш оқибатида ҳафсаласи пир бўлгач, қўнимсизлик пайдо бўлади.

Эҳтирос шахс учун қимматли бўлган иллюзия, хаёлий орзу асосига қурилган, насл учун ҳам бу орзу қадрли ва насл даҳоси мақсадига эришгач, маъшуканинг мафтункорлиги йўқолади. Шахсиятни эгаллаган насл руҳи, энди уни озодликка чиқаради, ундан қутулган шахс яна ўзининг дастлабки ҳолига тушади: чекланган, камбағаллашган аҳволига қайтади; кўтаринкилик билан, қаҳрамонларча чексиз изланишлардан кейин топгани кўнгилдаги натижаларни бермагани, жинсий иштиёқини оддийгина усулда қондирганидан ҳайрон бўлади; кутганига қарши ўлароқ, ўзини олдиндан бахтлироқ сезмайди. Насл истак-иродаси уни алдаганлигини фаҳмлайди. Мана шу сабабли бахтга эришган Тезей ўз Ариаднасини оддийгина тарк этади.

Агар Петрарканинг эҳтироси қондирилганда эди, шу пайтдан бошлаб унинг қўшиги тинган бўлур эди, худди тухум қўйган қушнинг сайраши тингандай.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки, менинг бу назариям, севги эҳтиросининг домига тушганларга ёқмаса керак, лекин ҳарҳолда, ҳақиқатни топиш мақсадида келтирилган сабаблар эҳтирос устидан галаба қозониш учун, бошқалардан кўра кўпроқ ёрдам берса керак. Қадимги масхарабознинг: “Ақлга зид ва меъёрдан ошган ҳар қандай нарса олдида ақл ожиздир” деган нақли ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ, албатта.

Севги асосида тузилган никоҳлар шахс эмас, насл манфаати йўлида қурилгандир. Тўғри, севишганлар гўё ўз бахти-истиқболлари томон бораётганлигини фикр қилади, амалда эса севгининг асл мақсади уларга бегона, чунки асл мақсад фақат улардангина бўладиган зурриёт қолдиришда. Шу мақсадда бирлашганлар, кейинчалик бир-бирлари билан яшаб кетишлари ўзларига боғлиқ; эҳтиросли севги моҳиятини ташкил қилувчи иллюзия асосида турмуш қурганлар кўп ҳолларда, бошқа муносабатларга келганда, фикрлари турлича бўлади. Бу эса зарурият туфайли, иллюзия тарқаганда аниқланади.

Шунинг учун севги асосида тузилган никоҳлар, одатда, бахтсиз бўлади: ҳозирги авлод келажак авлоднинг фаровонлиги учун унга ўзини қурбон қилади. “Ким севиб уйланса, ҳаёти хафагарчиликда ўтади”, – дейилади испан мақолида. Кўпинча, ота-она танлаб ўтказилган никоҳда, яъни ҳисоб-китобли никоҳда, ишлар бутунлай тескариси бўлади. Бу ерда ота-онанинг фикри, қай турда бўлмасин, воқеликка асосланади ва ўз-ўзича чиппақка чиқмайди. Бундаги ўй-фикрлар ҳозирги авлод фаровонлигига қаратилган бўлади. Тўғри, келажак авлод зарарига ҳам бўлиши мумкин. Лекин ҳозирги авлод фаровонлиги барибир, муаммоли бўлиб қолаверади. Ўз мойиллигига қараб эмас, манфаат асосида уйланаётган эркак, кўпроқ ўз наслининг ҳаётини эмас, балки ўз шахсининг

ҳаётини ўйлаб яшайди, бу эса ҳақиқий олам моҳиятига қарши бўлиб, қандайдир нотабиий ҳисобланади ва маълум даражада нафрат уйғотади.

Ота-она маслаҳатига қулоқ солмасдан, бой ва ёши катта одамнинг таклифини рад этиб, ҳар қандай қонун-қоида ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни четга улоқтириб, ўз қалби интилишига асосланиб ёр танлаган қиз ўзининг шахсий фаровонлигини насл фаровонлигига қурбон қилади. Айнан шунинг учун бу қизнинг қарорини маъқулласан ҳам бошқа илож йўқ, чунки у муҳимроқ нарсани лозим топди ва табиат (тўғрироғи — насл) руҳида иш кўрди, ота-онанинг маслаҳати эса индивидуал эгоизм руҳи билан сўғорилганди.

Бу ишлардан шундай хулосага келиш мумкин, никоҳ тузилганда ё ўз шахси, ё насл манфаатларидан воз кечиш керак. Ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда шундай бўлади, чунки эҳтиросли севги билан ҳисоб-китобли фикр-мулоҳазаларнинг бир жойдан чиқиши камдан-кам учрайдиган бахтли тасодифдир.

Агар кўпчилик одамлар жисмонан, ахлоқан ва ақлан қанчалик ожиз бўлса, буни қисман шундай изоҳлаш мумкин: одатда никоҳлар бевосита танлаш ва мойилликка асосланиб эмас, балки турли ташқи фикр-мулоҳазалар ва тасодифий ҳолатлар таъсирида тузилади. Агар ҳисоб-китобли никоҳда, маълум маънода, шахсий мойиллик ҳам эътиборга олинса, у ҳолда насл даҳоси билан келишилгандек бўлиши мумкин. Маълумки, бахтли никоҳлар камдан-кам учрайди: никоҳнинг моҳияти шундаки, унинг бош мақсади ҳозирги авлод эмас, келажак авлоддир.

Севишган, нафис қалбларга тасалли бериш учун қўшимча қиламан: баъзан эҳтиросли жинсий севгига бошқа бир ҳиссиёт ҳам қўшилиши мумкин, яъни қарашлари, фикрлари бир жойдан чиқиб, шунга асосланган ҳақиқий дўстлик қўшилади. Айтгандай, бу ҳолат, аксарият, қониқтирилган эҳтирос сўниб қолганда пайдо бўлади. Кўпчилик ҳолатларда ҳар икки индивидуумнинг жисмоний, ахлоқий ва интеллектуал хусусиятлари бир-бирларини тўлдирса, ўзаро муганосиб бўлса ва зурриёт манфаатлари асосида жинсий севги туғилган бўлиб, шу хусусиятлар бир-бирларидаги қарама-қарши мизож ва ақлий савияни тўлдириб, қалблари уйғунлашган бўлса, бундай жуфтлар бахтли яшай оладилар.

Бу ерда баён қилинган севги метафизикаси менинг метафизикам билан, албатта, яқин алоқада ва уни ёритиб бериши ҳақида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Келажак авлоднинг алоҳида шахсий хусусиятларини белгилашда, инсон қанчалик даражада жиддий иштирок этганлиги ўз жинсий майлини қондириш учун севгининг беҳисоб даражадаги босқичларини танлаши билан боғлиқдир. Бу ажойиб тарздаги қатнашув, мен олдинги бобларда баён қилган икки ҳақиқатни тасдиқлайди: 1. Инсоннинг парчаланмас ички моҳияти (руҳи) келажак авлодларда яшашни давом эттиради. Зеро, бу тирик инсон вужудининг жондидан қатнашуви ва у олдиндан фикр юритиб ният қилишидан пайдо бўлмайди, балки инсон руҳи, моҳиятининг энг яширин тубларидан келиб чиқади. Мана шу ботиний интилиш йўқолувчи, ўткинчи эмас, абадийдир, агар абадий бўлмаганида бу интилиш шу қадар қудратли, яшовчан бўлиб, инсон қисматига шу қадар қудратли ҳукмронлик қила олмаган бўлур эди. 2. Инсоннинг ички моҳияти (руҳи) шахсда эмас, балки насл руҳида кўпроқ бўлади. Ҳар қандай севги муносабатларининг асоси — ўткинчи майлдан бошлаб, то жиддий эҳтиросгача — наслнинг алоҳида хусусиятларига бориб тақалади ва ҳар бир шахснинг ҳаётида жиддий иш ҳисобланади: бу борадаги бахт ёки бахтсизлик инсоннинг энг наздик ҳиссиётларига таъсир қилади, шу сабабли бундай ишлар юрак сирлари (ишқ савдоси) дейилади. Агар насл руҳи манфаати қатъий ва кучли бўлса, у ҳолда шахснинг фақат ўзига қаратилган бошқа ҳар қандай манфаати, зарур бўлган тақдирда, шу йўлга қурбон қилинади. Бинобарин, инсон ўзи учун ўз манфаатидан кўра насл, авлод манфаати муҳимроқ эканлигини тан олганида севги эҳтирослари енгилмас қудрат касб этади.

Нима сабадан ошиқ ўз ёрига ўртаниб, завқланиб қараб, нигоҳи тўймайди ва унинг учун ҳар қандай бошқа манфаатлардан воз кечишга тайёр? Чунки севги завқи инсон руҳининг ўлмас жавҳарларидандир, бошқа ҳаваслари эса унинг ўткинчи вужудидан пайдо бўлади. Шундай қилиб, эркак кишининг маълум бир аёлга қаратилган завқли ва ўтли нигоҳи — моҳиятимиз асл негизининг парчаланмас асоси ва наслдаги боқийлигимизнинг бевосита гаровидир. Бу

боқийликни арзимас ва аҳамиятсиз, деб ҳисоблаш хатодир. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, зурриётимизда давом этаётган ҳаётимиз деганда ўзимизга ўхшаш келажак авлодларнинг борлиқдаги ҳаётини тушунмоғимиз лозим. Бу асло, авлодлар бизнинг ўзимизни айнан такрорлайди дегани эмас; бу тушунча эса ўз навбатида ташқи дунёга қаратилган билимимиз орқали наслимизнинг ташқи қиёфасинигина тасаввур қилишдан келиб чиқади, лекин ички моҳиятидан эмас.

Мана шу ички моҳият бизнинг шууримиз мағзини ташкил қилади, шу сабабли шууримиздан кўра бизга бевосита алоқадор, яъни ичиндаги ичиндадир. Бу жавҳар, моҳият ҳозир яшаётган шахслардами, келгусида яшовчи авлоддами, кетма-кет ёки бир вақтнинг ўзида мавжудми, бундан қатъи назар, бу ички моҳият – ҳаётга, яъни ҳозирги ҳаётимизга ҳам, келажак ҳаётимизга бўлган истак-иродадир. Шу сабабли беаёв ўлим унга ета олмайди.

Бошқа томондан, бу ички моҳият, бу ҳаётга бўлган истак-ирода ҳозирги ҳолатдан бошқа яхшироқ ҳолат топа билмайди: шу сабабли ҳаёт билан бирга келаятган узлуксиз изтироб ва шахснинг ўлими муқаррар. Изтиробдан қутулиш – ўлим билан баробар. Севги изтиробларисиз яшаш мангу ҳаётга бўлган истак-иродани рад этиш ва шу орқали насл дарахтидаги ўз шохини кесиб ташлаш ва ўз борлигини тўхтатиш, демакдир. Шундан кейинги ҳаёт истак-иродаси нима бўлишини аниқлаш учун бизда тушунча ҳам, маълумот ҳам йўқ. Бу ирода ҳаёт иродаси бўладими ёки йўқми, у эркин ҳолатдаги қандайдир нарса бўлиши мумкин. Бу ҳолатга буддизмдаги нирвана сўзини қўллаш мумкин. Бу охириги нуқта, бундан кейингиси инсон онги ва билимидан ташқаридадир.

Шу абадий ҳаёт жавҳари нуқтаи назаридан биз кундалик ҳаётимизга бир нигоҳ ташласак, ҳар биримиз турмуш ташвишларини елкамизга ортқилаб, беҳисоб, майда-чуйда муаммоларимизни ҳал қилиш учун изтиробга тушиб, гам-қайгу чекиб, бор кучимизни сарфлаб, бунинг учун арзимас нарсаларга эришишни умид ҳам қилмасдан, тирикчилик деб аталмиш қийноқлардан иборат шахсий ҳайтимизни сақлаш учун уринаётганимиз маълум бўлади. Шунга қарамасдан бу серташвиш, гала-говурли ҳаётимизда севишганларнинг ўтли нигоҳларини сезиб қоламиз, лекин нима сабабдан улар зимдан, қўрқа-писа сирли нигоҳ ташлайдилар? Чунки бу севишганлар – жўн одамлар назарида исёнчилардир ва улар азоб-уқубатларга тўла, аччиқ турмушни ҳаёт деб аталмиш борлиқда яна такрорлашни, давом эттиришни зимдан мақсад қилиб олганлар. Агар истак-ирода бўлмаса, ер юзида, инсон зоти камайиб, йўқолиб кетиши мумкин эди. Ошиқлар бунга йўл қўймайдилар. Худди ажлодларимиз ҳам бунга йўл қўймаганларидек.

*Рус тилидан
Маҳкам МАҲМУД,
Абдунаби АБДУЛҚОДИР
таржимаси*

Яшар Камол яратган олам

Бадиий асарларда ҳаёт ҳодисалари ижодкорнинг эстетик принциплари, дунёқараши орқали ўтиб бадиий шаклга кириши маълум. Воқелик бадиий асарда «қайта ишланиб», маълум бир бадиий-эстетик концепция асосида ташкил қилингани туфайли турмушнинг ўзидагидан кўра таъсирчанроқ, жозибалироқ туюлади. Роман, қисса, ҳикоя, дoston, драмалардаги воқеалар жозибасининг асосий сабаби, аввало, қаламга олинаётган воқеалар марказида турган қаҳрамонлар билан боғлиқдир. Чунки ижодкор аслида ана шу қаҳрамонларнинг жонли, таъсирчан қиёфасини яратиш учун ҳаёт воқеаларини саралайди, танлайди, умумлаштиради. Турк адиби Яшар Камолнинг роман ва қиссаларида ҳам ёзувчининг худди шундай нияти аниқ сезилиб туради. У ўз идеалларини ифодаловчи қаҳрамонлар изтироб чекаётганини кўрсатаётганида уларга ачинишини ошкора билдиради. Инжа Мамад, Хадича, Сулаймон чол, Абди оға, Дели Дурди, («Инжа Мамад») Ҳасан, Эсма, Лутфи, («Илонни ўлдирсалар...»), Узун Али, Марямжа («Таянч устуни») каби қаҳрамонларига ёзувчининг муносабати аниқ билиниб туради. Адиб уларнинг баъзиларидан ибрат олишга чақиради. Лутфи, Абди оға, Дели Дурди сингариларга нисбатан эса нафратини яширмайди.

Қаҳрамонларни бу тарзда икки тоифага ажратиш ёзувчига ҳаётнинг мураккаблигини, ундаги зиддиятларни кўрсатиш имконини беради. Ижодкор турмушнинг ўзидаги «оқ» ва «қора» ранглар тўқнашувини гавдалантириш орқали турли-туман характерли кишилар қиёфасини намоён этади. Кишиларни шунчаки умумий тарзда эмас, балки муайян характер эгаси сифатида тасвирлаш бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусияти саналади. Яшар Камол ўз қаҳрамонлари фаолиятини батафсил, кунма-кун тасвирламайди. Агар эътибор берилса, «Инжа Мамад» романида бош қаҳрамоннинг ўн бир яшарлиги, йигирма ёшга кирганида илк бор кичик бир шаҳарчага бориши, у ердаги нарсаларни кўриб ҳаёт ҳақидаги тасавури кенгайиши, Хадичани олиб қочиши, қароқчиларга қўшилиши, икки-уч йил тоғларда яшаб юриши маълум қилинади. Хронологик жиҳатдан қаралса, романда Инжа Мамаднинг таржимаи ҳоли кунма-кун, ойма-ой кўрсатилмагани, ёзувчи қаҳрамони ҳаёт йўлидаги бурилиш паллаларига эътибор қаратгани, айна ана шу кезларда унинг дунёқарашида, онгу тафаккурида, ҳис-туйғуларидида қандай ўзгаришлар содир бўлганига диққат қилгани аён бўлади. Ҳасан («Илонни ўлдирсалар...») нинг ҳам болалиги, улгайиши, ўз онасини ўлдириб қўйиши ва қамоққа тушишигача кўрган-кечирган кунлари бирма-бир қаламга олинмайди. Қиссада Ҳасан яшаган муҳит ва ўз онасининг қотилига айланган ўғилнинг кўнглидан кечган ҳис-туйғуларни тасвирлаш асосий ўрин тутади. Инжа Мамад, Ҳасан сингарилар онгида муҳит таъсирида содир бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама ишонарли гавдалантирилади. Бу эса «Инжа Мамад» романи, «Илонни ўлдирсалар» қиссасига жозоба бахш этган, уларни қизиқарли бадиий асарга айлантирган.

Яшар Камол сингари адиблар ижодида ҳаёт ҳодисалари ҳаққоний кўрсатилгани, қаҳрамонлар қиёфаси жонли, таъсирчан гавдалантирилганини назарда тутиб, Фақир Бойқурт: «Яратган романларимиз зарур вақтларда сиёсатчиларга, тарихчиларга, ҳуллас, ҳаммага шу давр ҳақида, унда яшаган одамларнинг дунёқараши, қизиқарли, бир сўз билан айтганда характери тўғрисида фойдали, ишончли ҳужжат бўла олади», дейди¹.

¹ Naci F. Turkiyede roman va toplumsal degisme. – Istanbul : Gercek yayinevi , 1990.- S. 261.

Бундан аён бўладики, ёзувчи яратган қаҳрамон характерида даврнинг энг муҳим хусусиятлари, ундаги ижтимоий-ахлоқий маънавий ўзига хос жиҳатлар акс этади. Аммо бадиий асардаги барча персонажларда ҳам давр хусусиятлари, замона ўзгаришлари ёрқин намоён бўлавермайди. Масалан, роман, дoston сингари йирик жанрдаги асарлар сюжетда ўнлаб қаҳрамонлар номи тилга олинади. Лекин ҳаммасининг қиёфаси ҳам бир хил даражада кўрсатилмайди. Уларнинг айримлари асар воқеаларида бошқаларга қараганда фаолроқ иштирок этади. Бу қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, ўй-кечинмалари кенгроқ гавдалантирилади. Яшар Камол асарида ҳам ана шундай асосий қаҳрамонлар мавжуд. Масалан, Инжа Мамад, Абди оға («Инжа Мамад»), Ҳасан, Эсма («Илонни ўлдирсалар...»), Узун Али, Алиф, Марямжа («Таянч устуни») ўша асарларнинг асосий қаҳрамони саналади.

Аммо асар сюжети марказида турган ҳар қандай образ ҳам бадиий характер бўлолмайди. Тўғрироғи, асарларда асосий қаҳрамонлар образи бўлиши ва улар сюжет чизигининг бошидан охиригача иштирок этиши, лекин у бадиий характер даражасига кўтарилмаслиги мумкин. Бадиий характер яратилмаган асарлар эса жозибали, эстетик таъсирчан бўлмайди. Аристотель: «Инсон майлининг нимададир намоён бўлиши, кимнинг ниманидир афзал деб ҳисоблагани ёки ниманидир ёқтирмагани характердир. Шахс агар ўзининг гаплари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилса, характерга эга бўлади», дейди¹.

Ёзувчи бу қаҳрамонларни тайёр характер сифатида тақдим этмайди. Кишининг феъл-атвори, характери ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Адабий асар қаҳрамонлари характери билгилашда ҳам атроф-муҳит ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу боисдан Яшар Камол Инжа Мамад, Ҳасан каби қаҳрамонлари феъл-атворида ўзгаришлар юз беришида уларни қуршаб турган муҳит асосий ўрин тутганини таъкидлайди. «Мамаднинг кўзидан уйқу қочди. Миясини ҳар хил хаёллар чулғаб олди. Илгари эшитмаган кўп нарсалар ҳақида ўйлаб ётди. Энди унинг дунё ҳақидаги тасавури анча-мунча кенгайган эди. Дунё жуда ҳам катта экан, деган гапни кўнглидан ўтказиб қўйди. Тегирмонўлиқ қишлоғи назарида кичкина бир нуқтадек, баҳайбат Абди оға эса худди қумурсқадек туюлди. Шу онда Мамад умрида биринчи марта оламга тик қараётган бўлса ҳам ажаб эмас, эсини таниганидан бери энди фикр юритиши эди. Қалбида нафрат уйғонди, инсон боласи эканини тушунди, назарида ўз кадр-қиммати ошгандай бўлди. Ётган жойида у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб: «Абди оғаям бизга ўхшаган одам-да», деб қўйди»². Романда қаҳрамон характерида содир бўлган бундай жиддий ўзгариш сабаблари ҳам асослаб берилади. Инжа Мамад йигирма ёшида ўртоғи Мустафо билан бирга ўзи яшаган қишлоқдан унча узоқ бўлмаган жойдаги кичик бир шаҳарчага боради. Шаҳар кўчаларига тош ётқизилгани, у ерда хилма-хил молларга тўла дўконларнинг қўплиги, дўкондорларнинг уларга: «Хуш кўрдик, жаноблар, марҳамат! Нима истайсизлар?» дея тавозе билан муомала қилиши, карвонсарой, унинг ҳовлиси ўртасидаги симёғочга осилган фонуслар ҳайратга солади. Инжа Мамад ўзи учун шу пайтгача дунёдаги энг катта жой бўлиб туюлган қишлоғи жуда кичкина эканлигини англаб етади. Шаҳарни кўриши натижасида Мамад Абди оғадан қўрқмайдиган, чўчимайдиган бўлди. Тегирмонўлиқ — Мамад яшайдиган қишлоқ одамларида илгор фикр, шижоат ва жасорат етишмайди. Бу қишлоқнинг катта-ю кичиги Абди оғадан чўчиб, ҳайиқиб яшайди. Одамларнинг бундай чўчиб яшашига Абди оғанинг золимлиги эмас, балки уларнинг дунёқараши торлиги, қолоқлиги ҳам сабаб бўлади. Яшар Камол Инжа Мамад характеридаги ўзгариш шаҳарга бориш ва ундаги янгиликларни кўриш туфайли бошланганига эътибор қарагади.

«Инжа Мамад» романи қаҳрамони характеридаги бу жиддий бурилиш ҳам бирданига юз бермайди. Шаҳарга боргунига қадар у жуда кўп уқубат тартади. Мамаднинг кўнглида изтироб, аламлар йиллар давомида аста-секин йиғилиб боради. Шаҳарда кўрганлари унинг дилида йиғилиб ётган шу аламларни жунбушга келтиради. Қаҳрамон руҳиятида содир бўлган бундай

¹ Аристотель. Поэтика. (Поэзия санъати ҳақида). — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. — Б. 18.

² Kemal Y. Ince Memed 2. - Istanbul : Toros yayinlari, 1994. S 79.

ҳолат – фикрий ўзгаришни шу даражада аниқ кўрсатиш ёзувчи ўзи яратаётган образнинг қалб дунёсини жуда чуқур ҳис қилганидан далолат беради. Ёзувчи қаҳрамон характерида юз берган кескин ўзгаришларни ишқ-муҳаббат билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Жаҳон адабиётининг мумтоз асарларида ҳам қаҳрамонлар характерида, ҳаёт йўлида кескин бурилишлар рўй беришига кўп жиҳатдан уларнинг муҳаббати билан боғлиқ можаролар сабаб бўлгани қайд қилинади. Яшар Камол қаҳрамонлари характери, мақсад йўлидаги интилиши ҳам уларнинг ишқ-муҳаббати туфайли кучаяди. Бу йўлдаги тўсиқларни енгиб ўтиш жараёнида Яшар Камол қаҳрамонлари руҳан-маънан улғаяди, уларнинг иродаси тобланади. Ирода эса шахснинг ўзига хос характер эгаси сифатида намоён бўлишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Инсоннинг бирор бир ишни қила олиши аввало, унинг иродасига боғлиқ. Аристотель инсон табиатининг ана шу жиҳатини эътиборга олиб: «Шахс ирода йўналишини кўрсатувчи нарса унинг характерида белгилайди», деб ёзади¹. Яшар Камол асарларидаги қаҳрамонлар характерида белгилашда ҳам уларнинг иродаси, мақсад йўлидаги интилиши асосий ўрин тутаяди. Инжа Мамад кучли ирода эгаси, қатъий характерли қаҳрамон. Унинг ўзига хос характер эгаси сифатида намоён бўлишига муайян даражада унга қарши турган куч – Абди оға ҳам сабаб бўлади. Абди оғанинг зулми, зўравонлиги, ҳийла-найранглари Инжа Мамадни қатъиятлироқ бўлишга, дадил туриб, ўзини ҳимоя қилишга мажбур этади.

Яшар Камол асарларида табиат манзаралари тасвири алоҳида ўрин тутишини қайд этиш лозим. Адиб асарларидаги пейзаж тасвирининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у қаҳрамонлар характеридаги ўзгаришлар жараёни билан ўзаро боғлиқ ҳолда берилади. Бу билан ташқи оламда – табиатда кечадиган ҳодисалар ҳамда инсон руҳиятида содир бўладиган кечинмалар ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжудлигига ишора қилинади: «Оламдаги жамики нарса: уйлар, дарахтлар, тоғу тошлар, юлдузлар, ой ва ер – ҳаммаси зулматга чўккан. Ёмғир шивалаб ёғмоқда. Енгил, изгирин шамол турган. Узоқларда чақмоқ чақди. Зулматга чўккан тут шохлари бир зум ёришиб кетди. Мамад ҳам шу чақмоқ нуридан баҳра олгандек, таъби равшанлашди»². Қоронғи тунда узоқларда чақнаган чақмоқ нафақат зулматга чўккан тут шохларини, Мамаднинг онгини ҳам ёриштириб юборади. У шу кезде илк бора ўз шаъни учун курашга отланади, Хадичани олиб қочиб кетишга аҳд қилади. Зулматли тун кўйида чақнаган чақмоқ ўз қудрати билан теварак-атрофни ёритди. Унинг таъсирида дафъатан пайдо бўлган фикр эса Мамаднинг тақдир, қисматида кескин бурилиш ясади. Мамаднинг қоронғилик – кўрқув қоплаб ётган онги табиатнинг шу бир ҳодисаси билан баравар ёришади.

Хулоса қилиб айтганда, адиб қаҳрамонлар характерида белгилувчи, уларнинг мақсад, интилишларини йўналтирувчи воқеа-ҳодисаларни асар сюжети марказига қўяди. Сюжет тизимидаги барча воқеаларни қаҳрамон характеридаги устувор жиҳатларнинг шаклланишига бевосита алоқадор қилиб кўрсатади. Яшар Камол асарларидаги қаҳрамонлар характери ҳаёт ҳақиқатига мос келиши, хатти-ҳаракатларининг табиийлиги, жонлилиги билан эътиборни жалб қилади; китобхонни тўла ишонтиради. Ёзувчи яратган қаҳрамонлар характерида ўзига хос индивидуал хусусиятлар ва уларнинг дунёқарошига хос умумий жиҳатлар ўзаро бириккан ҳолда намоён бўлади. Яшар Камол асарлари ҳаёт ҳақиқатини, инсон табиати мураккаблигини ана шу тарзда теран кўрсатиши билан эътиборга лойиқдир.

*Лола АМИНОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти
Туркийёт кафедраси доценти*

¹ Аристотель. Поэтика. (Поэзия санъати ҳақида). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – С. 60

² Kemal Y. Ince Memed 2- Istanbul : Toros yayinlari , 1994. - S.95).

Янги тадқиқот

Сурендр Гопал. Марказий Осиё ва Ҳиндистон.
Диалог ва ўзаро бир-бирини англаш.
Колката, 2005. (инглиз тилида).

Марказий Осиё ва Ҳиндистон алоқалари ҳар доим ҳинд олимларининг диққат марказида турган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Сўнгги йилларда собиқ Иттифок ўрнида қатор мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан икки минтақа ўртасидаги алоқаларда янги давр бошланди. Хусусан, Ҳиндистондаги Марказий Осиёни тадқиқ қилиш марказлари, уларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимларнинг шундай алоқаларга оид янги монография ва тўпламлари дунёга келди.

Ҳиндистонда кўзга кўринган тарихчи олим, Марказий Осиё бўйича йирик мутахассис Сурендр Гопалнинг “Марказий Осиё ва Ҳиндистон. Диалог ва ўзаро бир-бирини англаш” (2007 йил) рисоласи ҳам айнан шу мавзуга бағишланган.

Ушбу тадқиқот Ҳиндистондаги Колката шаҳрида жойлашган Мавлоно Абул Калом Озод номидаги Осиё тадқиқотлари институтида амалга оширилган ва шу институт томонидан чоп этилган.

Асар муқаддима, 5 та боб, библиография ва кўрсаткичлардан иборат бўлиб, ҳажми 194 бетни ташкил қилади.

Муаллиф ўз тадқиқотида шу мавзуга оид кўплаб манбалардан фойдаланган. Жумладан, Ҳиндистонда чоп этилган монографиялар, илмий журналлар ва газеталарда чоп этилган мақолалар, Россия ҳамда Марказий Осиё тарихчи ва шарқшунос олимлари томонидан ёзилган илмий асарлар, тўплам ва мақолалар қамраб олинган. Асар “Марказий Осиё ва Ҳиндистон” деб номланса-да, унда асосий эътибор Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларига қаратилган. Тадқиқот объекти даврларга бўлинган ва тадрижий хусусиятга эга.

Китобнинг биринчи бобида XX асрнинг биринчи ярми ва иккинчи ўн йилликларида (1900-1920) ҳиндистонлик турли соҳа вакилларининг Марказий

Осиё, асосан Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ва бу ерда олиб борган фаолиятлари аниқ факт ва манбаларга асосланган ҳолда таҳлил қилиб берилган.

Маълумки, XIX аср охири ва XX аср бошларида Ҳиндистон ҳам, Марказий Осиё ҳам мустамлакачилар ҳокимияти қўл остида ҳаёт кечирар, ҳар иккала минтақадаги сиёсий ҳамда ижтимоий вазият ниҳоятда мураккаб бўлиб қолмоқда эди.

Ҳинд муҳожирлари Марказий Осиё ҳудудларига асосан Шарқий Туркистон ва Афғонистон орқали кириб келганлар. Ҳиндистонлик муҳожирларнинг кўпчилигини савдогарлар ташкил этган. Ҳинд муҳожирларининг энг кўп қисми Бухоро ҳудудларида фаолият олиб борган.

XX асрнинг 20-йилларигача Туркистон ва Бухоро хонликларида ҳинд савдогар ва судхўрлари фаолияти мустамлака ҳокимияти томонидан анча чеклаб қўйилган эди. XX аср бошларида денгиз бандаргоҳларининг (Қора денгиз, Каспий денгизи) очилиши ҳам темир йўллар қурилиши Оврўпо ва Россиядан саноат молларининг Марказий Осиёга кириб келишини анча осонлаштирди. Оврўпода техника ҳам анча ривожланган бўлиб, у ердаги фабрика ва заводларда ишлаб чиқарилган молларнинг таннархи Ҳиндистон ва бошқа Жанубий Марказий Осиё мамлакатларидан келтириладиган тайёр маҳсулотлардан бирмунча арзон ва сифатли эди. Натижада, ҳинд савдогарларининг товар олиб келиб, Туркистон ҳудудларида савдо қилиши анча қийинлашди ва ўз-ўзидан мол олиб келиш ҳам сусайди. Савдогарлар сони камайиб, асосан судхўрлар фаолият олиб борар эдилар. Ҳинд савдогарларининг бир қисми энди Россия ва Оврўпога молларини Туркистон ўлкаси ва Бухоро хонлиги ҳудудларида

сотишда воситачилик ролини ўйнай бошладилар, холос. Мустамлака ҳукумати ҳинд муҳожирларининг Россия тасарруфида бўлган ерларда ер, мол-мулк сотиб олишига рухсат бермай қўйганлиги ҳамда боғхона тўловларини ҳам ошириб юборилгани рисолада алоҳида таъкидлаб ўтилади. Энди ҳинд муҳожир ва савдогарларининг кўпчилиги Шарқий Туркистон ва Афғонистонга кўчиб ўтишга мажбур бўлган.

1917 йилда Россияда инқилоб юз бериши билан “Туркистон ўлкаси ва Бухоро хонлигида ҳинд савдогарларининг фаолияти бутунлай тўхтади ва бу нарса тарихга айланиб қолди”, — деб ёзади асар муаллифи.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида 1917-1922 йилларда Тошкентда фаолият олиб борган ҳинд муҳожирларидан ташкил топган, Ҳиндистонни инглиз мустамлакачилари зулмидан озод қилишга бел боғлаган ватанпарварлар фаолияти ҳам ёритиб берилган. Бироқ бу ватанпарварлар олиб борган фаолият ҳеч қандай натижа бермагани яши маълум.

Шундай бўлса-да, вазият ниҳоятда кескин тус олмоқда эди. Ҳиндистонда инглизларга қарши ҳаракатлар авж олган, учинчи инглиз-афғон уруши (1919 йил, май) бошланган бўлиб, бундан инглиз колониал ҳокимияти анча ташвишга тушиб қолган эди. Шу боис у Шимолий Кавказ ва Каспий денгизи томонидан таҳдид солишга ўтди. Бу хавфнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар ҳинд муҳожирлари ва ватанпарварлари билан музокаралар олиб борди. “Россия раҳбарларининг маркази Тошкентда бўлган ҳинд инқилобчиларини қўллаб-қувватлашдан мақсад Англиянинг бу давлатга бўлган таҳдиди олдини олиш ҳамда ҳиндларнинг озодлик курашига ёрдам беришдан иборат эди” — деб таъкидлайди муаллиф.

Асар муаллифи 1920 йилларнинг иккинчи ярмидан 1940 йилгача ҳам ҳинд муҳожирларининг бир қисми Марказий Осиё республикаларида яшаб, фаолият олиб боргани, кичик дўконлар ёки майда устaxonалар очиб, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлагани тўғрисида сўз юритади.

Юқоридаги воқеалар жараёнида Ҳиндистоннинг Марказий Осиё республикаларига ҳудудий яқинлиги бу ерда, асосан Тошкентда ҳиндшунослик маркази вужудга келишига туртки бўлди. Албатта, бу бирданига бўлмаган. Иккинчи жаҳон урушига қадар Тошкент фақатгина Ҳиндистон-

да содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ахборот бериш ва шарҳлаш маркази бўлган, холос. Аслида ихтисослашган бирорта олий ўқув юрти ҳам, Ҳиндистонни яши биладиган мутахассис ҳам бўлмаган. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг ахвол тубдан ўзгарди. Москвадаги ҳиндшунослик билан шуғулланадиган бўлим Тошкентга кўчирилди.

Ўзбекистонда шарқшуносликни, хусусан, ҳиндшуносликни ривожлантириш жараёнлари мазкур асарнинг 3-4 бобларида атрофлича таҳлил қилинган.

Аста-секин Тошкентни Шарқшунослик марказига айлантириш гоёси пайдо бўлди. Бу борада Ҳиндистон маданиятини чуқурроқ ўрганишга аҳамият берилди. Ҳиндистоннинг мустақилликни қўлга киритган (1947 йил) кундан у жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланди ва дўстона алоқалар ўрнатишга киришилди. Бу борада муаллиф талай мисоллар ва далиллар келтиради.

Ҳиндистон давлати ва ҳукумат раҳбарлари Ўзбекистонга қилган дўстона сафарлари чоғида бу ерда ҳиндий тили, адабиёти, тарихи, фалсафаси, маданияти атрофлича ўрганилаётганига шохид бўлдилар.

Китобнинг “Интеллектуал алмашинувлар. Марказий Осиёда 1950-1991 йиллардаги ҳиндшунослик тадқиқотлари” деб номланган тўртинчи боби алоҳида аҳамиятга молик. Бунда Ўзбекистонда ва, умуман, Марказий Осиёда ҳиндшунослик фанининг юзага келиши ва ривожланишига тааллуқли қимматли маълумотлар келтирилади. Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошларида куртак очган ҳиндшунос рус олимлари А.И.Вигорницкий, И.П.Ягелло, кейинчалик И.М.Рейснер, А.М.Дьяков, К.А.Антоновалар томонидан ривожлантирилди. Муаллиф фикрича, 50-йиллардан бошлаб, шарқшунослик аъёналари яна тикланиш даврига кирди.

1957 йилда ва 1960 йилда Москвада ўтказилган Жаҳон Шарқшунослари Конгрессларида ўзбек ҳиндшунослари ҳам иштирок этдилар.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида ўзбек ҳиндшуносларидан истеъдодли олимлар Р.Ҳ.Фуломов ва Н.И.Исмоилова, Т.Х.Холмирзаев ўзларининг юқори савиядаги илмий тайёргарликларини намойиш этдилар.

Китобнинг яна бир муҳим ютуғи сифатида Ҳиндистонни ҳар тарафлама ўрганиш бобида ўзбек ҳиндшунослари билан бир қаторда етук шоир ва ёзувчиларининг фидойилиги таъкидланган. Фафур Фулом, Зул-

фия, Уйғун, Ойбек, Шароф Рашидов, Эркин Воҳидовлар Ҳиндистонга бағишлаб талай асарлар ёздилар, “Ўзбек маданият кунлари Ҳиндистонда” ва “Ҳинд маданияти кунлари Ўзбекистонда” мавзуида анжуманлар ўтказилди, қатор ҳинд ёзувчи ва шоирлари, жумладан, Робиндранат Тҳокур, Кришан Чандар, Аҳмад Аббос, Яшпал, У.Ашқ, Амритлал Нагар, С.К.Чаухан, Али Сардор Жаъфарий, Илчандр Жўший, Вишну Прабхакар, Амрита Притамларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, ўзбек халқининг маданий мулкига айлантирилди.

Сурендр Гопал ўз китобида “Темуррийлар мероси хусусидаги изланиш” рукни остида алоҳида бир бўлим ажратган. Унда машҳур ўзбек олимларидан Асомиддин Ўринбоевнинг Абдураззоқ Самарқандийга бағишланган илмий тадқиқотларини, Сабоҳат Азимжонованинг Бобур ва Гулбаданбегим ҳақидаги ўлмас асарларини эъзозлаб, ўзбек-ҳинд дўстлигининг дурдоналари дея таъриф берилади.

С.Гопал Ўзбекистонга қилган илмий сафари чоғида, айниқса, ўзбек олимлари томонидан ёзилган тадқиқотлар, илмий адабиётлар кўмагида шундай батафсил маълумотлар тўплашига муваффақ бўлганини мамнуният билан қайд этади.

Китобнинг сўнгги 5-боби 1991 йилдан кейинги, яъни Ўзбекистоннинг муस्ताқиллик йилларига бағишланган.

1991 йилдан кейин ушбу минтақада вужудга келган вазият ҳинд сиёсатдонлари олдида қатор масалалар, яъни минтақада ядровий қуролларининг тарқалиб кетиш хавфини бартараф этиш, янги, суверен давлатларда миллатчилик ва панисломизм ғоялари пайдо бўлишига йўл қўймаслик каби муаммолар бўйича аниқ фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилгани айтиб ўтилган.

Муаллиф Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг асосий қисмини муслмонлар ташкил қилиши ва бу ерда коммунистик мафкура инқирозга учрагани сабабли мафкуравий вакуум ҳосил бўлган вазиятдан фойдаланиб, ислом фундаментализмига асосланган

диний экстремистик ғоялар кириб келиши хавфи пайдо бўлганлигига эътиборни қаратади.

Марказий Осиё давлатлари энергетика ресурсларига, энг аввало, нефт ва газ захираларига бойлиги ва Ҳиндистонда шу нарсаларга эҳтиёж катта эканлигини ҳисобга олганда, бу соҳада икки минтақа ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятлари бор.

Мазкур бобда Марказий Осиёда 90-йилларда терроризм ва диний экстремизмнинг пайдо бўлиши, уларнинг олиб борган бузғунчилик фаолиятлари ва хавфсизликни таъминлаш йўлида Ўзбекистон ва бошқа республикаларда амалга оширилган чора-тадбирлар батафсил таҳлил қилинади.

Муостақиллик йилларидаги Марказий Осиё билан Ҳиндистоннинг иқтисодий алоқалари масалаларини ёритар экан, муаллиф ўз эътиборини савдо йўлларида қаратади. Марказий Осиё давлатларининг денгиз бандаргоҳларига чиқиши, Покистон ва Афғонистон орқали ўтган йўллارни очиш ҳамда бу масаладаги қийинчиликлар ва муаммолар тўғрисида фикр юритилади. Китобда Покистон ва Афғонистон орқали Ҳиндистон ҳудудига ўтиш муаммо бўлиб қолаётгани тўғрисида Ҳиндистон томони Эрон билан келишган ҳолда Араб денгизи орқали Чорбахор портидан фойдаланиши мумкинлигини ва шу каби бошқа йўллардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги айtilган. Шу билан бирга Ҳиндистон компаниялари ва ишбилармон доираларининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилиши масалалари ва шу йўналишда амалга оширилган баъзи ишлар бўйича мулоҳазалар илгари сурилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, С.Гопалнинг мазкур китоби Ҳиндистон ва Марказий Осиё алоқалари тарихини ўрганиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ундаги айtilган фикр ва мулоҳазалар ҳолисона тадқиқот натижаси бўлиб, ўзининг изчиллиги ва илмийлиги билан ажралиб туради.

Озод ШОМАТОВ,
профессор
Бахтиёр ОБИДОВ,
тарих фанлари номзоди

Коса тагида нимкоса...

(Қўлбола ҳикматлар)

Ҳикматлар қадимдан мавжуд ва улар турличадир. Замона зайли билан ҳикматларнинг янгича тури, айтиши мумкинки сатирик адабиётнинг янги жанри пайдо бўлди. Гоҳо ним табассум, гоҳо аччиқ заҳархандага йўғрилган, қисқа, таъсирчан, мўлжалга беҳато урадиган бундай қўлбола ҳикматларнинг доимий ижодкорлари ва муҳлислари майдонга чиқди. Бундай битиклар шунчаки сўз ўйини ёки оддий ҳазил-мутойиба эмас, албатта. В.Маяковский, Э.Кроткий, М.Светлов каби машҳур кишиларнинг ҳозиржавоблик билан айтган ўткир ҳазиллари оғиздан-оғизга кўчиб юриши бежиз эмас.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган қўлбола ҳикматлар Дон-Аминадо, Илья Ильф, Эмиль Кроткий, Цаль Меламед қаламига мансуб бўлиб, «Афористика ва карикатура» китобидан (Москва-2006) олинди.

Журналхон бу «нимкоса» гапларни шошилмай ўқиб чиқиб, олам-олам завқ-шавқ олиши шубҳасиз.

ДОН АМИНАДО

- Отишма — фикрни масофадан узатиш.
- Сочлар худди дўстларга ўхшайди: оқаради ва сийраклашади.
- Инсониятни истаганингча севавер, аммо жавоб севгисини кутма.
- Агар дунёдан ўтганимиздан кейин биз ҳақимизда нима деб гапиришларини билсак эди, аллақачон яшамаган бўлардик.
- Афсонавий ҳаёт учун ҳам ўлимдан бошқа яқунни ўйлаб топиб бўлмайди.
- Сенга умрбоқийлик ҳақида гапиришаётганда соатингга қарайверма.
- Янгича ҳаётни душанбадан бошлаган маъқул.
- Ақлли одам алоҳида ажралиб туриш учун атрофига аҳмоқларни тўплайди.
- Барвақт қариб қолиш кечиккан ёшликчалик хавфли эмас.
- Оилавий ҳаётни ҳеч нарса шахсий котибачалик барбод қила олмайди.
- Ўзингдан кетганингда қайтиб келишни унутма.
- Чинакам дўстлик изҳори дил учун эмас, тинглаш учундир.
- Иқтибослар фақат бегона фикрни ифодалаб қолмай, ўзингнинг яланғоч фикрингни ҳам хаспўшлайди.
- Гийбат — меҳмондўстлик учун тўлов.
- Охиригача айтилмаган фикргина эслаб қолишга арзийди.
- Ўликдан нусха кўчириш тирикнинг ниқобини олишдан кўра осон.
- Уйқусизликдан азоб чекмаган одам ўзининг таржимаи ҳолини билмайди.

- Севги қоидаси: муқаддима қанча узун бўлса, ишқий саргузашт шунча қисқа бўлади.
- Доҳийлар халқдан чиқади, аммо унга қайтмайди.
- Эркаклар шунчаки, аёллар эса кўзда ёш билан ёлғон сўзлайдилар.
- Илтифотли, ҳамиша ёрдамга шай одамларнинг битта камчилиги бор: уларни уйидан топиб бўлмайди.
- Биттаси хуррак отганда иккинчиси эшитмайдиган никоҳ бахтли никоҳдир.
- Ҳар бир одам ҳақида роман ёзиш мумкин, лекин ҳамма одам ҳам таъзияномага арзийвермайди.
- Ёзувчилар машҳурлар, машҳур бўлмаганлар ва бедарак йўқолганлар тоифасига бўлинади.
- Икки хил йўл орқали — ақллилар ёки аҳмоқлар билан ҳамтовоқ бўлиб ҳаётингни дўзахга айлантиришинг мумкин.
- Севгида учта тиниш белгиси бўлади: ундов, кўп нуқта ва нуқта.
- Севги абадий бўлиши учун совуққонлик икки томондан бўлиши лозим.
- Энг катта фил ватанини жимгина соғинади, энг кичик шоир эса ҳаммаёққа аюҳаннос солади.
- Содда болаларни лайлақлар олиб келади, ҳамма нарсани билишга қизиқадиган болалар ўзлари туғиладилар.
- Бўш қорин билан тўлақонли ҳаёт кечириш қийин.
- Жимгина гуноҳ қилиш мумкин бўлганда бақириб тавба қилишнинг нима ҳожати бор?
- Хотин иқлимни яратади, эр эса об-ҳавони белгилайди.
- Ўта ақлли бўлиб кўриниш учун узоқ хўмрайиб туриш керак.
- Яшаш учун ҳеч қандай натижа бермайдиган кураш гоёвий курашдир.
- Ҳайкал учун қаҳрамон, уни алмаштириш учун эса оломон керак.
- Ёрдам қўлини чўзаётганда уни муштга айланторманг.
- Эшикни тарақлатиб ёпишдан олдин унинг тарақлашига ишонч ҳосил қил.
- Ўз сўзининг хўжайини бўлишдан кўра гоёнинг қули бўлиш осонроқ.
- Ўтмишдошларни деворга, замондошларни эса дуч келган жойга осадилар.
- Давлатманд ёзувчилар чойчақа, камбағалроқлари эса интервью берадилар.
- Ўтмиш афсонага айланганда замона бемаъниликка юз тутаети.
- Сўз билан хафа қилиш, луғат билан эса майиб қилиш мумкин.
- Ҳар бир ароқхўр болалигида сутхўр бўлган.
- Ишонч мустақкам бўлиши учун алдов узоқ давом этиши лозим.
- Агар Диоген ўз вақтида уйланганда эди, бочкагача етолмасди.

ИЛЬЯ ИЛЬФ

- Почтачига ўчакишиб ўзига беҳисоб хатлар ёзди.
- Ёлғончилар мусобақасида тўғри гапни айтган одам биринчи ўринни олди.
- Ботир бўлиш буюрилди.
- У подшо ҳузурига ташриф буюрмоқчи бўлди. Бундан хабар топган подшо тахтидан воз кечди.

● Ҳозирча биронта йўловчи автомашинани босиб кетгани йўқ, аммо шунга қарамай негадир машина эгалари норози.

ЭМИЛ КРОТКИЙ

- Ҳар хил усулда сузадилар, бир хил усулда чўкадилар.
- Донишмандлар ва тиш дўхтирлари илдиизга қарайдилар.
- Уни истъёдоддан маҳрум қилиб бўлмасди : чунки истъёдоднинг ўзи йўқ эди.
- Ҳатто ёмон кишилар тўғрисида ҳам яхши китоблар ёзиш керак.
- Эҳтиёткор муҳаррир ҳатто кўпайтириш жадвалини ҳам баҳс рукнида чоп этади.
 - Трамвай ҳайдовчиси янги йўл қидирса, вагонлар издан чиқиб кетади.
 - Ҳайкалтарош мраммардаги ўз хатосини мангуликка муҳрлаб қўйди.
 - Ҳеч бир масалада масъулиятни зиммасига олмасди. Ҳатто ер айланади деса ҳам, «Коперникнинг фикрича» деб қўшиб қўярди.
 - Адабиётга худди имло хатосидек кириб олди.
 - Соат занжирбанд бўлса-да, вақт югурик.
 - У кек сақламасди : бошқаларга қилган ғаламислигини унутворарди.
 - Қўшнисидан ташқари бутун инсониятни севарди.
 - Яхши ёзувчи ўзини тушунмасликларидан қўрқади, ёмони эса тушуниб қолишларидан ҳадиксирайди.
 - Электр лампочкасининг ҳаёти ҳамиша қил устида.
 - Нуқтаи назарини ҳадеб ўзгартираверганидан у кўпнуқтага айланиб кетганиди.
 - Егулик қўзиқорин панада, заҳарлиси эса очиқ кўриниб туради.
 - Унутилган фикр ҳамиша аҳамиятли туюлади.
 - Тушини яхшироқ кўриш учун кўзойнак тақиб ухларди.
 - Дарз кетган ойнадан қараётган одамга дунё парчалангандек туюлади.
 - Микроскоп катталаштириб кўрсатганда микроблар хавфли бўлиб қолмайди.
 - Юлдузлар кўкларга кўтаришга муҳтож эмас.
 - Яхши ҳикоя қисқа бўлгани, ёмони — янада қисқа бўлгани маъқул.
 - Юрак қони билан ёзиш керак. Бегонанинг эмас, ўз юрагинг қони билан.
 - Одам аҳмоқлик ҳолатида худди куядори сепилган пўстиндай сақланади.
 - Никоҳ — икки хил асаб тизимининг тинч-тотув яшашидир.
 - Пьесада ва залда бўш жойлар кўп эди.
 - Акс-садо ҳам жавоб беради, аммо ўзи учун эмас.
 - Шахматдаги от ҳам қоқилиши мумкин.
 - Тузланган балиқ сувни соғинмайди.
 - Бунақа башарага фақат шапалоқ ярашади.
 - Ҳеч нарса ўқимасди. У китобхон эмас, ёзувчи эди.
 - Санчо Пансо билан бирга адабиётга унинг эшаги ҳам кирган.
 - Балет — қарлар учун опера.
 - Ҳаёт — мактаб, аммо уни тугатишга ошиқмаслик керак.

- Эри шу қадар рашкчи эдики, ҳатто бегона эркакларнинг тушига киришига ҳам изн бермасди.
- Сувга кўпчилик сакрайди. Камдан-кам одамгина ундан қуруқ чиқади.
- Ҳаётида «Чин сўзим!» дея кўп марта ваъда бергани учун охири чин сўзнинг ўзи қолмаганди.
- Конфликтсизлик назариясини астойдил ҳимоя қиларкан, ҳамма дўстлари билан жанжаллашиб қолди.
- Шишадан ташқари ҳеч кимнинг бўғзидан олмасди.
- Жиддий кўринишдан кўрқиб ҳазил қиларди. Йиглавормаслик учун қуларди.
- Ўз хотинига хушомад қилиш унинг учун худди қовурилган қушни овлашдай бемаъни туюларди.
- Тоғларни ундан юксак бўлгани учун ёқтирмасди.
- Унинг калласи қабул соатларидан ташқари келган фикрларни қабул қилмасди.
- Калланг билан тўпни қайтараётиб буни ақлий меҳнат деб ҳисоблама.
- Севгида ва кинода у фақат қисқа метражлисини тан оларди.
- Ҳамма уни чўчқа дерди, аммо иштаҳа билан ейишарди.
- Бир умр ўзини ковлаштирди, аммо бу қазिशмалар ҳеч қандай натижа бермади.
- Тарихчилар ва сатириклар учун ҳамма нарса ўтмишда бўлади.
- Агар одамлар айтадиган гапи бўлгандагина сўзласалар эди, бу дунёни ваҳимали сукунат чулғаган бўларди.
- Ер ҳақиқатан ҳам айланади, аммо шахсий ҳаётда буни ҳисобга олмаса ҳам бўлаверади.
- Ҳақ бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Ўз вақтида ҳақ бўлиш керак.
- Хоним музқаймоқ каби совуқ эди, музқаймоқ каби осон эрирди.
- Хоним трамвайда жой бўшатишганда хафа бўларди.
- Булбулни масал билан боқмайдилар, китобхонни эса бўкиб қолгунча тўйдирадилар.
- – Мен юз граммдан ортиқ ичмайман, аммо юз грамм ичгач, мен бошқа одамга айланаман, ана ўша одам кўп ичади.
- Ҳаётдан орқада қолмаслик учун ҳамма дафн маросимларида қатнашарди.
- Сичқонқопқон эмас, эркакқопқон.
- Шухрат ўлимга ўхшайди: одамни яқинларидан жудо қилади.
- Уйқудори ичишни унутиб ухлаб қолди.

ЦАЛЬ МЕЛАМЕД

- Ҳаётдан ҳамма нарсани олгач, уни қашшоқликда айблама.
- Гулханда ёқилганлар Прометейни алқашмагандир.
- Услуб бировники, аммо имлоси ўзига хос.
- Денгиз тиззасидан келар, балчиқ эса бўйи баробар эди.
- Бир умр ўзини шуҳратнинг синовига тайёрлаб борди, аммо имтиҳон бўлмади.
- Яхши шоирани мақтаб қўйишади, жуда яхшиларини чоп этишади.
- Вақт ажинлардан ташқари ҳамма нарсани силлиқлайди.

- Ҳақиқатни шу қадар қадрлардики, ундан ҳеч қачон фойдаланмасди.
- Шу қадар тушунарсиз ёзардики, уни даҳо дейишларига сал қолди.
- Ҳаётда янгичасига яшаш фақат мемуарларда насиб этади.
- Баҳсларда фақат ҳақиқат эмас, гурралар ҳам пайдо бўлади.
- Ялқов одамга илҳом париси ҳам ортиқча юк.
- Қалб бойлигидан солиқ олинмайди.
- Руҳий озуканинг фақат битта камчилиги бор, у газак бўлмайди.
- Олийжаноблик ва юморни сарф қилмасдан туриб сақлаб бўлмайди.
- Тараққиёт аломати: илгари таҳқирланиш қон билан, эндиликда эса сиёҳ билан ювилади.
- Ҳеч нарса рақибнинг ожизлигичалик куч-қудрат ато этмайди.
- Катталар эртаси ҳақиқатга, болалар эса аксинча — ҳақиқатни эртаси айлантирадилар.
- Хотиндан маошдан ташқари ҳамма нарсани яшириш мумкин.
- Сенга тақлид қилувчига танбеҳ бераётиб холислик қил: унинг диди чакки эмаслигини писанда қилиб қўй.
- Роман қаҳрамони асар муаллифидан кўра ақлироқ бўлмайди.
- Душманларини кучоғида, дўстона бўғиб ўлдирарди.
- Агар юбилейлар ўйлаб топилмаганда эди ажойиб одамларнинг сони анчага қисқариб кетган бўларди.
- Айрим шеърлар тушга ўхшайди : уларнинг таъбирини топишга тўғри келади.
- Удалаш ўта мушкул вазифа : ўз қиёфани бўлажак таъзияномага мослаш.
- Фақат таржимадагина ўзига хос жаранглайдиган шеърлар бўлади.
- Оилавий ҳаёт гоҳо одамни шу қадар тоблайдик, оқибатда у нариги дунёдаги ҳаётдан кўрқмай қўяди.
- Классиклар буйруқ билан тайинланмайди.
- Бошқаларнинг юрагини забт этиш босқинчилик ҳисобланмайди.
- Ниқобсиз таниб бўлмайдиган одамлар ҳам бўлади.
- Вақт шу қадар қадрсизки, ҳатто уни ўғирлаш жазоланмайди.
- Сўзбоши шу қадар батафсил эдики, романнинг ўзини чоп этмасликка қарор қилинди.
- Романнинг мақсади маълум, фақат унинг мазмуни мавҳум эди.
- Троя отининг қорни бўм-бўш бўлганда эди, тарихда айтарли рол ўйнамасди.
- Илҳом манбаи ҳамиша шухратга чанқоғликни қондиролмайди.
- Соғлом ақл устидан қозонилган ғалабани овоза қилмайдилар.
- Ёрдамнинг унга муҳтож бўлмаганларга таклиф қилиш мароқлироқ.
- Ҳақиқат уятдан ўгирилиб олса, унинг кўзига қандай қарайсан?
- Ҳайратланарлиси — яхши одам ҳар бир одамдан яхшилик, ёмон одам эса қабохат қидирганида эмас. Ҳайратланарлиси — ҳар иккиси қидирганини топганида.
- Шунақа орзулар ҳам бўладик, уларнинг рўёбга чиқмаганини олқишлаш мумкин.
- Ўзингдаги ҳайвонни отиш учун лицензия шарт эмас.

- Ҳисоб-китоб қанчалик совуқ бўлса, изҳори дил шунчалик иссиқ бўлади.
- Бўридан қўрққанлар мультфильм кўришмайди.
- Эгизаклар ҳаётда қувонч бахш этади, аммо санъатда эмас.
- Ҳамминг ички дунёси бор, аммо айримларнинг дунёсида яшаб бўлмайди.
- Узоқни кўра оладиган киши кучли одамни ҳали заифлик пайтида мақтаб қўяди.
- Ўз шажаранг билан фахрланаркансан, авлодингни ҳам шундай имкониятдан маҳрум қилма.
- Узоқ мўлжалга олган одам камдан- кам мўлжалга уради.
- Виждон билан тузилган битим нотариусда тасдиқланмайди.
- Айрим романлар бор-йўғи эпиграфга илова, холос.
- Қанақасига қўйлар ҳам бутун, бўриям тўқ бўларкан?.. Демак, чўпонни еб қўйишган.
- Сир – ҳаммага маълум бўлган, аммо шивирлаб айтиладиган нарса.
- Думнинг йўқлиги айримларни думини ликилллатишдан маҳрум қилолмайди.
- Атрофдагиларга юқоридан қарагани учун фақат жирафани кечирса бўлади.
- Қўрқоқлар олға кетишдими?.. Демак, душман орқадан ҳужум қилган.
- Одамни елкасига қоқиш билан ҳам эгиб қўйиш мумкин.
- Яхшиликнинг ёвузлик билан олишувида ҳамиша ҳам вазн тоифасига амал қилинавермайди.
- Дўст қидир, ҳамшишалар ўзи топилади.
- Кўкрагига муштлаётган одам нокаут бўлмайди.
- Столга муштлашини Морзе алифбосини ўрганаётгани билан изоҳларди.
- Фикрларини васият қиларкан, авлодини қашшоқликка маҳкум этди.
- Шон-шуҳратда чўмилиш ҳаммомнинг ўрнини босолмайди.
- Одамни характер эмас, характеристика безайди.
- Ҳаёт, шубҳасиз, ажойиб муаллим, аммо унинг сабоқлари учун жуда қиммат туради.
- Гигиенага риоя қилгани учунгина ёрдам қўлини чўзмасди.
- Шифобахш балчиқ касалликдан, ҳаётдагиси эса хом хаёллардан халос этади.
- У тўнкаликка тўнка, аммо илдири бақувват эди.
- Олим билан тентак орасидаги фарқ жуда оддий: биринчиси кўп нарсани билмайди, иккинчиси ҳамма нарсани билади.

*Русчадан
Шодмон ОТАБЕК
таржимаси*